https://interscience.uz/
ISSN 2181-1709 (P)
ISSN 2181-1717 (E)
SJIF: 3,546 (2020)

2022/№ 9

# ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР

# ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

# EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-МЕТОДИК ЖУРНАЛ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND METHODICAL JOURNAL

**ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР**
**ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ**
**EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH**

***№ 9, 2022***
***сентябрь***

Муассис:
Бухоро давлат университети
Фан ва таълим МЧЖ

Бош мухаррир: Маъмуров Баҳодир Бахшуллаевич

Жамоатчилик кенгаши раиси:
Хамидов Обиджон Хафизович,
Бухоро давлат университети ректори

Таҳририят кенгаши раиси:
Махмудов Мэлс Ҳасанович

Масъул котиб: Акрамова Гулбаҳор Ренатовна

Техник мухаррир: Давронов Исмоил Эргашевич

Таҳририят манзили:
Бухоро шаҳар,
Қ.Муртазоев кўчаси, 16-уй

Телефон:
+998(90)744-00-22

E-mail:
eirjurnal2020@gmail.com

Журналнинг электрон сайти:
www.interscience.uz

Журнал ОАК Раёсатининг 2021 йил 30 сентябрдаги 306/6-сон Қарори билан ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ФИЛОЛОГИЯ, ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар руйхатига киритилган

Босишга рухсат этилди: 30.09.2022 й.
Қоғоз бичими 60x84 1/8. б/т.12,5.
Буюртма рақами 12
«FAN VA TA'LIM» нашриётида чоп этилди. Бухоро шаҳар

Журнал 28.07.2021 йилда 9305 рақами билан Ўзбекистон Оммавий ахборот воситалари давлат рўйхатидан қайта ўтган

Журнал 2020 йилда ташкил топди ва 2 ойда 1 марта чоп этилди. 2021 йил ноябрь ойидан бошлаб хар ойда 1 марта ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилади

«Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро илмий-методик журналидан кўчириб босиш таҳририятнинг розилиги билан амалга оширилади

Мақолада келтирилган фактларнинг тўғрилиги учун муаллиф масъулдир

| **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ** | |
|---|---|
| Хаитов Ш. А. Латифхўжа Қосимхўжаев – Бухоро тадбиркорларининг таниқли вакили ва ҳомийси | 7 |
| Амонова Ф. С. Бухорода банклар фаолияти (XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярми) | 12 |
| Очилов А. Т.Бухоро воҳасида олиб борилган илк археологик тадқиқотлар | 20 |
| Абдурасулов Х. Базары Туркестана или где Запад встречается с «Востоком» | 30 |
| Худайбердиева Г. Х. 1920-1990 йилларда Ўзбекистондаги маданий жараёнлар (Сурхондарё мисолида) | 37 |
| 10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ | |
| Худойқулова М. А. Мустақиллик йилларида баҳсдаги адабий-назарий муаммолар талқини | 45 |
| Ganiyev D. S. Unli va undosh tovushlarni o'qitishda adabiy talaffuzni shakllantiruvchi mashq va topshiriqlardan foydalanish | 53 |
| Xolboyeva M. U. Alisher Navoiy va futuvvat talqini | 60 |
| Bayimbetova M. B., Kurbanbaev D. A. The expression of the need to perform an action in the modality category of the english and karakalpak languages | 65 |
| Бабаева Ш. Б. Инновационный подход к моделированию синтаксических понятий родного (русского) языка | 73 |
| Usarova L. Arxetip obrazlarning badiiy xususiyatlari | 78 |
| 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ | |
| Djurayev D. U. Geografik atamalarning ko`p tilli elektron lug`atini yaratish jarayonida ko`p tilli muhitning lingvistik xususiyatlari | 84 |
| Ismadiyarov Y. U. Kasbiy faoliyatning o'ziga xosligi oliy ta'lim tizimidagi menejer-innovator | 89 |

| | |
|---|---|
| Ибрагимова Г. Н. Бўлажак педагогларнинг касбий маҳоратларини ошириш йўллари | 94 |
| Чориева Д. А. Педагогик-психологик диагностика фаолияти билан шуғулланувчи шахсга қўйиладиган талаблар | 99 |
| Жабборова О. М. Бошланғич таълим методикасини инновацион такомиллаштириш асослари | 103 |
| Odilxo'jazoda N. B., Mamajonov Sh. A. Oliy ta'lim muassasalari kimyo o'qituvchilari kasbiy kompetentligini aniqlash metodikasi | 115 |
| Urokov Sh. R. Oliy ta'lim muassasalari professor-o'qituvchilarining kasbiy faoliyatning ilmiy asoslari | 121 |
| To'raeva O. Yangi O'zbekiston sharoitida maktabgacha ta'lim tizimining o'ziga xosligi | 126 |
| Саидова Х. Таълим сифатини таъминлашда миллий ва хорижий тажрибалар | 131 |
| Тураханов А. А. Акмеологик ёндашув асосида чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларининг жисмоний-тактик кўникмаларини ривожлантириш компонентлари | 137 |
| Usmanova K. Kh. Didactic support for the development of the culture of communication of english-speaking students | 144 |
| Хуррамов Р. С. Оғзаки машқлар ёрдамида бошланғич синф ўқувчилари эвристик фикрлашини ривожлантиришнинг методик асослари | 153 |
| Kurbanova F. K. Some significant points for developing intercultural competence | 164 |
| Mamajonov Sh. A., Odilxo'jazoda N. B., Jo'raev X. M. Oliy ta'lim muassasalari kimyo o'qituvchilarining ekologik kompetentlik darajasini rivojlantirish | 170 |
| Saidova N. M. G'afur G'ulom asarlarini immanent va kontekst yondashuvlari asosida tahlil qilish | 177 |
| Muxtarova Shaxnoza Mashrabovna Maktab o'quvchilarida matn bilan ishlsh ko'nikmalarini rivojlantirish | 183 |
| Quzmanova G. B. O'quvchilarning ijtimoiy kompetenligini ijtimoiy tarmoqlar vositasida rivojlantirishning nazariy va amaliy jihatlari | 190 |
| Мирзорахимов О. К. Патриотическое воспитание детей дошкольного возраста | 198 |
| Хасанбоев Х. Х. Ҳарбий педагогика: муаммо ва ечимлар | 204 |
| Jumayeva F. F. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida huquqiy ongni shakllantirishda pedagogning kreativligi | 214 |

| | |
|---|---|
| Muxitdinova N. M. Bolalarni intellektual rivojlantirishda jismoniy mashqlarning o‘rni va ahamiyati | 219 |
| Рашидова Н. Р. Профессионал таълим муассасалари педагог кадрларида жамоавий-лидерлик компетентлигининг аҳамияти | 225 |
| Касимов Ф. Ф. 9-синф ўқувчиларининг дастурлашга оид компетенцияларини рақамли технологиялар асосида шакллантириш тамойиллари | 230 |
| Abdullayeva F. N. Boshlang‘ich sinf ona tili va o‘qish savodxonligi darslarida ilmiy-ommabop maqolalarni o‘rgatishning metodik imkoniyatlari. | 243 |
| 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ | |
| Чудакова В. П. Общий дизайн и задачи теоретико-методологического анализа понятийно-терминологического аппарата при исследовании проблемы формирования психологической готовности к инновационной деятельности, основы инновационной компетентности конкурентоспособности личности. Часть 1. (начало, продолжение в последующих номерах журнала) | 247 |
| Abdullayev M. J. Maktab o‘quvchilarining jismoniy tarbiya va sport mashg‘ulotlariga bo‘lgan motivatsiyasi | 264 |
| Жабборов Х. Х. Миллий тарбиянинг қадимий ва замонавий ижтимоий-психологик омиллари | 270 |
| Turakulova I. Kh. Self compassion as a component of self evaluation | 283 |
| Хурвалиева Т. Л., Xolmatova S. Q. Мактабгача ёшдаги болаларда сензитив ривожланиш даврларининг ўзига хос жиҳатлари | 292 |
| Xodjaeva D. Dj. Iqtidorli talabalarning individual-tipologik xususiyatlari | 298 |
| Elov Z. S. Affekt holati va uning sud-psixologik ekspertizasi | 306 |
| Maxmudova Z. M. O‘smirlarda ekstremal vaziyatlarda psixologik himoya mexanizmlarini shakllantirish | 312 |
| Olimov L. Y. O‘smirlarda ekstremal vaziyatlarda psixologik himoya mexanizmlarini shakllantirish | 323 |
| Жўраева С. Н. Замонавий педагог имижини тавсифловчи шахслилик хусусиятларининг намоён бўлиш шакллари | 335 |
| Ravshanova X. A., Avlayev O. U. Zaif eshituvchi o‘spirinlarning ijtimoiy intellekt dinamikasi | 346 |
| Атабаева И. Б. Феномен кибербуллинга в среде подростков | 354 |
| Aliyeva N. U. O’smirlarda o’z-o’ziga bahoning adekvat shakllantirish imkoniyatlari | 363 |

ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ


ЧЛЕНЫ ОБЩЕСТВЕННОГО СОВЕТА

***Джураев Рисбой Хайдарович***, *доктор педагогических наук, академик АНРУз*

***Шамсутдинов Рустамбек Темирович***, *профессор Андижанского государственного университета, заслуженный работник культуры Узбекистана, доктор исторических наук*

***Мажидов Ином Урушевич***, *доктор технических наук, профессор, Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека*

***Олимов Кахрамон Танзилович***, *доктор педагогических наук, профессор. Ташкентский филиал Российского государственного педагогического университета имени А.И. Герцена*

***Таджиходжаев Зокирхужа Абдусатторович,*** *доктор технический наук, профессор*

***Мусурмонова Ойнисо,*** *доктор педагогический наук, профессор*

***Сафарова Рохат Гайбуллоевна,*** *доктор педагогических наук, профессор, Узбекский научно-исследовательский институт педагогических наук имени Т. Н. Кори-Ниязи*

***Ибрагимов Холбой Ибрагимович,*** *доктор педагогических наук, профессор, Узбекский государственный университет мировых языков*

РЕДАКЦИОННО-ИЗДАТЕЛЬСКИЙ СОВЕТ

***Артамонова Екатерина Иосифовна,*** *доктор педагогических наук, профессор, Московского государственного педагогического университета. Президент Международной академии педагогических наук*

***Емельянова Ирина Евгенеевна,*** *доктор педагогических наук, профессор, Южно-уральский государственный гуманитарно-педагогический университет. Россия*

***Кузьменко Галина Анатольевна***, *доктор педагогических наук, профессор. Московский государственный педагогический университет, Институт физической культуры, спорта и здоровья*

***Олимов Ширинбой Шарофович***, *доктор педагогических наук, профессор. Бухарский государственный университет*

***Сафаралиев Бозор Сафаралиевич***, *доктор педагогических наук, профессор кафедры социально-культурной деятельности Челябинской государственной академии*

***Джураев Хусниддин Олтинбоевич***, *доктор педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет*

***Кулишов Владимир Васильевич,*** *доктор педагогических наук, профессор. Государственный университет экономики и технологий, Кривой Рог, Украина*

***Лазаренко Ирина Рудольфовна***, *доктор педагогических наук, профессор. Ректор Алтайского государственного педагогического университета, Россия*

***Филиппова Оксана Геннадьевна***, *доктор педагогических наук, профессор. Южно-уральский государственный гуманитарно-педагогический университет. Россия*

***Христо Кючуков,*** *доктор педагогических наук. Профессор общего языкознания и психолингвистики. Свободный университет Берлина, Институт тюркологии. Редактор Международного журнала психолингвистики и социолингвистики, Германия*

***Кумсков Михаил Иванович***, *доктор физико-математических наук, профессор Московского государственного университета им. М.В. Ломоносова*

***Тилавова Матлаб Мухаммадовна***, *кандидат педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет*

***Дилова Наргиза Гайбуллаевна,*** *PhD по педагогическим наукам, доцент. Бухарский государственный университет*

***Максименко Сергей Дмитриевич***, *академик, доктор психологических наук, профессор. Академик Национальной академии педагогических наук Украины*

***Умаров Бахриддин Мингбаевич,*** *доктор психологических наук, профессор. Ташкентский государственный педагогический университет*

***Козлов Владимир Васильевий,*** *доктор психологических наук, профессор. Ярославского государственного университета им. П.Г. Демидовой. Президент Международной академии психологических наук, Россия*

***Жабборов Азим Мейликулович***, *доктор психологических наук, профессор. Каршинский государственный университет*

***Бафаев Мухиддин Мухаммадович,*** *PhD по психологическим наукам. Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами*

***Падалка Олег Семенович, д****октор педагогических наук, профессор, Национального педагогического университета имени М.П. Драгоманова, Украина*

***Ражабов Дилшод Зарипович,*** *доктор филологических наук, профессор. Бухарский государственный университет*

***Маджидова Раъно Уришевна,*** *доктор филол. наук, профессор, , Узбекский государственный университет мировых языков.*

***Файзуллаев Мухаммад Бакаевич,*** *кандидат филологических наук, доцент. Бухарский государственный университет*

***Жамилова Башорат Сатторовна,*** *кандидат филологических наук, доцент. Бухарский государственный университет*

***Юсупова Хилола Уктамовна,*** *кандидат филологических наук, доцент. Бухарский инженерно-технологический институт*

***Рузиева Мохичехра Якубовна,*** *PhD по филологическим наукам, доцент. Бухарский государственный университет*

***Иноятов Сулаймон Иноятович***, *доктор исторических наук, профессор. Бухарский государственный университет*

***Ражабов Кахрамон Кенжаевич***, *доктор исторических наук, профессор, Ведущий научный сотрудник института Истории Академии наук Узбекистана*

***Хазретали Турсун,*** *доктор исторических наук, профессор Международного казахско-турецкого университета имени Ходжи Ахмада Яссави*

***Мамедова Ирада***, *PhD по историческим наукам, доцент, заведующий институтом истории Национальной Академии Азербайджана*

***Джумаев Рустам Ганиевич***, *PhD по политологии, доцент. Бухарский государственный университет*

***Тимур Хужаугли,*** *лингвист и литературовед. Профессор Мичиганского университета (США)*

***Nurettin Hatunoğlu,*** *Assoc. доктор, университет Зонгулдак Бюлент Эджевит, факультет искусств и наук, исторический факультет (Турция)*

***Хайитов Шодмон Ахмадович,*** *доктор исторических наук, профессор. Бухарский государственный университет*

***Муллоджанов Сайфулло Кучакович,*** *доктор исторических наук, профессор. Национальный университет Таджикистана*

***Долгов Вадим Викторович***, *доктор исторических наук, профессор. Удмуртский Государственный Университет. Россия*

***Артикова Хафиза Туймуродовна,*** *доктор биологических наук, доцент. Бухарский государственный университет*

***Наврузова Шакар Истамовна***, *доктор медицинских наук, профессор, Бухарский государственный медиценский институт*

***Гушко Сергей Владимирович***, *доктор экономических наук, профессор, проректор Государственного экономико-технологического университета, Кривой Рог, Украина*

***Куролов Кобулжон Кулманович***, *доктор экономических наук, профессор. Центр переподготовки и переподготовки преподавателей при Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова*

***Маманазаров Абдухаким Бозорович***, *кандидат экономических наук, доцент. Ташкентский филиал МГУ им. М.В. Ломоносова*

***Сохибов Акрам Рустамович***, *кандидат педагогических наук, доцент. Каршинский государственный университет*

***Умаров Бахшулло Джураевич***, *кандидат педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет*

***Хасанова Гулноз Касимовна,*** *кандидат педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет*

# 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

## ЛАТИФХЎЖА ҚОСИМХЎЖАЕВ – БУХОРО ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ ТАНИҚЛИ ВАКИЛИ ВА ҲОМИЙСИ

*Хаитов Шадмон Ахмадович,*
*Бухоро Давлат Университети «Жаҳон тарихи» кафедраси профессори, тарих фанлари доктори*

*Аннотация: Ушбу мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида тадбиркорлик ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этган Латифхўжа Қосимхўжаев ҳақида архив манбалари маълумотлари орқали илмий мушоҳада юритилган.*

*Таянч атамалар: тадбиркор, савдогар, ҳомий, қоракўл тери, пахта, чой, саёҳат, нарх-наво, мерос, шажара, карвонбоши, амир, ҳамроҳ, манба, савдо айланмаси, дўкон.*

## ЛАТИХОДЖА КАСИМХОДХАЕВ - ИЗВЕСТНЫЙ ПРЕДСТАВИТЕЛЬ И СПОНСОР БИЗНЕСА БУХАРЫ

*Хаитов Шадмон Ахмадович,*
*Профессор кафедры «Всемирной истории» Бухарского государственного университета, доктор исторических наук*

*Аннотация: В данной статье через источники архивных источников научно рассматривается Латифходжа Касымходжаев, принимавший активное участие в деловой и общественной жизни Бухарского эмирата в конце 19 - начале 20 веков.*

*Ключевые слова: предприниматель, купец, меценат, черная кожа, хлопок, чай, путешествие, цена, наследие, родословная, караванный предводитель, эмир, спутник, источник, торговый оборот, лавка.*

## LATIKHO'JA KASIMKHO'DHAEV - A WELL-KNOWN REPRESENTATIVE AND SPONSOR OF BUSINESSES OF BUKHARA

*Khaitov Shadmon Akhmadovich*
*Professor of the «World History» Department of Bukhara State University, Doctor of History*

*Abstract: In this article, Latifkhoja Kasimkhojaev, who took an active part in business and social life in the Bukhara Emirate in the late 19th - early 20th centuries, is scientifically observed through the sources of archival sources.*

*Key words: entrepreneur, merchant, sponsor, black leather, cotton, tea, travel, price, heritage, genealogy, caravan leader, emir, companion, source, trade circulation, shop.*

Ўзбекистон тарихида муҳим из қолдирган давлат ва ҳукумат арбоби Файзулла Хўжаевнинг аждодлари ҳақида истоқлол йилларида анчагина маълумотларга эга бўлдик. Бироқ Ф.Хўжаев ота-боболари, амаки ва қариндошлари, отаси Убайдуллахўжа Қосимхўжаев (1858-1912 йй) нинг мероси, унинг тақдири ҳақидаги мунозаралар ҳамон давом этмоқда. Бироқ, Бухорои Шариф хўжаларининг йирик савдогар тадбиркор вакили Убайдуллахўжанинг акаси бўлган Латифхўжа Қосимхўжаев

(1857-1917 йй) нинг Бухоро амирлиги тарихидаги ҳамда авлодлари олдидаги хизматлари ҳақида илмий бўшлиқ мавжуд деб ҳисоблашга, асослар бор. Латифхўжанинг шахс ва инсон, йирик савдогар ва тадбиркор, шунингдек, амирлик ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки масалаларини атрофлича тасаввур қилиш учун нафақат у ҳақда эълон қилинган асар ва мақолаларни ўқиш ҳамда ўрганиш етарли бўлмайди. Бу илмий вазифани ҳал этишда бизга архив манбалари ёрдамга келади. Таниқли тарихчи олим, авлодлик ришталари орқали Латифхўжага боғланган профессор С.И.Иноятов Бухорои-Шариф хўжалари тарихи ва шажарасига бағишланган китобида қоракўл, пахта, заргарлик буюмлари, чой товари билан савдо-сотиқ қилган Латифхўжанинг 250 минг рубль шахсий маблағи, 3 млн рубль йиллик савдо айланмасига эга бўлган пули, 250 минг рубл баҳоланган ер майдонлари, боғ-роғлари, бошқа кўчмас мулки бўлганлигини қайд этиб ўтган. Шунингдек, Латифхўжа Нижний-Новгородда шахсий савдо дўконлари эгаси бўлганлиги, 2 гильдия [1] савдогари сифатида амирнинг Москва, Санкт-Петербург шаҳарларида ҳамроҳлик қилганлиги, рус подшоси томонидан «Станислав 2-даражали ордени» билан мукофотлангани, умрининг охирги босқичида ногиронлар аравачасига михланиб қолганлиги, ўз уйида жадид мактаби очиб, хайрли ишларга қўл урганлиги ҳам эслатилар экан, унинг ўлими ўз ажали билан содир бўлганлигига шубҳа билдирилган.[2] Латифхўжа шахсияти ҳақида билдирилган ушбу маълумотларни эътироф этган ҳолда, биз юқоридаги маълумотларни айрим далил ва рақамлар билан тўлдиришни лозим топдик.

Ўзбекистон Миллий Архивининг И-3-фонд (Бухоро амирлиги сиёсий айғоқчилиги), И-126-фонд (Бухоро амирлиги қўшбегиси девонхонаси) ҳамда совет даврига тегишли Р-837-фонд, 86-фонд, 87-фонд, 94-фондларида Латифхўжа ва Хўжаевлар хонадонига оид материаллар учрайди.

Латифхўжа Бухоро амири Абдулаҳадхон (ҳукумронлиги, 1885-1910 йиллар) билан яқин алоқаларда бўлганлиги, амир билан фикрлаша олиши, унинг тижорий шериги эканлигини архив манбалари тасдиқлайди. Латифхўжа амир билан бухоролик бошқа савдогарлар ўртасида воситачилик қилиб, савдогарлар муаммоларини ҳал қилишда амир орқали сафдошларига амалий ёрдам бериб турган. 1906 йил 12 ноябрдан 22 декабргача давом этган амир Абдулаҳаднинг Санкт-Петербург саёҳатида Латифхўжа 31 нафар савдогарнинг бири сифатида амир сафарига ҳамроҳлик қилиши дастлабки ҳолат эмасди. Архив ҳужжатларида келтирилишича: «Латифхўжа 1892 йилнинг кузида Амир Абдулаҳаднинг Москва ва Санкт-Петербург бўйлаб қилган саёҳатида илк бор ҳамроҳлик қилди. У билан бирга Бухоронинг кўзга кўринган тижорат вакилларидан: Абдурауф карвонбоши, Мансурбой, Жўрабек, Яҳёбек, Муқимбой кабилар ҳам Россия империясига боришганди»[3]. Маълумки, 1868 ва 1873 йилларда Россия – Бухоро шартномалари асосида рус савдогарлари Бухоро амирлигининг барча ҳудудларида эркин ҳаракат қилиш ва энг паст 5 фоизли бож тўлаш шарти билан савдо-сотиқ қилиш ваколатига эга бўлишганди.

Бухоро амири генерал-адъютант Абдулаҳадхон Бухоро савдогарлари ҳам Россия шаҳарларида шундай имтиёзга эга бўлишини империя

маъмурларидан талаб қилган ва савдогарларни рус маъмурлари баъзан бож миқдорини 10-15 фоизга чиқарар, ярмаркаларда бухороликларга олдинги қаторлардан савдо дўконлари берилишига, янги дўконлар қурилишига рухсат этишмасди. Бу масалада архив манбаларида ҳам маълумотлар келтирилган.[4]

Демак, амирнинг Латифхўжа сингари савдогарлари билан империя пойтахтига қилган сафари маълум мақсадга йўналтирилган, унинг ўзи ҳам қоракўл савдосида фаол иштирок этарди.

Маълумки, йирик савдогарлар вақт-вақти билан тижорат ишларида касодга учраб туришган. Қанча бадавлат бўлишмасин, Латифўжа ва укаси Убайдуллахўжалар ҳам рақиблари олдида синиш хабари остида қолишганини эътироф этиш керак. Арабов ва Латифхўжалар ҳукмдор билан шерикчилик асосида савдога 15-20 лак (1 лак -10 минг танга) тангадан 300 минг олтин рублгача маблағ тикишган. 1890-йилларда Европада қоракўл тери савдосига рақобат қилувчи «плюш» сунъий териси бозорларга чиқарилган. Убайдуллахўжа Нижний Новгород ярмаркасида 350.000 қоракўл терисини сотиб, катта моддий зарар кўрганди. Қоракўл тери табиий маҳсулот сифатида «плюш»дан афзаллиги аниқ бўлгунча, орадан бир муддат вақт ўтган. Латифхўжа 1894 йилда 14 лак (140 минг танга) савдога тиккан қарзини тўлаш учун имконсиз бўлиб қолган, шундай оғир вазиятда тадбиркор шерик ва мамлакат ҳукмдори сифатида амир Абдулаҳадхон давлат хазинасидан қарзни қоплаш мақсадида маблағ ажратган. Шундан сўнг, инқироздан қутилиб қолган Латифхўжа ва укаси Убайдуллахўжа катта партияда қоракўл терини Россия ҳамда Европа бозорларига чиқаришган. Убайдуллахўжа ҳам бу пайтда 30 минг қоракўл терини Россия ярмаркаларида сотиб зарарга қолганди. Убайдуллахўжа 300 минг (Жўрабек Арабов ҳам шунча миқдорда) дона, Латифхўжа 10 минг дона қоракўл терини Европа бозорларига чиқаришган.[5] Бухоро амирлигидан XIX аср ўрталарида 30-40 минг дона қоракўл тери чиқарилган бўлса, 1911-1914 йилларда энг юқори кўрсатгичга эришилиб, 1,5-2 млн дона қоракўл тери чиқарилган. 1908 йилда Россиянинг Нижний-Новгород, Макар, Ирбит, Москва ярмакаларида 1 млн 700 минг дона қоракўл тери мижозларга сотилган.[6] Қоракўл терилар дона ҳолатида ва кўтарасига сотилган. Қоракўл терилар сифатига қараб, 1907 йилда Лейбциг (Германия), Лондон (Англия), Париж, Сен-Жермен (Франция) ярмакаларида 115 рублдан-120 рублгача, 98 рублдан-104 рублгача, кўтарасига эса, 52-53 рублдан 65-75 рублгача баҳоланган[7]. Бозор чаққон бўлган йилларда Латифхўжа қоракўл савдосида ўзи ва укасининг буюртмаларини Россия ва хориждан туриб бажарган. Шундай омадли йиллардан бирида Латифхўжа, хориждан туриб укаси Убайдуллахўжага яъни Бухорога мактуб йўллайди. Омборхоналардаги қоракўл териларни инглиз, немис, француз харидорлари битта ҳам қолмай харид қилганлиги, қоракўлга талаб юқорилиги, бу товарнинг нархи ҳам харидорлиги мактубда билдирилганди. Убайдуллахўжа Чориқулбой сингари қоракўлчи чорвадорлардан (Чориқулбой Пирнафасов-1847-1934 йилларда Бухоро амирлигининг Ромитан музофотида яшаган) 50.000 дона қоракўл терини харид қилиб акаси манзилига юборган[8].

Маълумки, Файзулла Хўжаев отаси Убайдуллахўжа вафот этган

1912 йилда 16 ёшда эди. Унга отасидан ҳисобсиз бойлик ва мол-мулк қолганлиги, унинг миқдори ҳақида тадқиқотларда кўп бор ёзилди. Ҳатто, архив манбаларида келтирилган бу борадаги рақамлар ҳам бири иккинчисига мос келмайди. «Файзулла Хўжаевга отасидан 25 пуд қуйма олтин, 4 млн тилла танга, 5 пуд кумуш танга, 7 млн рубль миқдорида Россия банкларида кредит пуллари қолган[9] »- деб маълумот берилади, архив манбаларининг бирида.

Бухородаги Россия сиёсий айғоқчилиги идораси раҳбарининг 1917 йил 1 июлда Бухоро амирлиги ҳукумати бошлиғи Низомиддин Қўбегига йўллаган мактубида 1.865.000 олтин рубль ва танга миқдоридаги пул, кўпгина кўчмас мулк қолган[10] лиги хабар қилинган. Чунки, Убайдуллахўжа Россия империяси ҳудудида (Одесса)да вафот этиб, рус идоралари ҳам унинг мулкини ҳисоблашда қатнашган.

Файзулла Хўжаевнинг отасидан қолган меросга оид рақам ва далиллар Ўзбекистон Миллий Архивининг Р-86-фонд (Ўзбекистон ССР МИҚ). Р-87 фонд (Ўзбекистон ССР Инқилобий қўмитаси); Р-94-фонд (Ўзбекистон ССР Маориф Халқ Комиссарлиги) фондлари атрофлича ўрганилганда улар тўлдирилиши билан боғлиқ фикрлар ҳам мавжуд.

Биз Убайдуллахўжа мероси ҳақида сўз юритишдан кўзлаган асосий мақсад Файзулла Хўжаев ёшлиги туфайли уларни бошқариш ва ёш жиянига ҳомийлик қилиш Латифхўжага ўтган. Латифхўжа Хўжаевлар сулоласининг энг обрўли, мулоҳазали, муомила маданияти юқори, босиқ, фидоий, ваъдасига вафодор, бир сўзли (йўқса, инглизларга берган ваъдасини бажариши учун Россиянинг қаҳратон қишида елиб-югуриб оёқларидан буткул ажралилади) хонадон аъзоларига энг меҳрибон вакил бўлган. Бироқ, Латифхўжа Убайдуллахўжадан кейин бор ёғи 5 йил яшади. Архив манбасида келтирилишича, Латифхўжа вафотидан кейин Ф.Хўжаевга ҳомийлик қилиш Ғафурхўжа ва Ғайбулла хўжаларга ўтган.[11]

Бухоро амирлиги сиёсий айғоқчилиги юқорида кўрсатилган бойлик билан боғлиқ рақамлар Убайдуллахўжа мероси билан боғлиқ охирги рақам эмаслигига шубҳа билан қараган. Шу сабабли Низомиддин Қўшбегига ёзган хатида: «Файзулла Хўжаевга отасидан қолган бойликнинг аниқ миқдорини қуйидагилар билади: Латифхўжадан ташқари, карвонбоши Азизов, Ғайбуллахўжа Тўрахўжаев, Ғафурхўжа Миржонхўжаев, Нуруллохўжа Тўрахўжаев, Юнусхўжа Абдулвахобхўжаев, Мирзо Собир Носиров, Абдулла Биязибов» [12].

Яна бир мулоҳаза, Латифхўжа нафақат қоракўл териси, қоракўлча савдоси билан эмас, балки пахта толаси савдоси билан ҳам шуғулланган. Ушбу савдода энг яқин шериги Эски Бухорода истиқомат қилувчи маҳаллий сармоядор Бухоро, Когон (Янги Бухоро), Кармана шаҳарларида пахта тозалаш заводлари эгаси бўлган Мирзо Муҳиддин Мансуров (1840-1923 йй) билан ҳамкорлик қилган. Туркистон район қўриқлаш бўлими («Охранка» «Махсус идора», 1907 йилда ташкил топган) айғоқчиси «Хўжа»нинг махфий маълумот беришича, Мирзо Муҳитдин Мансуров афғон йирик савдогари Абдунаби Чархий, Муҳаммад Исматхонов ва Латифхўжалар билан пахта хомашёси савдосида фаол бўлган. У 1914-1916 йилларда, яъни Биринчи жаҳон уруши йилларида Россия рубли, амирлик тангалари қадри тушиши билан пулларини олтин ва

кумуш ёмбиларга алмаштира бошлаган ҳамда ўзининг пахта саноати банкрот бўлганини эълон қилган. Ушбу ўта хушёр ва тадбиркор, йирик сармоядор шахс Россияда кечаётган кескин жараёнлар истиқболда оғир оқибатларга олиб келишини олдиндан билган. Латифхўжа ва Убайдуллахўжалар билан яқин бўлган Мирзо Муҳитдин Мансуров (Абдуқодир Муҳитдиновнинг отаси) тахминлари тўғри бўлиб чиққан. [13]

Хуллас, Латифхўжа Қосимхўжаевнинг Бухоро амирлигидаги ижтимоий, иқтисодий, маърифий фаолиятига битта мақола билан сўнгги нуқтани қўйиб бўлмайди. Латифхўжа ўз-ўзидан йирик сармоядор тадбиркор шахс бўлиб қолган эмас. Унинг ижтимоий, маънавий-руҳий қарашларига қандай омиллар таъсир кўрсатди? Латифхўжа Бухоро амири ишончини қандай қозонганлиги, унинг ўлими қайҳолатда содир бўлганлиги масалаларига аниқлик киритиш истоқболдаги тадқиқотлар зиммасида.

Адабиётлар рўйхати:

1. Гильдия – Россия империясида савдогарларнинг даромади даражасига кўра гуруҳланиши. 1775 йилдаги ислоҳотга кўра, империя ҳудудида савдо гильдияларининг 3 та даражаси мавжуд бўлган. 1807 йилдан бошлаб 1-гильдияга 50 минг рублдан юқори, 2-гильдияга 20 минг рублдан юқори, 3-гильдияга 8 минг рублдан юқори даромадга эга савдогарлар киритилган.

2. Иноятов С. Бухорои Шариф Хўжалари: Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев, Файзулла Хўжаев аждодлари ва авлодлари шажараси.-Бухоро: “Дурдона” нашриёти, Бухоро-2022.-Б.65-71. (180 бет)

3. Ўзбекистон Миллий Архиви (ЎМА), И-3-фонд, 2-рўйхат, 25-йиғма жилд, 108-варақ.

4. ЎМА, И-2-фонд, 11-рўйхат, 1966-йиғма жилд, 53-варақ,53-варақнинг орқаси.

5. Ремез И.А. Внешняя торговлия Бухары до мировой войны. Опыт историко-статического обзор внешней торговли ханства внесферы таможенного объдинения его с Российской империи.-Ташкент, Изд-во Турк Республики; 1922.-С.49.(общ. 71 стр; Приложение 45 стр); Сухарева О.А. Бухара XIX – начала XX в.-Москва: 1966.-С.243 (обш; 328 стр). Остонов О. Зарафшон воҳасида ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ (XIX аср охири – XX аср бошлари)-Тошкент: Шарқ, 2013.-Б.70-71. (Умумий бет 143 бет)

6. Каракулеводства//Туркестанский сборник, Том.521.-С.212-213.

7. Ўша жойда.

8. Наимов Н. Мен яшашни истайман…(тарихий роман).-Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 1994.-Б.22-24. (294 бет)

9. ЎМА, Р-837 фонд, 15 рўйхат, 156-йиғма жилд, 163-варақ.

10. ЎМА, И-126 фонд, 2-рўйхат, 428 йиғма жилд. 1-варақ, 1-варақнинг орқаси.

11. ЎМА, И-126 фонд, 2-рўйхат, 428 йиғма жилд, 2-варақ.

12. ЎМА, И-126 фонд, 2-рўйхат, 428 йиғма жилд, 3-варақ.

13. ЎМА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 1648 йиғма жилд, 60-варақ, 60-варақнинг орқаси.

# БУХОРОДА БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ
## (XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярми)

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.001

*Амонова Феруза Саъдуллаевна,*
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори PhD, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети. feruza_amonova88@mail.ru*
*https://orcid.org/0000-0001-9236-9857*

*Аннотация. Ушбу мақолада XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярмида Бухорода фаолият олиб борган банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётни ривожлантиришдаги иштироки, давлат банклари билан бир қаторда тижорат, қишлоқ хўжалик, коммунал банклар ва бошқа миллий банклар фаолияти, Бухорода хусусий тадбиркорлар ва маҳаллий сармоядорларни давлат банклари орқали қўллаб-қувватлаш механизмининг жорий этилиши архив ҳужжатлари ва тарихий адабиётларнинг қиёсий таҳлили асосида ёзилган.*

*Савдо ва тижоратнинг ривожланишига сабаб бўладиган омилларнинг энг муҳими банк ва биржалардир. Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини таъминлашда банклар муҳим рол ўйнаган. Банклар пул маблағларини тўплаш, жойлаштириш ва уларнинг ҳаракатини тартибга солиш билан шуғулланувчи иқтисодий муассасадир. Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг таянадиган асосий устунларидан бири банк бўлиб, молиявий жиҳатдан мустаҳкам ва барқарор фаолият кўрсатувчи банк тизими ҳисобланади. Шунинг учун мустақил давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва келажакдаги тараққиёти аввало мазкур мамлакатда барпо этилган ва мунтазам равишда такомиллаштирилиб бориладиган банк тизимининг фаолиятига боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизими энг зарур жамоатчилик муассасалари тизимларидан бири экан, ҳар қандай банкнинг муваффақиятсизлиги бутун жамият миқёсида пул таклифи қисқариши, тўлов тизими бузилиши ҳамда ҳукумат йирик ва кутилмаган мажбуриятларининг вужудга келиши каби салбий макроиқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин.*

# ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ БАНКОВ В БУХАРЕ
## (конец XIX века - первая половина XX века)

*Амонова Феруза Саъдуллаевна*
*доктор философии по истории PhD, Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами,*

*Анноация. В данной статье банки, действовавшие в Бухаре в конце XIX века и первой половине XX века и их участие в развитии рыночной экономики, деятельность коммерческих, сельскохозяйственных, коммунальных банков и других национальных банков наряду с государственными банками, поддержка частных предпринимателей и местных инвесторов в Бухаре через государственные банки - введение механизма поддержки написано на основе сравнительного анализа архивных документов и исторической литературы.*

*Важнейшими факторами, вызывающими развитие торговли и*

*коммерции, являются банки и фондовые биржи. Банки играли важную роль в обеспечении денежного обращения в условиях рыночной экономики. Банки - это экономические институты, которые собирают, депонируют и регулируют их движение. Одним из основных столпов экономики любой страны является банк, представляющий собой финансово устойчивую и устойчивую банковскую систему. Поэтому уровень социально-экономического развития и будущего развития независимой страны зависит прежде всего от функционирования банковской системы, созданной и регулярно совершенствуемой в этой стране. Поскольку банковская система является одним из важнейших государственных институтов в рыночной экономике, крах любого банка может иметь негативные макроэкономические последствия, такие как сокращение денежной массы, нарушение работы платежной системы, появление крупных и неожиданных государственные обязательства.*

## ACTIVITY OF BANKS IN BUKHARA
## (the end of XIX and first half of XX century)

*Amonova Feruza Sa'dullayevna*
*doctor of philosophy in history PhD, Tashkent state pedagogical university named after Nizami, feruza_amonova88@mail.ru*
*https://orcid.org/0000-0001-9236-9857*

---

*Abstract. In this article, the banks that operated in Bukhara at the end of the XIX century and the first half of the XX century and their participation in the development of the market economy, the activities of commercial, agricultural, communal banks and other national banks along with state banks, supporting private entrepreneurs and local investors in Bukhara through state banks - the introduction of the support mechanism is written on the basis of a comparative analysis of archival documents and historical literature.*

*The most important factors that cause the development of trade and commerce are banks and stock exchanges. Banks played an important role in ensuring money circulation in the market economy. Banks are economic institutions that collect, deposit and regulate their movement. One of the main pillars of the economy of any country is the bank, which is a financially sound and stable banking system. Therefore, the level of socio-economic development and future development of an independent country depends primarily on the functioning of the banking system established and regularly improved in this country. As the banking system is one of the most essential public institutions in a market economy, the failure of any bank can lead to negative macroeconomic consequences, such as a reduction in the money supply, disruption of the payment system, and the emergence of large and unexpected government liabilities.*

*Keywords: банк, кредит, ссуда, тадбиркор, фирма, завод, ширкат, савдо уйи.*

*Ключевые слова. банк, кредит, ссуда, предприниматель, фирма, фабрика, торговый дом.*

*Keywords. bank, credit, loan, entrepreneur, company, factory, firm, trading house.*

**Кириш ва долзарблиги.** Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг таянадиган асосий устунларидан бири молия соҳаси бўлиб, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам ва барқарор фаолият кўрсатувчи тизим банклар ҳисобланади. Россия банкларининг Ўрта Осиёга, жумладан, Бухоро амирлиги ҳудудига кириб келиши маҳаллий тадбиркорлар билан биргаликда рус фирма ва жамиятларининг ўзаро шерикчилик алоқаларини кенгайишига, амирликда вужудга келган завод ва корхоналарни ривожлантириш ва маблағ билан таъминлашда муҳим роль ўйнади.

XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярми Бухоро амирлигида банк билан муомила қилмаган савдогар саноқли кишиларни ташкил қилган. Онгли савдогар учун банклар ҳаво ва сувдек муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу даврдаги банк соҳасида олиб борилган ислоҳотлардан шуни билиш мумкинки, банклар уч турга бўлиниб фаолият олиб борган. Биринчиси давлат банкида пули бўлган ва қўлида пули бўла туриб уни ўзи ишлата олмайдиган кишиларни ортиқча пулларини фойда йўлида сақлаб бериш учун давлат банкига қўйилган. Иккинчи акционерлик банклари бўлиб, қўлида ортиқча сармояси бўлган, кам фойдага қаноат қилмайдиган кишилар томонидан акция воситаси билан сармоя йиғиб олувчи банклар. Учинчи тури жамият ва заёмли кредит банклари бўлиб, ўз аъзолари сармоясига бошқа банкларга нисбатан ортиқроқ миқдорда фоиз тўлаган банклар киради.

Рус савдогарлари учун Бухоро амирлиги, БХСР ҳудудларида эркин ҳаракатланиш – савдо фаолиятини олиб бориш, ўз карвонсаройларига эга бўлиш ва кўчмас мулклар сотиб олиш ҳуқуқларининг берилиши қатор Россия халқаро, минтақавий ва хусусий банклари филиалларининг очилиши ва шу кабилар аслида Бухоро амирлари ва БХСРнинг мутлақ ҳукмдорлик мақоми чеклаб қўйилганлигини кўрсатар эди. Империя ва совет ҳукуматининг иқтисодий соҳада амалга оширилган ислоҳотлари натижасида ҳудудда акциядорлик – тижорат банкларининг бўлимлари кўпая бошланди. Жаҳонда бозор муносабатлари шароитидаги хўжалик юритиш жараёнлари Россия империясига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, ишлаб чиқариш, савдо, кредит ва бошқа соҳаларда янгича ёндашишга мажбур этди. Шу жумладан Бухоро амирлиги ва БХСРнинг иқтисодий сиёсатида пул соҳаси ва унда ўтказилган ислоҳотлар ҳамда банк тизими алоҳида ўрин тутган.

Тадқиқот натижалари. Бухоро амирлигида кредит тизимининг ва накд пулнинг йўқлиги, маҳаллий савдогарларни оғир аҳволга туширди. Бундан фойдаланиб, амир ўз саррофлари орқали жуда катта фоизда пул бера бошлаган ва буни йилдан-йилга кенгайтириб борган. Бу амирга катта даромад берса-да, савдонинг ривожланишига у қадар яхши таъсир қилмади. Шу боис Бухорода акционерлик банкини очиш борасида таклифлар туша бошлади. Бу масалада оренбурглик савдогарлар 1882 йилда амирга мурожаат қиладилар. Амир бунга хайрихоҳлик билдириб, агар Бухорода банк очилса, 70 млн беришни ваъда қилган. Аммо бу иш узоқ чўзилиб кетади ва фақатгина 1894 йилга келиб, Янги Бухоро (Когон) да биринчи Россия Давлат банки бўлими, 1902 йилда эса мамлакат пойтахти Бухоро шаҳрида Рус-Хитой банки ва Халқаро банк бўлимлари

очилади[1]. Шунингдек, Москва савдо банкининг Бухорода бўлимлари 1892 йилда очилган бўлиб, банк ака-ука Поляковлар, П.Стремоухов, В.О.Боланский ва бошқалар томонидан таъсис этилган. Банк турли ширкатлар ва савдо уйларини молиялаштириш асосида кириб келган[2].

Баъзи манбаларда келтирилишича, Бухоро амирлигида Биринчи жаҳон уруши бошланган пайтда Бухоро амирлиги ҳудудида 7 та банк муассасаси: Россия Давлат банки бўлими ва 6 та хусусий банк, жумладан, Рус-Осиё банкининг икки шуъбаси (Эски Бухоро ва Карки шаҳарларида) бўлган. 1917 йили Бухорода фаолият кўрсатган банкларнинг умумий баланси 58,855 рублни ташкил қилган[3].

Пахта савдоси билан шуғулланадиган кичик фермер хўжаликларини ривожлантириш мақсадида Россиянинг темир йўл бошқармаси ва молия вазирлиги ички пахтачиликни қўллаб-қувватлаш учун Давлат банки томонидан кредитлар беришнинг янги қоидаларини тайёрлаш бўйича ишлар олиб борган. Ҳукумат 1895 йил 3 февралда 72 банддан иборат "Ички пахтачиликни қўллаб-кувватлаш учун кредит бериш қоидалари"ни тасдиқлаган. Ушбу қоидага асосан "Маҳаллий пахтачиликни қўллаб-қувватлаш учун кредитлар бериш қоидалари" тайёрланган. "1895 йил 3 феврал қоидалари" номи билан танилган бу қоида Россия империяси ҳудудида пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, кредит билан таъминлаш Россия давлат банкига топширилган.

"1895 йил 3 февраль қоидалари"нинг иккинчи бандига кўра, пахтакорларни айланма маблағ билан таъминлаш мақсадида саноат кредитлари ажратиш кўзда тутилган. Кейинчалик кредитнинг бу турига ўзгартириш киритилиб, 1894 йил 22 июлда тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги кредитлари тўғрисида"ги умумий қоидалар асосида бериладиган бўлган. Унга кўра мижознинг гаров сифатига берган ер майдонининг ялпи даромади, унга тўланадиган ер солиғи, суғориладиган ернинг миқдори ва бошқалар инобатга олинган. Ўрта Осиё пахтакорларига пахта сотиб олишлари учун 1894 йил 22 декабрда тасдиқланган "Товарларга кредит беришнинг умумий қоидалари"га асосан берилган. Қоидага кўра, кредит фақат шахсий кредит шаклида берилиши, унинг муддати 3 ойдан ошмаслиги, берилган кредит миқдори маҳаллий пахта нархининг 40 фоизидан юқори бўлмаслиги керак эди[4]. Бу қоидага асосан прессланган тоза пахта учун ссуда бериш тартиби ҳам келтирилган ва берилган ссуда пахта савдоси билан шуғулланган савдогарларга пахтани тўплаш (кўпроқ йиғиш) ва уни саноат марказларига етказувчилар учун ажратилган. Ссуда олиш тартибига кўра, ссуда олувчи савдогарга жавобгарликни ўз зиммасига олган завод эгаси ишлаб чиқарадиган пахтанинг сифати ва тури кўрсатилган ҳужжат заводнинг маркаси (белгиси) билан тасдиқлагандан сўнг банк унга кредит ажратган.

Кичик кредит бериш тартиби Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудида деярли йўлга қўйилмаган. Молия вазирининг рухсати билан банкларда кичик кредитлар бўлимини ташкил этишнинг мақсадли ва фойдали томонларини ўрганиш учун кичик кредитлар бўлимининг текширувчиси Д.Евдокимов Бухорога юборилган. Бундан ташқари кичик кредитлар менежери Л.С.Баркин, Бухородаги сиёсий агент А.С.Сомов, Россия ҳарбий вазирлиги Бош штабининг Осиё бўлими бошлиғи

С.В.Цейллар кредит бўлимларини ташкил этишни илгари сурдилар ва амирликда фаолият юритаётган турли фирма вакиллари иштирокида Бухоро амирлигида Россия Давлат банкининг Бухоро филиали орқали кичик кредит ташкилотларини ташкил этиш борасида йиғилишлар ўтказганлар. Бироқ амир ҳукумати бу ташаббусни рад этган. Чунки кичик кредит ташкилотлари Россиянинг шундай кредитлар берадиган идоралари назорати остида бўлиши назарда тутилган. Д.Евдокимовнинг 1912 йил 21 августда кичик кредитлар бўлимига ҳисобот тақдим этган. Унинг ёзишича, 1911 йилда Вобкент туманида амир ҳукумати томонидан деҳқонларга ссуда берилган. Ссуда бериш тартиби қуйидагича бўлганлиги таъкидланган. Энг юқори ссуда миқдори 75 рубль бўлган ва унинг муддати белгиланмаган. Сентябрь ойида берилган ссуда йиғиб олинган. Кредитнинг бу тури пахтакор учун фойдасиз бўлган. Чунки пахтакорлар пахтани сентябрь ойида сотишни бошлаган[5].

Хуллас, йилдан йилга ўсиб борувчи кичик кредит ташкилотлари фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларни судхўрлардан озод қилиш учун катта аҳамиятга эга бўлиши назарда тутилган бўлса ҳам амалиётга бу ҳолат жорий этилмаган.

Россиянинг марказий тижорат банклари учун энг катта қизиқиш уйғотадиган рақобатбордош товарлар орасида қоракўл тери ҳам бор эди, чунки қоракўл мўйнаси жаҳон бозорида узоқ вақтдан бери машҳур бўлиб келган. Бухоро шаҳри қоракўл савдоси марказига айланган. Албатта ушбу операцияларда марказий тижорат банкларининг маҳаллий бўлимлари фаол иштирок этган. Айниқса қоракўл тери савдоси Азов-Дон, Рус-Осиё ва Рус-Хитой банкларининг маблағлари орқали ривожланган. Азов-Дон банкининг Эски Бухорода 51 та қоракўл етказиб берадиган бўлимлари бўлган. Пахта сингари қоракўл тери маҳсулотлари Москва ва Нижний Новгород ярмаркаларида кўпроқ сотилган. Хусусан, 1910 йилда Рус-Осиё банкининг Бухородаги филиалининг маблағи эвазига 329482 дона қоракўл териси сотиб олиниб, Марказга жўнатилган[6].

Россия давлат банкининг Бухоро бўлими кенгаши ёзишмаларида таъкидланганидек, Убайдулла Хўжа "Марказий Осиёнинг савдо бозорларини Россия бозорлари билан боғлайдиган асосий бўғин эди"[7]. У пахта ва қоракўл савдоси учун Рус-Осиё банкидан 1909 йилда 530 минг рубль миқдорида кредит олган.

Рус-Осиё банкининг энг йирик мижозлари қоракўл савдогарлари эди. Жўрабек Арабов Бухоро қоракўлининг йирик экспертчиларидан бўлган. Банк менежери 1909 йилда бўлган директорлар кенгашида "Арабов биз учун жуда муҳим ва қадрли мижоз. Биз унинг манфаатини қадрлаймиз, чунки у маҳаллий савдогарларга ҳам, Бухоро ҳукуматига ҳам катта таъсир кўрсата олган. У банк кредитидан камдан-кам фойдаланади. У қоракўл савдосидаги энг катта мижоздир" деб таъкидлаган.

Сибир савдо банки Ўрта Осиёдаги пахта савдосида фаол қатнашган. Хусусан, 1910-1911 йилларда Бухорода тадбиркорлик билан шуғулланган 104 нафар савдогарнинг шахсий маълумотлари тузилган. Уларнинг барчасига банк томонидан 150 минг рублгача кредит ажратилган.

Банкдан кредит олган мижоз тўловни ўз вақтида амалга ошириши шарт бўлиб, агар мижознинг бир ёки бир нечта банк бўлимларидан қарздорлиги аниқланса, қарзни банклар келишган ҳолда биргаликда

йиғган. Банклар мижознинг гаровга берган мол-мулкини сотишга ўтган. Мол-мулкни сотишдан тушадиган маблағ ҳам қарзларини фоизлар билан тўлиқ тўлаш учун етарли бўлмаса, қарздорнинг рўйхатида кўрсатилган мулк банк ва фирмалар ўртасида ҳар бирига қарз миқдорига мутаносиб равишда тақсимланган. Шунинг учун банклар мижоз ўртасида қарзини қоплаш учун кўчмас мулкларини гаровга қўйиш тўғрисида шартнома имзоланган. Бу шартнома васиқа дейилган[8].

Банклардан кредит олиш тартиби қуйидагича бўлган: кредит олган шахслардан банк васиқа олган. Васиқа одатда иккита шахснинг гувоҳлигида тўлдирилган. Васиқани қонунийлаштиришда бу ҳужжат сиёсий агент тасдиқлаганидан сўнг қўшбеги томонидан имзоланган. Аслида бундай ҳужжатлар жуда кўп бўлганлиги сабабли сиёсий агент васиқани тасдиқлаш ваколатини Бухоро қозикалони ёки раисга топширган ва амир номидан қўшбеги муҳрлаган.

Бухоро амирлигида Рус-Осиё банкининг Карки бўлимидан бухоролик савдогар Мирза Исомиддин Мирза Муҳитдинов банкдан олган кредити учун васиқа тўлдирган. Васиқада ёзилишича: “Мен Бухоро шаҳрида жойлашган Ҳаммоми Кунжак маҳалласидаги уйимнинг ¾ қисмини ташқи савдо учун қисқа муддатда 10000 рублга банк ҳисобига (гаровга) топширдим. Мен ўзим тўлиқ эгалик қилаётган 15 таноб ҳур ерларимнинг ярмини, Қизилтепа станцияси ва Коми Абумуслим[9] тумани (ҳозирги Қизилтепа тумани ҳудуди)да жойлашган пахта тозалаш заводларимни Россия Ташқи савдо, Рус-Осиё ва Москва ҳисоб банкига қисқа муддатда 100 минг рубль учун гаровга бердим”. Яна бир савдогар Иноятулла Хўжа Бақохўжаев ҳам Рус-Осиё банкидан олган кредити учун васиқа тўлдирган. Васиқада шундай ёзилган: “30 таноб ернинг (30 таноб ерни ичига Зарафшон дарёсининг жанубий қисмида жойлашган Тош-Буқа ҳудудидаги 27 таноб хирож ерлари ҳам кирган) 1/6 қисмини 2500 рубль маблағ учун гаровга бердим. Мен бу маблағни 19 ой (1 йилу 7 ой) муддатда тўлашни ўз зиммамга оламан”.

Амир Саид Олимхон рус фирмалари билан ҳам ҳамкорлик қилган. Йирик рус ширкатларидан бири “И. Г. Стахеев и К°” савдо-саноат ширкати 1916 йил октябрь ойида Бухоро ҳукуматига “Бухоро мулклари таркибида фойдали ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва қулай савдони ривожлантириш билан шуғулланиш тўғрисида”ги таклиф билан чиқди. 1916 йил 15 ноябрда Бухоро амири Саид Олимхон ширкат билан биргаликдаги ҳамкорлигига розилик олгач, шерикчилик асосида 15 пунктдан иборат шартнома имзоланди. Шартномага кўра, шерикчилик фаолияти ҳеч қандай монопол характерга эга эмаслиги қайд этилган[10].

1916 йилда ширкат Рус-Осиё ва Петроград халқаро тижорат банклари билан Рус-Бухоро банкини ташкил этиш бўйича музокаралар олиб борди. И.Стахеев 1917 йил сентябрда Россия Муваққат ҳукуматидан Рус-Бухоро банкини ташкил этиш ҳуқуқини олди. Янги банк Бухоро шаҳрида фаолият юритаётган Рус-Осиё банкининг бўлими негизида пайдо бўлди.

Ушбу банкнинг устави 1917 йил 22 августда Россия Молия вазирлиги томонидан асосий капитали 5 млн рубль капитал билан тасдиқланди. Банк кенгаши Петроград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрида жойлашган. Банк акциялар чиқарган, уларнинг ҳар бири 34 рублдан

баҳоланган. Банкнинг баъзи акциялари турли муассасалар томонидан сотиб олинган. Бироқ банкнинг асосчилари И.Стахеев ва Амир Саид Олимхоннинг мақсадли режалари амалга ошмаган. Большевиклар ҳокимиятни босиб олишгач, совет Россияси ҳукумати 1917 йил 14 декабрдаги фармони билан барча рус банкларини, шу жумладан, Рус-Бухоро банкини ҳам миллийлаштирди.

1917 йилдан кейин Россия банкларининг Бухородаги фаолияти деярли тўхтаб қолган. Натижада бу ерда судхўрлик (катта фойда эвазига қарз бериш) кучайган. Судхўрлик шариатга зид бўлган. Ҳинд судхўрлари ва бошқалар (масалан, Бухоро яҳудийлари)–судхўрлар табақаси 1917-1920 йилларда оғир иқтисодий турмуш кечираётган Бухоро деҳқонлари ва ҳунармандларига катта фоиз эвазига қарз бериб, ўз бойликларини оширганлар. Бухоро халқи улардан кўп жабр чеккан.

Бухорода республика тузуми ўрнатилгач (1920 йил сентябрь), янги ҳукумат олдига банк ишларини бутунлай янги асосда ташкил қилиш вазифаси турган. Бухорода банк ишларини ривожлантириш жуда қулай ва ўнғай бўлган. Чунки шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, хусусан, деҳқонлар ўртасида банк сармоясига талаб жуда юқори эди.

1920 йил кузида Бухоро шаҳрида Марказий халқ банки иш бошлаган. Унинг ихтиёрига БХСР ҳукумати томонидан тегишли маблағ ажратилган. Тез орада Марказий халқ банкининг БХСР вилоятлари ва шаҳарларида шуъбалари ташкил қилинган. Масалан, 1921 йил 1 январдан бошлаб Қарши вилояти шуъбаси ўз фаолиятини бошлаган. 1921 йил ёзида Термиз ва Карки шаҳарларида ҳам Молия назорати томонидан Марказий халқ банкининг шуъбалари очилади[11].

Архив ҳужжатларида келтирилишича, БХСРда Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалик банки томонидан 1923 йили 14 та, 1924 йил 50 та, 1924 йили 1 июл ҳолатида ҳаммаси бўлиб 64 та қишлоқ хўжалиги ширкати кредитлари очилган. 1924 йилнинг охирида уларнинг миқдорини Ғарбий Бухорода 68 та ва Шарқий Бухорода 12 тага етказиш мўлжалланган. Деярли барча қишлоқ хўжалик ширкати кредитлари асосан, пахтачилик туманларида (Шарқий Бухородан мустасно) очилган. Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалик банкининг Бухоро бўлими 54 ширкатга 519 минг рубль кредит ажратган. Бу ширкатларга ажратилган маблағлар ҳисобидан 1924 йили Давлат пахта қўмитаси томонидан 25 минг таноб ерга Америка пахтаси экилган[12].

Шунингдек, Ўрта Осиё Қишлоқ Хўжалиги банки камбағал деҳқонлар ва ҳунармандлар (тўқувчилар, кўнчи, темирчилар) учун ҳам кредит ажратган. Бир кишига бериладиган ўртача кредит (қарз) миқдори 100 червон рублни ташкил қилиб, ундан Қишлоқ хўжалик банки ҳисобига йилига 12%, Қишлоқ хўжалик банкининг кредит ширкатлари ҳисобига йилига 4% фойда ундирилган.

ХУЛОСАЛАР. Хулоса қилиб айтганда, Бухоро амирлигида XIX асрнинг охирларидан бошлаб ташкил топган турли банклар фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Асосан Россиядаги турли банкларнинг бўлимлари сифатида тузилган бундай банклар амирлик иқтисодиётини кўтаришда, саноат корхоналарини ташкил қилиш ва жиҳозлашда, маҳаллий сармоядорлар билан рус тадбиркорлари ўртасидаги турли молиявий алоқаларда катта роль ўйнаган. Ҳатто Бухоро амирининг ўзи банклар

хизматидан фаол фойдаланган. Бухоро Республикасидаги банклар фаолияти ҳам диққатга сазовардир. Ёш давлатда илк бор янгича асосда ташкил қилинган банклар энг аввало деҳқонлар, ҳунармандлар ва савдогарлар манфаатини ҳимоя қилган. Давлат банклари билан бир қаторда тижорат, қишлоқ хўжалик, коммунал банклар ва бошқа миллий банклар фаолият кўрсатганлиги бугунги кун учун ҳам ўрнак бўларли ҳодиса ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Новая бухара // "Русский Туркестан". №90. 24 января 1899 г.

2. Ўзбекистон миллий архиви, И-1-жамғарма, 27-рўйхат, 425-иш, 2-варақ.

3. Ўзбекистон миллий архиви, 50-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 235-236-варақлар.

4. Хотамов Н.Б. История банков и предпринимательства в Средней Азии (60-е годы XIX в. – 1917 г.) – Душанбе.: "Эр-граф", 2014. – С. 184.

5. Местный хроника // "Закаспийское обозрение" (Асхабад). № 28. 4 февраля 1901 г.

6. Нормуродова Г. Бухоро амирлиги ижтимоий стратификацияси ва аҳоли қатламларининг жамият ҳаётидаги ўрни (1868-1920 й.). – Тошкент: "Наврўз", 2019. – Б.160.

7. Гаффоров Н.У. Формирование национальной буржуазии в Бухарском эмирате // Вестник ТГУРБП (Худжанд). 2011. №4(48). – С.182.

8. Хакимова К.З., Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане (конце XIX – начало XX в.). Ташкент: "Фан", 1980. – С. 84.

9. Ражабов Қ., Мақсудов Р. Қизилтепа тумани. – Тошкент: "Muharrir", 2011. – Б.220.

10. Хотамов Н. Роль банковского капитала в социально-экономическом развитии Средней Азии (начало 90-х гг. XIX в. – 1917 г.). – Душанбе: "Дониш", 1990. – С.64.

11. Ражабов Қ. Бухоро Халқ Совет Республикасида банклар фаолияти (1920-1924 й.) // "Бозор, пул ва кредит (БПК)". – Тошкент. 2021. №6. – Б. 25.

12. Ўзбекистон миллий архиви, 50-фонд, 1-рўйхат, 24-иш, 60-варақ.

# БУХОРО ВОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИЛК АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.002

*Очилов Алишер Тўлис ўғли,*
*PhD, Бухоро давлат университети Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси*
*https://orcid.org/0000-0001-9894-5018*

*АННОТАЦИЯ. Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси бу ерлик аҳолининг буюк иқтидори ва яратувчилик салоҳиятидан, юксак тараққиёт, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йўлидан дарак беради. Бу ер ўз даврида илм-фан, маърифат ва маданият марказларидан бирига айланиб, шахарда диний ва дунёвий илмлар ривож топган. Асрлар давомида Бухоронинг донғи Туркистоннинг йирик маъмурий маркази сифатида хам таралиб келган. Бухоро ўтмиши гарчи тарихий ва тадрижий вокеаларга ниҳоятда бой ва қизиқарли бўлсада, аммо унинг зарваракларининг кўпгина сахифалари бизгача тўлик сакланмаган. Айниқса, воҳанинг узоқ ўтмиши, қадимги давр маданияти, антик ва илк ўрта асрлар тарихи ҳақидаги аниқ маълумотни ёзма манбалардан билиб олишимиз имконсиз. Шу сабабли, Бухоронинг қадимги даврлардаги тарихини аниқ ва равшан ёритишда археологик тадқиқот ишлари жуда муҳим аҳамият касб этади. Воҳада археологик изланишлар Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларига нисбатан кечроқ бошланган бўлсада, тадқиқотлар 120 йилдан ортиқ тарихга эга. Шу сабабли, Бухоро воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотлар тарихини ўрганиш натижасида, воҳада олиб борилган археологик тадқиқотлар тарихини катта уч даврга бўлишни таклиф қилинди. Булар: биринчи давр XIX аср охири-1930 йил, иккинчи давр 1930 йилдан 1990 йилгача ва учинчи даври 1991 йилдан ҳозирги кунгача бўлган тадқиқотлар.*

*XIX аср охири - XX аср бошларида олиб борилган тадқиқотлар Бухоро тарихини ўрганиш учун ташланган муҳим қадам ҳисобланади . Шунинг учун ҳам ушбу мақолада Бухоро воҳасида археологик тадқиқотларнинг бошланиши босқичи, XX аср бошларида ҳудудда олиб борилган тадқиқот материаллари ва уларнинг натижалари ўрганиб чиқилиб илмий, қиёсий таҳлил қилинди.*

*Бу даврда Ситняковский, Пампелли ва Зимин каби олимлар Бухоро вохасида биринчи археологик тадкикотларни олиб бордилар. Масалан, Ситняковский вохани биринчи бўлиб археологик нуктаи назардан тадқиқ этиб археологик жойлар ва маконларни сақлаб қолиш учун кўшган хиссалари ушбу маколада акс этган. Бухоро вохасининг ғарбий кисмида, Туркистон археологик хаваскорлар тўгарагининг илмий котиби Л.А.Зиминнинг Пойкентда олиб борган тадқиқотлари, буюк шарқшунос В.В.Бартольднинг Бухоро тарихига доир изланишлари асарлари тахлили ушбу маколанинг асосини ташкил этади. Бухоро вохасида олиб борилган дастлабки археологик тадкикотлар нафакат Ўрта асрлар даврида минтака тарихи хакида янги тушунчалар беради, балки Бухоро археологияси тарихининг ушбу дастлабки боскичида археологлар томонидан кўлланилган усул ва услубларга хам ойдинлик*

*киритади.*

*Калит сўзлар: Бухоро воҳаси, археологик тадқиқотлар, Пойкент, В.В.Бартольд, Н.Ф.Ситняковский, Р.Пампелли, А.А.Зимин.*

**BUHARA VAHASINDAKI ILK ARKEOLOJIK ARAŞTIRMALARIN TARIHI**

*Ochilov Alisher Tolis oğlu,*
*PhD, Buhara Devlet Üniversitesi, Arkeoloji ve Buhara'nın tarihi bölümi*

*AÇIKLAMA. Buhara'nın her santimi, her tarihi ve kültürel anıt, yerel halkın büyük yetenek ve yaratıcı potansiyeline, yüksek gelişme, bilim, aydınlanma, maneviyat ve kültür, felsefe ve din yoluna tanıklık ediyor. Burası zamanında ilim, aydınlanma ve kültür merkezlerinden biri haline gelmiş, kentte gelişen dinsel ve laik ilimler. Yüzyıllar boyunca Buhara, Türkistan'ın en büyük idari merkezi olarak biliniyor. Buhara'nın geçmişi, tarihi ve evrimsel olaylar açısından son derece zengin ve ilginç olsa da, mücevherlerinden pek çok sayfa tam olarak korunamamıştır. Özellikle vahanın uzun tarihi, antik kültür, antik çağ tarihi ve erken Ortaçağ hakkında yazılı kaynaklardan doğru bilgi almak imkansızdır. Bu nedenle arkeolojik araştırmalar, eski çağlarda Buhara tarihinin net ve canlı bir şekilde anlatılmasında çok önemli bir rol oynamaktadır. Vahadaki arkeolojik kazılar Orta Asya'nın diğer bölgelerine göre çok daha geç başlamış olsa da, araştırmanın 120 yılı aşkın bir geçmişi var. Bu nedenle, Buhara vahasındaki arkeolojik araştırma tarihinin incelenmesi sonucunda, vahadaki arkeolojik araştırma tarihinin üç ana döneme bölünmesi önerildi. Bunlar: 19. yüzyılın sonundan 1930'ye kadar olan ilk dönem, 1930'den 1990'a kadar ikinci dönem ve 1991'den günümüze üçüncü dönem çalışmaları.*

*19. yüzyılın sonları ve 20. yüzyılın başlarına ait araştırma, Buhara'nın tarihinin incelenmesinde önemli bir adımdır. Bu nedenle, bu makale Buhara vahasında arkeolojik araştırmanın başlama aşamasını, bölgede yirminci yüzyılın başlarında yapılan araştırma materyallerini ve sonuçlarını, bilimsel ve karşılaştırmalı analizleri incelemektedir.*

*Bu dönemde Sitnyakovsky, Pampelli ve Zimin gibi bilim adamları, Buhara vahasında ilk arkeolojik araştırmaları yaptılar. Örneğin, Sitnyakovsky vahayı arkeolojik açıdan ilk inceleyen kişidir ve arkeolojik alanların ve sit alanlarının korunmasına yaptığı katkı bu makalede yansıtılmaktadır. Buhara vahasının batı kesiminde, Türkistan Arkeolojik Amatör Çemberi'nin bilimsel sekreteri LA Zimin'in Poykent'teki araştırması ve büyük oryantalist VV Bartold'un Buhara tarihi hakkındaki çalışmalarının analizi bunun temelini oluşturmaktadır. makale. Buhara vahasındaki erken arkeolojik araştırmalar, yalnızca Orta Çağ'da bölgenin tarihine yeni bir bakış açısı sağlamakla kalmıyor, aynı zamanda Arkeologlar tarafından Buhara arkeolojisi tarihinin bu erken evresinde kullanılan yöntem ve teknikleri açıklığa kavuşturuyor.*

*Anahtar Kelimeler: Buhara vahası, arkeolojik araştırmalar, Paykent, VV Bartold, NF Sitnyakovsky, R.Pampelli, AA Zimin.*

# ON THE HISTORY OF THE FIRST ARCHAEOLOGICAL INVESTIGATIONS IN BUKHARA OASIS

*Ochilov Alisher To'lis ugli,*
*PhD, Bukhara State University, Archeology and history of Bukhara teacher of the department*

*ANNOTATION. Every inch of Bukhara, every historical and cultural monument testifies to the great talent and creative potential of the local population, the path of high development, science, enlightenment, spirituality and culture, philosophy and religion. This place became one of the centers of science, enlightenment and culture in its time, and religious and secular sciences developed in the city. For centuries, Bukhara has been known as the largest administrative center of Turkestan. Although the past of Bukhara is extremely rich and interesting in historical and evolutionary events, many pages of its jewels are not fully preserved. In particular, it is impossible to get accurate information about the long history of the oasis, the culture of the ancient period, the history of antiquity and the early Middle Ages from written sources. Therefore, archeological research plays a very important role in the clear and unambiguous coverage of the history of Bukhara in ancient times. Although archaeological excavations in the oasis began much later than in other parts of Central Asia, the research has a history of more than 120 years. Therefore, as a result of studying the history of archeological research in the Bukhara oasis, it was proposed to divide the history of archeological research in the oasis into three major periods. These are: studies of the first period from the end of the 19th century to 1930, the second period from 1930 to 1990, and the third period from 1991 to the present.*

*The research of the end of the XIX - beginning of the XX century is an important step in the study of the history of Bukhara. Therefore, this article examines the stage of the beginning of archeological research in the Bukhara oasis, research materials conducted in the region in the early twentieth century and their results, scientific and comparative analysis.*

*During this period, scientists such as Sitnyakovsky, Pampelli and Zimin conducted the first archeological research in the Bukhara oasis. For example, Sitnyakovsky was the first to study the oasis from an archaeological point of view and his contribution to the preservation of archeological sites and sites is reflected in this article. In the western part of the Bukhara oasis, the research of L.A. Zimin, the scientific secretary of the Turkestan Archaeological Amateur Circle, in Poykent, and the analysis of the works of the great orientalist VV Bartold on the history of Bukhara form the basis of this article. Early archeological research in the Bukhara oasis not only provides new insights into the history of the region in the Middle Ages, but also clarifies the methods and techniques used by archaeologists at this early stage in the history of Bukhara archeology.*

*Keywords: Bukhara oasis, archeological researches, Paykent, VV Bartold, NF Sitnyakovsky, R. Pumpelly, AA Zimin.*

Кириш. Инсон фарзанди умри давомида учрайдиган турли воқеа - ҳодисаларнинг илдизини излашда ва бир кун баҳс, мунозара, таҳлил асосида шу воқеа - ҳодисаларнинг хулосасини чиқаришда ўтмиш

тадқиқотчиси саналмиш тарихий фанларнинг ўрни беқиёсдир. Зеро, ўтмишимизда юз берган ҳар бир ҳодиса маълум маънавий - руҳий, табиий -ижтимоий муҳит таъсирида юз берган. Унга назар солганда, асрлар силсиласини варақлаш керакки, воқеалар замиридаги мантиқ, фалсафа, руҳият, сиёсат қўйингки, ҳар бир даврнинг ўзига хос шукуҳи-ю, ташвишлари, севинчу изтироблари кўзга яхлитлигича яққол ташлансин. Ана шунда ҳар бир ҳодиса кишини фикрлашга, ақл йўриғи билан белгилашга ёрдам беради. Бундай ҳодисаларга "Бухоро тарихини" ўрганишни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Бухоро ўтмиши тарихий ва тадрижий воқеаларга ниҳоятда бой ва қизиқарли бўлсада, аммо унинг зарварақларининг кўпгина сахифалари бизгача тўлиқ сақланмаган. Айниқса, воҳанинг узоқ ўтмиши, қадимги давр маданияти, антик ва илк ўрта асрлар тарихи ҳақидаги аниқ маьлумотни ёзма манбалардан билиб олишимиз имконсиз. Шу сабабли, Бухоронинг қадимги даврлардаги тарихини ва маданиятини ёритишда археологик тадқиқотлар жуда муҳим жиҳат ҳисобланади.

Асосий қисм. Бухоро воҳасида илк археологик изланишлар XIX асрнинг охирларида, аникроқ қилиб айтганда 1896 йилда ҳарбий топограф Н.Ф.Ситняковский Бухорога келиб, бир қатор археологик ёдгорликларни суратга олиш ва уларни тавсифлаш билан бошланади. Тадқиқот воҳанинг асосан ғарбий ва шарқий қисмларида олиб борилади. Н.Ф.Ситняковскийнинг бу тадқиқотлари, уни Бухоро воҳасида бевосита археологик кузатувлар олиб борган биринчи тадқиқотчига айлантирди. У жойларни хариталаш жараёнида бутун воҳа бўйлаб учрайдиган обидаларга ҳам қизиққан. Воҳадаги қишлоқлар, ариқлар, тепаликлар тарихий архитектура ёдгорликлари - масжид, мадраса, хонакоҳ, намозгоҳ, сардобаларнинг харитага тушириб борган. Бухоро воҳасини илк ўрта асрларда ўраб турган, уни атрофдаги кўчманчилардан ҳимоя қилган Кампирак деворини биринчи марта топографик хариталарга туширган. Н.Ф.Ситняковский кўрган ва текширишлар олиб борган вақтда девор албатта дастлабки кўринишда эмасди. Айрим жойларда 80 см дан 1 м ва 1,20 см ча бўлган узун тепалик ҳолида эди. Буни харитага тўғри белгилаш олимдан катта билим ва маҳорат талаб қиларди[1].

Туркистон археологик ҳаваскорлар тўгарагининг 1896 йилги мажлисда Н.Ф.Ситняковский Зарафшон дарёсининг ўнг ва чап соҳилларида жойлашган Кампир девор қолдиқлари, Шаҳри вайрон, Абу Муслим, Ганчхона, Хазора каби тепалар, Жумабозор ҳудуди яқинидаги икки аҳоли манзилгоҳи, Зиёвуддин қалъаси, Пойкент харобалари, Узулишкент, Кумушкент, Зандана ва Ромитан каби жойларнинг умумий жойлашуви ва ҳолати хусусида атрофлича маълумот берган.

1887 йил И.Т.Пославскийнинг Кўҳна Пойкентга ташрифи чоғида берилган маълумотларига асосланиб[2], Н.Ф.Ситняковскийнинг Пойкент археологик ёдгорлигида олиб борган ишлари алоҳида ажралиб туради. Пойкент ҳудудида тадқиқотлар ўташ жараёнида Н.Ф.Ситняковский Мансур ибн Нуҳ (961-976) ва Нуҳ ибн Мансур (976-997) даврларида зарб қилинган 6 та кумуш танга топади. Н.Ф.Ситняковский ўз тадқиқотлари ҳақида 1896 йил 11 декабрда Туркистон археология ҳаваскорлар тўгараги аъзоларига баён қилади ва шу йилнинг ўзида ўз "Ҳисобот"ини эълон қилади[3].

XX асрнинг бошларида ҳам Бухоро воҳасида археологик қазишмалар амалга оширилган. Хусусан, 1903 йилда Пойкент ёдгорлигининг харобаларига Карнеги институтининг геологи Рафаэл Пампелли бошчилигидаги экспедиция ўрганган[4]. Р. Пампелли Пойкентдаги тадқиқотлари натижасида Н.Ф.Ситняковскийнинг фикрларини тасдиқлайди, шаҳар деворининг қолдиқларини ва топилган сопол қувурларнинг ишлатилиш мақсади хусусида ўзининг дастлабки фаразларини билдиради. У “Пойкент эрамиздан олдинги асрларда ҳам жуда бой шаҳар бўлиб, сувсизлик сабаб у заволга юз тутган, ҳозирда шаҳарнинг Арк ва унинг деворлари қум босиши арафасида”- деб такидлайди[5].

1910 йилларда Бухоро воҳасидаги археологик ёдгорликларда Туркистон археологик ҳаваскорлар тўгараги котиби Л.А.Зимин ҳам тадқиқот ишларини олиб боради[6].

Л.А.Зимин воҳадаги тадқиқотларини Пойкент, Варахша, Ромитан қўрғони ва турли археологик ёдгорликларда кузатув ишларини олиб боришдан бошлайди. Тадқиқотлар давомида Л.А.Зиминни Пойкент харобалари қизиқтириб қояди ва асосий тадқиқотларини шу археологик ёдгорликка қаратади. Л.А.Зимин Пойкентга илк ташрифида ҳудуд яхши сақланганлигини алоҳида таъкидлаган эди. У дастлабки изланишларни топографик ўлчов ва ҳатто глазаметрик усулида расм олишдан бошлайди.

Л.А.Зимин тадқиқотлари давомида Пойкент ҳақидаги хитой манбалари, араб сайёҳларининг асарлари, маҳаллий манбалар ва XIX асрларда ёзилган Н.Хаников, В.В.Бартольдларнинг шаҳар хусусидаги маълумотларини ўқиб, таҳлил қилади. Ёзма манбалардаги маълумотлар билан тўлиқ танишиб чиққандан сўнг, дастлабки археологик қазув ишларини олиб бориш кераклигини таъкидлаган. Л.А.Зимин шаҳарнинг жанубий ва жанубий-шарқий қисмидаги девор қолдиқларини ўрганиб сопол, шиша, темир буюмлар билан бирга кумуш танга намуналарини ҳам топиб ўрганган[7]. Тангалар таҳлилида Л.А. Зимин А.К. Марков, Н.Ф. Ситняковский ва В.В. Бартольдларнинг фикрларини ҳам инобатга олган.

Пойкент харобалари араблар босқинига қадар мавжуд бўлганлиги, Сомонийлар даврида (IX-X асрларда) ривожланиб, Қорахонийлар даврида (XII асрда) эса ташландиқ ҳолга келиб қолганлиги хусусидаги тахминини илгари сурган. Бу тахминни Пойкентда олиб борилган кейинги археологик тадқиқотлар ҳам ҳақиқат эканлигини исботлади.

Л.А.Зимин 1913 йилги изланишлари якуни бўйича ўзининг қуйидаги хулосаларини билдирган:

1. Кўҳна ёки Кўнё Пойкент харобалари номи остидаги ҳудуд ўрта асрлардаги тарихий Пойкент шаҳри эканлигини тасдиқлаш мумкин.

2. Шаҳарни сув билан таъминланиш тарихини ўрганиш билан боғлиқ текширишлар олиб бориш режалаштирилган, аммо қум уюмининг кўплиги бу фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қилган.

3. Келгусида шаҳарнинг айрим қисмлари, айниқса, шаҳристон қисмида текшириш ишлари олиб бориш шаҳар ичининг аниқ топографик чизмалари ва шаҳар деворининг қай даражада қадимий эканлигини аниқлаш имконини беради[8].

Л.А.Зиминнинг Пойкентдаги изланишлари 1914 йилда икки маротаба амалга оширилган текширув ишлари доирасида давом этди.

Л.А. Зиминнинг бу йилги фаолияти Пойкентдаги мавжуд хоналарни очиш натижасида қўлга киритилган маълумот ва ашёвий далиллар асосида амалга оширилган эди. Бу ҳол ўз навбатида олимга сопол буюмларни бир неча турларга ажратиш ва ўрганиш имконини берди. Жумладан, 1. Бир хил рангли (қизил, оч сариқ ва кумуш каби ранглардаги), безакли; 2. Фақат бир хил рангли безаксиз сополлар. 3. Ҳар хил рангли, расмли ва ёзув намуналари мавжуд сополлар ва ҳ.к. Шундан келиб чиқиб, олим биринчи гуруҳга кирувчи буюмларга - сув ва дон маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган кўза ва хумлар, иккинчи гуруҳга эса ликопча, дастали пиёла (чашка) ва қалин дастали кўзалар тегишли эканлиги тўғрисида ўз хулосаларни беради. Топилмалар ичида темир буюмлар ҳам мавжуд эди. Улар қаторида катта қалпоқли ва араблар даврига оид деб тахмин қилинган мих қолдиқлари ҳам учрайди. Изланишлар натижасида ўқилиши қийин бўлган тангалар ҳам аниқланган. Шунингдек, суякдан ясалган икки тугма, қандайдир буюмнинг даста қисми ва тақинчоқлар ҳам топиб тадқиқ этилган[9].

Л.А. Зимин бундай буюмларни профессор Р. Пампелли томонидан Анау ёдгорлигида топилган буюмлар билан ҳам таққослайди. Олим расм ва ёзув намуналари акс этирилган нафис буюмларни ҳам гуруҳларга ажратиш мумкинлигини таъкидлайди. Улар оч ва тўқ сариқ, кўк ва тўқ жигарранг бўлиб, араб, паҳлавий ёзувидаги рақам ва ҳарфлардан иборат эканлигини кўриб уларни А. А.Семёновга тақдим этади. У эса бу буюмлар Сомонийлар давлати даврига тааллуқли эканлиги хусусида ўз фикрини билдиради.

Л.А. Зиминнинг баҳорги археологик кузатув ишларининг яна бир аҳамиятли жиҳати, бу қалин ва ингичка шаклга эга шиша буюмларнинг топилиши эди. Бу буюмлар хусусида Л.А. Зимин мутахассис А.П.Ростковский билан маълумот алмашган. А.П. Ростковский топилган ингичка шиша буюмлар тайёр маҳсулотларнинг қолдиғи эканлиги, қалин бўлаклари эса шу ҳудудда шиша буюмлар тайёрланганлигини ва улар тайёр маҳсулотдан ортиб қолган шиша қолдиқлари эканлигини таъкидлаган[10].

1917 йилда Россия империясида кечган кескин ҳаракатлар, февраль инқилоби ва бошқа сиёсий жараёнлар воҳадаги археологик изланишлар олиб боришда тўхталиш қилишни тақозо этди.

1920 йил октябр ойининг бошида Бухорога академик В.В. Бартолд, Тошкент шаҳар кутубхонаси директори Э.К. Бетгер ва археолог В.Л. Вяткинлар таркибидан иборат илмий комиссия келади. Ушбу комиссия Бухорода антик давр ва санъат ёдгорликларини ҳимоя қилишни ташкиллаштиради. Илмий гуруҳ Бухоро кутубхонасини яратади, унда шарқ қўлёзмаларини тўплаш ва рўйхатга олиш ишлари олиб борилади[11]. Натижада Бухоро тарихига доир бир қатор қимматли маълумотларни акс эттирилган махсус нашрлар эълон қилинди. В.В.Бартольд Россия фанлар академияси ва Россия Моддий маданият тарихи академияси илмий журналларида экспедиция ҳақида ўз маърузаларини тезкорлик билан чоп этади.

1925 йил В. В. Бартольд Бухорога келганда уни шаҳар обидаларининг

ғарибона аҳволи, шаҳар дарвозалари тарихий номларининг ўзгартирилганлиги жуда ачинтирди ва "Правда Востока" газетасида "Бухоро ёдгорликлари ва уларнинг тақдири" номли ўз мақоласини эълон қилди. 1927 йил В.В. Бартольд томонидан ёзилган "Туркистон маданий ҳаёти тарихи" асарининг "Бухоро" боби Бухоронинг чор Россияси ярим мустамлакасига айланиши тарихи ёзилган[12].

В.В.Бартольд асарларида Бухоро ва унинг атрофидаги исломгача мавжуд бўлган будда, зардуштийлик ибодатхоналари, араблар истилоси даврида уларнинг масжидларга айлантирилиши, Бухоро шаҳрининг тарихий топографияси ва топонимикаси, қадимги шаҳристон дарвозалари Бухоро шаҳрининг шаклланиш эволюцияси тўғрисида қимматли маълумотлар беради.

1923-1924 йилларда профессор Д.А.Морозов томонидан Бухорога саёҳат уюштирилади ва Бухоронинг Эски шаҳар қисми режаси тузилади. Шунингдек, Эски Бухоро атрофларининг харитаси тузилган бўлиб, унда аҳоли пунктлари, ариқлар, саройлар ва ёзги ҳовлилар туширилади. 1923 йилда Бухоронинг турли ёдгорликларининг 67 фотосурати олинади. Худди шу йилда И. Умняков шаҳарнинг тарихий топографияси билан шуғулланган. 1925 йилда академик В.В.Бартольд ва археолог В.Л.Вяткин яна илмий мақсадлар учун Бухорога келишади. Бухоро ёдгорликларини ҳимоя қилиш комиссиясини тузади ва унга ёрдам бериш учун тегишли кўрсатмалар беради. Бошқа бир экспедиция (И.И. Умняков, муҳандис М.М. Логинов) кейинчалик Бухоро ва Карманада ишлади. Собиқ амир саройларини рўйхатдан ўтказилиб, ўлчовлари олиниб суратга туширилади. Ва ниҳоят, Бухорога биринчи санъатшуносларнинг экспедицияси бўлиб ўтади. Унга Борис Петрович Денике (Москва давлат университети профессори) бошчилик қилди. Совет даврида Бухорога оид манбаларни алоҳида тадқиқотлари ўтказилади. В.В. Бартольд, В.Л. Вяткин, Б.П. Денике ва И.И. Умняков, маҳаллий ўлкашунос М.Ю.Саиджоновлар Бухоронинг тарихий топографияси бўйича араб тилидаги маълумотларни танқидий кўриб чиқишнинг дастлабки муаллифларидан эдилар[13].

Ўрта Осиё қадимияти қўмитаси (Средазкомстарис) асосчилари орасида профессор А.А. Семенов (1879-1958) ҳам Ўрта Осиёнинг кўплаб тарихий асарларини таржима қилган энг йирик шарқшунослардан бири бўлган. А.А. Семенов шарқ қўлёзмалари, миниатюралари, амалий санъат асарларини, айниқса Бухоро хонлигининг турли даврларига оид маъмурий тузилишини ўрганишда кенг кўламли масалаларни ёритиб берган. Бухоро ҳудуди тарихини, айниқса хонликнинг ижтимоий тузилиши масалаларини ўрганишда А.А. Семенов катта ҳисса қўшди. Унинг тарихий ва маданий ёдгорликларни асраб-авайлашдаги иштироки ушбу ташкилотнинг бевосита вазифаларидан ташқари, ўрта асрлар Ўрта Осиёдаги феодал тузумни бутун тарихий ўрганишга йўналтирилган эди[14].

Меъмор Борис Николаевич Засипкин (1891-1955) ва 1925-1933 йилларда Бухоро қадимияти ва санъат қўмитасини бошқарган таниқли тарихчи ва археолог В.А. Шишкинлар ҳам Бухоро ва унинг ёдгорликларини ўрганишда катта ҳисса қўшадилар. В.А. Шишкин Бухоро ёдгорликларининг тарихий топографияси бўйича биринчи

китобнинг муаллифи бўлганлигини таъкидлашимиз мумкин. Шунингдек, у қадимий шаҳарнинг янги биноларида олиб борилган археологик кузатувларга оид бир қатор мақолалар нашр этади[15]. 1924 йилда Бухорога уюштирилган экспедициясида қадимий шаҳарнинг кўплаб ёдгорликларини суратга олган машҳур архитектор ва архитектура назариётчиси, профессор М.Я. Гинзбург ҳам иштирок этади[16].

1924 йилда М.Я. Гинзбург экспедицияси Сомонийлар мақбарасини ўрганади ва иш режасини тузади. 1925 йилда ушбу мақбара гумбазининг таъмирлаш ишлари М. Ю. Саиджанов томонидан амалга оширилади. 1926 йилда В.Л. Вяткин мақбарада қазиш ишларини олиб боради. Муҳандис М. М. Логинов эса мақбара бурчак устунларини қисман мустаҳкамлайди. 1928-1930 йилларда Сомонийлар мақбарасини ўрганиш ишлари П.С. Касаткин ва Н.М. Бачинский томонидан амалга оширилади. Сомонийлар мақбараси 1925 йил 4 майда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия қўмитаси қарорида қайд этилган. 1926 йилда Б.Н.Засипкин ҳам ушбу ёдгорликни тилга олиб ўтади[17].

Сомонийлар мақбарасининг биринчи тавсифи Б.П. Денике томонидан берилган. У 1927 йилда нашр этган Ўрта Осиё санъатига оид тадқиқотида мақбаранинг ташқи ва ички кўриниши фотосуратларини беради ва мақбарани қурилиш тарихи бўйича маълумот беради[18]. М.Ю.Саиджанов эса 1927 йилда босилган ўзбек тилидаги мақоласида сомонийлар мақбарасига оид вақф ҳужжатларидаги маълумотларни келтиради[19].

Хулоса

XIX асрнинг охири - XX аср бошларида Бухорода ўтказилган археологик тадқиқотларда В.В. Бартольд, Н.Ф.Ситняковский, Р.Пампелли, А.А.Зимин каби тадқиқотчилар фаол қатнашдилар. Бу даврда Туркистон археологияси бўйича етарли даражада қадимги моддий маданият намуналари йиғилган бўлсада, лекин уни даврлаштириш, “хронологик шкала”ларини яратиш ишида катта муаммолар мавжуд эди. Археологик ашёларни даврлаштириш тахминий асосда, содда усулда, кенг даврий саналар билан белгиланар, хусусан топилмалар, асосан мусулмонликкача (домусульманский), мўғуллаauthor (домонгольский), темурийлар даврига оид (тимуридский) каби атамалар билан аталиб, шу тарзда ёдгорликларнинг даврий санаси қайд қилинган.

Бу даврда ўтказилаётган археологик қазув тадқиқотларининг илмий натижаларини ўлка қадим тарихини ўрганишга, уни тўлдиришга йўналтириш махсус муаммо сифатида қўйилмаган. Зеро, тадқиқотчилар археологик қазув ишларида тарихий ёзма манбалар маълумотларидан кенг фойдаланган бўлсаларда, бунга катта аҳамият беришмаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. ПТКЛА. год III, -Ташкент,1897-1898.-С.89-94. См.также отзки о работах Н.Ф.Ситняковского (там же, стр.135). К цитировавшейся уже нами работе Н.Ф.Ситняковского «Заметки о бухарской части долины Зеравшана» приложен ценный список арыков и населенных пунктов.; Шишкин В.А. Варахша. -М.,1963.-С.14.

2. Лыкошин Н. С. Очерк археологических изысканий в Туркестанском крае до учреждения Туркестанского Кружка любителей археологии.

-Ташкент,1896.-С.48.

3. Ситняковский Н.Ф. Заметки о Бухарской части долины Зерафшана, Известия Туркестанского отдела русского географического общества, т. I, вып. 2. -Ташкент,1900.- С.130.

4. Городище Пайкенд. К проблеме изучения средневекового города Средней Азии. -Ташкент,1988.-С.4.

5. Pumpell R. Explorations in Turkestan. -Washington,1905. -P.10.

6. Шишкин В.А. Варахша.-М.,1963.-С.15.; Зимин Л.А. Развалины старого Пайкенда в их современном состоянии. ПТКЛА. Год 18. Вып. 2.-Ташкент,1914; Отчет о весенних раскопках в развалинах старого Пайкенда. ПТКЛА. Год 19. Вып. 2. -Ташкент,1915.

7. Зимин Л.А. Развалины Старого Пайкента//Протокол заседания и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии год восемнадцатый (11 декабр 1912г.—11 декабр 1913 г.) Протокол №4, 30 апрел 1913 г. -Ташкент,1913а.-С.87.

8. Кличев О.А.Пойкентнинг илк изланишлари тарихидан (Л.А. Зимин тадқиқотлари ва расмий ёзишмалари асосида).O'zbekiston arxeologiyasi. № 2 (13). 2016. 83-91 бетлар.

9. Зимин Л. А. Отчёты о весенних раскопках в развалинах Старого Пайкенда // Протокол заседания и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии год двадцатый (11 декабря 1914 г. - 11 декабря 1915 г.). -Ташкент. 1915б.-С. 87.

10. Кличев О.А. Пойкентнинг илк изланишлари тарихидан (Л.А. Зимин тадқиқотлари ва расмий ёзишмалари асосида).O'zbekiston arxeologiyasi. № 2 (13). 2016. 83-91 бетлар.

11. Ремпель Л.И. Далекое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи.-Тошкент,1981.-С.12.

12. Тўраев Ҳ. Академик В. В. Бартольд ижодида Бухоро тарихи. Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчиминг йилликка. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. 1997 йил 18-20 октябрь. Бухоро-Хива.-Тошкент,1997. -Б.109.

13. Ремпель Л.И. Далекое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи. -Тошкент,1981.-С.13-14.

14. Ремпель Л.И. Далекое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи.-Тошкент,1981.-С.15.

15. ШишкинВ.А. Из опыта работы Бухкомстариса. по охране памятников мате¬риальной культуры (1925—1933).Проблемы истории докапиталистических обществ. ГАИМК. 1934. № 91—12; Его же. Архитектурные памятники Бухары.-Ташкент,1936; Его же. Из наблюдений на новостройках Бухары. Известия УзФАН СССР, 1940. № Т, Его же. Археологические работы в мечети Магоки-Аттари в Бухаре. Труды Института истории и археологии АН УзССР, вып. VII. –Ташкент,1959.-С.29-60.

16. Обследование архитектурных памятников Бухары (профессором М. Я. Гинз¬бургом). «Туркестанская правда». - № 240. 1924. -С. 2.

17. Рукопись В. А. Вяткина на 48 стр., написанная в 1931 г. и озаглавленная «Мавзолей Амнра Исмаила в Бухаре X века, хранится в Управлении архитектуры УзССР (Узкомстарис..Ns 125);Умняков И. И. Охрана памятников старины и искусств в советском зако¬нодательстве Средней Азии. Известия Средезкомстариса. Вып. I, -Ташкент,1926.-С. 48; Засыпкии Б. Н.Памятники архитектуры Средней Азии и их реставрация. Вопросы реставрации, Т. I. -М., 1926.-С.153.
18. Денике Б. Искусство Средней Азии. -М. 1927.-С. 11-13. илл. I-2.
19. Саиджанов М. Ю. Бухоро шаҳри ва барча қадимий бинолари. Журнал «Маориф ва ўқитувчи». 1927. - № 9.
20. Ochilov Alisher. «The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age.» CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2.4 (2021): 42-47.
21. OCHILOV, Alisher. «JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY.» Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi 1.1: 105-116.
22. Ochilov, A. T. «DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES.» Theoretical & Applied Science 12 (2019): 589-591.
23. Ochilov Alisher. «The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age.» CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2.4 (2021): 42-47.
24. OCHILOV, Alisher. «JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY.» Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi 1.1: 105-116.
25. Ochilov, A. T. «DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES.» Theoretical & Applied Science 12 (2019): 589-591.
26. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. «БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.» Scientific progress 1.6 (2021): 933-938.
27. Ochilov A. Бухоро воҳасида олиб борилган илк археологик тадқиқотлар //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.
28. Ochilov A. Бухоро воҳасининг қадимги антропоген ландшафтида Сармишсой дарасининг тутган ўрни //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.

# БАЗАРЫ ТУРКЕСТАНА ИЛИ ГДЕ ЗАПАД ВСТРЕЧАЕТСЯ С «ВОСТОКОМ»

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.003

*Абдурасулов Хушнуд Абдуллаевич,*
*младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН РУз*

*Аннотация. В данной статье проанализированы и обобщены наиболее часто встречающиеся стереотипы в отношении коренных народов Туркестана. Колониальная политика России на завоеванных землях Центральной Азии во второй половине XIX часто прибегала к пропагандистским клише и стереотипам в отношении покоренных народов Туркестана в оправдании своей военной агрессии и превращении края в свою колонию. В исследовании использованы работы авторов периода Российской империи и современных работ на русском и английском языках.*

*Ключевые слова: Стереотипы, ориентализация, экзотизация, бедный, жалкий, дикий, базары, Туркестан*

# ТУРКИСТОН БОЗОРЛАРИ ЁКИ ҒАРБ ВА “ШАРҚ” УЧРАШГАН ЖОЙ

*Абдурасулов Хушнуд Абдуллаевич,*

*Аннотация. Ушбу мақолада Туркистоннинг туб халқлари ҳақидаги энг кенг тарқалган стереотиплар таҳлил қилинади ва умумлаштирилади. Россиянинг XIX-асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг босиб олинган ерларида олиб борган мустамлакачилик сиёсати ўзининг ҳарбий босқинини оқлаш ва минтақани ўз мустамлакасига айлантириш мақсадида Туркистоннинг босиб олинган халқларига нисбатан кўпинча ташвиқот клишелари ва қолипларга мурожаат қилган. Тадқиқотда Россия империяси давридаги муаллифларнинг асарлари ва рус ва инглиз тилларидаги замонавий асарларидан фойдаланилди.*

*Калит сўзлар: Стереотиплар, ориентализация, экзотиклаштириш, камбағал, ночор, ёввойи, бозорлар, Туркистон*

# BAZAARS OF TURKESTAN OR WHERE THE WEST ENCOUNTERS THE “EAST”

*Abdurasulov Hushnud Abdullayevich,*
*Junior research fellow of the Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences*

*Annotation. This article analyzes and summarizes the most common stereotypes regarding the indigenous peoples of Turkestan. The colonial policy of Russia in the conquered lands of Central Asia in the second half of the 19th century often resorted to propaganda clichés and stereotypes regarding the conquered peoples of Turkestan in order to justify its military aggression and turn the region into its colony. The study used the works of authors from the period of the Russian Empire and modern works in Russian and English.*

*Keywords: Stereotypes, orientalization, exoticization, poor, miserable, savage, bazaars, Turkestan*

Введение. Восток всегда привлекал пристальное внимание европейских художников и ученых, путешественников и дипломатов, торговцев и авантюристов своей экзотичностью, непохожестью на Запад, служил вдохновением для поэтов и писателей. Дихотомия «свой – чужой» - одна из самых фундаментальных в истории человеческого мышления. Восприятие «другого» во многом зависит от национальных мифов и стереотипов, а поскольку их рождение уходит корнями в прошлое, ученые в надежде узнать, как происходит формирование границы между двумя мирами «своего» и «чужого» все больше внимания уделяют первым контактам западноевропейцев с «другими» культурами [1:2]. В данном исследовании мы уделим особое внимание многовековым контактам русских с выходцами из Средней Азии. Слово «Восток» в нашем исследовании взято в кавычки неслучайно. Известный академический труд Эдварда Саида о репрезентации Востока помогает современным исследователям Средней Азии, свободных от идеологических штампов советского периода, понять и переосмыслить комплекс вопросов и представлений о воображаемом Востоке в представлении западных ученых и политиков второй половины XIX – начала XX вв. «Ориентализм» Э.Саида стал первой серьезной попыткой объяснить создание стереотипа колониального Востока [2].

В данной статье мы попытаемся на основе работ, прежде всего российских авторов колониального периода, выяснить, что частое употребление терминов «дикость», «отсталость», «алчность» и «привнесение русской гражданственности или европейской цивилизации» и других клише и стереотипов на завоеванных Российской империей территориях Средней Азии во второй половине XIX века основывались не на научных доказательствах превосходства колонизаторов над колонизуемыми, а на политических и идеологических приемах для оправдания своих завоевательных целей в регионе.

Объектом нашего внимания стали некоторые случаи на базарах и заведениях, связанных с торгово-экономической деятельностью народов Средней Азии во второй половине XIX – начале XX в., прежде всего на территории Туркестанского генерал-губернаторства, где вышеназванные стереотипы наиболее часто встречаются в работах авторов колониального периода (в случае с Туркестанским генерал-губернаторством – 1865-1917 гг.).

Методология. В своих путевых заметках и отчетах о посещении той или иной части Туркестана русские путешественники, чиновники, а также зарубежные дипломаты в той или иной мере повторяли клише и стереотипы, возникшие на основе «инаковости» и непохожести образа жизни, языка, культуры и традиций местного населения, описанных в широко известном труде «Ориентализм» Э. Саида.

Во многих работах русских авторов колониального периода [4, 5, 6] приведены, характерные для историков и исследователей того периода, многочисленные примеры отсталости, низкой культуры народов и стран Средней Азии и неспособности правителей трех узбекских

ханств самостоятельно решать свои внутренние и внешнеполитические вопросы без вмешательства сильных государств, основанные, прежде всего, на теории превосходства белого человека над жителями других частей света, включая Азию, и особой цивилизаторской миссии европейских держав, в т.ч. Российской империи в Центральной Азии.

Подобная риторика позволяла колонизаторской политике Российской империи оправдывать свои военные операции с начала второй половины XIX века со взятием сперва ряда укреплений вдоль Сырдарьи и других крупных экономических центров (Чимкент, Ташкент) Кокандского ханства и продолжались с включением Бухарского эмирата и Хивинского ханства в орбиту своих политико-экономических интересов, до октябрьских событий в Петербурге 1917 года.

Обширный корпус работ, содержащих важные сведения этнографического характера с обилием фактов о быте, одежде, кухне и традициях жителей Туркестана тоже представляют особый интерес для методологии вопроса.

Работы некоторых современных российских историков о народах Средней Азии предоставляют читателю обстоятельный анализ и переосмысление исследований своих соотечественников вековой давности. В качестве общего правила для работ русских авторов второй половины XIX – начала XX века выступают общеизвестные стереотипы о восточных людях и странах. О риторике цивилизаторской миссии Российской империи на завоеванных территориях Средней Азии писали также зарубежные авторы [9].

**Исследовательская часть.** Одним из блестящих примеров использования ориенталистских клише и стереотипов в экзотизации (т. е. подчеркивание «причудливых, необычных особенностей», становилась механизмом конструирования различий, придания им самодовлеющего значения. В сочетании с расовым подходом это вело к дегуманизации и демонизации тех, кого привычно назвали «желтыми». «Краеугольным камнем» конструкции синдрома «желтой опасности» становился тезис о тотальной, природной несовместимости «желтой» и «белой» рас. https://cyberleninka.ru/article/n/ekzotizatsiya-i-obraz-vraga-sindrom-zheltoy-opasnosti-v-dorevolyutsionnoy-rossii/viewer) местных народов Средней Азии и оправдания цивилизаторской миссии России на вновь завоеванных территориях трех узбекских ханств, несомненно является известный труд Л.Ф.Костенко «Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности». В ней автор, в свойственной большинству авторов того периода попыткой не только оправдать, но и обосновать территориальные претензии Российской империи на обширный регион к югу от Уральских гор и к северу от Гиндукуша, в своих описаниях среднеазиатцев приводит огромное количество фактов в пользу вышеуказанного тезиса. Так, в своей вышеуказанной работе, опубликованной в Санкт-Петербурге через шесть лет после завоевания Ташкента русскими, он пишет, что «… русским предстояло занимать громадные пространства голой земли, обитаемой бедным, жалким, полудиким народом» [4;104]. Данная работа интересна еще и тем, что сведения, изложенные в ней, нередко являются парадоксальными, а иногда и прямо противоположными тезису, который, по мнению

Л.Ф.Костенко следовало бы особо подчеркнуть. Например, описывая ковроделие туркменок автор восхищается тонким вкусом и превосходным умением местных ткачих создавать искусные ковры, подчеркивает «…чистота красок, правильность узора и прочность нитки составляют отличительные свойства этих ковров. Они изготавливаются исключительно одними женщинами, причем замечательно то умение, с каким эти полудикие существа умеют соблюсти правильность и затейливость рисунка, поражающего своим вкусом самого изысканного европейца» [4;237]. Подобные примеры экзотизации, коим страдали большинство авторов колониального периода показывают парадоксальность суждений и привели бы неискушенного читателя, говоря современным языком, к когнитивному диссонансу. Другой не менее известный исследователь края и чиновник местной колониальной администрации Г.А.Арандаренко тоже приводит интересные сведения, тоже этнографического характера, могущие служить экзотизацией быта и нравов местного населения. В частности, описывая ритуал приема гостей одним из зажиточных сартов, где ему были оказаны уважение и почет как редкому гостю, он пишет «Если вы попали к человеку состоятельному, если для интересов сарта, в такой мигманхане перед вами расстелят не одну, а несколько полотенцеобразных скатертей (также зовется достархан), сшитых из тику, ситцу с адрасовыми бордюрами (sic!), уставят на этих полотенцах такое количество разных сластей и фруктов, что ими мог бы досыта упитаться весь сластолюбивый гарем с домочадцами любого азиатского владыки» [5;3]. Такие выводы автора, на наш взгляд, проистекают из теории об отсталости и чувственности восточного жителя и превосходстве белого человека над покоренными народами. Для наглядности приведем несколько примеров из известной работы того же Костенко. В конце 60-х гг. XIX в. русские из глубинных губерний метрополии вслед за военными начали активно переселяться в Туркестан и, живя бок о бок с местным населением, не считали хлебопашество важным занятием. Как пишет автор, «русские поселенцы в фортах и укреплениях избегают заниматься хлебопашеством; живя среди племен менее цивилизованных, они находят способы более легкие, чтобы заработать себе деньгу». А местное население в свою очередь, по мнению автора, находились в перманентном восхищении перед достижениями белых колонизаторов, так как «осматривая жилища русских, разделяя с ними хлеб-соль, они не могут не видеть превосходства цивилизационной обстановки перед своей» [5;175]. Также автор приводит очень спорные доводы о превосходстве своей цивилизации перед местной, подчеркивая, что распитие спиртных напитков, запрещенных в мусульманском праве, является признаком высокой культуры. Описывая некоторых представителей местного населения, пристрастившихся к т.н. цивилизованному образу жизни, автор пишет – «В высшей степени странно, но вместе с тем и утешительно видеть сарта, едущим на дрожках, либо в коляске, посещающим наши балы и собрания, пьющим в русской компании вино, шьющим себе чисто шелковую одежду. Все это утешительно в том отношении, что за материальной стороной следует и интеллектуальная» [5;332-333]. Как видим, автор использует и неоднозначные параллели между пьянством

и цивилизованностью и что отмена запрета на употребление алкоголя среди местного населения повлияет на их интеллектуальное развитие.

Другой не менее известный исследователь края И.Л.Яворский в лучших традициях пропаганды патриотизма русского солдата на вновь завоеванных территориях и превознося их героизм и отвагу, приводит следующие аргументы в оправдании оккупации Средней Азии - «Куда бы ни являлся русский человек, он несет с собой и основные черты своего счастливого характера: прямоту и стремление к правде, добродушие, переходящие непосредственно в великодушие, желание сблизиться с своими соседями…» [10;3]. Как видим, захват чужой территории на языке имперцев и пропагандистов самодержавия называлось не иначе, чем желанием сблизиться со своими соседями.

Также как и Костенко, Яворский тоже ставит знак равенства между пропагандой открытого распития алкогольных напитков среди мусульманского населения и преимуществами европейской цивилизации. Известно, что в мусульманских странах употребление спиртных напитков, как мы говорили выше, считаются недозволенным и за их нарушение полагается публичное наказание. Ситуация кардинально меняется со второй половины XIX века и на территории Туркестанского генерал-губернаторства, особенно на базарах, таких как Воскресенский, вслед за пришлым европейским населением в лице русских солдат, местное мужское население начинает публично употреблять спиртные напитки, чему сильно способствовали открытые русскими винокурами питейных заведений в местах массового скопления людей, в нашем случае таких как базары и ярмарки. Яворский приводит комический и весьма показательный пример приобщения местных мужчин к совместному распитию алкоголя с русскими солдатами и указывает на «цивилизационную» составляющую подобной культуры. В частности, он пишет - «мне нередко приходилось быть свидетелем следующей, например, и комической и в то же время умилительной, картины: подгулявшего на праздник солдата, пошатывающегося на ногах, бережно поддерживает его «тамыр», т.е. приятель из туземцев, ведя его в казармы. Солдат будирует, норовит засветить своего приятеля в ухо, но тот, увертываясь, все же не покидает своего подгулявшегося друга и продолжает бережно его поддерживать и вести до места» [10;34]. Нескольким строками выше Яворский самозабвенно любуется, как русское войско насаждает европейские ценности в Туркестане. Автор, приведя столь неоднозначные примеры о цивилизованности русских, которые нужно непременно насаждать среди местного, в основном непьющего населения, с торжеством выносит вердикт - «после всего сказанного, очевидно нет необходимости долго распространяться о причинах нашего столь сильного культурного влияния на аборигенов Азии вообще, и Средней - в особенности» [10;33].

Нужно ли удивляться, если один из одиозных и честолюбивых генералов, принявший самое непосредственное участие во взятии Ташкента, Черняев считал, что те, кто пренебрегает основами Ислама и кому торговля выгоднее, являются «цивилизованными мусульманами». В качестве блестящего примера генерал приводит случай с одним из, на тот момент богатейших жителей Ташкента, Мухаммедом Саатбаем,

много лет торговавшим с Россией и у которого было несколько постоянных приказчиков в Петропавловске и Троицке. Этот крупный ташкентский торговец очень хорошо знал русский язык. Черняев писал, «что Саатбай, один из самых влиятельных людей в Ташкенте, принадлежит к группе «цивилизованных мусульман», готовых на уступки против Корана, если это не противоречит коренным правилам и выгодно для торговли» [11;117].

Как видим из данной Черняевым характеристики на представителя местной торговой знати, еще одним не менее значимым признаком цивилизованности может быть отступление от основ своей веры и верное служение захватчикам. По признанию самого Черняева, «… Саатбай возглавлял прорусскую группировку населения Ташкента» [11;117].

Однако в научной литературе, созданные колониальными авторами встречаются и обратные случаи несоответствия некоторых представителей пришлого населения высоким образцам цивилизованности, с таким усердием насаждаемым их генералами на захваченных территориях Средней Азии во второй половине XIX – начале XX вв.

Д.Иванов, наблюдавший за местными базарами, товарной номенклатурой и ценами на товары народного потребления в новой и старой частях города Ташкента приводит интересные сведения об отношении пришлых русских купцов и местных торговцев к отпуску одних и тех же товаров. Например, он пишет – «интересны сравнительные цифры цен на одни и те же товары, которые бывают у русских купцов, торгующих в цитадели, и у туземцев: у русских у туземцев

Чай 2 р., 2р. 50 к. 1 р. 80 к., 2 р.

Сахар 16 « 18 « -«10 « - « 11 «Стеариновые свечи 16 « 20 « -«12 « - « 14 «Таким образом, православные купцы на 10% - 60% продают православным покупателям дороже, чем торговцы магометане и, странное дело, хотя туземные купцы и посбили цены у русских купцов, но последние все-таки не хотят уступить окончательно, и в то время как на базаре продается товар по известной цене, в крепости русские торговцы самым упорным образом набрасывают на фунт того же товара 5-10 коп., как будто хотят этим сказать: «не будем продавать товар, а не сбавим. Смешной народ!» [6;59]. Как видно из наблюдений автора такие понятия как «алчность» и «желание быстрой наживы» присущи и органично дополняют образ покорителей Средней Азии, пришедших сюда с цивилизаторской миссией.

Нередки были случаи использования административного ресурса в личных целях высокими офицерскими чинами на базарах г. Ташкента в описываемый период. К таким относится случай, произошедший в начале января 1908 г. на Воскресенском базаре. Одна из мясных лавок была снабжена большим запасом качественного мяса, так что мясник с приказчиком не успевали за спросом толпы, торговля велась не по таксе и вместо 9 к. за фунт мясо продавалось по 12 к. [12;3] Как сообщается далее, у прилавка появилась солидная фигура генерала. Он спросил мясника, почему мясо продается сверх таксы, генерал посылает своего денщика за городовым. Дальше происходит самое интересное: при появлении полицейского генерал грозным голосом приказывает мяснику выбрать

для него пол пуда хорошего мяса по таксе, по получении которого они расстаются с мясником, не составив протокола. Как потом резюмирует хроникер, «… из этого можно видеть, какими скромными желаниями обладают наши генералы и как они оберегают общественные порядки и интересы» [12;3].

**Заключение.** Во второй половине XIX века Средняя Азия была завоевана Российской империей, чему предшествовало долгое изучение региона разными учеными и специалистами – географами, геологами, этнографами, историками, востоковедами, миссионерами, а также военными топографами и чиновниками в рамках колониальных проектов. Опыт европейских держав, прежде всего таких как Франция и Великобритания, в осуществлении своих колониальных амбиций на Востоке показал, что широкое использование ориенталистских стереотипов и клише для оправдания своей агрессии в отношение покоренных народов к данному периоду стал самым действенным орудием в руках белого человека. Широкий корпус материалов, собранных во время многочисленных экспедиций с участием видных российских востоковедов, историков, этнографов в XIX веке послужили этим целям, однобоко освещая быт и культуру народов Средней Азии в выгодном для империалистических устремлений Российского царского двора. Не имея под собой твердой научной основы, выводы путешественников, востоковедов, этнографов, а также дипломатов и многочисленной армии госчиновников колониальной администрации послужили в деле завоевания и укрепления своей власти в Туркестане.

Список использованной литературы

1) Королева О.В. Восточный город в восприятии английских путешественников в конце XVI – первой трети XVII вв. Автореф. дис.к.и.н. Саратов, 2009. Стр.2

2) Edward W. Said. Orientalism. Western Conceptions of the Orient. (New York: Random House, 1978)

3) Владимир Бобровников. Почему мы маргиналы? Заметки на полях русского перевода «Ориентализма» Эдварда Саида. Стр.1

4) Костенко Л.Ф. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. СПб.1871;

5) Арандаренко. Г. А. Досуги в Туркестане, 1874-1889. СПб. 1889

6) Иванов Д. Всемирный путешественник. Внутреннее обозрение. Русская Земля. 1872. Также см. Отчеты, рапорты и циркуляры Милютина и Горчакова по данному вопросу.

7) Величие и язвы Российской империи. Международный научный сборник в честь 50-летия О.Р.Айрапетова. Издательство Регнум. Москва. 2012;

8) Сергеев Е.Ю. Большая игра, 1856-1917: Мифы и реалии российско-британских отношений в Центральной и Восточной Азии. Т-во научных изданий КМК Москва. 2012

9) Alexander Morrison. The Russian Conquest of Central Asia. A Study in Imperium Expansion, 1814-1914

10) Записки императорского Новороссийского университета. Том 60. Изданный под редакцией орд.проф. А.А Кочубинского. Одесса. 1993. Яворский И.Л. Средняя Азия. Культурные успехи и задачи в ней России. Стр.3

11) Халфин Н.А. Политика России в Средней Азии (1847-1868). – М.: Издательство восточной литературы, 1960. Стр. 117

12) Туркестанская торгово-промышленная газета. №9, 10 января 1908 г. С.3

# 1920-1990 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР (СУРХОНДАРЁ МИСОЛИДА)

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.004

*Худайбердиева Гулнора Хурсандовна,*
*Термиз давлат университети “Фуқаролик жамияти” кафедраси ўқитувчиси*

*Аннотация. Мақолада асосан 1920-1990 йилларда Ўзбекистондаги, шу жумладан Сурхон вохасидаги маданий жараёнлар ва Совет ҳокимиятининг юритган сиёсати ёритиб берилган. Совет давлати ҳукумронлиги даврида миллийилигимизни инкор этишга қаратилган масалалар ҳам баён қилинган.*

*Калит сўзлар: миллий-маданият, ижтимоий ҳаёт, таълим, маънавий-маданият, мафкура, қатағон.*

# 1920-1990 ГОДЫ КУЛЬТУРНЫЕ ПРОЦЕССИ В УЗБЕКИСТАНЕ (НА ПРИМЕРЕ СУРХАНДАРЬИ)

*Худайбердиева Гульнора Хурсандовна,*
*Преподаватель кафедры Гражданского общества Термезского государственного университета*

*Аннотация. В статье в основном освещаются культурные процессы в Узбекистане в 1920-1990-е годы, в том числе в Сурхандарьинском оазисе, и политика, проводимая советским правительством. Утверждается, что во времена правления Советского государства оно было направлено на отрицание нашей национальности.*

*Ключевые слова: национально-культура, идеология, общественная жизнь, образование, духовно-культура, идеология, репрессии.*

# CULTURAL PROCESSES IN UZBEKISTAN IN 1920-1990 (BY THE EXAMPLE OF SURKHANDARYA)

*Khudayberdieva Gulnora Khursandovna,*
*Senior Lecturer, Department of Civil Society, Termez State University.*

*Abstract. The article mainly covers the cultural processes in Uzbekistan in 1920-1990, including the Surkhandarya oasis, and the policy pursued by the Soviet government. It is stated that during the rule of the Soviet state it was aimed at denying our nationality.*

*Keywords: national-culture, social life, education, spiritual-culture, ideology, repression.*

**Кириш.** Маданият – бу асосан инсонларнинг фаолияти натижасида вужудга келган моддий ва маънавий бойликлар мажмуини ифодалашдир. Шунингдек, маданият ўзида жамиятнинг ривожланишини ҳам ифодалайди. Янаям аниқроқ қилиб айтганда жамиятдаги билим ва

қадриятларнинг бирлашмаси маданиятда акс этади. Жамият маданият икки турга моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Моддий маданиятга моддий бойликларнинг бутун мажмуи уларни яратиш воситалари: ишлаб чиқариш жараёнида яратилган техника, техника иншоотлар, технология, ижтимоий меҳнатни уюштириш турлари, қурилиш ва деҳқончиликни йўлга қўйиш кабилар киради. Маданиятнинг иккинчи тури эса, бу маънавий маданиятдир. Маънавий маданиятга инсоннинг ақл-идроки ва яратувчанлиги ва уларнинг натижалари киради. Маънавий-маданият фан, ахлоқ, дин, ҳуқуқ, сиёсат, фалсафа, санъат, адабиёт, маърифат, маориф, кабилар мужассамланади. Шунингдек маданият умуминсонийдир ҳам. Масалан, фан-техника ютуқлари, мақомлар, меъморчилик дурдоналари, транспорт, алоқа воситалари, адабиёт, транспорт ва алоқа воситалари кабилардир.

Шу ўринда шуни айтишимиз керакки, совет даврида Ўзбекистонда маданий жараёнлар коммунистик партиянинг ғоялари билан суғорилди. Совет тузумининг ҳукмронлиги, барча соҳалардагидек маданий соҳада ҳам ўз ҳукмини сингдирди. Натижада, меъморчиликдан тортиб ноёб қўлёзмаларгача, маданият ёдгорликларгача синфий зарарли ҳодисалар сифатида йўқ қилинди. Уларни ҳалқимиз томонидан ўрганишига тўсиқ қўйилди. Бу борада энг ачинарлиси, маданиятга бундай муносабат яқинларгача сақланиб келди. Зиёлиларимизнинг атоқли намояндалари Фитрат, А.Қодирий, У.Носирларнинг, Чўлпонлар фожиали тақдири ҳаммамизга маълумдир. Шунинг учун ҳам маданий соҳа фаолиятида бироз узулиш бўлди. Умуман айтганда мустабит совет тузум даврида ўзбек халқининг миллий маданияти поймол қилинди, она тилимизга қадрсизланди. Фақатгина буюк мустақиллигимиз туфайли ўзлигимизга қайтдик.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақола асосан тарихий-методлар, тарихийлик, кетма-кетлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, холислик, шаффофлик тамойиллари асосида ёритилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мақола учун бирламчи маълумотларни Сурхондарё вилоят архивининг 45-, 86-, 315-, 454-фондларидаги ҳужжатлар ташкил этади. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти рақамларда (1920-1991 йиллар)” статистик тўплами маълумотларидан ҳам фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон ҳудудида 1920 йиллардаёқ маҳаллий аҳоли учун хилма-хил мактаблар, яъни бошланғич таълимга асосланган диний мактаблар, мадрасалар, рус-тузем мактаблари, янги усул мактаблари мавжуд бўлган. Бу масканлардан ташқари, рус мактаблари, гимназиялар, ўқитувчилар семинарияси ҳам фаолият олиб борган. 1917 йил Февраль воқеаларидан сўнг Ўзбекистоннинг бир қатор

ҳудудларида, яъни Самарқандда йирик миллатпарварлар Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Саидаҳмадхўжа Сиддиқий, Мардонқули Шомуҳаммадзода Акобир Шомансурзода, Саид Аҳмад (Васлий) мактабларда ислоҳотлар ўтказиш ғоясини майдонга ташладилар. Диний ақидаларга асосланган ўрта аср мактаблари ўрнига янгича, европача усулдаги дунёвий билимларни она тилида ўқитишга мосланган мактаблар яратилди. Янгича мактабларда маориф тизимини ислоҳ қилишга қаратилган эди асосий мақсад.

Ўзбекистоннинг кўпгина ҳудудларида турли тилларда дарс ўтиладиган хусусий мактаблар очилди. Ўзбекистонда, шу жумладан Сурходарё ҳудудида ҳам янги усул мактаблари очилиб, маърифатпарвар, илғор педагоглар бу мактаб ўқувчиларининг билим олишлари учун ҳар хил фанларга оид дарсликлар, ўқиш китоблари, қўлланмалар ярата бошладилар. Айниқса Ўзбекистон миқёсида Беҳбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Ибрат, Ҳамза, Фитрат кабилар бу соҳада алоҳида  жонбозлик кўрсатдилар. Булардан ташқари жадидлар бошқа ҳудудлардаги маърифатпарварлик ҳаракатлари билан ҳам алоқа боғлай бошладилар. Бу даврда келиб яна бир тарихий жараёнга алоҳида тўхталиб кетмасдан илож йўқ, яъни Туркистонда маърифатпарварлик ва жадидчиликнинг турли, янги таълим-тарбия, ўқув-ўқитиш масалаларини баён эттирувчи кўплаб журналлар нашр этилди. Уларга қуйидагиларни мисол қилиб айтишимиз мумкин: “Ойна”, “Тараққиёт”, “Тужжор”, “Садойи Туркистон”,  “Самарқанд” каби журналлар шулар жумласидандир. Шу ўринда Абдурауф Фитратни қуйидаги ғояни кўтариб чиқди [1, 30]. Ўзбекистон ёшларини замонавий талаблар асосида тарбиялаш учун малакали ўқитувчилар шартлигини таъкидлаб, истеъдодли ёшларни Россиянинг марказий ҳудудларидаги ўқитувчилар семинарияларига юбориш ғоясини илгари сурди.

Шундан кейин Тошкентда таркибида педагоглар, агрономлар, муҳандислар, шифокорлар, агрономлар ва маҳаллий зиёлилар бўлган “Олий таълим дўстлари жамияти” ишга тушди. Дастлабки олий ўқув юрти – Туркистон халқ университети (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети)нинг 1918 йилда Тошкентда очилиши ҳам жадидлар ҳаракати билан алоҳида боғлиқдир [2, 49.] Шу йилнинг ўзидаёқ, яъни 1918 йил 12 майда Мунавварқори Абдурашидхонов ташаббуси билан Туркистон халқ университети таркибида Мусулмон халқ дорилфунуни ташкил этилди. 1919 йилга келиб, Тошкентнинг Эски шаҳар ҳудудида жадидлар ташаббуси билан Туркистон халқ консерваториясининг миллий бўлими ташкил этилди.

Собиқ советлар даврида айниқса тарих фани ҳар томонлама ривожланди. Олий маълумотли тарихчилар етишиб чиқди. Туркистон

Давлат университети, Ўрта Осиё коммунистик университети, истпартларда тарих фани бўйича илмий татқиқот ишлари олиб борилди ва тарихчи олимлар тайёрланди. 1919 йилда Туркистон Халқ маорифи халқ комиссарлиги қошида Архив ишлари бўйича марказий бошқарма ташкил этилди [3, 37]. Лекин бу етишиб чиққан ёш кадрларнинг ҳаммаси марксча-ленинча ғоялар руҳида тарбияланди. Ёш кадрлар асосан ҳукмрон коммунистик мафкуранинг мустаҳкамланишига хизмат қилиши керак эди. 1920 йилларнинг бошларида яратилган тарих хақиқатга яқинроқ эди, лекин 20 йилларнинг охирида яратилган тарихда социалистик мафкура билан суғорилган эди. Эндиликда Совет ҳукумати ҳақидаги барча қарши фикрлар қораланди.

Маҳаллий аҳолининг ҳохиш-иродасини ҳисобга олинмай қурилган Совет ҳукумати, яъни зўрлик билан ўрнатилиши, сиёсий ҳуқуқнинг паймол этилиши ва ўйламай ўтказилган иқтисодий ўзгаришлар халқнинг совет давлатига қаршилигини уйғотди. Тарихда бундай ҳаракатлар дастлаб “бандидлар”, “шайкалар” деб аталган бўлса кейинчалик “босмачилик ҳаракати” деб аталди.

Бу тарихий воқейликка ёндошув 80 йилларга келиб ўзгарди. Бу ўринда шуни айтишимиз ҳам лозимки фақатгина мустақиллик туфайли холисона баҳоланди. Бу даврда маориф соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришлар юзага келганди, яъни 1919 йилдагига қараганда 1920-1921 йилларда биргина бошланғич мактаблар сони 2022 тага етди [4].

Тоталитар тузумнинг бошларида маданият ва уни бошқариш жараёнларида демократик тамойиллар мавжуд эди. Совет ҳукумати маҳаллий аҳолининг урф-одатлари ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олишга мажбур бўлган эди. Кейинчалик эса, маъмурий-буйруқбозлик кучайиб бориши билан большевикча “маданий инқилоб” йўли хукумронлик қила бошлади. Совет ҳукуматининг яхши ўйланмаган сиёсати оқибатида халқнинг маърифатга, фанга ва миллий маънавиятга бўлган интилиши сиёсий манфаатларга бўйсундирди.

Ҳукумрон тизимнинг “маданий инқилоб” ҳаракати жамиятнинг барча соҳаларини, айниқса фан ва маданиятни ўта мафкуралаштириб, ўз қавмига тортиб олди.

Айнан Сурхон воҳасида XX аср 20 йилларининг охирлари, яъни аникроқ қилиб айтганда 1927-1928 йилларда 9 та тўгарак фаолият кўрсатган. Ундан 4 таси мактаблар тўгараги, 1 таси ишлат чиқариш тўгараги, шунингдек, 4 та маданий муассасаларда тўгараклар фаолият кўрсатган. Шунингдек, таълим муассасаларидан шаҳарларда 1 та мактаб интернат ҳам фаолият кўрсатган [5].

XX асрнинг 30 йилларида Ўзбекистоннинг ҳар бир бурчагида, ҳатто Сурхондарё ҳудудида ҳам маданият саройлари, клублари очилди,

район маданият уйлари барпо очилди. Кутубхоналар тармоғи кенгайиб, уларнинг китоб фондлари бойиб борди, клублар, кинотеатрлар, театрлар ва маданият уйлари қошидаги кино қурилмаларининг сони кўпайди, стадион ва спорт майдончалари яратилди. Шунингдек, китоб, газета ва журналлар нашр этилди. Радио эшиттиришлари аҳолининг кундалик турмушига айланди. Лекин, ушбу даврда қарор топиб борган маъмурий-буйруқбозлик ва шахсга сигиниш мафкураси республиканинг ижодий ходимларини, унинг бутун маънавий ҳаётини қамровга олди.

Тарихнинг мудҳиш зарварақларидан маълумки, XX асрнинг 30 йилларидаги қатағонлар миллий маданиятимиз учун даҳшатли фожиага айланди. Инсон манфаати учун яратилган қонунчиликни қўпол равишда бузилиши ва инсон қадр-қимматлари поймол этилиши сабабли миллий маданият ўрни тўлмайдиган даражада зарар етди. Истеъдодли бир қатор арбоблар миллий маданият бағридан суғуриб олиниб, халқ душмани деб эълон қилинди. Уларнинг ғояларидан, асарларидан фойдаланиш тақиқланди. Бундан ташқари бутун маҳаллий аҳоли шу жумладан Сурхон воҳаси халқи ҳам Жиззахга қатағон қилинди.

XX асрнинг 30 йилларида динга ва руҳонийларга қарши очиқдан-очиқ "уруш" эълон қилинди. Бунинг ҳатти-ҳаракат учун "Курашчан худосизлар" ташкилоти тузилиб, барча корхона ва ташкилотларда унинг бўлимлари ташкил этилди. Бу ташкилотнинг фаолиятида ёш қизларни турмушга бериш, қалин олиш, аёлларни хўрлаш кабиларни олдини олишда ижобий натижаларга эришилган бўлса-да, бироқ ва аммо динга эътиқоди эътиқод қилиш қатъиян тақиқланди. Бу ташкилот маълумотларига асосланиб республика ҳукумати томонидан 1931 йилда Сурхон ҳудудида ҳам бир қатор масжидлар, черковлар ва диний мактаблар ёпиб ташланди. Бу эса маҳаллий халқимиз учун жуда оғир давр бўлди.

XX асрнинг 30 йилларида маданий-маърифий ишларга алоҳида эътироф этишга қаратиш, ҳунармандчиликни ривожлантириш учун уста ҳунармандлар топиш, клублар ташкил этиш, етарлича маблағлар билан таъминлаш, нашриётларни кўпайтириш, тадбирлар ўтказиш масалалари ЎзССР Марказий Комитет сиёсий бюросида кўриб чиқилди [6].

1939 йилларга келиб барча маданий муассасалар сингари таълимга ҳам эътибор алоҳида қаратилди. Шу йилнинг ўзидаёқ Сурхондарё ижроя комитетининг қарорига кўра барча мактаблар китоблар, дарсликлар ва ўқув қуроллари билан зудлик билан таъминланиши талаб этилди. Харид қилиш учун туман бюджетидан таъминланиши, синф хоналарини тоза ва шинам бўлишини таъминлаш, саводли ўқитувчилар билан таъминлаш, тўгараклар ташкил этиш, мактаблар учун барча лозим бўлган бинолардан фойдаланиш, хотин-қизлар саводсизлигини тугатиш

ва бу муаммоларни бартараф қилиш учун қисқа муддатли уқув курслар ташкил этиш – Термизда - 120 ўринли, Шерободда - 70 ўринли мактаб ташкил этиш, шунингдек, бунинг учун 45 тагача маълумотли ўқитувчи олиш масалалари кўриб чиқилди [7].

Совет ҳукумати даврида маданий муассасаларни, албатта, ўзларини ҳукмрон ғояларини сингдириш йўли билан ривожлантирилди. XX асрнинг 40 йилларида рассомчиликка ва тасвирга олиш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилди [8].

XX асрнинг 40 йилларида, яъни иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон маданияти-театр ва мусиқа санъати арбоблари фашизмга қарши курашда фаолият кўрсатди. Бу даврга келиб Ўзбекистонда 51 та театр, яъни улардан 35 таси маҳаллий ва 16 таси эвакуация қилинган эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам Сурхон ҳудудида маданий муассасалар фаолияти тўхтаб қолгани йўқ. Бу даврда, 1941-44-йилларда Ўзбекистон театрлари 203 та янги постановка қўйиган, 13568 та спектакль ва концерт қўйиб, 6667303 томошабинга хизмат қилдилар. Ўзбек концерт бригадалари ташкил этилди ва улар фронтларда фаолият кўрсатдилар ўзларининг репертуарлари концертлари билан. Ўзбек концерт бригадалари таркибида О.Хўжаев, Г.Раҳимова, М.Қориёқубов, К.Зокиров, Ш.Бурҳонов, Ҳ.Носирова, Тамарахоним, С.Эшонтўраева, М.Турғунбоева, А.Ҳидоятов, каби санъат арбоблари бор эди [9].

1946 йилдан 1958 йилгача бўлган даврни социализмнинг тўла тўкис ғалабаси даври дейилди. XX асрнинг 50 йилларига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистонни кўпгина ҳудудларида маданий-маърифий соҳани жадал ривожлантиришга қаратилди. Шу жумладан, Сурхондарё ҳудудининг кўпгина жойларида маданий-маърифий соҳага эътибор кучайди. Бу борада Жарқўрғон ҳудудидаги мактаб интернатини мисол қилиб олишимиз мумкин. Маориф соҳасида сўз бораркан албатта бу даврда жонбозлик кўрсатган сурхондарёлик қуйидаги устозларни айтишимиз мумкин: Амурқулов Тожи, Садатов Муҳммад Садат ўғли, Чориев Қобил, Маманов Омон, Ўрозов Эргаш Норкулович, Садаев Холмат Садаевич, Умиров Холмўмин Намозович, Худойқулов Худоймурод, Қулматов Абдурашид, Бобоназаров Қўнғирот Абдурахмонович, Абдуллаев Исмоил [9].

Совет ҳукуматининг ҳукумронлик қилган йилларида Сурхон воҳасининг илм вакиллари халқни саводхонлиги учун тинмай-хормай ўз жонбозлигини кўрсатишди. Уларнинг бу меҳнати, жонбозлиги мустақиллик йилларига келиб муносиб тақдирланди.

XX асрнинг 60-70 йилларида маданий-маърифий муассасалар бироз молиявий жиҳатдан давлат назоратидан четда қолганлиги учун кўпинча жамоатчилик асосида қўрилди. Ўзбекистонда таълим тизимини яҳшилаш учун ўнлаб қарорлар қабул қилинди. Бироқ бу қарорлар тўлиқ бажарилмасди. Мактаблар урушдан кейин ҳам, тинчлик ҳукмрон бўлишига қарамай дарсликлар билан тўлиқ таъминланмади. Ўқитувчи кадрлар масаласи урушдан кейинги йилларда энг жиддий муаммолардан эди. Чунки, малакали ўқитувчилар асосан урушга юборилган, уларнинг

кўпчилиги ҳалок бўлганди. 1950 йилда республика халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашда 26 та олий ўқув юртлари, шунингдек, 2 та университет фаолият кўрсатди. Бундан ташқари, 92 та техникум ўрта махсус таълим тизимида иш олиб борди.

1950-1953 йилларда олий ўқув юртини битирганларнинг атиги 30% ини, ўрта махсус ўқув юртлари битирувчилариниг эса 33% ини ўзбеклар ташкил қилди, холос. Ўзбек миллатига мансуб ёшларни олий ва ўрта махсус таълим масканларига бунчалик кам жалб этилишининг сабабларидан бири бу ўқув юртларига кирувчи ёшлар ўрта мактабларда оммавий-сиёсий тадбирларга, қишлоқ ишларига асоссиз равишда кўплаб жалб қилиниши оқибатида улар олий ўқув юртларига кира олишлари учун талаб қилинадиган билимни олиш имкониятига эга бўлмасдилар. Яна муҳим сабабларидан бири, олий ўқув юртларига кириш учун синов сифатида чет тилларида имтиҳон қўйилиши ва талабаларга 80 йиллардан бошлаб рус тилида дарс ўтилиши эди [2]. Бу ҳолат бир тарафдан ёшларни бошқа, яъни чет тилини ўрганишига ундарди. Айни пайтда, қайд этиш жоизки, республикада олий ўқув юртлари сони ҳам ортиб борди.

1959 йили республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида 31 та олий ўқув юртлари бор бўлиб, уларда 88 минг киши таълим олган бўлса, 1985 йилга келиб олий ўқув юртлари сони 42 тага талабалар сони эса 285,5 минг кишига етди. Шунингдек, республикадаги 249 та ўрта махсус билим юртларида 281,7 минг ўқувчи билим олди. Бу миқдор маҳаллий миллат йигит қизлари билим учун эмас диплом учун қизиқиш деган ақидалар асосланганлигини кўрсатади [8].

XX асрнинг 70 йиллари ҳам ўзига хос тарихга эга бўлиб, маорифни яхшилаш мақсадида маориф ва маданият билан доимо шуғулланувчи комиссиялар белгилади. Улар алоҳида жадваллар билан жойлаштириб чиқилди ва қатъиян назорат остига олинди [10]. Албатта, бу жараён Совет давлатининг мафкураси билан суғорилганди. Шундай бўлсада халқнинг саводхонлигига таъсири ҳам бўлганди, олий ва ўрта махсус таълим тизимида мафкуравий тазйиқлар кучайди; мутахассислик бўйича асосий фанларни ўқитишни такомиллаштириш ўрнига барча олий ўқув юртларида коммунистик мафкурани шакллантирувчи КПСС тарихи, марксизм-ленинизм фалсафаси, сиёсий иқтисод фанларини ўқитиш амалга оширилди. Ўқув жараёни учун муҳим бўлган демократик ва ижодий жиҳатлар инкор этилди.

Натижада олий таълим тизимида масъулиятсиз, лоқайд, «ўртамиёна» мутахассислар тайёрлаш механизми вужудга келди. Шундай бўлишига қарамай Ўзбекистонликларни, хусусан ўзбекларнинг илмга чанқоқлиги ҳар қандай сунъий тўсиқларни енга бошлади. Ўзбекистонда фан ва теҳниканинг ҳамма соҳаларида йирик олимлар етиштирилиб, фан номзодларини ва докторларини тайёрлаш бўйича собиқ иттифоқда олдинги қаторларга чиқди.

Маориф соҳасида яна эътиборга тортадиган тарафларидан бири шундаки, XX асрнинг 70 йилларида меҳнаткашларнинг фарзандларини

дарсдан ташқари, таътил вақтларида дам олиш, пионер лагерлари ташкил этилди. Шунингдек М.Т.Ойбек номли Термиз педагогика институти томонидан, педагогика техникуми томонидан, соғлиқни сақлаш мақсадида тиббиёт ходимлари томонидан пионер лагерларига амалиётчи талабалар ва ходимларни сафарбар қилинди [11].

XX асрнинг 80 йилларида маданий-маърифий муассасалар иш жараёнлари кўпроқ бадиийликдан сиёсатлашган «маданий йўлга» ўрнаша бошлади. Натижада ҳар бир маданий муассасаларнинг иш фаолияти маданий савиясини оширишга қараб эмас, балки, қай тарзда коммунистик мафкуранинг тарғиботчиси сифатида иш олиб борганлигига қараб баҳоланди.

Хулоса. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, совет ҳукумати рахномалигида ўзбек халқининг маънавий ҳаёти қўпол равишда бузилб кўрсатилишига қарамасдан, қанчалик миллий маданиятини бузишга ҳаракат қилмасин буюк халқимиз ўзининг ўзлигини, миллийлигини сақлаб қолди. Бу буюк руҳият эса албатта мустақиллигимизга даъват этди ва буюк туйғу булмиш муқаддас мустақилликка, озодликка эришдик. Мустақиллик том маънода халқимиз тарихий йиллар мобайнида рахна солиб келинган ўзлигини англашда энг улуғ қадам бўлди. Мустақиллик туфайли ўтмишимиз оқланди, тарихимиз қайтди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Чориев А. Инсон фалсафаси. Мустақил шахс. – Тошкент: Чинор ЭНК, 2002.
2. Эркаев А. Маънавият – миллий нишони. – Тошкент: Маънавият, 1999.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида . – Тошкент: Шарқ, 2000.
4. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 149-фонд, 18-рўйхат, 1-иш, 1-2 варақлар.
5. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 313-фонд, 18-рўйхат, 1-иш, 114-116-варақлар.
6. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 315- фонд, 18-рўйхат, 1-иш, 331-133-варақлар.
7. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 454- фонд, 4-рўйхат, 41-иш, 3-варақ.
8. Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 384 б.
9. Турсунов С., Қобилов Э., Муртазоев Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 606 б.
10. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 45- фонд, 1-рўйхат, 1624-иш, 3-6-варақлар.
11. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 454- фонд, 3-рўйхат, 92-иш, 74-варақ.

# 10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

## ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДАГИ ДАСТЛАБКИ БАҲСЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.005

*Худойқулова Марҳабо Аҳадовна*
*Бошланғич таълим назарияси кафедраси ўқитувчиси, ф.ф.ф.д. (PhD)*

*Аннотация. Мазкур мақолада XX асрнинг 20-йилларида ўзбек адабиётшунослигида олиб борилган дастлабки баҳсу мунозаралар ва уларнинг адабиёт ривожидаги аҳамияти тадқиқ этилган. Ўзбек адабиётшунослигида баҳсу мунозаралар шаклланиб, турли даврларда турлича тараққий этиб келаётган бўлса-да, унинг илмий-назарий жиҳатлари, жанрий хусусиятларини тадқиқ этиш пайти етиб келди. Баҳснинг адабий жараён ва ёзувчи ижодидаги ўрни, хусусан, футуризм оқими ҳақидаги мунозаралар таҳлил қилиниб, маълум хулосаларга келинган.*

*Калит сўзлар: Адабий танқид, баҳс, мунозара, футуризм, оқим, танқидчи, мажмуа, танқидий муносабат*

## ОСНОВНЫЕ ДИСКУССИИ В УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ И ИХ ЗНАЧЕНИЕ

*Худойкулова Мархабо Ахадовна*
*Доктор философии по филологическим наукам (PhD), преподаватель кафедры «Теорея начального образования»*

*Аннотация. В данной статье рассматриваются первые споры в узбекской литературоведение в 1920-х годах и их роль в развитии литературы.*

*Хотя в узбекской литературе возникли споры, противоречия, которые в разные периоды развивались по-разному, настало время изучить его научные и теоретические аспекты, жанровые особенности. Литературный процесс дебатов и его место в творчестве писателя, в частности дебаты о течениях футуризма, были проанализированы, и были сделаны определенные выводы.*

*Ключевие слова: литературная критика, спор, дисскуссия, футуризм, течения , критик, антология, критические отношение*

## PRIMARY DEBATES IN UZBEK LITERATURE AND THEIR SIGNIFICANCE

*Khudaykulova Marhabo,*
*(PhD), Teacher of theory of Primary Education department*

*Annotation. This article examines the first debates in uzbek literary criticism in the 1920s and their role in the development of literature.*

*Although disputes and contradictions arose in Uzbek literature, which developed in different ways in different periods, it is time to study its scientific and theoretical aspects, genre features. The literary process of debate and*

*its place in the writer's work, in particular the debate about the currents of futurism, were analyzed and certain conclusions were drawn.*

*Key words: literary criticism, controversy, discussion, futurism, trends, critic, anthology, critical attitude.*

Кириш. Ўзбек танқидчилигида муҳим ўрин тутадиган, аммо илмий-назарий жиҳатлари кам тадқиқ этилган баҳсда адабиётдаги бирор бир муаммо ёки адабиётшуносликдаги ечилмаган, ечилмаётган бирор бир масала ўртага ташланади. Одатда долзарб муаммо ўртага ташланар экан, матбуот саҳифаларида унга муносабат билдирилади. Ўша муаммога ҳар қайси танқидчи, олим ўз нуқтаи назари, билим даражаси, концепциясидан келиб чиқиб баҳо беради.

Баҳс-мақоланинг тадқиқот-мақоладан фарқи шундаки, унда кўтарилган муаммога бирдан ортиқ ёки бир неча ўнлаб адабиётшунос, танқидчи, олимлар фикр билдириши мумкин. Уларнинг баъзи бирлари, табиийки, бир позицияда туриб, бир фикрни, бошқалари ундан фарқли фикрни ҳимоя қилиши мумкин. «Баҳс характеридаги адабий-танқидий мақола, уни ихчамроқ қилиб, "баҳс-мақола" тарзида ифодалаш анъанага айланган. Баҳс-мақола тадқиқот, илмий муаммоли мақолаларга нисбатан матбуотда нофаолроқ, уларнинг кўпайиши илмий муаммоли мақолалар сифатини янада орттиради» [1,361].

Баҳс-мақолалар XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб адабий танқидга кириб келди. Ёзувчи ва танқидчиларнинг кўпчилиги ўзбек адабиётининг долзарб масалалари билан шуғулландилар. Фитрат, А.Қодирий, Чўлпон, А.Саьдий, Элбек, ёшлардан эса Ҳ.Олимжон, Ғ.Ғулом, Миртемир, Боту, Ш.Сулаймон, Сотти Ҳусайн, А.Қаҳҳор, Олтой, О.Ҳошим, Юнус Латифлар танқидий, илмий-маьрифий ишлари билан матбуот саҳифаларида тез-тез кўриниб турдилар. Улар ўзбек адабиётининг шаклланишига доир энг муҳим муаммолар устида баҳс юритганлар.

Асосий қисм. Ўтган асрнинг 20-йиллари охиридан эьтиборан адабиёт ва адабий танқиднинг кескин синфий кураш шароитида ривожланиши - уларнинг муҳим хусусиятидир. "1922 йиллардан кейинги жараён учун характерли бўлган хусусиятлардан бири танқидчиликда мунозара ва мубоҳасанинг майдонга келишидир. Бу йўналиш 20-йилларнинг ўрталарида ва 30-йилларнинг биринчи ярмида янада ривожландики, танқидчилигимизнинг кўп муҳим масалалари мана шу тортишувларда шаклланди ва мустаҳкамланди. Бу, шубҳасиз, ўзи ҳали кучли изланиш даврини бошдан кечираётган адабий жараённинг изланишда бўлган танқидчилиги учун табиий ва, айни вақтда, зарурий хусусият эди. Шу сабабдан турли тайёргарлик босқичида бўлган муаллифларнинг тортишувлари серқуроқлиги, уларда тўғри фикрлар билан ёнма-ён равишда жиддий янглиш фикрларнинг баён қилиниши кўзга ташланади", деб ёзади мазкур даврни ўрганган академик Б.Назаров [2, 122].

Ҳақиқатан ҳам бу давр танқидчилиги олдида турган энг муҳим вазифа шаклланиб келаётган адабий танқиднинг назарий муаммоларини ечиш, мавжуд чалкашликларни бартараф этиш, илмий-назарий фан асосларини ишлаб чиқишдан иборат эди. Шунинг учун танқидчилар асосий эътиборларини шу масалаларни ҳал этишга қаратдилар. Янгича адабий-эстетик қарашлар шаклланаётган бу даврда адабий

жараённи текшириш, адабиётга кириб келган янги ижодкорларнинг фазилатлари, ютуқ ва камчиликларини умумлаштириб ўрганишга интилиш танқидчиликнинг кўзга ташланувчи ижобий ҳодисаларидан бири сифатида кўрсатилади. А.Саъдийнинг “Ўзбек ёш шоирлари”, “Ўзбек адабий ижод майдонида ҳаракатлар”, “Олти йил ичида ўзбек шеърий адабиёти” , А.Зоҳирийнинг “Олти йиллик ўзбек адабиётига бир қараш” каби обзор мақолаларида таниқли ва ёш шоирларнинг асарлари таҳлил этилди, шу билан бирга бир-биирига зид ва қарама – қарши фикрлар илгари сурилгани ҳақидаги мулоҳазаларни Б.Назаров, Б.Қосимов, О.Шарафиддинов Б.Карим, Р.Тожибоев, каби олимларнинг тадқиқотларида учратамиз.

Йигирманчи йиллар адабий танқидида жиддий баҳсу мунозарага сабаб бўлган масалалардан бири футуризм эди. Гарчи бу ҳақдаги дастлабки мулоҳазалар А.Саъдий томонидан айтилган бўлса-да, 1925 йил нашр этилган Олтойнинг “Ер юлдузлари” тўплами сабабли футуризм кўпчиликнинг эътиборини тортишига сабаб бўлган”[3, 66].

Маълумки, “футурум” лотинча – келажак сўзидан олинган бўлиб, футуризм оқими дастлаб XX аср бошида Италияда буржуа маданиятининг инқирозга учраши оқибатида юзага келган.Футуристлар ўтмишни рад этиб, ҳамма нарсани келажакдан кутишга чақирдилар. Барча анъанавий қоидалар ва урф-одатлар билан танаффус эълон қилган футуристлар, аввало, мазмунга эмас, шаклга эътибор қарата бошладилар, бунинг учун улар профессионал жаргон ва қўпол лексик ибораларни ишлатишди, ҳужжатлар ва плакатлар тилидан фойдаланишди, сунъий неологизмлар, ўзларининг “ақлли“ тилларини ихтиро қила бошладилар. Футуризмнинг тан олинган асосчиси итальян шоири Филиппо Томасо Маринетти бўлиб, у 1909 йилда “Фигаро” газетасида чоп этилган “Итальян футуризми манифести”да “музейларни, кутубхоналарни йўқ қилишга, ахлоқсизликка қарши курашишга” чақирган ва Б.Мусолиннининг шериги сифатида кейинчалик фашистларга қўшилиб кетган.

Футуризм, бошқа модернистик оқимлар сингари мумтоз анъаналарни рад этди, аммо улардан фарқли ўлароқ, у экстремистик йўналтирганлик, олдинги барча бадиий тажрибаларни тўлиқ нигилистик рад этиш билан ажралиб турарди. Маринеттининг сўзларига кўра, футуризмнинг дунё тарихидаги вазифаси “ҳар куни санъат қурбонгоҳига тупуриш эди” [4].”Бизни аёл кишининг кўз ёшлари ва табассумидан кўра бир парча ёғоч ёки темирдан чиққан ўт ҳаяжонга солади”, -деб ёзган Маринетти ”[8,213]. Кўринадики, футуристлар Инсонни унутиб, метални, механизмларни тасвирлашни тарғиб қиладилар.

XX асрнинг бошларида Россияда юзага келган ижтимоий-сиёсий вазият туфайли футуризм ёш авангард шоирларнинг эътиборини жалб қилишга олиб келди, улар 1910-1914 йилларда ушбу ҳаракатнинг турли гуруҳларини яратдилар. Улар икки тармоққа эмас[5,347], балки 4 тармоққа бўлинган экан:

1. Кубофутуристлар (В.Хлебников, В.Маяковский ва бошқалар).
2.Москва эгофутуристлари (Г.Иванов).
3. Петербург эгофутуристлари (И.Северянин, И.Игнатьев ва б.).
4. “Центрофуга” футуристик гуруҳи (С.Бобров, Б.Пастернак ва ҳ.к.)

1917 йилда Россияда большевиклар партияси ҳокимиятга келгандан кейин, футуризм адабий йўналиш сифатида аста-секин йўқолиб бора

бошлаган. Унинг кўплаб вакилларининг тақдири қайғули ва фожиали тугаган.Инқилобий ғояларни қабул қилган баъзи футуристлар ўз фаолиятларини давом эттиришга ҳаракат қилганлар ва XX асрнинг 20-йиллари охирида (ЛФИ) “Санъатнинг сўл жабҳаси (фронти)” ташкилотини яратганлар.

Шунга қарамай, кумуш аср рус шеъриятидаги адабий йўналиш сифатида футуризм символизм ва акмеизм билан бирга унинг кейинги ривожланиши учун жуда муҳим роль ўйнаган ва кейинги авлод шеъриятининг асоси бўлган кўплаб самарали ва инновацион ғояларнинг уйғонишига сабаб бўлганлиги кўринади [4].

Рус ва татар адабиёти, маданиятидан яхшигина хабардор А.Саъдий 1923 йил охирида тўгаракда футуризм тўғрисида маъруза ўқийди ва ўзбек адабиётида футуризм оқим сифатида йўқ деган фикрни баён этади. “Эшитувчи” имзоли муаллиф эса “Туркистон” газетасида Саъдий фикрларини нотўғри талқин қилиб, олим “ўзбекларда адабиёт йўқ, деб айтди”,- дейишгача боради. А.Саъдий баҳсга киришиб, “Эшитувчи”га жавобан ёзган “Юзим очиқ, ниқоблантирмангиз” эътирозида фақат футуризм тўғрисида гапирганини, унинг оқим сифатида ўзбек адабиётида бўлмаганини такрор айтади:.” Умуман Шарқда футуризм оқими ҳали туғилгани йўқ. Кейинги янги усмонли адабиётидан яхши хабарим бўлмаса-да, уларда ҳам бу оқим туғилғондир, деб билмайман...Ўзбек ва қозоқ адабиётига келсак, буларда унинг аломати ҳали кўринмайди, тезлик билан кўринар, деб ҳам айта олмайман...”[3,67]. Кўринадики, футуризм учун Италия, Россиядаги каби муайян иқтисодий-ижтимоий, техникавий шароитлар талаб қилиниши, унинг ўзига хос тили, услуби борлигига асосланиб, олим масалага илмий нуқтаи назардан ёндашади.

Адабиётшуносликда орадан икки йил ўтгандан кейин футуризм баҳси Олтой туфайли қайта бошланади. Олтой бизнинг адабиётимизда футуризм оқими худди Ғарбдагидек бўлиб туғилмаслиги, “бизда ишчи йўқ бўлса, деҳқон бор. Мана шунинг турмушида, тирикчилигида футуризм учун манба йўқ деб ҳеч ким айта олмайдир” деган сўзларни айтиб, баҳсни оловлантиради. Унинг фикрича, ҳар бир миллатнинг футуризми бир-бирига ўхшамайди. Ҳар миллатнинг турмуш шароити, одати, интилиши айрим хусусиятлари билан фарқ қилади. Футуризмнинг асоси, замини турмуш бўлгани сабабли турмуш жараёнини тасвирлайди деб шундай хулоса қилади: “Биринчи бўлган бу йўлдаги тажрибамни оммага таниш учун тақдим этаман”[3,67].

Шундан кейин ўзбек адабиётида футуризм оқим сифатида шаклланганми ёки шаклланмаганми? деган савол атрофида мунозаралар бошланиб кетади, кўпчилик Олтойни қўллаб-қувватламайди. Масалан, ёзувчи ва танқидчи З.Башир “Ер юлдузлари” ва футуризм” деб номланган мақоласида Олтойни танқид қилади. Китобнинг муқовасига “Футуризм ва замон адабиётлари” деб ёзилиши, футуризм шеърлар босилиб чиқди деган эълон уни таажжублантиради. Танқидчи футуризм қачон, қаерда ва қандай шароитда пайдо бўлганини изоҳлаб беради. Шоирнинг асарлари ғоявий жиҳатдан пухта, лекин сўзни кўпайтириб, шеърнинг адабий қимматини йўқотади...мазмун шеър охирига келиб, “думи хуржунда” бўлиб қолади деб баҳо беради.

20-йилларнинг фаол танқидчиси Кашшоф Треғулов ўзининг “Нафис

адабиёт жабҳасини соғломлаштириш йўлида” деб номланган баҳс-мақоласида “гарчи муваффақиятсизлик билан бўлса ҳам, футуристликка қараб йўл солган” Олтойни танқид қилиб, футуристликни беҳуда уриниш тарзида баҳолайди.Олтойнинг даъволарини эса “музга ёзилган” кераксиз гаплар қаторига киритади. Адабий танқид тамойилларига риоя қилиб, шоирни бу йўлдан қайтаришга, халқ тушунадиган асарлар яратишга чақиради.

“Нафис адабиёт тўғрисидаги мунозарага” мақоласининг муаллифи Ботир ҳам футуризм ўзбек адабиётининг “сўл жабҳаси” , “озод тасвир қилиш оқими” сингари фикрларни қоралайди. Ўзбек шеърияти учун бегона бу оқимни танқид қилар экан, “Олтойнинг футуристча ёзилган шеърини ўқиб бир маъно чиқариш...сувсиз чўлдан балиқ излаш билан баробар”,-дейди. Ботирнинг образли баҳосидан ҳам кўриниб турибдики, Олтойнинг янгича усулда яратган шеърлари талабга жавоб бермайди.

Футуристлар ҳаётдаги сўзларни шеърият, умуман бадиий тил учун яроқсиз деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун сўзларнинг бадиий асарда қандай ўрин тутишини таҳлил қилмай, уларни бадиий тил ва бадиий сўзга қарама-қарши қўядилар ҳамда бадиий асар учун қандайдир “ақлли” тил кашф этишга интиладилар. Айни шу жиҳатдан бу баҳсу мунозарага танқидчи Юнус Латиф ҳам қўшилади, адабиётдаги шаклий изланишлар ҳақида гапирар экан, “Олтой янги шакл қилиб (гарчи футуризмнинг ўзи бўлмаса ҳам ) футуризм шаклини қўллаши биз учун қулайсиз ва керак эмас”, -деб ёзади.

Бўлиб ўтган баҳсларнинг қизғинлиги ва тўғри айтилган танқидий фикрлар Олтойнинг фикрларини ўзгартиришига таъсир қилганини унинг “Нафис адабиётда соғлом мафкура ва соғлом танқид керак” деган (1928 йил) мақоласидаги қуйидаги фикрларидан билиш мумкин: “...Бизнинг ўзбек адабиётимизда футуризм тўғрисида кўп шов-шув бўлиб ўтди... Китоб устига ёзилган – футуризм ( “Футуризм ва замон адабиётлари”) деб аталгани Ўзнашрнинг айби. Китоб эгаси бундан бехабар”. Шундан кейин “биздаги футуризм янги даврга, унинг мазмунига мувофиқ шакл излашга интилишдир, аммо у ҳали маррасига бориб етгани йўқ. Демак, бизда футуризм оқими йўқ, унга интилиш ҳам йўқ”[3,69].

Аммо шуни ҳам қайд этиб керакки, Олтойнинг 1924 йилдан бошлаб, “Туркистон” газетасида эълон қилган “футуристча” шеърларига ёзувчилар пародиялар ёзганлар. Масалан, Абдулла Қодирийнинг “Овсар” тахаллуси билан Москвадан “Муштум”га юборган пародиясида буни кўришимиз мумкин. “Футурист шоиримиз Олтой ўртоққа тақлидан баъзи шеърлар иншод қилған эрдик.Узоқ ўйлаб турмай журналингиз орқалиқ нашр этишқа қарор бердик. Аммо бу шеър биринчи тажрибамиз бўлғани журналға босмасдан илғари Масков атоқли футуристларидан бирортасининг кўзидан кечирмакчи бўлиб, уч кишилашиб ончинон (тоза, роса) қидиришиб кўришдик ва лекин бирорталаридан дарак бўлмади.

Баъзи кишилар уларнинг Масковдан Тошкандга кўчиб кетганларидан сўзладилар. Баҳарҳол эндиги ихтиёрни ўзларига топшириб, шеърни арз қиламиз.

Абдулла Қодирий киноя ва пичингга тўла ушбу пародиясида ўзбек футуристларини, хусусан, уларнинг етакчиси бўлган шоир Олтойнинг

ноқобил, бемаъни шеърларини танқид қилиб ўтади. Бундан ташқари С.Айний ҳам “Машраб” журналидаги ҳажвий шеърида футуристликни шеъриятдаги тутуриқсизлик сифатида масхара қилганлиги маълум [3,69].

Бу борада Россияда футуризмнинг ўрни ҳақида ёзувчи М.Горькийнинг 1915 йили “Рус футуризми тўғрисида”ги мақоласи чиққан ва унда унинг илк вакили Маринетти бўлган футуризм, шубҳасиз, Россияда йўқлиги ва ана шу футуристлар орасида талантли ёшлар борлиги, агар улар “кулгили ва бақироқ” бўлмасалар, ҳақиқий ижодий изланишлар йўлидан борсалар, ўсишларига имкон бериш лозимлиги ҳақида фикр билдирилган, ҳатто Маяковскийдай йирик шоир ҳам футуристлар таъсирида бўлгани ҳақида юқорида фикр билдирган эдик. Ўзбек ижодкорлари ҳам адабиётга манфаат келтирмайдиган мазкур оқим ҳақида ўз вақтида танқидий муносабатларини билдирганларки, шу йўлга кириш истагида бўлган Олтой сингари шоирларни тўғри йўлга бошлай олганлар.

Таҳлил этганимиз баҳслар ҳам ХХ асрнинг 20-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек адабиётшунослигида профессионал танқидчиликнинг дастлабки белгилари намоён бўла бошлаганини кўрсата олади. Даврнинг фаол танқидчилари сафида М. Шермуҳаммедов, С. Айний, Ғайратий, Элбек, Яшин, Ойбек, Ҳ.Олимжон, Зиё Саид сингари ижодкорлар ва О.Шарафиддинов (Айн), О.Ҳошим, С.Ҳусайн, А.Саъдий, Анқабой каби адабиётшунослар ҳам анчагина. Булар қаторида исми-шарифи аниқланмаган, фақат шартли тахаллусигина маълум муаллифлар ҳам бор эди.

Бу даврда адабий танқидчиликда баҳснинг кучайганини Ҳамза ижодига муносабат орқали кўриш мумкин. Бу жараёнда ҳам танқид икки йўлдан борганлиги аёнлашади. Масалан: «Боғбон» тахаллусли шахс «Иффат қурбони», «Юлғинбой» каби тақризларда Ҳамза пьесаларига «санойи нафиса» нуқтаи назаридан баҳо беради. Унинг камчиликларини тўғри кўрсатади.

Театр танқидчиси М.Шермуҳаммедов Ҳамза асарларини одилона ва холис, ўзи айтганидек, «бетарафона» таҳлил этиб беради. Мирмулла «Қаҳрамон Ўғуз» спектаклига бағишланган тақризида пьеса мазмунига қисқача тўхталади, пьесадаги етишмовчиликни холисона қайд қилади, актёрлар талқинига нисбатан жиддий талабчанлик билан ёндашади.

Аммо кейинчалик Ҳамза асарларига фақат синфий ва мафкуравийлик нуқтаи назаридан баҳо берила бошланди. Бу унинг ижодига муносабатнинг иккинчи йўли бўлиб, асосан Ю.Султонов, Л.Қаюмов сингари кўпгина ҳамзашуносларнинг унинг ижодини соцреализм намунаси сифатида кўпиртириб, сунъий баҳолашга олиб келган йўлдир. Шу тариқа бадиий асарга санъат нуқтаи назаридан эмас, балки синфий нуқтаи назардан баҳо бериш адабий танқидчиликнинг, шу билан бирга тақриз, мақоланинг бош вазифасига айлана борди [1,56].

Бу даврга келиб, адабий-танқидий мақолаларда жанр сифатидаги аниқ хусусиятлар кўзга ташланади. Унинг обзор мақола, портрет-мақола, баҳс-мақола сингари турлари вужудга келиб, тараққий эта бошлади. Умуман, адабиёт, бадиий ижод эмас, аниқ асарлар, аниқ ижодкорлар текширилишига ўтилди. Мақолаларда аниқ масалалар

қўйила бошланди.

Адабий танқиднинг ўзи, ҳаёт ва адабиётдаги ўрни ҳақида баҳс бошланиб кетди. Вақтли матбуот ўз саҳифаларида адабий танқид, унинг аҳамияти, ёзилажак асарларга ижобий таьсири, умуман, адабиётнинг тараққиётидаги роли ҳақида қимматли илмий мақолалар чоп эта борди. Чунончи, «Садои Туркистон» танқид истилоҳи ва унинг адабиёт соҳасига илк бор кириб келаётганлиги хусусида Аҳлулло мақоласида берилган шарҳни эслатиш мумкин"[3,23]. Мақола муаллифи бу даврга келиб, «танқид» истилоҳининг бутунлай янги маьно касб этганлигини айтиш билан бирга адабиётнинг келгуси тараққиёти бевосита вақтли матбуот ва адабий танқидга боғлиқлигини қайта-қайта таькидлаган эди.

«Танқид нима?» деган баҳсга биринчилардан бўлиб Аҳлулло, Элбек, Вадуд Маҳмуд, Неьмат Ҳаким, Абдураҳмон Саьдий ўз мақолаларида жавоб излай бошладилар.Масалан, шоир, носир, ўз даврининг зиёли кишиларидан бири, педагог Элбек танқидчилик соҳасида самарали ишлар қилди. Унинг танқид ҳақидаги фикрлари В.Белинский қарашларига яқинлиги билан ажралиб туради. У танқид деганда ҳар қандай соҳада ишловчи кишиларнинг ўз касби бўйича яратилган асарларининг ютуқ ва камчиликларини шахсий ғараз ёки мақтовларсиз, холисона айтиб, уларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатишни назарда тутади. «Танқид демак, бир ишда ё бир нарсада бўлатурғон камчиликларни шул ишнинг ишловчиларига кўрсатиб, тузатдирув ва тўлдирув учун айтиладурғон сўз демакдур»[3,48].

Мунаққид Неьмат Ҳаким эса танқиднинг фанний (илмий) танқид, сатирик танқид, адабий-бадиий танқид каби турлари ҳақида гапираркан, илк бор унинг ички таснифини амалга оширади ва ҳар бирига хос фарқли хусусиятларини тушунтиради, шу тариқа адабий танқид хусусидаги тушунчаларни кенгайтиришга ҳаракат қилади. У танқидчилар орасида А.Саьдий фаолиятини маьқуллайди. Чиндан-да, А.Саьдий жиддий масалалар ҳақида биринчилардан бўлиб фикр юритарди, бинобарин, унинг танқид ҳақидаги мулоҳазалари ҳам диққатга сазоворлиги кўринади.

Ашурали Зоҳирий "Танқид ҳам унга жавоблар ҳақида бир неча сўз" баҳс мақоласини эълон қилди.

Хулоса. Кўринадики, баҳс-мақолалар XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тезлик билан шакллана бошлаган. XX асрнинг 20-йилларида ўзбек адабиётшунослигида футуризм борасида кечган қизғин баҳсу мунозаралардан шундай хулоса чиқариш мумкин:

-XX асрнинг 20-йилларида адабий танқид ўзининг шаклланиш палласига кираётган бўлса-да, ўша давр танқидчилари ва ёзувчилари адабий жараёнга бефарқ бўлишмаган.

-Адабиётнинг, адабий жараённинг, бирор бир ёзувчи ёки шоирнинг четга оғишига қараб турмай, биргаликда ҳаракат қилишгани айниқса, футуризм масаласидаги танқидий қарашлар танқидчиларнинг илмий-назарий савиясини, янги адабиётни юксакликка кўтариш учун тўғри йўлдан боришганларини кўрсатади.

-Ўзбек адабиётига зўрама-зўраки футуризм сингари оқимларни тиқиштиришга уринаётган, шаклбозлик асосида шеърлар ратаётган

ижодкорларни тўғри йўлга бошлашда бундай баҳсларнинг ўрни ниҳоятда муҳим эканлиги яққол кўринади.

-Адабий танқид аста-секинлик билан алоиҳад ёзувчи, шоирлар ижодини тадқиқ этишга кириша бошлади, бу соҳада ҳам баҳсу мунозаралар давом этдики, буни Ҳамза ижодига муносабатда кўриш мумкин.

Йигирманчи йилларда бу жараён қизғин давом этганини Чўлпон, А.Қодирий, 30-йилларда А.Қаҳҳор, 40-йилларда Ойбек каби ёзувчилар ижодига муносабатда, 50-йилларда адабиётнинг назарий муаммолари (конфликт, типиклик, қаҳрамон ва бошқалар), 60-йилларда реализмнинг қарор топиши ва яратилаётган асарлар таҳлилида, 70-йилларда ижодий метод масалаларида ҳам кўриш мумкинки, бу мунозаралар ва адабий жараён чуқур илмий изланишлар олиб бориш ва тадқиқ этишни талаб қилади. Демак, ўзбек адабиётшунослигида адабиётнинг тараққиёти учун хизмат қиладиган баҳсу мунозараларни ўрганиш маълум бир давр адабий жараёни, унда кечган адабий тортишувлар ва бунда танқидчи, ижодкорларнинг ўрни масаласига ойдинлик киритиш имконини берадики, шу жиҳатдан уларни тадқиқ этиш муҳим вазифалардан бўлиб қолади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Назаров Б.,Расулов А.,Ахмедова Ш.,Қаҳрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди тарихи. Университетларнинг филология, педагогика институтларининг ўзбек тили ва адабиёти йўналиши учун дарслик. Тошкент. 2012. “Tafakkur qanoti”. 395 б.

2. Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. Ғоявийлик. Метод. Қаҳрамон. Тошкент.”Фан”. 1979. 268 б.

3. Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. Икки томлик. 1-том. Тошкент. “Фан”. 1987. 346 б.

4. https://xn----8sbiecm6bhdx8i.xn--p1ai html.

5. Ҳотамов Н, Саримсоқов Б.Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Тошкент. “Ўқитувчи”. 1983. 376 б.

6. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. Тошкент. 2006. 448 б.

7. Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. Тошкент. “Фан”. 2008. 176 б.

8. Абдулла Қодирий. Диёри бакр. Тошкент. “Янги аср авлоди” 2007. www. Ziyo.uz.com. kutubxonasi.472 б.

# UNLI VA UNDOSH TOVUSHLARNI O‘QITISHDA ADABIY TALAFFUZNI SHAKLLANTIRUVCHI MASHQ VA TOPSHIRIQLARDAN FOYDALANISH

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.006

*Ganiyeva Dildora Sagdullayevna,*
*Samarqand davlat universitet Kattaqo‘rg‘on filiali o‘qituvchsi*

*Anniotatsiya: maqolada ona tili mashg‘ulotlarida unli va undosh tovushlarni o‘qitish orqali o‘quvchilarda adabiy talaffuz ko‘nikmalarini rivojlantirish usullari, mashq turlari, tarkibi va mazmuni tahlil qilingan. Shuningdek, metodika sohasida mazkur yo‘nalishda ilmiy tadqiqot olib borgan ayrim metodist olimlar fikriga qisman munosabat bildirilgan.*

*Kalit so‘zlar: fonetika, talaffuz, imlo, unli va undosh tovushlar, bo‘g‘in, urg‘u, mashq, topshiriq.*

# ИСПОЛЬЗОВАНИЕ УПРАЖНЕНИЙ И ЗАДАНИЙ ПО ФОРМИРОВАНИЮ ЛИТЕРАТУРНОГО ПРОИЗНОШЕНИЯ ПРИ ОБУЧЕНИИ ГЛАСНЫМ И СОГЛАСНЫМ ЗВУКАМ

*Ганиева Дилдора Сагдуллаевна,*
*Преподаватель Каттакорганского филиала Самаркандского государственного университета*

*Аннотация: В статье проанализированы методы, виды упражнений, содержание и содержание развития навыков литературного произношения у учащихся путем обучения гласным и согласным звукам на уроках родного языка. Также было высказано частичное отношение к мнению некоторых ученых-методистов, проводивших научные исследования в области методики.*

*Ключевые слова: фонетика, произношение, орфография, гласные и согласные звуки, слог, ударение, упражнение, задание.*

# THE USE OF EXERCISES AND TASKS FOR THE FORMATION OF LITERARY PRONUNCIATION IN TEACHING VOWELS AND CONSONANTS

*Ganiyeva Dildora Sagdullayevna,*
*Teacher of the Kattakorgan branch of Samarkand State University*

*Abstract: The article analyzes the methods, types of exercises, the content and content of the development of literary pronunciation skills in students by teaching vowels and consonants in the lessons of their native language. There was also a partial attitude to the opinion of some methodologists who*

*conducted scientific research in the field of methodology.*

*Keywords: phonetics, pronunciation, spelling, vowels and consonants, syllable, stress, exercise, task.*

Umumiy oʻrta taʼlim tizimida oʻquvchilar “Talaffuz” va “Imlo” boʻlimlarini oʻrganish orqali talaffuz va imlo, nutq tovushlari va harflar, ayrim unli va undoshlar imlosi hamda talaffuzi bilan tanishib oladilar. Bugungi ona tili taʼlimida katta muammolardan biri ham – talaffuz, adabiy talaffuzga oʻrgatishdir. Bunga erishishning birdan bir yoʻli unli tovushlari talaffuzi va imlosini oʻquvchilarga zamonaviy usulda qunt bilan oʻrgatish hisoblanadi.

Har bir unli va undosh tovushning talaffuzi, imlo xususiyatlari oʻrganilgach, tovushdosh (bir-biridan atigi bitta tovush bilan farqlanuvchi,turli xil maʼnolarga ega boʻlgan soʻzlar tushuniladi)soʻzlar hosil qilishga oid oʻquv topshiriqlaridan unumli foydalansa boʻladi.Chunonchi ,unli tovushlar talaffuzi oʻrganilgach, oʻquvchilardan faqat bir unli bilan farqlanuvchi (mas, ber-bor-bur-boʻr-bir-bar) soʻzlar hosil qilish, undosh tovushlar talaffuzi oʻrganilgandan keyin esa bir undosh bilan farqlanuvchi soʻzlarni roʻyxat qilish, ularning maʼnosini sharhlashni talab etadigan oʻquv topshiriqlaridan unumli foydalanish mumkin.(1; 81b.)

“Fonetika” boʻlimini oʻrganishda oʻquv topshiriqlarining kattagina qismi oʻquvchilarda adabiy talaffuz meʼyorlarini shakllantirish va imlo savodxonligini oshirishga qaratiladi.Ogʻzaki nutq ham, yozma nutq ham oʻz toʻgʻrilik meʼyorlariga ega.Ogʻzaki nutqning meʼyorlari talaffuz (lotincha orfoepiya) bilan belgilansa, yozma nutq meʼyorlari imlo (lotincha orfografiya) bilan belgilanadi.

Toʻgʻri talaffuz va imlo kishining madaniyati va savodxonligining birinchi belgisidir.

Talaffuz meʼyorlarimizda bosh asos talaffuzning yozuvga mumkin qadar yaqinligidir. Masalan: biz boryapmiz deb yozsak, bu soʻzni shunga yaqin talaffuz etishimiz ham kerak. Bu soʻzni borotti, borvotti deb aytish xato,notoʻgʻri talaffuz sanaladi.(4; 84 b.)

Ona tili darsliklarida toʻgʻri talaffuz va imlo meʼyorlarini koʻnikma sifatida shakllantirish borasida koʻplab mashqlar ,turli tushuntirishlar beriladi.Ammo nutqiy faoliyat davomida ayrim nutq tovushlarining adabiy talaffuzi va imlosini oʻquvchiga oʻrgatish qator qiyinchiliklarni keltirib chiqaraveradi.

Boshlangʻich sinf oʻquvchilarining ogʻzaki va yozma nutqni egallashlarida fonetikadan olgan bilimlarining ahamiyati katta:

a)fonetik bilimga asoslangan holda 1 sinf oʻquvchilari savod oʻrganish davrida oʻqishni va yozishni bilib oladilar;

b) fonetik bilim soʻzni toʻgʻri talaffuz qilish (tovushlarni toʻgʻri talaffuz

qilish, urg‘uli bo‘g‘inni farqlash, orfoepik me’yorga rioya qilish) asosini tashkil etadi;

d) fonetik bilim morfologik va so‘z yasalishiga oid bilimlar bilan birga o‘quvchilarda qator imloviy malakalar (jarangsiz va jarangli undoshlarning yozilishi) shakllantirish uchun zamin bo‘ladi;

e) fonetik bilim gapni ohangiga ko‘ra to‘g‘ri aytish, logik urg‘u va gap qurilishidagi to‘xtamlarga rioya qilish uchun zarur;

f) so‘zning tovush tomonini bilish uning ma’nosini tushunish va nutqda ongli qo‘llash uchun muhimdir; hozir va hozir, atlas va atlas so’zlari ma’nosidagi farq faqat urg‘u orqali ajratiladi.

So‘zning tovush tomonini tasavvur qilish so‘zlarni talaffuzda farqlash, ayrim so‘zlarni to‘g‘ri talaffuz qilish va qo‘llash uchun zarur. O‘qituvchi boshlang‘ich sinflarda o‘qitiladigan barcha fanlarga oid darslarda so‘zni aniq va to‘g‘ri talaffuz qilish ustida doimiy ishlab boradi, shu maqsadda ko‘pincha so‘zni tovush tomondan tahlil qilishdan foydalanadi. Maktab dasturiga muvofiq, boshlang‘ich sinf o‘quvchilari fonetik-grafik ko’nikmalar tizimini hosil qiladilar: tovushlar va harflar, unli va undosh tovushlar, jufti bor jarangli va jarangsiz undoshlar, jufti yo’q jarangli va jufti yo‘q jarangsiz undoshlar; so‘zni bo‘g‘inlarga bo‘lish, urg‘uli bo‘g‘inni talaffuzga ko‘ra amaliy farqlash ko‘nikmalariga ega bo‘ladilar. Bolalar maktabga kelgunga qadar ham nutqning tovush qurilishini amaliy o’zlashtiradilar, ammo ular maxsus o‘qigunlariga qadar so‘zni bo‘g‘inlarga bo‘lishni, so‘zdagi tovushlarni izchil talaffuz qilishni bilmaydilar. 5-sinf o‘quvchilarida so‘zni to‘g‘ri talaffuz qilish, bo‘g‘inlarga bo‘lish, undagi har bir tovushni tartibi bilan aniq aytish ko‘nikmasini shakllantirish ustida maqsadga muvofiq ishlash, o‘z navbatida, analiz, sintez, taqqoslash, guruhlash kabi aqliy mashqlarni bilib olishga, shuningdek, tovushlarning tabiati, so‘z tarkibida bir-biriga ta’siri kabi ayrim elementar bilimlarni o‘zlashtirishga imkon beradi. 5-sinfda fonetika va grafikani o’rganishga katta o‘rin beriladi, chunki o‘quvchilar o‘qish va yozish jarayonini shu sinfda egallaydilar. Bu bilimlar keyingi sinflarda mustahkamlanadi, takomillashtiriladi.[2;56 ]

Maktab ona tili darsliklarini tuzishda orfoepiyaga doir o‘quv materiallarini berishda muallif aholi hududiy talaffuzining tilga ta’sirini inobatga olishlari lozim. Darslik va dastur yaratishda orfoepik nuqtai nazaridan har bir hududning talaffuzidagi muammolar e’tiborga olinishi lozim.

Talaffuzning imloga va aksincha yozuvning og’zaki nutqqa ta’siri bo‘lishi tabiiy. Talaffuzdagi har xillikka sabab,sheva bo‘lsa adabiy talaffuzni shakllantirishning samarali yo‘li – fonetik mashqlar ustida ishlashdir.

Talaffuzda ham, imloda ham eng ko‘p chalkashlik bo‘g‘iz undoshi “h” bilan bog’liq.

Ona tili darsliklarida to‘g’ri talaffuz va imlo me’yorlarini ko‘nikma sifatida shakllantirish borasida ko‘plab mashqlar ,turli tushuntirishlar beriladi.

Ammo nutqiy faoliyat davomida ayrim nutq tovushlarining adabiy talaffuzi va imlosini o‘quvchiga o‘rgatish qator qiyinchiliklarni keltirib chiqaraveradi.

Adabiy talaffuz va uning me’yorlari masalasi dunyoning rivojlangan mamlakatlari tillarida atroflicha o‘rganilganligini kuzatamiz (ingliz, fransuz va b.). Bu borada jahon tajribasida, jumladan, ingliz tilida fonetik mashqlardan unumli foydalaniladi. Shuning uchun ham amaldagi asosiy darslik va o‘quv qo‘llanmalarida har bir nutq tovushining hosil bo‘lish jarayoni haqida batafsil ma’lumot beriladi. Umumiy o‘rta ta’lim maktablari uchun nashr ettirilgan darslik hamda o‘quv qo‘llanmalarda tovushlarning talaffuz holati aks etgan maxsus chizmalar yo‘q. O‘zbek tiliga xos bo‘lgan ayrim tovushlarning to‘g‘ri talaffuzini oddiy, an’anaviy mashqlar bilan yetarli darajada o‘rgatib bo‘lmasligini bugungi o‘quvchi, talaba va ayrim katta yoshdagi ziyoli kishilar, o‘qituvchilarning nutqi ham isbotlab turibdi.

Boshlang‘ich sinf dastur va darsliklarida fonetika va orfoepiyaga doir o‘quv materiallari mazmunini tahlil qilganda quyidagilar ma’lum bo‘ldi:

5-sinfda “Tovushlar va harflar” mavzusi berilgan bo‘lib, unga jami 28 soat vaqt ajratilgan. Chunonchi:

Tovushlar va harflar. Unli tovushlar va harflar; a va o, i va u, o va o‘ unlilarining talaffuzi va imlosi. Undosh tovushlar va ularni ifodalovchi harflar. Ayrim undosh tovushlarning talaffuzi va imlosi (d-t, b-p, z-s undoshlarining talaffuzi va imlosi), so‘z oxirida , talaffuzda tushib qoladigan d, t undoshlari. Harf birikmalari: sh, ch, ng. Alifbo: Harflarning nomi. Harflarning bosh va kichik shakllari. So‘zlarni alifbo tartibida yozish. Alifboning ahamiyati.

Tutuq belgisi (’), uni so‘z tarkibida to‘g‘ri shakllantirish. Tutuq belgisining so‘zdagi vazifasi: o‘zidan oldingi unlining cho‘ziq aytilishiga, oldingi bo‘g‘inni keyingi bo‘g‘indan ajratib talaffuz qilinishiga xizmat qilishi, so‘z ma’nolarini farqlashi.

Bo‘g‘in. So‘zlarni bo‘g‘inga bo‘lish.Bo‘g‘in ko‘chirilishi, tutuq belgili so‘zlarni, ketma – ket kelgan bir undoshli so‘zlarni bir yo‘ldan keyingi yo‘lga bo‘g‘inlab ko‘chirish. Harf birikmasi (sh,ch,ng) qatnashgan so‘zlarning bir yo‘ldan ikkinchi yo‘lga ko‘chirilishi kabilar berilgan.

5-sinfda boshlang‘ich sinfda o‘tilganlar yuzasidan (6 soat) takrorlashdan so‘ng, fonetikaga 50 soat vaqt ajratilib, unda quyidagi mavzular qamrab olingan:

Unli va undosh tovushlar, ularning bir-biridan farqi. Tovushlarni harflar bilan belgilash. Unli tovushlar va harflar. O‘zbek tilidagi olti unli tovushning olti unli harf bilan belgilash. [a] va [o], [u] va [i], [e] va [o‘] unli tovushlarining talaffuzi va undosh tovushlar portlovchi f va p, h va x hamda harf birikmasi bilan ifodalangan ng tovushining talaffuzi va imlosi. Tutuq belgisi (’) va uning ishlatilishi, tutuq belgisining so‘zdagi vazifasi kabilar.

“Bo‘g‘in” mavzusiga doir quyidagi ma’lumotlar berilgan. So‘zning

oldingi satrga sig‘may qolgan qismini keying satrga bo‘g‘inlab ko‘chirish. So‘zda nechta unli tovush bo‘lsa, shuncha bo‘g‘in bo‘lishi. Bo‘g‘in tarkibi unli tovushdan, bir unli va bir undosh tovushdan , bir unli va bir necha undosh tovushdan tuzilishi kabilar.

"Bo‘g‘in ko‘chirish" ga alohida e’tibor berilgan. So‘zning bir yo‘ldan keyingi yo‘lga bo‘g‘inlab ko‘chirilishi. Bo‘g‘in hosil qilgan bir unli harfni oldingi yo‘lda qoldirib yoki keyingi yo‘lga ko‘chirib bo‘lmasligi. Bir bo‘g‘inli so‘zlar ,(ona, ahil, o‘rik, elak kabi) ikki bo‘g‘inli so‘zlarning ko‘chirish uchun bo‘linmasligi. Tutuq belgisi qo‘yib yoziladigan so‘zlarni bo‘g‘in ko‘chirish uchun bo‘linishi, tutuq belgisining oldingi bo‘g‘inda qoldirilishi (va’- da, mash’- al, ta’-lim). Harf birikmali so‘zlarning bo‘g‘inlab ko‘chirilishi (si-ngil, ko‘-ngil, tong-gi kabi) yonma-yon kelgan bir xil undoshli so‘zlarning bo‘g‘inlab ko‘chirilishi (ik-ki, kat-ta, is-siq kabi). Jarangli va jarangsiz undosh tovushlar, ularning imlosi, bunday so‘zlarning yozilishini so‘z oxiriga unli tovush qo‘shib aytib tekshirish: ( maktabim – maktab, kitobim – kitob, maqsadim – maqsad, umidim – umid kabi).

Aytilishda tushib qoladigan undoshlar (farzand, daraxt, do‘st kabi) ularning imlosiga doir o‘quv materiallari o‘rin olgan.

5-sinfda fonetikaga doir o‘quv materiallariga kamroq soat ajratilganligini ko‘rish mumkin. Masalan:

Tovushlar va harflar.Unli va undosh tovushlar va harflar.Bo‘g‘in, so‘zlarni bo‘g‘inlarga bo‘lish va bo‘g‘inlarga bo‘lib ko‘chirish qoidalari. So‘zlarni bo‘g‘in, tovush va tovush – harf jihatdan tahlil qilish; Tutuq belgisi (’) va uning ishlatilishi. Sh, ch,ng harf birikmalari, ketma – ket kelgan bir xil undoshli so‘zlar va ularning imlosi. So‘z oxirida kelgan, jarangli, jarangsiz jufti bor undoshlar imlosi, talaffuzda tushib qoladigan undoshlar, yonma-yon kelgan bir xil undoshlar imlosidan iborat.

4-sinfda ham fonetikaga doir o‘quv materiallarini o‘qitishga 10 soat vaqt ajratilgan bo‘lib, ular quyidagi mazmunda:

Tovushlar va harflar

Unli va undosh tovushlar, ularning harfiy ifodasi; talaffuzi va yozilishi farq qiladigan unli tovushli so‘zlarning talaffuzi va imlosi; jarangli va jarangsiz undoshlarning talaffuzi va imlosi; bir xil qo‘sh undoshli so‘zlar va ularning imlosi; so‘z oxirida qator kelgan undoshli so‘zlar va ularning imlosi, x-h tovushli so‘zlar va ularning imlosi, tutuq belgili so‘zlarning talaffuzi va imlosi kabilar.

Bu sinfda ham "Bo‘g‘in" mavzusiga 2 soat ajratilgan. So‘zlarni bo‘g‘inlarga bo‘lish; unli tovushlarning bo‘g‘in hosil qilishi; so‘zlarni bir satrdan ikkinchi satrga bo‘g‘inlab ko‘chirish; so‘zlarni bo‘g‘in, tovush va harf jihatdan tahlil qilish, so‘zlarni alifbo tartibida qayta tuzish, alifboning ahamiyati haqidagi ma’lumotlar qamrab olingan.

Boshlang‘ich sinf dastur va darsliklar tahlil qilinganda ularda ham maxsus talaffuz mashqlari yo‘qligi ma’lum bo‘ldi. Vaholanki, o‘quvchining nutq apparati shakllanayotgan bu davrda talaffuzi qiyin nutq tovushlari ustida takrorga asoslangan fonetik mashqlarni muntazam o‘tkazib borish lozim.[20]

2021-yildan boshlab amalda qo‘llanib kelinayotgan 5-sinflar uchun Ona tili darsligi asosan nutqiy ko‘nikmalarni shakllantirishga qaratilgan. Darslikni tahlil qilib chiqqanda, aytilishi va yozilishida farqlanuvchi unli va undosh tovushlar ishtirok etgan so‘zlar ya’ni go‘sht, barg, ukki, to‘qqizni ifodalovchi rasmlar berilgan, o‘quvchilar avval rasm asosida so‘zni og‘zaki nutqda to‘g‘ri talaffuz qilishni o‘rgansa, so‘ngra shu so‘zlar ishtirokida gaplar tuzish orqali yozma nutqiga e’tibor qaratiladi.

“H” va “x” tovushlari talaffuzi va qo‘llanilishiga oid “Suvning vatani” matni berilgan. Matn tarkibidagi x va h tovushlari ishtirok etgan so‘zlarni talaffuz qilish orqali tovushlarning hosil bo‘lish o‘rnini va farqli jihatlarini anglab oladi.

Tutuq belgisining qo‘llanishiga oid nazariy ma’lumot berilgan: tutuq belgisi (’) unli tovushdan keyin kelsa, shu unli tovush cho‘zib aytiladi. Masalan: ma’no, e’lon, a’lo.

Agar tutuq belgisi undosh tovushdan keyin kelsa, talaffuz vaqtida shu undoshdan keyin biroz to‘xtalish kerak bo‘ladi. Masalan: jur’at, sur’at, qal’a.

Darslikda tutuq belgisi ishtirok etgan “ Sabzavotlar nima deydi?” matni berilgan. Matn asosida ikkita topshiriq tayyorlangan. Birinchi topshiriqda matn yuzasidan savollar berilgan, bu o‘quvchining og‘zaki nutqini rivojlantirishga qaratilgan. Ikkinchi topshiriq esa tutuq belgisi ishtirok etgan so‘zlarni to‘g‘ri talaffuz qilish va xatosiz yozishga e’tibor qaratishni nazarda tutadi.

Darslikning 78-betida bir nechta talaffuzi va imlosida farqlanuvchi (ko‘p, daromad, sabzavot, sabab, oftob, qand, mikrob, betob, serob, qo‘rqib)[21] so‘zlar berilgan.O‘qituvchi dars jarayonida ushbu so‘zlarning audio variantini tayyorlab keladi. O‘quvchilar shu so‘zlarni tinglash orqali yozishadi.Bu esa o‘quvchida eshitib tushunish ko‘nikmasini shakllantiradi.

5-sinf Ona tili va o‘qish savodxonligi darsligining 13-betida to‘g‘ri talaffuz qilish uchun Nobel, Shvetsiya, dollar, fond, diplom so‘zlari berilgan. Ushbu so‘zlarni dastlab o‘quvchilarga talaffuz qildirganda ayrimlari Nobil, Shvessiya, dollir, font, diplom tarzida talaffuz qilishadi. Ushbu xatolar ustida ishlab, doskaga yozdirish orqali xatolarni bartaraf etish mumkin bo‘ladi.

Darslikda “Kimni qo‘shni deymiz?” dialogi berilgan.Ushbu dialog asosida topshiriqlar berilgan. O‘qituvchi dars jarayonida sinf o‘quvchilari bilan ushbu dialog ustida ishlaydi. Dialogni bitta o‘quvchi bobo, ikkinchi o‘quvchi Temur bo‘lib

o‘qish jarayonida ularning so‘zlarni to‘g‘ri talaffuz qilishi nazorat qilib

boradi.

Mikrob - mikro‘b, mikrasko‘p – mikroskop, million – milyon, biotin – biyotin [3; 22] so‘zlari berilgan.Shu so‘zlardan to‘g‘ri yozilgan so‘zlarni talaffuz qilish orqali aniqlab olishlari kerak bo‘ladi.

Xulosa qilib aytganda, 5-sinf “Ona tili”darsligida talaffuzga oid bir qancha topshiriqlar berilganligini kuzatdik, ammo mashq namunalari talab darajasida emas, vaholangki, ko‘nikmalar mashqlar orqali hosil qilinadi. 5-sinf darsligida esa 2-3 ta mashq bilan cheklanilganligini ko‘rishimiz mumkin. So‘zni to‘g‘ri talaffuz qilish nutq madaniyatining muhim belgilaridan biri sanaladi.Adabiy tilda to‘g‘ri yozish qanchalik muhim bo‘lsa, to‘g‘ri talaffuz ham shunchalik ahamiyatga egadir. Shuning uchun ham o‘quvchilarda to‘g‘ri talaffuz ko‘nikmalarini shakllantirishga ta’limning barcha bosqichlarida jiddiy e’tibor berish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Jamolxonov. H. Hozirgi o‘zbek adabiy tili.– Toshkent. “Talqin” 2005. 131-b.

2. Saidov M. O‘zbek maktablarining 5-sinflarida ona tili ta’limi jarayonida tafakkurni rivojlantiruvchi o‘quv topshiriqlari va ulardan foydalanish metodikasi: ped. fan. nom diss-ya. avtoref.TDPU. –Toshkent, 2000. –84 b.

3. G‘ofir Hamroyev. Umumiy o‘rta ta’lim tizimida fonetikaga doir o‘quv materiallarining metodik ta’minotini takomillashtirish.(PhD) Dissertatsiyasi. Samarqand – 2019.

4. Azimova I., K.Mavlonova va b. Ona tili va o‘qish savodxonligi 1-qism. 2-sinf uchun darslik T. – 2021

5. K.Qosimova, S. Matchonov, X. G‘ulomova, Sh. Yo‘ldosheva, Sh. Sariyev Ona tili o‘qitish metodikasi Toshkent – “ Nosir” nashriyoti 2009.

6. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Qodirov V., Jo`raboyeva Z. Ona tili. Umumta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. – T., 2013. – 224 б.

# ALISHER NAVOIY VA FUTUVVAT TALQINI

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.007

*Xolboyeva Muslima Usmonjonovna,*
*O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti kichik ilmiy xodimi*

*Annotatsiya. Maqolada Nizomiddin Alisher Navoiyning fatiylik sifatlariga urg'u berilgan. Xusayn Voiz Koshifiyning "Futuvvatnomai sultoniy" asaridagi javonmardlarga xos xislatlar Alisher Navoiy odob axloqi misolida ochib beriladi.*

*Kalit so'zlar: "Futuvvatnomai sultoniy" asari, "Makorim ul-axloq" asari, futuvvat, javonmardlik, axloq, saxovat, muruvvat, vafo.*

## АЛИШЕР НАВОИ И ТОЛКОВАНИЕ ФУТУВВАТА

*Холбоева Муслима Усмонжоновна,*
*Младший научный сотрудник Института узбекского языка, литературы и фольклора Академия Наук Республики Узбекистан*

*Аннотация. В статье подчеркнуты качества Фати Низамуддина Алишера Навои. На примере этики Алишера Навои раскрываются характеристики юношей в «Футувватномай Султани» Хусейна Ваиза Кошифи.*

*Ключевые слова: Произведение «Футувватномай султаны», произведение «Макорим ул-ахлак», футувват, мужество, нравственность, великодушие, доброта, верность.*

## ALISHER NAVOI AND INTERPRETATION OF FUTUVVAT KHOLBOEVA MUSLIMA USMONJONOVNA

*Xolboyeva Muslima Usmonjonovna,*
A junior researcher at the Institute of Uzbek Language, Literature and Folklore of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Abstract. The article emphasizes the Fati qualities of Nizamuddin Alisher Navoi. The characteristics of young men in Husain Vaiz Koshifi's «Futuvvatnomai Sultani» are revealed in the example of Alisher Navoi's ethics.

Key words: The work «Futuvvatnomai sultanyi», the work «Makorim ul-akhlaq», futuvvat, courage, morals, generosity, kindness, loyalty.

Kirish.Tasavvuf arboblari aytadilarki, "Allohni insonga Alloh bildiradi. Sen Alloh sevgan ishlarni bajarsang, Uning rizosiga muvofiq amallar qilsang, yo'lida yursang, U ham senga O'zini tanitadi, bildiradi. Shuning uchun tasavvufning bosh g'oyasi – Allohga tobe bo'lmoq, Alloh rozi bo'ladigan, Alloh sevadigan ishlarni qilib, natijaga erishmoqdir" [4,63]. Tasavvufda futuvvat tushunchasi mavjud bo'lib, bu so'z arab tilidan tarjima qilinganda "yoshlik, saxovat, mardlik, jasorat, nasab" ma'nolarini anglatadi. Xusayn Voiz Koshifiyga ko'ra : "futuvvat eldan yashirin biror ish qilmaslik, hamma

odamlar bilan xushfe'llikda yashashdir va ahdga vafo qilmoqlikdir. Koshifiy uni tok daraxti bilan qiyoslaydi xuddi daraxtda tana, po'stloq, ildiz, shoxu barg va gulu meva bo'lganiday, futuvvatning ham tanasi , ildizi, po'stlog'i, shoxi va gulu mevasi bor deydi va futuvvatning ildizi- pok muhabbatdir, tanasi-tavozu, shoxlari- sabru toqat, yaproqlari – parhez, po'stlog'i – odob va hayo, gullari- xushfe'llik va marhamat, mevasi – karam va saxovatdir", deya ta'riflaydi. Futuvvat tariqatning bir qismi bo'lsa, muruvvat futuvvatning qismidir , deyiladi mazkur manbada [3,22].

Adabiyotlar tahlili. Bizning nazdimizda , Alisher Navoiy Alloh rozi bo'ladigan, Alloh sevadigan amallarni o'z hayotiga tatbiq qilgan zotdir. Adabiyotshunos olim Nurboy Jabborov Alisher Navoiy haqida quyidagicha yozadilar: "Shuni alohida ta'kidlash kerakki, hazrat Alisher Navoiy fuutuvvat g'oyasini asarlarida badiiy talqin etibgina qolmay, hayotda ham uning qoidalariga to'liq amal qilgan. Shu ma'noda , buyuk mutafakkir futuvvatning targ'ibotchisi emas, balki buyuk fatiy ham bo'lgan"[6,66]. "Makorim ul-axloq" asari Alisher Navoiy haqida yozilgan eng tarixiy qiymatga ega asarlardan biri bo'lib, Alisher Navoiyni dunyoga kelishini shunday tasvirlaydi:

Ko'ngul bog'ida bir nihol ko'kardi,
Jon osmoniga yangi bir oy chiqdi.

"Ya'ni boshqalarni to'g'ri yo'lga boshlash qobilyatiga ega bo'lgan , sifat va pok niyatli, saltanatning ustuni va mamlakat tayanchi, xoqonlik davlati suyanchig'i va Hazrati sultonning yaqin kishisi bo'lgan ul oliy Hazrat tovuq yiliga to'g'ri keluvchi (hijriy- qamariy) sakkiz yuz qirq tortinchi yil ramazon oyining o'n yettinchi kuni yo'qlik dunyosidan borlik olamiga qadam qo'yib, o'zining go'zal va porloq chehrasi ulug'ligi bilan yer yuziga ziynat bag'ishladi"[8,18]. Alisherning baxtiyor yuzida tug'ilgan onidayoq lutfu karam belgilari , go'zal xulq- atvori aniq ko'zga tashlanib turgan. Xondamir Navoiyning tug'ilish sanasini tarixiy manbalar bilan izohlaydi. Navoiy ramazon oyining o'n yettinchi sanasida quyosh chiqar paytda tug'ilgan. Ayni shu sanada "Mannon mulkidan so'nggi payg'ambar alayhi salavotga vahiy va Qur'onning tushirilishi ham ana shu kuni yuz bergan bo'lib", Badr jangi ham aynan shu kuni yuz bergan. Ayrim ulamolarning fikrlaricha, qadr kechasi ham ramazon oyining ushbu sanasiga to'g'ri keladi [8,19]. Xondamir Hazrat Navoiy haqidama'lumot berer ekan, uning saxovatpeshaligiga alohida urg'u beradi, futuvvat ahlidan ekanini yozadi.

Tadqiqot metodologiyasi. Xusayn Voiz Koshifiyning "Futuvvatnomi sultoniy" asarida keltirilishicha, futuvvatning 3 martabasi mavjud: saxovat, safo va vafodir. "Naqshband hazratlari hadya keltirgan kimsaga xuddi shunga mos hadya berar edilar. Mehmonni ko'p siylashdan juda xushlanardilar. Mehmon ko'ngli uchun hatto nafl ro'zani buzish joizligini so'zlardilar" [7,45]. "Naqshbandiya sulukidagi barcha shayxlar saxovat va muruvvatda namuna edilar. Xoja Ahror Valiy shuncha yeru mulklari bo'lsa-da, ammo o'zlarini faqiru haqir hisoblaganlar. Chunki barcha boyliklarini boshqalarning manfaati va ehtiyojiga sarflardilar, shundan shodu xurram edilar. Umarshayx Mirzo Toshkentning bir yillik xirojini talab qilib, lashkar

tortib kelganda, shahar aholisini tashvishdan xalos etishdan tashqari, yana toshkentliklarga 70 ming dinor tuhfa etdi – xalq qishdan eson-omon chiqsin, deb shunday qildilar. Xoja Ahror Valiy qurdirgan madrasa va xonaqohlarning soni yigirmadan ortiq, vaqfnoma daftaridagi mol-mulklarning soni 254 tani tashkil etadi. "Bizning yerlarimiz biz tirikligimizda hmoyamizda edilar, oʻlganimizdan keyin ham himoyamizda boʻlsinlar",- deb aytdilar. "Alarning mollari batamom faqirlar uchun sarf boʻlardi", - deb yozadi hazrat Jomiy "Nafohat ul-uns"da. (Muhammad Qozi. Tuhfat ul-solikin. B.Valixoʻjayev tarjimasi, "Fan", 29-bet.) shunday ulugʻ sahovatni hazrat Jomiy, hazrat Navoiy, sulton Husayn Boyqaroda ham koʻramiz" [5,109]. Naqshbandiya tariqatida boʻlgan Alisher Navoiy futuvvat gʻoyasini, uning shartlarini oʻz hayotiga tatbiq etgan. "Makorim ul-axloq" asarida yozilishicha, hijriy-qamariy 906 yil boshlarida (milodiy 1500 yilning iyul-avgust oylari) Sulton Husayn Boyqaro Mozandaronga tashrif buyuradi. Mozandaron viloyati hokimi Amir Muboriziddin Muhammad Valibekka zarur xarajatlar uchun Hirot shahri va uning atroflaridagi qishloqlar aholisidan yuz ming dinor miqdorida pul yigʻilishi farmoni keladi. Hokim ellik ming dinorni qishloq aholisi va boylardan yigʻadi , qolganini esa Hirot shahri aholisidan jon boshiga yoki qullar soniga qarab undirmoqchi boʻladi. Ammo bu ishni Alisher Navoiy bilan maslahatlashmasdan qila olmasligi sababli hazratning noiblaridan birini chaqirib , ushbu rejasini maʼlum qiladi. Alisher Navoiy xalqqa oʻrinsiz soliq solinishni Sohibqiron saltanati uchun munosib ish deb hisoblamayman, deydi va pulni oʻz yonlaridan toʻlab yuboradi.

Javonmardlikning butun mohiyati ikki sifatda aksini topadi: biri-saxovat yaʼni doʻstlarga naf yetkazish , ikkinchisi – shijoat yaʼni doʻstlarni dushman zararidan himoya qilish. "Makorim ul-axloq"da yana oʻqiymiz: "…maqtalgan xislatlarga ega boʻlgan Amirning muborak xulq-atvorlari xuddi shunday boʻlib, [ul zotning] cheksiz yaxshiliklari bu borliq olamda shuhrat topish yoki abadiy olamda katta savobga erishish uchun qilingan emasdi. Chunki bu dunyo va undagi narsalar ul zotning himmat nazarida bir somon xasichalik qimmatga ega emasdi. Ammo cheksiz ochiqqoʻllik va saxiylik xislatigaega boʻlishiga qaramasdan, hech qachon hech kimga bir arpa donichalik ham minnat qilmasdi" [8,120]. Asarda Alisher Navoiyning saxovati haqida turli hikoyatlar keltirigan. Shulardan biri Navoiy va shahzoda Muhammad Muhsin Mirzo xususida. Shahzoda Sabzavor qalʼasida maʼlum miqdorda gʻalla zaxirasini toʻplamoqchi boʻladi ammo bu viloyatda gʻalla kam edi. Noiblar shaharda Navoiyning yaqin kishisida juda koʻp gʻalla borligini va undan qarzga olib turish kerakligini aytishadi. Amo shahzoda rozi boʻlmaydi. Bu xabar Navoiyning qulogʻiga yetib borganidan soʻng, amir barcha gʻallasini shahzodaga tortiq qiladi: "Xudoga qasam ichib aytamanki, agar har bir bugʻdoy doni oʻrniga bir donadan marvarid boʻlganida edi, u kishidan ayamagan va ularning hammasini tortiq qilib, oʻz shahzodamning qalbiga mehr va muhabbat urugʻini ekkan boʻlardim" [8,125]. Shu oʻrinda Xondamir hazrat Navoiy tasvirida chiroyli oʻxshatish (tashbeh) qoʻllaydi:

Aql sening kaftingni saxovat koni deb biladi,
Lekin ilm konida sendek gavhar topilmadi.

Tahlil va natijalar. Navoiyni tasavvuf va iymon ahlining qiblasi deya tavsiflab, uning qurdirgan masjid va xonaqohlariga alohida toʻxtalib oʻtadi. Jumladan, 52 ta rabot (Sarixiyobon, Toʻgʻuzrabot, Havzak, Darai zangi, Chihilduxtaron, Tarnob, Panjdeh, Qutulmishi, Murgʻob, Marvchoq, Puli Ahmad Mushtoq, Yabgʻu, Zohid, Xoja Duka, Chahorshanba, Bobo Boʻri, Darai qoʻrqush, Kandagi, Oqrabot, Muzduron, Yonbuloq, Dashti Shoraxt,..va boshqalar ), 19 ta hovuz (Ziyoratgoh hovuzi, Andxud hovuzi, Rohi Xorazm hovuzi, Shohoni Garmob hovuzi, Fushang masjidi hovuzi, Pariyon hovuzi va boshqalar), 16 ta koʻprik (Sepulak, Tulki, Soqislamon, Childuxtaron, Tarnob, Qalandaron, Qozbonon va boshqalar), 8 ta hammom (Ziyoratgoh, Darai zangiy, Tuvuchi, Childuxtaron, Panjdeh, Fayzobod, Sa'dobod va boshqalar), koʻplab masjid, 12 ta madrasa, 5 ta maqbara, xonaqohlar ("Xalosiya", "Jamoatxona","Ziyoratgoh", "Shayx Fariduddin Attor qabri boshida qurilgan xonaqoh", "Mavlono Sirriy xonaqohi"), imoratlar ("Fanoiya", "Havzi mohiyon", "Dor ul-huffoz"), kutubxona, shifoxona va boshqa binolar…. Hazrat Navoiyning saxovati shunchalik keng ediki, sulton Husayn Boyqaro biron joyga safarga chiqmoqchi boʻlsa, amir katta miqdordagi pulni sulton va shahzodalarga tortiq qilar, sultonning hamrohlarini ehson dasturxonidan bahramand etardi. Bu holat Sohibqiron yurishdan qaytib kelgan chogʻda yana takrorlangan.Misol sifatida sultonning Balxdan qaytib Qandahorga ketishida hazrat Navoiy 25 tuman kumush pul, ming man (XV asrgacha 1 man 3 qadoq ya'ni 1,255 kg) ipak, ming xarvor (1 xarvor – 300 kg) gʻalla tortiq qiladi. Qariyb ming dinor pulni haram ahli va shahzodalarga, amirlar va davlat amaldorlariga hadya etadi.

Koshifiy oʻz asarida futuvvatning olti botiniy sharti haqida gapirgan. Shulardan birinchisi saxovat. Ikkinchisi tavoze. Kamtarlik Navoiyning odati edi. Uning martabasi oshib borgani sari , undagi kamtarlik va xushfe'llik ham ortib borgan. Xondamirning yozishicha, Alisher Navoiy sultondan oʻziga nisbatan oshib borayotgan inoyat va mehribonchiliklarni koʻrib, xilvat joyga borganda oʻz boshining tepasidan tuproq sochar va nafsiga manmanlik va kibrga berilib ketmasligini ta'kidlardi. Uchinchisi qanoat. "Mahbub ul-qulub" asarida Alisher Navoiy qanoatni quyidagicha ta'riflaydi:

Har kimki , qanoat tarafi nisbat bor,
Borcha el aro tavoze-u izzat bor,
Ulkim tamma-u hirs bila ulfati bor,
Yaxshi-yamon ichra zillat-u nakbati bor.[1,59]

Toʻrtinchisi avf va marhamat, "Makorim ul-axloq" asarida bir hikoyat keltiriladi. Unda Sulton Abu Said Mirzo davrida bir kuni yosh Navoiy juma namozidan soʻng xiyobonga bormoqchi boʻladi va bir tilanchini koʻrib qoladi. Tilanchi oilali ekanligini, lekin ertalabdan beri hech kim unga sadaqa qilmaganini aytadi. Navoiy yonidagi yolgʻiz tangasini Allohga tavakkal qilib, tilanchiga beradi. Shom namozigacha xiyobonni aylanib qaytayotganida tilanchini aynan oʻsha joyda oʻsha soʻzlar bilan turganini koʻradi. Tilanchining ochkoʻzligi va yolgʻonchiligidan hayratga tushadi, ammo buni oʻziga bildirmaydi. Bu uning bagʻrikengligi, marhamatliligidan nishonadir. Beshinchisi havobandlik (kibr, manmamlik) va gʻururni tark

etish bo‘lib, Xondamir bu haqida quyidagicha yozadi: “…sof ko‘ngilli, salobatli va tadbirli Amir kuchi yetganicha va qo‘lidan kelganicha ushbu go‘zal xislat va ma’qul odatni o‘zida namoyon qilishga intilar, imkoni va iloji boricha manmanlik va kibr kabi noma’qul odatlardan o‘zini tiyishga va uzoq tutishga harakat qilardi. Kamtarlik uning muborak zotining odati, yumshoqko‘ngillik esa uning yumshoq tabiatining xususiyati edi” [8,114]. Oltinchisi qurb. Navoiy “Badoe ul-vasat” devonidan olingan mana bu baytda o‘z holatini tasvirlaydi:

Tanimni qurb fizosida xoki rah etting,
Boshimni vasl eshigiga oshno qilsang. [2,191]

Xulosa qilib aytish mumkinki, Alisher Navoiy asarlaridagi qahramonlar sifati, odob-axloqi, shunchaki to‘qimalilik tamoyiliga asoslanmaydi. Ularda shoir tabiatiga xos yuksak insoniy fazilatlar ham yaqqol namoyon bo‘ladi. Shu sababli, shoir ijodini o‘rganishda, avvalo, uning shaxsiyati, ma’naviy-axloqiy qiyofasiga e’tibor qaratish lozimdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Alisher Navoiy. Mahbub ul – qulub// -T.:Yoshlar nashriyot uyi, 2018
2. Alisher Navoiy. Xazoyin ul-maoniy.Badoe ul-vasat//Mukammal asarlar to‘plami.20 jildlik8 –jild, -T.:Fan,1992.
3. Husayn Voiz Koshifiy. Futuvvatnomai sultoniy; Axloqi Muhsiniy// Toshkent. O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2011
4. Mahmud Asad Jo‘shon.Tasavvuf va go‘zallik //-T.: “Adolat”, 2004.
5. Najmiddin Komilov “Tasavvuf”//T.: “Movarounnahr”-“O‘zbekiston”,2009
6. N.Jabborov. Alisher Navoiy asarlarida futuvvat g‘oyasining badiiy talqini // “Alisher Navoiy va XXI asr” mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy anjuman materiallari// -T.:Mashhur-press”, 2020.
7. Y.Eshbek. Bahouddin Naqshband Buxoriy//- Q.: “Nasaf’ , 2010.
8. G‘iyosiddin Xondamir.Makorim ul-axloq.Toshkent.Yoshlar nashriyot uyi, 2018

# THE EXPRESSION OF THE NEED TO PERFORM AN ACTION IN THE MODALITY CATEGORY OF THE ENGLISH AND KARAKALPAK LANGUAGES

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.008

*Bayimbetova Mekhriban Berdibaevna*
*Trainee-teacher at Nukus State Pedagogical Institute,*
*Foreign languages faculty*

*Djavod Kurbanbaev Aminboevich*
*Ph.D. ,Karakalpak State University,*
*Foreign languages faculty*

*Abstract: The article presents the expressions of the need to perform an action in the English and Karakalpak languages. The modals express the need in both languages are shown with examples in affirmative, interrogative and negative forms. The peculiarities of the expressions of the need to perform an action in the English and Karakalpak languages are specified the extracts of the works of the researchers worked on modality category.*

*Keywords: modality, need, must, affirmative, semantics, infinitive form, necessity,degree, negative.*

# ВЫРАЖЕНИЕ ПОТРЕБНОСТИ СОВЕРШИТЬ ДЕЙСТВИЕ В КАТЕГОРИИ МОДАЛЬНОСТИ В АНГЛИЙСКОМ И КАРАКАЛПАКСКОМ ЯЗЫКАХ

*Баимбетова Мехрибан Бердибаевна*
*стажер-преподаватель Нукусского государственного педагогического института, Факультет иностранных языков*

*Джавод Курбанбаев Аминбоевевич*
*Кандидат наук. ,Каракалпакский государственный университет,*
*Факультет иностранных языков*

*Аннотация: В статье представлены выражения потребности совершить действие в английском и каракалпакском языках. Модальные формы, выражающие потребность в обоих языках, показаны с примерами в утвердительной, вопросительной и отрицательной формах. Особенности выражений потребности в совершении действия в английском и каракалпакском языках уточняются по отрывкам работ исследователей, работавших над категорией модальности.*

*Ключевые слова: модальность, потребность, должен, утвердительный, семантика, форма инфинитива, необходимость,*

*степень, отрицание.*

# MODALLIK KATEGORIYASIDA HARAKATNI BAJARISH ZARURIYATINING INGLIZ VA QORAQALPOQ TILLARIDA IFODALANISHI

*Bayimbetova Mexriban Berdibaevna*
*Nukus davlat pedagogika instituti stajyor-o'qituvchisi,*
*Chet tillar fakulteti*

*Djavod Qurbonboev Aminboevich*
*Ph.D. Qoraqalpoq davlat universiteti,*
*Chet tillar fakulteti*

*Annotatsiya: Maqolada ingliz va qoraqalpoq tillarida harakatni bajarish zarurati ifodalari keltirilgan. Modallar har ikki tilda ham ehtiyojni ifodalaydi, tasdiq, so'roq va inkor shakllarida misollar bilan ko'rsatilgan. Ingliz va qoraqalpoq tillarida ish-harakatni bajarish zarurati ifodalarining o'ziga xos xususiyatlari modallik kategoriyasi ustida ishlagan tadqiqotchilarning ishlaridan ko'chirmalarda ko'rsatilgan.*

*Kalit so'zlar: modallik, ehtiyoj, kerak, tasdiq, semantika, infinitiv shakl, zarurat, daraja, inkor.*

**Introduction.** The category of modality is one of the most complicated linguistic categories which have various forms of its expression in the language. It has also a lot of various definitions and interpretations. We call categories of modality the concepts of possibility or necessity, impossibility or unnecessity, contingency or incontingency, probability or improbability and their degrees — as well as presence or absence [Blakemore, D.:1994:1183–1186].

Modal verbs are distinguished by the fact that, unlike ordinary verbs, they do not mean an action, but only an abstract modal meaning of necessity, expediency, possibility, likelihood, desirability, etc. As K.N.Kachalova and E.E.Izailevich point out,- "Modal verbs denote the possibility, ability, probability, necessity of committing an action expressed by semantic verbs. The combination of modal verbs with the infinitive semantic verb performs in the sentence the function of a compound verb predicate" [Kachalova K.N., Izailevich E.E.:2001:91].

Literature review and methodology. The modal words in the Karakalpak language correspond to the English modal verbs. Baskakov N.A. in his work notes that —modals are those words that, while maintaining their relative lexical independence, express the speaker's attitude to the expressed thought. They are not a member of a sentence, which makes them syntactically

distinguished by punctuation marks in written language [Baskakov H.A.:1952:477].

In the Karakalpak language, modal words are a part of speech to define the speaker‘s attitude toward the object . In morphology, modal words are considered ―not derivative part‖ which are not divided into morphemes or do not contain any affixes [Dawletov M.:1994:412]. On the other hand, modal words are followed by other parts of speech and their meanings are described by those parts of speech.

Values of the need to perform an action convey the modal verbs must, should, ought to, need and also verbs that have modal meanings - to have to, to be to. Expressing the need to perform actions, these verbs differ in the shades of the transmitted or the meaning of their use.

At present, In the Karakalpak language modal words are understood as connectors or auxiliary functional words that were previously used in the helping verb. English modal verbs correspond to modal words in Karakalpak. This matching can be seen in modal verbs “must”, “should”, “ought to”, “need”, “to have to”.

Verb must

The modal verb must has only one form. Interrogative and negative form it forms without the auxiliary verb:

Must ... go?

Must not (mustn‘t) go.

Expressing the need to perform an action, the verb must be used only with a non-defective infinitive in the real or passive voice. The infinitive following the verb must is used without the particle to. The modal verb must, in the sense of having to perform an action, has the following shades of meaning.

1. The inevitability of committing an action due to objective reasons - the action has not yet been performed, but it will be accomplished regardless of the speaker’s desire due to some conditions that may be indicated or not indicated in the sentence:

“You must be awfully tired”[ Alex Martin and Robert Hill, Modern Short Stories. Practice International English Language teching,; 1996, p.108 ] - “Sen ju’da qatti sharshaǵan bolsań kerek”.

**Discussion.** In Karakalpak, the verb must with the infinitive in this use corresponds to the combination of “a‘lbette sha‘rt”, “sha‘rt”, “kerek” with the infinitive or “za‘ru‘r”, “a‘lbette” and the personal form of the verb.

In this sense, the verb “must” must be used in the context of the past tense: “That’s he hell of a big club the guy must’ve used to hit door Patrick, one of them was saying”-“Ol u’lken klubtag’i jigit Patriktin’ qapisin urip ju’rgen bolsa kerek” - dedi olardan biri.

2. Forced action, due to objective reasons, the speaker is forced to perform

an action due to any circumstances that may be indicated or not indicated in the proposal:

”Joe, you needn't go tonight. Stay here, wait until you've calmed down. It's a long

journey ”-“ I must go ” I said.” You know why ”- ... “Men ketiwim kerek” ...

In Karakalpak, this meaning of the verb must with the infinitive corresponds to the combination of the verbs “ma‘jbu‘rlik”, “tuwri keliw” and “sha‘rt” or the form “kerek” with the infinitive.

In the sense of forced action, the verb must not be used in the context of past tense. The verb must in this sense is often used in sentences containing instructions or instructions:

“You must come up to the net more, you will never play a good game until you do” – Siz kóp kelip turiwińiz kerek, bolmasa heshqshan jaqsi oynay almaysiz'.

The verb must with the infinitive in this usage in the Karakalpak language corresponds to the combination of “za‘ru‘r”, “lazim” with the infinitive.

This usage is especially characteristic for scientific and technical literature:

“One must certain that the voltage applied to the electrodes is great enough to give saturation.” – Sog'an isenim ka'mil qiliw kerek, hól halǵa keltiriw ushin elektrodlarǵa basim jùda jeterli.

Another characteristic use of the verb must for scientific literature in the indicated meaning is to use it to express an action, which is a prerequisite for performing another action:

E.g. “To find F, A must be known.” - F ti tabiw ushin A aniq boliw kerek.

In this case, the conditioned action is usually expressed by the infinitive in the function of the purpose circumstance.

In negative form, the verb must is used in sentences containing a prohibition, order or advice to perform an action:

“I was just passing and I thought I‘d look in and see you were getting along” –“I‘ve never been better in my life. I‘m going back to work next Monday”. – “You Mustn't try and do too much” - … Siz bunshelli qatti islemewin'iz kerek.

In Karakalpak, this meaning is transmitted using the verb “sha‘rt” with an infinitive or a combination of the adverbs “a‘lbette”, “za‘ru‘rlik”, with the personal form of the verb.

In the case of use with the pronoun of the first person, the verb must in this sense conveys to perform the action:

“It's too late for an old man to be up drinking”, he said, “I must be off as soon as I can drag my wife” – Men qashan ha'yelimdi alip kete alsam g'ana ketiwim kerek.

In this sense, the verb must is used not only in the context of the present,

but also in the context of the past tense:

"He was pondering my exact relationship to her, and wondering whether he mustbracket us together " - ...Bizdi birlestiriw za'ru'rmedi, bilmes edi.

In conjunction with the perfect infinitive, the verb ―must‖ appear in the sense of obligation.

E.g. We must have gone somewhere. – Bizler bir jerge barmag'imiz kerek edi.

In English, the interrogative form is formed by the statement of the modal verb must before the subject.

In Karakalpak, the modal words — "kerek", "darker", "shárt", "zárùr" by attaching affix "ma-", "me-", "pa-", "pe-" to them form an interrogative form.

"- Must I think about Margie Young-Aunt? " (I.Steinbeik, The Winter of our Discontent, p.32) – Kishkene a'japam Margi haqqinda oylawim kerekpa?

In Karakalpak, the interrogative form is formed by adding an affix to modal words such as "kerek", "sha'rt", "lazım". When a modal verb is used, a negative form is formed by adding a negative particle "not" to the modal verb.

"That you must not do that. (O.Wild, An Ideal Husband, p.50) And in the Karakalpak language, the negative form is formed by adding the affix – "ma" to the base of the verb: Bunday qilmawin'ız kerek.

The verb must, being the most neutral in terms of stylistic coloring, is used in all styles of speech, both in scientific and in fiction writers, as well as in colloquial speech.

**Verb should**

The modal verb "should" has one form. Interrogative and negative form it forms without the auxiliary verb: should ... go? Should not (shouldn't) go.

After the verb "should" there used non-perfective infinitive in the real or passive voice without particle to. The verb "should", in the sense of having to perform an action, has the following shades of meaning. 1. The need to commit an action caused by the subjective opinion of the speaker. "I think when your children have grown up, that you should cut away from them" – Menin'she, siz balalarin'izdan uzaqraqta jasawin'iz kerek. When using "should" in the specified value in a negative sentence, the need not perform an action is passed: He shouldn't really be out of bed, but couldn't bear to miss Susan's birthday party. - Ol orninan turmawi kerek...

If the action relates to the past tense, then the perfect infinitive is used:

I left that somehow I had dialed him, I should have been with him… - ... Men onin' menen birge boliwim kerek edi.

The use of the affirmative form of the verb should with perfect infinitive shows that the action, which, according to the speaker, should not have taken

place, was not committed

The negative form of the verb “should” with the perfect infinitive indicates that the action, which, according to the speaker, should not have taken place, was accomplished:

I shouldn’t have come here at this hour. – You shouldn’t have come here at all. – Men bul jerge keshikpesten keliwim kerek edi. Siz bul jerge uliwma kelmewin’iz kerek edi.

In the Karaklpak language, the use of “should” in this meaning with a perfect infinitive corresponds, as can be seen from examples, the same combinations as should with a non-perfective infinitive, but in the form of past tense or subjunctive mood: “kerek”, “kerek edi”, “sha’rt” , “sha’rt edi”, “kerek emes”, “kerek emes edi”, “sha’rt emes”, “sha’rt emes edi”. 2. the need to perform an action, caused by objective reasons, the action has not yet been accomplished, but must be accomplished due to some objective, independent of the speaker reasons: Insulators should be kept very clean on their surfaces – Izoliyator ju’zi ju’da taza boliwi kerek.

In Karakalpak, the meaning of the verb “should” with infinitive corresponds to the combination of the verbs “kerek”, “sha’rt” with the infinitive.

Most often the verb “should” in this sense is used in sentences containing instructions and instructions, especially in the scientific and technical literature.

In the presence of a negative particle not or negative adverbs and pronouns, the verb “should” is used in sentences containing a prohibition or an indication not to perform an action. The insulators should not be placed so as to pick up many ions. – Izolyatorlar ko’p iondi sińip aliwi ushin bunday jaylastirilmawi kerek.

Since the verb “should” conveys both the subjective and the obstructive necessity of action, it is widely used in a wide variety of linguistic styles, but especially often in special literature.

In sentences that begin with the word “why”, the verb should be often used with infinitives: in sentences of this type, “should” is an auxiliary verb of the analytical form of the subjunctive, and not a modal verb, although sometimes it can be translated into Karakalpak using the modal verb “sha’rt”. The most accurate match for the combination of why + should with the infinitive is in karakalpak the combination of “ne ushin” with the infinitive. Uncle Soames never misses a train, muttered Val, with his mouth full – Why should I…?” – “…Ne ushin keshigiwim kerek?”

Verb need

Result and recommendation. The verb need forms interrogative and negative forms with and without the auxiliary verb to do: need go? Do ... need to go? Need not (needn‘t) go, do not need to go. The verb need has the

forms of the past (as in the correct verb) and in the future tense. In the 3rd person singular he can get the ending -s. The infinitive after the verb need is used without a particle to in that case if this verb in the sentence comes up with formal indicators of the modal verb, i.e. has no ending in the 3rd person singular or forms interrogative and negative forms without an auxiliary verb, as well as if there are adverbs between the verb need and infinitive: hardly, scarcely, etc. If the verb need has in the sentence formal indicators of non-modal verb, those. ends with -s in the 3rd person singular and –ed in the past tense or is used with the auxiliary verbs of shall / will, then the infinitive is used with the particle to:

I needn‘t even see you.

I don‘t need to ask.

I didn‘t need to ask.

He needn‘t say more this evening.

After the verb ―need‖ in the sense of having to perform an action, transmits both a nonperfect and a perfect infinitive.

The verb need in the sense of having to commit an action conveys a hue of necessity, the need for an action — the action has not yet been accomplished, but it needs to be accomplished, since it was impossible to do without accomplishing this action:

E.g.:"Enough, for him, was roughly half the amount to see in order to break even"

– "Og'an jeterli boliwi ushin shamasi yarimin satiwimiz kerek boladi".

In the Karakalpak language, the verb need with infinitive correspond to the combination of "za‘ru‘r" or "da‘rkar".

The affirmative form of the verb need is relatively rare. Often the need is found in interrogative sentences containing the restrictive adverb only, adverbs of the degree of hardly, scarcely, etc., as a result of which there is a value of doubt in the necessity, the need for action:

"I hate leaving you" – "Need you?" – "Men sizdi taslap ketiwdi qalemeymen, -dedi ol, - Bul za'ru'rmeken?"

Most often, the verb need is used in negative sentences, conveys the value of uselessness, the uselessness of committing an action:

"We needn't talk to each other unless we feel like it" – "… bir-birimiz benen so'ylespewimiz kerek".

In order to express the action that took place, although there was no need to perform it, the verb need is used in a negative form with a perfect infinitive:

"Even if he didn't like them (the pictures) he should have been civil. He needn't have insulted you." – "… sizge jaman ga'p atpawi kerek edi."

One of the frequent cases of the use of the verb need is to use it to

express the necessary condition for performing another action. In this case, the combination of the need with the infinitive corresponds to the infinitive in the function of the purpose circumstance:

E.g.: "To find the induced charges we only need to know how the equipotentials run"–"Induktsiylang'an zaryadlardi tabiw ushin ekvipotentsiyalar o'zgeriw jarayanin biliwimiz kerek".

The verb need is used much more often in fiction than in scientific.

Conclusion. To conclude, although there are some diversities in syntactical structure, the expression of the need to perform an action in the English and Karakalpak languages is identical by sematic features. Basically, modal words in the Karakalpak language are a group of words with their own characteristics. For this reason, it is appropriate to consider them as a separate lexical-semantic group. Studying their lexical-semantics, grammar is of great importance, textbooks and pamphlets.

References:

1. Blakemore, D. Evidence and modality. Oxford: Pergamon Press1994.- pp. 1183–1186.

2. 3. Baskakov N.A. Karakalpakskiy yazik, II fonetika I morfologiya. Moskva. 1952, p. 477

4. Bybee J. Modality in grammar and discourse. – Amsterdam, 1995. – 640 p.

5. Buranov J.B. Sravnitelnaya tipologiya angliyskogo I tyurskikh yazikov. Moskva. 1983.

6. Dawletov M., Dawenov E., Bekbergenov A., Eshbaev J. Házirgi qaraqalpaq ádebiy tiliniń grammatikasi , Nókis. 1994.

7. Kamiljanov R.N. Modalnie slova v sovremennom uzbekskom yazike. Tashkent. 1976.

8. Kachalova K.N., Izailevich E.E.Prakticheskaya grammatika angliyskogo yazika. Bishkek, 2001, - p.194

# ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД К МОДЕЛИРОВАНИЮ СИНТАКСИЧЕСКИХ ПОНЯТИЙ РОДНОГО (РУССКОГО) ЯЗЫКА

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.009

*Бабаева Шоира Баймурадовна*
*Доцент, Бухарский государственный университет*

*Аннотация: Инновационный подход к моделированию процесса обучения в методологии, а также способность моделировать педагогическую систему и процессы, учиться адаптироваться к этому процессу стали остро необходимой потребностью современного педагога.*

*Ключевые слова: инновация, моделирование, подход, родной язык, синтаксическое понятие, учебный процесс, современный педагог.*

# ONA TILI DARSLARIDA SINTAKTIK TUSHUNCHALARNI MODELLASHTIRISH METODLARINI SHAKLLANTIRISHNING ASOSIY USULLARI

*Babayeva Shoira Baymuradovna*
*Dotsent, Buxoro davlat universiteti*

*Annotatsiya: Metodikada o‘quv jarayonini modellashtirishga innovatsion yondashish, shuningdek, pedagogik tizim va jarayonlarni modellashtirish, ushbu jarayonga moslashishni o‘rganish zamonaviy o‘qituvchining dolzarb ehtiyojiga aylandi.*

*Kalit so’zlar: innovatsiya, modellashtirish, yondashuv, ona tili, sintaktik tushuncha, ta’lim jarayoni, zamonaviy o’qituvchi.*

# INNOVATIVE APPROACH TO MODELING SYNTACTIC CONCEPTS OF THE NATIVE (RUSSIAN) LANGUAGE

*Babaeva Shoira Baymuradovna*
*Associate Professor, Bukhara State University*

*Abstract: An innovative approach to modeling the learning process in methodology, as well as the ability to model the pedagogical system and processes, to learn to adapt to this process have become an urgent need of a modern teacher.*

*Key words: innovation, modeling, approach, native language, syntactic concept, educational process, modern teacher.*

Сегодня каждый педагог или производственный рабочий должен

знать набор информационных и коммуникационных технологий и технических систем. При этом педагог - активный участник производства, производственный специалист, в свою очередь, должен выступать в роли учителя. Сейчас важной задачей должно стать воспитание нашей молодежи на основе инновационных образовательных технологий на высоком уровне в образовательных учреждениях с современным оборудованием. Для этого каждый педагог должен работать над собой, не отставать от времени, досконально знать и внедрять инновационные технологии обучения в свою работу. В наши дни уроки старого традиционного стиля не удовлетворяют потребности нашей молодежи, они даже не хотят слушать такие уроки. Сегодня учитывая текущий процесс глобализации и стремительный рост интеллектуального развития нашей молодежи, использование методов и технологий, требующих творческого подхода в методологии, остается актуальной проблемой. На всех этапах системы образования проводится самостоятельное обучение или независимое исследование. Но такие упражнения не соблюдаются по всем правилам, поэтому эти упражнения не дают ожидаемого результата. Фактически на таких занятиях учитель ставит перед учеником или слушателем конкретное задание на основе специальных схем, формул, математических уравнений с наглядными пособиями. Учащиеся (слушатели) переходят не от теории к практике, как на традиционных уроках, а от практики к теории и создают творческие идеи, делают собственные выводы в рамках темы. Работа на основе таких технологий дает высокую эффективность в обучении. В педагогике есть несколько методов и технологий, требующих самостоятельной работы. К ним относятся технологии моделирования.

Инновационный подход к моделированию процесса обучения в методологии, а также способность моделировать педагогическую систему и процессы, учиться адаптироваться к этому процессу стали остро необходимой потребностью современного педагога. На протяжении многих лет моделирование было одним из самых актуальных методов научных исследований. Сегодня человечество не может представить свою научную, образовательную, технологическую и художественную деятельность без моделирования окружающего мира. Жесткая и точная формулировка воображений (моделей) очень сложна, но к 21 веку человечество накопило богатый опыт моделирования и использования различных объектов и процессов. Моделирование в педагогических исследованиях позволяет объединить эмпирические и теоретические знания, полученные из человеческого опыта, его впечатления через органы чувств и наблюдения в естественной среде, то есть опыт, структуру логических связей и научные абстракции при

изучении педагогического объекта.

Понятие «модель» (фр. Modele / lot / modulus - означает меру, норму), продукт, который возникает как набор информации об определенном исходном объекте в естествознании или науке в целом - объект, материальное устройство, график, схема, в целом средство познания. [7]. Другими словами, модель представляет собой имитацию природных объектов (подобие, имитацию), соответствует узбекским словам «қолип-трафарет», «андаза-выкройка, шаблон». Модель служит основой для возникновения событий, в которых явные или абстрактные объекты исследуются в миниатюрных объектах, схемах, рисунках, физических конструкциях. Создание моделей так же непрерывно, как и процесс развития науки. Он широко используется в процессе обучения на основе визуальных моделей и позволяет визуализировать объект или процесс, которые сложно освоить напрямую[12].

«Моделирование» - это интеграция учебных материалов или образовательного контента в целостную систему [8]. Любая наука на ступенях образования должна основываться на модели. Применение моделирования напрямую связано с более глубоким пониманием природы образовательных ситуаций и процессов, серьезным изучением теоретических основ исследования. Облегчение содержания учебного процесса, активация самостоятельных знаний студента, реализация личностно-ориентированного подхода к студенту и т. д. Следовательно, моделирование - это «метод изучения объектов знания в их моделях; для выявления или улучшения описания явно существующих событий и объектов, которые должны быть построены, для облегчения методов их создания, а также для создания и изучения для их управления». Моделирование -это метод, упрощающий каждый научный объект. Таким образом, модель решает проблему, которую традиционные теории не могут объяснить, открывая аспект объекта, который не наблюдался ранее, но может быть реализован в будущем.

Моделирование языковых единиц в русском языке основано на устойчивой взаимосвязи элементов этих символов. Поэтому разделение отношений между элементами целого на устойчивые и нестабильные типы важно для лингвистического моделирования. Моделирование - это междисциплинарный метод, характерный для всех дисциплин.

Менее эффективно объяснять ученику новый материал без схем, приемов, определенных формул, одним словом, моделей. Моделирование используется для облегчения содержания учебного материала, улучшения планирования учебного процесса, управления, прогнозирования, диагностики, проектирования учебной деятельности и образовательных процессов.

В течение многих лет методы наблюдения были единственным методом в лингвистике. Но с помощью этих методов внутренняя сущность языковых явлений не раскрывается. Методом наблюдения можно будет изучить словоформы, структуру предложения и другие структурные особенности. Поскольку структура языка и речи сложна, полностью изучить их с помощью метода наблюдения будет невозможно, потому что у языка и речи есть свои сложности.

Одна из основных задач обучения родному языку в школе - формирование у учащихся культуры речи. Культурная речь отличается своеобразием национального языка, смысловой точностью, колоритом, разнообразием слов, художественной выразительностью. Устная форма культурной речи должна соответствовать орфоэпическим нормам литературного языка, в то время как письменная форма должна соответствовать орфографическим нормам, стилю и т. д.

Речевая культура формируется в результате организации интеллектуальной и практической деятельности учащихся по нормам литературного языка. Все признают, что правила, которым должны следовать все носители этого языка, являются нормами литературного языка. Нормы литературного языка включают слова, существующие в конкретном языке, словообразование, модели словообразования и модификации слов, словосочетания, правила правильного использования предложения в речи.

Суть языка в том, что это деятельность человека. Речевая деятельность характеризуется тем, что один человек передает свои мысли, желания и требования другому, а второй человек понимает мысли первого, отвечает на его требования в форме утверждения или отрицания. Это означает, что в речевой деятельности участвуют два человека: передающий-говорящий и принимающий-слушающий.

Бўлажак педагоглар ижтимоий-сиёсий воқеликни мунтазам кузатиб боришлари, унга ўз муносабатларини билдиришлари алоҳида аҳамиятга эга. Талабалар бугунги кунда рўй бераётган воқеалар, ахборотлар оқимининг жадаллашувига онги муносабатда бўлиш тажрибасини эгаллашлари керак. Уларда ахборотларни саралаш, воқеа-ҳодисаларга объектив муносабатда бўлиш кўникмаларининг ҳосил бўлиши ниҳоятда муҳим. Бўлажак педагоглар таълим муассасасида кундалик ижтимоий-сиёсий воқеликларни таҳлил қилиш асосида уларни муносиб баҳолаш, шу асосда атрофдагиларнинг хатти-ҳаракатларига танқидий муносабатда бўлишлари лозим.

Бўлажак педагоглар таълим муассасаси талабаларининг касбий маҳоратларини ҳосил қилишда таълим-тарбиянинг ижтимоий ҳаёт билан уйғунлигини таъминлаш принципига қатъий амал қилиш керак. Шу асосда бўлажак педагог-тарбиячиларнинг тарбиявий ишларнинг мазмуни, шакллари, воситалари ва методларини ўзлаштиришларига эришилади. Буларнинг барчаси бўлажак педагогларда маънавий хислатларни таркиб топтириш учун асос бўлиб хизмат қилади [4; 93-б.].

Мактабгача таълим муассасаси педагог-тарбиячилар болаларда ижобий хислатларни таркиб топтириш билан бир қаторда, улар хулқ-атворидаги салбий хусусиятларнинг олдини олиш, уларни бартараф қилиш тажрибасига ҳам эга бўлишлари керак. Кўпинча мактабгача таълим муассасасига янги келган болаларда тортинчоқлик, инжиқлик, гуруҳ ҳаётига мослашмаслик каби ҳолатлар кузатилади. Бундай ҳолатларни бартараф этиш, болаларни жамоа ҳаётига мослаштириш, уларни мулоқот вазиятларига олиб кириш, руҳий осойишаликларини таъминлаш педагог-тарбиячиларнинг муҳим вазифалари сирасига киради. Болалар характеридаги салбий жиҳатларни бартараф қилишга кўмаклашиш, уларни тўғрилик ва ҳақгўйликка ўргатиш, иродасини мустаҳкамлаш педагог-тарбиячиларнинг муҳим вазифаларидандир. Бунда педагог-тарбиячилар жамоавий таъсир кўрсатиш методидан фойдаланишлари керак. Педагог-тарбиячилар болаларни теварак-атрофдаги воқелик билан таништириш, уларни шу жараёнда иштирок этишлари учун тайёрлаши керак.

Ўқувчилар олдига аниқ, ўртача мураккабликдаги вазифалар қўйилгандагина, уларда ташаббускорлик, қизиқувчанлик, фаоллик кўрсатиш истаги намоён бўлади. Натижада болада масъулият ҳисси пайдо бўлади, педагог томонидан билдирилган ишончни оқлашга интилади. Кўриниб турибдики, бўлажак педагоглар олдига қўйиладиган вазифалар мураккаб ва кўп қирралидир. Шунинг учун ҳам бўлажак педагог-тарбиячиларда илмий дунёқараш асослари, юксак маънавий хислатлар, жамоа, жамиятда ўзини тута билиш кўникма ва одатларини таркиб топтириш соҳасида тизимли тарзда иш олиб бориш талаб этилади.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 7 июлдаги 4-сонли ҳайъат йиғилиши қарори билан тасдиқланган мактабгача таълим муассасалари учун “Илк қадам” давлат ўқув дастури.

3. Педагогика: энциклопедия. 2 – жилд./ тузувчилар: Жамоа. -Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2015, 368 б.

4. “Мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Т.: ЎзПФИТИ. LESSON PRESS. 2017 йил 15 сентябрь. 168 бет.

# ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ДИАГНОСТИКА ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ШАХСГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.014

*Чориева Дурдона Анваровна*

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Мактабгача таълим факультети Мактабгача таълим психологияси ва педагогикаси кафедраси педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), в.б.доценти*

*Аннотация: Ушбу мақолада мактабгача таълим тизимида педагогик-психологик тадқиқотлар амалиётида фойдаланиладиган психодиагностик методикалар ва уларни қўллаш шартлари, педагогик-психологик диагностика ишлари ташкил этиш каби таълим-тарбия жараёнлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш самарали ёритилган.*

*Калит сўзлар: педагогик-психологик диагноз, симптоматик диагноз, этнологик ташхис, типологик босқич, интеллектуал ва шаҳсий имкониятларини, ундаги лаёқат, қобилиятлар, қизиқиш ва майллар, педагогик-психологик диагностик методикалар ва тамойиллар.*

# ТРЕБОВАНИЯ К ЛИЦАМ ОСУЩЕСТВЛЯЮЩИМ ПЕДАГОГИЧЕСКО-ПСИХОЛОГИЧЕСКУЮ ДИАГНОСТИЧЕСКУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ

*Чориева Дурдона Анваровна*

*доктор философии педагогических наук кафедры психологии и педагогики дошкольного образования (PhD), факультета дошкольного образования Ташкентского государственного педагагического университета имени Низами*

*Аннотация: В данной статье эффективно освещены психодиагностические методы, используемые в практике педагогико-психологического исследования в системе дошкольного образования и условия их применения, организация педагогико-психологической диагностической работы, решение вопросов, связанных с образовательными процессами.*

*Ключевые слова: Педагогико-психологическая диагностика, симптоматическая диагностика, этнологическая диагностика, типологический этап, интеллектуально-личностные возможности, способности, умения, интересы и склонности, методы и принципы педагогико-психологической диагностики.*

# REQUIREMENTS FOR PERSONS ENGAGED IN PEDAGOGICAL-PSYCHOLOGICAL DIAGNOSTIC ACTIVITIES

*Chorieva Durdona Anvarovna*

*Doctor of Philosophy of Pedagogical Sciences (PhD), Associate professor (PhD) of the Department of Psychology and Pedagogy of Preschool Education, Faculty of Preschool Education, Tashkent State Pedagogical University named after Nizami*

*Annotation: In this article, the psychodiagnostic methods used in the practice of pedagogical-psychological research in the preschool education system and the conditions for their use, the organization of pedagogical-psychological diagnostic work, and the solving of issues related to educational processes are effectively covered.*

*Keywords: Pedagogical and psychological diagnostics, symptomatic diagnostics, ethnological diagnostics, typological stage, intellectual and personal abilities, abilities, skills, interests and aptitudes, methods and principles of pedagogical and psychological diagnostics.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида мактабгача тизим фаолиятини янги босқичга кўтариш, соҳани бугунги кун талаблари даражасида тубдан ислоҳ қилиш белгилаб қўйилди. Яъни ёш авлоднинг мактабгача таълим муассасаларидан то олий таълимгача бўлган узлуксиз билим олишлари, касб ўрганиши учун шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Бу борада, айниқса, мактабгача таълим муассасалари тизимини ривожлантириш, болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этиш, мактабга тайёрлаш масалалари таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири деб қаралди. Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш учун, энг аввало, қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мазкур соҳадаги ислоҳотлар изчил давом эттирилиб, мактабгача таълим муассасалари тармоғини ҳозирги замон талаблари ва стандартлари асосида ривожлантиришга қаратилаётган эътибор замирида ҳам келажагимиз эгаларининг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайишлари ҳамда буюк аждодларга муносиб ворис бўлиб вояга етишларини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурда кенг кўламли стратегик мақсадлар, муҳим

вазифалар белгилангани билан аҳамиятлидир. Шу сабабли тизимдаги педагог ходимлар маҳоратини илғор усуллар орқали мунтазам ошириб бориш механизмини яратиш, ахборот-коммуникация технологияларини таълим-тарбия жараёнига кенг татбиқ этган ҳолда, узлуксиз методик хизмат кўрсатиш ишларини такомиллаштириш масаласи ҳам долзарб саналади.

Айни шу омилларни инобатга олган ҳолда қарорда мактабгача таълим муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув режа ва дастурларини замонавий педагогик технология ва методларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш вазифаси белгиланганi айни муддаодир. Чунки, ўз олдимизга фарзандларимизнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадини қўйган эканмиз, шубҳасиз, педагог-тарбиячиларнинг малакасини ошириш борасидаги мавжуд тажрибаларни замонавий талаблар даражасида такомиллаштиришимиз зарур. Шу билан бирга, мактабгача таълим муассасаларини педагог-психолог, тарбиячи каби мутахассислар билан таъминлаш ҳам бугунги кун талабидир.

Мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларни интеллектуал, жисмоний, ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, умуминсоний қадриятлар билан таништириш, болаларни мактабга сифатли тайёрлаш мақсадида педагогик-психологик диагностик фаолият олиш бориш зарур.

Педагогик психологик диагностика фаолияти билан шуғулланувчи шахсга қатор муҳим талаблар қўйилади. Энг оддий ва муқаррар бўлгани-бу ўзига болаларни жалб қила олиш ҳамда фойдаланиладиган психодиагностик методикалар ва уларни қўллаш шартларини мукаммал билишдир. Ўқув муассасасаларида таълим-тарбия жараёни муайян илмий психологик билимлар асосида олиб борилиши учун таълим тизимида педагогик-психологик диагностика ишлари ташкил этилади. Ушбу ишларни амалга ошириш профессионал касбий таёргарликка эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади, чунки улар болалар тақдири, таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда иштирок этадилар. Педагогик психологик диагностика психологик хизматнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва таълим-тарбия жараёнида болаларнинг интеллектуал ва шахсий имкониятларини, ундаги лаёқат, қобилиятлар, қизиқиш ва майлларнинг ўз вақтида аниқланиши ҳамда қўлланилишини таъминлайди. Агар бола тараққиётдан орқада қолаётган бўлса, педагог унинг сабаблари ва олдини олиш имкониятларини ўрганиб чиқади. Истеъдодли болалар билан ишлашда педагогнинг вазифаси – лаёқатларнинг намоён бўлишини аниқлаш ва уларнинг юксак даражадаги қобилиятларга айлантириш бўйича иш олиб боришдан иборат. Бунда педагогик психологик диагностика асосий ва энг муҳим йўналиш ҳисобланади, чунки педагогнинг барча

ишлари педагогик психологик диагностика бўйича қўлга киритилган маълумотларга таянади. Педагогик психологик диагностика болани психологик жиҳатдан ўрганиш методлари, тестларни профессионал даражада қўллашни кўзда тутади. Педагогнинг вазифаси – ўтказилган текширув жараёнида олинган ишончли ва аниқ натижаларга асосланиб, болалар ҳамда таълим тизимида иштирок этувчи болалар психологияси ва хулқ-атворини баҳолашдан иборат. Шунингдек, ўтказилган методика натижаларини илмий асосда интерпретация қила олиши ҳам талаб этилади. Педагогик психологик диагностик тадқиқот ёш хусусиятларига, у ёки бу ёш даври учун етакчи фаолият турининг таъсирига, индивидуал – типологик тавсифномаларнинг тараққиёт даражасига боғлиқ бўлади. Бола тараққиётининг ҳар – бир ёш даври болалар билан ишлашнинг усуллари ва методларини, экспрементал тадқиқотнинг ўз мақсадлари ва вазифаларини талаб қилади. Кичик ёшдаги болаларни диагностик текширув ёш ва педагогик психологиянинг соҳаси ҳисобланади. Олинган натижалар ёрдамчи характерга эга бўлиб, педагог томонидан бола психик тараққиёти хусусиятларини аниқлашда қўлланилади, таълим - тарбия дастури, турли ҳаётий шароитларда, фаолият, мулоқот жараёнида шахс хулқ – атвори ҳақида маълумотнома тузишда ҳисобга олинади. Экспрементал тадқиқотдан олинган натижалар оила, таълим-тарбия муассасалари ва жамоат жойларида индивидуал ва гуруҳий тарбиявий педагогик тадбирлар ташкиллаштиришда қўлланилиши мумкин.

Шундай қилиб, педагогик психологик диагностика таълим – тарбия фаолиятида катта аҳамият касб этади. Илмий асосланган диагностик методларсиз боланинг мактабда ўқишга тайёрлигини аниқлаш ва зарур бўлганда уларга керак бўлган ёрдамни бериш мумкин эмас. Шунингдек, диагностик методларсиз, таълимнинг ривожлантирувчи самарасини кузатиш мумкин бўлмайди, таълимнинг турли методлари, шакл ва воситаларининг самарадорлигини таққослаб, баҳолаш мумкин эмас. Диагностик методларсиз турли хил ёш даврларида бола шахсий ва интеллектуал тараққиёти даражасини аниқлаш; болаларнинг индивидуал хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни қўлга киритиш мумкин эмас. Болаларнинг индивидуал хусусиятларини билиш эса аввалом бор, уларга индивидуал муносабатда бўлиш учун, улар билан коррекция ишларини олиб бориш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Педагогик-психологик диагностика / Эд. И.Ю.Левченко, С.Д.Забрамной. - М., 2006 йил

2. Максимов В.Г. Мактабгача таълимдаги педагогик диагностика. М., 2002 йил.

3. Нечаев М.П., Смирнова И.Е. Гуруҳ тарбиячисининг диагностик усуллари: услубий қўлланма. - Эд Истиқбол.

# БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИНИ ИННОВАЦИОН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.015

*Жабборова Онахон Маннаповна*
*Чирчиқ давлат педагогика университети Бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири, п.ф.ф.д.(PhD)*

*Аннотация. Мақолада бошланғич таълим методикасини инновацион такомиллаштириш асослари, назарий хусусиятлари, тажрибалари ва амалиёти масалалари таҳлил этилган. Мазкур масалага доир инновацион ёндашувлар, қарашлар ва методологик тавсиялар умумлаштирилган. Бошланғич таълим методикасини инновацион такомиллаштиришнинг амалий аҳамияти ёритиб берилган. Олий педагогик таълим жараёнида бошланғич таълим методикасини инновацион ёндашувлар асосида ўқитиш билан бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий тайёрлаш самарадорлигига эришиш йўллари белгиланган.*

*Калит сўзлар: таълим, бошланғич, методика, инновация, назария, тажриба, амалиёт, ёндашув, зарурият, билим, кўникма, малака*

# ОСНОВЫ ИННОВАЦИОННОГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕТОДОЛОГИИ НАЧАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

*Джабборова Онахон Маннаповна*
*Чирчикский государственный педагогический университет, заведующий кафедрой методики начального образования, кандидат педагогических наук (PhD)*

*Аннотация. В статьи анализирован вопросы основы инновационной совершенствование методики начальное образование, её теоритические специфика, опыты и методические вопросы доказано. По данному вопросу обобщено инновационные подходы, взгляды и методические рекомендации. Освещено практические значимость совершенствование методика начального образование. Показано обучение методика начальное образование в высшей педагогические образованиях на основе инновационных подходы и дана практическая результаты подготовки будущих учителей начальных класс.*

*Ключевые слова: образование, начальное, методика, инногвация, теория, опыть, практика, подходы, необходимость, знание, навыка, умение.*

# BASES OF INNOVATIVE IMPROVEMENT OF THE METHODOLOGY OF PRIMARY EDUCATION

*Jabborova Onakhon Mannapovna*
*Chirchik State Pedagogical University, Head of the Department of Methods of Primary Education, Candidate of Pedagogical Sciences (PhD)*

*Annotation. The article analyzes the issues of the basis of innovative improvement of the methodology of primary education, its theoretical specifics, experiments and methodological issues are proved. On this issue, innovative approaches, views and methodological recommendations are summarized. The practical significance of improving the methodology of primary education is highlighted. The teaching methodology of primary education in higher pedagogical education is shown on the basis of innovative approaches and the practical results of the training of future primary school teachers are given.*

*Key words: education, primary, methodology, innovation, theory, experience, practice, approaches, necessity, knowledge, skill, skill.*

КИРИШ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш Стратегияси”да таълим тизимида инновацион ривожлантиришни амалга ошириш ва “ақлли таълим” концепцияси асосида рақамли технологияга ўтиш вазифалари белгиланган [1]. Шу жиҳатдан бошланғич таълим методикасини инновацион такомиллаштириш масаласи бўйича илмий-назарий ва амалий-методик ишланмаларни амалга ошириш долзарб бўлиб турибди. Бошланғич таълим методикаси динамик ривожланиб борувчи жараён бўлиб, инновацион жамият шароитида унинг асосларини янгича ёндашувлар асосида такомиллаштириш тақозо этилади [2].

НАТИЖАЛАР. Мазкур масалалар бўйича педагогик илмий-тадқиқотларда баён қилинган назарий ҳулосалар ва методологик ёндашувларни умумлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бизнинг ёндашувимизга кўра, бошланғич таълим методикасини инновацион такомиллаштириш асосларида қуйидагилар муҳим ўрин тутади:

1. Бошланғич таълим методикасини такомиллаштиришнинг инновацион назарий масалалари. Ушбу масалаларни тадқиқ этиш ва улар асосида муайян назарий ҳулосаларга келиш тақозо этилади. Бунда ҳозирги замон бошланғич таълим методикасини такомиллаштиришга қўйиладиган янги талабларни белгилаб олиш, унинг инновацион хусусиятларини аниқлаш ва мазкур жараённи такомиллаштиришда интеграция омилларини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Бу масалалар

бўйича назарий ҳулосаларга келиш бошланғич таълим методикасини инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштириш учун кенг имкониятларни беради. Мисол учун, бугунги кунда бошланғич таълим методикасига янги талаблар қўйилмоқда ва бундай талабларнинг энг муҳимларини таълимнинг турли шаклларини амалга оширишда самарадорликка эришиш мезонларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки таълимнинг турли шаклларни (офлайн, онлайн, масофавий таълим) бошланғич таълим методикасининг туб асосларини ўзгартиришни тақозо этади.

2. Бошланғич таълим методикасини такомиллаштиришнинг инновацион тажрибалари. Бугунги кунда мамлакатимиз богшланғич таълим методикасида ўзига хос инновацион назарий тажрибалар юзага келганлигини эслатиб ўтиш жоиз. Шу сабабли мазкур масалада бошланғич таълим методикасини такоимиллаштиришда миллий инновацион тажрибалар, хорижий тажрибалар ҳамда ўқитишнинг янгича ёндашувлари масаларига диққат қилиш долзарб бўлиб турибди. Мисол учун, бугунги кунда бошланғич таълим методикасида ижтимоий мураккаб шароитларда ҳам инновацион шакллар асосида дарс бериш тажрибаси таркиб топган. Шу сабабли бундай тажрибаларни оммалаштириш йўлидан бориш кутилган самарани беради [3]. Шунингдек, TIMSS, PISA ва STEAM каби ҳалқаро баҳолаш дастурларининг қоидаларидан фойдаланган ҳолда бошланғич таълим методикасини инновацион хорижий тажрибаларн билан такомиллаштириш имкониятлари мавжуд эканлигини эслатиб ўтиш жоиз.

3. Бошланғич таълим методикасини такомиллаштиришнинг инновацион назарияси амалиёти. Таълим тизимимиз ва Педагогик фанимиз тажрибасида кейинги пайтларда бошланғич таълим методикасини такомиллаштириш бўйича ўзига хос амалиёти таркиб топди. Бунда айниқса "Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграция", "Бошланғич таълимда "Тарбия" фанинин ўқитиш методикаси" ҳамда "Болалар педагогикаси" янги ўқув фанларининг шакллантирилганлиги, уларнинг ўқув дастурлари ва ўқув адабиётлари ишлаб чиқилганлиги муҳим амалий самаралар ҳисобланади. Шу сабабли мазкур ўқув фанларини таълим жараёнига тадбиқ этиш тажрибаларидан келиб чиқиш янада такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб турибди.

Эътибор берилса, бошланғич таълим методикасини такомиллаштиришнинг инновацион назарий асослари, тажрибалари ва амалиёти мавжуд. Бу омиллардан фойдаланган ҳолда тадқиқот ишларини амалга ошириш долзарб бўлиб турибди.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, инновацион жамият шароитида

бошланғич таълим методикасининг такомиллаштириш масаласи муҳим ҳисобланади. Чунки бундай жамиятда янгиликларнинг кўп бўлиши, маълумотларнинг сайқалланиб бориши ва ёндашувларнинг ранг-баранг бўлиши мазкур жараённи кузатиб боришни тақозо этади. Шу жиҳатдан бизнинг фикримизча, бошланғич таълим методикасини инновацион такомиллаштириш билан қуйидаги самараларга эришиш кутилади:

а) бошланғич таълим методикасининг назарияси, методлари ва технологияларидан оқилона фойдаланиш асосида мазкур жараённи инновацион жамият талабларига мослаштириб бориш;

б) бошланғич таълим методикасини инновацион такомиллаштириш билан олий педагогик таълим жараёнида уни ўқитишнинг амалий самарадорлигига эришиш ва бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик ҳамда касбий тайёргарлигини кучайтиришга эришиш;

в) бошланғич таълим методикасини инновацион такомиллаштириш бўйича ўзига хос педагогик илмий, назарий ва технологик тадқиқогтлар ҳамда ишланмаларга эришиш.

Буларнинг барчаси инновацион жамият шароитида бошланғич таълим методикасини инновацион такомиллаштиришни тақозо этади.

МУҲОКАМА. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида сифатли таълим ва унинг самарадорлиги муҳим ўрин тутади. Бунда, айниқса, бошланғич таълимнинг мамлакатимизда тутган ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда [4]. Бошланғич таълим тизими умумий ўрта таълимнинг асосий бўғини бўлиб, унинг янги вазифалари қуйидагилардан иборат:

- аниқ, гуманитар ва табиий фанларнинг дастлабки босқичи билан ўқувчиларни таништириш;
- бошланғич синф ўқувчиларининг билим, саводхонлик ва тарбияланганлик кўникмаларини шакллантириш;
- бошланғич синф ўқувчиларини таълимнинг умумий ўрта, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган таълим босқичларига тайёрлаш;
- бошланғич таълимга замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш.

Эътибор берилса, Ўзбекистонда бошланғич таълим ўзига хос тизим ва вазифаларга эга. Бунда, айниқса, ўқувчиларни кейинги таълим босқичларига тайёрлаш муҳим ўрин тутади. Шу сабабли бошланғич синф ўқитувчиларига замонавий таълимнинг янги талаби ортиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг 2022-2026- йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистон стратегияси”да мамлакатда “илм ва инновацияларга асосланган янги иқтисодиётни барпо этиш” вазифаси қўйилган. Бу вазифалар ижроси доирасида бошланғич таълимни ривожлантириш ва

унда таълим сифатига эришиш масалалари ҳам муҳим ўрин тутади. Шу маънода бошланғич таълим методикасини такомиллаштириш ва унинг воситасида бошланғич таълимни сифат жиҳатидан ривожлантириш долзарб бўлиб турибди [5].

Бугунги кундаги мамлакатимиз бошланғич таълим методикасида қуйидаги хусусиятлар кузатилади:

1) ўқув фанларини анъанавий дарс методикаси асосида ўқитишга устувор аҳамият бериш;

2) дарснинг анъанавий тушунтириш, топшириқ бериш ва баҳолаш тизимига амал қилиш;

3) ўқитувчиларнинг кўп ҳолларда дарсликлар билан чекланиб қолиши;

4) фаол ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибалари оммалашмаганлиги ва ҳ.к.

Бундай турғун бошланғич таълим методикаси кўп ҳолларда таълимнинг сифат даражасига таъсир этаётганлиги сир эмас[6]. Шу сабабли кузатишлар ва ўрганишлар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда бошланғич таълим методикасини янгилаш ва ривожлантириш эҳтиёжи мавжуд. Бундай эҳтиёжнинг асосий сабабларини қуйидагилар ташкил этади:

а) бошланғич таълим битирувчилари таълимнинг умумий ўрта, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган босқичларига тайёрланмоқда;

б) бошланғич таълим ўқув жараёнига ахборот-коммуникацион технологияларнинг энг замонавий шаклларини жорий этиш эҳтиёжи;

в) бошланғич таълим битирувчилари орасидан иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиш ва таълимнинг кейинги махсус босқичига йўналтириш;

г) бошланғич таълим ўқув фанларини аниқ, гуманитар ва табиий фанлар туркумларига бўлиб ўқитиш.

Буларнинг барчаси ҳозирги бошланғич таълим методикасини тубдан ўзгартириш, янгилаш ва такомиллаштиришни тақозо этади [7].

Айни пайтда, бошланғич таълим методикаси бўйича тўпланган тажрибалардан ҳам воз кечиб бўлмайди. Мисол учун, бу борада қуйидаги тажрибаларнинг мавжудлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз:

- мамлакатимизда бошланғич таълим бўйича ўзига хос индивидуал методик тажрибалар мажмуи мавжуд;
- анъанавий дарс воситасида мавзуларни чуқур тушунтириш тажрибасини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз;
- кўпгина бошланғич синф ўқитувчиларининг новаторликка интилиш ҳаракатлари ҳам мавжуд.

Бундай тажрибалар бошланғич таълим методикасини янгилашда

пойдевор вазифасини ўташи керак.

Бошланғич таълим методикасининг ҳозирги ҳолатида илмий-тадқиқотлар йўналиши ҳам муҳим ўрин тутади. Мамлакатимиз педагог олимлари бу масалада қуйидаги йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз:

- бошланғич таълим методикасини ахборот-коммуникацион воситаларга асосланган технологиялар билан кучайтириш;
- бошланғич таълим методикасининг назарий ва методологик масалаларини таҳлил этиш;
- бошланғич таълим методикаси манбаларини ўрганиш;
- бошланғич таълим методикасига доир хорижий тажрибаларни тадқиқ этиш.

Буларнинг барчаси ҳозирги замон бошланғич таълим методикаси ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатади. Шунингдек, янги Ўзбекистон шароитида бошланғич таълим методикасини такомиллаштириш долзарб бўлиб турибди. Бу борада бизнингча, қуйидаги йўналишларда илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

1) ахборот-коммуникацион технологияларнинг компьютерли, онлайн ва масофавий шаклларини бошланғич таълимга жорий этиш муаммолари;
2) бошланғич таълим ўқув фанларини интеграциялаш муаммолари;
3) бошланғич таълим дидактик жараёнини технологиялаштириш ва ўқитишда сифат самарадорлигига эришиш муаммолари;
4) бошланғич таълим методикасини янгилашнинг илмий, назарий ва методологик омиллари;
5) бошланғич таълим методикасини такомиллаштиришга доир халқаро таълим дастурлари тажрибалари.

Мазкур йўналишларда илмий, назарий ва методологик тадқиқотлар олиб бориш бошланғич таълим методикасининг ҳозирги ҳолатини ривожлантириш имконини беради.

Янги Ўзбекистон шароитида бошланғич таълим барча кейинги таълим босқичларининг негизи ҳисобланади. Чунки мамлакатимизда мактабгача таълим босқичи ташкил этилгач, бошланғич таълим мазмуни ўзгарди. Бу ўзгариш бошланғич таълим мазмунини чуқурлаштириш, бошланғич синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги бир неча турларига тайёрлаш, бошланғич таълим ўқув фанларини ишлаб чиқилаётган Миллий ўқув дастури асосида туркумлаштириб ўқитиш, бошланғич таълимга халқаро таълим дастурларини жорий этиш ва профессионал бошланғич таълим ўқитувчиларини тайёрлаш ташкил этади. Шу сабабли бугунги кунда мамлакатимизда бошланғич таълим методикасини тубдан

ўзгартириш зарурияти мавжуд. Биз бу борада ахборот-коммуникацион технологияларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки пандемия каби мураккаб шароитларда ўқитишнинг ноанъанавий шаклларига асосланиш тақозо этилмоқда. Шу сабабли бундан кейин бошланғич таълим методикасида ҳар қандай мураккаб шароитда бошланғич таълимни амалга оширишда қўл келадиган ўқитиш технологияларига эга бўлишимиз керак. Бунда, айниқса, компьютер техник воситасига асосланган ахборот-коммуникацион технологияли ўқитиш жараёнининг йўлга қўйилиши муҳим ўрин тутади.

Эътибор берилса, бугунги жараён ва илмга асосланган инновацион иқтисодиёт шароити бошланғич таълим методикаси муаммоларини изчил ўрганиб боришни тақозо этади. Бу борада Чирчиқ давлат педагогика университетида “Келажак ўқитувчиси” илмий-тадқиқот лабораторияси ташкил этилганлиги ва унинг воситасида Тошкент вилоятининг бошланғич таълим муаммолари ўрганилиб борилаётганлигини эслатиб ўтиш жоиз. Бундай тажрибалар мамлакатимизда бошланғич таълим методикасини замон талаблари асосида янгилаш ва ривожлантириш учун ўзига хос тажриба майдони бўлишини идрок этиш керак. Чунки бугунги талабларга жавоб берадиган бошланғич таълим методикасига эга бўлиш билан таълимнинг бу босқичини ривожлантириш мумкин. Бу вазифаларнинг ижроси жараёнида бошланғич таълимдан манфаатдор барча шахслар иштирок этиши ва уларни тўлиқ идрок қилиб олиши керак.

Президентимизнинг 2020-йилдаги Мурожаатномасида бошланғич таълимни ривожлантириш бўйича белгиланган янги йўналишлар қуйидагилардан иборат: “Болаларнинг таҳлилий ва креатив фикрлаш фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш зарур. Бу борада келгуси ўқув йилидан бошланғич синфларда давлат таълим стандарти ўрнига, илғор хорижий тажриба асосида болага ортиқча юклама бермайдиган “Миллий ўқув дастури” жорий этилади”. Демак, бошланғич таълимни ривожлантиришнинг янги йўналишлари сифатида қуйидагилар идрок этилади:

1. Болаларни таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш. Мазкур биринчи йўналишга кўра, бошланғич таълимни ривожлантиришнинг талабларидан бири ўқувчиларни таҳлилий ва креатив фикрлашга ўргатишдир. Унга кўра, 7-11 ёшли ўқувчилар мантиқли, аниқ ва тушунарли фикрлаш кўникмасини эгаллаши ҳамда ўз қизиқишига кўра бирор ижодий йўналишга йўналтирилиши лозим. Бу вазифани амалга ошириш учун бошланғич синфларда ўқитиладиган ижтимоий ва аниқ фанларни интеграциялаш, уларда фикрлаш ва креатив

ёндашиш асосларини белгилаб қўйиш, мавзулар материалларини имкон қадар ижодий фойдаланишга мослаштириш тақозо этилади. Бу вазифалар амалий фаолиятдаги бошланғич синф ўқитувчиларининг ижодий фаолият кўрсатиши ва бўлажак ўқитувчиларнинг ўз ижодий кўникмасини эгаллаши кераклигини кўрсатади. Шу сабабли бугунги кунда бўлажак бошланғич синф ўқитуувчилари олдида таҳлилий фикрлаш ва креатив фаолият кўрсатиш кўникмасини эгаллаш, келгусида уларни бошланғич синф ўқувчиларида шакллантириш малакаси билан қуролланиш муҳим бўлиб турибди. Чунки, бундай кўникмаларга эга бўлган ўқитувчи ўқувчиларда таҳлилий фикрлаш ва ижодий ёндашиш кўникмаларини шакллантириш имкониятларига эга бўлади. Шу сабабли ҳозирги педагогик таълим жараёнида бошланғич синфларда ўқитиладиган фанлар бўйича аниқ билимларни эгаллаш асосий вазифалардан биридир.

2. Сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш. Бошланғич таълимни ривожлантиришнинг бу янги йўналишига кўра, дарсликлар таҳлиллардан ўтказилиши ва уларнинг мазмунига қўшимча материаллар киритилиши тақозо этилади. Бу ўринда “Сермазмун” тушунчаси бошланғич синф фанлари дарсликларининг ўқув материалларига бой бўлиши, янги маълумотлар билан тўлдириш имкониятига эгалиги ва тажрибали ўқитувчиларнинг ёндашуви акс этишини англатади; “Тушунарли” – бу тушунча дарсликларнинг мазмуни, улардаги маълумотлар ва материаллар бошланғич синф ўқувчиларига қизиқарли, уларни мотивацияга ундайдиган ва фикрлашга ўргатадиган маънони англатади. Шу сабабли бу ўринда сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш йўналишини инновацион усулдаги ёндашувларни амалиётга татбиқ этиш тушунилиши керак. Мисол учун, бугунги кунда бошланғич синф дарсликларининг масофадан туриб ўқитиш имконини берадиган электрон вариантларини яратиш долзарб бўлиб турибди. Чунки, ижтимоий мураккаблик даврида масофавий таълимнинг ўрни аҳамиятли эканлиги маълум бўлди, шу сабабли, бизнинг фикримизча, бошланғич синф дарсликларининг ҳар бирини масофадан туриб ўқитиш имкониятларига мослаштириш керак ва уларнинг электрон вариантларини тажриба-синов ишларидан ўтказиш долзарб вазифалардан бўлиб турибди.

3. Янги асосдаги Миллий ўқув дастурини амалиётга жорий этиш. Бу йўналишга кўра, 2021-2022- ўқув йилидан бошлаб бошланғич таълимда яхлит ва узвий характерига эга Миллий ўқув дастури амалиётга киритилади. Мазкур дастурнинг моҳияти шундан иборатки, унда фанларнинг ўзаро боғлиқлиги, мавзуларнинг такрорланмаслиги, бошланғич синфларда ўқув фанларининг интеграциялашган турларини жорий этиш ва, энг асосийси, ўқувчиларни ижодий фикрлаш қобилиятини

рivожлантиришга йўналтирилган ўқув фанларини ўқитиш кўзда тутилган. Миллий дастурнинг яна бир характерли хусусиятларидан бири – унда бошланғич синфларда хорижий тажрибаларни кенг татбиқ этиш назарда тутилган. Айни пайтда, ўқитишнинг миллий характери, менталитети ва хусусиятлари ўқув фанларида сақланиб қолади. Асосий эътибор бошланғич синф ўқувчиларининг когнитив фикрлаш, креатив-ижодий интилиш ҳамда фаоллик ва интиливчанлигини шакллантиришга қаратилади. Шу сабабли амалий фаолиятдаги бошланғич синф ўқитувчилари мазкур ўқув дастури бўйича атрофлича тушунча ва кўникмага эга бўлиши тақозо этилади. Шунингдек, олий таълим муассасаларида бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари амалга киритилаётган Миллий ўқув дастури бўйича билим, кўникма ва малака билан қуроллантирилиши асосий вазифалар сифатида белгиланмоқда. Бизнинг ёндашувимизга кўра, келгуси ўқув йилидан бошлаб бошланғич таълим ўқув йўналишини янада такомиллаштириш ҳамда замон талабларига, хусусан, Миллий ўқув дастури талабларига мослаштириш тақозо этилади.

Эътибор берилса, Президентимизнинг Мурожаатномасида ҳам бошланғич таълимни ривожлантиришнинг ана шу уч йўналиши муҳим вазифа сифатида белгиланганлиги аён бўлади. Мазкур вазифаларнинг табиий ижроси қуйидагилардан иборат:

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари мазкур уч йўналишдаги янги йўналишларни тўлиқ ўзлаштириши керак;
- олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар мазкур вазифаларни илмий, амалий ва методик жиҳатдан ижро этиш ишланмаларини яратиши зарур;
- амалий фаолиятдаги бошланғич синф ўқитувчилари мазкур йўналишларни ўзлаштириши ва янги ўқув йилидан киритиладиган Миллий ўқув дастури бўйича аниқ тушунчага эга бўлиши муҳимдир.

Мазкур янги йўналишларнинг ижросини сифатли таъминлаш "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш" йилида амалга ошириладиган устувор вазифалар таркибига киради. Шу жиҳатдан мазкур йўналишларни тўлиқ ва аниқ идрок этилиши, уларнинг ижроси учун ҳар биримиз фаол иштирок этишимиз зарурдир.

Ўзбекистонда янги барпо этилаётган Учинчи Ренессанс даврида бошланғич таълимни сифатли ривожлантириш ва унинг самарадорлигига эришиш учун таъкидлаб ўтилган янги йўналишлар муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли бунда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

- олиб борилаётган илмий изланишларни ва уларнинг ечимларида бошланғич таълимни ривожлантиришнинг янги йўналишларига оид

таклифлар билан бойитиш;

- олий таълим жараёнида ўқитилаётган фанларни мазкур йўналишлар билан тўлдириш;
- матбуотда эълон қилинаётган илмий ишланмаларда бошланғич таълимни ривожлантиришнинг янги йўналишлари бўйича методик тавсиялар бериш;
- амлаий фаолиятда бошланғич таълимни ривожлантиришнинг янги йўналишларини тарғибот қилиб бориш.

Бундай ёндашув бошланғич таълимдан манфаатдор ҳар бир шахс учун муҳимдир. Шу сабабли Президентимиз Мурожаатномасини қайта-қайта ўқиш, унда таълимга оид қўйилган барча вазифаларни ўзлаштириш ва унинг ижросида иштирок этиш муҳимдир. Бунда бошланғич таълимни ривожлантириш вазифаларини узлуксиз умумий таълим вазифаларининг ижроси билан боғлиқ ҳолда олиб бориш тақозо этилади. Эътибор берилса, бошланғич таълимни ривожлантиришнинг янги йўналишларини амалга оширишда илмий, ижтимоий ва методик фаолликка амал қилиш долзарб бўлиб турибди. Ушбу жиҳатларни алоҳида эътиборда тутган ҳолда ҳар бир профессор-ўқитувчи мазкур йўналишлар бўйича ўз йўналиши, тушунчаси ва фаолият кўламига эга бўлиши керак.

**Хулоса.** Шундай қилиб, бошланғич таълимни ривожлантиришнинг янги йўналишлари мазмун, услуб ва самара жиҳатидан сифатли натижаларга эришиш учун мўлжалланган. Бунда ҳар бир йўналишнинг натижаси йил якунида кўриб чиқилиши белгилаб қўйилганлигини эслатиб ўтиш жоиз.

Олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашда бошланғич таълим методикаси бўйича янгича назарий билим ва касбий кўникма бериш долзарб бўлиб турибди.

Бошланғич таълим методикаси бошланғич синфларда ўқитиладиган ўқув фанларининг асослари билан таништиради [8]. Шу жиҳатдан бошланғич таълим методикаси асосларини қуйидагилар ташкил этади:

- бошланғич таълим методологияси;
- бошланғич таълим дидактикаси;
- бошланғич таълимда тарбия назарияси.

Бошланғич таълим методологиясини педагогика тарихидаги бошланғич таълим босқичи, манбалари ва тизими, таълимга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва педагогик илмий-тадқиқотлар ташкил этади. Олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари мазкур методологик асосларни чуқур ўзлаштириши тақозо этилади.

Бошланғич таълим дидактикаси ўқитишнинг методлари, шакллари

ва технологияларидан иборат. Бугунги кунда Ўзбекистон бошланғич таълимида ўқитишнинг анаъанавий дарс шакли, масофавий ва электрон-модулли технологиялари кенг жорий этилмоқда. Шу сабабли бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари олий педагогик таълим жараёнида бошланғич таълим дидактикаси асосларини назарий ва амалий жиҳатдан ўзлаштириши лозим. Бу иш педагогик туркумдаги мажбурий ва танлов фанлари воситасида амалга оширилади.

Бошланғич таълимда тарбия назарияси 7-11 ёшли ўқувчиларнинг ижтимоий онгини шакллантириш, ахлоқини таркиб топтириш ва уларни ижтимоийлаштиришни назарда тутади. Бунда асосий эътибор ўқувчиларни дастлабки босқичда ақлий, аҳлоқий, жисмоний ва эстетик жиҳатдан тарбиялашга қаратилади. Шу сабабли, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари олий педагогик таълим жараёнида “Тарбия”, “Бошланғич таълимда “Тарбия” фанини ўқитиш методикаси” каби мутахассислик фанларини чуқур ўзлаштириши тақозо этилади.

Эътибор берилса, бошланғич таълим методикаси бошланғич синфларда амалга ошириладиган таълим ва тарбиянинг негизини ташкил этади. Шунга кўра, мазкур йўналиш бўйича янги илмий ишланмалар яратиш зарурият бўлиб турибди. Бизнинг ёндашувимизга кўра, бошланғич таълим методикаси бўйича қуйидаги йўналишларда тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- бошланғич таълим тарихининг асосий босқичлари;
- Ўзбекистон бошланғич таълим тарихи;
- бошланғич таълимга доир халқаро таълим дастурлари;
- бошланғич таълимда амалга ошириладиган тарбиянинг назарий масалалари;
- бошланғич таълимда жорий этиладиган замонавий педагогик технологиялар;
- бошланғич таълимда кластер муаммолари;
- бошланғич синф ўқитувчиларининг методик самарадорлиги.

Мазкур йўналишларда педагогик илмий-тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимиз бошланғич таълим тизимига TIMSS, PIRLS ва STEAM халқаро дастурлари ҳамда стандартлари жорий этилмоқда. Шу сабабли олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари учун биз томонимиздан “Бошланғич таълимнинг халқаро дастурлари” ўқув дастури ишлаб чиқилди. Мазкур ўқув дастур асосида талабаларнинг халқаро таълим дастурлари асослари, талаблари ва стандартлари бўйича назарий билим ҳамда касбий компетенсияларини шакллантириш имконияти мавжуд. Бу дастур келгусида бошланғич таълим методикасининг асосларидан

бирини ташкил этиши кутилмоқда.

Бошланғич таълим методикасига доир амалга оширилаётган илмий-тадқиқотларни ва уларда ишлаб чиқилган методикани таълим ва тарбия жараёнига жорий этиб бориш долзарб эканлигини таъкидлаш лозим. Бу борада олий педагогик таълим жараёнида мутахассислик фанларини ўқитиш имкониятларидан чуқур фойдаланиш тавсия этилади.

Шундай қилиб, олий педагогик таълим жараёнида бошланғич таълим методикаси асосларини чуқур ўрганиш, ўргатиш ва унинг назарий масалалари бўйича тадқиқотлар олиб бориш долзарб бўлиб турибди. Бу борада бошланган ишларни амалиётга йўналтириш муҳим ҳисобланади. Айниқса, иқтидорли талабаларни бошланғич таълим методикаси муаммолари бўйича изланишларга жалб қилиш самарали ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси. // www.google.uz.

2. Жабборова О., Умарова З., Бабаходжаева Л. Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграция. – Тошкент, 2021.

3. Жабборова О. Бошланғич таълим методикасининг янги назарий масалалари. – Тошкент, 2022.

4. Мардонов Ш. Педагогика фанидан ўқитишнинг электрон-модулли дидактик таъминотини ишлаб чиқиш технологияси. – Тошкент, 2021.

5. Мардонов Ш., Жабборова О. Бошланғич таълимда асосий тушунчалар. XXI аср таълим тизимида инновациогн ва интеграцион ёндашувлар. Жиззах. 2021, Б. 312-314

6. Бордовская Н., Реан А. Педагогика. – Санкт-Петербург, 2001

7. Зуфаров Ш. Педагогик инноватика. – Тогшкент, 2012

8. Саидаҳмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент, 2015

# OLIY TA'LIM MUASSASALARI KIMYO O'QITUVCHILARI KASBIY KOMPETENTLIGINI ANIQLASH METODIKASI

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.016

*Odilxo'jazoda Nigoraxon Baxtiyorxo'ja qizi*
*Farg'ona davlat universiteti doktoranti*

*Mamajonov Shuxratjon Asqarovich*
*Farg'ona davlat universiteti kimyo kafedrasi dotsenti, pedagogika fanlari nomzodi*

*Annotatsiya. Maqolada oliy ta'lim muassasalari kimyo o'qituvchilari kasbiy kompetentligini aniqlash metodikasi, uning natijalari, ta'lim sifatini oshirishdagi axamiyati batafsil yoritilgan*

*Kalit so'zlar: kimyo o'qitish, ta'lim sifati, nazariya, metodika, kasbiy kompetentlik, kompetentlikni aniqlash*

# МЕТОДИКА ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ ХИМИИ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

*Одилхужазода Нигорахон Бахтиёрхужа кизи*
*докторант Ферганского государственного университета*

*Мамажонов Шухратжон Аскарович*
*доцент кафедры химии Ферганского государственного университета, кандидат педагогических наук*

*Аннотация. В статье подробно описывается методика определения профессиональной компетентности преподавателей химии высших учебных заведений и их значение в повышении качества образования*

*Ключевые слова: обучение химии, качества образования, теория, методика, профессиональная компетентность, определение компетентности.*

# METHODS FOR DETERMINING THE PROFESSIONAL COMPETENCE OF CHEMISTRY TEACHERS IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

*Odilkhuzhazoda Nigorakhon Bakhtiyorho'ja kizi*
*doctoral student of Ferghana State University*

*Mamajonov Shukhratjon Asqarovich*
*Associate Professor of the Department of Chemistry, Ferghana State University, Candidate of Pedagogical Sciences*

*Abstract. The article describes in detail the theory and methodology for determining the professional competence of chemistry teachers of higher educational institutions and their importance in improving the quality of education*

*Key words: teaching chemistry, quality of education, theory, methodology, professional competence, definition of competence.*

Bugungi kunda butun dunyoda ta'lim muassasalari kimyo o'qituvchilarining kasbiy bilim va amaliy ko'nikmalarini rivojlantirishning ilmiy-uslubiy asoslarini takomillashtirish, ta'limni tashkil etish va boshqarish sohasidagi malakalarini oshirish, kasbiy kompetensiyalarini aniqlash kabi yo'nalishlarda ilmiy izlanishlar olib borilmoqda. Mazkur tadqiqotlarda asosiy e'tibor ta'lim muassasalari o'qituvchilarining aqliy salohiyatini oshirishga qaratilgan bo'lib, ularda kimyo o'qituvchisining kasbiy kompetentligini aniqlashning nazariyasi va amaliyoti bilan bog'liq muammolar yetarli darajada tadqiq etilmagan [1].

Mutaxassislarning zamonaviy fan-texnika taraqqiyoti talablariga muvofiq kasbiy kompetensiyaga ega bo'lishi va uni rivojlantirib borish muammosi alohida dolzarblik kasb etadi.

SHu bilan birgalikda "jamiyatda ta'lim sifatini baholash jarayoni va vositalarini takomillashtirish, erishilgan natijalarni aniqlash imkonini beruvchi mexanizmlarni amaliyotga joriy etish" ga katta extiyoj borligi qayd etilmoqda"[1].

Ayni vaqtda zamonaviy ta'lim tendensiyalariga muvofiq kompetensiyaviy yondashuv asosida kimyo o'qituvchilarining jahon standartlari darajasida o'z mutaxassisligi bo'yicha ishlashga qodir, ijtimoiy va kasbiy mobil, mehnat bozorida raqobatbardosh, kompetentli kadr sifatida kasbiy-metodik tayyorgarligini takomillashtirish dolzarb ahamiyat kasb etadi.

Respublikamizda "uzluksiz ta'lim tizimini yanada takomillashtirish yo'lini davom ettirish, sifatli ta'lim xizmatlari imkoniyatlarini oshirish, mehnat bozorining zamonaviy ehtiyojlariga muvofiq yuqori malakali kadrlarni tayyorlash", ish beruvchilarning talab va ehtiyojlariga mos mutaxassisliklar bo'yicha pedagog kadrlar tayyorlash hamda oliy ta'lim tizimida pedagogik faoliyatning sifati va samaradorligini oshirish bo'yicha keng ko'lamli ishlar olib borilmoqda [2].

Kimyo o'qituvchilarining kasbiy kompetentligini zamonaviy fan-texnika taraqqiyoti talablari asosida modernizatsiyalash, kompetentli, yuqori salohiyatli pedagog kadrlar tayyorlash va ilg'or xorijiy tajribalarni o'rgangan holda takomillashtirish, bozor iqtisodiyoti talablariga moslashtirish, kasbiy kompetensiyalarini rivojlantirish orqali kasbiy faoliyatni yuksak darajaga ko'tarishning ilmiy asoslangan metodikasini ishlab chiqish muhim ahamiyat kasb etadi [3-4].

Ta'lim tizimida bilim berish, ko'nikma va malakalarni shakllantirish hamda rivojlantirish sifatini yanada ko'tarish pedagog kadrlar kasbiy kompetentligiga bevosita bog'liq. Avvalombor, bu masala ta'lim muassasalarida bo'lajak o'qituvchilarni tayyorlashning kompetentli yondashuvga asoslangan pedagogik tizimini takomillashtirilishi, boshqa tomondan hozirgi davrda faoliyat ko'rsatayotgan pedagog kadrlarni oliy ta'lim muassasasidagi va malaka oshirish davridagi faoliyatini tadrijiy ravishda takomillashtirilishini talab qiladi.

Pedagog kadrlarning kasbiy kompetentligi tuzilishini oʻrganish uning har bir tarkibiy qismi didaktik jihatdan oʻz oʻrni va vazifasi borligini koʻrsatadi. Tadqiqotlarimizda oʻqituvchilarning kasbiy kompetentligi komponentlarini oʻzaro aloqadorlikda va yaxlit tizim sifatida qarash zarur degan gʻoyani ilgari surdik. SHu bilan birga bu muammoni uzluksiz ta'lim tizimi barcha boʻgʻinlarining oʻzaro bogʻliqligi asosida hal qilinishi lozim.

Biz oʻz tadqiqotimizda kompetensiyaviy yondashuv asosida oliy ta'lim muassasalari kimyo oʻqituvchilarining kasbiy kompetentligini aniqlash metodikasini ishlab chiqish va takomillashtirishni maqsad qilib oldik va quyidagi vazifalarni xal qildik:

-oliy ta'lim muassasalari kimyo oʻqituvchilarining kasbiy kompetentligini aniqlash metodikasini ishlab chiqish;

-oliy ta'lim muassasalari kimyo oʻqituvchilarining kasbiy kompetentligini aniqlash bosqichlari va mezonlarini aniqlash;

-oliy ta'lim muassasalari kimyo oʻqituvchilarining kasbiy kompetentligini takomillashtirishning oʻquv-metodik ta'minotini yaratish;

-oliy ta'lim muassasalari kimyo oʻqituvchilarining kasbiy kompetentligini aniqlash metodikasini amaliyotda sinovdan oʻtkazish;

-kimyo oʻqituvchisining kasbiy kompetentligini aniqlash amaliyoti yuzasidan taklif va tavsiyalar ishlab chiqish.

Pedagogik eksperiment 2019-2022 yillarda Fargʻona, Namangan, Guliston davlat universitetlari, Qoʻqon davlat pedagogika instituti, Fargʻona davlat universiteti va Oʻzbekiston Milliy universiteti huzuridagi pedagog kadrlar malakasini oshirish va qayta tayyorlash mintaqaviy markazlarida oʻtkazildi. Unda kimyo oʻqituvchilarining yuksak darajadagi motivatsiya asosida bajarilgan faoliyati oʻrganildi va qobiliyatlari asosida erishilgan yutuqlari tahlil etildi.

Tadqiqot mobaynida kimyo oʻqituvchilarida kompetentlikning 5 klasteri aloxida ajratib kursatildi

(1-rasm).




1-rasm. Kimyo oʻqituvchilarida kompetentligining rivojlanganlik klasteri.

Rasmda ifodalanganidek, kimyo oʻqituvchilarida kompetentligini klasterli oʻrganish ularda mutaxassislik malakalarining rivojlanganlik darajalarini baholashga xizmat qiladi.

Tadqiqot jarayonida nazariy (muammolarni nazariy tadqiq etish, psixologik-pedagogik, ilmiy-metodik adabiyotlar tahlili), emperik (pedagogik kuzatish, tajriba-sinov ishlari, ekspert baholash, oʻz-oʻzini baholash, umumlashtirish), ijtimoiy metodlar (anketa, savol-javob, suhbat), matematik-statistik metodlar (Styudent-Pirzon mezoni) dan foydalanildi.

Izlanishlarimiz natijasida oliy ta’lim muassasalarida faoliyat olib borayotgan kimyo oʻqituvchilarining kasbiy kompetentligini aniqlashning ikki bosqichli metodikasi yaratilib, amaliyotda sinovdan oʻtkazildi.

1. Oliy ta’lim muassasalarida faoliyat olib borayotgan kimyo oʻqituvchilarining kasbiy kompetentligini 16 ta mezon asosida tashxislash metodikasi ishlab chiqildi. Jumladan, soxaga oid bilimlarni bilishi, amaliyotda qoʻllay olishi, me’yoriy xujjatlarni bilishi, laboratoriya jixozlari bilan ishlash malakasi, kimyo oʻqitishning umumiy va xususiy masalalarini bilishi, oʻquv va uslubiy bilimlarni oʻzlashtirganligi, motivatsiyaga egaligi, kasbiy kompetensiyani rivojlantirishning axamiyati, AKT, internet manbalaridan foydalanish darajasi, chet tillarini bilishi, Oʻzbekistondagi kimyoviy ishlab chiqarishlar va ularda boradigan jarayonlarni bilishi, ekologik kompetentligi va boshqa jihatlari asos qilib olindi .

2. Oliy ta’lim muassasalari kimyo bakalavriyat ta’lim yoʻnalishida oʻqitiladigan umumkasbiy fanlar (mavzuga doir adabiyotlar taxlilidan ma’lum boʻldiki, jaxon amaliyotidan kelib chiqib kimyo boʻyicha umumkasbiy fanlar sifatida noorganik, organik, fizik, shuningdek analitik kimyo fanlari olindi), kimyo oʻqitish metodikasi, pedagogika va pedagogik mahorat, kompetensiya, me’yoriy xujjatlarga doir jami 100 ta test savollari ishlab chiqildi, ushbu testlarni sifati, saviyasi, qiyinlik darajasi, mosligi va boshqa mezonlar boʻyicha sohaning yetakchi mutaxasislaridan taqrizlar olindi.

Yuqoridagi tashxislash metodikasi boʻyicha kimyo oʻqituvchisining kasbiy kompetentligi 100 ballik tizim asosida 4 ta daraja asosida aniqlandi. Jumladan,

-86 balldan 100 ballgacha 1 daraja-yuqori,

-71 balldan 85 ballgacha 2 chi daraja-yaxshi,

-55 balldan 70 ballgacha 3 chi daraja-qoniqarli,

-1 balldan 54 ballgacha 4 chi daraja qoniqarsiz

Ushbu makolada oliy ta’lim muassasalarida faoliyat olib borayotgan kimyo oʻqituvchilarining kasbiy kompetentligini tashxislash boʻyicha oʻtkazilgan tadqiqot natijalari taxlilini keltirib oʻtamiz.

Tadqiqot davomida OTMlar kimyo kafedralarida oʻquv mashgʻulotlari olib borayotgan va Fargʻona davlat universiteti va Oʻzbekiston Milliy universiteti

huzuridagi pedagog kadrlar malakasini oshirish va qayta tayyorlash mintaqaviy markazlarining yetakchi professor-o'qituvchilarning dars o'tish metodikalari o'rganildi, kimyo o'qituvchisining kasbiy kompetentligining o'ziga xos jixatlari, uni aniqlash nazariyasi va mezonlariga doir fikrlari olindi, suxbatlar o'tkazildi.

Yuqoridagi metodika asosida tashxislash o'tkazildi, uning natijalari taxlil qilindi. Jumladan, Farg'ona Davlat universiteti kimyo kafedrasi professor-o'qituvchilari kasbiy kompetentligi natijalari umumiy xolda quyidagilarda namoyon bo'ldi,

1. 2019-2020 o'quv yilida, ya'ni tadqiqotning birinchi yilida professor-o'qituvchilarning 3.3 foizi K-1 darajani, 53.3 foizi K-2 darajani, 43.3 foizi K-3 darajani qayd etgan bo'lsa; ular bilan o'tkazilgan suxbat, tushuntirish, seminar-trening, o'quv kurslari natijasida:

2. 2020-2021 o'quv yilida bu ko'rsatkich mos xolda K-1 daraja 29 foizni, K-2 daraja 67,7 foizni, K-3 daraja 3.2 foizni,

3. 2021-2022 o'quv yilida K-1 daraja 63.3 foizni, K-2 daraja 36.6 foizni tashkil etib, kompetentlik darajalari sezilarli darajada o'sib borganligi matematik- statistik metodlar yordamida aniqlandi.

Kimyo o'qituvchilarining kasbiy kompetentligini aniqlashning o'ziga xos xususiyatlari va imkoniyatlari quyidagilarda namoyon bo'ldi:

1. Online kurslarni qo'llash orqali ta'lim sifatini oshirish va ta'lim dasturlarining mazmunini yangilash

2. Ta'lim jarayoniga yetakchi professor-o'qituvchilar va mutaxassislarni jalb qilish;

3. OTMlar tomonidan taqdim etilgan ta'lim imkoniyatlarini kengaytirish;

4. Talabaning xohishiga ko'ra o'quv modullari soninig ko'paytirish;

5. O'quv yuklamasini kamaytirish,

6.O'quv jarayonini rejalashtirishning moslashuvchanligini oshirish va talabalarni rag'batlantirish

7. O'zini o'zi o'rganishga imkon yaratish, o'z ustida ishlash, rivojlantirish;

8.Ta'limning talab qilinadigan kadrlar bo'yicha yuklamasini optimallashtirish, yetishmayotgan resurslarni yaratish yoki to'ldirish;

Shuningdek, tajriba davomida kimyo o'qituvchilari uchun amal qilinayotgan ta'lim dasturlarining samaradorligi, tashkiliy-pedagogik shart-sharoitlar va pedagogik texnologiyalarning qulayligi, ularning davlat talablari va o'quv dasturlariga muvofiqligi, ta'lim dasturlarini yaxshilash va takomillashtirishga yo'naltirilgan tadbirlarning samaradorligi, Davlat talablari, o'quv dasturlari hamda o'quv-metodik majmualarda ta'lim bosqichlariaro uzviylik va uzluksizlikning ta'minlanganligi hamda amaliy mashg'ulotlarning sifat darajasining yuqoriligi, o'qituvchi hamda

talabalarning o‘quv rejasidan qoniqishlari, tabaqalashtirilgan ta’limni amalga oshirishga yo‘naltirilgan harakatlarning takomillashganligi, didaktik jarayonni ixtisoslashtirishning amalga oshirilganligi kabilarga e’tibor qaratildi

O‘tkazilgan nazariy va eksperimental tadqiqotlar asosida:

1. OTM kimyo o‘qituvchilari kompetenligini aniqlash metodikasi ishlab chiqildi, uning natijalari kafolatlangan jarayon ekanligi ilmiy jixatdan asoslanildi.

2. 2019-2022 yillarda o‘tkazilgan tajribaviy mashg‘ulotlarda kimyo o‘qituvchilarida kasbiy kompetentligi darajalarini aniqlashga erishildi.

3. Tajriba-tadqiqot davomida kimyo o‘qituvchilari kasbiy kompetentligi darajasini aniqlash uchun qo‘llanilgan metodika samarali ekanligi aniqlandi.

4. Kimyo o‘qituvchisi kasbiy kompetentligini takomillashtirish uchun sohaga doir bilim, ko‘nikma va malakalarni doimiy yangilab borish, o‘z ustida ishlash, o‘z-o‘zini rivojlantirish kompetentligi, axborot kommunikatsion texnologiyalar va chet tillarini mukammal bilish darajasini oshirib borish, kimyoviy ishlab chiqarishlar va ularda boradigan jarayonlarni doimiy kuzatib borish, bu boradagi bilimlarni mustaxkamlash, atrof muxit muxofazasi borasidagi-ekologik kompetentligini rivojlantirib borish, ta’lim berishda motivatsiya, realizatsiya va refleksiya malakalarini to‘liq egallashlarini ta’minlash talab etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Incheon declaration. Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea). - 48 p.

2. Harakatlar strategiyasi asosida jadal taraqqiyot va yangilanish sari // T.: “G‘.G‘ulom”, –2017.- 70 b.

3. Nishonov M., Mamajonov SH.A., Odilxo‘jazoda N. Uzluksiz ta’lim tizimida kimyo o‘qituvchisi kasbiy kompetentligini aniqlash nazariyasi va amaliyotining dolzarb muammolari. “Kimyo va tovarlar kimyosi muammolari va istiqbollari” mavzuidagi VI respublika amaliy konferensiya materiallari. 246-248 betlar. 2019 yil 18-19 sentyabr. Andijon.

4. Nishonov M., Mamajonov SH.A., Odilxo‘jazoda N. Bo‘lajak kimyo o‘qituvchilari kompetentligi turlari va ularning didaktik tahlili. Современная психология и педагогика: проблемы, анализ и результаты. Сборник материалов международной онлайн конференции.www.e-science.uz.2019. стр.355-362.

# OLIY TA'LIM MUASSASALARI PROFESSOR-O'QITUVCHILARINING KASBIY FAOLIYATNING ILMIY ASOSLARI

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.017

*Urokov Sherzod Rahmonovich*
*Samarqand davlat universiteti Qattaqo`rg`on filiali direktori*
*Pedagogika fanlari bo`yicha falsafa doktori (PhD)*

*Annotasiya. Mazkur maqola oliy ta'lim muassasalari professor-o'qituvchilarining kasbiy faoliyatning ilmiy asoslari deb nomlangan bo'lib unda oliy ta'lim sohasidagi me'yoriy huquqiy asoslar, oliy ta'lim muassasalarining maqsad va vazifalari, professor-o'qituvchilarining kasbiy pedagogik faoliyatining ilmiy asoslari hamda , o'qituvchining asosiy kasbiy funktsiyalari bayon etilgan.*

*Kolit so'zlar: oliy ta'lim, kambiy funktsiya, pedagogik faoliyat,konstruktiv, tashkiliy, kommunikativ va gnostik.*

# НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРОФЕССОРОВ-ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ ВУЗОВ

*Уроков Шерзод Рахмонович*
*Директор Каттакурганского филиала Самаркандского государственного университета*
*доктор философии в области педагогических наук (PhD)*

*Аннатация. В статье под названием «научные основы профессиональной деятельности профессорско-преподавательского состава высших образовательных учреждений» изложены нормативно-правовые основы в области высшего образования, цели и задачи высших образовательных учреждений, научные основы профессионально-педагогической деятельности профессорско-преподавательского состава и основные профессиональные функции преподавателя.*

*Калит слова: высшее образование, камбиальная функция, педагогическая деятельность,конструктивная, организационная, коммуникативная и гностическая.*

# SCIENTIFIC FOUNDATIONS OF PROFESSIONAL ACTIVITIES OF UNIVERSITY TEACHING PROFESSORS

*Urokov Sherzod Rakhmonovich*
*Director of the Kattakurgan branch of Samarkand State University*
*Doctor of Philosophy in Educational Sciences (PhD)*

*Annatation. The article entitled «scientific foundations of the professional activity of the teaching staff of higher educational institutions» outlines the regulatory and legal foundations in the field of higher education, the goals and objectives of higher educational institutions, the scientific foundations of the professional and pedagogical activity of the teaching staff and the main*

*professional functions of the teacher.*

*Keys word: higher education, cambial function, pedagogical activity,constructive, organizational, communicative and gnostic.*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktyabrdagi PF-5847-son Farmoniga asosan O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish kontsepsiyasida ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlari ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda, fan, ta'lim va ishlab chiqarishning mustahkam integrasiyasini ta'minlash asosida ta'lim sifatini yaxshilash, raqobatbardosh kadrlar tayyorlash, ilmiy va innovasion faoliyatni samarali tashkil etish, xalqaro hamkorlikni rivojlantirish maqsadida, shuningdek O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 11 iyuldagi PQ-4391-son «Oliy va o'rta maxsus ta'lim tizimiga boshqaruvning yangi tamoyillarini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qarori ishlab chiqilgan.

Mazkur qarorda oliy ta'lim sohasida davlat-xususiy sheriklikni rivojlantirish, hududlarda davlat va nodavlat oliy ta'lim muassasalari faoliyatini tashkil etish asosida oliy ta'lim bilan qamrov darajasini 50 foizdan oshirish, sohada sog'lom raqobat muhitini yaratish; oliy ta'lim muassasalarida o'quv jarayonini bosqichma-bosqich kredit-modul tizimiga o'tkazish; xalqaro tajribalardan kelib chiqib, oliy ta'limning ilg'or standartlarini joriy etish, jumladan o'quv dasturlarida nazariy bilim olishga yo'naltirilgan ta'limdan amaliy ko'nikmalarni shakllantirishga yo'naltirilgan ta'lim tizimiga bosqichma-bosqich o'tish; oliy ta'lim mazmunini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish, ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarining barqaror rivojlanishiga munosib hissa qo'shadigan, mehnat bozorida o'z o'rnini topa oladigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash tizimini yo'lga qo'yish va hokazo muhim loyihalar maqsad qilib olingan.

Oliy ta'lim muassasalari bo'lajak mutaxassislarni tayyorlashning asosiy qismi hisoblanadi. Zamonaviy pedagogika fanida o'quv jarayoni talaba bilan professor - o'qituvchining hamkorligidagi faoliyatidir. Talaba o'quv jarayonining faol ishtirokchisi sifatida o'qish, bilim o'zlashtirish faoliyati orqali ijtimoiy-gumanitar, matematik-tabiiy, umumkasbiy va ixtisoslik fanlarini, kasb faoliyatining asosiy g'oyalarini o'zlashtirib oladi, shu asosda uning dunyoqarashi shakllanadi; ishlab chiqarish, pedagogik amaliyotni o'tish natijasida bo'lajak mutaxassisda tanlangan kasbiga doir ko'nikma va malakalar hosil bo'ladi.Zamonaviy oliy ta'lim o'qituvchilari nafaqat o'rganilayotgan fanni joylashgan sohasini, balki kasbiy pedagogik faoliyatni ilmiy asoslarini ham bilishlari kerak.

O'qituvchi o'z kasbiy faoliyatini amalga oshirish jarayonida bir qator kasbiy funksiyalarni bajaradi. Kasbiy funktsiyalar - bu o'qituvchi faoliyati bilan bevosita bog'liq bo'lganlar.

1. Tarbiyaviy funksiya. U jarayon sifatida uzluksiz, vaqt jihatidan doimiy va odamlarni qamrab olish nuqtai nazaridan eng kengdir. Bu hech qachon to’xtamaydi, odamlarning barcha yosh guruhlariga tegishli va hamma joyda amalga oshiriladi. «U hayotning har bir daqiqasi va er yuzining har bir burchagini, paydo bo’lgan shaxs ba’zan tasodifan o’tib ketganday aloqa qiladigan har bir insonni tarbiyalaydi». Har tomonlama barkamol shaxsning maqsadli shakllanishi va rivojlanishi tarbiya tufayli amalga oshiriladi.

2. O’qitish funksiyasi. Ta’lim o’quv jarayonining bo’limi sifatida o’qituvchining kasbiy faoliyatiga tegishli. Tizimli mashg’ulotlar faqat yetarli darajada tayyorlangan mutaxassis tomonidan amalga oshirilishi mumkin. O‘qituvchi dars berish jarayonida o‘quvchida aqliy-idrok qobiliyatlari bilan bir qatorda axloqiy-huquqiy ong, estetik tuyg‘ular, ekologik madaniyat, mehnatsevarlik, ma’naviy dunyosini ham kamol toptiradi.

3. Kommunikativ funksiya. Pedagogik faoliyatni muloqotsiz tasavvur qilib bo’lmaydi. O’qituvchi muloqot tufayli, bevosita muloqot jarayonida o’quvchilarga ta’sir qiladi, o’z harakatlarini hamkasblari bilan muvofiqlashtiradi va barcha tarbiyaviy ishlarni olib boradi. Bu kommunikativ funktsiyani kasbiy-pedagogik bilan bog’lash mumkinligini anglatadi.

4. Tashkiliy funksiya. Professional o’qituvchi turli talabalar guruhlari, o’z hamkasblari, jamoatchilik bilan shug’ullanadi. U boshqa tabiatning harakatlarini muvofiqlashtirishi kerak va har bir ishtirokchi o’z o’rnini topishi kerak, shunda uning qobiliyatlari eng yaxshi namoyon bo’ladi. O’qituvchi qanday o’quv darsi yoki biznesni tashkil qilish kerakligini, materialni eng yaxshi o’zlashtirish uchun qanday usul va usullarni qo’llashni, samaraliroq ishlash uchun qanday jihozlar (dizayn) kerakligini hal qiladi. Yuqori darajadagi tashkiliy ish yaxshi natijani kafolatlaydi.

5. Tuzatish funktsiyasi o’qituvchining doimiy ravishda ta’lim jarayonining borishini kuzatib borishi, diagnostika qilish, oraliq natijalarni baholash bilan bog’liq. O’qitish ishining natijasi darhol va har doim ham mo’ljallanganidek bo’lmaydi. O’qituvchi ish jarayonida o’z harakatlariga hamda o’quvchilarning harakatlariga tuzatishlar kiritishiga majbur. Agar o’quv jarayonini diagnostika asosida tuzatilmasa, uning natijasini oldindan aytib bo’lmaydi va ko’pincha umuman erishilmaydi. O’qituvchilarning kasbiy funktsiyalari (va ular bilan bog’liq bo’lgan pedagogik qobiliyatlar) haqida boshqa mulohazalar ham mavjud. Shunday qilib, psixolog Kuzmina N.V.ning tadqiqotlari yaxshi ma’lum va keng e’tirof etilgan. 48, 60-yillarda amalga oshirilgan. Uning fikricha, o’qituvchining asosiy kasbiy funksiyalari quyidagilardan iborat: Konstruktiv, tashkiliy, kommunikativ va gnostik.

Konstruktiv funksiyasi quyidagilarni ta’minlaydi:

- talabalar tomonidan o’zlashtirilishi kerak bo’lgan o’quv ma’lumotlarining mazmunini tanlash va tashkil etish;

- axborotni o’zlashtirish mumkin bo’lgan talabalar faoliyatini loyihalash;

- o’zlarining kelajakdagi faoliyati va xatti-harakatlarini loyihalash, ular talabalar bilan o’zaro munosabat jarayonida qanday bo’lishi kerak.

- Tashkiliy funktsiya quyidagilar orqali amalga oshiriladi:

- axborotni talabalarga yetkazish jarayonida uni tashkil etish;

- o‘quv jarayonida o‘quvchilarning turli faoliyat turlaridan foydalanish;

- o’qituvchining o’quvchilar bilan to’g’ridan-to’g’ri munosabati jarayonida haqiqiy faoliyati va xatti-harakati.

Kommunikativ funksiya quyidagilarni o’z ichiga oladi:

- o’quvchilar bilan to’g’ri munosabatlar o’rnatish; boshqa o’qituvchilar bilan, ma’muriyat bilan.

Gnostik funksiya quyidagilarni o’rganishni o’z ichiga oladi:

- boshqa odamlarga ta’sir qilishning mazmuni va usullari;

- yoshi va individual boshqa odamlarning psixologik xususiyatlari;

- jarayonning xususiyatlari va o’z faoliyati natijalari, uning afzalliklari va kamchiliklari.

Kuzmina N.V tomonidan ajratilgan kasbiy o’qitish funksiyalari o’qitishning barcha asosiy jihatlarini aks ettiradi, biroq o’qituvchining kasbiy funksiyalarining eng keng g’oyasi uchun psixolog Sherbakov A.I. tomonidan kasbiy funksiyalarning boshqa tasnifi taklif qilingan.

Bu ikkita katta guruh: a) Kuzmina N.V tomonidan o’rganilgan funksiyalarni o’z ichiga olgan umumiy mehnat., Gnostik tadqiqotlar bilan almashtiriladi va b) pedagogik.

Bunday tasnifning ma’nosi shundaki, birinchi guruh funksiyalari haqiqatan ham nafaqat o’qituvchilik kasbiga, balki boshqa ko’plab funksiyalarga ham tegishli bo’lishi mumkin. Asar muallifi oliy ta’lim didaktikasida ishlab chiqilgan ta’lim tamoyillari va OTM o‘qituvchisi bajaradigan vazifalar bevosita uning kasbiy faoliyati orqali amalga oshiriladi, deb hisoblaydi.

Oliy ta’lim o’qituvchisining kasbiy faoliyati faoliyat tizimi sifatida turli xil pedagogik faoliyat turlarining kombinatsiyasi hisoblanadi.

An’anaga ko’ra, pedagogik faoliyatning asosiy turlari, pedagogik jarayonda olib boriladigan o’quv va tarbiyaviy ishlar hisoblanadi. Ta’lim ishi - bu shaxsning barkamol rivojlanishi muammolarini hal qilish uchun ta’lim muhitini tashkil etish va o’quvchilarning turli faoliyatini boshqarishga qaratilgan pedagogik faoliyat. O’qitish esa asosan kognitiv faoliyatni boshqarishga qaratilgan o’quv faoliyatining bir turidir.

Foydalangan adabiyotlar ro’yxati.

1.O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 27 iyuldagi «Oliy ma’lumotli mutaxassislar tayyorlash sifatini oshirishda iqtisodiyot sohalari va tarmoqlarining ishtirokini yanada kengaytirish chora-tadbirlari to’g’risida»gi PQ-3151-sonli qarori // - T.: O’zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari

to’plami. 2017 y., 30-son, 729-modda.

2.O’zbekiston Respublikasi Prezidentining «Oliy va o’rta maxsus ta’lim sohasida boshqaruvni isloh qilish chora-tadbirlari to’g’risida»gi 2019 yil 11 iyuldagi PF-5763-son Farmoni. // - T.: Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 12.07.2019 y., 06/19/5763/3410-son.

3.Ismoilova Z.K. Tarbiyaviy ish metodikasi. — T.: «Istiqlol», 2003

4.Ochilov M,.Ochilov N. Oliy maktab pedagogikasi— T. «Aloqachi» — 2008. 5. Xoliqov A.A. Oliy ta’lim muassasalari bo’lajak o’qituvchilar pedagogik mahoratini rivojlantirish — T. «Iqtisod moliya» — 2015.

6.Pedagoglik kasbining fldoyilari. Samarqand, 2003.

7.Farberman B.L. Progressivnie pedagogicheskie texnologii. Tashkent, 1999.

8.Ta’lim-tarbiya mazmunini zamonaviylashtirish. Ilmiy to’plam. Qarshi, «Nasaf» nashriyoti, 1997

# YANGI O‘ZBEKISTON SHAROITIDA MAKTABGACHA TA’LIM TIZIMINING O‘ZIGA XOSLIGI

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.018

*To‘raeva Oygul,*
*BuxDU tadqiqotchisi*

*Annotatsiya: Ushbu maqolada yangi O‘zbekiston sharoitida maktabgacha ta’lim tizimining o‘ziga xosligi, ushbu sohada ilg‘or xalqaro tajribalarni ommalashtirish, tizimda faoliyat ko‘rsatadigan pedagog xodimlarni kasbiy kompetensiyalarini rivojlantirishning samarali mexanizmlari, maktabgacha ta’limga qo‘yilgan davlat talablarini bajarish yo‘nalishlarini belgilab berish, maktabgacha ta’lim dasturlarini takomillashtirish, sohaga oid davlat siyosatini amalga oshirishga yo‘naltirilgan tavsiyalar ishlab chiqish kabi ustuvor vazifalar haqidagi fikrlar bayon etilgan.*

*Tayanch so‘z va tushunchalar: maktabgacha ta’lim tizimi, ilg‘or xalqaro tajribalar, kasbiy kompetensiya, samarali mexanizmlar, davlat talablari, dasturlar, tavsiyalar, zamonaviy ta’lim, konsepsiya.*

## ХАРАКТЕРИСТИКА СИСТЕМЫ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

*Тораева Айгуль,*
*научный сотрудник BuxDU*

*Аннотация: В данной статье раскрывается уникальность системы дошкольного образования в условиях нового Узбекистана, популяризация передового мирового опыта в этой сфере, эффективные механизмы развития профессиональных компетенций педагогов, работающих в системе, выполнение государственных требований к дошкольному образованию, или мнения о приоритетных задачах, таких как определение направлений, совершенствование программ дошкольного образования, разработка рекомендаций по реализации государственной политики в сфере.*

*Ключевые слова: система дошкольного образования, передовой мировой опыт, профессиональная компетентность, эффективные механизмы, государственные требования, программы, рекомендации, современное образование, концепция.*

## CHARACTERISTICS OF PRE-SCHOOL EDUCATION SYSTEM IN NEW UZBEKISTAN

*Toraeva Aigul,*
*a researcher at BuxDU*

*Abstract: In this article, the uniqueness of the preschool education system in the conditions of the new Uzbekistan, popularization of advanced international experiences in this field, effective mechanisms for developing the professional competences of pedagogues working in the system,* fulfillment *of*

*state requirements for preschool education, or opinions about priority tasks such as determining directions, improving pre-school education programs, and developing recommendations for the implementation of state policy related to the field.*

*Keywords: preschool education system, international best practices, professional competence, effective mechanisms, state requirements, programs, recommendations, modern education, concept.*

Bugungi kunda jahonning ilg'or mamlakatlarida ta'lim tizimini isloh etishga katta ahamiyat berilmoqda. Buning pirovardida inson paydo bo'lishidan to umrining oxirigacha davom etadigan tarbiya va o'qitishni yaxlit ajralmas tizim deb qarashga va uni amaliyotga tatbiq etishga undalmoqda. Bunda yosh ota-onalar, ijtimoiy muhit va bolaning olamini o'zaro bog'langan va harakatdagi tizimini yaratish e'tiborga molikdir. Bu tizimni o'rganadigan fanlar yangi yondashuvlar, tamoyillar, metod va qarashlar bilan yanada boyib bormoqda. Bunday zamonaviy ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishlar, ta'lim tizimining modernizatsiya qilinishi, uni tarkibiy jihatdan qayta qurish, ta'lim, fan, texnika va texnologiyalarning, iqtisodiyot va madaniyatning jahon miqyosidagi zamonaviy yutuqlarini hisobga olgan holda ta'lim dasturlarini o'zgartirib, yangilab borishni ko'zda tutadi.

Respublikamiz maktabgacha ta'lim tizimi sohasida ham ilg'or xalqaro tajribalarni ommalashtirish, tizimda faoliyat ko'rsatadigan pedagog xodimlarni kasbiy kompetensiyalarini rivojlantirishning samarali mexanizmlarini taklif qilish, maktabgacha ta'limga qo'yilgan davlat talablarini bajarish yo'nalishlarini belgilab berish, maktabgacha ta'lim dasturlarini takomillashtirishga oid takliflarni ilgari surish, sohaga oid davlat siyosatini amalga oshirishga yo'naltirilgan tavsiyalar ishlab chiqish kabi ustuvor vazifalarni belgilab olishga e'tibor qaratilmoqda.

Maktabgacha ta'lim uyg'un rivojlangan shaxsni tarbiyalash, bolani butun kelajagini belgilab beradigan bilim va qadriyatlarni yosh avlod qalbiga singdirishda juda muhim ahamiyatga ega bo'lgan muaassasadir. Shu bois mamlakatimizda maktabgacha ta'limni rivojlantirish va samarali faoliyat ko'rsatishiga qaratilgan normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilinib, kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Ammo hali sohada echimini kutayotgan qator kamchiliklar bor. Jumladan, joylardagi maktabgacha ta'lim tashkilotlarida moddiy-texnik bazaning nochorligi, malakali kadrlar yetishmasligi, sifatli oziq-ovqat ta'minotining pastligi kabilar bolalarni maktabgacha ta'lim bilan to'liq qamrab olishni ta'minlashga imkon bermayapti.

Ayni vaqtda maktabgacha ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaror o'ta muhim va dolzarb vazifalarni tez va sifatli

bajarish Prezidentimiz Shavkat Mirziyoevning doimiy e’tiborida bo‘lmoqda. 2017 yil 9 sentabr kuni qabul qilingan “Maktabgacha ta’lim tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori ushbu fikrimizning amaliy ifodasidir.

Qarorda maktabgacha ta’limni boshqarishning zamonaviy mexanizmlarini joriy etish, tarbiya va o‘quv jarayonini takomillashtirish, MTTlar infratuzilmasi va moddiy-texnik ta’minotini yaxshilash bo‘yicha chora-tadbirlarni amalga oshirish nazarda tutilgan.

Unga ko‘ra, maktabgacha ta’lim tizimini tanqidiy o‘rganish va faoliyatini yanada takomillashtirish yuzasidan takliflar ishlab chiqish bo‘yicha komissiya tashkil etildi. Ushbu komissiya maktabgacha ta’lim sohasidagi qonunchilikni undagi bo‘shliqlarni, korrupsiya va boshqa huquqbuzarliklarni yuzaga keltiruvchi normalarni aniqlash nuqtai nazaridan tahlil qilish, sohada davlat siyosatini amalga oshirishga, shu jumladan, zarur infratuzilmani yaratishga, xodimlarning mehnatini moddiy rag‘batlantirishga, pedagog kadrlarni sifatli tayyorlash va malakasini oshirishga, xususiy sektorni rivojlantirishga to‘sqinlik qiluvchi tizimli muammolarni aniqlash hamda kompleks o‘rganish kabi bir qator dolzarb vazifalarni bajarishi nazarda tutilgan.

Ayniqsa, ilg‘or xorijiy tajribani hisobga olgan holda sifatli maktabgacha ta’limni tashkil etishga davlat talablarini qayta ko‘rib chiqish, bolalarni qabul qilishning amaldagi tartibini, vakolatli davlat organlari faoliyatiga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining joriy etilishi holatini tanqidiy o‘rganish ham bevosita komissiya zimmasiga yuklandi.

2018 yil 1 yanvardan boshlab, Toshkent, Nukus shaharlarida, viloyatlar markazlarida eksperiment tariqasida davlat-xususiy sheriklik shartlarida yangi maktabgacha ta’lim tashkilotlari tashkil etilishi ham sohada o‘ziga xos yangilik, deyish mumkin. Buning uchun investorlarga yer uchastkalari, bo‘sh turgan binolar foydalanish uchun ajaratildi. Ularga soliq imtiyozlari va imtiyozli kreditlar berildi.

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasida maktabgacha ta’lim tizimini yanada takomillashtirish bo‘yicha “Yo‘l xaritasi” tasdiqlanib, shu asosda aniq chora-tadbirlar belgilandi. Maktabgacha ta’lim tashkilotlarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, kadrlar salohiyatini oshirish, xorij tajribasidan foydalanib, milliy tizimni yanada rivojlantirishga doir amaliy ishlarni bajarish ko‘zda tutilgan.

Bir so‘z bilan aytganda, Prezidentimizning “Maktabgacha ta’lim tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori maktabgacha ta’lim tizimini sifat jihatdan yangi bosqichga ko‘tarish, yosh avlodning barkamol va etuk shaxs bo‘lib ulg‘ayishida muhim ahamiyat kasb etadi.

E’tirof etish joizki, ta’lim tizimining hozirgi kundagi rivojlanish bosqichida uning birinchi bo‘g‘ini hisoblangan maktabgacha ta’limda

jadal oʻzgarishlar yuz bermoqda. Oʻzbekiston Respublikasida maktabgacha ta'lim Konsepsiyasida1 ular quyidagicha izohlanadi:

-maktabgacha ta'lim tashkilotlari faoliyatining xuquqiy-me'yoriy asosi takomillashmoqda;

-maktabgacha ta'lim tashkilotlari moliyaviy-xoʻjalik faoliyatining yangi turlariga oʻtmoqda;

-nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari tarmogʻi kengaymoqda;

-ta'limning ilgʻor texnologiyalari joriy etilmoqda;

-xodimlar malaka oshirish tizimi takomillashmoqda;

-qisqa muddatli guruhlar asosida maktabgacha ta'lim tashkilotlarining muqobil shakllari joriy etilmoqda.

Moliya institutlari ishtirokida investitsion loyihalar amalga oshirilmoqda, maktabgacha ta'lim tashkilotlarida innovatsion va tajriba-sinov ishlari sezilarli darajada kuchaymoqda. Biroq ushbu jarayonlarga muvofiqlashtirish, yaxlit tizim sifatida faoliyat koʻrsatish uchun uning keng qamrovli natijalarining monitoringi asosida samaradorlik darajasini aniqlab borishning optimal mexanizmini ishlab chiqish, tizimda amalga oshirilayotgan islohotlar, oʻzgarishlar ham maktabgacha ta'lim tashkilotlardagi ta'lim jarayoni va uning samaradorligini ta'minlash yoʻnalishidagi maxsus tadqiqotlar oʻtkazishni taqozo etadi. Fan, ta'lim, madaniyat va sport masalalari qoʻmitasi tomonidan maktabgacha ta'lim tizimining rivojlanishini, jumladan, bolalarning maktabgacha ta'lim tashkilotlariga jalb qilinishini, zamonaviy pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalari asosida ularni tarbiyalash va oʻqitish darajasi hamda sifatini oʻrganishga, sogʻlom va har tomonlama barkamol avlodni shakllantirishga doir nazorat-tahlil tadbirlari tashkil etildi. Tahlil mamlakatimizda uzluksiz ta'limning boshlangʻich boʻgʻini tizimida sogʻlom, har tomonlama barkamol avlodni shakllantirish uchun qulay tashkiliy-huquqiy shart-sharoitlar yaratilganligini koʻrsatdi. Hozirgi zamon talablari va standartlarini inobatga olgan holda maktabgacha ta'lim tashkilotlari tarmogʻini kengaytirishga, ularni qayta qurish va modernizatsiya qilishga, shuningdek, Davlat byudjetidan moliyalashtirishga tobora koʻproq ahamiyat berilmoqda. Oxirgi yilarda ajratilgan mablagʻlarning hajmi 2 baravar ortdi.

Tahlil natijalariga koʻra maktabgacha ta'lim tizimining rivojlanishini, jumladan, bolalarning maktabgacha ta'lim tashkilotlariga jalb qilinishini, zamonaviy pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalari asosida ularni tarbiyalash va oʻqitish darajasi hamda sifatini oʻrganishga, sogʻlom va har tomonlama barkamol avlodni shakllantirishga doir nazorat-tahlil tadbirlari ushbu sohada bir qator foydalanilmagan imkoniyatlar va ishga solinmagan zaxiralar mavjudligini koʻrsatdi.

Maktabgacha ta'lim oʻzining shakl va usullaridan qat'iy nazar quyidagi

vazifalarni bajarishi lozim:

- bolalarning jismoniy va psixik sog‘ligini mustahkamlash;

-bolalarni milliy, umuminsoniy, qadimiy va madaniy qadriyatlarga jalb etish;

- bolaning aqliy, intellektual salohiyatini rivojlantirish;

- milliy an’analar va udumlar asosida yuksak axloqiy va ma’naviy sifatlarni shakllantirish;

- bolalarni tizimli va maqsadli ravishda maktabda ta’lim olishga tayyorlash, ularning individual xususiyatlari va iqtidorini rivojlantirish.

Yuqorida bayon etilganlar shunga guvohlik beradiki, O‘zbekiston Respublikasidagi maktabgacha ta’lim tizimi bolaning individual xususiyatlarini inobatga olgan holda, davlat va jamiyat talablariga binoan har tomonlama rivojlantirilishini ta’minlashi lozim.

Maktabgacha yoshning xususiyati shundan iboratki, ushbu davrda aynan umumiy rivojlanish ta’minlanadi, natijada kelajakda har qanday ijtimoiy bilim, malaka, ko‘nikma va faoliyatning turli ko‘rinishlarini egallash uchun poydevor yaratiladi.

Ta’lim jarayoni bola shaxsiga yo‘naltirilganligidan kelib chiqib, maktabgacha yoshdagi bolalarning ta’lim-tarbiyasi shaxsning rivojlanishida ijodiy va insonparvarlik tamoyillariga asoslangan holda ta’lim-tarbiyaning usul va uslublari tizimidan tashkil topgan hamkorlik pedagogikasi tamoyillariga tayanib amalga oshirilishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. O‘zbekiston respublikasi maktabgacha ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida - T.:2019 y.

2. Maktabgacha ta’lim tashkilotlari faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida - O‘zbekiston respublikasi vazirlar mahkamasining Qarori 391-sonli qarori T.:2019 y

3. “Maktabgacha ta’lim va tarbiya to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi qonuni, O‘RQ-595

4. Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalar ta’lim - tarbiyasiga qo‘yiladigan davlat talablari. T., 2020 y

# ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.019

*Саидова Хилолахон,*
*Қўқон давлат педагогика институти,*
*Мактаб менежменти кафедраси ўқитувчиси*

*Аннотация. Ушбу мақолада таълимда назорат ва бошқарув уйғунлигини таъминлаш масаласи, таълим сифатини назорат-бошқарув тузилмасини ривожлантириш, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини, таълим моделларини ўрганиш ва у асосида миллий моделни яратиш вазифалари баён этилган.Шунингдек, таълим сифатини оширишда самарадорликка эга кўплаб хорижий таълим моделлари хусусан,Франция ва АҚШ модели тахлил қилинган.*

*Калит сўзлар. Таълим сифати, назорат, модел,самарадорлик,бахолаш, омил, инспекция, АҚШ, Франция.*

# НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ОБЕСПЕЧЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ

*Саидова Хилолахан,*
*преподаватель кафедры школьного менеджмента Кокандского государственного педагогического института,*

*Аннотация. В данной статье выделены задачи обеспечения гармонии контроля и управления в образовании, разработки структуры контроля и управления качеством образования, изучения передового опыта развитых стран и образовательных моделей, создания национальной модели на основе опыта развитые страны. Также проанализированы многие зарубежные образовательные модели, эффективные для повышения качества образования, в частности французская и американская модели.*

*Ключевые слова. Качество образования, контроль, модель, эффективность, оценка, фактор, проверка, США, Франция*

# NATIONAL AND FOREIGN EXPERIENCE IN ENSURING THE QUALITY OF EDUCATION

Saidova Hilolakhon,
*Teacher of the department of school management of the Kokand state pedagogical institute*

*Annotation. This article highlights the tasks of ensuring the harmony of*

*control and management in education, developing a structure for monitoring and managing the quality of education, studying the best practices of developed countries and educational models, creating a national model based on the experience of developed countries.*

*Keywords. Quality of education, control, model, efficiency, assessment, factor, inspection, USA, France.*

Кириш. Бугунги кунда таълим тизимини ислоҳ қилиш, унга янги бошқарув ва мониторинг тамойилларини олиб кириш ва бошқарув кадрлари тайёрлашда илғор хорижий давлатлар тажрибасини қўллаш зарурати ортиб бормоқда. Самарали бошқарув таълим сифатини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Бугунги кунда ривожланган давлатларнинг таълим тизимида авторитар ва маъмурий-бюрократик бошқарув моделидан воз кечган ҳолда демократик тамойиллар устуворлик қиладиган бошқарув кенг ёйилмоқда. Шундай экан, жаҳоннинг ривожланган ОТМлари ва илмий-тадқиқот марказларида таълим муассасалари назорат-бошқарувининг инновацион моделларини яратиш ва мавжудларини ислоҳ қилиш зарурати доирасида бир қанча тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Таълимда назорат ва бошқарув уйғунлигини таъминлаш сифат ва самарадорлик асоси бўлиб хизмат қилади. Таълимда бошқарув самарадорлиги ва сифат ўзгариши тўғри танланган бошқарув модели ва уни узлуксиз таълим тизимига изчил қўллаш амалиётидан келиб чиқади. Зеро, "ислоҳотларнинг муваффақияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши аввало илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожи билан, бу борада бизнинг дунё миқиёсида рақобатдош бўла олишимиз билан узвий боғлиқ"[1;446] лиги ҳам таълимнинг ижтимоий тараққиётга таъсирини кўрсатиб беради.

Таълим сифатини таъминлаш масаласи дунёнинг барча мамлакатларида ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.Таълим муассасаси сифат менежменти таълимни ташкил қилиш, таъминлаш ва бошқариш жараёнини қамраб олган комплекс тизим бўлиб, асосан ўқув жараёнини назарда тутади.

Тадқиқотларга кўра, "таълим сифати муаммоларини ҳал қилишда тизимли йўналишдан фойдаланиб, барча омилларни биргаликда бошқариш зарур бўлади. Бу занжирдан бирор-бир омилнинг тушиб қолиши таълим сифатини бошқариш тизимининг бузилишига олиб келади. Таълим сифатини таҳлил қилиш ва олинган маълумотлар асосида бошқарувни самарали йўлга қўйиш таълимнинг бир қатор сифат тавсифларини аниқлаб олишни тақозо этади"[2;19]. Шундай экан,

таълим сифати уни таҳлил қилиш ва мониторингини ўтказиш ва унинг натижалари асосида бошқарувни ташкил этиш иш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Зеро, тизимли ёндашув ва аниқ таҳлиллар бошқарувдаги камчиликларни ва назорат механизмларини ишлаб чиқиш асосларини кўрсатиб беради.

Ўзбекистонтаълимтизимининазоратқилувчивамувофиқлаштирувчи орган Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳисобланади. Унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори асосида тартибга солинади. Шунингдек, ҳар бир таълим муассасаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ўзининг бошқарув кенгаши асосида назорат қилинади, умумий нормалар асосида бошқарилади.

Таълим сифатини назорат қилиш ўқувчилар билимини давлат стандартларига мослаштириш, таянч компетенцияларни шакллантириш мезонларига ва фанга оид кўникмаларни ўсиш динамикасини таҳлил қилиш, таълим беришдаги бўшлиқлар ва ҳамкорлик изчил йўлга қўйилмаган жиҳатлар, уларни келтириб чиқаруви омилларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларидан иборатдир. Бироқ бу муаммони бартараф этиш учун эмас, вазиятни тўғрилаш учун шароитдир, йўлдир. Шунинг учун таълим сифатини оширишда, узлуксиз таълимни модернизация қилишда, ундаги муаммоларни бартараф этишда назорат ишларини олиб бориш билан бирга бошқарув тамойилларини, мезонлари ва ёндашувларни ҳам ўзгартириш керак бўлади.

Мисол учун, халқаро баҳолаш дастурларида фойдаланилаётган тест, сўровнома ёки бошқа кўринишдаги синов материаллари ўқувчиларни кўпроқ эркин фикрлаш, мантиқий ўйлаш ва таҳлил қилишга йўналтиради. Бизда эса тестлар мазмунан ўқувчиларнинг хотирасини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, амалдаги ўқув дастури ва дарслик материаллари доирасида тузилмоқда. Бунинг асосий сабаби, бизда ҳали тестология фани жорий қилинмаган, тест тузиш қоидаларини ўқитиш масаласи ҳал этилмаган.

Шу боис Ўзбекистонда ҳам илғор хорижий тажрибадан фойдаланиш, таълим сифатини оширишга хизмат қилувчи ривожланган давлатлар методологиясини ўзлаштириш, таълим сифатини назорат-бошқарув тартибини ҳам эркинлаштириш, марказлашган бошқарувдан халос этиш, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, содда ва холис тизимни яратиш вазифалари устуворлик касб этмоқда.

Тадқиқот методологияси. Таълим сифатини назорат-бошқарув

тузилмасини ривожлантириш учун ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини, таълим моделларини ўрганиш ва у асосида миллий моделни яратиш, унга жамиятнинг ақлий, маънавий ва моддий бойлигини ошириш вазифаларини юкламоқ зарур.

Бугунги кунда таълим сифатини оширишда самарадорликка эга кўплаб таълим моделлари мавжуд бўлиб улар доирасиа бошқарувни ислох этишнинг асосий тенденциялари ривожланмоқда. Хусусан, Франция Миллий Ассамблеяси томонидан 2004 йилда Европа Иттифоқи учун тайёрланган маърузада таълимни бошқаришнинг иккита модели фарқланиши қайд этилган: бошқарувнинг марказлашган модели (Франция) ва федерал модел (АҚШ).

Биринчи модел, олий таълим муассасалари ривожланишини мувофиқлаштирувчи давлат бошқарувининг ваколатли органи мавжуд бўлган мамлакатлардаги олий таълимни баҳолаш тизими. Олий таълимни баҳолашнинг бу тизими ҳукумат томонидан молиялаштирилувчи давлат органларининг устуворлигига асосланади. Бунда ўз-ўзини баҳолашга эътибор пастроқ бўлиб, асосий урғу давлат органлари ёки жамоат ташкилотлари томонидан ўтказиладиган самарали ташқи баҳолашга қаратилган бўлади. Бундай баҳолаш тизимлари кўпинча ҳукумат назорати, лицензиялаш, давлат аккредитацияси, турли олий таълим муассасаларини солиштириш, молиявий ресурсларни тақсимлаш ва университетларга таъсир ўтказиш билан боғлиқ. Олий таълимнинг давлат бошқаруви органлари мавжуд бўлган мамлакатлар қаторига Европанинг Германия, Франция, шунингдек, европача олий таълим анъаналарини қабул қилган МДҲ мамлакатлари киради.

Иккинчи модел, олий таълимни давлат бошқаруви органлари мавжуд бўлмаган мамлакатлардаги олий таълимни баҳолаш тизими. Олий таълимни баҳолашнинг бу тизимида университетлар фаолиятини яхшилашга, ички таҳлилга асосланган олий таълим муассасаларида ўз-ўзини баҳолаш, ёки касбий, ёки жамоатчилик баҳолаши устуворлик қилади. Олий таълим бўйича ўз-ўзини мувофиқлаштириш мамлакатлари қаторига, биринчи навбатда, Америка Қўшма Штатлари, шунингдек, американа олий таълим анъаналарини қабул қилган мамлакатлар киради.

Айрим мамлакатларда олий таълимни баҳолашнинг юқорида қайд қилинган усуллари биргаликда қўлланилади (Швеция, Норвегия, Финляндия, Буюк Британия, Чехия, Словения ва бошқалар). Бундай баҳолаш тизими Умумжаҳон сифатни бошқариш (Total Quality Menegement, TQM) тамойиллари ва стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилотнинг (International Organization for Standardization, ISO) сифат менежменти тизими талабларига асосланади.




**1-расм.Таълим сифатини баҳолаш моделлари**

АҚШда ўз – ўзини баҳолаш тизими жуда ривожланган. Бунда, таълимни давлат ташкилотлари бошқарадиган тизимдан фарқли равишда, таълим муассасаларининг ўзи томонидан кўпроқ назорат қилинади.

Америка Қўшма Штатларининг Колорада штати таълим тузилмаси кенг қамровли ва таълимнинг барча жиҳатларини қамраб олган. Таълим сифати штатнинг таълим бошқарма кенгаши назоратида бўлади ва бошқарма бошлиғи штат таълим тизими раҳбари ҳисобланди. Колорада штати таълим тизимида таълим сифати Сифат ва самарадорлик бўлими томонидан умумий назоратга олинади. Шунингдек, Ҳисобдорлик ва баҳолаш бўлими томонидан тизимли таълим сифати баҳолаб борилади. Бу баҳолашлар ҳисобот ва мониторинг шўъбаси томонидан таҳлил қилиб борилади.

Энг аҳамиятли томони бу штатнинг таълим тизимида “Олий таълим ва меҳнатга тайёрлаш шўъбаси” фаолият юритади ва бу орқали қуйи босқич таълим сифати олий таълимга мувофиқлаштириб борилади. АҚШ таълим тизимининг ўзига хос томони сифатида прагматистик фаолиятга йўналтиришни алоҳида қайд этиш лозим. Яъни болалар мактаб таълимиданоқ прагматистик фикрлаш ва меҳнат қилишга ўргатилиб борилади. Шунингдек, таълим сифатини яхшилаш ва режалаштириш шўъбаси ҳам таълимга доир стратегик режаларни тузиб боради ва муттасил амалиётга жорий этиб боради.

Тахлил ва натижалар. Демак, АҚШнинг олий таълим тизимини ўрганиш ҳам янгиланаётган Ўзбекистоннинг таълим тизимидаги ислоҳотларда муҳим аҳамият касб этади

АҚШ Таълим вазирлиги олий ўқув юртларида тақсимланадиган ёки ишлатиладиган федерал маблағлардан фойдаланишни бошқаради ва назорат қилади. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат[3;32].:

• Талабаларга федерал молиявий ёрдам кўрсатиш сиёсатини жорий қилиш, маблағларни бошқариш ва тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланишни назорат қилиш;

• Фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар ижросини таъминлаш.

Таълим сифатини таъминлаш масаласикўплаб мутахассислар қизиқишини ўзига жалб этган бўлиб, халқаро амалиётда таълим сифатининг беш асосий йўналиши алоҳида ажратиб кўрсатилади:[4;30]

- таълимнинг сифатини таъминлаш таълим муассасасининг нуфузини оширишга хизмат қилади;

- таълим стандартларига мувофиқлик йўналиши таълим муассасаларида тайёрланаётган кадрларнинг минимум талабаларга жавоб беришини таъминлайди;

- мижозни қаноатлантирувчи таълимнинг сифатини таъминлаш устувор масалалардан ҳисобланади;

- истеъмолчи сифатни белгилайди ва унинг ҳар қандай талаби бўйича мутахассисни танлаб олади. Бу йўналиш олий таълим муассасаларининг тижорат фаолиятини жонлантиради;

- олий таълим муассасаси жамиятга, ўзи жойлашган минтақага фойда келтиради.

Шу сабабли, олий таълим муассасаларини жойлаштиришда истеъмолчи эҳтиёжлари ҳисобга олиниши ва кадрлар тайёрлашни меҳнат бозори талабларига йўналтириш лозим.

Хулоса қилганда, ривожланган давлатларнинг таълим сифатини назорат-бошқарув тузилмасини ўрганиш мамлакатимизда таълимий ислоҳотлар йўлида сифат ва самарадорликка эришишда кучли асос бўлиб ҳизмат қилади. Ривожланган давлатларнинг таълим моделини ўрганиш ва шу асосда таълим сифатини таъминлашнинг миллий моделини яратиш бугунги кун учун долзарб таълимий вазифалардан биридир. Бу орқали Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва элатларнинг хусусиятлари ва ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда таълим моделини ишлаб чиқиш, унда жамиятнинг моддий, маънавий ва ақлий ривожланиш йўллари аниқ кўрсатиб берилган бўлиши лозим

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-том. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б.508.

2. Эркаева Г.П. Таълим сифатини оширишда хорижий ҳамкорлик // Ta`lim, fan va innovatsiya. Тошкент. 2015. №3. 27-30 б.

3. Камбаров Ж.Х., Турдалиева М.М. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини назорат қилишни такомиллаштириш масалалари. Замонавий таълим журнали. 2014. №9. –Б. 19.

4. Nazarova F.,Jurayev A “Ta’lim sifatini ta’minlashda halqaro tajribalar” o’quv uslubi majmua Toshkent – 2021 32-bet

5. Рябов Л.П. АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия каби ривожланган давлатлар олий таълим тизимидаги инновацион жараёнлар ва ижобий ўзгаришлар таҳлили. –М.: 2011.

# АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА ЧАҚИРИҚҚАЧА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ-ТАКТИК КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПОНЕНТЛАРИ

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.020

*Турахaнов Акром Абдуллахакимович*
*Фарғона давлат университети мустақил тадқиқотчиси*

*Аннотация: Мақолада жамиятда ватанни садоқат билан ҳимоя қилиш, фидойилик туйғуларини ривожлантириш, уларда ватанга садоқат, масъулиятни шакллантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар негизида таълим тизимида, хусусан ҳарбий таълимда ҳам талабаларнинг жисмоний кўникмаларини ошириш, жанговорлик руҳиятини ошириш, тактик билимлари ва имкониятларини ривожлантиришга қаратаилган таълимий мақсадлар ҳам кўзда тутилган.*

*Калит сўзлар: чақириққача ҳарбий таълим, жисмоний камолот, педагогик фаолият, тактик тайёргарлик, жангаворлик руҳияти.*

# COMPONENTS FOR THE DEVELOPMENT OF PHYSICAL AND TACTICAL SKILLS OF STUDENTS OF A DIFFERENT MILITARY EDUCATIONAL DIRECTION ON THE BASIS OF AN ACMEOLOGICAL APPROACH

*Turakhanov Akrom Abdullakhakimovich,*
*independent researcher of Ferghana State University*

*Annotation: the article also provides educational goals aimed at improving the physical skills of students, increasing the spirit of combat readiness, developing tactical knowledge and capabilities in society, on the basis of comprehensive work aimed at faithfully protecting the motherland, developing feelings of self-sacrifice, forming loyalty to the motherland, responsibility in them, in the educational system, in particular military education.*

*Keywords: non-military education, physical maturity, pedagogical activity, tactical training, martial spirit.*

# КОМПОНЕНТЫ ДЛЯ РАЗВИТИЯ ФИЗИЧЕСКИХ И ТАКТИЧЕСКИХ НАВЫКОВ КУРСАНТОВ РАЗЛИЧНОГО ВОЕННО-ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО НАПРАВЛЕНИЯ НА ОСНОВЕ АКМЕОЛОГИЧЕСКОГО ПОДХОДА

*Турахaнов Акром Абдуллахакимович,*
*независимый исследователь Ферганского государственного университета.*

*Аннотация: В статье также приводятся образовательные*

*цели, направленные на совершенствование физических навыков учащихся, повышение духа боевой готовности, развитие тактических знаний и способностей в обществе, на основе комплексной работы, направленной на добросовестную защиту Родины, развитие чувства самопожертвования, формирование лояльности к Родине, ответственности в их, в системе образования, в частности военного образования.*

*Ключевые слова: невоенное образование, физическая зрелость, педагогическая деятельность, тактическая подготовка, боевой дух.*

Кириш. Бугунги кунда ҳарбий таълимни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, ҳарбий соҳа мутахасисларини тайёрлашни янги босқичга олиб чиқиш ва бу орқали ҳарбий соҳа вакилларида жисмоний-тактик тайёргарлик кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик фаолият мазмунини такомиллаштириш долзарб вазифалардан биридир. Бу эса таълим тизимига ўқитиш жараёнига янгича тамойилларни олиб киришни, ҳарбий таълимга ёндашувларни ўзгартиришни талаб этмоқда. Чунки ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ҳарбий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маданий соҳаларида рўй бераётганислоҳот ва ўзгаришлар эса айнан тинчлик ва фаровонлигини таъминлашга, инсон ҳаётини яхшилашга, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Ёш авлод, қолаверса, ёш офицерлар маънавий эҳтиёжлари ижтимоий мазмуни жиҳатдан миллий маданиятга, қадриятларга, урф-одат ва анъаналарга асосланиб шаклланиб бормоқда.

Олий таълим тизимида чақириққача ҳарбий таълим талабаларини тайёрлашнинг янги сифат босқичига олиб чиқиш ва кадрлар тайёрлаш самарадорлигини оширишнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш, ундаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмқода. Жамиятимизнинг янги ривожланиш босқичида «жамият ёшларида ватанпарварлик руҳини камол топтириш, маданий-маънавий, ахлоқий камолоти суръатларини тезлаштириш, таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, маърифий тадбирларни мунтазам амалга ошириш бениҳоя катта аҳамиятга эга. Агар инсон тўғри тарбия топмаса, унинг фаолияти жамият учун зарарлибўлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу ҳақда қуйидаги фикрларнибилдирганлар: «Ўз фарзандларида юксак ватанпарварлик руҳини камол топтираолмаган давлат, қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятинимустаҳкамлай олмайди»[1]. Демак, чақириққача ҳарбий таълим талабаларда вавтанпарварлик туйусигага асосланган жангаворлик позициясини ривожлантириш, жисмоний камолотини мустаҳкамлаш долзарб вазифалардан биридир. Бунинг учун эса, педагогик жараёнда таълим сифатини ошириш, самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг мазмунини чуқур таҳлил қилиш керак бўлади

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан

ватан ҳимоячиларига байрам табригида ҳозирги вақтда жаҳонда ва минтақамизда ҳарбий-сиёсий вазият кескин ўзгарганлиги, миллий ва глобал хавфсизлик соҳасида хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бораётганлиги, ана шундай ўта масъулиятли вазиятда миллий армиямизни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида пухта ўйланган ва изчил ҳаракатларни давом эттириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди. Айниқса, ҳарбий соҳа кадрларини жисмоний-тактик тайёргарлигини оширишга қаратилган узлуксиз олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг долзарб аҳамияти ҳамда барча бўғиндаги профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, миллий армиямизни янада ривожлантириш, тайёрланадиган ҳарбий кадрларнинг умумий маданиятини ошириш, уларнинг дам олиши ва спорт билан шуғулланиши учун барча қулай шароитларни яратиш, бу жараёнда ҳарбий билим юртида ҳақиқатан ҳам таълим олишга муносиб, юксак ақл-заковат ва етакчилик қобилиятига эга бўлган ёшларни аниқлаш учун уларни ўқишга танлаб олишда талабни ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди[2]. Зеро, «фарзандларимизни ўзимиз асрамасак, ўзимиз авайламасак, ўзимиз тарбияламасак, биров четдан келиб бу ишни биз учун бажариб бермайди. Шу сабабли ҳар бир офицер таъсирчан шакл ва усуллардан фойдаланиб, адашган ёшларни тўғри йўлга қайтаришни ҳарбий хизмат каби ўзининг муҳим бурчи деб билиши керак»[3]. Шундай экан, таълим тарбия соҳасида меҳнат қилаётган ҳар бир педагог ва масъул машғулот раҳбарлари чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний-тактик кўникмаларни ривожлантириш орқали уларнинг ҳарбий тайёргарлик ххолатини ошириш, шунингдек, уларнинг онги ва қалбига, она – Ватанга муҳаббат, юртга садоқат ғояларини чуқур сингдиришга муҳим вазифа сифатида қараш лозим[4]. Фидойилик, мардлик садоқат, меҳр оқибат каби инсоний фазилатлар чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жангаворлик руҳииятини ривожлантиради. Бунинг учун «янги давр ўқитувчиларини тарбиялаш, пеадгогика фанини ривожлантириш, инновацион таълим технологиялари, креатив ёндашувлар ҳақида»[5] кўпроқ бош қотиришимиз ва уларнинг ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқишимиз зарур. 2018 йил 23 февраль Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори асосида «Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси»ишлаб чиқилди ва у тўрт босқични ўзида мужассам этган.Ушбу концепцияда давлат ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини ташкил этиш, унинг натижалари мониторингини юритишни таъминлайдиган асосий институт эканлиги қайд этилди. Давлат ёш авлоднинг тарбия жараёнини оилада, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасаларида, ҳарбий хизмат давомида, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, турли давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари доирасида ташкил этади.

Чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний-тактик тайёргарлик кўникмалари ўз-ўзидан ривожланмайди. Балки,

таълим-тарбиявий ва амалий машғулотларни самарали шакл ва методларидан оқилона фойдаланиш орқали эришилади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг пировард мақсади, халқимизнинг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқариш, унга ҳар томонлама муносиб турмуш шароитини яратиб беришдан иборат. Бу мақсадга эришишга барча имкониятлар етарли: табиий бойликлар, унумдор ерлар, катта иқтисодий, ҳуқуқий, илмий-техникавий ва маънавий салоҳият. Энг асосийси, бу заминда ана шу фаровон ҳаётни ўз кучи ва ақл-заковати билан барпо этишга қодир бўлган меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди.

Ҳарбий таълим йўналиши талабларида жисмоний камолот ва тактик тайёргарлик ватанга садоқат, унга хизмат қилиш, юрт тинчлигини асраш, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундайдиган ижтимоий талаблар асосида шаклланади. Унинг ахлоқий моҳияти – Ватанга меҳр-муҳаббатли ва содиқ бўлишдан, юртнинг ўтмиши ва ҳозири учун фахрланишдан, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишга интилишдан иборат. Шунингдек, бу кўникма қадриятларини асраш ва ривожлантириш, ўз она Ватанини душманлардан, ёт ва бегона ғоялардан ҳимоя қилиш, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун жонини ҳам аямасликни назарда тутади.

Чақириқача ҳарбий таълим йўналиши талабаларидаги жисмоний-тактик тайёргарлик кўникмалари – бу Ўзбекистон Республикасини мардларча ҳимоя қилишга қодирлиги ва тайёрлиги, мардлик ва жасурликни намоён қилишга шайлиги ва тезкорликда жавоб берра олиш кўникмасидир. Чақириқача ҳарбий таълим йўналиши талабаларидаги жисмоний-тактик тайёргарлик кўникмалари ривожлантиришга қаратилган педагогик жараён ўз олдига қуйидагиларни асосий вазифа қилиб қўяди:

– ҳарбий таълим йўналиши талабаларида ватанга муҳаббат туйғусини мустаҳкамлаш;

– мамлакатни мудофаа қилиш ва давлатнинг қуролли кучларини жанговар кучини мустаҳкамлашда жавобгарлик ҳиссини пайдо қилиш;

– жанговар топшириқларга қатъиятлилик ва юртга садоқат туйғусини шакллантириш.

Тадқиқот методологияси. Педагогик жараёнда чақириқача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жангаворлик руҳиятни ошириш, жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда фидойилик, масъулиятлилик, қаҳрамонлик, чидамлилик, садоқат, орият ва ғурур каби фазилатларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Илмий таҳлиллар натижасида ушбу мезонларнинг мазмунини қуйидагича изоҳлашни мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз.

Фидойилик.Чақириқача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда, жангаворлик руҳиятни оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ўз ватанига, халқига, танлаган йўли, маслаги, ғоясига хизмат бурчига содиқлик ҳамда унга ўзини

бахшида этишдир. Фидойилик инсонда катта юрак, ғайрат-шижоат, энг муҳими, ўзига, ўзининг куч-қудратига мустаҳкам ишонч бўлишини тақозо этади. Бундан ташқари, фидойилик инсонга хос бўлган энг олий фазилатлардан бўлиб, фидойи инсон бошқалар манфаати йўлида ўз қонуний манфаатларини, баъзан эса ҳатто ҳаётини қурбон қилишга тайёр туради ва зарурат туғилганда қурбон қилади ҳам.

Бурч. Ушбу тушунча чақириқача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний тайёргарликни ривожолантириш, жангаворлик руҳиятни оширишда аҳамиятли ҳисобланади. Бурчни ҳис қилмаслик, масъулиятсизлик – ватан, халқ манфаатларига, истиқбол муаммоларига бефарқ, лоқайдлик билан ёндашиш белгиси.Бу эса ҳарбий жангаворликни сўндиради.

Масъулиятлилик. Масъулият – бурчни англаб, унга асосланиб фаолият қилишга қаратилган маънавий омил. Масъулият ижтимоий-маънавий аҳамиятга эга бўлган вазифаларнинг бажарилишига, унинг оқибатига хатти-ҳаракат негизида ётган ахлоқий тамойилларга амал қилинишига шахсан жавобгарликнибилдиради. Чақириқача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний тайёргарликни риволантииш, жангаворлик руҳиятни оширишда масъулиятлилик муҳим аҳамитяга эга бўлиб, у орқали талабаларда жавобгарлик ва мажбуриятни англаш шаклланади. Бу эса уларда жангаворлик руҳиятини янада оширади.

Қаҳрамонлик.Ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш – ҳақиқий қаҳрамонликдир. Чақириқача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жангаворлик руҳиятни оширишда қаҳрамонлик ва қаҳрамонлик ижеалларининг ўрни юқори ҳисобланади. Қаҳрамонлик идеаллари талабаларда жангаворлик иродасини шакллантиради, қийинчиликларга бардош бериш, уни йенгиб ўтиш кўникмаларини шакллантиради. Қайҳрамонлик чақириқача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний тайёргарликни ривожлантириш, жангаворлик руҳиятни ошириш билан бирга уларда уларда ғурурланиш ва ифтиҳор туйғуларини туйиш имкониятини ҳам тухфа этади.

Чидамлилик. Ҳар қандай қийинчиликка нафақат чидаш балки, уни Ватан манфаати йўлида бардош билан енгишдир. Чақириқача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний тайёргарликни ривожлантириш, жангаворлик руҳиятни оширишда чидамлиликни шакллантиришва бу орқали талабаларнинг иродасини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнингжисмоний имкониятларини ҳам ошириш, тайёргарлигини кучайтириш мумкин бўлади.

Садоқат. Чақириқача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний тайёргарликни ривожлантириш, жангаворлик руҳиятни оширишда уларнинг садоқатлилигини мустаҳкамлаш, тизимга, халққа, қонунларга ва етакчига садоқатлилик муҳим аҳамиятга эга бўлади. Садоқат ватанга, хизмат бурчига содиқлик ҳамда ҳамжиҳатлик,

бирдамлик ва дўстликни қадрлаш орқали намоён бўлади.

Ғурур. Чақириқача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жангаворлик руҳиятни оширишда уларда миллий ғуруни ўстириш, миллат шаъни ва қадр қиммати учун даҳлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш керак бўлади.Бу фазилат халқ ва миллатнинг муваффақияти, шаъни, ютуқлари, қадриятларидан фахрланиш туйғуси орқали реалликка айланади. Бу туйғу қуйидаги шаклларда намоён бўлади: миллатнинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланиш, унинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик; ўз элига, миллатига жонкуяр бўлиш; ўз миллатининг моддий, маънавий меросини асраб-авайлаш; халқ одатлари, анъаналари, қадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш; ўз миллатига меҳр-муҳаббатини амалий фаолиятда намоён қилиш. Демак, чақириқача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жангаворлик руҳиятни оширишда уларнинг ғурурини тарбиялаш ва бу орқали уларнинг жангаворлик руҳини ошириш мумкин бўлади.

Орият. Чақириқача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний тайёргарликни ривожлантириш, жангаворлик руҳиятни оширишда уларда аҳлоқшунослик фанлари доирасида шахсий ва миллий ор-номус, орият масалаларига доир қарашларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу ўзига номуносиб ёки эп кўрмайдиган иш, нарса, сўз, хатти-ҳаракатдан тийилиш, хижолат тортиш, уялиш; ўз иззат-нафсини ҳимоя қилмоқ, обрўни қўлдан бермаслик[6]. Зеро, «ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида, Ватан ҳимоясидек шарафли вазифани адо этишда миллионлаб ёшларимиз садоқат ва фидойилик билан ҳизмат қилмоқда»[7]. Шундай экан, чақириқача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний тайёргарликни ривожлантириш, жангаворлик руҳиятини ошириш билан параллел равишда улардаги ғурур ва ориятни мустаҳкамлаш, қатъийлаштириш муҳим тарбиявий вазифадир.

Тахлил ва натижалар. Чақириқача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний тайёргарликни ривожлантириш, жангаворлик руҳиятни оширишда юқорида санаб ўтилган мезоний тушунчаларини шакллантириш ва сингдириш талаб этилади. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида бундай ахлоқий сифатларни мустаҳкам шакллантириш методикасини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан биридир.

Мамлакатимизда ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизими принципиал жиҳатдан мутлақо янги асосга ўтказилди. Агар ўтмишга назар ташласак, мустақилликнинг дастлабки йилларида маҳаллий офицер кадрлар юртимиздаги ҳарбий хизматчилар умумий сонининг атиги 0,6 фоизини ташкил этарди. Офицерларни тайёрлаш эса учта ҳарбий билим юртида ва бор-йўғи учта ҳарбий мутахассислик бўйича олиб борилар эди. Сўнги йилларда ҳарбий соҳани модернизация қилиш натижасида қўшимча равишда янги, замонавий бешта ҳарбий таълим муассасаси ташкил этилди, курсантларни ўқитиш тизими эса кўп тармоқли асосда йўлга қўйилди. Бундан ташқари, юқори бўғин қўмондонлик офицерларини тайёрлаш

ҳамда мудофаа қурилиши соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш бўйича энг зарур вазифалар самарали ҳал этилмоқда[8].

Чақириқача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний тайёргарликни ривожлантириш, жангаворлик руҳияти жасурлик, дахлдорлик, давлат сиёсатига ҳайрихохлик сингари эзгу фазилатлар асосида ҳам шаклланиб боради. Ўз навбатида, уларнинг ҳар бири ўз таркибида бир қанча хусусиятларни бирлаштиради. Шунингдек, уларнинг тактик тайёргарлиги бўлса, юқориинтеллектуал салоҳият ва касбий тайёргарликнинг мустаҳкамланишип асосида ривожланади.

Хулоса. Мустақил демократик давлатни барпо этиш варивожлантириш бўйича биз буюк ва шонли йўлни босиб ўтдик. Бу йўл мураккаб ва таҳликали вазиятда тобланган, Ватанимиз мустақиллиги, суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимиз тинч-осойишта ҳаётининг ҳамиша ишончли кафолати бўлиб келган Қуролли Кучларимизнинг шаклланиши билан узвий ва чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди. Мамлакатимиз тараққиётида янги босқич ва марраларни эгаллашимизда фуқароларимиз, хусусан, ёшларимиз онгидаги, дунёқарашидаги ўзгаришлар муҳим мезон бўлаётгани барчамизга қувонч бағишлайди. Шу маънода жамиятда шаклланаётган миллий армиямиз билан фахрланиш, ғурурланиш туйғулари замирида ҳам ўсиб келаётган авлоднинг ватанпарварлиги, фаол ҳаётий позицияси, Ватан тақдирини ўз тақдири деб билиши, унинг ҳимояси учун шайлик тушунчаси устувордир.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 12 январдаги “Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида”ги нутқи.

2. Мирзиёев Ш.М.Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкилэтилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги/“Халқ сўзи”. 2017 йил, 13-январ.

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.141.

4. Замонавий шароитда ватанпарварлик тарбиясини янада юксалтиришнинг долзарб масалалари: Республикаилмий-амалий конференцияси. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси.2016- йил 20 август.–Б. 130-131.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.143

6. Усмонов К. Ўзбек халқи маънавий-ахлоқий меросида ҳарбий ватанпарварлик ғояларининг талқини. Фалс. док. (PhD) диссертация. -Тошкент, 2017. –Б. 92-93.

7. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари.4-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.440.

8. Усмонов К. Ўзбек халқи маънавий-ахлоқий меросида ҳарбий ватанпарварлик ғояларининг талқини. Фалс. док. (PhD) диссертация. -Тошкент, 2017. –Б. 111-112.

# DIDACTIC SUPPORT FOR THE DEVELOPMENT OF THE CULTURE OF COMMUNICATION OF ENGLISH-SPEAKING STUDENTS

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.021

*Usmanova Komola Khikmatullaevna,*
*Lecturer, National University of Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan,*

*Abstract. During 21st century in the socio-cultural sphere, interpersonal relations have developed psychologically and reached their peak. This fact testifies to the growing importance of psychological influence in the management of social formations. If earlier social relations were effectively organized on the basis of a value approach, historical heritage, national traditions, and the example of adults, now, considering all factors, a reasonable psychological impact has become an important factor in achieving the desired. At the same time, such concepts as physical strength, political propaganda or economic dependence, which were a priority in the management of social subjects, have lost their meaningful essence. On the contrary, interpersonal relationships, their content, leadership ideas, volume are becoming increasingly important. Therefore, effective preparation of the younger generation for the process of social relations, in which the development of a culture of communication is an important pedagogical task.*

*Keywords: culture communication, English language, students, social networks, methodology, communications.*

# ИНГЛИЗ ТИЛИДА СЎЗЛАШУВЧИ ТАЛАБАЛАР МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИ

*Усманова Комола Хикматуллаевна*
*Ўзбекистон Миллий Университети ўқитувчиси,*

*Аннотация. XXI асрда ижтимоий-маданий соҳада шахслараро муносабатлар психологик жиҳатдан ривожланиб, ўзининг юксак чўққисига чиқди. Бу ҳолат давлат субъектларини бошқаришда психологик таъсирнинг аҳамияти ортиб бораётганидан далолат беради. Агар илгари ижтимоий муносабатлар қадрият ёндашуви, тарихий мерос, миллий анъаналар ва катталар намунаси асосида самарали ташкил этилган бўлса, эндиликда барча омилларни ҳисобга олган ҳолда оқилона психологик таъсир кўрсатиш кўзланган мақсадга эришишнинг муҳим омилига айланди. Шу билан бирга, ижтимоий субъектларни бошқаришда устувор аҳамиятга эга бўлган жисмоний куч, сиёсий ташвиқот ёки иқтисодий қарамлик каби тушунчалар ўзининг*

*мазмунли моҳиятини йўқотди. Аксинча, шахслараро муносабатлар, уларнинг мазмуни, этакчилик ғоялари, ҳажми тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шундай экан, ёш авлодни ижтимоий муносабатлар жараёнига самарали тайёрлаш, бунда мулоқот маданиятини ривожлантириш муҳим педагогик вазифа ҳисобланади.*

*Калит сўзлар: маданий мулоқот, инглиз тили, талабалар, ижтимоий тармоқлар, методология, алоқа.*

## ДИДАКТИЧЕСКОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ РАЗВИТИЯ КУЛЬТУРЫ ОБЩЕНИЯ АНГЛОЯЗЫЧНЫХ СТУДЕНТОВ

*Усманова Комола Хикматуллаевна*
*Преподаватель Национального университета Узбекистана, г. Ташкент, Узбекистан*

*Аннотация. В 21 веке в социокультурной сфере межличностные отношения получили психологическое развитие и достигли своего пика. Этот факт свидетельствует о возрастающем значении психологического воздействия в управлении общественными образованиями. Если раньше общественные отношения эффективно организовывались на основе ценностного подхода, исторического наследия, национальных традиций и примера взрослых, то теперь с учетом всех факторов важным фактором в достижении желаемого стало разумное психологическое воздействие. В то же время такие понятия, как физическая сила, политическая пропаганда или экономическая зависимость, являвшиеся приоритетными в управлении социальными субъектами, утратили свою содержательную сущность. Наоборот, все большее значение приобретают межличностные отношения, их содержание, лидерские идеи, объем. Поэтому эффективная подготовка подрастающего поколения к процессу социальных отношений, в которых развитие культуры общения является важной педагогической задачей.*

*Ключевые слова: культурная коммуникация, английский язык, студенты, социальные сети, методология, коммуникации.*

Introduction. The educational process organized in higher educational institutions plays a special role in the acquisition of a culture of communication by students, who make up a significant part of the youth of the republic. At the same time, we are not talking about the general essence of the development of a culture of communication among students, but only about one aspect - organizational forms of education aimed at this goal.

Awareness of the essence of the concept of «form of education» allows

students to adequately highlight the importance of forms of education in the development of a culture of communication.

Existing pedagogical sources define the concept of «form of education» as follows: the form of education is an external expression of the activity organized by the teacher and the student in a certain order, in accordance with a certain regime [58, 40], the organizational structure of the educational process [1]. Another source describes the content of the concept on the example of production, vocational education as follows:" [2]; "Educational activity aimed at the conscious and active assimilation of educational material under the guidance of a master of vocational education "in order to achieve the intended goal of a particular lesson (lesson) by students" [3].

In the first two examples above, the essence of the concept of «form of education» is correctly expressed. Indeed, the form of education is manifested in the organizational structure of education, as the form of pedagogical activity. In the third example, the concept of «form of education» would be clearer if the views of the authors were expressed not as «ways of organizing, organizing and managing the educational process», but as «a state of creation, organization and direction of the educational process». educational process. Indeed, the concept of «method» is close to the terms «method» and «method» in relation to «form» and serves to highlight the implementation of a particular action or activity in one way or another. In the fourth example, it is advisable to define the concept of "form of learning" not as "learning activity", but as "organizational or external structure of activity".

Materials and methods. The form of learning is the outward expression of purposeful activity or movement. It is known that in philosophy the concepts of «form» and «content» are studied as important philosophical categories. If the content is «a specific quality, character, essential features, the sum of the elements of a certain thing, event, process» [4], then the form expresses «the state of existence of the content, internal and external structure of things.» and events" [4]. This definition helps to clarify the essence of the concept of «form of education». However, it should also be noted that there is some ambiguity in this definition. After all, on the basis of form, only the external structure of a thing is visible. For example, when we say «the shape of a machine», the human eye embodies only its appearance and expression. «Shape of a vehicle» means its internal structure, i.e. the interior, its contents (seats, steering wheel, etc.), trunk and its structure, hood and its mechanisms (engine, battery, pistons, radiator, etc.) does not appear in the eyes. In addition, the event will not have an internal or external structure. More precisely, an event, like an event, a process, does not have a specific form, on the contrary, they have only a cause and effect, and in some cases only constituent elements. the internal structure of an object is usually expressed

in terms of content. For example, no one knows that any historical change, revolution has a clear, realistic look and form. However, many will be aware of any historical changes, the causes and effects of the revolution, and the constituent elements that drive it. Therefore, the concept of «form» would be correct when interpreted as «the state of existence of the content, the external structure of an object, object or thing.» After all, the internal structure of any thing, object or object means what it serves, illuminating its content, that is, its inherent qualities, character, properties.

So, based on the above considerations, what forms of education are important for developing students' culture of communication based on the English language. This is what is discussed below.

In one of the pedagogical sources [5], lectures, seminars, practical classes, meetings, presentations, trips, educational conferences, etc. are recorded as forms of education (or organizational forms of education). In fact, by their very nature, they are forms of learning, i.e., phenomena that represent the organizational structure of the educational process. Based on pedagogical approaches, it is possible to enumerate the forms of education in detail. That is: speech; seminar; training in practice; laboratory training; meeting; presentation; travel (excursions); conference (training conference, on-line conference); round table; debate; competition (competition); consultation; education; practice (pedagogical, industrial, field practice); research (pedagogical research, scientific research, applied research, creative research); games (role-playing, business, intellectual and heuristic games); educational productions (theatrical and educational productions), etc.

Preliminary studies have shown that among these forms of education, both in theoretical and practical terms, effective in developing a culture of communication among students are: speech; training in practice; seminar; laboratory training; competition; education; games; educational performances.

These forms of education have a number of advantages in the development of the English-speaking culture of communication among students. With their help, students: 1) realize the theoretical foundations, rules, conditions of the English-speaking culture of communication; 2) knows how to practically correctly organize the process of communication based on the English language; 3) acquire the skills of active organization of the English-speaking communication process on the basis of mutual cooperation.

Analysis and Discussion. Forms of teaching student's theoretical knowledge important in arming with practical skills and abilities. Just like the methods, means and technologies of teaching, the organizational forms of the educational process provide theoretical and practical-methodological organization and orderly behavior of teachers and students. In addition, the right choice of forms of education, considering the content, nature,

volume of educational material, the level of preparedness of students and the experience, skills and professional competence of the teacher, will help improve the quality of education. education. Another characteristic feature of the correct choice of the form of education is determined by the fact that it is able to arouse students' interest and motivation to master the educational material. Therefore, in the process of forming the English-speaking culture of communication among students, special attention was paid to the correct, rational choice of forms of education.

Theoretical analysis, pedagogical observation, questioning and sociological surveys, conversations with teachers and students, questions and answers, and research based on the methods of studying documents, trainings, games, educational performances, etc. turned out to be effective. At the same time, the didactic potential and practical significance of these forms of education in developing students' culture of communication based on the English language are discussed.

1. Lecture. By its didactic nature, the report is «the main form of providing a large amount of structured information as an indicative basis for students' independent work» [3]. In the same way, the lecture plays a leading role in developing the culture of communication between students. This form of education gives students information about the essence of English-language communication, the conditions for its effective organization, the order, qualities that should be manifested in the process of communication, the requirements for the formation and development of a personal culture of communication, specific aspects of learning aimed at achieving this goal. During the lectures, the teacher introduces students to the theoretical foundations of the English-speaking communication process and b. considering factors creates the necessary conditions for achieving the expected result.

2. Practical exercises. Education is also important for developing a culture of communication based on English in students. In this context, practical training provides an opportunity to "deepen, analyze, expand, apply educational information (lectures and independent work) received under the guidance of a teacher, and control its assimilation by students" [3]. In the course of practical classes, students are given tasks for the correct, effective, active organization of communication in English, and their implementation is controlled by the teacher. The tasks for the training are aimed at demonstrating the practical culture of communication in English, based on the theoretical knowledge of communication, its effective organization, and the impact on the interlocutor. Tasks are performed in pairs or small groups, depending on the level of preparation of students. Therefore, communication by its very nature is based on interpersonal dialogue. In this process, the correct formation of pairs and small groups by the teacher is extremely important.

The teacher must carefully consider the theoretical knowledge of how to organize communication in English in each pair or small group, the presence of a student (in pairs) and students (in small groups) who have thoroughly mastered the rules. It is thanks to the activity of these students that the process of communication becomes interesting, lively and productive.

3. Laboratory training. It is laboratory classes that enable students to work with educational tasks to ensure the norms of communication in formal, informal, oral and written speech. Indeed, in laboratory classes, students directly "organize activities to solve practical problems" related to correct, effective communication in English [5].

4. Competition. This form of education is also important for developing a culture of communication based on English in students. Consequently, the competition increases the interest of students in the educational process as a «competition of character, who is better or better», «organized in order to form a person's spiritual and moral (including strong-willed), physical, aesthetic qualities, to enrich their worldview» [6], activates learning activities. By its nature, competitions are organized with the participation of two or more groups. In some cases, competitions can be held among students on an individual basis. In the educational process, which is organized in the form of competitions, the teacher gives the same task to students in groups or individually. The status of the assignment in groups (each student) ensures the determination of the winners. Depending on the complexity, one or more tasks can be completed by students in one lesson. As in all cases, competitions organized to develop the English-speaking culture of communication among students are based on a well-defined order, criteria and indicators that determine the quality of tasks.

5. Training. This form of education is important for developing a culture of communication based on English in students. Trainings, used as a non-traditional form of education in the education system, "help students acquire certain knowledge, develop the ability to effectively apply it in practice, and realize their full potential in the process" [7, 8]. At the trainings organized in order to develop a culture of communication between students based on the English language: 1) a teacher of natural sciences; 2) an invited specialist; 3) Active students can act as trainers. The main attention is paid to the effective organization of communication of students in English, the rapid detection and elimination of errors and shortcomings. During the trainings, students will be able to actively and enthusiastically communicate in English. The opportunities of the student community and small groups are directly focused on developing the ability of each student to communicate in English. Trainings aimed at developing an English-speaking culture of communication among students in higher educational institutions are organized according to a well-

founded work plan.

6. Games. This form of education is also important for developing a culture of communication based on English in students. Games by their very nature, as well as competitions and trainings, serve to involve students in the learning process, increase their learning activity. In contrast, students are relatively free during the games. However, games to develop students' culture of communication based on English are also organized according to certain rules. Consequently, as "an important type of personal activity, a form of assimilation (copying, imitation) by children of the content of social relations" [8], games effectively prepare students for the process of communication with foreign citizens. In addition to games played directly in the development of the English-speaking culture of communication between students at the university, computer games can also be used in the form of educational programs. With the help of such games, students have the opportunity to imitate the process of communication with citizens of foreign countries.

7. Educational performances (or theatrical educational performances). This form of education is also important for developing a culture of communication based on English in students. The use of theatrical educational performances to develop students' culture of communication based on the English language teaches them to «behave, control their voice, body movements, arms and legs» in interpersonal relationships [9, 10]. After all, such situations play a special role in the effective impact on the interlocutor in the process of communication. Therefore, it is advisable for teachers to prepare scenarios for theatrical educational performances and effectively use them in the educational process in order to form a culture of communication among students based on the English language.

The achievement of national independence of Uzbekistan has created new opportunities for development in all areas. During the years of independence, as in all spheres of public life, in the education system it was possible to get acquainted with the experience of developed countries in the field of teaching, to apply them in practice. In particular, on the basis of familiarity with interactive education, interactive educational technologies and interactive methods used in the practice of foreign countries, it is possible to improve the quality and efficiency of the educational process. At present, at all stages of the system of continuous education, interactive education, technologies for its organization, interactive methods are used expediently, purposefully, consistently.

One of the pedagogical sources describes the concept of «interactive learning» as follows: interactive learning (lat. «inter» - intermediate, intermediate, mutual) - the main participants in the learning process:

cooperation between the teacher, the student and the student group, live discussions, interaction on exchange [11].

Another source defines the concept as follows: interactive learning is a special organizational form of cognitive activity, manifested in the form of student interaction [11].

The reflective component is the ability to study the outcomes of one's action and to assess the product of that activity [8].

Conclusion. Thus, the concept of «forms of education» means the organization of the educational process on the basis of a clear goal, the external structure of educational activities. In modern conditions, education is organized in dozens of forms. Lectures, practical classes, seminars, laboratory classes, competitions, trainings, games, educational performances are effective in developing a culture of communication between students. Therefore, in the process of developing a culture of communication between students, it is advisable to use them expediently, purposefully, actively, efficiently and consistently. Interactive methods help to increase the cognitive activity of students in the learning process. Therefore, they are widely used in the educational process in modern conditions.

REFERENCES

1. Pedagogy: 1000 answers to 1000 questions, (2012). U.I.Inoyatov, N.A.Muslimov, M.Usmonbaeva, D.Inogomova, Tutorial, Tashkent: TSPU named after Nizami, 122 p.

2. Khodjaboev, A.R., Khusanov, I.A., Nishonaliev, U.N., (2006). Vocational Education Methodology, Textbook, Tashkent, Printing House under the Institute of Advanced Training and Retraining of Secondary Special and Vocational Education, pp. 43-44.

3. Nishonaliev, U., Tolipov, O.Q., Sharipov, Sh.S., (2007). Pedagogy of vocational education, Textbook, Tashkent, TSPU, 359-p.

4. Nazarov, K. et.al., (2006). Fundamentals of Philosophy, Tashkent, “Uzbekistan” Publishing House, 173 p.

5. Tokhtakhodjaeva, M.Kh. et.al., (2010). Pedagogical Theory, Textbook for Higher Education Institutions. Tashkent, Finance and Economics, 380-p.

6. Kayumov, B.E.et al., (2006). Pedagogical theory, Composition, Angren: Tashkent Region SPI, 40 p.

7. Rustamova, N. R. Technology for the development of media culture of students of general secondary education (on the example of grades 7-9) (Doctoral dissertation, dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in pedagogical sciences.-Tashkent, 2019.-42 p).

8. Rustamovna, R. N. (2020). Development of technology based on vitagenic experience using media resources in higher educational institutions

students teaching. International Journal of Scientific and Technology Research, 9(4), 2258-2262.

9. Rustamova, N. R. (2020). Training of students of cognitive processes based on vitagen educational situations. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(8 Special Issue), 869-872.

10. Isyanov, R., Rustamov, K., Sharifhodjaeva, H., & Rustamova, N. (2020). Formation of ICT competence of future teachers in the classes of general physics. Journal of Critical Reviews, 7(5), 235-239.

11. Yunusova, D. M., Ilhamova, I. N., Daulanova, K. I., Normuradova, G. M., & Rustamova, N. R. (2020). Using of interactive educational technologies in teaching medical terms. Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems, 12(S6), 596-601.

12. Inoyatov, U.I., Muslimov, N.A., Ruzieva, D.I., Usmonbaeva, M.H., (2012). Pedagogy: a textbook for non-pedagogical higher education institutions, Tashkent, "Fan" publishing house, 205 p.

13. The National Program of Personnel Training of the Republic of Uzbekistan, (1997). Harmoniously developed generation - the basis of development of Uzbekistan. Tashkent, Sharq Publishing and Printing Concern, 31-61-p.

14. Ruzieva, D., Usmonbaeva, M., Khalikova, Z., (2013). Interactive methods: essence and application, Methodical manual. Compilers, Tashkent: Nizami TSPU Publishing House, 136 p.

15. Ioffe, A.N., (2000). Active methodology is the key to success, Civic education, Material of the international project, St. Petersburg: Publishing house of the Russian State Pedagogical University im. A. I. Herzen, 382 p.

16. Aminov, M., et al. (2000). Stationery, Practical Manual. 2nd edition. Tashkent, "National Encyclopedia of Uzbekistan" State Scientific Publishing House, 447 p.

# ОҒЗАКИ МАШҚЛАР ЁРДАМИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ЭВРИСТИК ФИКРЛАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.022

*Хуррамов Рустам Сайфиддинович*
*Термиз давлат университети “Бошланғич таълим” кафедраси стажёр-тадқиқотчиси, Термиз, Ўзбекистон*

*Аннотация. Мазкур мақолада бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий фикрлашини ривожлантиришда мақсадга йўналтирилган оғзаки машқлардан фойдаланишнинг муҳим аҳамияти ҳақида сўз боради. Маълумки, бошланғич синф ўқувчиларида мантиқий фикрлашни ривожлантиришга йўналтирилган дарсларни ташкил этишнинг самарали методларини аниқлаш талаб қилинмоқда. Таълим мазмунига таянган назария ва амалиётнинг бирлиги илмий жиҳатдан тадқиқ этилган маазкур мақолада синфдан ташқари ишларда интеграциялашган таълимдан фойдаланишнинг самараси ва жаҳон тажрибаларида самарали ҳисобланган топшириқлар бериш сезиларли даражада натижа бериши илмий асосда кўрсатиб ўтилган. Айниқса бу жараёнда тақдим этиладиган мақсадга йўналтирилган савол ва оғзаки машқлар сифати жаҳон тажрибаси мисолида очиб берилган.*

*Калит сўзлар: ўйин, оғзаки машқлар, восита, эвристик қобилият, методика, фаолият, натижа, қобилият.*

# МЕТОДИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ РАЗВИТИЯ ЭВРИСТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ С ПОМОЩЬЮ УСТНЫХ УПРАЖНЕНИЙ

*Хуррамов Рустам Сайфиддинович*
*Преподаватель Термезский государственный университета, кафедры «Начальное образование», Термез, Узбекистан*

*Аннотация. В данной статье рассматривается важность использования целенаправленных устных упражнений в развитии логического мышления учащихся начальной школы. Известно, что существует необходимость определения эффективных методов организации уроков, направленных на развитие логического мышления учащихся начальных классов. В статье научно исследовано единство теории и практики на основе содержания образования, на научной основе показана эффективность использования интегрированного обучения во внеучебной деятельности и выдачи заданий, признанных*

*эффективными в мировом опыте. В частности, на примере мирового опыта раскрывается качество целеполагающих вопросов и устных упражнений, представленных в этом процессе.*

*Ключевые слова: игра, словесное упражнение, инструмент, эвристическая способность, методика, деятельность, результат, способность.*

## METHODOLOGICAL PRINCIPLES OF DEVELOPING HEURISTIC THINKING OF PRIMARY CLASS STUDENTS WITH THE HELP OF ORAL EXERCISES

*Xurramov Rustam Sayfiddinovich*
*Termiz State University, teacher of «Primary Education»*
*Termez, Uzbekistan*

*ABSTRACT. This article discusses the importance of using goal-directed oral exercises in the development of the logical thinking of elementary school students. It is known that there is a need to determine effective methods of organizing lessons aimed at developing logical thinking in primary school students. The unity of theory and practice based on the content of education is scientifically researched in this article. The effectiveness of using integrated education in extracurricular activities and giving assignments that are considered effective in world experiences are shown on a scientific basis. In particular, the quality of goal-oriented questions and oral exercises presented in this process is revealed by the example of world experience.*

*Keywords: game, verbal exercise, tool, heuristic ability, methodology, activity, result, ability.*

Кириш. Ўқувчиларда мантиқий фикрлашини ривожлантиришда оғзаки машқлардан фойдаланишнинг педагогик жараён билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ўқувчиларда мантиқий фикрлашни ривожлантиришда мақсадга йўналтирилган оғзаки савол ва машқлар муҳим ўрин эгаллайди. Бунда оғзаки машқларнинг умумдидактик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Биринчи навбатда уларнинг дидактик таснифини ўрганиш талаб этилади.

Муайян дидактик асосга таянган ҳолда таълим методларининг қуйидаги таснифи амалга оширилган:

-ахборотларни тақдим этиш манбалари ҳамда уларни ўқувчилар томонидан идрок этилиш характерига асосланадиган таълим методлари. Бунга оғзаки, кўргазмали ва амалий методлар киради.

-муайян таълим босқичида ҳал этиладиган дидактик вазифалар асосида ажратиб олинган таълим методлари. Бунга билимларни

эгаллаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш, билимларни қўллаш, ижодий фаолият кўрсатиш, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ҳамда текшириш кабилар киради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ўқувчиларнинг турлича билиш даражаларини аниқлашга асосланган методлар. Бундай методларга иллюстрацияли тушунтириш, репродуктив, муаммоли баён этиш, эвристик ва тадқиқотчилик методлари киради. И.Я.Лернер ва М.Н.Скаткин [1] томонидан ишлаб чиқилган ушбу методлар классификацияси ривожлантирувчи таълим методларини такомиллаштириш ва ривожлантиришда анчагина илгари босилган қадам бўлди.

Ўқувчилар олдига мақсад қўйиш, муаммоли таълим жараёнига фаолиятли ёндашув принципларини ҳисобга олган ҳолда бинар асосида ишлаб чиқилган методлар. Бундай асосда методларни ишлаб чиқишга кўплаб тадқиқотчиларнинг ёндошувлари бўлишига қарамасдан улар ичида анчагина мукаммали М.И.Махмутов томонидан таклиф қилинган муаммоли- ривожлантирувчи таълим методларининг дидактик тизимидир [2]. Бу дидактик методлар тизимига 7 та умумий муаммоли-ривожлантирувчи таълим методлари киради (монолог, диалог, кўргазмали, эвристик, тадқиқотчилик, алгоритмик, дастурлаштирилган) ва 5 та бинар методлар, яъни ўқитиш ва ўқиш (ўқитишнинг ахборотли-хабар берувчи методи ва ўқишнинг ижрочилик методи, ўқитишнинг тушунтириш ва ўқишнинг репродуктив методи, ўқитишнинг рағбатлантирувчи методи ва ўқишнинг қисман изланувчанлик методи, ўқитишнинг чорловчи методи ва ўқишнинг изланувчанлик методи, ўқитишнинг инструктив методи ва ўқишнинг амалий методи).

Тадқиқот методологияси. Дидактик ёндашувларга кўра таълим методлари учта гуруҳга бўлинади:

-ўқув-билув фаолиятини ташкил этиш методлари;

-ўқишга рағбатлантириш ва мотив уйғотиш методлари;

-ўқув-билув фаолиятининг самарадорлигини назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари.

Юқорида келтирилган ҳар бир гуруҳга мансуб методлар муайян таълим усулларини ўз ичига олади. Масалан, ўқув-билув фаолиятини (биринчи гуруҳ методлари) ташкил этишда оғзаки, кўргазмали ва амалий методларни қўлланилади. Бу эса ўқитувчи томонидан ўқув ахборотларини тақдим қилиш ва ўқувчилар томонидан эшитиш, кузатиш, амалий хатти-ҳаракатлар воситасида идрок этилишини таъминлайди.

Мутахассислар иккинчи гуруҳдаги методлар сирасига билиш ўйинлари, бахс-мунозара, рағбатлантириш ва бошқаларни, учинчи гуруҳга эса оғзаки, ёзма, лаборатория ишлари, якка ва ялпи назоратни

киритганлар.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, амалиётда кўплаб таълим методлари қўлланилади. Биз тадқиқотимиз давомида юқоридаги биринчи ва учинчи гуруҳларга ўхшаш, лекин улардан кенгроқ бўлган таълим методлари таснифидан фойдаландик.

Дастлабки таснифда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг шакллари намоён бўлади. Биз таҳлил қилаётган учинчи гуруҳга мансуб методлар ушбу фаолият мазмунидан келиб чиқади.

Маълумки, педагогик жараённинг мазмуни ва шакллари ўзаро боғлиқ бўлади. Шунинг учун жараённинг моҳиятини фақатгина унинг мазмуни ва шаклини ҳисобга олган ҳолда тушуниш мумкин. Бундан келиб чиқадики, таълим методларини таърифлаш ва таркиблашда ўқитувчи-ўқувчи фаолиятининг мазмуни ва шакллари мутаносиблигига эътибор қаратиш лозим.

Таълим методлари - воқеликни амалий ва назарий эгаллаш, ўзлаштириш, ўрганиш, билиш учун йўл-йўриқлар, усуллар мажмуаси, педагогик билимларни яратиш ва асослаш усули [3].

Таълим методларининг моҳияти тўғрисида бир нечта қарашлар мавжуд. Методларни таснифлашда турлича ёндашувларнинг мавжудлигига ишонч ҳосил қилдик.

Таълим методлари тизимида оғзаки машқларнинг ўрнини аниқлар эканмиз, иккита таснифга асосландик:

-билим манбаларига кўра қўлланиладиган методлар: оғзаки, кўргазмали, амалий методлар;

-фаолият характерига кўра қўлланиладиган методлар: иллюстрацияли тушунтириш, репродуктив, эвристик, муаммоли ифодалаш, тадқиқотчилик усулларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга тақдим этиш.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқотимиз натижалари бошланғич синф дарсларини ўқитиш жараёнида оғзаки машқлардан фойдаланиш самарали эканлигини кўрсатди.

Бошланғич синф дарсларини ўқитиш жараёнида оғзаки методдан кенгроқ фойдаланилишини ҳисобга олиб репродуктив, эвристик ва тадқиқотчилик методларининг қўлланилишига батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. Репродуктив таълим [ре.. + лот. productio - ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш] - репродуктив ўзлаштириш даражасида бир турдаги масала ёки машқлар (саволлар)ни намунага (тайёр ечиб кўрсатилган) қараб еча олишга мўлжалланган ўқув материалига айтилади [3].

Репродуктив метод намунага қараб ўқув материалини ўзлаштириш методидир. Ҳар қандай материални баён қилишда ёки бу материални тезроқ тушуниш учун (дарсликларда берилади) тайёр ечиб кўрсатилган

методик нуқтаи назардан қулай машқлар берилиши ҳозир одатга айланган. Бундай машқлар ўрганилгандан сўнг бошқа намунага ўхшамаган лекин намунага қараб ечилиши мумкин бўлган машқлар тушунилади. Машқлар (саволлар) намунадаги яъни репродуктив усулдаги ўзлаштиришга мўлжалланган ўқув материали бўлса, буларни намуна билан бир хил турдаги ўқув материали дейилади. Бу метод билан ҳар қандай материални ўрганиш қулай ва материални ўзлаштиришдаги дастлабки қадамлар бўлади. Лекин бу усулда олинган билим ўқувчининг эсида турмайди, яъни олинган билим мустаҳкам бўлмайди. Бу билимларни мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва уни амалиёт билан боғлаш учун эса бошқа метод яъни продуктив методдан фойдаланилади. Репродуктив методда билимларни ўзлаштириш даражалари бир хил бўлади.

Эвристик методнинг моҳияти шундаки, ўқитувчи ўқувчиларни муайян далилларни таҳлили этишга жалб этиш имкониятига эга бўлади. Ўқитувчи ушбу метод ёрдамида шундай оғзаки машқларни лойиҳалаштирадики, унда машқларни қисмларга ажратиш ва ечимни излаш усулларига ишора қилади, лекин барча амалларни ўқувчининг ўзи бажаради. Бундай оғзаки машқларни бажариш орқали ўқувчи далиллар билан танишишга, тушунча ва кўникмаларни ўзлаштиришга йўналтирилади.

Берилган бўғинларга ўзаро мосини танлаб сўзлар ҳосил қилинг.




1-rasm.

Расмни диққат билан кузатинг. Қайси фасл тасвирланган?
Болалар нима қилаяптилар? Болаларга исм қўйиб, расм асосида оғзаки ҳикоя тузинг.



2-rasm.

Бундай машқларни ечишда ўқувчи муаммоларга дуч келади. Уларни ҳал қилиш учун ўқитувчи эвристик суҳбатлар ташкил этиши лозим.

Ушбу методнинг моҳияти яна шунда кўринадики, ўқитувчи мақсадни амалга оширишга қаратилган саволлар тизимини тузади. Ўқувчи эса саволларга жавоб бериш орқали кўзланган натижага эришади.

Тадқиқотчилик методи эса илмий билиш жараёнини таъминлаш имконини беради. Унинг ёрдамида ўқувчиларда ижодий фаолият шаклланади ҳамда ва ўқув жараёнига нисбатан янгидан-янги талаблар қўйиш заруриятини вужудга келтиради. Тадқиқотчилик методининг моҳияти таълим олиш жараёнида ҳосил бўладиган янги муаммоларни ҳал қилишда ижодий фаоллик кўрсатишдан иборат[4]. Бу муаммоларни ҳал қилиш тадқиқот босқичларини рўёбга чиқариш ва ўқув ҳаракатларини амалга оширишни назарда тутади. Бошланғич таълимда оғзаки машқларни бажариш одатда, муаммоли вазиятни келтириб чиқаради. Тадқиқот ишларини мустақил амалга ошириш ўқувчидан муайян кўникма ва малакаларга эга бўлишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ўқувчини бундай ишларни амалга оширишга тайёрлаб бориш керак.

Кўриниб турибдики, ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантиришда оғзаки машқлар таълим методлари тизимида муҳим ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам улар барча таълим методларини амалга оширишнинг муҳим шакли, дейиш мумкин.

Бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий фикрлашини ривожлантиришда мақсадга йўналтирилган оғзаки машқлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган дарсларда инновацион методлар муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бошланғич синф ўқувчиларида мантиқий фикрлашни ривожлантиришга йўналтирилган дарсларни ташкил этишнинг самарали методларини аниқлаш талаб қилинмоқда.

Бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий фикрлашини самарали ривожлантиришга йўналтирилган дарсларни ўзига хос тарзда ташкил этиш, ушбу жараёнда инновацион жараёнлардан фойдаланиш керак. Чунки ўқув машғулотлари ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилишнинг асосий шаклидир. Улар қисман изланишга ундовчи, ўқувчи шахсига йўналтирилган бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам дарслар ўқувчиларни ривожлантириш, уларнинг фикрлаш фаолиятини самарали шакллантириш функциясини бажаради. Бундай дарсда бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий фикрлашини ривожлантириш мақсади, вазифалари, усул ва методлари аниқ белгилаб қўйилади[6].

Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашни ривожлантиришга бағишланган дарсларнинг мантиқий қурилиши, ўқув топшириқларини ўқувчилар томонидан самарали ечишга қулайлик яратилганлиги, топшириқларнинг кўп вариантлилиги, ўқувчиларнинг маҳсулдор фикрлаш фаолиятини ташкил этишга мўлжалланиши

ўқитувчи томонидан аниқ лойиҳалаштирилиши керак.

Таълим тизимида бундай методлардан фойдаланиш ўқувчилар психикасини ривожланишини таъминлайди. Натижада, дарсларда ўқувчиларнинг психик жараёнлари самарали ривожланади. Янги дидактик тамойилларнинг қўлланилиши дарсларнинг самарадорлигини ошириб, ўқувчилар учун қулай педагогик-психологик муҳит яратилади.

Мақсадга эришишга йўналтирилган фаолият – бу шундай фаолиятки, ўқувчи ўқув жараёни субъектига айланади. Бунинг натижасида у ўз-ўзини ривожлантиради. Ўқув фаолиятини ташкил қилиш ўқитувчининг асосий ва мураккаб методик вазифасидир. Ушбу вазифани амалга ошириш учун қуйидаги методлар қўлланилади:

-муаммоли ўқитиш;

- ўқувчилар олдига вазифалар қўйиш;

- гуруҳли ва ялпи ўқитиш;

- натижаларни баҳолаш методи кабилар.

Ўқув фаолияти ўқув вазифаси, ўқув ҳаракати, ўз-ўзини баҳолаш ва назорат қилиш ҳаракати компонентлардан ташкил топади.

Ўқув вазифаси – ўқувчининг янги мавзуни ўзлаштиришга қаратилган фаолияти. Ўқув вазифаси ўқувчилар олдига муаммоли вазият шаклида қўйилади. Бу эса бир томондан, янги тушунчаларни мақсадга йўналтирилган ҳолда ўрганишни ташкил этиш, бошқа томондан эса ўқувчини фаоллаштириш ҳамда ўқув ҳаракатини амалга оширишни англашига эришишдан иборат.

Ўқув ҳаракати деганда, ўқувчиларнинг атроф оламни билиш, билим ва тушунчаларни ўзлаштиришга йўналтирилган ўқув фаолияти тушунилади.

Ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш ўқув ҳаракатининг учинчи энг муҳим компоненти бўлиб, бунда ўқувчи ўз ҳаракатларининг натижасини ўзи баҳолайди ва ўзининг ривожланиш даражасини англаб етади.

Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларда мантиқий фикрлашни ривожлантириш муаммосини самарали ечиш учун бир қатор вазифаларни ҳал этиш лозим:

Фаолиятни ўрганиш – тўғри мақсад қўя олиш, унга эришиш йўлидаги ҳаракат натижаларини баҳолаш ва шу асосда ўз фаолиятини тўғри ташкил қила олиш.

Шахсий сифатларни вужудга келиши – билим, тушунча ва маълумотларни ўзлаштириш асосида ижобий сифатларни таркиб топтириш.

Ўқув дастурлари мазмунига атроф-муҳит, объектив борлиқни ўрганиш имконини берадиган мавзуларни киритиш.

Фаолиятли ёндашувнинг моҳияти шундан иборатки, бунда янги тушунчалар ва улар орасидаги муносабатлар тайёр ҳолда берилмайди.

Ўқувчилар мустақил изланиш жараёнида ушбу муносабатларни ўзлари кашф этишади. Ўқитувчи ўқувчиларни бу фаолиятга йўналтиради ва тугалланишида қабул қилинган хатти-ҳаракатлар алгоритмини аниқ шакллантириб беради ва якун ясайди.

Шу тариқа ўқувчиларда мантиқий фикрлаш фаолияти шакллантирилади, фанларга оид тушунчалар улар учун шахсий аҳамият касб этиб ўқув предметининг қизиқарлилик даражаси ортади.

Ўқитишнинг маҳсулдор моделларини педагогик жараёнга татбиқ этиш бошланғич синф дарсларида оғзаки машқлардан фойдаланиш зарурияти кучайди. Ўқитиш технологияларини таҳлил этиш натижалари шуни кўрсатдики, бошланғич синф ўқувчиларида мантиқий фикрлашини ривожлантиришда оғзаки машқлар тизимидан самарали фойдаланишда мавжуд ёндашувлар билан бир қаторда инновацион технологияларни ҳам татбиқ этиш талаб қилинмоқда. Бу технология ягона ёндошув ҳамда ташқи ва ички омилларни фаоллаштиришга йўналтириш асосида ўқувчиларда мантиқий фикрлашни ривожлантиришни таъминловчи ўқув предмети мазмунини ўзлаштиришга имкон яратади.

Оғзаки машқлар ёрдамида ўқувчиларнинг психик жараёнлари ривожланади. Бу қуйидагилар билан изоҳланади:

-нутқнинг равонлиги;

-оғзаки ҳисоблаш кўникмаларини жадал шаклланиши;

-мулоқот маданиятининг шаклланиши;

-билимларни ўзлаштиришга нисбатан эмоционал-қадриятли муносабат тажрибасининг таркиб топиши;

-мантиқий фикрлаш амалларини бажариш кўникмасининг ҳосил бўлиши;

-ижодий фаолликнинг таркиб топиши.

Оғзаки машқлар ўзида функционал-динамик топшириқларни мужассамлаштиргани учун ўқувчиларда диққатни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган диққатни тўғри тақсимлаш ва унинг барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

7 - 10 ёшли болаларда диққат суст ривожланган бўлади. Биринчи синф ўқувчилари бир пайтнинг ўзида иккита ҳаракатни амалга оширишга қийналади. Агар улар биттасини бажарса, демак иккинчисини эътибордан четда қолдиради. Улар нимани ёзаётган бўлса унинг мазмунинга эътибор қаратиб, шу пайтнинг ўзида ўқитувчини тинглашлари мумкин. Аммо бир пайтда бажарилиши лозим бўлган мураккаб хатти-ҳаракатларни бажара олмайдилар.

Оғзаки машқлар бир неча функцияларни бирданига бажарилишини тақозо этмайди, бу эса ўқув жараёнида босимнинг сезиларли даражада пасайишига кўмаклашади, шу билан бир қаторда ўқувчиларнинг ақлий

фаолиятини фаоллаштиради. Натижада ўқувчиларнинг эътибори, хатти-ҳаракати битта объектда жамланиб уни батафсил ўрганади, фарқли жиҳатларини ўзаро таққослайди, ўхшашликни ва фарқларни пайқайди, муҳим белгиларини аниқлайди ва битта умумий тушунчанинг муҳим белгиларини бирлаштиради.

Бу ёшда диққатнинг барқарорлиги катта бўлмайди, мана шунинг учун ҳам ўқув ҳаракатларининг турли-туманлигини таъминлаш муҳим. Бир типдаги фаолият ўқувчиларни тезда чарчатиб қўяди ва уларнинг зерикишига сабаб бўлади.

Оғзаки машқлар тизимига кирувчи топшириқлар мазмун жихатдан турли-туман, мантиқан ўзаро боғлиқ бўлиши лозим. Бундай машқлар сирасига математикадан рақамлаш, оғзаки ҳисоблашлар, сонлар ва катталиклар устида амаллар бажариш, алгебраик ва геометрик характердаги топшириқлар киради. Бундай ишлар ўқувчилар диққатини бир фаолиятдан иккинчисига кўчиришга имконият яратади, шу билан ўқув жараёнининг динамик характерга эга бўлишини таъминлайди [9].

Оғзаки машқлар таълим жараёнини жадаллаштириб нутқни ривожлантиришга хизмат қилади. Бу ўз навбатида ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига таъсир кўрсатади. Чунки оғзаки машқлар тўла ёзма расмийлаштиришни талаб этмайди. Бу эса тилга кўпроқ эътибор қаратишга имкон яратганлиги учун ўқувчилар шахсини ривожлантириш воситаси бўлади ва унга шарт-шароит яратади. Охир оқибатда ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш услуби шаклланади. Юқорида айтилганларни муайян мисоллар ёрдамида асослашга ҳаракат қиламиз. Учинчи синф ўқувчиларидан қуйидаги тўртта масалани ечиш талаб этилди:

-Квадрат томонлари узунликларининг йиғиндиси 24 смга тенг. Квадрат юзаси нимага тенг?

-Автомобил 5 соатда 300 км йўлни босиб ўтди. Агар шундай тезлик билан ҳаракатланса, 420 км масофани неча соатда босиб ўтади?

-Йўловчи йўлда 2 сутка ва 6 соат бўлди. У йўлда ҳаммаси бўлиб неча соат юрган?

-Одам суткада 8 соат ухлайди. У сутканинг қанча қисмини ухлаб ўтказади?

Ўқувчиларнинг биринчи гуруҳи масала шартини босма ёзув асосида ўқишади. Масала ечимини тушунтиришлар билан ёзма расмийлаштиришади, жавобни ёзишади. Бу ишларнинг барчасини бажаришларига 15 дақиқа вақт сарфланади.

Иккинчи ҳолатда ўқувчилар масала шартини эшитиб идрок этишади. Ўқитувчи масала шартини икки марта ўқийди, кейин ўқувчилар битта жавобни ёзишади. Барчасини бажаришларига 5 дақиқа кетади. Биринчи

гуруҳ расмийлаштиришига сарфлаган ўша 10 дақиқадан иккинчи гуруҳ ҳар бир масалани таҳлил этишда фойдаланди. Бунда ўқувчилар ўз фикрларини баён қилиш, уни саводли, ўзаро боғлиқ, кетма-кет асосланган ҳолда ифодалашга ўрганишади.

Тўғри шаклланган нутқ аниқ тафаккур юритиш мавжудлигидан далолат беради. Мазкур нутқни эгаллаш жумланинг аниқ мазмунини, мантиқий боғлиқлигини тушиниб етишга кўмаклашади. Бу эса мантиқий факрлаш фаолиятининг тўғри шаклланганлигидан далолат беради.

Оғзаки машқлар дарсларни ўқитиш жараёнига қизиқарли элементларни киритиш имконини беради. Хусусан, дидактик ўйинлардан лавҳалар киритиш орқали ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш фаоллигини таъминлашга эришилади. Бу ўз навбатида ўқувчиларга жўшқинлик бағишлаб, ўрганилаётган мавзунинг қизиқарлилигини таъминлайди. Натижада ўқув жараёнининг объектив борлиқ билан алоқадорлиги вужудга келади. Ўйин ҳаракатлари ўқувчиларнинг аниқликка интилишлари, билимларни мустақил эгаллашлари ҳамда тасаввурларининг кенгайишига ёрдам беради. Шу билан бир қаторда ўқувчиларни ўқув ишларини бажаришга оид кўрсатмалар билан қуроллантириш лозим.

Бошланғич синфларда ўйинга асосланган ўқув фаолияти етакчи ўринни эгаллайди. Шунга кўра, дидактик ўйинлар шахсий ўқув фаолиятларини тузилиши ва ўқув ишларини шаклланишини таъминлаши лозим.

Оғзаки машқлар ёрдамида ўқувчиларни ахборотларнинг бойиши, кенгайишини олдиндан билишга ўргатиш керак. Ихтиёрий оғзаки машқ таркибида қандайдир муаммо қўйилади. Ўқувчилар муаммоларни қонуниятларини баён қилиш, ўз таклифларини айтиш, ўзаро боғланиш сабабларини топиш орқали ҳал қилишади. Дарс охирида ўқувчиларнинг якуний натижалари тингланади ва намунадагиси билан солиштирилади. Бундай ишларнинг натижалари умумлаштирилади.

Оғзаки машқлар ўқувчиларнинг фикрлаш операцияларини бажариш лаёқатлари ва ижодий қобилиятлари ривожланиши учун навбатдаги топшириқлар тизимидан ташкил топиши лозим:

-Нарса-буюмларнинг аломатларини ажратиш.

-Уларни белгиларига кўра билиб олиш.

-Предметни муҳим белгиларига кўра ажрата олиш қобилиятини шакллантиришга доир топшириқларни тақдим қилиш.

-Икки ёки ундан ортиқ предметларни таққослаш.

-Предметларни белгиларига кўра таснифлаш[9].

Бундан ташқари, оғзаки машқлар тизими ўз ичига ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш фаолиятини шакллантирадиган ва у ёки бу белгилари

тўғри ёки нотўғрилигини мулоҳаза қилиш йўли орқали аниқланадиган мантиқий топшириқларни қамраб олиши керак.

Бунга қуйидагиларни намуна сифатида келтириш мумкин:

-Сарварнинг бўйи Акмалникидан баланд, Мансурнинг бўйидан эса паст. Кимнинг бўйи баланд, Акмалникими ёки Мансурники?

-Кўчада иккита ота ва иккита фарзанд келмоқда. Агар кўчада келаётганлар учта бўлишса, бу қандай бўлиши мумкин?

-Менинг исмим Ёдгор. Агар менинг синглимнинг битта акаси бўлса, унинг исми ким бўлиши мумкин?

Хулоса ва таклифлар. Оғзаки машқларнинг кўп фукциялилиги бошланғич синф ўқувчиларида мантиқий фикрлашини ривожлантириш имконини беради. Ўқув жараёнида оғзаки машқлардан фойдаланиш мунтазам, қатъий кетма-кетликда ва тизимли бўлиши зарур. Табиийки, бу ўринда оғзаки машқларни такомиллаштириш, уларнинг тизимлилиги, мантиқий алоқадорлиги, ўқувчиларнинг тасаввурларини кенгайтиришга хизмат қила олиши муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР:

1. Лернер И.Я. Процесс обучения и его закономерности. – М.: Педагогика, 1992. 174 с.

2. Махмутов М.И. Мактабда муаммоли таълимни ташкил қилиш. – Тошкент: 1981. -185 б.

3. Хамрақулов А. Активизация творческой деятельности учащихся в процессе решения геометрических задач в неполной средней школы. Автореф. дисс. канд. пед. наук. – М.: 1992. -16 б.

4. Янгабаева Е. Теория и практика обучения математики младших школьников Узбекистана. Дисс. в виде научн. докл. ... докт. пед. наук. – Т.: 2002. -63 б.

5. Каримова В.М. Суннатова Р. ва бошқалар. Мустақил фикрлаш. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланма.- Т.: Шарқ, 2000.- 112 б.

6. Каримова В, Нишонова З. Мустақил ижодий фикрлаш ва шахснинг ҳиссий, иродавий ва интеллектуал ҳислатлари орасидаги боғланиш // Ж. Халқ таълими, 2001. № 3-6.-Б.-64-69.

7. Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари. Пед. фанл. докт. илм. дараж. олиш учун ёзилган дисс. –Т.: 2003. -280 б.

8. Махмутов М.И. Организация проблемного обучения в школе. –М.: Просвещение, 1977. -240 с.

9. Ҳамроев, Р. (2014). Бошланғич таълимни ижодий ташкил этиш истиқболлари. Вестник каракалпакского государственного университета имени Бердаха, 22(1), 53-58.

10. Sayfiddinovich, R. K. (2022). The importance of using ethnopedagogy in primary school students. Ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali, 2(4), 92-97.

# SOME SIGNIFICANT POINTS FOR DEVELOPING INTERCULTURAL COMPETENCE

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.023

*Kurbanova Feruza Komiljanovna*
*English teacher at Primary education faculty, of Chirchik state pedagogical university*

*Abstract: In this article we aim to discuss information about intercultural competence. In this article there are given the basic aspects of intercultural competence and their peculiarities, ideas on how to develop, what issues affect this process.he development of intercultural competence is mostly based on the individual's experiences while he or she is communicating with different cultures. When interacting with people from other cultures, the individual experiences certain obstacles that are caused by differences in cultural understanding between two people from different cultures.*

*Keywords: cross-cultural competence, cognitive, behavioral, motivational, intercultural environment, ethnocentrism, adaptability, flexibility.*

# НЕКОТОРЫЕ ЗНАЧИТЕЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ДЛЯ РАЗВИТИЯ МЕЖКУЛЬТУРНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ

*Курбанова Феруза Комилжановна*
*Преподаватель английского языка на факультете начального образования, Чирчикского государственного педагогического университета*

*Аннотация: В этой статье мы стремимся обсудить информацию о межкультурной компетентности. В данной статье приведены основные аспекты межкультурной компетенции и их особенности, представления о том, как развиваться, какие вопросы влияют на этот процесс. Развитие межкультурной компетенции в большей степени основывается на опыте личности при общении с разными культурами. При взаимодействии с людьми из других культур человек сталкивается с определенными препятствиями, которые вызваны различиями в культурном понимании между двумя людьми из разных культур.*

*Ключевые слова: кросскультурная компетентность, когнитивная, поведенческая, мотивационная, межкультурная среда, этноцентризм, адаптивность, гибкость.*

# UMUMMADANIY KOMPETENSIYANI RIVOJLANTIRISHDA MUHIM BO'LGAN BIR NECHA XUSUSIYATLAR

*Kurbanova Feruza Komiljanovna*
*Chirchiq davlat pedagogika universiteti, Boshlang'ich ta'lim fakulteti ingliz tili o'qituvchisi*

*Annotatsiya: Ushbu maqolada umummadaniy kompetensiya muhokama qilingan bo`lib, umummadaniy kompetensiyaning bazi muhim xususiyatlari, uni qanday rivojlantirish va bu jarayonda nimalar ta'sir qilishi haqida fikrlar berilgan. Umummadaniy muloqotning rivojlanishi ko'pincha shaxsning boshqa madaniyat vakillari bilan muloqot qilayotganidagi tajribalariga*

*asoslanadi. Boshqa madaniyat vakillari bilan muomala qilish jarayonida shaxs ikki turli xil madaniyat kishilari o'rtasidagi madaniy ong sabab bo'ladigan ma'lum to'siq larga duch keladi.*

*Kalit so'zlar: umummadaniy kompetentlik, kognitiv, xulqiy, motivatsion, umummadaniy muhit, etnosentrizm, moslashuvchanlik, qayishqoqlik.*

Introduction. Cross-cultural competence (3C) has generated confusing and contradictory definitions because it has been studied by a wide variety of academic approaches and professional fields. One author identified eleven different terms that have some equivalence to 3C: cultural savvy, astuteness, appreciation, literacy or fluency, adaptability, terrain, expertise, competency, awareness, intelligence, and understanding. The United States, which is currently engaged in a study of 3C has defined it as «A set of cognitive, behavioral, and affective/motivational components that enable individuals to adapt effectively in intercultural environments».

Organizations in academia, business, health care, government security, and developmental aid agencies have all sought to use 3C in one way or another. Poor results have often been obtained due to a lack of rigorous study of 3C and a reliance on «common sense» approaches. Cross-cultural competence does not operate in a vacuum, however. One theoretical construct posits that 3C, language proficiency, and regional knowledge are distinct skills that are inextricably linked, but to varying degrees depending on the context in which they are employed. In educational settings, Bloom's affective and cognitive taxonomies serve as an effective framework for describing the overlapping areas among these three disciplines: at the receiving and knowledge levels, 3C can operate with near-independence from language proficiency and regional knowledge. But, as one approaches the internalizing and evaluation levels, the overlapping areas approach totality.

The development of intercultural competence is mostly based on the individual's experiences while he or she is communicating with different cultures. When interacting with people from other cultures, the individual experiences certain obstacles that are caused by differences in cultural understanding between two people from different cultures. Such experiences may motivate the individual to acquire skills that can help him to communicate his point of view to an audience belonging to a different cultural ethnicity and background.

Intercultural competence models. Intercultural Communicative Language Teaching Model. In response to the needs to develop EFL learners' ICC in the context of Asia, a theoretical framework, which is an instructional design (ISD) model ADDIE with five stages (Analyze – Design – Develop – Implement – Evaluate) is employed as a guideline in order to construct the ICLT model for EFL learners. The ICLT model is an on-going process of ICC acquisition. There are three parts: Language-Culture, the main training process. (Input – Notice – Practice – Output), and the ICC, which are systematically integrated. The second part is the main part consisting of four teaching steps to facilitate learners' ICC development, and each step reflects a step of the knowledge

scaffolding and constructing process to facilitate learners' ICC development.

Discussion and results. A salient issue, especially for people living in countries other than their native country, is the issue of which culture they should follow: their native culture or the one in their new surroundings. International students also face this issue: they have a choice of modifying their cultural boundaries and adapting to the culture around them or holding on to their native culture and surrounding themselves with people from their own country. The students who decide to hold on to their native culture are those who experience the most problems in their university life and who encounter frequent culture shocks. But international students who adapt themselves to the culture surrounding them (and who interact more with domestic students) will increase their knowledge of the domestic culture, which may help them to «blend in» more. Here it stated, «Segmented assimilation theorists argue that students from less affluent and racial and ethnic minority immigrant families face a number of educational hurdles and barriers that often stem from racial, ethnic, and gender biases and discrimination embedded within the U.S. public school system». Such individuals may be said to have adopted bicultural identities.

Another issue that stands out in intercultural communication is the attitude stemming from ethnocentrism. Levine and Campbell defines ethnocentrism as people's tendency to view their culture or in-group as superior to other groups, and to judge those groups to their standards. With ethnocentric attitudes, those incapable to expand their view of different cultures could create conflict between groups. Ignorance to diversity and cultural groups contributes to prevention of peaceful interaction in a fast-paced globalizing world. The counterpart of ethnocentrism is ethnorelativism: the ability to see multiple values, beliefs, norms etc. in the world as cultural rather than universal; being able to understand and accept different cultures as equally valid as ones' own. It is a mindset that moves beyond in-group out-group to see all groups as equally important and valid and individuals to be seen in terms of their own cultural context. Intercultural competence is determined by the presence of cognitive, affective, and behavioral abilities that directly shape communication across cultures. These essential abilities can be separated into five specific skills that are obtained through education and experience:

1. Mindfulness: the ability of being cognitively aware of how the communication and interaction with others is developed. It is important to focus more in the process of the interaction than its outcome while maintaining in perspective the desired communication goals. For example, it would be better to formulate questions such as «What can I say or do to help this process?» rather than «What do they mean?».

2. Cognitive flexibility: the ability of creating new categories of information rather than keeping old categories. This skill includes opening to new information, taking more than one perspective, and understanding personal ways of interpreting messages and situations.

3. Tolerance for ambiguity: the ability to maintain focus in situations that are not clear rather than becoming anxious and to methodically determine the

best approach as the situation evolves. Generally, low-tolerance individuals look for information that supports their beliefs while high-tolerance individuals look for information that gives an understanding of the situation and others.

4. Behavioral flexibility: the ability to adapt and accommodate behaviors to a different culture. Although knowing a second language could be important for this skill, it does not necessarily translate into cultural adaptability. The individual must be willing to assimilate the new culture.

5. Cross-cultural empathy: the ability to visualize with the imagination the situation of another person from an intellectual and emotional point of view. Demonstrating empathy includes the abilities of connecting emotionally with people, showing compassion, thinking in more than one perspective, and listening actively.

We look at communication as a process of coding and decoding of messages, it is obvious that there are many points in the process where the communication can break down. In particular, successful communication depends crucially on shared culture. When you have communication between people of different cultures, even if they share a common language, things can go wrong. In particular, knowledge of a language does not automatically give you the background knowledge that native speakers assume you share. Differences in culture affect communication in other ways as well. For example, members of certain cultures are much more likely to use indirection than members of certain other cultures. The Japanese are famous for being indirect, while Americans are famous for being direct. Because Americans aren't used to the level of indirection that Japanese use, they completely misunderstand what's being said.

The use of indirection is part of a more general style of communication known as «high context» communication. Different cultures vary on the degree to which they use high context or low context communication. They also differ on a number of other attributes. We know from reading the books by Deborah Tannen, and also from the constructivist view of communication, that multiple messages are actually inferred from any communication. For example, if you call me and invite me to dinner at your house, I get the message that you want me to show up, but I also get a message that you like me. Most communications simultaneously includes information about the status of the relationship.

One of the problems with cultural differences is that these underlying messages about the relationship are likely to be misunderstood. For example, the loud, direct style of Americans is often seen by Asians as rude and disrespectful. Yet the Americans are not trying to be rude. Similarly, the Japanese reluctance to say «no» is seen by Americans as shifty and dishonest.

Every society and culture has a set of rituals and traditions that make it different from others. These are unwritten laws and norms pertaining to behavior and action when interacting with others in the society. These rituals and traditions also pertain to events and ceremonies that are followed in that society, particularly in relation with religion. There are many similarities

between ritual and tradition confusing people. This article attempts to highlight the subtle differences between ritual and tradition to remove doubts in the minds of readers.

In every society, important functions, events, ceremonies, festivals are marked by certain acts or a series of acts that are perceived to have a symbolic value. Rituals are observed almost religiously because, in most cases, they have a religious backing and, therefore, considered important for individuals in the society. It is the presence of rituals that make an event formal and traditional. Hindu religion, a young boy has to undergo a ritual called yagyopavit sanskar (also called Janeu sanskar in some parts of India) where his head is shaven, and he is made to wear a string across his shoulder, both acts having symbolic values. This is somewhat similar to baptism for Christians that marks the initiation into Christianity of an individual.

A tradition is an act, behavior, or a belief system that is handed down from one generation to another in a society or culture and which has a special significance for the members of the society. Traditions were mostly passed down in the form of folklore or stories for the future generations to remember and learn the moral from it. The concepts of unity, compassion, friendship, valor, loyalty etc. are traditions that have passed down from one generation to another. Traditions have helped in binding a society together serving as a fabric running across the social spectrum. Traditions help individuals in a society to know how to act and behave when interacting with others. It was the definition put forward by Edward Shills in his book “Traditions” that tradition is anything that is handed down by the past to the present that has become a universally accepted definition of this concept. What is the difference between Ritual and Tradition:

- Tradition is a generic term that encompasses a wide variety of things and concepts that are handed down by one generation to another.
- Ritual is an act or a series of acts that are performed or observed in a society on occasions, events, festivals and ceremonies. These rituals have a symbolic value and also have a religious basis.
- So a handshake to greet others is a ritual, while the practice to honor and respect the seniors is a tradition.

Taboo is an implicit ban on something (usually against an utterance or behavior) based on a cultural sense that it is excessively repulsive or, perhaps, too sacred for just anyone. Such prohibitions are present in virtually all societies. On a comparative basis, taboos, for example related to food items, might make no sense at all to many, but may be explicitly prohibited for others by custom or religion. Taboos are often meant to protect the human individual, but there are numerous other reasons for their existence. An ecological or medical background is apparent in many, including some that are seen as religious or spiritual in origin. Taboos can help use a resource more efficiently, but when applied to only a subsection of the community they can also serve to suppress said subsection of the community. A taboo acknowledged by a particular group or tribe as part of their ways aids in the cohesion of the group, helps that particular group to stand out and maintain its

identity in the face of others and therefore creates a feeling of «belonging».

Conclusion. Having looked through all the gathered information related to intercultural communication and intercultural competence we may conclude that this process is ongoing during the whole life of people. In special circumstances they may have opportunities to share different cultures and beliefs. People`s thinking, outlook and also background on culture can affect respectively to the development of intercultural competence together with the motivations of their surrounding people. According to their desire and communication style it can either develop or stay unchanged. In these type of situations a person should consider other cultures and their norms also in order to avoid misunderstandings.

Reference:

1. Frank, H.; Harvey, O. J.; Verdun, K. American responses to five categories of shame in Chinese culture: A preliminary cross-cultural construct validation. Personality and Individual Differences 28: 2000. Pp.887–896.

2. Glaser, E. Learning how to work in multicultural teams. In: Cuk, A.; Del 80 Theoretical Basis: Intercultural Communication and Cooperation 2001.

3. Glaser, E. Cultural Divergence or Convergence: What is Better for the Individual, the Group, and the Organisation? 2002

4. Gudykunst,W. B.; Nishida, T. Anxiety, uncertainty, and perceived effectiveness of communication across relationships and cultures. International Journal of Intercultural Relations 25: 2001, pp. 55–71.

5. Stroebe, W. et al. Sozialpsychologie. Berlin. 100 Theoretical Basis: Intercultural Communication and Cooperation, 2002.

6. F.K. Kurbanova Methods of developing intercultural competence of future teachers in the condition of learning a foreign language.Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal 2022 (2), 202-213, 2022

7. F. K. Kurbanova, M Botirova, S Abdurahmonova Promoting learning and developing cultural competence Academic research in educational sciences 3 (3), 914-917, 2022

8. F.K.Kurbanova Chet tilini o`qitish sharoitida bo`lajak o`qituvchilarning madaniyatlararo kompetensiyasini rivojlantirish usullari. Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириу 1 (1), 58-66, 2022

# OLIY TA'LIM MUASSASALARI KIMYO O'QITUVCHILARINING EKOLOGIK KOMPETENTLIK DARAJASINI RIVOJLANTIRISH

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.024

*Mamajonov Shuhratjon Asqarovich,*
*FarDU, dotsenti p.f.n*

*Odilxo'jazoda Nigoraxon Baxtiyorxo'ja qizi,*
*FarDU doktoranti,*

*Jo'raev Xusniddin Maxammadaliyevich*
*FarDU o'qituvchisi*

*Annotatsiya. Maqolada O'zbekiston Respublikasida ekologik ta'lim tarbiyani amalga oshirish muammolari va ularni hal qilish , oliy ta'lim muassasalari kimyo o'qituvchilarining ekologik kompenentligi darajalari , shuningdek ularni rivojlantirish yo'llari batafsil yoritilgan. Bo'lajak o'qituvchilarga ekologik bilimlarni o'qitishning zamonaviy, innovatsion usullardan foydalanib tushuntirish muhim ahamiyat kasb etishi ko'rsatib o'tilgan.*

*Калит сўзлар: kalit kompetensiya, asosiy kompetensiya, maxsus kompetensiya, ekologik kompetentlik, kompetentlik darajasi, kompetentlikni rivojlantirish*

# РАЗВИТИЕ УРОВНЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ ХИМИИ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

*Мамажонов Шухратжон Аскарович,*
*к.п.н, доцент ФерГУ,*

*Одилхужазода Нигорахон Бахтиёрхужа кизи.,*
*докторант ФерГУ*

*Джураев Хусниддин Махаммадалиевич*
*преподаватель ФерГУ*

*Аннотация. В статье подробно описаны проблемы внедрения экологического образования в Республике Узбекистан и пути их решения, уровни экологической компетентности преподавателей химии высших учебных заведений, а также пути их развития. Показано, что важно объяснять будущим учителям экологические знания современными, инновационными методами.*

*Ключевые слова: ключевая компетенция, базовая компетенция,* специальная компетентность, экологическая компетентность, уровень компетентности, развитие компетентности.

# DEVELOPMENT OF THE LEVEL OF ENVIRONMENTAL COMPETENCE OF CHEMISTRY TEACHERS OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

*Mamajonov Shuhratjon Asqarovich,*
*associate professor of FerSU,*

*Odilxo'jazoda Nigoraxon Baxtiyorxo'ja qizi,*
*Doctoral student of FerSU*

*Jo'raev Xusniddin Maxammadaliyevich*
*teacher of FerSU*

*Annotation. The article describes in detail the problems of introducing environmental education in the Republic of Uzbekistan and ways to solve them, the levels of environmental competence of chemistry teachers in higher educational institutions, as well as ways to develop them. It is shown that it is important to explain environmental knowledge to future teachers with modern, innovative methods.*

*Key words: key competence, basic competence, special competence, ecological competence, competence level, competence development.*

O'zbekiston Respublikasida ekologik muammolar yechimiga ta'lim tizimini joriy qilish, o'sib kelayotgan yosh avlodning ekologik savodxonligini oshirish, ekologik ongi va ekologik madaniyatini shakllantirish va rivojlantirish, ekologik ta'lim va tarbiya jarayonini samarali tashkil etish borasida keng qamrovli vazifalar amalga oshirilmoqda.

Ekologik ta'limning dolzarbligi mamlakatimiz tabiati, ekotizimlari, atrof-muhitni asrash, aholining ekologik madaniyatini oshirish, ushbu dolzarb va hayotiy masalalarga aholining barcha qatlamlari, ayniqsa, yoshlar hissa qo'shishi zarurligi bilan belgilanadi.

Shu munosabat bilan aniq maqsad va vazifalarni hamda yo'nalishlarni nazarda tutuvchi O'zbekiston Respublikasida ekologik ta'limni rivojlantirish konsepsiyasini muvaffaqiyatli amalga oshirish orqali ekologik ta'lim tizimini yanada rivojlantirish alohida ahamiyat kasb etadi[1].

Ushbu vazifalardan kelib chiqqan holda zamonaviy ekologik ta'lim tarbiyani amalga oshirishda zamonaviy mutaxasisning ekologik kompetentligiga asos bo'ladigan ekologik tayyorgarlikning pedagogik modelini yaratish maqsadga muvofiqdir.

Barqaror rivojlanish ta'limi ekologik bilimlar ustiga qurilishi lozim bo'lgan binodir. Uning asosiy tayanch ustunlari esa ekologik kompetentlik bo'lib, mukammal barqaror rivojlanish ta'limiga erishish uchun talabalarga beriladigan ekologik bilimlar tabiiy fanlar, falsafa, iqtisodiyot, matematika, jamiyatshunoslik va ijtimoiy fanlar bilan uzviy aloqada bo'lishi lozim.

Adabiyotlar, internet ma'lumotlarini tahlil qilish natijasida ekologik ta'lim, ekologik madaniyat, ekologik kompetenlik tushunchalari mazmun-moxiyati buyicha quyidagi xulosalarga kelindi:

Ekologik ta'lim- Ekologik ta'limning muhimligi hozirgi zamonaviy dunyoda hech kimda shubha uyg'otmasligi bilan birgalikda ko'plab mamlakatlarda ta'lim va tarbiya berishning ustuvor yo'nalishi hisoblanadi. «Tabiatni muhofaza qilish to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi Qonunining 4-moddasida «…barcha turdagi ta'lim muassasalarida ekologiya o'quvining majburiyligi» qayd etilgan bo'lib, ekologik ta'limning bosh maqsadi aholining barcha qatlamlarida, jumladan, umumta'lim maktablari va kollej o'quvchilari hamda oliy ta'lim talabalarida atrof-muhitni asrash muammolariga ongli munosabatni shakllantirishdan iboratdir. Ekologik bilimlar qanchalik kichik yoshdan shakllansa, bunday ta'lim shunchalik katta samara beradi. Shuning uchun ushbu jarayonni ilmiy tashkil qilish davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanmoqda.

Har yili dunyoning ko'plab mamlakatlarida 15 aprel sanasi Ekologik bilimlar kuni sifatida nishonlanib kelinmoqda. Birlashgan Millatlar Tashkilotining 1992 yilda Rio-de-Janeyro shahrida bo'lib o'tgan atrof muhit muammolari muhokamasiga bag'ishlangan konferensiyasida dunyoning barcha mamlakatlarida insoniyatning hayot tarzi va barqaror rivojlanishi strategiyasini amalga oshirishda ekologik ta'limning ulkan ahamiyatga ega ekanligi ta'kidlanadi.

Ekologik madaniyat-insonning tabiatdagi o'rnini, ona shahri yoki qishlog'i uchun tabiat muhofazasi borasidagi faoliyatining ahamiyatini, yer va havo, ko'l, daryolarni toza saqlash masalalarini hal etishda faol hayotiy nuqtai nazarning shakllanganligi. Aholining ekologik madaniyatini va atrof muhitga ehtiyotkorona munosabatda bo'lishni shakllantirishga qaratilgan ushbu faoliyat – butun insoniyat kelajagi xavfsizligining garovidir. Bugungi kunda barcha ijtimoiy ong darajalari va madaniyat shakllarining ekologik manfaatlar doirasida integratsiyalashuvi jarayonlarining kuchayishi kuzatilmoqda. Bunday vaziyatda ekologik madaniyatni rivojlantirish jarayonida o'zaro bog'liq, lekin nisbatan mustaqil ikki yo'nalishni bir – biridan ajratib tahlil qilish maqsadga muvofiq.

Birinchisi, ekologik nazariy bilimlar majmuasi asosida insoniyatning tabiatni o'zgartirish va o'zlashtirishdan iborat amaliy faoliyatni tashkil etuvchi ishlab chiqarish, texnika, texnologiya taraqqiyotini oqilona tashkil qilish.

Ikkinchisi, tarixiy ekologik tajribalar asosida ekologik ta'lim – tarbiya ijtimoiy institutlari yordamida kishilarda ekologik ong, tafakkur va dunyoqarashini rivojlantirishdir. Bu yo'nalishlarni umuminsoniy manfaatlar negizida uyg'un taraqqiy ettirish, pirovard natijada faol ekologik madaniyatni shakllanishida va ularning tabiatni muhofaza qilish faoliyatida katta rol o'ynaydi.

Zamonaviy olam shunday davrni boshidan o'tkazyaptiki, yoshlarda ekologik madaniyatni tarbiyalash ta'lim faoliyatining dolzarb yo'nalishlaridan biriga aylandi.

Ekologik vaziyat o'ziga xos xususiyatga ega. Inson tabiat qudratini kuch bilan emas, balki muvozanatni buzmagan holda oqilona muvofiqlashtirishi kerak.

Ekologik kompetentlik- ekologik ongni, madaniyatni shakllantirishda nazariy ekologik bilimlarni egallash, tabiat, yer, suv, oʻsimlik va hayvonot dunyosi, tabiiy resurslar haqida tushunchalarga ega boʻlish va ular xaqida xabarlar bera olish, tabiatga nisbatan e'zozda boʻlish, tabiiy boyliklardan oqilona foydalana olish, ekologik ta'lim va ekologik tarbiya yoʻnalishida madaniy-ma'rifiy ishlarning barcha samarali shakllari va uslublaridan, jumladan: ommaviy axborot vositalaridan, ogʻzaki, koʻrgazmali va texnika vositalaridan keng foydalanish malakalariga ega boʻlish. Insoniyatni kun sayin oʻsib borayotgan ehtiyojlari va sayyoramizda kamayib ketayotgan imkoniyatlari oʻrtasidagi muvozanatni barqarorligini ta'minlash, tabiatni muhofaza qilish uchun ekologik bilimlarga ega boʻlish ekologik kompetentlikdan darak beradi.

Oʻqituvchining ekologik kompetensiyasi deganda uning samarali ekologik ta'lim muxitini yaratish va qoʻllab-quvvatlashga qaratilgan pedagogik faoliyatda "ekolog" boʻlish qobiliyati va tayyorligi tushunilishi kerak.

Zamonaviy oʻqituvchining kasbiy kompetentligini Turkiyaning "Onadoʻli" universiteti professori, doktor Kiymet Selvi 9 ta komponentga ajratadi. Ularning ichida 9-raqamda Environmental competencies– atrof-muxit kompetensiyalari, bu kompetensiya tabiat haqidagi bilim va koʻnikmalarni, ekologik resurslarni boshqarishni, foydalanilish kerak boʻlgan tabiiy resurslarni va atrof muxitni toza saqlashni oʻz ichiga oladi. Ushbu kompetensiyalar ekologiya va atrof-muxitni saqlashga qaratilgan extiyojlardir [2].

Oʻqituvchining kasbiy kompetensiyasida ekologik komponentlikni quyidagicha ifodalash mumkin.

1-jadval

| № | Kasbiy kompetensiyalar | Kasbiy kompetensiyalarning ekologik komponenti |
|---|---|---|
| 1 | Kalit kompetensiya (psixologik, metodik, informatsion, kreativ, shaxsiy kompetentlikni oʻz ichiga oladi) | Ekologik ta'limga oid (ilmiy, metodik) manbalarni bilish, ekologik ta'lim-tarbiyaga qaratilgan modellarni yaratish qobiliyati, turli mamlakatlarda ekologik ta'limni tashkil etish va amalga oshirishga qaratilgan ishlarni oʻrganish borasida shaxsiy tajribani oshirib borish; |
| 2 | Asosiy kompetensiya (innovatsion, kommunikativ, texnologik, ekstremal kompetentlikni oʻz ichiga oladi) | Ekologik yoʻnaltirilgan faoliyatni qoʻllash usullari, metodlarni bilish, talabalarda ekologiya bilan bogʻliq kasblarda oʻz taqdirini oʻzi belgilash imkoniyatlarini taqdim etish, atrof-muhitda ekologik yoʻnaltirilganlikni oʻzlashtirish bilan bogʻliq individual dastur yoʻnalishlarining turli darajalarida ta'lim dasturlarini ishlab chiqish qobiliyati, barqaror rivojlanish uchun ekologik ta'limning xususiyatlarini oʻrganish bilan bogʻliq tajriba; |
| 3 | Maxsus kompetensiya (kasbiy faoliyatni yuqori darajada tashkil etishga asoslangan) | Ekologiya va atrof- muhitga oid me'yoriy hujjatlar (qonun, kodeks, farmon, qaror, farmoyish va xakazo) mazmun mohiyatini, DTSlarni bilish, unda ekologik yoʻnaltirilgan jixatni aks ettirish va barqaror rivojlanish gʻoyasini sub'ektlarga kiritish, oʻqituvchi va talabalarning ekologik madaniyatini shakllantirish uchun auditoriya va undan tashqari mashgʻulotlarda umumiy va ta'limiy ekologik yoʻnaltirilgan vazifalarni bajarish qobiliyati, tabiatga, odamlarga va jamiyatga oqilona mas'uliyat bilan munosabatda boʻlish, talabalarning ekologik yoʻnaltirilgan faol kognitiv faoliyatini shakllantirish tajribasi; |

Biz ko‘rib chiqayotgan kompetensiyalar tarkibiga umummadaniy kompetensiya ham kiritildi (2-jadval), chunki zamonaviy dunyoda inson va jamiyat hayotining barcha sohalarida ekologik xavfsizlik bilan bog‘liq global o‘zgarishlar ro‘y bermoqda. Barqaror rivojlanish manfaati yo‘lida milliy kompetensiya komponenti bilan, xalqaro munosabatlar bilan bog‘liq masalalarda ham ekologik jihatni keltiramiz [3].

2-jadval

| № | Kasbiy kompetensiyalar | Kasbiy kompetensiyalarning ekologik komponenti |
|---|---|---|
| 1 | Umummadaniy kompetensiya | Dunyoning zamonaviy ilmiy manzarasini ekologik madaniyatning barqaror rivojlanishi asosida bilish, ekologik madaniyatning rivojlanish tarixi, o‘tmishi, hozirgi va kelajakni o‘rab turgan dunyoda ekologik, ijtimoiy va iqtisodiy munosabatlarni aniqlash qobiliyati; xuquqlar va axloq, global va maxalliy, jamoada ishlash, ma’rifat, insoniyatning ekologik madaniyati tajribasiga qadrli munosabat, mahalliy jamiyatning ekologik ana’nalarini tabiat va jamiyatning uyg‘un rivojlanishining etnik-madaniy me’rosi sohasi, barcha shakllarda xayotning qiymati haqida, atrof-muxit sifati, “inson-jamiyat-tabiat” tizimidagi umuminsoniy qadriyatlarga asoslangan fuqarolik xulq-atvorining shaxsiy tuyg‘usi, ekologik madaniyat bilan tanishtirish, vatanparvarlik ruhidagi tarbiya. |

Kimyo o‘qituvchilarining ekologik kompetentlik darajasini rivojlantirish o‘sib kelayotgan yosh avlodda ekologik bilim, ong va madaniyatni shakllantirish hamda rivojlantirish, ekologik ta’lim-tarbiya jarayonini samarali tashkil etish, shuningdek ekologiya sohasidagi ilm-fanni jahonning ilg‘or innovatsion texnologiyalarini jalb etgan holda yanada takomillashtirish, ekologik ta’lim sifatini, kadrlar tayyorlash tizimi samaradorligini, ta’lim oluvchilarning e’tiborini umumbashariy ekologik muammolarga qaratish orqali ularning ona tabiatni qayta tiklanmas manbalarini saqlab qolish va ulardan oqilona foydalanish bo‘yicha mas’uliyatni kuchaytirishdan iboratdir.

Biz o‘z tadqiqotlarimizda oliy ta’lim muassasalari kimyo o‘qituvchilarining kasbiy kompetentligini aniqlash borasida 16 ta diagnostika mezonlarini qamrab olgan tashxislash metodikasini ishlab chiqdik. Tashxislash metodikasining 15-si “Mamlakatimizda 2017-2021 yillarda qurib foydalanishga topshirilgan yoki rekonstruksiya qilingan yirik kimyoviy ishlab chiqarish (zavod, qo‘shma korxona)lar va ularda boradigan kimyoviy jarayonlar xaqida ma’lumotga egaligi”, 16-si etib “Ekologik kompetentligi” (global, mintaqaviy va mahalliy ekologik muammolarni bilishi, kimyo sanoatini atrof muxitga salbiy tasiri va buni kamaytirish borasida olib borilayotgan ishlar xaqida ma’lumotga egaligi, dars mashg‘ulotlarida talabalarga ekologik bilim, ko‘nikma va malakalarni berib borishi, ularda ekologik madaniyatni shakllantirish borasidagi faoliyati) olindi. Ushbu metodika bo‘yicha 2019-2022 yillarda

tajriba sinov ishlari FarDU, NamDU, GulDU, Qo‘qonDPI kimyo kafedralari professor-o‘qituvchilari, shuningdek, FarDU va O‘zMU xuzuridagi pedagog kadrlar malakasini oshirish va qayta tayyorlash mintakaviy markazlarining tinglovchilari bilan olib borildi. O‘tkazilgan dastlabki tadqiqotlarimiz (2019-2020 o‘quv yili)da respondentlarning atigi 30-40 foizi bu borada yetarli bilimlarga egaligi, qolganlarida faqat umumiy tushunchalar mavjudligi ma’lum buldi. Ular bilan olib borilgan suxbat, tushuntirish, o‘tkazilgan mashg‘ulot, seminar treninglar natijasida bu ko‘rsatkichlar 2021-2022 o‘quv yiliga kelib, 75-89 foizga etganligi aniqlandi.

Kimyo o‘qituvchisi ekologik kompetensiyasini shakllantirishda yuqorida ta’kidlab o‘tilganidek, ekologiya va atrof-muhitga oid me’yoriy hujjatlar (qonun, kodeks, farmon, qaror, farmoyish va xokazo) mazmun mohiyatini bilishi, ommaviy axborot vositalari va internet manbalarida berilayotgan ekologiyaga doir yangiliklarni muntazam kuzatib borishi, global va mintaqaviy ekologik muammolarni bilishi, atrof muxit muxofazasi, atmosfera havosini ifloslanish darajasini (masalan, statistik axborotga ko‘ra, 2018 yilda respublika bo‘yicha atmosfera havosiga chiqarilgan jami ifloslantiruvchi moddalar miqdori 2,492 mln tonnani tashkil etishini, shuning qariyib 63% ko‘chma manbalar hissasiga to‘g‘ri kelishini [4], mamlakatimizda faoliyat ko‘rsatayotgan va yangidan qurib foydalanishga topshirilgan kimyoviy ishlab chiqarishlar va zavodlar, ularda boradigan kimyoviy jarayonlarni bilishi (masalan, Qashqadaryoda 2021 yilda qurib foydalanishga topshirilgan, dunyoda 5-o‘rinda turuvchi GTL zavodi mamlakatimizda va umuman mintaqamizda neft-gaz kimyo sanoati soxasidagi eng yirik korxonadir. “Majmuada yiliga 3.6 milliard metr kub gaz qayta ishlanib, qiymati 1 milliard dollardan ziyod bo‘lgan 1.5 million tonna tayor suyuq maxsulotlar ishlab chiqariladi. Jumladan, 307 ming tonna aviakerosin, 724 ming tonna dizel yoqilg‘isi, 437 ming tonna nafta, 53 ming tonna suyultirilgan gaz tayyorlanadi” [5].. Eng muximi, bugungi kunda butun dunyo “yashil iqtisodiyot”ga o‘tayotgani, savdo-sotiqda bu borada talablar qo‘yilayotgan bir paytda “Uzbekiston GTL” maxsulotlari jaxondagi eng yuqori ekologik talablar va standartlarga to‘liq javob beradi. Bu yerda tayyorlanadigan sintetik yoqilg‘i an’anaviy yoqilg‘ilarga nisbatan 40 foiz kam chiqindi va zararli gaz xosil qilishi va boshqa ma’lumotlar) va talabalarga tushuntirib bera olishi, talabalarning ekologik madaniyatini shakllantirish uchun auditoriya va undan tashqari mashg‘ulotlarda umumiy va ta’limiy ekologik yo‘naltirilgan vazifalarni bajarishi (talabalarni tabiat guzalliklaridan baxra oluvchi turli tabiat maskanlari, qo‘riqxonalarga sayrlarini tashkillash yoki xududdagi ishlab chiqarish korxonalariga amaliyotlarini yo‘lga qo‘yish va boshqalar), tabiatga, insonlarga va jamiyatga oqilona mas’uliyat bilan munosabatda bo‘lish, talabalarning ekologik yo‘naltirilgan faol kognitiv faoliyatini shakllantirish tajribasi bo‘lishi maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Bo‘lajak kimyo o‘qituvchilarining, umuman barcha fan o‘qituvchilarining ekologik kompetensiyasi oliy ta’lim muassasalarida taxsil olish jarayonida shakllantirib boriladi. Bunda albatta, oliy ta’lim muassasalari ekologiya kafedralarida ekologiya va ekologiyaga oid fanlardan mashg‘ulotlar olib borayotgan professor-o‘qituvchilarning bilimi, malakasi, tajribasi va albatta

ma'suliyati muhim o'rin tutadi. Bo'lajak o'qituvchilarga ekologik bilimlarni o'qitishning zamonaviy, innovatsion usullardan foydalanib tushuntirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasida "Ekologik ta'limni rivojlantirish konsepsiyasi". Toshkent sh. 2019 yil 27-may, 434-son qarori, 1-ilova.

2. Kiymet Selvi. "Axborot kommunikatsion texnologiya kompetensiyalari". Turkiya 2015, monografiya.

3. Xaludarova L.E. "Skvoznaya" ekologicheskaya kompetensiya uchitelya kak rezultat obrazovaniya dlya ustoychivogo razvitiya". 2020 T.14, №4 (49) s. 658-668. Cyberlenika.ru.

4. Sh. Mamajonov, M.Nishonov, S. O'rmonov "Atmosfera xavosini muxofaza qilish" Monografiya, 118 bet, Farg'ona,"Classic"nashriyoti, 2021y,

5. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziiyovning «Uzbekistan GTL» zavodining ochilish marosimida so'zlagan nutqidan, 2021 yil 25 dekabr.///.www. gazeta.uz.

# G'AFUR G'ULOM ASARLARINI IMMANENT VA KONTEKST YONDASHUVLARI ASOSIDA TAHLIL QILISH

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.025

*Saidova Nodira Mustakimovna*
*Buxoro davlat universiteti Boshlang'ich ta'lim nazariyasi kafedrasi o'qituvchisi*

*Annotatsiya. Maqolada adabiyot darslarilarini o'tish mobaynida olib boriladigan amaliy ishlar, asar tahlili,shu bilan birga pedagogik texnologiyalardan misol tariqasida immanent va kontekst yondashuvlari ko'rib chiqilgan. Bunda G'afur G'ulomning asarlari immanent va kontekst yondashuvlari asosida tahlil qilingan.Zamonaviy ta'limda yangilik sanalgan immanent yondashuvi va kontekst yondashuvlariga izoh berilgan.*

*Kalit so'zlar: Milliy mafkura, milliy qadriyat,pedagogik texnologiya,immanent ,kontekst*

Mustaqil izlanish,mafkura, ma'naviyat, axloqiy tarbiya, umuminsoniy qadriyatlar, milliy istiqlol g'oyasi immanent yondashuv ,kontekst yondashuv,pedagogik texnologiyalar, o'z-o'zini tarbiyalash.

Ta'lim tizimini tubdan isloh qilish bugungi kunning eng dolzarb vazifasi sanaladi. Bugungi davr o'qituvchisining har tomonlama zukko,bilimli,dono va albatta kuchli salohiyatli bo'lishi Ta'lim to'g'risidagi qonunda ham o'z ifodasini topgan.Shunday ekan,kitobxonlikka jalb qilish va kitobxonlik madaniyatini rivojlantirishga bo'lgan e'tiborni yanada kuchaytirish bugungi pedagog kadrlardan jonbozlikni talab qiladi..Buning uchun zamonaviy ta'lim sifati va samaradorligini yanada oshirish maqsadida fanda yangi pedagogik texnologiyalarga yondashgan holda ta'lim berish maqsadga muvofiqdir. Ta'lim sifatini oshirishda pedagogik texnologiyalar juda ahamiyatli sanaladi.O'zbekiston ta'limi maydoniga endigina qadam qo'yayotgan yangi yondashuvlar-immanent va kontekstual tahlil bugungi kitobxon uchun ilm sarhadlarini egallashda samarali natija beradi.

O'sib kelayotgan yosh avlod ilk ta'lim-tarbiyani maktab ostonasidan boshlaydi.Bunda o'qituvchi-murabbiy yelkasiga kattagina mas'uliyat yuklatiladi.Bilamizki,har qanday inson salohiyati tarbiyaviy faoliyatsiz,keng dunyoqarashsiz amalga oshmaydi.Yosh avlodni mukammal inson sifatida kamol topishida o'qituvchilarning o'rni va mehnati beqiyosdir.Buning uchun o'qituvchi ma'naviyatli,ma'rifatli keng mushohadali bo'lmog'i lozim. Ma'naviyat -ma'rifat, axloq singari tushunchalar har bir pedagog xodimning shuuriga aylanmog'i lozim.Shunday ekan,eng avval o'quvchiga tanlab o'qishni o'rgatgan holda,badiiy asar ustida to'xtalamiz.Zamonaviy ta'limda endi bo'y cho'zib kelayotgan ,asar tahlilida juda qo'l keladigan

texnologiyalar-immanent va kontekst yondashuvlarining xususiyatlarini ko'rib chiqamiz:

--kontekst atamasi (lotincha contextus—yaqin bog'lanish,bog'lanish) XX asr oxiridan boshlab zamonaviy filologiyaga kirib kelgan;

- adabiyotshunoslikda esa adabiy asar va undan tashqaridagi ,ham adabiy matnli,ham badiiy va matndan tashqari asoslar (tarjimayi holi,dunyoqarashi,ijodkorning o'ziga xosligi) o'rtasidagi cheksiz bog'lanish sohasidir.Ijodkor ijodining kontekslari juda xilma-xil bo'lib,ko'p jihatdan adabiy asarlarning xususiyatlarini bog'laydi. Kontekstual yondashuv badiiy matnda biografik, tarixiy, adabiy, madaniy, ijtimoiy va boshqa aloqalarni o'rnatadi. "Yaqin" kontekst M.M.Baxtin e'tiroficha, asarning ijodiy tarixi, muallif haqidagi biografik ma'lumotlar va adabiy kontekstni oʻz ichiga oladi. "Uzoq" kontekstlar – an'analar nuqtai nazaridan madaniy-tarixiy, ijtimoiy, mifologik, adabiy jarayon sanaladi. Bir qarashda, kontekstual yondashuv immanentdan ko'ra soddaroq. Ammo A.F. Losev shunday deb yozgan edi: "Ko'p adabiy va lingvistik kategoriyalar orasida matn va kontekst kategoriyalari diqqatni tortadi. Ular har doim umumiy tushunarli hisoblangan va ularning lingvistik, adabiy va san'atshunoslik tahliliga juda oz kiritilgan. Biroq, bu erda ham katta qiyinchiliklar mavjud. Shuni esda tutish kerakki, ilm-fandagi eng qiyin narsa bu intuitiv ravishda tushunarli va birinchi qarashda hech kimga qiyinchilik tug'dirmaydigan narsadir . chet el olimlari " Kontekst odatda , qandaydir tarzda berilgan matnni o'zgartirish" deb bilishadi.

-kontekst matn mazmuniga e'tibor berish va unga tayanish qobiliyati demakdir; Kontekst yondashuvida asosiy e'tibor matnga qaratiladi.Shunday ekan,matn muallifining tarjimayi holi,dunyoqarashi ,ijodkorning o'ziga xos tomonlariga tayangan holda tahlil qilinadi.Masalan,bu yondashuvga misol tariqasida G'afur G'ulomning serqirra ijodidan ayrim asarlarni tahlil qilamiz. Bilamizki, chinakam san'at asarlari tili xalqchillik ruhi bilan sug'orilgan bo'ladi,ya'ni asarda qo'llanilgan har bir so'z ,jumla,tasvir vositalari so'z o'yinlari kitobxonlar ommasiga tushunarli holatda ifodalaniladi.G'afur G'ulomning haqiqiy pedagog sifatida o'sib kelayotgan yosh avlod taqdiri uchun qattiq qayg'urganligi uning betakror asarlarida o'z ifodasini topadi:

Maktab qayoqda deysiz!
Nonning hatto o'zi yoq,
Bo'z yaktak ,yirtiq ishton,
Eshiksiz,o'tsiz,nursiz,
Vayronalar qup-quruq,
Xalq tentirar parishon

"Bayram maktubi"nomli mazkur she'rini kontekst yondashuv asosida tahlil qilsak, bunda ko'z oldimizda matn muallifining hayoti ,turmush

tarzi,orzu-umidlari gavdalanadi. Dahshatli urushning noxush manzaralari namoyon bo'ladi.Ota-onasidan erta yetim qolgan yosh G'afur allaqachon eski maktabda o'qishni tashlab ,tirikchilik payiga tushgan,xalqning turmushi qiyinlashgan.Matn muallifi o'sha og'ir, dahshatli kunlarni eslaydi,ichki tuyg'ularini bayon qiladi. Ota-onasidan erta ajralgan,endigina o'n besh bahorni ko'rgan G'afur singillari bilan qoldi. Bu oilada eng kattasi G'afur bo'lganligi bois,u ro'zg'or tebratishi,singillariga qarashi lozim edi:

Yodimda yoshligimning nihollik chog'i edi,
Bo'z ko'ylak ,yalang oyoq ,yetimman aftodahol,
Qo'riqchilik qilardik,kimningdir bog'i edi
Bir chaylada men bilan Nazir ota degan chol--

deya eslaydi shoir o'sha tentirab yurgan yillarini "Avgust "she'rida.Boy eshigida yugurdak bo'lib yurgan G;afurni boshini kim ham silardi.Qorni och,oyoqyalang, uvada kiyimli xizmatkor bolaning kelajagini kim ham o'ylardi. Demak,kontekst yondashuvi asosida shunga diqqat qilish lozimki, matn muallifining hayotiy tajribasi bilan matn o'rtasida uzviylik,o'zaro bog'liqlik mavjud. G'afur G'ulomning hikoyalarini ham immanent va kontekst yondashuvlari asosida tahlil qilish mumkin.Masalan,5-sinf adabiyot darsligida mavjud bo'lgan "Mening o'g'rigina bolam "hikoyasini olsak; Hikoya sarlavhasidan so'ng "voqeiy hikoya" jumlasini o'qiymiz.Bunda muallif bevosita o'zi guvohi bo'lgan voqea haqida so'zlab beradi.Bu esa immanent va kontekstual yondashuvlar tahlilda juda qo'l keladi.Muallif o'zi yozgan asarda hayotiy kechmishlaridan bir manzarani tasvirlab beradi. Asarni kontekst yondashuvi asosida tahlil qilishda eng avvalo, matn yuzasidan lug'at so'zlar qatorini tashkil etish juda yaxshi samara beradi.Chunki matnda tushunilishi qiyin bo'lgan so'z va iboralar ko'p.Jumladan,

-qush uyqusi-juda kam uxlash
turmuchlab-buklab
anqoga shapig'-nihoyatda tansiq,kam
qut-boyamut-yetarli ovqat
chavati non-oshirilmagan xamirdan qilinadigan yupqa non
ayolmand-ko'p bolali
sirach-kosiblar ishlatadigan yelim
hammol-yuk tashuvchi mardikor
g'ulomgardish-hovli darvozasi yonida qullar yashaydigan kulba

Bu matnni kontekst yondashuvi asosida tahlil qilmoqchi bo'lsak,ijodkor boy mazmunga ega bo'lgan matn tuzgan.Unda dialogdan keng foydalangan. Matndagi ikki obrazning ijobiy va salbiy xususiyatlarini suhbat jarayonida namoyon bo'lgan.Roqiya buvi- ijodkor nazdida barcha o'zbek ayollari qiyofasining tasviri.Quyoshning taftida toblanib,yuzlari qoraygan,qora mehnatdan qo'llari qadoq bo'lgan bu ayol –hayotining mazmunini ana

shu to'rtta yetimda deb biladi. Urush yillari,ocharchilik,xalq hayotining mashaqqatlari katta mahorat bilan bayon qilinadi. Muallif halol topib kun ko'rish naqadar lazzatli ekanligi ,mashaqqatsiz taomda ta'm bo'lmasligiga,halol luqmaga va tarbiyaga alohida ishora qiladi.Uning nazdida, baxtli bo'lish kaliti-mehnatda va tinchlikda. Kontekst yondashuviga asosan,matn muallifining o'ziyam juda mehnatkash hamda jonkuyar. Buni biz G'afur G'ulomning tarjimayi holi asnosida bilamiz,ya'ni oilasini boqish uchun aravakashlik qilganligi,bosmaxonada harf teruvchi bo'lib kun ko'rganligi haqidagi ma'lumotlarni o'qiganmiz.Ayni o'rinda matn g'oyasidan kelib chiqib ,ijodkorning o'ziyam o'ta mehnatkashligiga alohida urg'u berishi kerak.Bundan tashqari matn mohiyatida tarbiyaga ham alohida urg'u berilgan-ki,buni Roqiya buvi va o'g'rining nutqida kuzatamiz.O'zbek ayollariga xos bo'lgan bolajonlik,mehmondo'stlik ,g'amxo'rlik,soddalik singari qator fazilatlar barobarida ,yetim bolalar taqdirini o'ylab uxlolmasligi muallif tomonidan katta mahorat bilan hikoya qilingan. Nochorlikdan o'g'rilik qilishga majbur bo'lgan o'g'rining esa andishali va farosatli ekanligi ham kitobxonni o'ziga jalb qiladi. Demak,kontekst yondashuvida matn muallifining hayotiy tajribasi bilan matn o'rtasida uzviylik,o'zaro bog'liqlik mavjudligi muhim sanaladi.Aynan asar matnini tahlil qilishda muallif tasvirlagan davr albatta inobatga olinadi.

Adabiyot darslarida immanent yondashuvidan ham keng foydalansa,o'quvchilar o'zlashtirishida samarali natija kuzatiladi. Immanent atamasini fanga birinchilardan bo'lib nemis olimi Immanuel Kant olib kirdi. Kant axloqni shaxsning immanent sifatlaridan biri deb hisobladi.

Immanent - o'rganilayotgan ob'ektning tabiatiga, uning ichki dunyosiga, matndan tashqari hissiyotlarga xosdir. Immanent yondashuv yoki tahlil so'zning mazmuniga muvofiq asarning mohiyati va tuzilishiga, uning rasmiy elementlariga, ularning munosabatlariga va vazifalariga qaratilgan matndan tashqariga chiqishni nazarda tutadi. Ushbu yondashuv tamoyillari 1920-yillarda A.P. Skaftymovning fikriga ko'ra, «Asar kompozitsiyasi o'z-o'zidan uni talqin qilish me'yorlariga ega va shuning uchun asarni tashkil etuvchi barcha birliklarni to'liq kuzatgan holda, rasmlar, epizodlar, sahnalar, muallifning tushuntirishlari va boshqalar)ni o'z ichiga oladi.Immanent yondashuvni bir necha bor M.L. Gasparov tomonidan tahlil qilingan va u tomonidan «Yana bulutlar ustimda ...», va «Tahlil usullari» maqolalarida keltirilgan. M.Yu. Lotman bu yondashuvni monografik deb atadi va matnni «birinchi so'zdan oxirgi so'zgacha» dastlabki ko'rib chiqish sifatida tan olgan. Immanent yondashuvi matn tahlili bilan aloqador texnologiya sanaladi. Ilmiy ma'lumotlarda "immanent"atamasi"Tashqi ta'sirlardan qat'iy nazar ,ob'ektning o'ziga xos tabiatiga ega "deb beradi.Ya'ni immanent yondashuvi faqat matnning ichki mazmuni va tuzilishiga e'tibor qaratadi,matnda mavjud

bo'lgan tomonlarga tayanadi. Immanent so'zning mazmuni va tuzilishiga ,ularning munosabatlariga qaratilgan matndan tashqariga chiqishni nazarga tutadi.Bunda matndagi obrazlarning ichki dunyosi tahlil qilinadi. Ayni o'rinda matndagi obrazlar- Roqiya buvi va o'g'rining tabiati ,o'ziga xos xususiyatlari,ularning ichki dunyosi,dunyoqarashi immanent tahlil sanaladi.Yana shuni alohida aytish joizki,bunda ijodkor insonlar qiyofasini shu ikki qahramonda aks etgan.Ya'ni mehnatkash ,halol inson qiyosasini Roqiya buvi misolida ,andishali va vijdonli kishi sifatida o'g'ri obrazini tanlagan.Ikki suhbatdoshning dardlari,orzu-umidlari,kelajakka ishonch singari beg'ubor tuyg'ulari hamohang bo'lganligi bois ham ular yurakdan suhbatlashishardi.O'zbek ayollariga xos bo'lgan soddalik bilan aytilgan " E, mening o'g'rigina bolam…" degan Roqiya buvining erkalatib aytgan so'zlari ham matn tahlilida muhim sanaladi.Chunki shu birgina so'z bu ayolning tabiati ,fe'l-atvoridan darak beradi.Bir parcha non bilan inson qorni to'yadi,lekin yetim bolalar taqdiri ,ularning turmushidan xavotir oladigan Ona kechalari uxlolmay to'lg'anib chiqadi.G'afur G'ulom mazkur obrazning adabiy portretini katta mahorat bilan chizadi.Aynan immanent tahlilda mant mazmuni muallif hayoti ,turmushi bilan bevosita bog'liq.Bu holat esa o'quvchiga mant mohiyatini chuqur anglashga yordam beradi.Og'zaki va badiiy matnlarni o'zlashtirishning turli yo'llari mavjudki,ilmiy manbalarda o'ziga xos holatda tahlil qilinadi.Shu bilan birga ,zamonaviy adabiy tanqidda og'zaki badiiy asarlarga nisbatan umumbashariy ahamiyatga ega bo'lgan ba'zi yondashuvlar aniq ko'rinadi va ko'pincha bevosita shakllantiriladi.Asarlarni o'rganish metodologiyasi va usullarni tavsiflovchi ilmiylik,tahlil,talqin kabi tushunchalar birlashtiriladi.Zero, matnni o'rganishning immanent va kontekstual yondashuv usullari adabiy tanqid olamiga kirib keldi.Adabiy tanqid immanent va kontekstual yondashuvlarni adabiyot darslarida mantnni tahlil qilishning eng samarali usullaridan biri deb biladi.

Ayni o'rinda shuni ham ta'kidlash darkorki,adabiyot darslarida sinfdan tashqari mashg'ulotlar jarayonida,kitobxonlar anjumani,badiiy asar tahlili,konferensiya darslari singari bir qator tadbirlarni tashkil qilishi mumkin. Bo'lajak o'qituvchilar o'quvchilarning ma'nan va axloqan yetuk ,keng dunyoqarashli bo'lishlarida adabiyot darslarining ahamiyati beqiyosligini chuqur anglagan holda, quyidagilarga alohida e'tibor berishlari kerak;

-eng avval kitobga muhabbat uyg'otish;
-kitobni tanlab o'qishga o'rgatish;
-o'quvchilar o'rtasida do'stona raqobatni yaratish;
-bahs-munozara odobini tushuntirish;
--o'quvchilarni vatansevarlik ruhida tarbiyalash;
-sinfdan tashqari intellektual faoliyatni tashkil etish;

-ma'naviy-axloqiy tarbiya garovi sifatida o'quvchilar o'rtasida sog'lom turmush tarzini shakllantirish uchun shart-sharoitlar yaratish;

Bugungi zamonaviy yosh avlodni tarbiyalash, biz, pedagoglar oldida juda dolzabr vazifalarni qo'yadi. O'sib kelayotgan yosh avlodning har tomonlama barkamol, salohiyati baland, irodasi baquvvat bo'lib yetishi uchun keng jamoatchilik o'rtasida ma'naviy-ma'rifiy faoliyatimizni yuksak darajada ko'tarishning ahamiyati beqiyos. Ma'naviy-axloqiy tarbiya va milliy mafkura xalqning maqsadlarini ifodalar ekan, demak milliy istiqlol mafkurasini xalqimiz qalbi va ongiga singdirish yoshlikdan boshlanadi va yillar davomida to'ldirib boriladi. Shu sababli, bu maqsad ta'lim-tarbiya sohasida asosiy vazifa bo'lib sanaladi.Adabiyot xalqning asliy orzu-intilishlarini, hayotiy ko'rinishlarini o'zida aks ettiradi. Insoniyat tarix sahifalarini varaqlaganida, beixtiyor ma'naviy-madaniy yodgorliklarni o'rganishga ehtiyoj sezadi. Umri davomida unga tayanadi,undan xulosa chiqaradi va yosh avlodga o'rgatadi. Bu borada o'qituvchi pedagoglar yelkasiga mas'uliyat yuklatiladi. Yosh avlodni milliy va umuminsoniy qadriyatlar, ma'naviy-axloqiy qadriyatlar ruhida tarbiyalash asosiy tamoyil qilib olinadi. Ta'lim-tarbiya jarayonida bu sohadagi vazifalarni amalga oshirishda sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlarni tashkil etish, ularning yaxlit tizimini yaratish zarur. O'sib kelayotgan yosh avlod milliy qadriyatlar, milliy istiqlol mafkurasi singari g'oyalarni darsdan tashqari mashg'ulotlarda amalga oshirish asosiy maqsad bo'lmog'i lozim. Kelajak avlodni Vatanga sadoqat ruhida tarbiyalash, undan faxrlanish hissini uyg'ota bilish, Vatan boyliklarini saqlash salohiyatini mustahkamlash maqsadida milliy g'urur va milliy o'zlikni anglash tamoyillarini yoshlar ongiga singdirishlari lozim. O'z-o'zini tarbiyalash, o'zini kerakli inson deb his qilish tuyg'ularini o'sib kelayotgan yosh avlod shuuriga aylantirish bugungi zamonaviy pedagoglarning asosiy vazifalaridandir. Shu asosda inson kamolotining o'zi ijtimoiy muhitni sog'lomalashtirish ehtiyojini keltirib chiqaradi va shaxsning barkamollikkka bo'lgan ehtiyojini kuchaytiradi. Inson ruhiy olamining rivojlanishi uning faoliyatida o'z-o'zini tarbiyalash jarayoni yo'nalishini, mazmun, shakl va metodlarni ijtimoiy zaruriyatga aylantiradi. Shaxsning o'z-o'zini tarbiyalashi o'zligini namoyon qila olishida, hayotda o'z o'rnini topa olishida uning ijtimoiy faol o'rnini belgilovchi ahamiyat kasb etadi. Demakki, yosh avlodning ma'naviy-axloqiy tarbiyalanishida uni o'rab turgan sog'lom muhit ham alohida o'ringa ega.G'afur G'ulom asarlari aynan o'zida insoniylik tuyg'ularini mujassam qilgan,komillik sarhadlari bilan sug'orilgan adabiyotimizning bebaho xazinasi sanaladi.Zero,muallif qahramonlari o'zini Vatan ,el-yurt sha'ni,qadr-qimmati uchun jonini qalqon qilishga tayyor turguvchi o'zbek farzandlaridir.

# MAKTAB O'QUVCHILARIDA MATN BILAN ISHLSH KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.026

*Muxtarova Shaxnoza Mashrabovna*
*Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika universiteti*

*Annotatsiya: Mazkur maqolada o'quvchilarning kreativ fikrlash ko'nikmalarini shakllantirishga oid ta'limiy topshiriqlar borasida so`z yuritiladi. Xususan, o'quvchilar bilimini mustaqil fikrlashga undovchi matnlar asosida atroflicha tatbiq qilingan.*

*Kalit so'zlar: PISA, xalqaro tadqiqot, og'zaki nutq, yozma nutq, o'qish savodxonligi, matn.*

# THE ROLE OF WRITING WORK IN IMPROVING STUDENT LITERACY

*Muxtarova Shaxnoza Mashrabovna*
*Chirchik State Pedagogical Univesitete of Tashkent region*

*Abstract: This article talks about educational tasks related to the formation of students' creative thinking skills. In particular, the students' knowledge was comprehensively implemented on the basis of texts encouraging independent thinking.*

*Keywords: PISA, international research, speaking, writing, reading literacy, text.*

Globallashuv sharoitida shiddat bilan rivojlanib borayotgan davr davlat va jamiyat oldiga dolzarbligi va qamrovi kun sayin ortib borayotgan zamonaviy talablarni qo'ymoqda. Olamshumul strategik maqsadlarga erishish, yangi marralarni zabt etish, rivojlangan davlatlar qatoridan o'rin olish uchun mamlakatda bilimli, tajribali va zamonaviy fikrlaydigan yuksak salohiyatli kadrlar, mutaxassislarning o'rni beqiyos. Bunday raqobatbardosh kadrlarga bo'lgan ehtiyojni qondirish zamirida inson kapitali, sodda qilib aytganda, inson, uning salohiyatini kashf etish hamda uni buyuk maqsadlarga erishishga safarbar qilish kabi ulug'vor vazifalar turadi.

1961-yilda ish boshlagan Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti (Organisation for Economic Cooperation and Development – OECD) o'tgan davr mobaynida moliyaviy sohada yuzaga kelgan turli muammolarning yechimini topish ustida izlanishlar olib bormoqda. Ayniqsa, yangi asr ostonasida ushbu tashkilot negizida dunyo ta'limining asosiy bo'g'ini bo'lgan umumiy o'rta ta'limni rivojlantirish maqsadida PISA (The Programme for International Student Assessment) – O'quvchilar savodxonligini baholash

bo‘yicha xalqaro dastur ishlab chiqildi. Iqtisodiy tashkilotning ta’lim sohasiga murojaat etishining boisi, har qanday soha uchun kadrlar maktablarda, oddiy sinfxonalarda ulg‘ayishidir. Shu ma’noda OECDdek ulkan tuzilma ham davlatlarning ta’lim tizimiga qancha mablag‘ sarflayotgani va ular nechog‘li samara berayotgani reytingini tuzishga majbur bo‘ldi. Keyinchalik bu tadqiqotga boshqa davlatlarning ham qiziqishi ortib, unda qatnasha boshladi[1].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” 2019-yil 29-apreldagi PF-5712-sonli Farmoniga muvofiq umumiy o‘rta va maktabdan tashqari ta’limni tizimli isloh qilishning ustuvor yo’nalishlarini belgilash, o‘sib kelayotgan yosh avlodni ma’naviy-axloqiy va intellektual rivojlantirishni sifat jihatidan yangi darajaga ko‘tarish, o‘quv-tarbiya jarayoniga ta’limning innovatsion shakllari va usullarini joriy etish maqsadida, O‘zbekiston Respublikasining 2030-yilga kelib PISA xalqaro dasturi reytingida jahonning birinchi 30 ta ilg‘or mamlakatlari qatoriga kirishiga erishish hamda xalq ta’limi tizimida ta’lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish asosida o‘quvchilarning o‘qish, matematika va tabiiy yo‘nalishdagi fanlardan savodxonlik darajasini baholashga yo‘naltirilgan ta’lim sifatini baholashning milliy tizimini yaratish vazifalari belgilangan[2]. Konsepsiya doirasida, o‘quvchilarning tanqidiy fikrlash, axborotni mustaqil izlash, tahlil qilish malakalari va kompetensiyalarining rivojlanishiga alohida urg‘u berishni hisobga olgan holda, zamonaviy innovatsion iqtisodiyot talablariga javob beradigan umumta’lim dasturlari va yangi davlat ta’lim standartlarini joriy etish, o‘quvchilarning bilim darajasini baholashda ta’lim sifatini baholash bo‘yicha xalqaro PISA, TIMSS, PIRLS va boshqa dasturlarda doimiy ishtirok etish nazarda tutilgan. Shuningdek, xalq ta’limi tizimida ta’lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish, xalqaro aloqalarni o‘rnatish, o‘quvchi-yoshlarning ilmiy-tadqiqot va innovatsion faoliyatini, eng avvalo, yosh avlodning ijodiy g‘oyalari va ijodkorligini har tomonlama qo‘llab-quvvatlash hamda rag‘batlantirish maqsadida hukumat qaroriga muvofiq:

O‘quvchilarning savodxonligini baholash bo‘yicha xalqaro dastur (The Programme for International Student Assessment – PISA);

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining matnni o‘qib tushunish darajasini baholash xalqaro dasturi (Progress in International Reading and Literacy Study – PIRLS);

O‘quvchilarning matematika va tabiiy yo‘nalishdagi fanlardan o‘zlashtirish darajasini baholash dasturi (Trends in International Mathematics and Science Study TIMSS);

Rahbar va pedagog kadrlarning umumiy o‘rta ta’lim muassasalarida o‘qitish va ta’lim olish muhitini hamda o‘qituvchilarning ish sharoitlarini o‘rganish bo‘yicha xalqaro baholash dasturlarini (The Teaching and Learning International Survey – TALIS) tashkil etishga kirishildi[3].

Ushbu maqsad yo‘lida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ta’lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi huzurida Ta’lim sifatini baholash bo‘yicha xalqaro tadqiqotlarni amalga oshirish milliy markazi tashkil etildi[4].

Shu bilan birga, Milliy markazga hukumat qarori asosida, xalqaro tadqiqotlarning baholash dasturlari yo‘nalishlaridagi savollar milliy bazasini shakllantirish, xalqaro tadqiqotlar haqida qo‘shimcha metodik qo‘llanma va adabiyotlar yaratish, iqtidorli pedagog kadrlarni xalqaro baholash dasturlari bo‘yicha ilmiy tadqiqotlarga jalb qilish vazifalari yuklatildi.

PISA – o‘quvchilarning o‘qish (matnni tushunish), matematika va tabiiy fanlardan savodxonlik darajalarini baholashga qaratilgan xalqaro baholash dasturi bo‘lib, o‘quvchilarning maktab davrida orttirgan bilim va ko‘nikmalarini real hayotiy vaziyatlarda qay darajada qo‘llay olishlarini aniqlashga mo‘ljallangandir[5]. Shuningdek, PISA dasturi o‘quvchilarning ta’lim olishga bo‘lgan munosabati va motivatsiyasi haqida qimmatli ma’lumotlarni to‘plash bilan birga, ularda muammoni hal qila olish kabi ko‘nikmalarni ham baholaydi. Masalan, global ahamiyatga ega bo‘lgan masalalarni hal etishda o‘quvchi-yoshlarning fikr-mulohazalari va ular bergan taklif va yechimlarni baholaydi.

Dunyo mamlakatlarida PISA dasturiningnatijalari asosida o‘quv dasturlarida mavjud bo‘lgan talablar doirasida o‘quvchilarning bilim va ko‘nikmalarni amaliyotda qo‘llash, fikrlash va muloqot qilish qobiliyatlariga baho beriladi[6].

PISAning asosiy vazifasi – mamlakatlarni ta’lim sohasidagi davlat siyosatiga oid ma’lumotlar bilan ta’minlash va qarorlar qabul qilishda ularni qo‘llab-quvvatlashdan iboratdir.

PISA – o‘quvchilarning asosiy mavzularda bilim va ko‘nikmalarini qo‘llay olish qobiliyati, muammolarni tahlil qilish, sharhlash va samarali hal qilish, fikrlash va muloqoqt qilish imkoniyatlarini o‘rganadi. Bunda savollarning murakkablik darajasidan kelib chiqqan holda, o‘quvchilar tomonida berilgan javoblarning to‘liqligiga qarab, “javob to‘liq qabul qilinadi”, “javob qisman qabul qilinadi”, “javob qabul qilinmaydi” mezonlari bo‘yicha baholanadi. PISA baholash dasturi orqali quyidagi muammolar tadqiq etiladi:

- yoshlarimiz kelajak hayotlarida duch kelishi mumkin bo‘lgan to‘siqlarni yengib o‘tishga qanchalik tayyorligi;
- o‘quvchilarning yuzaga kelgan muammo sabablari va yechimlarni tahlil qilish, izlash, aniqlash va o‘z g‘oyalarini taqdim eta olish qobiliyatiga egaligi;

- oʻquvchilarning olgan bilim, koʻnikmalarini real hayotiy vaziyatda qoʻllay olish qobiliyatiga egaligi[7]. Ona tili va adabiyot darslarida oʻquvchilarning oʻqish savodxonligi asosiy oʻrinni egallaydi. Oʻqish savodxonligi - shaxs oʻzining bilim va salohiyatni rivojlantirish, jamiyatda oʻz oʻrnini topish yoʻlida matnlarni tushunish, ulardan foydalanish, ular ustida mulohaza yuritish hamda ularga munosabat bildirish qobiliyati demakdir. PISAdagi dalillar va boshqa amaliy tadqiqotlardan foydalangan holda ushbu soha taʻrifiga baʻzi muhim oʻzgartirishlar kiritildi va puxta ishlab chiqildi. Oʻqish va oʻqish savodxonligi bir-biridan farq qiluvchi tushuncha ekanligi anglashimiz kerak.

Xalqaro baholash oʻz ichiga matn tarkibidan alohida olingan soʻzning maʻnosini tushuntirishdan tortib, matnning fonetik, leksik, grammatik qurilishini anglash hamda matndan olingan tushunchaning oʻzini hayotiy voqea-hodisalar bilan bogʻlay olish kabi qator aqliy faoliyat va til kompetensiyalarini qamrab oladi. Oʻqish savodxonligi orqali oʻquvchi tushunish, foydalanish, mulohaza yuritish hamda munosabat bildirish kabi ko`nikmalarga ega boʻladi. Oʻqish savodxonligi zaruriyatining asoslari quyidagilardan iborat:

- matn orqali oʻquvchining tinglab tushunish, gapirish, oʻqish, yozish koʻnikmalari shakllanadi;
- oʻquvchi matn tuzish texnikasini oʻrganadi; oʻquvchi matn lugʻati bilan ishlash jarayonida qanday soʻzlardan foydalanish kerakligi, shu oʻrinda aynan qanday soʻz qoʻllansa, oʻrinli boʻlishini tushunadi;
- oʻquvchi matndan savol berishni oʻrganadi, aytilmoqchi boʻlgan asosiy fikrni anglab, uni qisqa va mazmunli jumlada aks ettirish koʻnikmasini shakllantiradi;
- lugʻat bilan ishlash jarayonida oʻquvchi oʻzi uchun yangi boʻlgan soʻzlar izohini oʻrganadi, uning lugʻat boyligi oshadi[8].

5-sinf ona tili darsligida berilgan “Orzuga erishish yoʻli” mavzusidagi matni oʻquvchilarni mantiqiy kreativ fikrlashga undovchi matn hisoblanadi. Dastlab matn oʻqituvchi tomonidan oʻqib beriladi yoki audio yozuv varianti tomonidan eshittiriladi, oʻquvchilar matnni kuzatib boradilar. Bu orqali oʻquvchilarning tinglab tushunish koʻnikmalari shakllantiriladi.

Orzuga erishish yoʻli

Otasining ishi sababli Anvarning oʻqishi doim uzilib qolar edi. Oʻrta maktabdaligida katta boʻlganida kim boʻlmoqchi va nima qilmoqchiligi haqida oʻqituvchisi insho yozib kelishini aytdi. Anvar kechasi bilan uxlamasdan oʻylab chiqib, kelajakda ot fermasi boʻlishini orzu qilgani haqida yetti betli insho yozdi. Hatto, orzusidagi 200 gektarlik fermasining chizmasini ham chizdi. Binolar, ogʻilxonalar va otlar uchun yugurish joylarining qayerda boʻlishini ham koʻrsatdi. Bunga qoʻshib bu fermaga mos 1000 m2li uyning

chizmasini ham chizdi. Inshosini qalbiga quloq solib yozgan edi. Ikki kundan keyin insho baholandi. Qogʻozning ustiga qizil ruchka bilan kattakon “0” qoʻyilgan va “Darsdan keyin mening oldimga kir!” – deb yozilgan edi.

– Nega “0” oldim ? – deb soʻradi Anvar oʻqituvchisidan.

– Bu sening yoshingdagi bola uchun ushalmaydigan orzu! – dedi oʻqituvchisi.

– “Puling yoʻq. Nuqul koʻchib yuradigan oiladansan. Ot fermasi qurish uchun katta mablagʻ va pul kerak. Bu orzung xomxayol. Agar inshongni toʻgʻrilab yozib kelsang, bahongni koʻtarib berishim mumkin”, – deb qoʻshib qoʻydi.

Anvar uyiga qaytdi. Dadasiga boʻlgan voqeani aytib berdi.

– Oʻgʻlim, – dedi dadasi, bu masalada oʻzing qaror qilishing kerak. Bu sening hayoting boʻlgani uchun juda muhim!

Anvar bir hafta oʻylaganidan keyin, inshoning biror harfini oʻzgartirmasdan, oʻqituvchisiga qaytarib olib bordi.

“Siz qoʻygan bahongizni oʻzgartirmang, men esa orzularimni…” – dedi.

Oʻsha bola hozir 200 gektarli fermasining yonidagi 1000 m2 li uyida yashayapti. Bir necha yillar avval yozgan inshosi esa ramkada osilib turibdi.

Oʻquvchilarning gapirish malakarini shakllantirish uchun quyidagi savollar bilan murojaat qilish mumkin: 1. Anvarning qaysarligi uning hayotida qanday rol oʻynadi? 2. Nega Anvar inshoni ramkaga solib qoʻygan deb oʻylaysiz? 3. Anvarning shunday yutuqlarga erishishiga undagi qaysi xususiyatlar yordam bergan deb oʻylaysiz?

Mantiqiy kreativ fikrlashga undovchi topshiriqlar:

1. Gapni davom ettiring: Siz qoʻygan bahongizni oʻzgartirmang, men esa … a)*orzularimni; b)fikrlarimni; c)maktabimni; d)inshomni.

2. Toʻgʻri javobni belgilang: Anvarning qaysarligi uning hayotida qanday rol oʻynadi? a) oʻqituvchi “0” bahosidan voz kechmadi; b) Anvar boshqa maktabga oʻqishga ketdi; c)* orzulariga yozganidan ortiq erishdi; d) xomxayolligi natija bermadi.

3. Fikrni davom ettiring: Ertaga oʻqituvchisiga topshiradigan inshosini…a) otasining fikrlarini eshitib yozgandi. b)*qalbiga quloq solib yozgandi. c) katta-katta yozib jonlantirgandi. d) “u sening hayoting boʻlgani uchun oʻzing qaror chiqar”.

4. Quyidagi savollarni yozib olib, javob bering. Oʻqituvchi qoʻygan bahoni toʻgʻri deb oʻylaysizmi? a) Toʻgʻri, chunki oʻqituvchi hayotga real qaradi va xomxayol deb bildi. b) Toʻgʻri, chunki bu baho bola uchun turtki boʻlib, harakatni kuchaytirdi. c)Notoʻgʻri, chunki oʻquvchining ishonchini soʻndirib qoʻyish mumkin. Nega Anvar inshoni ramkaga solib qoʻygan deb oʻylaysiz? a)Bolalik kunlaridan esdalik edi. b)Orzusiga yetishib, oʻqituvchiga

ko‘rsatmoqchi edi. c)Ilojsiz narsaning o‘zi yo‘qligiga insho ishora edi. Anvarning shunday yutuqlarga erishishiga undagi qaysi xususiyatlar yordam bergan deb o‘ylaysiz? a)Ham yozib, ham chizib, ham fikrlay olishi. b)O‘ta qat’iyatliligi, qaysarligi. c)Tirishqoqligi, o‘z so‘zining ustida turishi

Quyidagi maqollardan qaysi biri mantiqan matndagi voqeaga mos kelmaydi?

a) Bo‘ridan qo‘rqadigan podani uddalay olmaydi. (Fors maqoli) b) O‘z kuchingga ishonmasang yo‘qolasan. (Udmurd maqoli) c) Muhimi tez yugurish emas, ertaroq yugurishdir. (Fransuz maqoli) d) Qaysi barmog’ingni tishlama, hammasi og‘riydi. (Qozoq maqoli)

Quyidagi maqollardan qaysi biri mantiqan matndagi voqeaga mos keladi?

a) Odamlar o‘zlarining aqli va o‘zgalarning boyligini hamisha oshirib gapiradilar. (Hind maqoli) b) Baxtni izlamaydilar, uni mehnatda topadilar. (Udmurd maqoli) c) Dushman qancha aqlli bo‘lsa, shu qadar xavfli. (Tojik maqoli) d) To‘rga ilingan hamma narsa ham baliq emas. (Portugal maqoli)[9]

Xulosa o‘rnida aytish mumkinki, topshiriq talablariga o‘quvchining shaxsiy yondashuvi vazifani bajarish jarayonida alohida o‘rin egallaydi. O‘qish maqsadining tuzilishi, o‘quvchining qiziqishi, bilimidan kelib chiqib berilgan topshiriqlar muhim ahamiyat kasb etadi. O‘quvchi matnga savol berishni o‘rganadi. Aytilmoqchi bo‘lgan asosiy fikrni ajratib oladi. Savollarga xoh to‘g‘ri, xoh noto‘g‘ri javob berish jarayonida mustaqil fikrlaydi. Ba’zi matnlarga sarlavha qo‘yilgan, ba’zilariga esa yo‘q. Sarlavha tanlash jarayonida matndagi asosiy fikrni anglab yetib, uni qisqa va mazmunli jumlada aks ettirishni o‘rganadi. Lug‘at bilan ishlash jarayonida o‘quvchi o‘zi uchun yangi bo‘lgan so‘zlar izohini o‘rganadi, lug‘at boyligi oshadi.

PISA tadqiqotlarida o‘qish savodxonligini baholashda nafaqat o‘quvchilarning bajargan topshiriqlari, balki ularning tashqi muhit, hayotiy harakatlarni qabul qilish ko‘nikmalariga egaligi ham inobatga olinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. [O‘quvchilarni xalqaro tadqiqotlarga tayyorlashga mo‘ljallangan axborotnoma] Toshkent – 2021. 3-son.

2. [Xalqaro tadqiqotlarda o‘quvchilarning o‘qish savodxonligini baholash]. Metodik qo‘llanma. Toshkent – 2019.

3. A.B.Radjiyev, A.A.Ismailov, J.R.Narziyev, X.P.Tog‘ayeva, [O‘quvchilar savodxonligini baholash bo‘yicha xalqaro tadqiqotlar dasturi], Qo‘llanma, 2019-yil.

4. [Ona tili]. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. Toshkent – 2020.

5. [PISA for development assessment and analytical framework: reading, mathematics and science] © OECD 2018

6. [Международный координационный центр исследования] TIMSS – http://timss2015.org/.

7. A.B.Radjiyev, A.A.Ismailov, J.R.Narziyev, X.P.Tog'ayeva, [O'quvchilar savodxonligini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqotlar dasturi], Qo'llanma, 2019-yil.

8. [Maktab o'quvchilarida hayotiy ko'nikmalarni rivojlantirish]. Filologiya fanlari o'qituvchilari uchun metodik qo'llanma. Ta'lim, fan va madaniyat ishlari bo'yicha Birlashgan Millatlar Tashkiloti (YUNESKO) tomonidan 2021-yil nahr etilgan. ЮНЕСКО, 2021.

9. [Ta'lim sifatini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqotlarni amalga oshirish milliy markazi veb-sayti] www.markaz.tdi.uz.

# O‘QUVCHILARNING IJTIMOIY KOMPETENLIGINI IJTIMOIY TARMOQLAR VOSITASIDA RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY VA AMALIY JIHATLARI

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.027

*Quzmanova Gulhayo Boxodirovna*
*Chirchiq davlat pedagogika universiteti Boshlang‘ich ta’lim fakulteti Boshlang‘ich talim metodikasi kafedrasi o‘qituvchisi*

*Annotatsiya. Hozirgi kunda butun dunyoda globallashuv, madaniyatlar aralashuvi jarayoni kechmoqda. Bu murakkab jarayonda o’quvchilarga ta’lim tarbiya berish ularni ijtimoiy kompetentligini rivojlantirish muhim vazifalarimizdan biridir. Shuningdek, axborot texnologiyalari kundalik hayotimizga shu qadar shiddat bilan kirib kelyaptiki, ayniqsa ijtimoiy tarmoqlarning butun jamiyat tarqqiyotidagi jarayonlarga ta’siri tez suratlarda o‘sib bormoqda, bu esa foydalanuvchilarning ko‘plab axborot oqimlarining harakati va o‘zgarishi kabi imkoniyatlarni yaratdi. Shuningdek yangi axborotlar muhiti shaxsning ijtimoiylashish jarayonida muhim vosita bo‘lib xizmat qilishini ko‘rsatadi.*

*Kalit so‘zlar: tarmoq, kompetentlik, axborot, itimoiy, texnologiya, maktab o’quvchi, qobiliyat, kompetensiya, o’qituvchi, internet, Facebook, Twitter, Myspace, Istagram, informatika, tarbiya, zamonaviy, ta’lim, multimedia, vedio*

# ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ СТУДЕНТОВ ПОСРЕДСТВОМ СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ

*Кузманова Гулхаё Боходировна*
*Преподаватель кафедры методики начального образования факультета начального образования Чирчикского государственного педагогического университети*

*Аннотация. В настоящее время во всем мире происходит процесс глобализации и смешения культур. В этом сложном процессе обучение студентов и развитие их социальной компетентности является одной из наших важных задач. Также информационные технологии так стремительно входят в нашу повседневную жизнь, особенно быстро растет влияние социальных сетей на процессы развития всего общества, что создало возможности для движения и изменения многих информационных потоков пользователей. Также показано, что новая информационная среда служит важным инструментом в процессе социализации человека.*

*Ключевые слова: сеть, компетенция, информация, социальная, технология, школьник, способность, компетенция, учитель, интернет, Facebook, Twitter, Myspace, Istagram, информатика, образование, современное, образование, мультимедиа, видео*

**THEORETICAL AND PRACTICAL ASPECTS OF THE DEVELOPMENT OF SOCIAL COMPETENCE OF STUDENTS THROUGH SOCIAL NETWORKS**

*Kuzmanova Gulhayo Bokhodirovna*
*Lecturer at the Department of Methods of Primary Education, Faculty of Primary Education, Chirchik State Pedagogical University*

*Annotation. Currently, the process of globalization and mixing of cultures is taking place all over the world. In this complex process, teaching students and developing their social competence is one of our important tasks. Also, information technologies are so rapidly entering our daily lives, the influence of social networks on the development of the whole society is growing especially rapidly, which has created opportunities for the movement and change of many information flows of users. It is also shown that the new information environment serves as an important tool in the process of human socialization.*

*Keywords: network, competence, information, social, technology, student, ability, competence, teacher, internet, Facebook, Twitter, Myspace, Istagram, informatics, education, modern, education, multimedia, video*

Kirish. Mamlakatimizda chuqur, keng koʻlamli islohotlarni amalga oshirish jarayonida umumiy oʻrta taʼlim tizimini takomillashtirishga katta ahamiyat berilmoqda. Binobarin, Oʻzbekiston Respublikasi Xalq taʼlimi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi informatika va axborot texnologiyalari fanini oʻqitish boʻyicha quyidagi vazifalar belgilandi:

zamonaviy darsliklar, oʻquv-uslubiy qoʻllanmalar uchun axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etgan holda multimedia ilovalarini yaratish;

kasbiy taʼlim jarayonini tashkil etishda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasida hamda xalqaro bozorda talab katta boʻlgan mutaxassisliklar boʻyicha yirik tijorat tashkilotlarini jalb qilish;

axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasida kelajak kasblar uchun zarur boʻladigan malakali bitiruvchilarni tayyorlashda ilgʻor xorijiy tajribalarni oʻrgangan holda umumtaʼlim muassasalarida informatika fanini oʻqitish dasturini qayta koʻrib chiqishga yoʻnaltirilgan “IT-Nation” dasturini joriy etish;

chet tillari, informatika, matematika, fizika, kimyo, biologiya fanlarini chuqur oʻrganishga e'tibor qaratgan holda, ixtisoslashtirilgan sinf va maktablarni yaratish amaliyotini kengaytirish usuli bilan maktablarda ta'lim sifatini tubdan yaxshilash;

oʻquvchilar uchun raqamli texnologiyalardan foydalanishning umumiy darajasini oshirish maqsadida umumta'lim maktablarining asosiy oʻquv dasturlariga doimiy oʻzgartirishlar kiritish;

axborot texnologiyalari sohasidagi tashkilotlarning oʻquv jarayonlariga qatnashishini ragʻbatlantirish orqali umumta'lim maktablarida informatika fanini oʻqitish metodlarini takomillashtirish;

maktablarda "Bir million dasturchi" loyihasini keng hududda joriy qilish;[1]

Bu vazifalarning ijrosini ta'minlash jarayonida umumta'lim maktablarida informatika va axborot texnologiyalarini fanini oʻqitishni tubdan takomillashtirish taqazo etiladi. Shu boisdan oʻquvchilarning ijtimoiy tarmoqlardan foydalanish kompetentligini rivojlantirish hamda oʻquvchilarning ijtimoiy tarmoqlarni istemol qilishda sogʻlom muhitni metodlarini ishlab chiqish dolzarbligi bilan ahamiyatlidir.

XXI asr taraqqiyotini internet va ijtimoiy tarmoqlarsiz tasavvur qilib boʻlmaydi. Jumladan, mamlakatimizda ham ijtimoiy tarmoqlar vositasida insonlarning ijtimoiy kompetentligi muqarrar darajada oʻzgarmoqda. Bu jarayonda ijtimoiy hodisalar, an'analar, odamlarning muloqot usullari va ularning oʻzoro bir biriga ta'siri, ijtimoiy jamiyatda ijtimoiy normalar va munosabatlar paydo boʻlmoqda. Bunday oʻzgarishlar jamiyat va ta'lim-tarbiya jarayonida muhim boʻlib shaxsning ijtimoiy kompetensiyasi va kompetentligini rivojlantirish, ulardan oqilona foydalanish bilan birga oʻzoro bir-biri bilan ijtimoiy munosabatlarida namoyon boʻladi. Bugungi zamonaviy jamiyat taraqqiyotida ta'lim tizimida yuqori malakali, bilimli, tashabbuskor, ma'naviy va jismoniy sogʻlom kadrlarni tayyorlash vazifasi qoʻyilmoqda. Shu boisdan, yurtboshimiz SH.M.Mirziyoev ta'kidlaganidek, "Biz ta'lim va tarbiya tizimining barcha boʻgʻinlari faoliyatini bugungi zamon talablari asosida takomillashtirishni oʻzimizning birinchi darajali vazifamiz deb bilamiz"[2]. Bugungi kunda ta'lim-tarbiya samaradorligini oshirish, oʻquv tarbiya jarayonida innovatsion ta'lim va axborot kommunikatsion texnalogiyalarni tadbiq etish, xorijiy tajribalarni oʻzlashtirish hamda ularni faoliyatga yo'naltirish muhimdir.

Zamonaviy jamiyat rivojlanishida axborotlar oqimi muhim omil boʻlib xizmat qilmoqda. Barcha soha vakillari siyosatchilar, iqtisodiyotchilar, oʻqituvchilar va koʻpgina soha vakillari dunyoning ijtimoiy tuzilishida hamda jamiyat taraqqiyotida axborot almashuvining oʻrni beqiyosligini ta'kidlaydi. Shu boisdan, jamiyat taraqqiyotida axborotni bir-biridan ajralib turadigan

quyidagi xususiyatlarga etibor berish maqsadga muvofiq bo'ladi.

-ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy va sohalarga doir bilimlarni oshirish

-axborotni saqlash, tarqatish va undan samarali foydalanish vositalarini jadal rivojlantirish

-jahon hamjamiyatiga turli sohalarda kirish uchun global internet makonini yaratish

-axborot tezligi va resurslari hamda uning almashuvini ta'minlash

-jamiyat rivojlanishida ommaviy axborot vositalarining ta'sirini ko'chaytirishdan iborat.

Kompetentlik va kompetensiya bir-biridan ajralib turadigan tushunchalardan biridir. Kompetentlik (ing. "competence"-"qobiliyat") - faoliyatda nazariy bilimlardan samarali foydalanish, yuqori darajadagi kasbiy malaka, mahorat va iqtidorni namoyon eta olishi bilan belgilanadi[3]. Ya'ni shaxsning biror faoliyat bo'yicha olgan ma'lumoti, ko'nikmasi, qobiliyati va tajribasidan iboratdir. Boshqacha qilib aytganda, uni ma'lum bir faoliyat turini bajarish qobiliyati deb ham tushiniladi. Kompetensiya (lotincha. "compitentino") so'zidan olingan bo'lib to'g'ri kelaman, erishaman degan ma'noni anglatadi. Bilim, malaka va shaxsiy sifatlarni biror sohada namoyon bo'lishidir. Kompetentlik» - tushunchasi esa, shaxsning doimo o'sib boruvchi tasnifi bo'lib, real hayotiy vaziyatlarda yuzaga kelgan muammolarni yechish qobiliyati, o'z bilimi, o'quv va hayotiy tajribalari, qadriyatlari va qiziqishlarini unga safarbar etish imkoniyatlari hisoblanadi. Kompetensiya o'z bilimlarini tinmay boyitib borish, yangi axborotlarni o'rganish, shu kun va davr talablarini his etish, yangi bilimlarni izlab topish mahoratini, ularni qayta ishlashni hamda o'z amaliy faoliyatida qo'llashni talab qiladi. Kompetensiya egasi bo'lgan mutaxassis muammolarni yechishda o'zi o'zlashtirib olgan, aynan shu sharoitga mos metod va usullardan foydalanishni yaxshi bilishni hozirgi vaziyatga munosib bo'lgan metodlarni tanlab olib qo'llashi, to'g'ri kelmaydiganlarini rad etishi, masalaga tanqidiy ko'z bilan qarashi kabi ko'nikmalarga ega bo'ladi.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili va metodologiyasi. Jahonning rivojlangan davlatlari qatori mamlakatimizda ham ta'limdagi islohotlar jarayonida mustaqil ta'limni rag'batlantirish muhim yo'nalish sifatida kelmoqda. Pedagogning kasbiy layoqatliligini tarbiyalash fenomenini tadqiq qilishga bir qator olimlarning ishlarida o'z ifodasini topgan. Bu mualliflar kasbiy layoqatlilik – ishonchlilik sifatlari bilan birgalikda o'qituvchining kasbiy – individual hodisa sifatida pedagogik madaniyatini tavsiflaydi degan fikrni olg'a surganlar. O'z navbatida, kasbiy layoqatlilik tushunchasi, V.A.Slastenin ta'kidlaganidek, pedagogning pedagogik faoliyatini amalga oshirishga nazariy hamda amaliy tayyorligining birligini ifodalaydi va uning kasbiy shakllanganligini tavsiflaydi. D.L.Tompson, D.Pristinlar

tushunchasini quyidagicha ta’riflaydi. «Kasbiy kompetentlik - ishda kerak bo‘lgan bilimlarning va barcha axloqiy qoidalarning yig‘indisidir», - deb ta’kidlaydilar. A.K.Markova fikricha o‘qituvchining mehnati kompetentlikka aylanadi qachon-ki o‘qituvchi o‘z faoliyatini yetarlicha yuqori hamda talabalarni o‘qitish va tarbiyalashni yuqori darajada amalga oshirsa. Ushbu asoslar bilan birga o‘qituvchining kasbiy kompetentligini to‘rtga bo‘lib o‘rganadi:

Maxsus yoki faoliyatli kasbiy kompetentlik - bu faoliyatni yuqori kasbiy darajada olib borishi. Maxsus kasbiy kompetentlik nafaqat maxsus bilimlardan, balki bu bilimlarni amalga oshirishdan iborat;

- Ijtimoiy kompetentlik - bu qo‘shimcha faoliyatni olib borish yo‘llarini hamkorlikda bajarishni bilishdir.

-Shaxsiy kompetentlik – o‘zini rivojlantirish va o‘zini ko‘rsatish yo‘llarini bilish (mutaxassis o‘zining faoliyatini rejalashtirish, mustaqil qaror qilish, ma’lumotlar bilan va o‘z ustida ishlash).

-Individual kompetentlik - bu o‘zini boshqarish yo‘llarini bilish, kasbiy rivojlanishga tayyorgarlik va kasbiy yangiliklar yaratish. Shu bilan birga o‘qituvchining bilimlari yangiliklar bilan boyigan bo‘lishi, psixologik va pedagogik fazilatlar yuqori darajada bo‘lishidir.

Ijtimoiy kompetensiya va uni tushinishda –ijtimoiy jamiyatni subyekti bo‘lgan, insonni sifatli mehnat faoliyati, jamiyat a’zolarining o‘zaro ta’siri bilan bog‘liq ijtimoiy hayotini tartibga soluvchi ijtimoiy normalar tushiniladi. Ingliz pedagogi Jon Raven fikriga ko‘ra kompetensiya ikkita asosiy komponentni o‘z ichiga oladi: fikrlash va tajriba. U insonlarning ijtimoiy hayotdagi o‘zaro munosabatlaridagi tajribalaridan kelib chiqib oiladan siyosatgacha bo‘lgan munosabatlarni qamrab oladi. G.I.Sivkov ijtimoiy kompetensiyaga quyidagicha ta’rif beradi. Ijtimoiy kompetensiya-bu shaxsning sohaga doir turli ko‘nikmalaraga egaligi hamda avtomatlashtirilgan va moslashtirilgan xatti-harakatlarni qamrab oladigan munosabatlar majmuidir.



V.N.Kunitsyna ijtimoiy kompetentlikni shaxsning ijtimoiy yo'nalish bo'yicha shaxsiy tajriba va ijtimoiy moslashish kompetentligi ega qobiliyati deb takidlaydi. N.V.Kalinina 18 yoshidagi o'smir o'quvchi yoshalarni ijtimoiy kompetentligini rivojlantirsh bo'yicha quyidagi yondashuvni amalga oshirishni talab qiladi.

Ijtimoiy kompetensiya mazmunida uning uchta darajasi bilan bog'liq bo'lgan turli xil mazmunlarni ajratish mumkin: individual-shaxsiy, ijtimoiy va hayotiy-futurologik. Bu, birinchidan, insonning jismoniy, aqliy va ma'naviy hayoti bilan bog'liq bo'lgan mazmundir. U mustaqil ravishda qadriyatlar ierarxiyasini qurish, yakuniy, izchil va tizimli fikr yuritish, fikrni ifodalash texnikasini o'zlashtirish, aqliy o'zini o'zi boshqarish, sog'liqni saqlash texnologiyalarini egallashni o'z ichiga oladi. Bunday tarkibga, umuman olganda, insonning jismoniy, aqliy va ma'naviy kuchlarini qo'llab-quvvatlaydigan va rivojlantiradigan shaxsiy ishlab chiquvchi texnologiyalar kiradi. Bu, ikkinchidan, shaxsning ijtimoiy hayot jarayonida, ijtimoiy institutlar, me'yorlar va munosabatlar tizimida mavjudligi bilan bog'liq bo'lgan mazmundir. Bunday mazmun transsubyektiv, shaxsdan yuqori bo'lib, u ijtimoiy voqelikning o'ziga xosligini, ijtimoiy institutlarning maqsadini, jamiyat hayotining asosiy sohalarini, shaxs, oila, jamoa, vatan, huquq va davlat bo'lishning qadriyat asoslarini tushunishni nazarda tutadi. Siyosat va iqtisod, mehnat va mulk, kasb va mutaxassislik; fuqarolik hayotida kommunikativ, iqtisodiy, huquqiy va boshqa texnologiyalarni amalga oshirish qobiliyati. Agar birinchi daraja mazmuni ichki tajriba bilan bog'liq bo'lsa, ikkinchi daraja mazmuni tashqi tajriba bilan bog'lanadi. Bu, uchinchidan, inson hayotining o'z vaqtida ochilishi bilan belgilanadigan mazmun: subyektning o'z hayoti ssenariysini loyihalash va o'z hayot yo'lini rejalashtirish qobiliyati. Bu yoshga o'zining ijtimoiy-antropologik «koordinatalari» va imkoniyatlarini tushunishga, qadriyatlar va bilimlarni o'z hayoti loyihasiga birlashtirishga, ularga semantik hayot yo'nalishi haqida ma'lumot berishga va o'zini mas'uliyatli shaxs sifatida anglashga imkon beradi.

Natija va mulohazalar. Bugungi kun jamiyat taraqqiyotida shaxsning ijtimoiy kompetentligini rivojlanishida ijtimoiy tarmoqlarni o'rni katta. Manbalarda ijtimoiy tarmoq – odamlarning muloqot qilish, o'xshash qiziqishlari yuzasidan boshqa odamlar bilan ijtimoiy munosabatlarni yaratish uchun foydalanadigan onlain platforma deb tarif berilgan. Ilk bor odamlar o'rtasidagi muloqot vositasi sifatida ijtimoiy tarmoqning elektron pochta ko'rinishi paydo bo'ldi. Bu kompyuter tarmoqlari orqali bog'lanishning ilk ko'rinishi edi. Dastlab ikki kishi o'rtasida ma'lumot almashish uchun yaratilgan elektron ma'lumot almashuv keyinchalik guruhlar o'rtasidagi muloqot vositasiga aylandi. Ijtimoiy tarmoqlar haqida ilk bora o'z tasavvurlarini bayon qilgan olimlar R.Solomonoff va

A.Rapoport o‘tgan asr o‘rtalarida muloqotning virtual ko‘rinishi haqida o‘z fikrlarini bayon qilishgan. Vengriyalik mutaxassislar P.Erdos va A.Renilar ijtimoiy tarmoqlarni shakllantirish borasidagi tasavvurlarini aytib o‘tishgan. Ijtimoiy tarmoq atamasini alohida tushuncha sifatida 1954 yil Manchester maktabi namoyondalaridan biri J.Barns ilmiy manbalarga kiritgan. Internet tarmog‘ida insonlar o‘rtasidagi muloqotning avj olishi, rivojlanib ketishini olimlar ijtimoiy tarmoqlarning tezkor faoliyati bilan bog‘lashadi. Aslida ham shunday. Siz virtual olamda tez va qulay muloqotni kunning yoki tunning istalgan vaqtida o‘rnatishingiz mumkin. Suhbatdoshingiz bilan yozishib, gaplashib, uni ko‘rishingiz ham mumkin. Buning uchun kompyuter yoki telefon va internet bo‘lsa kifoya.

Xulosa va takliflar. Jahon fuqorilik jamiyatini rivojlanishida ijtimoiy tarmoqlar, internet- texnologik, tashkiliy, moddiy-madaniy va ijtimoiy – madaniy salohiyatini oshirishda mazkur tarmoqlar turli xil xizmatlari va jarayonlarini birlashtirishga imkon beradi. Bugungi kunda ijtimoiy tarmoqlar fuqorolik jamiyatini barbo etishning eng muhim integratsion vositasi bo‘lib xizmat qiladi. Ijtimoiy tarmoqlarning muhim vazifalari xilma-xildir: kundalik muloqot, ochiq va yopiq tarmoqlar va professional tarmoqlardir. Aloqa vositasi sifatida ishlaydigan internet tarmoqlari zamonaviy hayotning real sohalarini o‘zgarishiga hamda tubdan yangi sohalarni tashkil topishiga turtki bo‘ldi. Ijtimoiy tarmoqlar foydalanuvchilari ixtisoslashgan mavzular bo‘yicha axborotga ega bo‘lishi va iqtisodiy farovonlikka erishish uchun qulaylikga intilishadi. Ijtimoiy tarmoqlar nafaqat zamonaviy axborot jamiyatida shaxslararo muloqotni ta’minlaydi balki, davlat energetika texnologiyalarini amalga oshirishni nazorat qilish mexanizmlari samaradorligini oshishiga ham xizmat qiladi. Ijtimoiy tarmoqlar ta’lim manbai va kommunikativ vosita sifatida o‘rganish jarayonida o‘z oldiga qo‘ygan asosiy nazariy muammosi ijtimoiy tarmoqlar foydalanuvchilari uchun qulay sharoit yaratishdir. Shu bilan birgalikda yoshlarning ijtimoiy tarmoqlarda faolligi, ularning ijtimoiy-siyosiy va ijtimoiy hayotiga ta’siriga alohida e’tibor qaratilmoqda. Global ijtimoiy tarmoqlar tizimini tahlil qilish jarayonida foydalanuvchilarning jinsi, yoshi, holati, iqtisodiy va psixologik xususiyatlari hisobga olindi.

Ijtimoiy tarmoqlar zamonaviy jamiyat fuqorolarning asosiy faoliyati bo‘lib xizmat qiladi. Global xarakterdagi ijtimoiy tarmoqlar (“Facebook”, “Twitter”, “Myspace”, “Istagram”, “Vkontakte” va boshqalar) yaqinda paydo bo‘ldi[4]. Hozirgi kunda ijtimoiy tarmoqlarni beznesga yo‘naltirilganligi toboro ko‘proq namoyon bo‘lmoqda ya’ni axborot texnologiyalarining tijoratalashtirilgan segmenti rivojlanmoqda. Ijtimoiy tarmoq tushunchasini birinchi marta golland tadqiqotchisi Yan van Deyk (“De Netwerkmaatschappij”, so‘zma-so‘z “Ijtimoiy tarmoq”) asarining sarlavhasida paydo bo‘lgan va darhol inliz va boshqa tillarga tarjima qilingan. Muallif media makon va shaxsiy muloqot

maydonini xarakterli xususiyatlarini yoritib bergan. Ispan iqtisodchisi va ijtimoiy nazoratchisi Manuel Kastels fikricha ijtimoiy tarmoq jamiyatda rivojlangan axborot infratuzilmasidir[5]. Jahon fuqorolik jamiyatini tubdan takomillashtirgan ijtimoiy tarmoqlarning kelib chiqishi asosan insonlarning onlain aloqa imkoniyatlariga qiziqish kundan-kunga ortib borishi natijasida turli saytlar ishlay boshladi, xususan, 1995 - yilda Amerikaning "Classmates.com" portal ishga tushirildi (bu foydalanuvchilarning shaxsiy ma'lumotlari asosida hisob yaratish va boshqa foydalanuvchilar bilan muloqat qilish) uchun mo'ljalalngan tarmoq edi. Biroq, ushbu tarmoqda do'stlar ro'yxatini yo'qligi, cheklangan profel, guruhlar yo'qligi va boshqa imkonyatlari mavjud bo'lmagan tarmoq edi[6]. Keyinchalik cheksiz muloqat qilish imkoniyatiga ega bo'lgan dastlabki sayt "Six Degrees" undan so'ng, Linkedln, MySpace va Facebook kabi turli xil xizmatlarga ega, ko'p foydalanuvchili veb- sayt sifatida ijtimoiy tarmoq tushunchasini kirib keldi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 29.04.2019 yildagi PF-5712-son. http://lex.uz//uz/docs/-4312785

2. Mirziyoev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfatlarini ta'minlash-yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi.-T.: "O'zbekiston", 2017. 22-b.

3. Mamurov B.B., Davronov I.E. Pedagogik kompetentlik. "Durdona" nashryoti. Buxoro. 2021. 10-b.

4. Talpin J. Move Fast and Break Tbings:How Facebook,Google, and Amazon Cornered Culture and Unddermined Democracy. N.Y.: Little, Brown and Company, 2017. 320 p.

5. Dijk A.G. Van The Network Society. Thousand Oaks, CA.: Sage Publications Ltd, 1999.272 p.

6. Nemo J.M. Linkedln Ricbes: How to use Linkedln for Business, Sales and Maarketing!Jumeirah Bay: CreateSpace Independent Publishing Platform, 2014. 124 p.

# ПАТРИОТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.028

*Мирзорахимов Ойбек Кахрамонович*
*Старший преподаватель кафедры теории начального образования Чирчикского государственного педагогического университета*

*Аннотация. В статье дана информация о воспитании детей в духе патриотизма с дошкольного возраста. Роль семьи, школы и учителя в воспитании патриота своей Родины. Развития потребности добросовестно трудиться на благо Родины и готовность с достоинством и честью защищать свое Отечество. Также указанно роль в патриотическом воспитании изучение подвигов героев прошлого.*

*Ключевые слова. Родина, патриотизм, чувства, защищать, добросовестно, готовность, Отечество, воспитания, уверенность, чувство гордости, традиция.*

## PATRIOTIC EDUCATION OF PRESCHOOL CHILDREN

*Mirzorakhimov Oybek Kakhramonovich*
*Senior Lecturer, Department of Theory of Primary Education, Chirchik State Pedagogical University*

*Annotation. The article provides information on raising children in the spirit of patriotism from preschool age. The role of the family, school and teacher in the upbringing of a patriot of their homeland. Development of the need to work conscientiously for the good of the Motherland and readiness to defend their Fatherland with dignity and honor. Also indicated is the role in patriotic education of the study of the exploits of the heroes of the past.*

*Keywords. Homeland, patriotism, feelings, protect, conscientiously, willingness, Fatherland, upbringing, confidence, pride, tradition.*

«Патриотизм – чувство самое стыдливое и деликатное. Побереги святые слова, не кричи о любви к Родине на всех перекрестках. Лучше - молча трудись во имя ее блага и могущества».

Н. Г. Чернышевский.

Введение. На современном этапе развития образования одной из важных задач процесса является формирование и развитие чувства патриотизма детей. В настоящее время невозможно без формирования у детей устойчивой гражданской позиции, самостоятельности и

готовности защищать интересы своей страны. Сегодня патриотическое воспитание детей является одной из важнейших задач современного образования.

Патриотическая воспитания предполагает развития потребности добросовестно трудиться на благо Родины и готовность с достоинством и честью защищать свое Отечество. Огромную роль в патриотическом воспитании играет изучение подвигов героев прошлого.

Анализ литературы. У В.П. Астафьева есть замечательные слова: «Если у человека нет матери, нет отца, но есть Родина – он ещё не сирота. Всё проходит: любовь, горечь утрат, даже боль от ран проходит, но никогда – никогда не проходит и не гаснет тоски по Родине…».

Понятия «патриотизм», «патриот» раскрыты в трудах знаменитых русских учёных, писателей, педагогов.

С.И. Ожегов определял патриотизм, как «… преданность и любовь к своему отечеству и своему народу». «Патриотизм – это не значит только одна любовь к своей Родине. Это гораздо больше. Это – сознание своей неотъемлемости от Родины и неотъемлемое переживание вместе с ней ее счастливых и ее несчастных дней».

Патриотическое воспитание, по мнению Л. Е. Никоновой, это процесс освоения наследия традиционной отечественной культуры, формирование отношения к стране и государству, где живёт человек.

Обсуждение и результаты. Патриотическое воспитание детей подразумевает следующие задачи: формирование нравственно-духовных особенностей личности; формирование чувства гордости за свою нацию; формирование почтительного отношения к национальным и культурным традициям своего народа; формирование либеральной позиции по отношению к ровесникам, взрослым, людям других национальностей. Суть патриотического воспитания состоит, в том, чтобы посеять и вырастить семена любви к родной природе, к родному дому и семье, к истории, культуре страны, созданной трудами родных и близких людей, тех кого зовут соотечественниками. Невозможно воспитать чувство собственного достоинства, уверенность в себе, а следовательно, полноценную личность без уважения к истории и культуре своего Отечества.

Чувство любви к Родине - это одно из самых сильных чувств, без него человек ущербен, не ощущает своих корней. Почувствует ли человек привязанность к родной земле или отдалится от нее, это уже зависит от обстоятельств жизни и воспитания.

Любовь к Родине формируется уже в дошкольном возрасте, и является одним из нравственных качеств личности, которое, и, как любое нравственное качество, включает:

- содержательный компонент (дети овладевают доступным их возрасту объёмом представлений и понятий об окружающем мире: социальном устройстве общества, жизни народа, истории страны, культуре, традициях народа, природе родного края, выработку правильных взглядов на факты общественной жизни страны);

- эмоционально – побудительный (испытывают личность на положительные эмоциональные отношения к усваиваемым знаниям, окружающему миру, любви к родному городу (селу), краю, стране, гордости за трудовые и боевые успехи народа, уважения к историческому прошлому родной страны, восхищения народным творчеством, любви к родному языку, природе родного края, проявление интереса к этим сведениям, потребности расширить свой кругозор, стремления участвовать в общественно полезном труде).

Чувство патриотизма так многогранно по своему содержанию, что не может быть определено несколькими словами. Можно сказать, что это гордость за свой народ; сложное личностное образование, в обобщенной форме выражающее и любовь к родным местам; ощущение своей неразрывности со всем окружающим; желание сохранять, приумножать богатство своей страны.

Специфика патриотического воспитания определяется тем, что в нём главным, ведущим содержательным элементом является опыт ценностных ориентаций, то есть эмоционально – чувственное, духовное отношение к миру и друг другу.

Учёные и педагоги, работающие над проблемой патриотического воспитания, осознают, что зачатки нравственных качеств надо формировать в ребёнке как можно раньше. С первых лет жизни пробуждать в нем любовь к родной земле, воспитывать нравственные, духовные, патриотические чувства. Именно в период дошкольного детства начинают развиваться чувства, черты характера, незримо связывающие ребёнка с его народом, культурой. Поэтому патриотическое воспитание предполагает взаимодействие взрослого и детей в совместной деятельности и общении, которое направлено на раскрытие и формирование в ребёнке общечеловеческих нравственных качеств личности, на приобщение родному дому, истокам национальной региональной культуры, природе родного края; воспитание эмоционально – действенного отношения, чувства сопричастности, привязанности к окружающим.

Патриотизм как нравственное качество имеет интегральное содержание. С учётом этого в педагогической работе должно быть соединено ознакомление детей с явлениями общественной жизни,

народоведение, использование средств искусства, практическая деятельность детей (труд, наблюдения, игры, национальные, государственные праздники).

Патриотизм формируется у детей под влиянием окружающей жизни, но решающим является целенаправленное воздействие родителей и педагогов. Базовым этапом формирования у детей патриотизм следует считать накопление ребёнком социального опыта жизни в своем Отечестве и усвоение принятых в нём норм поведения и взаимоотношений.

Именно в дошкольном возрасте закладывается основа личности: развивается целостное восприятие окружающего мира, непосредственное эмоциональное отношение к окружающим людям, сочувствие к их нуждам и переживаниям. Здесь начинают развиваться такие черты характера, которые закладывают в основу нравственного и патриотического воспитания: трудолюбие, милосердие, гуманность и т.д.

Чувство Родины начинается с восхищением тем, что видит перед собой малыш, чему он удивляется, что вызывает отклик в его душе. И хотя многие впечатления не осознаны им глубоко, но пропущенные через детское восприятие, они играют огромную роль в становлении личности патриота.

Целесообразным в патриотическом воспитании детей дошкольного возраста является использование произведений художественной литературы, в которых речь идет об истории, жизни детей и взрослых. В целом к эффективным методам и формам организации патриотического воспитания относятся: экскурсии по улицам родного города, к историческим достопримечательностям, выдающимся местам: рассказы воспитателя; беседы с интересными почувствовал личную ответственность за родную землю

Воспитание гражданина и патриота знающего и любящего свою Родину не может быть успешно решено без глубокого познания духовного богатства своего народа, освоения народной культуры. Восстановление органической связи с историей и духом своего народа не означает ни национальной изоляции от содержания всемирной истории, ни отлучения от достижений современной цивилизации, ни прекращения общения с иной культурой.

Поэтому важно, чтобы ребёнок уже в дошкольном возрасте почувствовал личную ответственность за родную землю и ее будущее.

Свою любовь к родным местам, представление о том, чем они знамениты, какова природа, каким трудом заняты люди – все это взрослые передают детям, что чрезвычайно важно для воспитания нравственных

и патриотических чувств, и активную позицию в этом вопросе занимают педагоги. Очень важно прививать детям чувство любви к природным и культурным ценностям родного края, так как именно на этой основе воспитывается патриотизм.

Одним из показателей любви к Родине и преданности ей у взрослого человека является готовность встать на её защиту. И с этой целью в выставочном зале музея почетное место может занять экспозиция « Защитники Отечества». На конкретных фактах из жизни старших членов семьи ( дедушек и бабушек, участников Великой Отечественной войны , их фронтовых и трудовых подвигов) нужно прививать детям такие важные понятия, как « долг перед Родиной», « любовь к Отечеству», и т.д.

Государственная символика является частью истории и культуры страны. Гордость за свою Родину, понимание неповторимости и богатства культурных традиций играет огромную роль в становлении личности ребёнка. Невозможно воспитать у детей чувство собственного достоинства и уверенности в себе без уважения к истории своего Отечества.

В основе патриотического воспитания находится понятие «толерантность». Формирование толерантных качеств – длительный и сложный процесс, начинающийся с появления детей на свет, далее в период становления личности и в какой – то мере протекающий в течение всей жизни.

Этот процесс идет под воздействием множества факторов, и решающими среди них являются семья и образование. Подрастающее поколение можно считать своеобразной микромоделью современного полиэтнического общества, где, как на ладони, видны огрехи воспитания и старшего поколения, прослеживается опыт общения и поведения с представителями разных этнических групп, национальностей. Сегодня все большее распространение в детской среде получают недоброжелательность, озлобленность, агрессивность. Причину этому много. Взаимная нетерпимость и культурный эгоизм через средства массовой информации, социальное окружение детей, семью все чаще проникают и в дошкольные учреждения, наблюдается возникновение между детьми непонимание друг друга в связи с разными ценностями, культурой, языком. В результате этого возникают проблемы в общении и агрессивности по отношению друг к другу, дети имеют невысокий уровень знаний о традициях и культуре со дружественных наций.

ВЫВОД. Семья – главное, первое социальное окружение ребенка, откуда «растут корни» детской ксенофобии, либо, напротив, толерантного, уважительного отношения к представителям разных

наций. Социальные проблемы зачастую не позволяет родителям уделять достаточно внимания детям – способствовать формированию их мировоззрения, воспитанию нравственности, толерантной культуры поведения, а ведь в повседневном общении с родителями дошкольник также учится познавать мир, приобретает жизненный опыт и усваивает нормы поведения.

Таким образом, семья – первый социальный институт ребенка, где он усваивает моральные принципы и нормы, семья – транслятор нравственного, духовного опыта, имеющий огромный воспитательный потенциал. В народе говорят: «хороший пример – лучше, чем сто слов», воплощая этот мудрый педагогический прием в жизни, мы вовлекаем семью в жизнедеятельность, в систему работы по патриотическому воспитанию дошкольников.

Использованная литература:

1. Н.В. Алешина. Патриотическое воспитание дошкольников: методическое пособие. – М.: Центр гуманитарной литературы, 2014. – 2015 с.

2. В. В. Зеньковский. Психология детства.2015. – с.192.

3. Ю. Е. Антонов. Л.В. Левина. Как научить 2013. АРКТИ, детей любить Родину: руководство для воспитателей и учителей. – М.:

4. О. В. Лебедева. Этапы патриотического воспитания детей. Управление дошкольном образовательным учреждением. 2015. - № 9. С 8-9.

5. И. Лескина. Духовно – нравственное воспитание дошкольников. Дошкольное воспитание. – 2014. - № 2. С.79-86.

# ҲАРБИЙ ПЕДАГОГИКА: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.029

*Хасанбоев Хабибулло Хакимбек ўғли,*
*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси мустақил тадқиқотчиси*

*Аннотация. Мақолада ҳарбий таълим тарихи ва тизимнинг ривожланиш босқичлари, ҳарбий педагогикани вужудга келиши ҳамда ҳарбий педагогларнинг шаклланиши таҳлилга тортилиб, ҳарбий санъат тараққиёти, ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш тизимининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиш жараёни, хусусан ҳарбий санъат тараққиёти ва такомиллашуви, ҳарбий таълимнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, унинг таълим тизимида тутган ўрни, ҳарбий таълимнинг махсус ҳарбий мактаблар ва ҳарбий академиялар томонидан амалга оширилиши босқичлари, таълим муассасаларида ҳарбий педагоглар фаолиятининг йўлга қўйилиш тадқиқ этилган. Шунингдек, ҳарбий педагогика соҳасининг олимлар томонидан тадқиқ этилиши, тадқиқотларда асосий эътибор мунтазам армиядаги тарбия, жанговар руҳият, жанг санъати ҳамда ижтимоий методология, дидактика ва тарбия йўналишларига қаратилганлиги ёритилган. Ҳарбий педагогиканинг асосий вазифаси, ҳарбий педагогика тоифаларининг тизимлаштирилиши, тарбиялаш ва уларга таълим беришнинг такомиллаштирувчи омиллар, ҳарбий-педагогик жараён, унинг қонуниятлари ва хусусиятлари ўрганилган.*

*Калит сўзлар: ҳарбий таълим, ҳарбий педагог, таълим тизими, ҳарбий санъат, педагогик омиллар, тарбия, методология, мутахассис, тоифа, қонуният.*

# ВОЕННАЯ ПЕДАГОГИКА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

*Хасанбоев Хабибулло Хакимбек угли,*
*Независимый научный сотрудник Академии Вооруженных Сил Республики Узбекистан*

*Аннотация. В статье произведен анализ истории военного образования и этапы развития системы военного образования, возникновение военной педагогики, а также ее формирование, исследованы развитие военного искусства, процесс возникновения, формирования и развития системы подготовки военных специалистов, в частности развтитие и совершенствование военного искусства, возникновение и развитие военного образования, его место в системе образования, этапы осуществления военного образования со стороны специальных школ и военных академий, организация деятельности военных педагогов в образовательных учреждениях. Также, освещено исследование сферы военной педагогики со стороны ученых, сосредоточение в исследованиях основного внимания на воспитании, боевого духа, военном искусстве, на методологические, дидактические*

*и воспитательные направления. Изучены основные задачи военной педагогики, систематизация категорий военной педагогики, принципы воспитания и обучения военных педагогов, военно-педагогический процесс, его закономерности и особенности.*

*Ключевые слова: военое образование, военный педагог, система образования,военное искусство, педагогические принципы, воспитание, методология, специалист, категория, закономерность.*

## MILITARY PEDAGOGY: PROBLEMS AND SOLUTIONS

*Khasanboyev Khabibullo,*
*Independent researcher of the Academy of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan*

*Annotation. The article analyzes the history of military education and the stages of development of the military education system, the emergence of military pedagogy, as well as its formation, the development of military art, the process of emergence, formation and development of the system for training military specialists, in particular the development and improvement of military art, the emergence and development military education, its place in the education system, the stages of the implementation of military education by special schools and military academies, the organization of the activities of military teachers in educational institutions. Also, the study of the sphere of military pedagogy by scientists, the focus in research on education, morale, military art, on methodological, didactic and educational directions. The main tasks of military pedagogy, the systematization of the categories of military pedagogy, the principles of education and training of military teachers, the military pedagogical process, its regularities and features are studied.*

*Key words: military education, military teacher, education system, military art, pedagogical principles, education, methodology, specialist, category, pattern.*

Кириш. Дунёда таълим тизими мамлакатларнинг ўзига хослигидан қатъий назар жамият соҳаларида муҳим натижаларга эришиш имкониятини яратади. Шу боисдан таълимни модернизациялаш жараёнларини тўғри йўлга қўйиш давлатларни жахон стандартларига монант ривожини таъминлайди. Ривожланган давлатларда иқтисодий ўсишнинг 85% дан ортиғи билимга бўлган эътиборнинг маҳсули ҳисобланади. «Таълим инсонни ривожлантиришнинг энг муҳим омили сифатида ҳар қандай мамлакатда ҳозирги давр учун муносиб бўлган аҳоли турмуш даражаси ва сифатига эришиш, иш билан самарали бандликни таъминлаш, барқарор ривожланиш, ижтимоий тенгсизлик даражасини пасайтириш, фуқаролик жамияти таркибини мустаҳкамлаш; инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни самарали амалга ошириш, шахснинг имкониятларини тўла ва ҳар тарафлама рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш каби бир қатор иқтисодий, сиёсий, ижтимоий

ва гуманитар муаммоларни ҳал қилишга катта таъсир кўрсатади»[1. Б.13.].

Тарихдан маълумки илк қўшинларнинг ташкил этилиши ҳарбий педагогикани вужудга келиши билан бирга ҳарбий педагогларнинг шаклланишига асос бўлган. Чунки ҳар қандай қўшиннинг шаклланиши ва ҳарбий ҳаракатларнинг мувофоқиятли амалга оширилиши жангчиларнинг тегишли билим ва кўникмаларга эга эканлигига боғлиқ. Ҳарбий фаолиятнинг муҳим компонентларидан бири бу шахсий таркибни ўқув-тарбиявий жараёнларини тўғри ташкил этиш ҳисобланиб мазмунан ушбу компонент ҳарбий педагогиканинг асосини ташкил этади.

Асосий қисм. Давлатчиликнинг вужудга келиши ҳарбий хизматнинг мураккаблашуви ҳамда кўп сонли мунтазам армиянинг яратилишига сабаб бўлди. Ушбу жараёнлар ҳарбий педагогикани янада ривожланишига олиб келди. Шунингдек, қўшинларни тизимли ташкил этиш ва бошқаришга оид меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар (йўриқномалар, қўлланмалар, низомлар ва ҳ.к) тартибга келтирилди.

Ҳарбий педагогика – бу педагогика фани йўналишларидан бири бўлиб, ҳарбий тарбия ва таълимни ўрганувчи фандир. У ҳарбийлар ва ҳарбий жамоаларнинг хизмат ва жанговар вазифаларни муваффақиятли бажаришга тайёргарлигининг педагогик қонуниятларини ўрганади[2. Б.6.].

Ҳарбий педагогика - ҳарбий педагогик жараённинг қонуниятларини, ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий жамоаларни тайёрлаш ва тарбиялаш, уларни жанговар ҳаракатлар ва ҳарбий касбий фаолиятни муваффақиятли ўтказишга тайёрлашни ўрганадиган педагогика фанининг бир тармоғи. Ҳарбий педагогика фан сифатида ҳарбий педагогика методологияси, ҳарбий педагогика тарихи, ҳарбий дидактика, ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш назарияси, олий ҳарбий мактаб педагогикаси ва бошқа бир қатор бўлимларни ўз ичига олади.

Ҳарбий педагогика педагогиканинг кўпгина бошқа соҳаларидан юқори маънавий-руҳий сифатларни, тайёргарлик, қобилият ва қобилиятни талаб қиладиган масъулиятли вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган тарбия, ўқитиш, таълим, ўқитиш объектларининг (субъектларининг) ҳақиқий ҳарбий касбий фаолиятга бевосита жалб этилиши билан фарқланади.

Ҳарбий қисмларда ҳарбий-педагогик жараёнлар командирлар ва уларга бўйсунувчилар ўртасидаги ўзаро фаолият натижасида вужудга келган. Вақт ўтиши билан ҳарбий педагогикада ўқитиш ва тарбиялашга доир билимлар ҳажми ортиб борди. Ҳарбий педагогиканинг мазмуни, ташкил қилиниши, методикаси, қонуниятлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Хусусан,

Мунтазам армиянинг шаклланиши ўз навбатида шахсий таркибни ўқитиш ва тарбиялашни такомиллаштириш заруриятини вужудга келтирди. Чунки, биринчи ва иккинчи жахон уриши сабоқлари туфайли XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида ҳарбий педагогика алоҳида

мустақил йўналиш сифатида ажралиб чиқди ҳамда бу йўналишни такомиллаштириш чоралари кўрилди.

Ҳарбий педагогика соҳаси бир қанча олимлар томонидан тадқиқ этилиб, ушбу тадқиқотларда асосий эътибор мунтазам армиядаги тарбия, жанговар руҳият ва жанг санъатига қаратилган (И.И.Гольдин, В.Н. Гуляева, В.Я. Слепова, А.В. Свиридова И.А. Алехина, О.Ю. Ефремова, В.Б.Зарудницкий) [3; 4; 5; 6].

Ҳозирги кунда соҳа бўйича тадқиқотлар миқёси кенгайиб, уларда дидактика ва тарбия йўналишларига алоҳида эътибор қаратилиб ҳарбий педагогиканинг методалагик асослари тадқиқ этилмоқда. И.А. Алёхин педагогик жараёнлар ва ҳодисаларни шахсий-ижтимоий-фаоллик ёндашуви нуқтаи назаридан кўриб чиқади, у офицернинг педагогик маданиятини шакллантиришга, турли тоифадаги ҳарбий хизматчилар ўртасида девиант хатти-ҳаракатларнинг педагогик олдини олишга катта эътибор беради [7. Б.167.].

Ҳарбий педагогик тадқиқотлар ижтимоий методологик йўналишни ўз ичига олади. Ушбу йўналишлар асоси замонавий фан ва амалиётнинг фундамантал тадқиқоти натижалари ва тарихий педагогик таҳлилига боғлиқ. Ҳарбий педагогика методологиясига бу тарздаги ёндашув тўпланган илмий поткециалга концструктив баҳо бериш ҳамда эришилган илмий ютуқлардан самарали фойдаланиш имкониятини берди.

А.Г. Терешченко тадқиқотида тизимли ёндашувга таяниб, Россияда ҳарбий педагогик таълимнинг назарий ва услубий асосларини, ривожланиш тарихини ва ҳозирги ҳолатини, бўлажак офицернинг педагог сифатида шаклланишини белгиловчи объектив ва субъектив омилларни, ҳарбий университетда ўқув жараёнини ташкил этишнинг мазмуни, технологик ва услубий жиҳатларини ўрганади[8. Б.123-127.].

Олимлар тадқиқотлари таҳлилга тортилганда ҳозирда ортирилган ҳарбий-педагогик тажрибани ва хорижий педагогик ғояларни ўрганиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш бўйича кенг миқёсда ишлар олиб борилмоқда[9; 10; 11; 12;].

Олиб борилган тадқиқотлар давомида ҳарбий педагоглар Масланд ва Рэдуэем томонидан маълум натижаларга эришилди, аммо уларнинг хулосалари офицерларни тайёрлаш амалиётида туб ўзгаришларга олиб келмади[13.]. Айниқса ҳарбий таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотларга талаб ошмоқда. Чунки, давлат таълим стандартлари асосида етук мутахассисларни замон талаблари бўйича тайёрлашга бўлган зарурият шуни тақазо этмоқда. Жахон стандартлари асосида соҳалар бўйича етук мутахассисларни тайёрлашда уларнинг педагогик-психологик жиҳатларини ўрганиш ва шу жиҳатдан янги ёндашувларни ишлаб чиқиш самара беради. Педагогик илмий-тадқиқот усулларига догматик ёндошиш мумкин эмас. Илмий-тадқиқот усуллари тизими ҳали ҳозирча фанда тўла яратилган, ҳал этилган эмас.

Ҳарбий педагогика фанининг турдош фанлар билан интеграцияси

ривожланиб, фан вакилларининг ўзаро ҳамкорлиги кенгаймоқда. Шунингдек, турли педагогика йўналишларида мутахассислар ўртасидаги ҳамкорлик йўлга қўйилиб соҳа ривожи қонуниятлари тизимлаштирилмоқда. Буларнинг барчаси ҳарбий педагогикада ҳарбий хизматчиларни шахсий ва касбий ривожига йўналтирилган бўлиб, унда тарбия, ўқитиш ва таълим олиши муаммолари комплекс ва тизимли ўрганилади[14. Б.135-136.].

Ҳарбий педагогика қуйидаги тоифаларни тизимлаштиради ва бошқаради:

• ҳарбий педагогик жараён - ҳарбийлар ва ҳарбий жамоаларни мақсадга мувофиқ ҳаракатларга тайёрлаш учун қўмондонлар, штаблар, ўқув тузилмалари мутахассислари, жамоат ташкилотларининг таълим ва тарбиявий фаолиятининг мақсадли, уюшган тизими;

• ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш - бу аскар шахси, унинг фазилатлари, қарашлари, қарашлари, эътиқодлари, ўзини тутиш услубларини ривожлантиришга мақсадга мувофиқ таъсир этиш жараёни ва натижасидир;

• ҳарбий хизматчиларни ўқитиш – таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда қўмондонлар (бошлиқлар) ва бўйсунувчилар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг мақсадга мувофиқ жараёни;

• ҳарбий хизматчиларни ривожлантириш - миқдорий ва сифат ўзгаришларини тўплаш жараёни, ҳарбий хизматчининг ақлий, интеллектуал, жисмоний, касбий фаолияти ва унга тегишли фазилатларнинг функционал яхшиланиши;

• ҳарбий хизматчиларнинг психологик тайёргарлиги - ҳарбий хизматчиларнинг руҳий барқарорлиги ва ҳарбий касбий фаолиятни бажаришга тайёрлигини шакллантириш;

• ҳарбий хизматчиларга таълим бериш - бу ҳарбий хизматчилар томонидан илмий билимлар ва ҳарбий-касбий маҳорат тизимини эгаллаш жараёни, жамиятдаги расмий вазифалар ва ҳаётни муваффақиятли бажариш учун зарур шахсий хусусиятларни шакллантириш[16: 755 б.].

Олиб борилаётган ҳарбий педагогик тадқиқотларда замонавий илмий муаммолар сифатида ҳарбий мутахассисларни тайёрлашнинг кенг миқёсли истиқболлари ўрганилмоқда.

Биринчи навбатда ушбу муаммоларни ўрганиш мақсадида ҳарбий таълим тизимида ҳарбий илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилмоқда. Бунга эса ҳарбий таълим ва педагогика интеграциясининг янги шакли сифатида қараш мумкин.

Ҳарбий илмий-тадқиқот марказларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш, таълим жараёнининг самарадорлиги ва сифатини ошириш, интеллектуал, моддий ва ахборот ресурсларидан унумли фойдаланишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни олиб бориш ҳисобланади.

Ҳарбий педагогика соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларда олий тоифали ҳарбий мутахассисларнинг ўрни ортиб бомоқда. Бунга

сабаб:

- ҳарбий таълим тизимида юқори малакали ҳарбий педагогларга бўлган талабнинг ошиши, ҳарбий таълим ва амалий тажриба интеграциясини қамраб олган илмий тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги;
- ҳарбий ўқув муассасаларида юқори тоифали ҳарбий педагог мутахассисларига бўлган эхтиёжнинг юқорилиги;
- Олий ҳарбий таълим муассасалари битирувчилари орасида ҳарбий таълимдан кейинги таълимга бўлган қизиқишнинг пастлиги.

ҳарбий педагогик илмий тадқиқотларда курсантларнинг объект сифатида ўрганилиши қуйидаги

Бугунги кунда ҳарбий таълим соҳасида модернизация яъни замон талаблари асосида тизимни такомиллаштириш амалга оширилмоқда. Ҳарбий таълим муассасалари битирувчиларининг профессионал тайёргарлиги ошириб, рақобатбардош, компететлиги юқори бўлган кадрларни тайёрлашга йўналтирилган.

“... таълимда компетенцияга асосланган ёндашувнинг ўрни шу нуқтаи назардан кўриб чиқиладики, бундай жараённинг натижаси инсонда кўникма ва малакалардан фойдаланган ҳолда турли муаммоли вазиятларда ҳаракат қилиш қобилиятини ривожлантириш бўлиши мумкин” [16: 158.].

Замонавий ҳарбий техникалар узлуксиз янгиланиб, техник тараққиёт натижасида илмий база ривожланмоқда. Бу эса ҳарбиймутахассислар томонидан ушбу технологияларни қўллаш тартиби ва шартларини, ундаги мураккабликларни тушунишни талаб қилади. Шу аснода замонавий техниканинг ривожланиши ҳарбийларнинг умумий ривожланиши, уларнинг назарий, умумилмий билимлари ва интеллестуал кўникмаларига бўлган талабнинг ортишига олиб келади. Ҳарбий-педагогик жараён шахс шаклланиши, ҳарбий жамоа ривожланишининг психологик қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинади ва амалга оширилади.

Тадқиқот жараёнида рахбарий ҳужжатлар ва олиб борилган тадқиқотларни ўрганиш натижасида ҳарбий таълим муассасаларида курсантларга бериладиган билим ва улар томонидан ортириладиган кўникмалар реал ҳарбий хизмат давомида зарур бўлган кўникма ва малакалардан кескин фарқ қилиши аниқланди. Олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида мудофаа соҳаси йўналишлари тизимлаштирилиб замонавий армия вужудга келтирилган бўлсада, жорий ҳарбий таълимда қўлланилаётган дарслик ва ўқув қўлланмаларда мазмунан кўп жиҳатдан классик жанг усуллари такрорланган, ушбу ўқув адабиётлар замонавий армия талабларига мослаштирилиб қайта такомиллаштирилмаган.

Бизнинг фикримизча ўқув адабиётлари замонавий армия талаблари, замонавий жанг усулларига мослаштирилиб қайта такомиллаштирилса, унда берилган материалларда ҳақиқий харбий хизмат жараёнлари уйғунлашуви акс этиши натижасида қуролли кучлардаги мавжуд эҳтиёжлардан келиб чиқиб замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган ҳарбий мутахассислар етиштирилади, Олий ҳарбий билим юрти

битирувчиларининг ҳарбий хизмат жараёнига мослашуви (адаптация) осон амалга ошади.

Ҳарбий педагогик қонуниятларда қайд этилганидек ҳарбий кадрларни тайёрлаш жараёнига давлат ва жамиятдаги ўзгаришлар, халқаро миқёсдаги сиёсий жараёнлар, ахборот коммуникация технологиялари имкониятларини инобатга олган ҳолда ёндашиш лозим. Чунки ушбу омилларнинг ҳисобга олинмаслиги тайёрланаётган ҳарбий кадрларнинг салохияти ва уларнинг хизмат самарадорлиги пасайишига олиб келади.

Юқорида келтириб ўтганимиздек тарихдан маълумки нафақат ҳарбий хизматчилар балки ҳар бир давлат фуқароларининг ўзига хос қадриятлар тизими мавжуд бўлган. Вақтлар ўтиши жамиятнинг шиддат билан ўзгариши натижасида замонавий жамиятда ватан, ватанпарварлик, содиқлик, шан, қадр-қиммат, ватан химояси тушунчалари ёшлар онгида ўзгача маъно касб этмоқда. Ҳарбий педагогик жараёнда айнан ватанпарварлик руҳини ҳарбий хизматчилар орқали фуқароларга сингдиришнинг метод ва маделларини такомиллаштириш долзарблашмоқда.

Умуман олганда бугунги кунда ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш ва уларга таълим беришнинг такомиллаштирувчи омилларидан бири бу тарихий тажрибани асосланган ҳолда тарихнинг турли даврларидаги ҳарбий кадрларни тайёрлаш назарияси ва амалиётини ўрганиш.

Профессинал компетентликни ривожлантириш методкасини ишлаб чиқишда нафақат замонавий методологик асослаш балки реал ижтимоий холат вазият ва инсон омилини ҳисобга олиш лозим. Бу ўз навбатида курсантларнинг касбий тайёргарлиги даражасини юксалишига олиб келади. Шундай қилиб ҳарбий хизматчиларга таьлим бериш ва тарбиялаш тизими, ҳарбий педагогика, ўзининг шаклланиш ва ривожланиш босиқини босиб ўтди. Ҳарбий пелагогика бошқа фанлардан фарқли ўлароқ педагогик фикр, ҳамла маҳаллий ва дунё педагогик тажрибаси каби тизимлидир.

Ҳарбий педагогика мавжуд педагогик ҳодиса ва жараёнларни ўз йўналиши бўйича мақсад ва вазифаларга мувофиқ келадиган усуллар ёрдамида ўрганади. Курсантларни тарбиялаш, билим бериш ва ўқитишнинг аниқ жараёнлари, билиш йўллари, услублари ва воситалари мажмуи ҳарбий педагогиканинг илмий-тадқиқот усуллари ҳисобланади.

Ҳарбий кадрларни тайёрлаш, ўқитиш ва ўз-ўзини тарбиялаш жараёнлари ўртасидаги ажралмас ва зарурий боғлиқлик тамойилларига асосланган ахлоқий, ақлий ва жисмоний тарбиянинг мураккаб тизими ҳарбий педагогиканинг ажралмас қисмига айланмоқда.

Ҳарбий педагогика ўқитиш, билим бериш, тарбиялаш жараёнини умумлаштириб унда қуйидагиларга асосий эътибор қаратилади:

1) ўқитиш, билим бериш, тарбиялашнинг умумий алоқаси, бир-бирини тақозо этиши ва ўзаро таъсири жараёнида курсантларни ўқитиш, тарбиялаш, фан, маданият, ахлоқ ва санъат, таълим ва тарбия қаерда амалга оширилишидан қатъий назар узвий боғланишда бўлади;

2) таълим тизимидаги ўзгаришлар жараёнида билим бериш ва

тарбиянинг вазифалари, шакллари, усулларининг ўзгариши, жараённи амалга оширишдаги мураккабликларнинг вужудга келиши ҳамма курсантларни бир хил-андоза асосида ўқитиш, тарбиялаш мумкин эмаслигини кўрсатади;

3) курсантларга таълим беришда уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, ақлий ва хулқий фаолият, сўз ва иш бирлиги мезонларига таяниш;

4) курсантлар фаолиятига таъсир этувчи анъана, урф-одатлар, улар ўртасидаги тафовутларни билиш, аниқлаш асосида яхши билан ёмон, эскилик билан янгилик, жамоа ўртасида юз берадиган низоларни ҳисобга олиш, ўзаро танқид ва ҳоказо.

5) фалсафий категориялар — ҳодиса ва моҳият, сабаб ва натижа, зарурият ва тасодиф, мазмун ва шакл, имконият ва ҳаққоният, тарихий ва мантиқий, умумий ва хусусий кабиларни билиш ва уларни ҳарбий педагогика фани тараққиёти назаридан талқин қила олиш ва ҳоказо.

Ҳарбий педагогиканинг тўғри йўлга қўйилиши таълим-тарбия мазмунини янгилаб, такомиллашувини оширади ҳамда фан базасини бойитиб боради.

Ҳарбий педагогик жараён доирасига ҳарбий хизматчиларнинг хизмат ва жанговар вазифалари бўйича профессионал тайёргарлиги, командирлар ҳамда уларнинг қўл остидагиларнинг тўғри ташкил этилган ва мақсадга йўналтирилган ўзаро муносабатлари киради.

Ҳарбий педагогиканинг асосий вазифаси шахсий таркибда ғоявий мустаҳкамлик, жанговар маҳоратнинг, техник тайёргарликнинг юқорилиги, огоҳлик ва интизомлилик, ватанпарварлик, байналмилаллик, бурчга содиқлик, жисмоний чидамлилик ва психологик саботлиликни шакллантириш ҳисобланади. Ҳарбий-педагогик жараён шахсий таркиб ҳарбий фаолиятининг барча турларини умумлаштиради. Бу жараён тинчлик ҳамда уруш пайтида ҳам бирдек қўлланилади. Ушбу жараённинг тизимлаштирувчи компоненти сифатида ўқувтарбиявий вазифалар олдинга чиқади.

Ҳарбий-педагогик жараённинг ички моҳияти ҳарбий хизматчиларнинг фаол жамоавий ва индивидуал фаолияти ҳисобланади. Унинг хусусиятлари қуйидагиларга боғлиқ:

- ўқув-тарбиявий вазифалар табиатига;
- ўзлаштириладиган хулқ-атвор ғоялари, меъёрлари ва тамойиллари мазмунига;
- ўрганиладиган техника ва қуролланишнинг ўзига хос хусусиятларига;
- хизмат ва жанговар вазифаларнннинг амалга ошириш усулларига;
- машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш методикасига;
- машғулотларни ташкил этилиш табиати ва моддийтехник таъминотига;
- ҳарбий жамоада мавжуд бўлган ахлоқий, ижтимоий-психологик муҳитга;
- таълим олувчиларнинг тайёргарлиги ва педагогик маданият

даражасига.

Ҳарбий-педагогик жараённинг самарадорлиги кўп ҳолларда педагогик ўзаро боғлиқликдаги иштирокчилар ўртасидаги мазмун ва характерга боғлиқ бўлади. Ҳарбий-педагогик жараён самарадорлигининг асосий мезони ҳарбийлар ва ҳарбий жамоаларнинг хизмат ва жанговар вазифалари бажаралишининг сифати ҳисобланади.

Ҳарбий-педагогик жараён ўзига хос педагогик кўриниш сифатида қуйидаги хусусиятлар билан ифодаланади:

- сиёсий йўналишга эгалиги;
- устав талабига ҳамда жанговар тайёрликни узлуксиз ошириб бориш манфаатларига мувофиқлиги;
- барча хизмат фаолияти билан чамбарчас боғлиқлиги;
- шахсий таркибнинг қуруқликда, сув ва ҳаводаги фаолият бирлиги;
- назарий ва амалий тайёргарлигнинг узвий боғлиқлиги;
- машғулот ва дарсларнинг юқори техник жиҳозланганлиги;
- ўқув-тарбиявий ишларнинг табиати, уларни жанговарликка йўналтирилган тарзда ўтказиш;
- индивидуал ва жамоавий тайёргарликнинг яхлитлиги;
- жараённинг турли соҳа, режа ва кўп босқичли характерга эгалиги;
- ҳарбий-педагогик тайёргарлиг ва жараённинг амалга оширилишида командир ва бошлиқларнинг етакчилиги.

Ҳарбий-педагогик жараённинг қонунияти реал жанговар фаолият шароитида ҳарбийларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлиги жараёнини моделлаштириш ҳисобланади.

Хулоса. Замонавий ҳарбий таълим муассасаларида ўқув жараёни компетентли ва малакали ҳарбий мутахассисни тайёрлашга қаратилган бўлиб, унинг малакасини ошириш анъанавий педагогик усулларни таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги инновацион педагогик ютуқлар билан муваффақиятли уйғунлаштиришга асосланган. Уларга қуйидагиларни келтиришимиз мумкин: 1) таълимнинг интерактив шаклларидан фойдаланиш (масалан, ижодий вазифалар, ижтимоий лойиҳалар ва бошқалар); 2) оптимал ва самарали таълим технологияларини излаш ва жорий этиш (масалан, магистратура учун модулли-рейтинг технологияси ёки талабалар ва курсантларнинг ижодий тадқиқот фаолиятига асосланган лойиҳа-ижодий технологиялар); 3) таълимнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш (лойиҳавий-ижодий, мультимедиа, интеграл, график маълумотларни сақлаш ва бошқалар); 4) мақсадни белгилаш, ўз-ўзини ташкил этиш, ўзини ўзи назорат қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш асосларини шакллантириш мақсадида талабаларнинг мустақил ишлари сифатини ошириш; 5) таълимни индивидуаллаштириш ва шахсийлаштириш; 6) ўқитишнинг турли усулларини танлаш ва ижодий тадбиқ этиш ва уларнинг оптимал комбинацияси; 7) ҳар қандай мавжуд таълим ресурсларидан (маҳаллий ва жаҳон таълим тизимлари) эркин фойдаланишни таъминловчи университетнинг ягона ахборот-таълим (электрон, рақамли) муҳитини шакллантириш; 8) таълим жараёнининг барча иштирокчилари билан таълим ўзаро муносабатларини тизимли

равишда қуриш; 9) ҳарбий хизматчиларни ўз мамлакатининг ҳақиқий фуқароси, профессионали, етакчиси, юксак маънавиятли шахси ва ватанпарвари этиб тарбиялаш.

Адабиётлар

1. Салимов А.А. Таълим соҳасида инсон тараққиёти концепциясининг асосий йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Самарқанд: 2019. –Б.13.

2. Броневицкий Г.А. Психолого-педагогический словарь офицера воспитателя корабельного подразделения / Г.А. Броневицкий, Г.Г. Броневицкий, А.Н. Томилин. –Новороссийск: Издательство: –Новороссийск. 2005. –76 с

3. Гольдин И.И. Проблемное обучение в профессионально-технических училищах / И. И. Гольдин. – М.: Высшая школа, 1979. – 101 с.

4. Алехин И. А. Развитие теории и практики военного образования в России XVIII — начала XX века: дис. ... д-ра пед. наук. –М., 2004. –451 с.

5. Терещенко А. Г. Становление и развитие военно-педагогического образования в России: методология, история, приоритеты современности: монография. –Воронеж: ВАИУ, 2012. –312 с.

6. Зарудницкий В.Б. Характер и содержание военных конфликтов в современных условиях и обозримой перспективе // Военная Мысль. 2021. № 9. С. 34–44

7. Алехин И. А. Развитие теории и практики военного образования в России XVIII — начала XX века: дис. ... д-ра пед. наук. М., 2004. С. 167.

8. Терешченко А.Г. Военная педагогика России .С.123-127

9. Котов, Н. Ф. Развитие педагогических способностей у советских офицеров / Н. Ф. Котов. – М.: ВПА им. В.И. Ленина, 1964. – 57 с.

10. Кудрявцева, В. Ю. Военно-профессиональная подготовка курсантов высших военно-учебных заведений к педагогической деятельности в войсках: автореф: Дисс. ...канд. пед. наук. – Казань, 2010. – 20 с.

11 Тахтамиров, В.О. Проектирование и реализация профессиональнопедагогической подготовки офицеров воспитательных структур: автореф. дис. ...канд. пед. наук. – Казань, 2005. – 22 с.

12. Солоницын, Д. А. Развитие педагогической культуры офицера в процессе военной службы: дис. ...канд. пед. наук. – М., 2015. – 235 с.

13. masland J.w., Radway l.J. Soldiers and Scholars. military education and National policy. prenceton, 1957. 215 p

14. Pulliam J.D/ Hustary of education in america. Columbus, ohio, 1976. p. 135-136.

15. Военная педагогика: учебник для военных вузов / под ред. О.Ю. Ефремова. СПб.: Питер, 2015. С.42

16. Военная педагогика: учебник для военных вузов / под ред. О. Ю. Ефремова. СПб.: Питер, 2015. 755 с.

# BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA HUQUQIY ONGNI SHAKLLANTIRISHDA PEDAGOGNING KREATIVLIGI

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.030

*Jumayeva Feruza Faxriddinovna*
*BMTI akademik litseyi yetakchi o'qituvchisi*

*Annotatsiya. Maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilarida huquqiy ongni shakllantirishda o'qituvchini kreativ harakatlari va uning samarasi xususidagi fikrlar bayon qilingan.*

*Kalit so'zlar: kreativ, huquqiy ong, boshllang'ich sinf, o'quvchi, interaktiv usul.*

Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni rivojlantirib borish qonun ustuvorligini ta'minlash va qonuniylikni mustahkamlashning eng muhim shartlaridan biri hisoblanadi. Yurtimizda so'nggi yillarda milliy huquq tizimini tubdan isloh qilish, jamiyatda huquqiy madaniyatni shakllantirish borasida sezilarli ishlar amalga oshirildi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning 2019 yildagi "Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to'g'risida" Farmonida "yosh avlod ongiga huquq va burch, halollik va poklik tushunchalarini hamda odob-axloq normalarini chuqur singdirib borish, Konstitutsiyaning muhim jihatlarini ularga bolaligidan boshlab o'rgatish;" asosiy vazifa qilib belgilab berilgan bo'lib, ushbu me'yoriy hujjat huquqiy demokratik davlat hamda fuqarolik jamiyatni qurishni o'z maqsadi qilib olgan jamiyatimiz uchun huquqiy tarbiyaning asosini belgilab beruvchi asosiy tamoyil bo'lib xizmat qiladi. Darhaqiqat har qanday jamiyatda yosh avlodning ta'lim-tarbiyasi doimo dolzarb muammo sifatida e'tirof etiladi. Uning ikkinchi muhim jihati esa yoshlarning ijtimoiy-huquqiy ongini shakillantirishda huquqiy tarbiyaning rolidir.

O'zbekiston Respublikasining uzluksiz ta'lim tizimining ajralmas va eng asosiy bo'g'ini boshlang'ich ta'lim ekanligini e'tiborga olgan holda aynan huquqiy tarbiyani rivojlantirishga shu bosqichda alohida ahamiyat berish maqsadga muvofiqdir. Boshlang'ich ta'limda o'quvchilar huquqiy jihatdan chuqur nazariy va amaliy bilimlar hamda malaka va ko'nikmalarga ega bo'lishi bilan birga milliy urf-odatlar va qadriyatlarni hurmat qilishi, ma'naviy, ruhiy, jismoniy jihatdan sog'lom va barkamol, fuqorolik burch va mas'uliyatini shakllangan bo'lib voyaga yetishlari kerak. O'quvchilarda huquqiy tarbiyalashda maktab miqyosida olib boriladigan, ma'naviy-ma'rifiy ishlarni olib borishda xalqning boy merosidan unumli foydalanish, uning tizimli asosini ishlab chiqish, o'z oldimizga qo'ygan maqsadimizni samarali amalga oshishishiga sababchi bo'ladi. Chunki, huquqiy tarbiya bu- tashkiliy ravishda muntazam olib boriladigan, aniq maqsadni ko'zlagan va shaxsga

«guruh shaxslariga» ta'sir qila oladigan, ularda huquqiy ong, huquqiy bilim, qonunlarga rioya qilish xislatlarini vujudga keltiradigan harakatdir. Aynan o'qitish jarayonida olib boriladigan ilmiy, ma'naviy-ma'rifiy ishlar asosida boshlang'ich sinf o'quvchilarida huquqiy tushunchalarni shakllantirish bu har bir o'quvchining ichki hayoti, muhit kechinmalari, aqliy qobiliyatlari, idrokini mujassamlashtirish, Vatan ravnaqi, yurt tinchligi, xalq farovonligi yo'lida xizmat qilish, O'zbekistonda yashayotgan barcha millat va elatlarning qadriyatlari, tili, madaniyati, diniy e'tiqodi, urf-odat va an'analarni hurmat qilish, ularni asrab avaylash va rivojlantirish, ma'rifatli, bilimli, huquqiy jihatdan madaniyatli, ma'naviy axloqiy fazilatlarga ega bo'lgan shaxs bo'lib yetishishi demakdir. Fuqarolik tarbiyasi tagzaminida xalq o'tmishi, tarixini o'rganish milliy qadriyatlar mohiyatini anglashga asoslangan faoliyatga o'quvchilarni yo'naltirish ijtimoiy maqsadni amalga oshirishga qaratirilgan yo'l sanaladi. O'quvchilarni haqiqiy fuqaro etib tarbiyalash, ularda fuqarolik tuyg'usini rivojlantirish, fidoiy, vatanparvar fuqaro sifatida tarbiyalash asnosida ta'minlanadi. Yosh avlodda fuqarolik hissi va e'tiqodini tarbiyalamay turib, ularda axloqiy, xulqiy odatlar va huquqiy ko'nikmalarni shakllantirib bo'lmaydi. Shuning uchun ham fuqarolik tuyg'usini qaror toptirish murakkab jarayon hisoblanadi. Bunda dastlab o'quvchilarga fuqarolikning mohiyati va me'yoriy qoidalar mazmuniga oid ilk tushunchalar to'g'risida bilimlar beriladi. Avvalo, o'quvchiga fuqarolik odobi va madaniyati haqidagi tushunchalar beriladi, bu xildagi hatti-harakatlarga oid ibratli shaxslar faoliyatidan namunalar keltiriladi, so'ngra faoliyat uyushtiriladi. Ana shu asosida ularda fuqarolik tushunchasi shakllanadi va fuqarolik xulqiy odatlari, ko'nikmalar hosil qilinadi. Badiiy va ilmiy adabiyotlar, matbuot yangiliklari, kinofilm, spektakl g'oyalari, turli suhbatlar mazmunini tushuntirish, targ'ib etib borish orqali o'quvchilar ongiga fuqarolik tushunchalari singdiriladi.

Darhaqiqat bugungi kunda ta'lim sohasida olib borilayotgan keng ko'lamli islohotlar, ta'lim mazmunini takomillashtirishga oid qabul qilingan hukumat qarorlari, ta'limni hayot bilan bog'lashni, o'qitish samaradorligini oshirishni, tez taraqqiy etib borayotgan jamiyat uchun har tomonlama rivojlangan faol fuqarolik pozitsiyasiga ega bo'lgan barkamol avlodni tarbiyalab yetishtirishni talab qiladi. Bu o'rinda ta'lim jarayoniga innovatsion pedagogik texnologiyalarning kirib kelishi va qo'llanishi davr talabi bilan bevosita bog'liqdir. Shuning uchun ham yosh avlodni rivojlangan huquqiy madaniyatli qilib tarbiyalash pedagog kadrlardan yangicha yondashuv hamda ijodkorlik, kreativlikni talab etadi. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida huquqiy ongini shakllantirish jarayoni o'ziga xos xususiyatlarga ega. Chunki huquqiy ong jamiyatda ijtimoiy ongning boshqa shakllaridan – falsafa, siyosat, din, axloqdan farq qiladi. U jamiyatda ijtimoiy ongning maxsus shakli bo'lib hisoblanadi, chunki huquqiy ong keng tushuncha bo'lib, jamiyatda huquqiy normalarni qabul qilish, ularni turmushda qo'llash, huquq to'g'risida bilimlarning, ya'ni huquqiy madaniyat va huquqiy tarbiya to'g'risidagi

murakkab ijtimoiy vazifalarni o'z ichiga oladi.Avvalo boshlang'ich sinf o'quvchilarda huquqiy ongni shakllantirishda tanlanadigan zamonaviy ta'lim texnologiyalarini ijtimoiy buyurtma sifatida mavjud davlat talablariga va bozor iqtisodiyoti talablariga moslashtirish hamda ilmiylik tamoyili asosida ishlab chiqish, nazariya bilan amaliyotning o'zaro aloqadorligini ta'minlanishi va yana albatta o'zida insonparvarlik va demokratik xususiyatlarni aks ettirishiga alohida ahamiyat berish zarur. Jamiyatning demokratiya yo'lidan jadal rivojlanishi va bu borada amalga oshirilayotgan islohotlarning muvaffaqiyati ko'p jihatdan fuqarolarning huquqiy ongi va huquqiy madaniyati darajasiga bog'liq. Mamlakatimizda barcha sohalarda olib borilayotgan islohotlarning mohiyatini anglash, ushbu jarayonda ishtirok etish fuqarolarning huquqiy madaniyati yuqori bo'lishini taqozo etmoqda. Jamiyatning har bir a'zosi o'z huquq va burchlarini hamda mas'uliyatini puxta bilishi, buni hayotiy ehtiyoj sifatida anglamog'i lozim. Fuqarolarimizning dunyoqarashi, tafakkuri mamlakat hayotiga, yangilanishlarga mos ravishda o'zgarib borishi huquqiy madaniyat tushunchasi bilan chambarchas bog'liqdir. Shuning uchun ham o'qituvchi o'quvchilarda huquqiy ongni shakllantirishda yuqoridagi jihatlarni inobatga olgan holda, interaktiv metodlarni tanlay olishi va unga ijodkorona yondasha olishi muhim hisoblanadi. Pedagogik jarayon shakli ta'lim oluvchining mustaqil va ijodiy ishlash, kelajakda kasbiy va hayotiy muammolarini mustaqil yechish ko'nikma va malakalarini shakllantirish hamda rivojlantirishga yo'naltirilishi kerak. Bunda faol ta'lim metodlaridan unumli foydalanilishi, ta'lim maqsadlarining aniq qo'yilishi va erishiladigan o'quv natijalari pedagogik vazifalar shaklida ifodalanishi kerak.

Huquqiy tarbiya ҳамда huquqiy ongni o'quvchilar shuurida shakllantirish uni e'tiqod darajasiga keltirish orqali amalga oshiriladi. Bevosita ta'lim va barkamol shaxs tarbiyasi bir-biri bilan uzviy bog'liq jarayondir. Mazkur jarayonda mantiqiy fikrlash, tasavvur qilish, bilish faoliyatini rivojlantirish kabi jihatlar muhim ahamiyatga ega. Ta'lim orqali o'quvchilarda shaxsiy dunyoqarash va e'tiqod shakllanadi. Badiiyat va fan qonuniyatlarini anglash, ta'limda belgilangan bilim, ko'nikma va malakalarni egallash, faoliyat yo'nalishidagi qiyinchiliklarni yengish, yakka tartibda, juftlikda va guruhlarda ishlash kabi metodlar jarayonida o'quvchi shaxs sifatida shakllanib boradi. Ta'limda o'qituvchi interfaol metodlardan mavzuga muvofiqini tanlay bilishi muhim, bunda o'qituvchi interfaol metodlardan avvalo oddiydan murakkabga o'tish nazariyasiga amal qilgan holda foydalanmog'i lozim. Masalan, o'yinli texnologiyalar o'quvchilarning faolligini ta'minlovchi, o'qitish texnologiyalaridan biri - pedagogik ishbilarmonlar o'yini hisoblanadi. O'yin faoliyatiga qiziqish, o'quvchilarning o'z-o'zini ifoda etish, ro'yobga chiqarish kabi ehtiyojlarini qondiruvchi, musobaqalashish elementlari orqali ta'minlanadi. O'yinning ajoyib xususiyati shundaki, u bir vaqtning o'zida ham rivojlanish ham o'rganish hisoblanadi. Pedagogik o'yin o'qitishning aniq qo'yilgan maqsad va unga tegishli pedagogik natija bilan belgilanadi.

Bu natijalar asoslangan va o'quv tayyorgarlik faoliyatiga ega bo'ladilar. Pedagogik o'yinlar o'yin uslubiga ko'ra quyidagicha tavsiflanadi: fanlar bo'yicha; huquqiy jarayon qatnashchilari-fuqarolar, davlat organlari mas'ul shaxslar, siyosatchilar, imitatsion, dramalashgan o'yinlar. Imitatsion o'yinlar - bo'lim, korxona, tashkilotning faoliyati-imitatsiya qilinadi. Imitatsion o'yinlar ssenariyasi, hodisa syujetidan tashqari, imitatsiya qilinadigan jarayon va ob'yektlar tarkibi va ahamiyati haqidagi tafsilotlarni o'z ichiga oladi. Operatsion o'yinlar – tegishli ish jarayoni, ularni bajarish shart-sharoitlari modellashtiriladi. Ular ma'lum bir o'ziga xos operatsiyalarni: sud jarayoni qatnashchilari harakati, ularning faoliyati ma'lum bir usulni o'zlashtirishga yordam beradilar. Rolli o'yinlar – ma'lum bir shaxsning vazifa va majburiyatlarini bajarishdagi ruhiy holatlar, hatti-harakat ishlanadi, rollar majburiy mazmuni bilan taqsimlanadi. Psixodrama va sotsiodrama – bu rolli o'yin teatrga o'xshagan bo'lib, faqat bu yerda ijtimoiy-huquqiy, psixologik vaziyatlar ko'riladi hamda yechiladi. Bunday masalalar jumlasiga jamoadagi vaziyatni his qila olish, boshqa kishini ruhiy holatini to'g'ri baholash va uni o'zgartira olish, u bilan unumli muloqotga kira olish kiradi. Zamonaviy texnika vositalari- kompyuter vositalari hamda internet tizimi bilan ta'minlangan dars xonlarida turli xil o'qitish innovatsion kompyuter programmallari orqali onlayn o'yinli vaziyatlar orqali ham boshlang'ich sinf o'quvchilarida huquqiy vaziyatlarni ongli hal qilish bo'yicha ko'nikmalar shakllantirish mumkin.

Boshlang'ich sinflarda interfaol metodlar va ta'limiy o'yinlardan, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish o'quvchilarni mustaqil fikrlashga, ijodiy izlanish va mantiqiy fikrlash doiralarini kengaytirish bilan birga ularni darslarda o'rganganlarini hayot bilan bog'lashga, qiziqishlarini oshirishga yordam beradi. O'qituvchilarning bunday zamonaviy talablar asosida yaratilgan sharoitlardan samarali foydalanib, darslarni ilg'or pedagogik hamda axborot kommunikatsiya texnologiyalari asosida tashkil etilishi ta'lim-tarbiya jarayonini sifatini kafolatlaydi. Masalan, «Videotopishmoq» metodi. So'nggi yillarda pedagogik faoliyatda turli axborot vositalar (komp'yuter, televideniye, radio, nusxa ko'chiruvchi qurilma, slayd, video va audio magnitofonlar) yordamida ta'lim jarayoni tashkil etilishida asosiy o'rinni egallamoqda. O'qituvchilar oldida ta'lim jarayonida turli axborot vositalaridan o'rinli va maqsadga muvofiq foydalanish vazifasi turibdi. Videotopishmoq metodidan foydalanishda quyidagi harakatlar amalga oshiriladi: – tahsil oluvchilar e'tiboriga o'rganilayotgan mavzu mohiyatini tasviriy yoritishga yordam beruvchi izohlarsiz bir nechta videolavha namoyish etiladi; – tahsil oluvchilar har bir lavhada qanday jarayon aks ettirilganligini izohlaydilar; – jarayonlarning mohiyatini daftarlariga qayd etadilar; – o'qituvchi tomonidan berilgan savollarga javob qaytaradilar.

Ta'lim tizimiga yangi kirib kelgan texnologiyalardan biri bu o'qitishning

kreativ texnologiyasi bo'lib, uning maqsadi – insonda ijodkorlikni uyg'otish va uning o'zida bor bo'lgan ijodiy imkoniyat (potensial)ni rivojlantirishdir. O'qitishning kreativ texnologiyasi bajarilganda shaxs ijodkorlik ob'yekti darajasidan ijodkor sub'yektga o'tkaziladi, o'quv materiali o'zlashtirish fanidan biron ijodkorlik, yaratuvchanlik maqsadiga erishish vositasiga aylanadi. Kreativ texnologiya yangi kerakli bilim olish, yaratish va ishlab chiqarishga qaratilgan. Boshlang`ich sinf o`quvchilarining kreativlik yo`naltirilganligini quyidagi pedagogik shart-sharoitlar asosida shakllantirish mumkin, agarda: - boshlang`ich sinf o`quvchilarining tug`ma istedodi gavdalansa; - dunyoda va yurtimizda ro`y berayotgan yangiliklardan boxabar bo`lib borsa va ularni kundalik hayoti faoliyatida qo`llab borsa; - mavjud psixologik to`siqlarni yengib o`ta olsa; - o`quvchilarning kreativ salohiyati o`qituvchilar tomonidan e`tiborga olinsa va qo`llab-quvvatlansa.

Buyuk olim V.A.Slastinin ijodkorlikning asosiy xislatlarini quyidagicha belgilagan:

shaxsning ijodiy motivatsiyani qo`llaganligi.

qiziquvchanlik, ijodiy qiziqish, ijodiy yutuqlar, peshqadamlikka va o`z kamolotiga intilish kreativlik, bu - xayoliy qarash;

baho bera olish qobiliyati va o`z kamolotiga intilish;

ijodiy faoliyatiga hamkorlik va o`zaro yordam berish qobiliyati;

Kreativ salohiyatga ega o`quvchilar boshqalarga taqlid qilmasdan, o`zlari tanlagan faoliyatlarining barcha bosqichlariga kreativ va mustaqil yondashadilar. Shuning uchun ham kreativ ta'lim texnologiyalaridan boshlang'ich sinf o'quvchilarining sinfdan tashqari faoliyati davomida qo'llash maqsadga muvofiqdir. Bunda tarbiyachi yo'naltiruvchi, o'quvchi ijodiy loyihalovchi sifatida ishtirok etadi.

Xulosa qilib aytganda, boshlang'ich sinf o'quvchilarida huquqiy tushunchalarni shakllantirish uzluksiz ta'lim tizimining keyingi bosqichlarida uzviy ravishda olib borilishi natijasida o'quvchilarda huquqiy madaniyat shakllanadi va muntazam rivojlanib boradi. Boshlang'ich sinf o'qituvchilari o'quvchilarda huquqiy tushunchalarni shakllantirishda individual yondoshishi, ularning psixik xususiyatlarini hisobga olishi, qalbiga yo'l topa olishi lozim, shundagina u jamiyatimizni qurish uchun munosib bo'lgan kelajak avlodni tarbiyalashning muqaddas ishga munosib hissa qo'sha olgan bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni "Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to'g'risida" PF-5618 09.01.2019-lex.uz

2. Farber I.E. Huquqiy ong ijtimoiy ongning bir shakli sifatida. - M., 1963 yil.

3. Nazarova T.S. Pedagogicheskaya texnologiya. Novыy etap evolyutsiy. M. Pedagogika. 1997

# BOLALARNI INTELLEKTUAL RIVOJLANTIRIShDA JISMONIY MASHQLARNING O‘RNI VA AHAMIYATI

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.031

*Muxitdinova Nigora Mexriddinovna*
*BuxDU Sport nazariyasi va metodikasi kafedrasi katta o‘qituvchisi*

---

Hozirgi vaqtda bo‘sh o‘zlashtiruvchi o‘quvchilar soni ortib borayotgani hech kimga sir emas. Ayniqsa, ushbu moyillik ommaviy bog‘cha yoshidagi bolalar, boshlang‘ich sinf o‘quvchilari o‘rtasida namoyon bo‘lib kelmoqda. Ko‘pchilik bolalar maktab ta’limida ayrim muammolarga duch keladilar, asosiy muammolar esa bilimlarni o‘zlashtirish jarayoni bilan bevosita bog‘liq bo‘lib qolmoqda. Maktablarda bilimlar o‘quvchiga berilmoqda, lekin natijalar talab darajasida emasligi mazkur ahvolga yanada jiddiy e’tibor qaratishga va zudlik bilan kerakli chora-tadbirlarni amalga oshirishga sabab bo‘lmoqda.

Bog‘cha va maktablarda ishlash jarayonida samarali korreksion metodlarning yo‘qligi o‘qish bilan bog‘liq muammolarning ko‘payib boryatganligi va o‘zlashtirishi past bo‘lgan o‘quvchilar sonining ortishiga olib kelmoqda. Ushbu muammolarning kelib chiqishi natijasida turli reabilitatsion va konsultatsion markazlarning sonini ortishiga turtki bo‘lmoqda.

Mutaxassislarning ta’kidlashicha hozirga qadar hammaga ma’qul bo‘lgan an’anaviy pedogogik-psixologik metodlar o‘qishda va korreksion ishlarda o‘z kutgan natijalarini bermayotganligi tufayli yangi metodlarni izlash zarurati paydo bo‘ldi. Ushbu avj olib borayotgan muammolarni tezroq oldini olish va samarali bartaraf etish masalasi bugungi kunning eng dolzarb muammosi bo‘lib qoldi.

O‘qishdagi qiyinchiliklar bilan bog‘liq muammolarga kimlar duch kelmoqda? Ular umumiy maktablarda bilim olib kelayotgan oddiy sinf o‘quvchilari. Ular ko‘pincha bir yoki bir necha fandan (asosan og‘zaki) yaxshi natijalarga ega bo‘lishga harakat qiladi. Lekin yozish, o‘qish va matematika borasida sezilarli darajada muammo va qiyinchiliklarga duch kelinmoqda.

Oxirgi yillarda ko‘pgina pedagogik, psixologik tadqiqotlar aynan ta’limdagi qiyinchiliklarning kelib chiqishi va uni bartaraf etish sabablari va mexanizmlarini o‘rganish bilan bog‘liq bo‘lmoqda. Tadqiqotlar natijalari shuni ko‘rsatib turibdiki bolalarning oliy psixik funksiyalarning parsial ya’ni qisman rivojlanishida ortda qolishi bilan bog‘liq sabablarga borib taqaladi. Ushbu muammolarni ishonchli va samarali aniqlashda neyropsixologiya, neyropedagogika alohida ahamiyat kasb etadi.

A.R. Luriya va uning izdoshlari tomonidan olib borilgan ishlar natijasida oliy psixik funksiyalarning tuzilishi va uning lokolizatsiyasi faoliyati

natijasida o‘qish va yozishni amalga oshirilishi uchun miyaning dasturlash, ixtiyoriy boshqarish (III-blok, miyaning peshana qismi) hamda axborotni qabul qilish, qayta ishlash va saqlash qismi (II-blok miyaning ensa qismi) hamkorligida amalga oshirilishi taqiqotlar natijasida aniqlangan. Bunda miyaning energetik ya’ni miyaning quvvatini ta’minlovchi qismi (I-blok miyaning ustun (stvol qismi)ning ham ahamiyati katta hisoblanadi.

A.R. Luriya o‘z nazariyasida inson miyasini murakkab bir tuzilishga egaligi va u uch blokdan (zonadan) iborat bo‘lib, har bir blok har xil yosh davrlarida va bosqichlarida shakllanishini ta’kidlab o‘tgan. Ular quyidagicha o‘rganiladi:

I-blok, energetik yoki miyaning quvvati bloki hisoblanadi. Ushbu miyaning qismi bola ona qornidan boshlab bola 2-3 yoshga to‘lgunga qadar shakllanib, o‘zida retikulyatsion formatsiya va organizmning yoki biror a’zoning hayotiy faollik darajasi hamda tetiklikligi uchun javob beradi.

II-blok, axborotni qabul qilish, qayta ishlash va saqlash bloki uch yoshdan boshlab 7-8 yoshlarni o‘z ichiga oladi. Ushbu qismga miyaning ikki yon chakka, bosh orqa yuqori va bosh orqa zonalarini o‘z qamroviga oladi. Ushbu miya qismi psixik faoliyatning operatsion-texnik jihatdan ta’minlash uchun xizmat qiladi.

III-blok, dasturlash, ixtiyoriy boshqarish va nazorat bloki 7-8 yoshdan boshlab 12-15 yoshgacha shakllanib, boshning peshana zonasini o‘z ichiga olib, umumiy qilib aytganda inson xulq-atvori va xatti-harakati muvofiqligi uchun javob beradi. Ushbu blokning to‘liq yetilish davri to 20-21 yoshgacha davom etadi.

Yuqoridagi ma’lumotlar bizga yozish, o‘qish, matematik vazifalar, og‘zaki nutq va uni tushunish kabi vaziyatlar oliy psixik funksiyalar ya’ni, murakkab funksional tizim bosh miya va uning funksional komponentlariga tayangan holda o‘z faoliyatini amalga oshishi haqida ma’lumot beradi. Fonematik eshitish qobiliyati, tovushlarni ajrata olish, og‘zaki nutq, yozuv va o‘qishni o‘zlashtirish, ko‘rishga oid analiz funksiyasi harf, so‘zlarni tanish, ularni esda saqlash va matnni o‘qishda muhim o‘rin egallaydi.

Har bir bolaning psixik rivojlanishi genetik individual tarzda shakllanib, ularning psixik funksiyalarining rivojlanishi uzoq davom etuvchi jarayon bo‘lib, bir funksiya oldinroq boshqalari esa keyinroq shakllanishini hech kimga sir emas. Shu bois bir bolada ko‘rishga, eshitishga oid o‘zlashtirish boshqasida esa muhitni tasavvur qilish imkoniyatlari shakllangan bo‘lib, har bir bolaning faoliyati, harakati hamda intilishi bir-biriga o‘xshamaydi va bularning ba’zilari oldinroq ba’zilari esa keyinroq rivojlanadi. Aynan miyaning ushbu tarkibiy qismi boladagi ustun va zaif tomonlarini kompensatsiya qila olmasligi natijasida ijtimoiy talablarga muvofiq bo‘la olmayotgani, qiyinchiliklarga duch kelayotganini bizga aynan qaysi jihatlariga birinchi

navbatda e'tiborni qaratishimiz kerakligini bildiradi.

Bu kabi muammolarni oldini olish albatta maktabgacha ta'lim tashkilotlaridan boshlanishi, o'zining ijobiy natijasini beradi.

Bunday muammoli bolalarga kuchliroq motivatsiya, emotsional qiziqtirish (o'z kuchi va qobiliyatiga undovchi rag'batlantiruvchi so'zlar) va vazifalarni miqdorlash sezilarli darajada yordam beradi. Hattoki bunday bolalarga faoliyatni o'zgartiruvchi vaziyatlar ham foydali hisoblanadi. Faoliyatni o'zgartiruvchi vaziyatlar jismoniy mashqlar, harakatli o'yinlar orqali amalga oshirilishi ham mumkin.

Maktabgacha va kichik maktab yoshidagi bolalarni intellektual rivojlantirishda neyropedagogik va neyropsixologik bilimlarning o'rni beqiyos hisoblanadi. Chunki neyropedagogik, neyropsixologik yondashuv bizga oliy psixik funksiyalarning o'rganib bolalarning kuchli va zaif tomonlarini o'z vaqtida aniqlash va aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etishga, guruh yoki individual tarzda korreksion ishlarni samarali tashkil qilish orqali mavjud muammolarni yaxshilashga yordam beradi.

Neyrokorreksion mashqlar tizimli ravishda to'g'ri tashkil etilsa, bolaning intellektual rivojlanishida yutuqlarga erishish mumkin.

Neyrokorreksion mashqlarning aksariyat qismi jismoniy mashqlar hamda bolalarning harakatchanlik faolligini oshirishga yo'naltirilgan mashqlardan iboratligiga e'tibor qaratsak, jismoniy tarbiyaning bola intellektini rivojlantirishda samarali vosita ekanligiga ishonch hosil qilamiz.

Ushbu muammoni ijobiy hal etishni ko'plab omillar, jumladan, jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy rivojlanishi va maktabgacha yoshdagi bola shaxsini intellektual rivojlantirishda jismoniy tarbiya, jismoniy mashqlarning ahamiyatliligini ilmiy asoslash zarur.

Tarixiy tajriba zamonaviy maktabgacha ta'lim uchun muhim pedagogik ahamiyatga ega bo'lib, yosh bolalarning boshlang'ich ta'limi va tarbiyasi haqidagi ko'plab qimmatli pedagogik g'oyalarni o'zida mujassam etgan. Shu sababli, maktabgacha yoshdagi bolalarning aqliy va jismoniy tarbiyasi haqidagi o'tgan yillardagi pedagogik fikrga tayanmasdan, bu mumkin emas. bugungi kunda maktabgacha pedagogika oldida turgan muammolarning muvaffaqiyatli rivojlanishi bo'lishi mumkin.

Hozirgi maktabgacha pedagogikada maktabgacha yoshdagi bolalarni o'qitish va tarbiyalashning mohiyati haqidagi nazariyotchi va amaliyotchilar ega bo'lgan bilimlarning to'liqligi bilan bolaning psixofizik rivojlanishidan xabardorligi o'rtasida bog'liqlik mavjud.

Rivojlanishning tarixiy bosqichlari va qonuniyatlari maktabgacha yoshdagi bolalarning aqliy rivojlanishida jismoniy tarbiyaning o'rni borasidagi nazariya va amaliyotni chuqur o'rganish, tahlil etish, baholash kelgusidagi vazifalarni belgilash imkonini beradi.

Afina tuzumi davridan (miloddan avvalgi VI-IV asrlar) to hozirgi kungacha fanlar, san'at, jismoniy tarbiya o'rgatish va o'qitish uslublarini rivojlantirish asosida barkamol shaxsni tarbiyalash insoniyat ongida qiziqish uyg'otib kelgan.

Bola hayotining dastlabki kunlaridanoq uni jismoniy tarbiyalashga alohida e'tibor qaratgan davlatlardan biri Sparta (Peloponnesdagi qadimgi yunon siyosati) edi. Sparta jamiyatida davlat jismoniy rivojlanishni nazorat qilgan va aqliy tarbiya har bir spartalik uchun shaxsiy masala edi.

Arastuning (miloddan avvalgi 340-yil) fikricha tarbiya inson taraqqiyotining borishiga mos ravishda amalga oshirilishi kerak: birinchidan, tana tarbiyasi, keyin mayl tarbiyasi va nihoyat, aql tarbiyasi.

Ya. A. Komenskiy o'zining pedagogik konsepsiyasida maktabgacha yoshdagi bolaning jismoniy, axloqiy va intellektual rivojlanishini yoritgan. U ta'limning keyingi bosqichlari uchun alohida ahamiyatga ega bo'lgan, eng yuqori darajaga qadar bo'lgan ilmiy va amaliy bilimlarning elementlari va asoslarini yaratishda yoshni hisobga olishning dolzarbligini ko'rsatib berdi.

Italiyalik pedagog Ramboldoni da Feltre (1378-1446) o'quvchilarning ma'naviy va jismoniy kuchini rivojlantirishda uyg'unlik va faolligini rag'batlantirishga katta ahamiyat bergan.

I. G. Pestalossi (1746-1827) tafakkurni rivojlantirish zarurligi haqida gapirib, bolalarni bilim bilan boyitish orqali ularning aqlini, jismoniy kuchini, axloqiy mayllarini rivojlantirish zarur, deb hisoblaydi.

R. Ouen (1771-1858) jismoniy tarbiyani uzluksiz ta'limning asosi sifatida qo'yadi. Uning fikricha, salomatlik, jismoniy barkamollik va aqliy tarbiya insoniyatga chinakam baxt keltiradi

Utopik sotsialist K. Fure (1772-1837) esa mehnat jarayonida aqliy va jismoniy tarbiyani uyg'unlashtirish g'oyasini ta'kidladi.

Fransuz publitsisti E.Kabet (1788-1856) jismoniy tarbiyaga katta e'tibor bergan. Jismoniy tarbiya har tomonlama bo'lsa foydali bo'lib, uni aqliy va axloqiy tarbiyadan ajratmaslik kerakligiga ishonch hosil qilgan.

Jismoniy faoliyatning insonning shakllanishi va rivojlanishida muhim vosita ekanligi P. F. Lesgaft, I. M. Sechenov kabi olimlar tomonidan ham ta'kidlangan. Ularning ta'kidlashicha, inson jismoniy va aqliy jihatdan birlikda va o'zaro bog'liqlikda rivojlanadi, shuning uchun jismoniy tarbiyani to'g'ri tashkil etilishi yetuk shaxs sifatida shakllanishning omiliga aylanishi mumkin.

P.F.Lesgaft "Maktab o'quvchilari jismoniy tarbiyasi bo'yicha qo'llanma" (1888-1901) nomli ikki jildlik fundamental asarida jismoniy tarbiyaning o'ziga xos tizimini ishlab chiqdi.

Jismoniy tarbiya jarayonining o'ziga kelsak, P.F.Lesgaft uni quyidagi algoritm bo'yicha ko'rsatib o'tgan:

- bola elementar harakatlarni takrorlaydi, ularni bir-biri bilan taqqoslaydi, farqlarni o‘rnatadi, tahlil qiladi;

- harakatlar asta-sekin murakkablashadi, bola kattalar rahbarligida qiyinchiliklarni yengib o‘tishni o‘rganadi;

- bola atrofdagi narsalarni hisobga olgan holda harakat qiladi, natijani oldindan ko‘radi, vaqt va makonda o‘z harakatlarini o‘lchashni o‘rganadi;

- bolalar faoliyatining har xil turlarida murakkab harakatlardan foydalangan holda, bola olingan ko‘nikmalarni tekshiradi va ularni mustahkamlaydi.

Yuqoridagilar bilan bog‘liq holda shuni ta’kidlash joizki, P.F.Lesgaft tomonidan ishlab chiqilgan jismoniy tarbiya nazariyasi aqliy va birlik tamoyiliga asoslanadi; jismoniy tarbiya: aqliy va jismoniy faoliyatning ijodiy faoliyati, P.F.Lesgaftning fikricha, maqsadlarga erishish uchun vositalarni ongli ravishda tanlash bilan mumkin. Ammo, davlat maktabgacha ta’lim g‘oyasini tubdan inkor etmasdan, P.F.Lesgaft Frebel bolalar bog‘chalarida ta’lim va tarbiya amaliyotini keskin tanqid qildi va ulardagi pedagogik jarayon haddan tashqari tartibga solingan va rasmiy deb hisobladi.

P.F.Lesgaft maktabgacha ta’limga katta ahamiyat bergan. Uning fikricha, bu yoshda insonning eng muhim va barqaror fazilatlari shakllanadi: “Bolaning jismoniy tarbiyasi uni o‘z kuchlari va harakatlarining namoyon bo‘lishini o‘zlashtirish va nazorat qilishga o‘rgatish va uni har qanday boshlang‘ich ishga tayyorlashga qaratilgan bo‘lishi kerak. shunday qilib, so‘z bilan yoki yozma ko‘rsatma bo‘yicha, u o‘zi uchun zarur bo‘lgan hamma narsani qila oldi. Jismoniy tarbiya vazifasini, shuningdek, aqliy tarbiyaning vazifasini ham quyidagicha belgilash mumkin: u, albatta, inson harakatlaridagi o‘zboshimchalikni kamaytirishga va uning namoyon bo‘lish mustaqilligini rivojlantirishga yordam berishi kerak. Bola o‘zini shunchalik nazorat qilishni o‘rganishi kerakki, u eng kam energiya sarflab, eng kichik vaqt oralig‘ida eng ko‘p ishni qila oladi. Mavjud gimnastika anjomlarida tasodifiy harakatlar va mashqlar bilan bu maqsadga erishish mumkin emasligi aniq. Bu yerda ham xuddi aqliy tarbiyadagi kabi ketma-ketlik va oxirgi holatda bo‘lgani kabi bir xil pedagogik asoslarga ega bo‘lishi kerak” [145, 217-218].

P.F.Lesgaft jismoniy tarbiyani shaxsni har tomonlama kamol toptirishning eng muhim vositasi sifatida baholab, uni aqliy, axloqiy va estetik tarbiya bilan chambarchas bog‘liq deb hisoblagan. Uning fikricha, jismoniy mashqlarni o‘rgatishda onglilik tamoyili shaxsning barkamol rivojlanishining zarur sharti bo‘lib, jismoniy harakatlarning mazmunliligi bolaga o‘z kuchidan oqilona foydalanishga yordam beradi .

Rus pedagog olimlari orasida I.M.Sechenov birinchi bo‘lib jismoniy tarbiyaga hayotimiz va faoliyatimiz uchun zarur shart sifatida e’tiborni qaratdi va turli psixik hodisalar bilan inson jismoniy harakati va faoliyati o‘rtasida psixomotor deb ataladigan aloqani o‘rnatdi.

Ko‘plab mutaxassislar aqliy va jismoniy tarbiya bir-biri bilan chambarchas bog‘liq bo‘lib, ular maktabning yagona vazifasi bo‘lishi kerak, deb hisoblaydilar. Har qanday bir tomonlama rivojlanish, albatta, ta’limdagi uyg‘unlikni buzadi va yetuk shaxsning rivojlanishi uchun sharoit yaratmaydi, degan g‘oyani ilgari suradilar.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Abdullo Avloniy. Muxtasari tarixi anbiyo va tarixi islom. - T.: Fan, 1994. - 293b.

2. Abdullayeva Sh. A. Sportchilarning tarbiyalanganlik darajasini tashxislash metodlari. - Toshkent: Kamalak, 2002. - 134 b.

3. Abdullayeva Sh. A., Axatova D. A., Sayitov S. S. va boshkalar. Pedagogika. O‘quv qo‘llanma. - T.: Fan, 2004. - 198 b.

4. Abdullayev A. Talaba va sport. - Toshkent: Moliya, 2015. - 168 b.

5. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. - М.: Педагогика, 1989. - 192 с.

6. Бернштейн Н.А. Биохимические особенности скелетной мускулатуры. Киев: Вища школа, 1998. - 214 с.

7. Бондарчук А.П. Объем тренировочных нагрузок и деятельность цикла развития спортивной формы. // Теория и практика физической культуры. - 1998. - №8. - С. 18.

1. Stolbov, V. V. Istoriya fizicheskoy kulturы i sporta / V. V. Stolbov. — M.: Fizkultura i sport, 1975. — 476 s.

# ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИДА ЖАМОАВИЙ-ЛИДЕРЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.032

*Рашидова Наргиза Рашид қизи*

*Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқаруви ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш институти таянч докторанти*

*Аннотация: Ушбу мақола Профессионал таълим тизимида педагог кадрларнинг жамоавий-лидерлик компетентлигининг аҳамияти. Жамоавий-лидерлик компетентлигини инновацион ёндашувлар асосида ривожлантириш хакида бўлиб, жамоавий фаолият олиб бориш, гуруҳ ва жамоанинг фарқи, жамоага таъсир этувчи омиллар ёритилган.*

*Калит сўзлар: Профессионал таълим, педагог кадрлар, жамоа, жамоавий ёндашув, лидерлик, жамоавий-лидерлик компетенциялари.*

# ЗНАЧЕНИЕ КОМАНДНО-ЛИДЕРСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ В ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ЗАВИДЕНИЯХ

*Рашидова Наргиза Рашид кизи*

*Являеться базовым докторантом Института педагогических инноваций, управления профессиональным образованием и переподготовки педагогических кадров и их повышения квалификации*

*Аннотация: В данной статье рассматривается важности командно-лидерской компетентности педагогических кадров в системе профессионального образования. Развитие компетенции командного- лидерства на основе инновационных подходов, о командной деятельности, разница между группой и командой, также факторы, влияющие на команду.*

*Ключевые слова: Профессиональное образование, педагогические кадры, команда, командный подход, лидерство, командно-лидерские компетенции.*

# THE IMPORTANCE OF TEAM-LEADERSHIP COMPETENCE OF TEACHING STAFF IN PROFESSIONAL EDUCATION

*Rashidova Nargiza*

*Base doctoral student of the Institute of Pedagogical Innovations, Management of Vocational Education and retraining and advanced training of teaching staff.*

*Annotation: This article discusses the importance of team-leadership competence of teaching staff in the system of professional education. The development of team - leadership competence based on innovative approaches, about teamwork, the difference between the group and the team,*

*also factors affecting the team.*

*Keywords: Professional education, teaching staff, team, team approach, leadership, team leadership competencies.*

Юртимизнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши шароитида ҳаётнинг турли соҳаларида салоҳиятли педагог кадрларни аниқлаш ва шакллантириш муаммоси биринчи ўринда туради. Келажакда рақобатбардош кадрларни тайёрлаш давлатнинг стратегик вазифасига айланди, унинг ечими умумтаълим, профессионал ҳамда олий таълим муассасалари доирасида ёшларда жамоавий-лидерлик компетенциясини шакллантириш ва ўқув жараёнида жамоавий-лидерлик салоҳиятини ривожлантириш учун тегишли психологик, педагогик ва ташкилий шароитларни таъминлаш билан боғлиқ. Ёшларни тайёрлаш бевосита ўқитувчиларда жамоавий-лидерлик сифатларининг мавжудлигига боғлиқ бўлиб, бу профессионал таълим олиш жараёнида ўқитувчилар учун маълум психологик-педагогик шарт-шароитларни яратишни тақозо этади.

Жамоавий-лидерлик психологик, педагогик ва ижтимоий ҳодиса сифатида турлича тавсифланиши мумкин бўлган мураккаб кўп қиррали жараёндир, жамоавий-лидерликнинг энг муҳим хусусиятларидан бири унинг таркибий хусусиятидир. Асосий ёндашувлар орасида энг кенг тарқалган параметрлар жамоавий-лидерларнинг фазилатлари, жамоавий ҳаракати ва мақсади билан боғлиқ вазиятлардир.

Педагогик фаолиятда жамоавий-лидерлик - бу кучли таъсирга эга бўлган, ўқув жараёнида жамоавий фаолиятни шакллантириш ва мувофиқлаштиришга қодир бўлган, шунингдек фаол ҳаётий жараённи тадбиқ этувчи педагог кадр ва ўқувчилар таркибидир.

Л. Д Столяренконинг фикрича, жамоавий-лидерлик муайян характер хусусиятларга эга. Муаллиф ўзига ишонч, ўткир ақл ва мослашувчанлик, сариштaлик, кучли ирода, одамларнинг психологик хусусиятларини тушуниш қобилияти, шунингдек, ташкилотчилик, мослашувчанлик, ташаббускорлик каби қобилиятларни таъкидлайди.[1] Шу билан бирга, тадқиқотчи ушбу фазилатларнинг мавжудлиги одамни лидерга айлантирмаслигини ва шу билан бирга, уларга эга бўлмаган киши жамоада ҳам фаолият юрита олмаслиги мумкинлигини таъкидлайди.

Америка олимларидан бири Д. Маэрс жамоавий-лидерликда доминант шахс жамоани бошқаради, у ўз вакилларини муайян хулқ-атвор услубига ундайдиган жараён шаклида концепция қилади.[2] ушбу назарияга ўхшаш Л. Д. Столяренко ва С. И. Самыгина, улар жамоавий-лидерликни «шахснинг шахсий ҳокимиятининг жамоа аъзоларининг хатти-ҳаракатларига таъсири асосида қурилган жамоадаги табиий ижтимоий-психологик жараён» деб тушунишади.»[3]

Шу нуқтаи назардан, жамоавий-лидерлик жамоадан ажралмасдир. Л. И. Уманский «лидер», «раҳбар» ва «ташкилотчи» тушунчаларидан фойдаланиб, жамоа аъзоларининг ижтимоий жамоага таъсирини ўрганган. Жамоавий-лидерлик муаллиф томонидан жамоанинг жамоа

аъзоларига фаол таъсири орқали белгиланади, бу ижтимоий фаолият шаклларидан бирини англатади. Шу билан бирга, фаол ҳаётий жараёнга эга бўлган жамоа обрўли бўлиб, у билан бирлашмоқчи бўлган бошқа аъзолар учун ҳам обрўли ҳисобланади. Л. И. Уманский жамоавий-лидерликда ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўникмаларини илгари суради.[4]

Ушбу ва юқоридаги келтирилган хусусиятлар жамоавий-лидерликни ижтимоий-психологик нуқтаи назардан кўриб чиқишга имкон беради. Педагог кадрларнинг жамоавий-лидерлик компетентлигини ривожлантириш касбий фаолиятининг ўзига хос шароитларида намоён бўлади. Н.В Кузмина педагогик фаолиятнинг мазмуни ва функционал тузилишини белгилаб берди. Унда у жамоавий-лидерлик компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган тўртта асосий компонентни аниқлади:

- Ташкилий - таркибий компонет, фаоллик, ташаббускорлик, ташкилотчилик, ўзини ўзи бошқариш ва мустақилликни қайд этади.
- Конструктив компонент, Н.В Кузминанинг нуқтаи назарига кўра, ўзгаришларга нисбатан мослашувчанлик, кузатувчанлик, қатъиятлиликни ўз ичига олади.
- Педагогикада жамоавий-лидерлик компетентлиги таркибига мотивация, рағбатлантириш, илҳомлантириш, мослашувчанлик каби коммуникатив компонентни ҳам ўз ичига ҳам мавжуд.
- Бундан ташқари, муаллиф маълум бир касбга йўналтирилган касбий компонентни ажратиб кўрсатади. Айнан мана шу кўникмалар таълим муассасаларида шаклланиши зарурлигини айтиб ўтади.[5]

Айтиш мумкинки, педагог кадрларнинг фаолияти давомида ўзини бошқариш қобилияти, мақсадни англаш, ташкилотчилик, ўқувчилар билан ишлаш , уларда касбий компетенциялар билан биргаликда жамоавий-лидерлик компетенциясини ўзи ва ўқувчиларида ривожлантиради ҳамда такомиллаштиради. Касбий компетенцияларга мослашиш даврида ташкилотчилик қобилиятлари, муаммоларни бартараф этиш, жамоавий фаолият олиб бориш ва ўқув жараёни вазифаларини бажаришда ижодий ёндашувни амалга ошириш қобилиятининг умумий пасайиши кутилиши ҳам мумкин. Ушбу кўникмаларнинг паст даражада намоён бўлиши етарли тайёргарлик ёки жамоавий-лидерлик компетентлигини ривожлантириш бўйича мақсадли ишларнинг етишмаслиги натижаси бўлиши мумкин. Компетенцияларнинг паст даражада намоён бўлиши таълим муассасасида ушбу кўникмаларни ривожланитириш учун шарт-шароитларнинг мавжуд эмаслиги билан белгиланади. Шу сабабли педагог кадрларда жамоавий-лидерлик компетентлигини ривожланитириш учун махсус дастурлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кунда айнан жамоавий – лидерлик компетентлигига эга педагог кадрлар профессионал таълимда тизимида зарурат ҳисобланмоқда, бу уларнинг ўз касбига фидойилиги, фаоллиги, киришимлилиги ва масъулияти билан изоҳланади. Мустақиллик, ташаббускорлик, ташкилотчилик каби фазилатлар ва энг муҳими, ўз

устида тинимсиз илаш, ривожлантириш ва ўзини англаш қобилияти касбий фаолиятида юқори мартабага эришиш ва рақобатбардош кадр тайёлаш имконини беради. Г.М Кожаспирова, А.Ю Кожаспиров, Р.Л Крический, В.П Поздняковлар ана шу сифатларга эга бўлган педагог кадрларни компетентли педагоглар деб атайди.[6]

Педагог кадрларнинг лидерлик компетенциясини шакллантириш масаласи Э. Боргатт, Э. Вигэм, Ф. Вудс, Ж. Довд каби олимлар асарларида ҳам кўриб чиқилган. Уларнинг фикрига кўра, лидерлик компетенцияси ирсият билан боғлиқ ва ташқи муҳит уларнинг ривожланишига таъсир қилмайди. Бироқ, И. Вагин, А. Глущай, С. Кучмарски, Д. Нюстром, К. Дэвис каби ушбу мавзунинг замонавий тадқиқотчилари лидерлик компетенциясини шакллантириш имконияти тўғрисида қуйидагича баён қилган, лидерликни «ўқитиш ёки фаолият давридаги тажриба асосида шакллантириш ва ривожлантириш мумкин.»[7]

Д.Ньюстром, К.Дэвис ва Т. Кучмарск тадқиқотларида лидерликни ҳар қандай фаолият туридан қатъий назар қисқа муддатда шакллантирса бўлади деган назарияни илгари суради.[8]

Педагогика соҳасида жамоавий-лидерликни ривожлантириш учун танланган фаолият соҳасида касбий билимларни мураккаб эгаллаш жуда муҳимдир. Е.С Волков ўз асарларида педагог кадрларда жамоавий-лидерликни аниқлашда айнан касбий билимларни мураккаб эгаллаш биринчи ўринда туради.[9] Ушбу тезисга мувофиқ, малакали кадрларни етиштиришда таълим муассасалари касбий компетенцияларни шакллантиришнинг бошланғич нуқтасидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, педагог кадрларда жамоавий-лидерлик компетентлиги ривожлантириш бу таълим муассасасига таалуқли бўлган барча жараёнларда нафақат раҳбарнинг балки ҳар бир жамоа аъзоси бўлган педагог кадрларнинг маъсулиятини оширади. Бунда ҳар бир педагог кадрлар таълим жараёнини ривожлантириш, такомиллаштириш ва раҳбарнинг қарорлари бўйича таклифлар бериш ҳуқуқига эга бўладилар. Айнан жамоавий – лидерлик компетентлиги педагог кадрларда таълим муассасаси равнақи учун мустақил қарор қабул қилишга ва ҳар бир ҳаракатига маъсулиятли бўлишга имкон беради. Фикримизча, XXI аср таълим муассасаларини қатъий маъмурий бошқарув билан эмас балки, жамоавий ёндашув асосида бошқариш самарали ҳисобланади. Профессионал таълим муассасаларида педагог кадрларнинг касбий фаолиятга жамоавий ёндашуви бу уларнинг вазифаси аниқлиги, мақсади бирлиги, ўзларига юклатилган вазифаларни англаши, ажратилган “рол”ларни моҳирона бажариши, ҳамкасблари билан ҳамкорликда фаолият олиб боришидир. Бу эса ўз -ўзидан ушбу педагог кадрларда жамоавий-лидерлик компетентлигини ривожлантиришга эҳтиёжни намоён этади. Жамоавий-лидерлик компетентлиги ривожланган педагог кадрларда шахсий ва жамоа аъзоларининг индивидуал қобилиятларига ишонган ҳолда мақсадга эришиш хусусиятлари намоён бўлади, улар якка эмас балки жамоавий мақсадга эриши самарали натижа беришини англаб етадилар.

Шунингдек жамоавий-лидерлик компетентлиги ривожланган педагог кадрларда жамоавий ёндашув билан бир қаторда ташаббускорлик, мослашувчанлик, инновацияга интилувчанлик, коммуникативлик каби хислатлар ҳам ривожланади. Жамоа бўлиб ҳаракатланишда натижа муҳим ҳисобланади, бунда муаммони бартараф этишда ва самарали натижага эришишда жамоавий-лидерлик компетентлиги ривожланган педагог кадрлар бирлашади, вазифа ва мақсадлар муҳокама қилинади ҳамда керакли ресурлар жалб этилади. Жамоавий ёндашувнинг асосий тамойилларидан бири бу жамоа аъзоларининг ўзаро ҳамкорлигидир. Таълим муассасалари раҳбарлари ушбу жараёнда катализатор ролини бажарадилар. Жамоада педагог кадрлар фаолиятининг натижаси уларнинг шахсий мақсадлари таълим муассасасининг стратегик мақсади билан уйғунлашганлиги орқали баҳоланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Милграм С. Эксперимент в социальной психологии. СПб.: Питер, 2000. 336 с.
2. Михайловский Н.К. Полн. Собр. соч. 4-е изд. Спб., 2009.
3. Нечаев А. Характер человека. М.-; Л.: Гос. изд-во, 2004. С. 91-94.
4. Ньюстром Д., Дэвис К. Организационное поведение. СПб.: Питер, 1999. 447 с.
5. Общество и политика: Современные исследования, поиск концепций/ Под. ред. В.Ю. Большакова. СПб.: СПбГУ, 2000. 512 с.
6. Парфенов В.Н. Социально-психологическая характеристика ролевой структуры общения в студенческих учебных группах// Социальная психология и социальное планирование. Л.: ЛГУ, 2005.С. 144-152.
7. Петренко В.Ф., Митина О.В. Психосемантический анализ динамики общественного сознания: на материале политического менталитета. 2-е изд. М.: Изд-во МГУ, 1997. 214 с.
8. Петровский А.В. Записки психолога. М.: Университет РАО, 2001. 464 с.
9. Сокол С.С. Политическое лидерство в обновляющемся обществе: Автореф. дис.канд.социол.наук. М., 1990. 28 с.

# 9-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ДАСТУРЛАШГА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.033

*Касимов Феруз Файзуллоевич,*
*амалий математика ва дастурлаш технологиялари кафедраси ўқитувчиси, Бухоро давлат университети*
*https://orcid.org/0000-0002-2882-113X*

*Аннотация: Мамлакатимизда ҳар бир соҳада ахборот технологияларини қўллаш, кўплаб соҳаларни рақамлаштириш ва автоматлаштириш каби масалаларга ҳам катта эътибор берилмоқда. Ушбу мақолада 9-синф ўқувчиларига информатика ва ахборот технологиялари фани “Дастурлаш асослари” бўлимини ўқитишда дуч келинадиган муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, ушбу бўлимни рақамли технологиялар асосида ўқитиш методикаси ва ўқувчиларнинг дастурлашга оид компетенцияларини рақамли технологиялар асосида шакллантириш тамойиллари, уларнинг таснифи келтириб ўтилган бўлиб, рақамли технологиялар таркибига кирувчи мобил иловалар, ижтимоий тармоқлар, сандбоксларнинг дарсда қўлланилиши баён қилинган. Баён қилинган тамойиллар асосида информатика ва ахборот технологиялари фани “Дастурлаш асослари” бўлимини ўқитишнинг самарадорлик даражаси ошиши ва ижобий натижага эришилиши кўрсатиб берилган.*

*Калит сўзлар: дастурлаш, компетенция, дастурлашга оид компетенция, информатика ва ахборот технологиялари, 9-синф, рақамли технология, мобил илова, сандбокс, дастурлаш асослари, методика, тамойил.*

# ПРИНЦИПЫ ФОРМИРОВАНИЯ КОМПЕТЕНЦИЙ ПРОГРАММИРОВАНИЯ УЧЕНИКОВ 9-КЛАССА НА ОСНОВЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

*Касимов Феруз Файзуллоевич,*
*преподаватель кафедры прикладной математики и технологии программирования, Бухарский государственный университет*

*Аннотация: В нашей стране большое внимание уделяется таким вопросам, как использование информационных технологий в каждой сфере, цифровизация и автоматизация многих сфер. В данной статье проблемы, возникающие при преподавании кафедры информатики и информационных технологий «Основы программирования» учащимся*

*9-х классов, пути их преодоления, методика преподавания данной кафедры на основе цифровых технологий, принципы формирования у учащихся упоминаются программные компетенции на основе цифровых технологий, их классификация, описывается использование на уроке мобильных приложений, социальных сетей, песочниц, которые являются частью цифровых технологий. На основе изложенных принципов показано, что будет достигнут уровень эффективности преподавания кафедры информатики и информационных технологий «Основы программирования» и будет достигнут положительный результат.*

*Ключевые слова: программирование, компетенция, программная компетенция, информатика и информационные технологии, 9 класс, цифровые технологии, мобильное приложение, песочница, основы программирования, методика, принцип, среднее образование.*

## PRINCIPLES OF FORMATION OF PROGRAMMING COMPETENCES OF 9-GRADE PUPILS ON THE BASIS OF DIGITAL TECHNOLOGIES

*Kasimov Feruz Fayzulloyevich,*
*teacher of department of applied mathematics and programming technologies, Bukhara State University*

---

*Abstract: In our country, great attention is paid to issues such as the use of information technologies in every field, digitization and automation of many fields. In this article, the problems encountered in teaching the 9th grade students of informatics and information technology science «Fundamentals of programming», the ways to overcome them, the methodology of teaching this department based on digital technologies and the principles of forming students' programming competencies based on digital technologies, their classification are mentioned. the use of mobile applications, social networks, sandboxes, which are part of digital technologies, in the lesson is described. On the basis of the stated principles, it is shown that the level of efficiency of teaching the «Fundamentals of Programming» department of informatics and information technologies will be achieved and a positive result will be achieved.*

*Keywords: programming, competence, programming competence, informatics and information technologies, 9th grade, digital technology, mobile application, sandbox, basics of programming, methodology, principle, secondary education.*

Кириш. Халқаро ҳамжамиятда глобаллашув, автоматлаштириш,

рақамлаштириш жараёнлари жадал ҳукм сураётган бир вақтда етук кадрларни тайёрлашнинг илк босқичлари ўрта таълим мактабидир. Ўрта таълим мактабида дарс жараёнларини тўғри ташкил этиш, ўқув режаларини замон талаблари билан доимий мувофиқлаштириб бориш, ўқувчиларнинг фанларни қизиқиб ўрганишини таъминловчи тизимни яратиш, фанни ўзлаштириш даражасини юқори кўрсаткичларга кўтариш педагог ва усулиётчилар олдида турган асосий мақсадлар сирасига киради.

Мамлакатимизда ҳар бир соҳада ахборот технологияларини қўллаш, кўплаб соҳаларни рақамлаштириш ва автоматлаштириш каби масалаларга ҳам катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш дастурини амалга ошириш учун давлат бюджетидан 605 млрд сўм ажратилиши, янги мактаблар қурилиши, хусусий мактабларни кўпайтириш, таълим сифатини оширишни назарда тутувчи миллий дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мактабларда таълим сифатини ошириш, педагог кадрларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқиш, халқ таълими тизими туман бўлимлари фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш ҳисобига оптималлаштириш каби мақсадларнинг қўйилиши халқ таълим тизимини такомиллаштириш бўйича долзарб масалалар мавжудлигини кўрсатиб беради.

Ўрта таълим мактабларида ўқитилаётган фанлар ичида информатика ва ахборот технологиялари фани алоҳида аҳамиятга эга. Ахборот асрида ёшларни ахборот ва у билан боғлиқ бўлган масалалар: уни қабул қилиш, узатиш, сақлаш, ҳимоялаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот ҳужумларини бартараф этиш каби жараёнларга тайёрлаш замонавий кадрлар тайёрлашнинг асосларидан биридир.

Информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда бир қанча муаммолар мавжудлигини кўриш мумкин:

1. Бошланғич синфларда информатика ва ахборот технологиялари фанининг киритилмаганлиги.

2. Умумий ўрта таълим мактабларида информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича кабинет ва моддий техник таъминотнинг етарли эмаслиги.

3. Ҳафталик ва йиллик юклама бўйича ўқув соатларининг кам ажратилганлиги. Информатика ва ахборот технологиялари фанидан ҳар бир синф бўйича қуйидаги тартибда ўқитишии белгиланган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Информатика ва ахборот технологиялари фани учун синфлар кесимида ажратилган ҳафталик ва йиллик юкламалар

| **Синфлар** | **5** | **6** | **7** | **8** | **9** | **10** | **11** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Ҳафталик ўқув юклама** | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | 2 |
| **Йиллик ўқув юклама** | 34 | 34 | 34 | 34 | 68 | 68 | 68 |

Кўриб турганимиздек, информатика ва ахборот технологиялари фанининг ҳафталик юкламаси мазкур синф учун бериладиган ҳафталик жами юкламага нисбатан 4-8% ни ташкил қилади.

4. Информатика ва ахборот технологиялари фани олий ўқув юртларидаги мос йўналишларда кириш имтиҳонларидан ўрин олмаганлиги.

5. Ўқитувчиларнинг доимий янгиланиб борадиган “Информатика ва ахборот технологиялари” дарслиги ва дастурига мослаша олмаслиги.

6. Информатика ва ахборот технологиялари дарсларида рақамли технологиялардан самарали фойдаланилмаслиги.

Юқоридагилардан кўринадики, информатика ва ахборот технологиялари фанини мактабда ўқитишда айрим ёндашув ва тамойилларни қайта кўриб чиқиш, замон талабига мослаштириш зарур.

Мактабда информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда Дастурлаш асослари бўлими қуйидаги ҳолатда тақсимланган (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал.

| **Синфлар** | **Ўқитиладиган дастурлаш тили** | **Йиллик юклама** | **Дастурлаш мавзуларига ажратилган юклама** |
|---|---|---|---|
| 5-синф | Scratch | 34 | 9 |
| 6-синф | Scratch | 34 | 9 |
| 7-синф | Веб-технология | 34 | 9 |
| 8-синф | | 34 | 0 |
| 9-синф | Python | 68 | 38 |
| 10-синф | Python, Веб-дизайн | 68 | 36 |
| 11-синф | Pythonда сунъий интеллект | 68 | 5 |

Ушбу жадвалдан кўришимиз мумкинки, янги таҳрирдаги информатика ва ахборот технологиялари дарсликларида юқори синфлар учун дастурлашни ўқитишга нисбатан эътибор кўпроқ.

Методлар. Дастурлашни ўқувчиларга ўргатишда мавзуларнинг тизимлилиги, синфдан синфга ўтишда янги мавзулар ўтилган мавзуларнинг мантиқий давоми бўлиши муҳим ҳисобланади. Ўқувчиларга ёшлигидан дастурлаш асосларини тизимли ўргатиб борилса, келажакда қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар ахборот

технологияларини ўз соҳасида қўллай оладиган шахс бўлиб етишади.

Дастурлаш асослари мавзулари асосан информатика хонасида ўқитилади. Дастурлаш асосларини ўқитишда қуйидаги воситалар зарур бўлади:

1. Компьютер.
2. Синф доскаси.
3. Видеопроектор ёки электрон доска.
4. Зарурий дастурий таъминот.
5. Педагогик дастурий воситалар.

Ўқувчи дастурлаш асослари бўлимини ўрганиш жараёнида бир мунча қийинчиликларга дуч келади. Кўп ҳолатда ўтилаётган мавзуларнинг моҳияти, мақсади, нима учун ўрганиши кераклиги тушунтирилмайди. Мисол учун Python дастурлаш тилига кириш ўтилаётганда унинг нима учун кераклиги, қанақа кўринишдаги дастурлар тузиш мумкинлиги, ушбу дастурлаш тили нималарга қодирлиги кўрсатиб берилса, ўқувчида қизиқиш ортиб ўрганиши осонроқ бўлади.

Америка Қўшма Штатлари – ахборот технологиялари соҳасида дунё бўйича етакчи ҳисобланиладиган давлат, кўпгина йирик IT компаниялари айнан ушбу давлатда фаолият олиб боради. АҚШда бошланғич ва ўрта мактаблар учун Computer Science фанлари ўтилади. Ушбу фанларнинг аксарият МДҲ давлатларидаги Информатика фанидан фарқли томонлари мавжуд. Computer Science фанида алгоритмик тамойиллар, компьютер каби фикрлаш сингари асоси ўзгармайдиган билимлар ўқитилади. Ушбу ёндашув Эстония, Франция, Исроил, Испания, Буюк Британия, Ҳиндистон, Финландия, Польша, Португалия, Хитой каби давлатларда ҳам мавжуд.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфида Pythonнинг бошланғич тушунчалари, умумий дастурлаш атамалари ва стандарт Python IDLE муҳити келтириб ўтилади. Информатика ва ахборот технологиялари фанининг дастурлаш асослари бўйича ҳар бир ўқувчи алгоритмлар, уларнинг конструкцияси, турлари, масалага қараб уларни тузиш, алгоритмга асосланиб керакли натижаларни олиш каби компетенцияларга эга бўлиши талаб этилади. Шулардан келиб чиққан ҳолда 9-синф ўқувчилари орасида ўқувчиларнинг фанга оид қизиқишини аниқлаш, билим даражасини аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказилди (1-илова). Сўровнома натижалари шуни кўрсатадики, ўқувчиларда дастурлаш асослари мавзулари ўтилаётган бўлса-да, дастур, дастурлаш, дастур тузишнинг моҳияти, унинг босқичлари ҳақида тушунчалар етарли даражада эмас. Ўқувчилар фан доирасида дастур тузади, аммо кўп ҳолда нима учун зарурлигини, ҳар бир ёзиладиган код айнан қайси мақсадда ёзилишини тўлиқ англаб етишмайди.

Умумий ўрта таълим мактабларида информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиси дастурлаш асослари фанини ўқитишда ушбу омилларга таянади: билим, малака, кўникма, тажриба, педагогик ва психологик билимлар, дарс ўтиш методикаси, педагогик таълим воситалари, педагогик дастурий воситалар ва ҳоказо. Дастурлаш соҳаси фундаментал билимларга асосланса-да, соҳанинг ўзини фундаментал эмас. Шунинг учун ушбу соҳа жуда тез янгиланиб туради.

Ўқувчида дастурлаш асосларини ўрганишда қуйидаги саволлар юзага келади:

– Бу ўзи нимага керак?

– Шу ҳисоб-китобни калькулятор ҳам бажаради-ку!?

– Ўйин яратиб бўладими? ва ҳ.к.

Ўқувчида ушбу саволларнинг туғилиши табиий ҳолат, фақатгина уни тўғри йўналтириш ва билимларни тизимли бериб бориш зарур бўлади. Бунда қуйидаги рақамли технологиялардан фойдаланиш яхши самара беради:

– онлайн таълим платформалари;

– сандбокслар;

– виртуал стендлар;

– ижтимоий тармоқлар;

– мобил иловалар;

– видеодарслар;

– компьютер ўйинлари;

– булутли технологиялар ва ҳоказо.

Ушбу рақамли технологиялар ўқувчининг мавзу ҳақидаги тасаввурининг ошишини таъминлайди, мавзуни қизиқиш билан ўрганишга ундайди. Онлайн таълим платформалари дарсларнинг тўлиқ ёки қисман онлайн шаклда ўтилишида жуда катта ўрин эгаллайди. Сандбокслар эса ўз навбатида дастурлаш муҳитларига киришда ўқувчиларнинг дарсда бемалол дастур ёзишларини, хавфсизлик даражаси юқорилигини таъминлайди.

Охирги йилларда Республикамиз томонидан ахборот технологиялари соҳасини ривожлантиришга оид қилинган ишлар, ташланган қадамлар талайгина. Жумладан, дастурлаш соҳасида олимпиадалар ўтказилаётганлиги, мактаб дарсликларидаги мавзуларнинг тубдан янгиланганлиги, "Бир миллион ўзбек дастурчилари" лойиҳасининг қабул қилиниши, замонавий Президент мактаблари, чекка ҳудудлардаги мактабларга ва ўқитувчиларга бўлган эътибор фикримизнинг яққол далилидир. Ушбу ишларни бажариш, ҳар бир бошланган ишни мақсад асосида охирига етказиш эса ўқитувчилар, лойиҳа ижрочилари ва раҳбарият олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Шунга кўра ҳар

бир ўқитувчидан мавжуд бўлган ва яратилаётган замонавий рақамли технологиялар ҳақида билимга эга бўлиш, улардан фойдаланиш ва уларни ўргатиш методикасини билиш талаб этилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг дастурлашга оид компетенцияларини рақамли технологиялар асосида шакллантириш қуйидаги омилларга боғлиқлиги аниқланди:

– ўқитувчининг дастурлаш тилларини, замонавий рақамли технологияларни пухта ўзлаштирганлиги: дастурлаш тиллари одатда ўзгариб, мукаммаллашиб боради. Дастурлаш соҳасининг ҳар бир даврида шу даврга мос бўлган тиллар мавжуд. Айнан шу тиллар ўқитувчи томонидан ўқувчиларга ўргатилади. Информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиси бу каби ўзгаришларга тайёр бўлмоғи зарур бўлади. Информатика ва ахборот технологияларининг ўзгармайдиган ҳамда ўзгариб турадиган билимларини етук маҳорат билан етказиб бериши талаб этилади;

– дарсларда ўқувчилар етарли миқдорда инвентарь (замонавий компьютер, дастурий таъминот) билан таъминланганлиги: сўнгги йилларда мактабларнинг моддий техник базасига бўлган талаб ва эътибор ортиб боряпти. Мактабларнинг компьютер, лаборатория хоналаридаги жиҳозларнинг замон талабига, ўқувчилари сонига мослиги дарсларнинг етарли даражада ўтишини таъминлайди. Информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда компьютер муҳим таълим воситаси ҳисобланади. Ҳар бир ўқувчи олган билимларини компьютерда мустақил бажариб ўз компетенциясини шакллантириб бориши керак бўлади;

– зарур тезликдаги интернет тармоғининг ҳар бир компьютерга уланганлиги: охирги йилларда Халқ таълим вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан ҳар бир мактаб учун оптик толали юқори тезликдаги интернет тармоғини улаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилди. Ушбу тармоқ мактабдаги интернет билан боғлиқ барча жараёнларнинг бажарилишини таъминлайди. Мактаблардаги ҳолат ўрганилганда, уларнинг кўпчилигида оптик толали кабеллар тортилган бўлса-да, интернетнинг ишламаслиги (молиявий сабабларга кўра), интернетнинг фақатгина мактаб маъмуриятида мавжудлиги, компьютер хоналарида интернет сунъий равишда блокланганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Интернет ҳозирги кунда асосий билим олиш манбаларидан ҳисобланади, шу боис уни ҳар бир ўқувчига етказиб бериш асосий вазифалардан биридир;

– дастурлаш асослари мавзулари кичик синфлардан бошлаб тизимли бериб борилиши: ёш авлодни дастурлашга ўргатиш, қизиқтириб боришни бошланғич синфлардан ташкиллаштириш кейинги босқичлар учун

пойдевор вазифасини бажаради. Бошланғич синфларда дастурлашнинг оддий элементлари, конструкцион дастурлаш, ўйинли дастурлаш каби турлардан фойдаланиш орқали дастурлаш оламига олиб кириш мумкин;

– дарсликларнинг замон талаби асосида тизимли янгиланиб борилиши: дарсликлар доимий равишда замонга мос келувчи билимлар билан бойитиб борилиши лозим. Ривожланган мамлакатлардаги Computer Science фани каби ўзимизда ҳам информатика ва ахборот технологиялари фанини "ўзгармайдиган билимлар" ва "ўзгарадиган билимлар" га ажратиб, асосий компьютер қонуниятлари, ишлаш принциплари, ахборотларнинг хоссалари ва шу каби билимларни "ўзгармайдиган билимлар" қисмида жамлаш информатика ва ахборот технологиялари фанини тузилмасини шакллантиришда асосий жараён бўлади.

Ушбусанабўтилганомилларнингамалгаоширилишимамлакатимизда етук дастурчилар, ахборот технологиялари мутахассисларининг етишиб чиқишида катта ўрин эгаллайди.

Яқин тарихни олсак, атиги 30 йил олдин интернет фақат ақлли компютер турлари биладиган тушунчадан бошқа нарса эмас эди. Ушбу ихтиро ўртача умрининг ярмидан камроғида бизнинг кундалик вазифаларимизнинг аксарияти учун асосий инфратузилмага айланди. Бугунги кунда ҳаётимизда рақамлаштиришнинг бирон бир шакли мавжуд бўлмаган нарса жуда кам ва биз COVID-19 пандемияси туфайли кўпроқ ишларни онлайн бажариш мумкинлигини билиб олдик.

Оддий қилиб айтганда, рақамли таълим ўқувчиларга бошқача тарзда ўрганишга ёрдам бериш учун янги технологиялар ва усуллардан фойдаланади. Ушбу янги таълим шакли «юзма-юз» дарсларнинг анъанавий шаклини тез алмаштирмоқда.

Рақамли таълимни татбиқ этиш синфда эски дафтар ва қоғоз ўрнига планшетлардан фойдаланиш каби оддий бўлиши мумкин.

Информатика ва ахборот технологиялари фанини рақамли технологиялар орқали ўқитишда қуйидаги тамойиллар асосий роль ўйнайди:

1. Мустақиллик тамойили.
2. Индивидуаллик тамойили.
3. Мослашувчанлик тамойили.
4. Ҳамкорлик тамойили.
5. Амалиётга йўналтирилганлик тамойили.
6. Мураккабликни ошириш тамойили.
7. Мультимедиавийлик тамойили.
8. Узлуксиз баҳолаш тамойили.

Ушбу тамойиллар мазмунини ўқувчиларнинг дастурлашга оид

компетенцияларини шакллантириш мисолида очиб берамиз.

1. Мустақиллик тамойили ўқувчиларнинг рақамли муҳитда мустақил фаолият юритишларига урғу беради. Ўқитувчи томонидан таълим жараёни ташкиллаштирилади.

2. Индивидуаллик тамойили орқали ҳар бир ўқувчи билим олиш учун ўзига мос бўлган йўл, стратегия, суръатни танлайди. Бу тамойил ўқитувчига ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда баҳолаш имконини беради.

3. Мослашувчанлик тамойили ўқувчиларда янги билимларни ўзлаштиришда рақамли технологияларга мослашишни англатади. Айнан мослашувчанлик тамойили орқали ўқувчини рақамли муҳитга аста-секинлик билан мослаштириб борилади. Шундагина ушбу методларнинг самарадорлиги яққол намоён бўлади.

4. Ҳамкорлик тамойили мактаб ўқувчиларида биргаликда ишлаш, жамоа орқали ечимга эришиш, масалани кичик масалаларга ажратиш кўникмаларини ривожлантиради. Бу эса дастурлаш учун жуда муҳим омил ҳисобланади.

5. Амалиётга йўналтирилганлик тамойили дарсда ўқитувчи томонидан бериладиган амалий машқларга урғу бериш лозимлигини англатади. Ўқувчилар дастурлашга оид олган билимларини амалиёт орқали мустаҳкамлаб боришади. Бунда ҳаётий масалалар, кейслар, турли хилдаги алгоритмлар ечимини топиш лозим бўлади.

Ко второй группе (которая будет описана в 3 части публикации этого издания в последующих номерах журнала) отнесены задачи по анализу направлений изучения исследуемой проблемы и структурных компонентов конструкта «формирование психологической готовности персонала образовательных организаций к инновационной деятельности», как основной формы развития личности персонала и образовательных организаций в целом.

Ключевыми понятиями являются: «готовность», «деятельность», «готовность к деятельности», «психологическая готовность и не готовность к деятельности», «психологическая готовность к инновационной деятельности», «формирование психологической готовности к инновационной деятельности» (В. Чудакова) [7].

Отметим, что в формате настоящей публикации (1 часть), по результатам настоящего исследования нами определены «научная новизна и теоретическое значение» и «практическое значение» полученных результатов исследования В. Чудаковой:

– Научная новизна и теоретическое значение полученных результатов состоит в том, что впервые: нами введено и раскрыто содержание понятий: инновационная деятельность персонала образовательных организаций, психологическая готовность/неготовность к инновационной деятельности, формирование психологической готовности персонала образовательных организаций к инновационной деятельности, инновационность персонала образовательных организаций; Уточнено и расширено содержание терминов: «инновация», «инновационная деятельность». Дальнейшее развитие получили научные представления феномена «Формирование психологической готовности персонала образовательных организаций к инновационной деятельности» в современной науке.

– Практическое значение полученных результатов исследования состоит в том, что представленные результаты могут использоваться организационными психологами, управленцами, научно-

педагогическими кадрами, учеными для подбора персонала для эффективного осуществления инновационной деятельности, а также могут быть применены в процессе преподавания дисциплин: «Организационная психология», «Инновационный менеджмент», «Креативный менеджмент», «Менеджмент организаций», «Психология и педагогика высшей школы», «Психология управления изменениями», «Управленческая компетентность руководителей по формированию психологической готовности персонала организаций к инновационной деятельности», «Коучинг в образовательных организациях», «Акмеология», «Конкурентология» и т. д.

Заключение и рекомендации.

В данной публикации (1 часть) нами представлен общий дизайн и задачи теоретико-методологического анализа понятийно-терминологического аппарата, который будет полезен при исследовании проблемы формирования психологической готовности к инновационной деятельности персонала образовательных организаций.

Завершая 1 часть данной публикации отметим, что в дальнейшем читателю будет представлена серия взаимосвязанных и взаимодополняющих публикаций (опубликованных в данном издании «Образование и инновационные исследования»). С целью представления результатов теоретико-методологического анализа сущности понятий и терминов науки «инноватика» при исследовании проблемы формирования психологической готовности к инновационной деятельности, как основы инновационной компетентности конкурентоспособности личности. Где нами будут отражены теоретико-методологические основы изучения современного состояния изучаемой проблемы. Рассмотрена сущность терминологических характеристик основных понятий генезиса развития науки «инноватика» и конструкта «формирование психологической готовности к инновационной деятельности». Раскрыты результаты теоретического анализа приоритетных аспектов и основных взглядов на систему внутренних и внешних психологических условий, и факторов (теоретически, на уровне содержательного анализа), которые влияют на инновационную деятельность персонала образовательных организаций.

С позиций системной методологии исследования предусмотрен последовательный системный анализ и синтез составляющих «инновационной деятельности», разработаны теоретическая модель и структура психологической готовности персонала образовательных организаций к инновационной деятельности, на уровне теоретико-методологического анализа и обобщения экспертных суждений, обоснованы пути экспериментальной их проверки с целью разработки авторской «психолого-организационной технологии формирования психологической готовности к инновационной деятельности» и образовательных программам ее эффективного внедрения.

Отметим, что результаты внедрения авторской «Технологии» дали

возможность: руководителю – определить индивидуальные особенности каждого сотрудника, выяснить какую отдачу он может ожидать от сотрудников при тех условиях, которые созданы в организации; понять, за счет чего создается неблагоприятная организационно-инновационная среда, какие из условий необходимо изменить, прежде всего; определить психологически готовых к инновационной деятельности сотрудников и подобрать команду для ее эффективного осуществления; персоналу образовательной организации − самоосознать себя как профессионала на основе самопознания себя; определить свои сильные и слабые стороны, сформировать внутреннюю психологическую готовность к инновационной деятельности; психологу − изучить состояние организационно-инновационной среды организации и сформированности психологической готовности персонала к инновационной деятельности; спрогнозировать эффективность их профессиональной деятельности; проводить с ними коррекционную работу с учетом индивидуальных особенностей личности каждого из них, в том числе, по программе рефлексивно-инновационного тренинга, которая представлена выше.

Говоря о перспективности и возможности массовой реализации авторской «Технологии». Можно отметить, что она пригодна для воспроизведения не только автором, но и другими специалистами с гарантией достижения запланированных результатов. А именно: психологами, а также при специальной подготовке (в сфере контрольно-оценочной и коррекционно-развивающей деятельности) преподавателями, методистами, управленцами, учеными, специалистами по развитию персонала, и всеми, кто интересуется вопросами организационного развития и личной эффективности, а также, те в деятельности, которых изменения и развитие отдельных людей играет существенную роль [4-11]. Для этого целесообразно использовать разработанную автором программу спецкурса семинара-тренинга «Управленческая компетентность руководителя по формированию готовности персонала образовательных организаций к инновационной деятельности [7], которая представлена выше. По сути, говоря этот спецкурс, является своеобразной «технологией как внедрить «Технологию» в практику работы международного образовательного пространства (школы, вузы, и другие учреждения и организации), в том числе и в Республике Узбекистан. За результатами ее освоения слушатели получают подготовку «Эксперта-Тренера в области психологического обеспечения формирования инновационной компетентности».

Внимание!

Продолжение следует, в последующих номерах данного журнала:

– во 2 части публикации: предлагается рассмотрение вопросов: генезиса развития науки «инноватика», сущность и терминологическая характеристика ее понятий, их тождество и отличие, при исследовании проблемы формирования психологической готовности к инновационной деятельности, основы инновационной компетентности

конкурентоспособности личности.

– в 3 части публикации: предлагается рассмотрение вопросов: сущность терминологических характеристик основных понятий конструкта «формирование психологической готовности к инновационной деятельности», основы инновационной компетентности конкурентоспособности личности.

Список литературы

1. Великий тлумачний словник сучасної української мови / Уклад. І гол. ред. В.Т.Бусел. - К.: Ірпінь:ВТФ «Перун», 2002. - С.1426.

2. Друкер П. Ф. Як забезпечити успіх у бізнесі: новаторство і підприємництво // Пер. англ. В. С. Гуля / П. Ф. Друкер. – К.: Україна, 1994. – 319 с.

3. Словник іншомовних слів /За ред.. О.С. Мельничука, - К.: Головна редакція УРЕ АН УРСР, 1975. -775 с.

4. Чудакова В. П. Особенности осуществления анализа терминологических характеристик и понятий науки «инноватика», при реализации «технологии формирования психологической готовности к инновационной деятельности» // «FILOLOGIK TADQIQOTLAR: MUAMMO VA YECHIM» mavzusida xalqaro ilmiy-nazariy anjuman materiallari (filologiya fanlari doktori, professor Hamid G‘ulomovich Ne’matov tavalludining 80 yilligiga bag`ishlanadi, Buxoro – 22-noyabr, 2021-yil). BDU. Buxoro, 2021 yil. 280 b. B. 57-63. URL: https://interscience.uz/index.php/zamonaviy-fan-va-talim-tarbiya-m/article/view/253 URL: сборник: https://interscience.uz/index.php/zamonaviy-fan-va-talim-tarbiya-m/issue/view/18/31 DOI: 10.53885/edinres.2021.73.39.075

5. Чудакова В. П. Психологічна готовність до інноваційної діяльності − головний ресурс розвитку компетентностей конкурентоздатності особистості // Інноваційний поступ ліцею: погляд крізь століття: практико-зорієнтований збірник-посібник. 2019: Ліцей міжнародних відносин. – С. 55-64.

6. Чудакова В. П. Формування психологічної готовності персоналу освітніх організаційдо інноваційної діяльності: автореф. канд. психол. наук: спец. 19.00.10 / Ін-т психології імені Г. С. Костюка НАПН України. / В. П. Чудакова. − Київ. − 2016. – 24 с. URL: http://lib.iitta.gov.ua/166005/3/ЧудаковаВП%20%281%29.pdf

7. Чудакова В. П. Формування психологічної готовності персоналу освітніх організацій до інноваційної діяльності: дис. ... канд. психол. наук; 19.00.10 / Віра Петрівна Чудакова Ін-т психол. імені Г. С Костюка НАПН України. − 2016. – 474 с. URL: http://psychology-naes-ua.institute/files/pdf/avtoreferat_chudakova

8. Чудакова В. П., Баратов Ш. Р., Чупров Л. Ф., Шарипов Ш. С. Психологическое обеспечение образовательного процесса: психологическая служба в школе − создание, современное состояние и перспективы. // Освіта та розвиток обдарованої особистості:

щоквартальний науково-методичний журнал Київ: Інститут обдарованої дитини НАПН України, − 2019. № 2 (73). − С. 39–46 DOI: https://doi.org/10.32405/2309-3935-2019-2(73)-39-46 URL: http://otr.iod.gov.ua/images/pdf/2019/2/8.pdf

9. Chudakova V. (2017) Scientific and methodological support for the formation of psychological readiness for innovative activity as a means of developing a person's competitiveness. // Fundamental and applied researches in practice of leading scientific schools. 23 (5), 8–25 (Канада). URL: https://farplss.org/index.php/journal/article/view/232/223

10. Chudakova V. P. PROSPECTS FOR REALIZATION OF THE TECNOLOGY FOR FORMING OF PSICOLOGY READNESS FOR INNOVATIVE ACTIVITY AS THE BASIS FOR THE DEVELOPMENT THE OF COMPETENCIES OF A PERSON'S COMPETITIVENESS // Abstracts of the 8th International scientific and practical conference. CPN Publishing Group. (April 22-24, 2020) Osaka. − 2020. − 980 p. − P. 62-72. URL. http://sci-conf.com.ua/wp-content/uploads/2020/04/PERSPECTIVES-OF-WORLD-SCIENCE-AND-EDUCATION_22-24.04.2020.pdf

11.Chudakova V. RESOURCES DEVELOPMENT OF THE COMPETENCES OF PERSONALITY COMPETITIVENESS IN TERMS OF INNOVATIVE ACTIVITIES. // Professional competencies and educational innovations in the knowledge economy: collective monograph / Editors Lyubomira Popova, Mariana Petrova. Veliko Tarnovo, Bulgaria: Publishing House ACCESS PRESS, – 2020. –532 p. – P. 473 – 485. URL: http://sci-conf.com.ua

# MAKTAB O‘QUVCHILARINING JISMONIY TARBIYA VA SPORT MASHG‘ULOTLARIGA BO‘LGAN MOTIVATSIYASI

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.036

*Abdullayev Mehridddin Junaydulloyevich,*
*Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti Jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyoti kafedrasi mudiri, p.f.f.d. (PhD), professor*

*Annotatsiya: Maskur maqolada umum o‘rta ta’lim maktablari o‘quvchilarining jismoniy tarbiya va sport mashg’ulotlari davomida ushbu faoliyat jarayonlariga nisbatan o’quvchilarning motivatsiya ko’rsatkichlari qay darajada shakillanib kelayotgani aniqlandi.*

*Kalit so’zlar: Jismoniy tarbiya va sport mashg’ulotlari, psixologik holat, motivatsiya, psixologik testlar.*

# МОТИВАЦИЯ ШКОЛЬНИКОВ К ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЕ ВОСПИТАТЕЛЬНОСТИ К СПОРТУ

*Абдуллаев Мехриддин Джунайдуллоевич,*
*заведующий кафедрой теории и методики физической культуры Педагогического института Бухарского государственного университета, Д.ф.п.н. (PhD), профессор.*

*Аннотация: В данной статье определено, в какой степени формируются показатели мотивации учащихся по отношению к процессам данной деятельности в ходе занятий физкультурой и спортом учащихся общеобразовательных школ.*

*Ключевые слова: физкультурно-спортивная подготовка, психологическое состояние, мотивация, психологические тесты.*

# MOTIVATION OF SCHOOLCHILDREN TO PHYSICAL CULTURE OF EDUCATION AND SPORT

*Abdullayev Mekhriddin Junaydulloyevich,*
*the Head of Department of Theory and Methods of Physical culture in the Bukhara State University of Pedagogical Institute (PhD) professor.*

*Annotation: This article determines to what extent the indicators of motivation of students in relation to the processes of this activity are formed during physical education and sports of students secondary schools.*

*Keywords: physical culture and sports training, psychological state, motivation, psychological tests.*

Dolzarbligi: Respublikamizda jismoniy tarbiya va sportga bo’lgan

etibor davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri bo'lib kelayotgani dar-xaqiqatdir. Shu o'rinda ta'lim sifatini ham oshirish maqsadida bir qator ilmiy anjumanlar va seminarlar tashkil etilmoqda. O'sib kelayotgan yosh avlodni yuksak jismoniy va intelektual salohiyatga ega etib tarbiyalash mamlakatimizning yanada yuksalishi va rivojlanishiga asos bo'ladi. Ammo hozirgi vaqtda ta'lim muassasalarida tahsil olib kelayotgan o'quvchilarning jismoniy tarbiya va sport to'garaklariga qatnashishlari sezilarli darajada kamaygan. Bu holatlar jismoniy tarbiya darslarining eskirgan dasturlari asosida olib borilayotganligi bilan izohlanadi. Maktab o'quvchilarining jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarida faol qatnashishlari hamda ushu jarayonlarga nisbatan ulardagi motivatsiya tuyg'usini qay darajada shakillanib kelayotganligini aniqlash maqsadida ushbu tadqiqot ishini olib bordik. Bu borada ko'plab olimlarimiz o'z ilmiy izlanishlarini olib borishgan jumladan: S.L Rubinshteyn, Aleksey Nikolaevich Leontiev, Z.Nishanova, G.Alimova, Z.Qurbanova, S.Abdiyev, Bagina V. A, Shadrin V.D, Teplov B.M, va boshqa maktab o'quvchilarining psixologik ko'rsatkichlarini aniqlashda bir qator ilmiy izlanishlarini qadqiq etganlar. Lekin o'tkazilgan tadqiqot ishlarining ko'pligiga qaramay maktab o'quvchilarining jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarida maktab o'quvchilarining sog'liqlarini saqlash hamda mustahkamlash masalalari bo'yicha ilmiy-uslubiy adabiyotlarni tahlil qilish va jismoniy tarbiya darslarini tashkiliy-metodikalardan kelib chiqqan holda amaliyotga joriy etish, o'quvchilarning bu jarayonlar vaqtidagi psixologik holatlarini aniqlash va ulardagi motivatsiya tuyg'ulari yetarli darajada o'rganib chiqilmagan. Ushbu tadqiqot davomida biz maktab o'quvchilarining jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlaridagi psixologik holatlari hamda o'quvchilarning bu jarayonlarga nisbatan motivatsiyasini aniqlaymiz. Maktab o'quvchilarining turli darajalardagi dars mashg'ulotlarini tizimli joriy etilmayotganligi va eskirgan ta'lim usullaridan foydalanib kelinayotganligi o'quvchilarning psixologik holatlariga va ulardagi ushbu tizimga nisbatan motivatsiya tuyg'ularining nechog'liq darajada ekanligini aniqlash va olingan natijalarga nisbatan kerakli tavsiya va ko'rsatmalarni ishlab chiqish darqiqot ishimizning asosiy dolzarbliklaridan biri hisoblanadi.

Tadqiqotning maqsadi: Maktab yoshidagi o'quvchilarning jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlariga bo'lgan mativatsiyalarini aniqlash.

Tadqiqotning vazifasi: Mavzuga doir adabiyotlar tahlilini qilish;

- Maktab o'quvchilarining jismoniy tarbiya va sport mashg'ulot jarayonlariga bo'lgan motivatsiyalarini aniqlash.
- O'tkazilgan tadqiqot natijalari davomida aniqlangan muammolar yuzasidan kerakli xulosa va tavsiyalar ishlab chiqish.

Tadqiqotning obyekti: Maktab o'quvchilarining dars mashg'ulot jarayonlari.

Tadqiqotning predmeti: Umum o’rta ta’lim maktablarida tahsil oluvchi o’quvchilarining psixologik tasirlarga ko’rsatgan reaksiyalarini aniqlash.

Tadqiqotning usullari: Ilmiy-uslubiy adabiyotlar tahlili, matematik-statistik tahlil, pedagogik kuzatuv, pedagogik testlash.

Tadqiqotni tashkillashtirish: O’tkazilgan ushbu tadqiqotlarda Buxoro viloyati Qorako’l tumani 11,23,8-umum o’rta talim maktablarida tahsil oluvchi o’quvchilar ishtirok etishdi.

Tadqiqot natijalari va uning muxokamasi: O‘tkazilgan ushbu tadqiqotimiz umum o’rta ta’lim maktablarida tahsil olib kelayotgan o’quvchilarning jismoniy tarbiya va sport to’garaklaridagi mashg’ulotlari muobaynida ularning psixologik ko’rsatkichlarni aniqlashdan iboratdir. Dastlabki o’tkazilgan psixologik nazorat sinovimiz o’quvchilar orasida chiroyli qomatga ega bo’lishga qaratilgan bo’lib, bu jarayon amaliy mashg’ulot davomida o’tkazildi. Natijalarga ko’ra chiroyli qomatga ega bo’lishga qaratilgan motivatsiya ko’rsatkichi 66,4% ni tashkil etdi. Bu natijalar umum orta ta’lim maktabi qizlarida kuzatildi. Ushbu psixologik nazorat sinovi o’g’il bolalarda ham o’tkazilganda ulardagi motitivatsion ko’rsatkichlar 54,1% ga teng bo’ldi (1-jadvalga qarang).

1-jadval

Atrof-muhit sharoitlariga qarab maktab o’quvchilarining jismoniy tarbiya va sport mashg’ulotlariga bo‘lgan motivatsiya ko‘rsatkichlari (%)

| Jismoniy tarbiya va sport faoliyatining motivatsiyalari | Buxoro viloyati | | |
|---|---|---|---|
| | Qizlar, n=274 | O‘g‘il bolalar, n=196 | Jami n=470 |
| Chiroyli qomatga ega bo'lish | 66,4% | 54,1% | 61,3% |
| Salomatlikni mustahkamlash | 31,0% | 41,8% | 35,5% |
| Sport natijalariga erishish | 23,4% | 38,8% | 29,8% |
| Har tomonlama jismoniy rivojlanish | 24,1% | 33,2% | 27,9% |
| Yoqish istagi | 20,4% | 23,0% | 21,5% |
| Irodani mustahkamlash | 15,7% | 23,5% | 18,9% |
| Dam olishni diversifikatsiya qilish | 15,3% | 15,8% | 15,5% |
| Muloqot uchun | 10,9% | 12,2% | 11,5% |
| Shunchaki shug‘ullanmoq | 8,0% | 7,6% | 7,9% |
| Boshqa | 8,4% | 5,1% | 7,0% |

Jismoniy tarbiya va sport mashg’ulotlari davomida navbatdagi motivatsiya ko’rsatkichlarini aniqlashga qaratilgan psixologik nazorat sinovi, salomatlikni mustahkamlashga qaratilgan. Bu jarayon davomida maktab o’quvchilarining qizlar orasida salomatlikni mustahkamlashga qaratilgan motivatsiyasi 31,0% ni tashkil etdi. O’g’il bolalar orasida salomatlikni mustahkamlashga qaratilgan motivatsiya esa 41,8% ni tashkil qilib qizlarga nisbatan bu ko’rsatkich 11,8% ga yuqori ekanligi aniqlandi. Jamlangan ko’rsatkichlar esa

35,5% ga teng bo'lib maktab o'quvchilarining jismoniy tarbiya darslariga bo'lgan motivatsion ko'rsatkichlari past baholandi (1-jadvalga qarang).

O'quvchilarning jismoniy tarbiya va sport to'garak mashg'ulotlari bilan shug'ullanib sport natijalariga erishish haqidagi motivatsiyalari tekshirilganda qizlar orasida 23,4% lik ko'rsatkich, o'g'il bolalarda esa 38,8% lik ko'rsatkichlar qayd etildi. Jami sport natijalariga erishish to'g'risidagi motivatsion ko'rsatkichlar o'g'il va qizlarda 29,8% ni tashkil etdi.

Shu o'rinda motivatsiyaga tarib berib o'tadigan bo'lsak, motivatsiya - bu maqsadga yo'naltirilgan xatti-harakatlarni boshlaydigan, boshqaradigan va saqlaydigan jarayon. Bu chanqovni kamaytirish uchun bir stakan suv olishmi yoki bilim olish uchun kitob o'qish bo'ladimi, sizning harakatingizni keltirib chiqaradigan narsa.

Motivatsiya xulq-atvorni faollashtiradigan biologik, hissiy, ijtimoiy va bilim kuchlarini o'z ichiga oladi. Kundalik foydalanishda «motivatsiya» atamasi odamning nima uchun biron bir ish qilishini ta'riflash uchun tez-tez ishlatiladi . Bu inson harakatlarining harakatlantiruvchi kuchidir.

Maktab o'quvchilarining jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlari vaqtida ularda sodir bo'luvchi motivatsiya har bir o'quvchida turlicha ko'rinishda bo'ladi. O'quvchilar motivatsiyasini aniqlash uchun ko'maklashuvchi keying psixologik nazorat sinovimiz xar tomonlama jismoniy rivojlanishni aniqlashga qaratilgan bo'lib, olingan nijalar ko'rsatkichi qizlarda 24,1% ni, o'g'il bolalarda 33,2% ni tashkil etdi (1-jadvalga qarang).

Mashg'ulotlar vaqtida o'quvchilarning o'zaro kimgadir yoki nimagadir yoqish istagiga bo'lgan motivatsiya ko'rsatkichlari ham mavjud. O'tkazilgan tadqiqotimiz davomida aniqlangan natijalar shuni ko'rsatmoqdaki yoqish istagiga bo'lgan motivatsiya qizlarda 20,4% ni tashkil qildi. Bu ko'rsatkich o'g'il bolalar o'rtasida o'tkazilganda 23,0% lik ko'rsatkich qayd etildi. Jami barcha maktab o'quvchilari orasida yoqish istagiga bo'lgan mativatsiya 21,5% ga teng bo'ldi.

Motivatsiya nafaqat xatti-harakatlarni faollashtiradigan omillarni nazarda tutmaydi; shuningdek, ushbu maqsadga yo'naltirilgan harakatlarni boshqaradigan va qo'llab-quvvatlaydigan omillarni o'z ichiga oladi (garchi bunday motivlar kamdan-kam hollarda bevosita kuzatilishi mumkin bo'lsa). Natijada, biz odamlar nima uchun qilayotgan ishlarini kuzatiladigan xatti-harakatlarga asoslanib qilishlari haqida tez-tez xulosa chiqarishimiz maqsadga muvofiqdir.

Motivatsiya ko'rsatkichlari orasida irodani mustahkamlashga qaratilgan qismi tadqiqot ishimiz muobaynidagi psixologik nazorat sinovlarining qiziqarli jarayonlaridan biri desak mubolag'a bo'lmaydi. Chunki har bir yosh o'g'il qizlarning iroda kuchida bo'lgan munosabati ularning yuksak marralarni qo'lga kiritishlari uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Irodani mustahkamalashga bo'lgan motivatsion ko'rsatkichlar maktab o'quvchilarining qizlar orasida 15,7% ga teng deb topilgan bo'lsa o'g'il bolalarda 23,5% ni tashkil qildi. Jamlangan natijalar hisobiga ko'ra esa 18,9% motivatsiya ko'rsatkichi qayd etildi (1-jadvalga qarang).

Tadqiqotlarimiz davomida maktab o'quvchilarining dam olishni

diversifikatsiya qilishga yo'naltirilgan motivatsiyasi qiz bolalarda 15,3% ga, o'g'il bolalarda esa 15,8% ga teng bo'ldi. Natijalar orasidagi farqlar dastlabki olingan ko'rsatkichlarga nisbatan pastroq ekanligi ma'lum bo'ldi.

Keyingi psixologik nazorat sinov amaliyotimiz jismoniy tarbiya darslarida muloqot uchun o'quvchilarning motivatsiyasi qanday ko'rinishda ekanligi aniqlanadi. Qayd etilgan natija ko'rsatkichlari qizlarda 10,9% ni tashkil qildi. Ushbu olingan natijalarga ko'ra o'g'il bolalarning ko'rsatgan natijalari 12,2% ga teng bo'lib qizlar natijasiga nisbatan yuqoriroq ekanligi aniqlandi. Jami aniqlangan natijalar maskur psixologik nazorat sinovi davomida 11,5% ga teng ekanligi aniqlandi (1-jadvalga qarang).

Jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlari bilan shunchaki shug'ullanishga qaratilgan motivatsiya ko'rsatkichlari psixologik nazorat sinama amaliyoti orqali amalga oshirildi. Natijalarning ilmiy asoslangan ko'rsatkichlari qizlarda 8,0% ni, o'g'il bolalarda esa 7,6% ni tashkil qilmoqda. Jami olingan natijalar yakunida qayd etilgan motivatsion ko'rsatkich 7,9% ga teng deb topildi.

Maktab o'quvchilarning dars mashg'ulotlari vaqtida boshqa ishlar bilan mashg'ul bo'lishga qaratilgan motivatsiya ko'rsatkichlari psixologik testlat yordamida aniqlandi. Natijalar quidagicha: unga ko'ra o'g'il bolalarning qayd etkan natijalari 5,1% ni, qiz bolalarning qayd etkan ko'rsatkichlari 8,4% ni tashkil etdi. Jami olingan natijalar esa barcha o'quvchilar yig'indisiga ko'ra ushbu 7% ni qayd etkanligi aniqlandi (1-jadvalga qarang).

XULOSA

Maktab o'quvchilarining turli darajalardagi dars mashg'ulotlarini tizimli joriy etilmayotganligi va eskirgan ta'lim usullaridan foydalanib kelinayotganligi o'quvchilarning psixologik holatlariga va ulardagi ushbu tizimga nisbatan motivatsiya tuyg'ularining nechog'liq darajada ekanligini aniqlash va olingan natijalarga nisbatan kerakli tavsiya va ko'rsatmalarni ishlab chiqish maqsadida ushbu tadqiqot ishimizni amaliyotga joriy etdik. Olingan natijalarga ko'ra maktab o'quvchilarining jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlari bilan shug'ullanishi, ulardagi mashg'ulot vaqtida boshqa jarayonlarga o'quvchilar etiborining yo'nalganligini va ulardagi o'zgaruvchanliklarga bo'lgan motivatsiya ko'rsatkichlarining qay darajada ekanligi aniqlandi. Unga ko'ra dastlabki olingan natijalar birmuncha yuqori ekanligi ko'zga tashlandi. Jumladan maktab o'quvchilari orasida chiroyli qomatga ega bo'lishga qaratilgan motivatsiya tuyg'usi yuqori darajada ekanligi olingan psixologik test sinovlari muobaynida aniqlandi. Salomatlikni mustahkamlash, sport natijalariga etishish, har tomonlama jismoniy rivojlanish va yoqish istagiga bo'lgan motivatsiya ko'rsatkichlari chiroyli qomatga ega bo'lish motivatsiyasiga qaraganda nisbatan pastroq ekanligi 1-jadvalda keltirilgan psixologik test sinovlari natijalarida yaqqol ko'zga tashlanib turipdi. Jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlari davomida o'quvchilarning boshqa elementlarga bo'lgan motivatsiya ko'rsatkichlari past darajada deb topildi. Qayd etilgan natijalar hamda o'quvchilarning hohish-istaklarini inobatga olgan holda ta'lim tizimiga kerakli tavsiyalar berish yuzasida so'rovnomalar tashkil etish, o'quv dasturidan chetga chiqmagan

holda dars mashg'ulotlarini tashkil etish, yuqori sifatli o'quv materiallaridan foydalanish, yangi texnalogiyalarni dars mashg'ulotlarida qo'llash va psixologik emotsional jarayonlarni, mimika usullaridan foydalangan holda dars jarayonlarini tashkil etish maqsadga muvofiqdir. O'tkazilgan tadqiqot yuzasidan olingan natijalat ilmiy tahlil etildi va kerakli tavsiya hamda ko'rsatmalar ishlab chiqildi. Mamlakatimiz sharoitidan kelib chiqqan holda barcha umum o'rta ta'lim maktablari o'quvchilari uchun darsdan tashqari holatda qisqa-qisqa ilmiy maruzalarni tashkil etish hamda ushbu maruzalarda o'quvchilarni jalb etish mamlakatimiz o'quvchilarining ilmiy salohiyatini maktab davridanoq shakillanib borishida asosiy turtki bo'lib hizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. "Etakchi faoliyat nazariyasi va psixikaning rivojlanishi" 2020-y. Aleksey Nikolaevich Leontiev 98-104-b

2. Umumiy psixologiya. F.I.Xaydarov, N.I.Xalilova. Toshkent 2010. 93-94-b.

3. Bolalar psixologiyasi va uni o'qitish metodikasi. Z.Nishanova, G.Alimova. Toshkent 2006. 5-9-b.

4. Psixodiagnostika va eksperemental psixologiya. Z.Nishanova, Z.Qurbanova, S.Abdiyev. Toshkent 2011.

5. Багина В.А. Психологические особенности проявления активности личности юного спортсмена в профессионалном самоопределении / В.А. Багина // Теория и практика физической културы, 2002. – №5. – С. 45.

6. Рубинштейн С.Л. Проблема способностей и вопросы психологической теории. В христоматии "Психология индивидуалных различий" под общей редакцией Ю.Б.Гиппенрейтер., В.Я.Романова. Изд-э трете. Из-во "Астрел" М.,2008г. с 47-54.

7. Рубинштейн С.Л. "Способности" В христоматии "Психология индивидуалных различий" под общей редакцией Ю.Б.Гиппенрейтер, В.Я.Романова. Изд-э трете. Из-во " Астрел" М., 2008г. с 31-46.

8. Шадрин В.Д. "Психология способностей" В христоматии "Психология индивидуалных различий" под общей редакцией Ю.Б.Гиппенрейтер., В.Я.Романова. Изд-э трете. Из-во "Астрел" М.,2008г. с 64-79.

9. Теплов Б.М. "Способности и одаренност" В христоматии "Психология индивидуалных различий" под общей редакцией Ю.Б.Гиппенрейтер, В.Я.Романова. Изд-е трете. Из-во " Астрел" М., 2008г. с 5

# МИЛЛИЙ ТАРБИЯНИНГ ҚАДИМИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.037

*Жабборов Хазрат Хусенович,*

*Тошкент давлат шарқшунослик университети, "Педагогика ва психология" кафедраси доценти, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

*Аннотация: Мазкур мақолада миллий тарбиянинг қадимий ва замонавий ижтимоий-психологик омиллари ҳақидаги назарий ва амалий ўрганишлар хулосаси билан танишиш мумкин.*

*Таянч тушунчалар: тарбия, миллат, миллий характер, миллий рол, миллий фазилат, миллий хусусият*

# ДРЕВНИЕ И СОВРЕМЕННЫЕ СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ НАЦИОНАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ

*Джабборов Хазрат Хусенович,*

*доцент кафедры «Педагогика и психология» Ташкентского государственного университета востоковедения, доктор философии по психологическим наукам (PhD)*

*Аннотация: В данной статье вы можете ознакомиться с кратким изложением теоретических и практических исследований о древних и современных социально-психологических факторах национального воспитание.*

*Основные понятия: воспитание, нация, национальный характер, национальная роль, национальная добродетель, национальный характер.*

# ANCIENT AND MODERN SOCIO-PSYCHOLOGICAL FACTORS OF NATIONAL CULTURE

*Jabborov Khazrat Khusenovich,*

*Associate Professor of the Department of Pedagogy and Psychology of Tashkent State University of Oriental Studies, Doctor of Philosophy in Psychological Sciences (PhD)*

*Annotation: In this article you can get acquainted with a summary of theoretical and practical research on the ancient and modern socio-psychological factors of national education.*

*Basic concepts: education, nation, national character, national role, national virtue, national character.*

Шарқ алломаларининг илмий меросида шахснинг камолотга етиши, соғлом шаклланиши, унга тўғри таълим-тарбия бериш, шунингдек, шахснинг соғлом хулқ-атвор фазилатларига эга бўлиб, эзгу ва соғлом ғоя ҳамда мафкура асосида ўз йўлидан адашмай ўз ҳаётини қуриши лозимлиги ҳақида жуда қимматли фикр-мулоҳазаларни учратиш мумкин. Муқаддас “Қуръони Карим”да, “Ҳадиси Шариф”да, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Унсурулмаолий Кайковус, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий ва Ҳусайн Воиз Кошифий каби алломаларимизнинг асарларида ҳам шахс камолоти, гўзал хулқли инсоннинг чиройли фазилатлари, эзгуликка ва бунёдкорликка йўғрилган ғоя ва мафкуралар асосида ёмондан, ёмон ишлардан ҳазар қилиш, ёмон ишлар қилгувчиларни тўғри йўлга солиш, соғлом бўлмаган хулқ эгаларини Оллоҳ ҳам, замон ҳам, жамият ҳам кечирмаслиги боис, шахсни келажакда ҳар хил ёмон, ёвуз йўллар, бузғунчи фикр ва ғояларга чалинмаслиги учун баркамол қилиб тарбиялаш юзасидан қимматли фикрларни илгари сурганлар.

Кишилик жамиятининг кўп минг йиллик тарихи барча даврларда эзгулик ва бунёдкорликка етакловчи қарашлар, ғоя ва мафкуралар билан бир қаторда, уларга қарама-қарши бўлган, инсон ҳаётини издан чиқариш, жамият ва ижтимоий тизимларнинг емирилишига, таназзулга юз тутишига замин яратган бузғунчи ва вайронкор қарашлар, ғоя ва мафкуралар ҳам мавжуд бўлганидан далолат беради.

Ўтмишда ёт ғояларнинг турли хил кўринишлари, тарихий шакллари бўлган. Жумладан, халқимизнинг ўлмас маданий мероси, дунё тан олган бебаҳо маънавият дурдонаси “Авесто” да ҳам ёвуз ғояларини қоралаш, инсон ва жамиятни эзгуликка чорлаш ва авлодни тўғри тарбиялаш масаласи бўйича мумтоз намунадир. Ушбу фалсафий ёдгорликнинг эътиборга сазовор жиҳатларидан бири шундаки, бу таълимот қанча асрлар олдин яратилганига қарамай бундаги эзгу амаллар, яхши тарбия аososи эканлигини кўришимиз мумкин. Шундй экан миллий тарбия масаласи ҳар замонда ҳам энг долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Мазкур масала бўйича тадқиқотлар доим давомий бўлган.

Бугунги янги давр ҳам мазкур тарбия масаласига, янгича талабларни қўяётгани биз соҳа вакилларини доим диққат марказимизда бўлишилиги лозим. Зеро, шиддати виртуаллашиш жараёни кучаётган бир даврда таълим-тарбия масаласига аниқ, илмий асосланган, қатъий талаблар билан ёндашиш жуда муҳим педагогик-психологик омиллардан бири ҳисобланади.

Ушбу талаблар доирасида давлатимизда таълим соҳасида педагогларнинг моддий-маънавий шароити тубдан яхшиланиб, таълим

сифатини оширишнинг замонавий технологиялари жорий қилиниши бу йўлдаги ижтимоий заруратлардан бири ҳисобланади.

Барчамизга маълумки, тарбия ва таълимни бир-биридан алоҳида ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилгандагина одобли, ахлоқий фазилатларга эга, юксак маънавиятли, шу билан бирга билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга, замонавий касб-ҳунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни етиштириш имконияти ошади.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда ёшлар тарбиясини миллий ва замонавий асосда илмий-технологик ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар уни бугунги кун эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда илмий асосланган таянч компетенциялар, фазилатлар асосида шакллантиришни талаб этмоқда.

Миллий тарбияга янгича, тизимли ёндашув, болада таянч фазилатларни кафолатли шакллантиришда унинг психологик механизмларини ўрганиш, мазкур масалада оила, мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар, олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқаришни ва улар орасида илмий-методик узвийликни янги даражага кўтаришни тақозо этади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, Ватанга садоқат, бурч ва масъулият, ташаббускорлик ва бошқа фазилатлар ёшлар онгида назарий тушунчалар сифатида қолиб кетгани ҳолда унинг табиатида амалий одатларга айланмаяпти. Бунинг оқибатида уларнинг ушбу фазилатлар ҳақидаги сўзлари билан амаллари орасида тафовут намоён бўлмоқда, бу эса ҳар йили мустақил ҳаётга кириб келаётган йигит-қизларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида бир қатор муаммоларни юзага келтирмоқда.

Айрим ўқувчи-ёшларда юксак мақсадларнинг шаклланмаганлиги, ўзини ўзи ўқишга сафарбар қилиш, ирода, матонат, тиришқоқлик, ҳаракат фазилатлари етарли ривожланмаганлиги таълим сифатига ҳам зарар кўрсатмоқда.

Масала юзасидан адабиётлар таҳлили миллий ва маънавий тарбия соҳасида ўқитувчиларнинг фаолиятини методик таъминловчи ўқув материаллари, шу жумладан, миллий ва маънавий тарбия соҳасига оид методик қўлланмалар, ўқувчилар учун зарур дарсликлар етарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан бугунги глобалашувнинг шиддатли ва ахборий шароитида миллий тарбиянинг ижтимоий-психологик омилларини тадқиқ қилиш орқали оилалада фарзанд тарбияси учун таянч фазилатларни шакллантириш, мазкур фазилатларга уларни

одатлантириш, тарбияда тушунтириш/кўрсатиш/ўргатиш/намуна бўлиш каби таъсирчан педагогик-психологик усулларни ислоҳ қилиш ва шу орқали маънавий ва миллий тарбия тизимини янада ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Такрор ва такрор бўлсада таъкидлаш лозимки, оилада миллий тарбия ва фарзанд тарбияси ҳақида гап кетганда беихтиёр таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир” деган чуқур маъноли сўзлари барчамизни мазкур масалада ўта сергак тортишимизга чорлайди.

Кўплаб олимлар ўз тадқиқотларида маънавий таназзулнинг асосий омиллари бўйича қатор изланишлар олиб боришди, ҳар хил қизиқарли таҳлилий, эмпирик маълутолар қўлга киритилди, лекин буларнинг ичида одамни ташвишга соладиган, бир қараганда эътиборсиздек туюладиган, лекин оқибати маънавий таназзулга, жоҳилликка олиб борадиган бир омил, яъни оилада фарзанд тарбиясига эътиборсизлик иллати  миллатнинг маънавий танназулининг асоси десак, ҳечам муболаға бўлмайди.

Оилада фарзанд тарбиясига эътиборсизлик иллати давлатимизнинг бир қатор қарорларда жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сонли, 2019 йил 3-майдаги ПҚ- 4307-сонли, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ- 5040-сонли Қарорлари [1] ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31-декабрдаги 1059-сонли [2] қарорида ички таҳдид сифатида қайд қилингани ва мазкур ҳолатни бартараф қилиш бўйича бир қатор мақсадли ва манзилли вазифалар белгиланганлиги бежизга эмас.

Шу ўринда биз мазкур мақолада миллий тарбиянинг бугунги кундаги аҳамияти, миллий тарбия бўйича олиб борилган тадқиқотлар, мазкур жараённи бугунги ижтимоий ҳаётимиздаги долзарблигини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Соҳа вакилларининг илмий хулосалари, одамзоднинг ташқи кўриниши кечки палеолит - кроманьонлар даври − бундан анча минг йиллардан буён ўзгармасдан келмоқдалини кўрсатмоқда [3]. Бу фикрнинг замонавий тадқиқотлар ҳам тасдиқланганлиги одамнинг биологик эволюцияси тугалланган деган хулосани берди. Бизнингча одамдаги эволюцион ривожланишнинг якунланиши ундаги маданий ривожланишни бошлаб беради. Олий тараққий этган турларга хос бўлган эмоционал-инстинктив хусусиятлар генетик мерос сифатида мавжуд бўлиб, бу хусусиятларни чақалоқ дунёга келганида, унинг ривожланишининг илк ойларида кузатиш мумкин. Ижтимоийлашув (социализация) эса одам моҳиятини гўдакликдан бошлаб инсонийлашув,

маданийлашув томонга ўзгартира боради [4].

Ҳар бир замон ва макондаги инсоният авлодлари ўзининг ижтимоий-маданий ривожланиши ва ижтимоий нормаларини ишлаб чиқиш жараёнида ўз аждодларининг миллий характер ва миллий қадриятларини ижодий ўзлаштирувчи, замонавийлаштирувчи, бойитувчи ва ўзгартирувчилик хусусиятини намоён қилиб боради.

Ҳар бир авлоднинг ана шундай ижтимоий репродуктив бурчларини амалга оширилиши ижтимоий барҳаётликни ва инсоният тараққиётнинг бой, ранг-баранг маданий оқимларини ҳосил қилади, сақлаб туради. Демак, ижтимоий-психологик ва ижтимоий-педагогик нуқтаи-назардан ҳар бир авлод вакиллари тарихий, ижтимоий, маданий-миллий кўрсаткичларни мужассамлаштирувчи миллий тарбиянинг маҳсулидир.

Соддароқ қилиб айтганда инсоннинг маданийлашиши, психикасининг тараққиёти у яшаётган замон ва макондаги ижтимоий нормалар, ижтимоий қоидалар, уларни асосида эса тарбия дастурларига бориб тақалади. Яъни ижобий фазилатларга тарбияланган инсонгина маданий қиёфани ўзида намаён этади.

Масала юзасидан адабиётлар таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, профессор М.Қуроновнинг “Миллий тарбия” номли монографиясида қайд қилилинишича, XIX асрга келиб чет эл ижтимоий фанларида бошқа халқлар миллий-маданий хусусиятларини тадқиқ қилувчи культурантропология ва социология махсус фанларга айланиб, “Бошқа дунё кишиси” муаммосини ўргана бошлади. Бу аслида, бошқача тарбия - миллий тарбиянинг тизим, услублари, мақсадларидаги хусусиятларни илмий нуқтаи-назардан ўрганиш даври бошланганлигини англатар эди.

“Бошқа дунё кишиси”ни ўрганиш тараққийпарвар янгилик эди. У “Бошқа мамлакат, миллат кишиси қанақа?”, “У ўзини ўраб олган дунёни, борлиқни қандай идрок қилади?”, “У яхшилик ва ёмонликни қандай тушунади?”, “У ўз хатти-ҳаракатларида қандай мезонларга асосланиб йўл тутади?» каби саволларга жавоб бериш керак эди. Одамларнинг дунё ҳақидаги билимлари ортиб, янги ерлар очилиб, савдо-сотиқ, муносабатлари кенгая боргани сари бу муаммога қизиқиш орта борди. Айниқса, Европада бозор иқтисодиёти муносабатлари шакллана бориши ва у билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, айниқса мустамлакачилик даври миллий хусусиятларни ўрганишга кучли туртки бўлди. Чунки мустамлакачи, миссионер, плантаторлар учун ўз мустамлакалари - маҳаллий халқлар ҳақида ҳеч бўлмаса ибтидоий тасаввурга эга бўлиш фойдали эди. Қолаверса, бу масала мустамлакачиликнинг келажаги - маҳаллий халқларни “маданий-оқартув” орқали инглизлаштириш, французлаштириш, руслаштириш, яъни маданий-маънавий мустамлакаларга айлантиришнинг

самарадорлагини оширишлари учун керак эди.

Ўзга халқларнинг миллий характерини ўрганиш фақат мўмай фойда орттириш мақсади билан чекланиб қолмади. Чунки мустамлакачилар ва маҳаллий халқлар миллий қадриятлари орасидаги тафовутни ечиш илмий муаммога ҳам айланиб улгурган эди. Зеро, овруполикнинг бошқа миллатлар ҳақидаги тасаввурида ноовруполиклар шахс эмас, балки қандайдир ақлга зид афсоналар, мистика таъсирида яшовчи индивидлар, деб идрок қилинар эди (Н.С.Трубецкой, Н.А.Бердяев). Чунки Осиёликлар ва Африкаликлар ўзлари учун миллий, овруполиклар учун ғалати, ахлоқ-одоб, урф-одат, анъаналарга риоя қилар эдилар. Иккинчи томондан маҳаллий халқлар учун овруполикларнинг хатти-ҳаракатлари, одоб-ахлоқи, урф-одатлари ғалати кўринар эди. Шу тариқа XIX асрда маданий антропология асосида “ноевропа жамиятида маданият ва шахс”, “этнопсихология” илмий йўналишларини юқоридаги ўзаро миллий-маданий тушунмовчиликлар, зиддиятларни ечиш, бир-бирини тушуниш эҳтиёжларини юзага келтирди. Натижада “феъл-атворнинг миллийлиги” илк бор ижтимоий-сиёсий, кейинчалак эса ижтимоий-психологик, ижтимоий-педагогик илмий тушунчаларга айлана борди.

Миллий тарбиянинг этнопедагогик қирраларини илк бор кашф этган олимлардан бири америкалик культурантрополог Маргарет Мид бўлди. Унинг тадқиқотлари нафақат гетеростереотип (одамнинг бошқа халқлар ҳақидаги билимлар йиғиндиси)нинг, балки осиёлик ва африкаликларда автостереотип (ўз халқи ҳақидаги билимлар йиғиндиси) нинг шаклланишига ҳам туртки бўлди. Зеро М.Мид томонидан 1927 йили нашр эттирилган “Coming on’ age Samoa” (Самоада улғайиш) китоби тарбиянинг миллийлиги исботланган илк илмий-тадқиқот натижаси эди. Биз учун ушбу тадқиқотнинг ижтимоий-психологик жиҳати муҳим.

М.Мид ҳар бир кишининг маълум миллий муҳитдаги хулқ-атворини тушунишда унинг болаликдаги миллий тарбиявий таъсирининг ниҳоятда катта аҳамиятга эгалигини қайд қилади. Чунки, болаларнинг миллий тарбиявий таъсирни қабул қилиш жараёни ва катталарнинг миллий феъл-атворлари орасида изчил алоқа мавжуд. Тарбиянинг миллий хусусият касб этишида бир авлоддан иккинчи авлодга ўтиб келувчи анъаналар, маросим, удум, ишлаб-чиқариш ва ҳаётий малакалар, афсоналар, хулқ-атвор шакллари, болаларга, ўсмирларга, қарияларга муносабатларнинг ўзига хослиги катта роль ўйнашини М.Мид алоҳида қайд этади.

Миллий тарбиянинг ижтимоий-психологик омили – инсон характерининг миллийлигидир. Миллий характер концепцияси америка этнопсихология мактабида яратилган бўлиб, турли этносларда уларнинг ўзларигагина хос миллий характер мавжуд: шахснинг миллий характери устувор психологик ҳодиса бўлиб, бу унинг миллий хулқ-атворида

намоён бўлади; ана шу кўрсаткичларга асосланиб, у ёки бу халққа, миллатга мансуб кишилар характерининг моделини - ўртача миллий характер намунасини яратиш мумкин, деган хулосаларни асослайди.

Бир миллатга мансуб кишилар учун умумий бўлган фазилатларни ўзида мужассамлаштирган намунавий миллий шахс сиймоси мавжудлигини биринчи бўлиб А.Кардинер қайд қилади. У «миллий шахс»нинг шаклланишида энг аввало оиланинг миллий тарбиявий таъсирини, ундан кейин ижтимоий тарбия омилларининг етакчи ролини алоҳида қайд қилди.

АҚШ этнопсихологлари иккинчи жаҳон урушидан кейин Япония ва ғарбий Германия аҳолисининг менталитетини ўрганиб, миллат унинг қадриятлар тизими, мулоқот шакллари ва бошқа кўрсаткичлари миллий маданият таъсирида шаклланишини асосладилар. Турли минтақаларда ўтказилган илмий-тадқиқотлар натижаларининг умумлаштирилиши: муайян халққа хос дунёқараш, турмуш тарзининг мавжудлиги–халқларнинг турли «намуналари»ни хосил қилади: турли “намуналар”нинг мавжудлиги эса болаларни тарбиялашда ўзига хосликнинг мавжудлигига, қадриятлар тизимининг катталар хулқ-атворида акс этишига боғлиқ эканлигини кўрсатди.

Бироқ, ўтказилган этнографик ва этнопсихологик тадқиқотлар бир халқнинг миллий характерини ўрганаётган олимнинг бошқа маданиятга мансублиги, ўрганаётган миллат маданиятидан яхши хабардор эмаслиги натижасида тадқиқот маълумотларини талқин қилишда хато ва камчиликларга йўл қўйилишини кўрсатди. 50-йилларда Америка этнопсихологиясининг миллий характер концепциясига нисбатан билдирилган танқидий фикрларининг бош сабаби ҳам шунда эди. Бу танқид миллий характер концепциясига хос объектив моҳиятни ўзгартирмади, аксинча, тадқиқот услубиятини такомиллаштиришга туртки бўлди, холос.

Миллий тарбия воситасида авлоддан-авлодга ўтувчи миллий маданият ва унинг цивилизация билан муносабатини мисрлик машҳур педагог Сотеъ ал-Хусри (1880-1968) ўз тадқиқотларида яққол очиб берди. «Менга маданий бирликнинг кафолатини беринг, мен эса сизга бирликнинг бошқа барча турларининг кафолатини бераман» деган машҳур фикр ана шу алломанинг қаламига мансуб. Ал-Хусри Шарқда миллий-замонавийлик оқимининг ташкил топишига катта ҳисса қўшди. У замонавий араб миллий маданияти тикланиши арафасида педагогикада «эскилик-янгилик», яъни миллий фундаментализм ва миллий замонавийлик орасида тафовут мавжудлигини кун тартибига қўйди. Ал-Хусри бир томондан миллийликни фақат тарихий анъана деб тушунувчи қадимийчилик тарафдорларини, иккинчи томондан,

миллийликдан юз ўгириб оврупо маданиятига тақлид қилишга ундовчи «ғарби»ларни танқид килиб, бУ Тарбиявий муаммони фақатгина синтез қилиш орқали” ечиш мумкин, деган илғор фикрни ўртага ташлади.

Миср миллий мустақилликни қўлга киритгач, Ал-Хусри мактаб-маорифни «маънавий мустамлакалик»ка қарши кураш майдони деб атади. Шунинг учун ҳам у араб мактабларида миллий ғурур, ватанпарварлик тарбиясига алоҳида эътиборни қаратишга чақирди. Маърифатпарвар Ал-Хусри Ғарб таълим тизимини Арабистонга кўчириб олиш хавфли ва бефойда деб ҳисоблар эди. Чунки, “бошқа муҳитга кўчирилгач, ўз жойига хос бўлган, унга таъсир қилувчи ижтимоий омиллар таъсири”дан ажратилгач, кўчириб келтирилган маориф тизими бутунлай бошқа натижалар беради. Шунинг учун, Ал-Хусри, «биз бошқа ҳар қандай миллат маориф тизимига ўралашиб қолмасдан, тараққиётда биздан ўзиб кетган барча миллат тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ўзимизнинг алоҳида маориф тизимимизни тузмоғимиз керак». Шунингдек, Ал-Хусри араб тилининг илмий атамаларини яратишга чақириб, «миллий тарбия» тушунчасини илк бор илмий-педагогик муомалага киритди. Шу тариқа миллий тарбия бир томондан, мулкдор бойлар орасида мавжуд «ўз манфаатларини миллат манфаатларидан юқори қўйиш ва очкўзликка, иккинчи томондан, мутаасиб руҳонийларнинг «тараққиётга элтувчи илғор ғояларга душманлиги»га қарши курашда самарали қурол бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги илмий таърифларнинг носинфий, холис таҳлили «маданият», «миллийлик» тушунчаларининг тарихий, замонавий ва истиқболий тушунчалар эканлиги ҳақидаги хулосани ҳосил қилади, ‘’Цивилизация» тушунчаси эса кўпроқ жуғрофий, минтақавий хусусиятга эга бўлиб, фан ва техника ютуқларини эгаллаганлик даражасидир. Ушбу талқинлар илгари бериб ўтилган таърифларни инкор қилмайди, аксинча тўлдиради, муайянлаштиради. Демак, маданият − миллийдир, цивилизация эса умуминсоний замонавийликдир. Миллийлик ва цивилизациялашганлик уйғунлашгандагина инсоният маънавий ва моддий маданиятлар уйғунлигига эришади. Зеро «Миллийликсиз инсоният мантиқий мавҳумликка, мазмуни йўқ сўзга, маъноси йуқ товушга айланиб қолади».

Бизнингча, ҳар бир миллатда, мамлакатда давом этаётган тарбиявий жараён умуминсоний тарбия тизимининг таркибий қисмидир. Демак, ҳар бир давлатда олиб борилаётган сиёсат каби, тарбия сиёсати ҳам умумбашарий эҳиёжлардан келиб чиқиб мувофиқлаштирилмоғи керак. Чунки инсоният цивилизацияси тақдири барча халқларга бир хил қимматлидир.

Бугунги кунда миллий қадриятларимизга раҳна солиб турган

маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, эрта турмуш, фарзанд тарбиясига эътиборсизлик, миллий қадриятларга эътиборсизлик, ёшлар орасидаги жиноятчилик ва коррупция каби ички таҳдидлар, терроризм, экстремизм, сепаратизм, радикализм, космополитизм, гиёҳванлик, одам савдоси ва “оммавий маданият” [5] каби ташқи таҳдидларни «миллий тарбия фазилатларини кучайтириш орқали мустаҳкам мафкуравий иммунитет»га эришмай туриб бартараф қилиш қийиндир.

Этнопсихологларнинг берган хулосаларига кўра, миллий психологияни айнан ўша этнос вакилларининг фаолият, хулқ-атвор ва мулоқотлари жараёнлари орқали ўрганиш мумкин. Бизнингча, миллий тарбия жараёнининг педагогик-психологик хусусиятларини ўрганиш учун ҳам айнан шу йўлдан бормоқ самаралидир. Зеро, миллий тарбия (ички) миллий ва миллатлараро (ташқи) муносабатларнинг муваффақиятини таъминлашга хизмат қилади. Миллий тарбия жараёнида макондаги муқимлик ва миллий-маданий жипсликни, бирликни таъминловчи этник, миллий маълумотлар синхрон ва диахрон шаклда авлоддан авлодга узатилади.

Шундай қилиб, фақат шу миллатгагина хос бўлган ўзига хос тарбиявий тизим ушбу миллатнинг бошқа миллатлардан фарқ қилишини, ички яхлитлигини, беназирлигини таъминлайди. Шу ўринда бугунги ижтимоий психологияда ҳар бир миллат ёки ҳар бир авлодни миллий тарбия фазилатларига одатлантиришда унга кўрсатиладиган ижтимоий-психлологик хизматнинг (психокоррекция, психоконсультация) ўрни ҳам жуда муҳим омиллардан бири ҳисобланади [7].

Агарда миллий тарбия эътиборсиз қолдирилса, стихияли тарзда кечса, халқнинг миллий ўзлигини англаш даражаси, миллий ғурури, маданияти, ватанпарварлик даражаси сусая боради.

Чунки ҳар бир индивид ўзига хос миллий-маданий анъаналар, меъёрлари бўлган, яъни бугунги ижтимоий-психологик тушунчалар билан айтганда ижтимоий меъёр, ижтимоий қоида, ижтимоий қонуният ва ижтимоий талаблар асосида ўзи яшаб турган жамиятида шаклланади. Ана шу урф-одат, меъёрлар, анъаналар руҳида ижтимоийлашуви уни ана шу маданий-тарихий бирликнинг аъзосига айлантиради.

Бу жараённи бошқача тарзда чакалоқнинг ё француз, ё ҳинд, ё ўзбек боласига, ўсмирга айланиш жараёни деб ҳам ифодалаш мумкин. Чақалоқнинг (миллий тарбия объекти сифатида) ўзбек сифатида шаклланиши ўзбеклар учун анъанавий бўлганлиги туфайли кўзга ташланмайди, тадқиқотлар шуни қайд қилмоқдаки, шахс маданийлаша (украинлаша, араблаша, ўзбеклаша...) борар экан, бу миллийлашув жараёни миллий-ижтимоий роллар талабларидан келиб чиқиб, жамиятнинг узлуксиз назорати остида амалга ошади. “Миллий-

ижтимоий рол" тушунчаси, замонавий ижтимоий роллар социологик концепцияси ва И.С.Коннинг ижтимоий ролга берган таърифидан фойдаланган ҳолда миллий ролни муайян миллий бирлик ичида анъанавий маъқулланган, шу миллатга мансуб аъзоларидан уларнинг ёши, жинси ва муайян вазиятдан келиб чиқиб кутиладиган хулқ-атвор намунаси» деб таърифлаш мумкин.

"Ўқувчининг миллий роли" тушунчаси миллий тарбияни таҳлил қилиш учун социологик калит вазифасини ўтайди. Чунки бу тушунчанинг кўпқирралиги миллий-замонавий ҳаёт жабҳаларини, миллий тарбия йўналишларини илғаб олиш имконини беради. Миллий тарбия тизимини «миллий рол» тушунчаси орқали ўрганиш ҳар бир ўзбек ўғил-қизининг илк ёшларидан «яхши бола», «яхши ака, ука, сингил, опа» яхши жиян, тоға, бўла...»; «яхши меҳмон, мезбон»; «яхши дўст», «одобли бола» каби «унвонли» муносабатга тайёрлаш механизмини очиб беради. Кенг маънода эса ўқувчининг миллий ролини ўзлаштиришга ўз ичига миллий фазилатларни, миллий ахлоқ меъёрларини сингдириш, миллий-ижтимоий ҳаётга тайёргарлик жараёнларини ҳам англатади [6].

Миллий ижтимоий ролларни таснифлаш, уларнинг кундалик ҳаётда, муносабатларда бажарилишини илмий-педагогик кузатиш - энг замонавий ва истиқболли усулдир. У боланинг «қаршисида» туриб эмас, балки миллий-илмий кузатиш имконини беради. Бу эса тадқиқотнинг объектив натижаларига эга бўлишининг асосий шартларидан биридир.

Замонавий фанлар ижтимоий ролларнинг қуйидаги таснифига эга: туғма, мавқели ижтимиой роллар - социология ва ижтимоий психология фанлари одам туғилганданоқ ёки ҳаётнинг у ёки бу босқичида киришадиган «мерос қилиб олинувчи» ролли (жинсий, диний, миллий, давлат фуқароси, гўдаклик, ўсмирлик, йигитлик, муйсафидлик); ўзгарувчан, ижтимоий роллар - доимий бўлмаган, ўзгариши мумкин бўлган роллардир. Масалан, у ёки бу касбни эгаллаш бирор уюшмага, жамиятга аъзо бўлиш ва ундан чиқиш, ўзгартириш, ҳатто фуқароликни ўзгартириш мумкин.

Бироқ туғма миллий роллар (ўзбеклик, французлик ва ҳ.к.)дан чиқиб бўлмайди. Муайян вазиятдаги ижтимоий роллар-йўловчилик, харидорлик, меҳмонлик, мезбонлик ва ҳ.к. Бу гуруҳ роллари ўзгарувчан роллар билан камроқ, туғма роллар билан кўпроқ алоқада бўлади. Муайян вазиятдаги роллар махсус ва шахсий аҳамиятга эгалиги туфайли кишини йўловчи, харидор, меҳмон, мезбонга «айлантирса», шахсий фазилатлари моҳиятидан келиб чиқиб шахсни «дўст», «душман», «меҳрибон киши», тақводор киши», «фидойи одам» ва бошқаларга айлантиради. Демак, шахс ташқи муҳит (табиат, жамият, шахслар) билан муносабатга киришганида миллий хусусият (ўзига хос бўлган «украинча», «хакасча»,

«грузинча» ёндашув) касб этади. Бу фикр илк бор немис социологи У.Герхард томонидан туғма ижтимоий рол сифатида таклиф қилинган, кейинчалик П.А.Сорокин, Е.А.Тарасов, Н.В.Уфимцевалар томонидан ижтимоий фанлар истифодасига киритишга ҳаракат қилинган эди. Лекин назарий жиҳатдан асосланганлигига қарамасдан миллий ролнинг туғма мерос, ворислик хусусиятини ўрганиш, ривожлантириш социалистик интернационализм тамойилларига мос келмаслиги туфайли ривожлантирилмади.

Миллий тарбиянинг манбаи - миллийликдир!. «Миллат», «миллийлик», «миллий ғурур», «миллий одоб», «миллатлараро мулоқот маданияти» тушунчаларининг ўзагини арабча «мил» сўзи ташкил қилади. Бу сўз арабчада «ўзак», «’туб моҳият», «негиз» маъноларини англатади. «Миллат» сўзи эса бир неча маънони; 1) дин: мазҳаб; 2) уммат: бир мазҳабга мансуб аҳоли: 3) халқ маъноларини англатади. «Миллат», «миллийлик» тушунчаларининг талқини билан танишар эканмиз, уларнинг ғарбона ва шарқона тарзлари бор эканлигини кўрамиз. Аниқроғи, ғарбий талқин христиан, шарқий талқин эса исломий ўзбекларга бориб туташади. Яъни Оврупо халқлари тилларига «миллат» тушунчаси лотинча «natio» - қабила, халқ сифатида христиан дини билан бирга кириб келган бўлса, Осиёга эса Ислом таълимоти орқали юқоридаги уч хил маънода кириб келиб сингди.

«Тарбия» сўзи «миллий тарбия» тушунчасининг таркибий қисми бўлганлиги туфайли бу тушунчага ҳам янгича ёндашган ҳолда, холис илмий-педагогик таъриф бермоқ керак. Арабча «тарбия», «тарбият» сўзлари 1) парвариш қилмоқ; таълим бермоқ; ўргатиш; одоб ўргатиш; 2) навозиш, меҳрибонлик кўрсатиш: кўз-қулоқ бўлиш; ҳимоя қилиш каби кўпқиррали мазмунга эга. «Тарбиячи» сўзи эса шу кўпқиррали тарбиявий фаолиятни амалга оширувчидир. Демак, миллий тарбиянинг луғавий маъносини «ёш авлодларни ўз халқига хос миллий фазилатлар намунасида шакллантириш, таълим бермоқ» сифатида аниқлаш мумкин.

Ижтимоийлашув ва миллий тарбия таъсирлари орасидаги уйгунлик ёки зиддият миллий-маънавий тараққиётга давлат томонидан кўрсатилаётган эътиборга боғлиқдир. Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат ўзбек давлатчилиги, анъаналари ва миллий, умуминсоний қадриятларни чуқур ҳурмат қилишга, инсон қадрини энг олий даражага чиқаришга асосланади; иқтисодиёт миллий хусусиятга эга; Ўзбекистон халқининг умумий давлат манфаатларини ифодаловчи бош миллий ғояси мавжуд: хизмат кўрсатувчи муассасалар тили - Давлат тилидир ва ҳ.к.

“Миллий тарбия, миллийлашув эса ривожланаётган бола шахсига

илк ёшларданоқ бевосита таъсир қилиш орқали самарадорлик, табиийлик, устиворлик касб этади. Дастлаб биринчи, кейинчалик иккинчи сигналлар системаси мазмунини белгиловчи миллий муҳит, миллий руҳ, оила, махалла, қишлоқ муҳити шахсга тарбиявий таъсир кўрсатади.

Мақоламизда кўтарилган масала юзасидан изланишларимиз асосида қўлга киритган назарий манбаларимиз, қуйидаги хулосаларни юзага келтирди:

- миллийлик - ижтимоий тараққиётнинг тадрижий тамойили натижасида йиғилган маданий қадриятлар синтезидир. Миллий тарбия - ана шу маданий-тадрижий синтезга асосланган ҳолда ёш авлодни замонавий шароитга ва келажакка мос равишда шакллантириш жараёнидир: шахснинг миллийлиги ва замонавийлиги - унинг ижтимоийлашувининг маданий даражасидир;

- ҳар бир миллий маданият - умуминсоний қадриятнинг муайян кўринишидир. Чунки инсоният - бу халқлар, миллатлардир. Ана шу нуқтаи-назардан миллий тарбия - ҳар бир инсонни ўз миллий маданияти манбаида, яъни муайян умуминсоний қадрият асосида шакллантиришдир;

- ҳар бир инсон ўз Ҳаёти давомида турли ижтимоий ролларни ўтайди. Бу роллар мазмуни, кўлами, намоён бўлиш жабҳалари илк ёшлардан бошлаб кўпайиб, кенгайиб, мураккаблашиб, миллийлашиб боради. Ана шундай туғма ва илк ўзлаштирилувчи ижтимоий роллардан бири – шахснинг миллий ролидир;

- халқлар, миллатлар мавжуд экан, миллий тарбия жараёни бизнинг хоҳишимиздан ташқари равишда, маданий детерминизм асосида давом этаверади. Шунинг учун бу жараённи давлатнинг манфаатларига мос равишда мақсадга йўналтирилса, миллий тарбия улкан яратувчан тараққийпарвар маънавий кучга айланади;

- ҳар бир замонда шаклланаётган авлод билан олдинги авлод вакллари орасидаги миллий фазилатлар, миллий қадриятлар, миллий характер хусусиятларидаги ўзгариш ва тенденцияларни кузатиб бориш, улар орасидаги боғлиқликларни псходиагностик методлар орқали доимий равишда текшириб, аҳамиятга молик жиҳатларини мониторингини олиб бориш мақсадга мувофиқ [8];

- оилада фарзанд тарбияси - оила бахти, фарзандларнинг тарбияли етук инсон бўлиб етишидаги ота-онанинг саъй-ҳаракати ҳисобланади. Оиладаги фарзанд тарбияси унинг келажакда ким бўлиб етишишида муҳим ўрин тутади.

Демак, бола оилада жамиятнинг қиёфасини кўради, бўлажак фуқаронинг табиати, дунёқараши ва ахлоқий қиёфаси оилада

шаклланади ҳамда шунга кўра камол топиб боради.

Фарзандларимизни илм-фан ва таълим-тарбия асосида вояга етказиш мақсадга мувофиқ экан, ўз ўрнида тарбия эса миллий фазилатларга йўғрилган миллий тарбия билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, ёшлар келажак эгалари ҳисобланади.

Ёшларимиз таълим-тарбиясида эса миллий тарбия катта аҳамиятга эга. Энг муҳими, фарзандларимиз тарбиясига этиборли бўлайлик, айнан шу мезон болаларимизни маънан, руҳан соғлом, ўз ота-боболарига, тарихимизга, Ватанимизга, она тилимизга, ўз миллий қадриятларимизга ҳурмат билан қарайдиган баркамол бўлиб ўсиб унишининг асосидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли, 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сон ва 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомилаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040 қарорлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1059-сонли қарори/ https://lex.uz/docs/4676839

3. Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности: Пер. с англ. и франц., /Сост. Л.И.Васильенко и В.Е.Ермолаева. Вводн. ст. Ю.А.Шрейдера.-М.: Прогресс, 1990. – 495 с.

4. Қуронов М. Миллий тарбия. Монография. − Т.: 2004. – 210 б.

5.Жабборов Х.Х. Психологические особенности идеологического влияния “массовой культуры” на человеческий разум. СОЦИАЛЬНЫЙ ПСИХОЛОГ журнал для психологов. Основан в 2000 году в Ярославль. 2016 №2 (32). - С. 56-66.

6. Жабборов Х.Х. “Yoshlarda milliy tarbiya shakllanishining psixologik qonuniyatlari”. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences.VOLUME 2 | ISSUE 1 ISSN 2181-1784 Scientific Journal Impact Factor. SJIF 2021: 5.423.

7. Рустамов Ш. Ш. Возможности программы SPSS при обработке данных массового тестирования. Вестник интегративной психологии (Ярославль, выпуск 18, 2019. - С. 199-203.

## SELF COMPASSION AS A COMPONENT OF SELF EVALUATION

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.038

*Turakulova Iroda Khudainazarovna,*
*Senior Teacher of the Department «Theory and Practice of Psychology», Samarkand State University*

*Annotation. This article characterizes the development of self-compassion and describes development on the self-compassion scale. Self-compassion involves kindness and understanding to oneself in case of pain or failure, rather than being harshly self-critical; perceive their experiences as part of a larger human experience rather than seeing them as isolating; and to keep painful thoughts and feelings in memory and consciousness rather than over-identifying with them. The results show that self-compassion is highly correlated with positive mental health outcomes, such as less depression and anxiety and greater life satisfaction.*

*Keywords: compassion, self-esteem, balance of emotions, consciousness, humanity, self-respect, value of attitude, self-criticism.*

*The purpose of this work is to analyze the causes of low self-esteem, feelings of guilt and self-compassion as a way out of difficulties and gaining emotional balance, out of hard life difficulties and continue to live without remorse and envy.*

*Methods. Theoretical analysis of modern research and the identification of structuring features of the use of a specific method of self-esteem therapy, the development of recommendations for the development of self-compassion in the context of working with self-esteem.*

## O'ZLIGIGA RAHM-SHAVQAT HISSINI TUYISH O'ZINI BAHOLAY OLISHNING BIR BO'LAGIDIR

*Turaqulova Iroda Xudaynazarovna,*
*Samarqand davlat universiteti "Psixologiya nazariyasi va amaliyoti" kafedrasi katta o'qituvchisi*

*Annotatsiya. Ushbu maqola o'z-o'ziga rahm-shafqatning tuzilishini o'rganib, uning ongda rivojlanishni tavsiflaydi. O'z-o'ziga rahm-shafqat o'z-o'zini tanqid qilishdan ko'ra, og'riq yoki muvaffaqiyatsizlikka uchragan taqdirda o'ziga nisbatan mehribonlik va tushunishni o'z ichiga oladi; ularning tajribalarini izolyatsiya sifatida ko'rishdan ko'ra, ko'proq inson tajribasining bir qismi sifatida qabul qilinadi; va og'riqli fikrlar va his-tuyg'ularni ular bilan ortiqcha identifikatsiya qilishdan ko'ra, xotirada va ongda saqlanadi. Natijalar shuni ko'rsatadiki, o'z-o'ziga rahm-shafqat*

*kamroq ruhiy tushkunlik va tashvish hamda hayotdan qoniqish kabi ijobiy ruhiy salomatlik natijalari* bilan yuqori darajada bog'liqdir.

*Kalit so'zlar: rahm-shafqat, o'z-o'zini hurmat qilish, his-tuyg'ular muvozanati, ong, insoniylik, munosabat qadri, o'zini tanqid qilish.*

*Ushbu maqolaning maqsadi – havotirni bartaraf etish va hissiy muvozanatga erishish, qiyin hayotiy qiyinchiliklardan chiqish va pushaymon va hasadsiz yashashni davom ettirish yo'li sifatida o'zini past baholash, aybdorlik va o'ziga rahm-shafqat hissi paydo bo'lishining sabablarini tahlil qilishdir.*

*Usullari. Zamonaviy tadqiqotlarni nazariy tahlil qilish va o'z-o'zini hurmat qilish terapiyasining o'ziga xos usulini qo'llashning strukturaviy xususiyatlarini nazariy asoslar yordamida aniqlash, o'z-o'zini hurmat qilish bilan ishlash sharoitida o'z-o'ziga rahm-shafqatni rivojlantirish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqish taqqoslash metodida amalga oshirilgan.*

## САМОСОСТРАДАНИЕ КАК СОСТАВЛЯЮЩАЯ САМООЦЕНКИ

*Туракулова Ирода Худайназаровна,*
*Старший преподаватель кафедры «Теория и практика психологии», Самаркандского Государственного Университета*

*Аннотация. В этой статье определяется конструкция сострадания к себе и описывается развитие по шкале самосострадания. Сострадание к себе предполагает доброту и понимание относиться к себе в случае боли или неудачи, а не быть резко самокритичным; воспринимать свой опыт как часть более широкого человеческого опыта, а не рассматривая их как изолирующих; и держать болезненные мысли и чувства в памяти и сознании, а не чрезмерное отождествление с ними. Результаты показывают, что самосострадание в значительной степени коррелирует с положительными последствиями для психического здоровья, такими как меньше депрессии и беспокойства и большая удовлетворенность жизнью.*

*Ключевые слова: сострадание, самооценка, баланс эмоций, сознание,* человечность, самоуважение, ценность отношения, самокритичность.

Целью данной работы является анализ причин пониженной самооценки, чувства вины и самосострадание как выход из трудностей и обретения эмоционального баланса, выход из тяжёлых жизненных трудностей и продолжить жить без угрызения совести и зависти.

Методы. Теоретический анализ современных исследований и выявление структурирования особенностей применения специфического

метода терапии самооценки, разработка рекомендаций по развитию самосострадания в контексте работы с самооценкой.

Результаты и обсуждение. Самосострадание не следует путать с чувством собственного достоинства или уверенностью в себе. Сострадание к себе — это принятие своих ошибок и отношение к себе, как к любимому человеку или другу. Это значит принять свои ошибки и не корить себя за них.

На самом деле, важным компонентом сострадания к себе является осознание того, кто вы есть на самом деле, и предоставление себе свободы ошибаться. Другими составляющими самосострадания являются: внимательность, общее человечество, доброта к себе.

Главный страх современной жизни заключается в следующем: как бы мы ни старались, как бы мы ни были успешны, как бы мы ни были хорошими родителями, работниками или супругами, этого всегда недостаточно. Всегда есть кто-то богаче, тоньше, умнее или сильнее, кто-то, по сравнению с которым мы чувствуем себя слабыми. Любая неудача, большая или маленькая, недопустима. В результате кабинеты терапевтов, фармацевтические компании и отделы самопомощи в книжных магазинах переполняются людьми, которые чувствуют, что с ними не все в порядке. Что делать?

За прошедшие годы были опубликованы буквально тысячи книг и журнальных статей, пропагандирующих чувство собственного достоинства — как его обрести, поднять и сохранить. Стремление к высокой самооценке стало виртуальной религией, но исследования показывают, что у этого есть серьезные недостатки. Наша культура стала настолько конкурентной, что нам нужно чувствовать себя особенными и выше среднего, чтобы просто чувствовать себя хорошо (когда тебя называют «средним» — это оскорбление). Поэтому большинство людей чувствуют себя обязанными создать то, что психологи называют «предвзятостью самосовершенствования» — превозносить себя и принижать других, чтобы чувствовать свое превосходство над ними. Однако эта постоянная потребность чувствовать себя лучше, чем наши собратья, приводит к ощущению изоляции и разделения. И затем, как только вы добились высокой самооценки, как вы ее поддерживаете? Это эмоциональные американские горки: наше чувство собственного достоинства подпрыгивает, как мячик для пинг-понга, поднимаясь и опускаясь в ногу с нашим последним успехом или неудачей.

Конечно, мы тоже не хотим страдать от низкой самооценки, так какая же альтернатива? Есть еще один способ чувствовать себя хорошо: самосострадание. Сострадание к себе предполагает быть добрым к себе, когда жизнь идет наперекосяк или мы замечаем в себе что-то, что нам не

нравится, вместо того, чтобы быть холодным или резко самокритичным. Он признает, что человеческое состояние несовершенно, поэтому мы чувствуем связь с другими, когда терпим неудачу или страдаем, а не чувствуем себя отделенными или изолированными. Это также включает в себя осознанность — распознавание и безоценочное принятие болезненных эмоций по мере их возникновения в настоящий момент. Вместо того, чтобы подавлять нашу боль или превращать ее в преувеличенную личную мыльную оперу, мы ясно видим себя и нашу ситуацию.

Исцеляющая сила доброты работает и на химическом уровне. Мы знаем, что, когда люди дарят или принимают нежную ласку, в их организме вырабатывается окситоцин. А поскольку мысли и эмоции оказывают одинаковое воздействие на организм независимо от того, направлены они внутрь или извне, можно предположить, что самосострадание дает мощный толчок для выделения окситоцина. Кроме того, оказалось, что самокритика связана с активностью латеральной префронтальной и дорсальной передней поясной коры головного мозга — участков, отвечающих за обработку ошибок и разрешение проблем.

Важно отличать самосострадание от самоуважения. Самооценка относится к степени, в которой мы оцениваем себя положительно. Он показывает, насколько мы любим или ценим себя, и часто основан на сравнении с другими. Напротив, сострадание к себе не основано на положительных суждениях или оценках, это способ отношения к себе. Люди испытывают сострадание к себе, потому что они люди, а не потому, что они особенные и выше среднего. Он подчеркивает взаимосвязь, а не обособленность. Это означает, что с состраданием к себе вам не нужно чувствовать себя лучше, чем другие, чтобы чувствовать себя хорошо. Это также обеспечивает большую эмоциональную стабильность, чем самооценка, потому что она всегда рядом с вами — хоть когда вы на вершине мира и когда вы падаете лицом вниз.

Принятие себя и любовь к себе — важные чувства, но по отдельности они неполны. В них отсутствует существенный элемент — связь с другими людьми. Тогда как самосострадание по сути своей социально. «Сострадать» буквально значит «страдать вместе с», то есть сострадание предполагает обоюдность переживаний. Когда мы осознаём общность человеческого положения, мы всегда помним, что чувство неполноценности и разочарование ощущают все люди. Этим сострадание к себе отличается от жалости. Жалеть себя — значит говорить «бедный я», в то время как сострадать себе — значит помнить, что страдают все, и утешаться, потому что все мы люди.

Прекрасно, когда удовлетворить потребность в принадлежности

позволяют близкие люди — друзья и родственники. Но и в самых благоприятных обстоятельствах окружающие не всегда способны пробудить в человеке ощущение признания. Страхи и самоосуждение подобны шорам, они часто мешают разглядеть протянутую руку помощи. Вот почему так важно изменить взаимоотношения с собой, признав свою органическую связанность с другими. Если мы умеем в горькую минуту сочувственно напомнить себе, что неудача — это часть общечеловеческого опыта, то эта минута становится минутой слияния, а не оторванности.

Самосострадание описывает позитивное и заботливое отношение человека к себе или к себе перед лицом неудач и индивидуальных недостатков. В результате такого заботливого отношения предполагается, что люди с высоким уровнем сострадания к себе испытывают более высокое индивидуальное благополучие. Доброта к себе описывает понимающее поведение по отношению к самому себе перед лицом страдания. Общая человечность описывает восприятие и классификацию своего опыта как части человечества, а не интерпретацию, которая отделена от других. Внимательность описывает сбалансированное осознание негативных мыслей и чувств, а не их чрезмерное отождествление. Предполагается, что эти индивидуальные компоненты взаимодействуют и порождают самосострадание

В другом исследовании людей просили вспомнить предыдущую неудачу, отказ или потерю, из-за которых они плохо себя чувствовали. Одну группу участников попросили подумать об этом событии таким образом, чтобы повысить их сострадание к себе. Другую группу попросили подумать о ситуации таким образом, чтобы защитить или укрепить их самооценку. Люди, получившие инструкцию о сострадании к себе, сообщали о меньшем количестве негативных эмоций при размышлениях о прошлом событии, чем те, кто находился в группе. Более того, те, кто находился в состоянии самосострадания, брали на себя больше личной ответственности за событие, чем те, кто находился в состоянии самоуважения. Это говорит о том, что — в отличие от самооценки — сострадание к себе не приводит к обвинению других, чтобы чувствовать себя хорошо.

Чтобы лучше понять, что такое сострадание к себе, важно сначала выяснить, почему оно имеет значение. Мы все ощущали воздействие негативного внутреннего диалога или критикующего внутреннего голоса, известного как анти-я. Анти-я, когда оно появляется, увековечивает негативную линию мышления, называемую «критическим внутренним голосом».

Критический голос состоит из негативных мыслей и отношения к

себе и другим и говорит что-то вроде: «Никому нельзя доверять» и «Они тебя не ценят». Чтобы противостоять нашему внутреннему критику, нам нужно занять позицию сострадания к себе — позицию, которая, как научно доказано, очень полезна для нашего общего психического здоровья и благополучия.

Преимущества самосострадания

Сострадание к себе — это отношение, которое нам необходимо, чтобы принять себя такими, какие мы есть, несмотря на прошлое, и обрести покой и радость в настоящем. Мы все принимаем сомнительные решения в тот или иной момент, но это не делает нас плохими людьми. Способность осознать свою ценность и достояние как безусловную является основным преимуществом практики сострадания к себе.

Другие преимущества, которые приходят от практики сострадания к себе, включают:

- Повышение общего самочувствия
- Повышение чувства собственного достоинства и устойчивости
- Высший эмоциональный интеллект
- Большее общее удовлетворение жизнью
- Больше социальных связей
- Снижение тревожности, депрессии и страха неудачи
- Повышенная мотивация исправлять ошибки
- Улучшенный образ тела

Как развить сострадание к себе

Самосострадание — это навык, которому можно научиться самостоятельно или с помощью психотерапевта. Дыхательные упражнения и медитация любящей доброты — две превосходные стратегии для развития сострадания. Ниже приведены другие способы повысить сострадание к себе:

 Утешайте себя физическими жестами: попробуйте обнять себя или приложить руку к сердцу в периоды стресса.

 Осознайте свой внутренний диалог: каждый день уделяйте пару минут тому, чтобы посидеть в тишине и прислушаться к своему внутреннему голосу. Настройтесь на свои чувства и эмоции, пока вы делаете это. Ваши мысли позитивны или негативны? Как они заставляют вас чувствовать?

 Потренируйтесь произносить аффирмации. Положительные аффирмации, такие как «Я буду относиться к себе так же, как к своему лучшему другу» и «Я буду добр к себе», имеют большое значение для развития сострадания к себе.

 Подумайте, как бы вы относились к любимому человеку: что, если бы кто-то, о ком вы заботитесь, переживал ту же ситуацию, что и

вы сейчас? Что бы вы им сказали и какой добрый совет дали бы им?

Как отмечалось ранее, самосострадательные люди должны чувствовать себя лучше. Настоящее исследование предоставило дополнительные доказательства того, что сострадание к себе связано с мыслями, чувствами и поведением, отличаются от самооценки.

Таким образом, одно различие между самосостраданием и самооценкой может заключаться в защите. Когда люди с высокой самооценкой сталкиваются с негативными жизненными событиями, они иногда проявляют корыстные предубеждения (например, нисходящее социальное сравнения, эгоистические атрибуции), предположительно потому, что такие реакции помогают им чувствовать себя лучше. Напротив, самосострадательные люди могут брать на себя личную ответственность, в то время как одновременно добры к себе.

Обе эти тактики могут помочь людям избежать негативных самоощущений, но сострадание к себе может иметь преимущество, которого нет у самоутверждения. Как отмечают многие теоретики, люди часто поддерживать положительные самоощущения через корыстные иллюзии. Однако такие иллюзии часто поддерживается шатко, опоясанный известной долей самообмана и вопреки нелестным суждениям других людей. Корыстные иллюзии не только ставят под угрозу способность людей точно видеть себя и других людей, но их иногда невозможно поддерживать перед лицом неопровержимых доказательств собственных недостатков. Напротив, самосострадательная ориентация не требует никаких иллюзий или защитной реакции, а скорее предполагает ясное восприятие своих характеристик, как хорошо и плохо. Учитывая, что может быть полезнее признать а не отрицать свои недостатки, оставаясь при этом добрым и понимающим по отношению к себе, сострадание к себе может способствовать правильному восприятию и, таким образом, более эффективному поведению.

Несколько результатов настоящих исследований показывают, что сострадание к себе особенно полезно для людей с низким уровнем интеллекта, самоуважение, предполагая, что люди, которые относятся к себе с сочувствием, несмотря на нелестную самооценку, также живут, если не лучше, чем те, у кого завышенная самооценка. Эта закономерность может появиться из-за того, что может быть лучше иметь незащитную (т.е. самосострадание) низкая самооценка, чем защитная высокая самооценка. Это соображение повышает вероятность того, что самосострадание может помочь отличить людей с истинными или подлинными качествами, самооценку от тех, у кого защитная самооценка. Люди с высоким уровнем самосострадания и самооценки с большей вероятностью будут иметь «оптимальную» самооценку.

Пожалуй, самый поразительный вывод, сделанный при сравнении

сострадание к себе и самоуважение было состраданием к себе, а чем самооценка объясняла больше уникальной дисперсии в результаты, которые обычно рассматриваются как корреляты самооценки. Многие предыдущие исследования показали, что черта самооценки предсказывает почти все отрицательные эмоции, включая тревогу.

Одна из причин того, что влюбляться взаимно так божественно, отчасти заключается в том, что, как только мы становимся любимыми, тут нас и начинают понастоящему ценить, принимать и понимать. Однако мы не должны всегда полагаться на партнера в деле создания хорошего представления о себе, потому что оно должно исходить от нас самих.

Психолог Джон Готтман утверждает, что на основании наблюдений за тем, как пары ссорятся, можно с точностью до 91% предсказать, расстанутся они или нет. Существуют четыре основные проблемы поведения во время конфликтов, которые обычно указывают на то, что отношения обречены: критика, презрение, защитная реакция и возведение стены.

Кристин Нефф (исследователь и профессор университета Техаса в Остине. Она управляет центром исследования самосострадания) считает, что самосострадание состоит из трех главных ингредиентов:

- Доброе отношение к себе. Здесь речь идет о состоянии уязвимости и никчемности в трудные минуты и умении себя проявлять к себе мягкость и нежность, вместо игнорирования и самобичевания;
- Человечность. Для полноценной жизни важно признать, что страдания и чувства собственной неполноценности – часть общей человеческой природы, это свойственно всем людям без исключения;
- Истинная осознанность. Необходим сбалансированный подход к отрицательным эмоциям – не нужно ни подавлять, ни принижать и не преувеличивать их важность.

Самосострадание — настоящее спасение во время конфликта. Оно позволяет успокоиться и смягчить интенсивность негативных чувств. Есть и еще один момент, когда самосострадание помогает. Часто ссоры между партнерами происходят из-за того, что каждый хочет, чтобы его точка зрения не просто восторжествовала, а была одобрена партнером.

Но самосострадание открывает не только сердца — оно освобождает разум из тисков негатива. Негативные эмоции сужают наш взгляд на мир до такой степени, что мы не видим даже тех возможностей, которые находятся прямо у нас под носом. Если же мы относимся к себе с состраданием, то получаем ощущение безопасности, а оно дает смелость выползти из-под камня, под которым мы прятались от мира.

Самосострадание необходимо не только чтобы разбираться с тем,

что нам в себе не нравится, но и для того, чтобы понять, что нравится. Ведь часто разглядеть хорошее куда сложнее. Многим трудно думать о своих положительных чертах и принимать комплименты. Источник этого — страхи.

Заключение. Поэтому вместо того, чтобы бесконечно гоняться за самооценкой, как за горшочком с золотом на конце радуги, нам следует поощрять развитие сострадания к себе. Таким образом, независимо от того, находимся ли мы на вершине мира или на дне, мы можем принять себя с чувством доброты, связи и эмоционального баланса. Мы можем обеспечить эмоциональную безопасность, необходимую для того, чтобы ясно видеть себя и вносить любые изменения, необходимые для избавления от наших страданий. Мы можем научиться чувствовать себя хорошо не потому, что мы особенные и выше среднего, а потому, что мы люди, достойные уважения по своей сути.

В отличие от высокой самооценки, хорошие ощущения, связанные с самосостраданием, не зависят от того, считает ли человек себя особенным и выше среднего уровня и достиг ли он своей высокой цели. Эти хорошие ощущения возникают в результате заботы о себе, таком хрупком и несовершенном и при этом прекрасном. Причем сочувствие к себе начинает работать именно там, где наша самооценка нас подводит, — когда мы терпим неудачи и ощущаем себя неполноценными. У человека, сострадающего себе, меньше выражена «потребность в когнитивной определенности» — так психологи обозначают потребность в признании своей неоспоримой правоты. Люди, у которых чувство самоуважения зависит от ощущения собственного превосходства и непогрешимости, обычно злятся и занимают оборонительную позицию, когда их статусу что-то угрожает. Тем же, кто сочувственно принимает свое несовершенство, не нужно следовать этим нездоровым моделям поведения, чтобы защитить свое эго.

Список литературы

1. Борн К. Решение проблемы самооценки или „комплекса (не) полноценности“

2. Захарова А. В. , Структурно-динамическая модель самооценки

3. Сафин В. Ф. Устойчивость самооценки и механизм ее сохранения // Вопр. психол. 1975. № 3. С. 62—72

4. Laura K. Barnard and John F. Curry, Self-Compassion: Conceptualizations, Correlates, &Interventions

5. Sheldon, K. M. (1995). Creativity and self-determination in personality. Creativity Research Journal, 8, 61–72.

6. Taylor, S. E., & Brown, J. D. (1988). Illusion and well-being: A social psychological perspective on mental health. Psychological Bulletin, 103, 193–210.

7. https://www.psychologies.ru/standpoint/pochemu-samosostradanie-vajnee-vyisokoy-samootsenki/

8. https://econet.ru/articles/13-poleznyh-navykov-samosostradaniya

# МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА СЕНЗИТИВ РИВОЖЛАНИШ ДАВРЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.039

*Хурвалиева Тармиза Латиповна*
*Чирчиқ давлат педагогика университети, педагогика фанлари доктори (DSc), доцент*

*Xolmatova Salima Qo'ziboevna*
*Чирчиқ давлат педагогика университети "Болалар спорти" кафедраси ўқитувчиси*

*Аннотация. Мақолада, мактабгача ёшдаги болаларни туғилганидан 6-7 ёшгача сензитив ривожланиш хусусиятлари юзасидан назарий таълимотлар келтирилган. Хусусан ҳар бир ёш даврида боланинг психик тараққиётининг ўзига хосликлари баён этилган.*

*Калит сўзлар: сензитив, психика, нутқ, мулоқот, атроф-муҳит, хулқ-автор, тарбия, маданият,ривожланиш, рефлексия, сезги, сенсорика.*

# ОСОБЕННОСТИ ПЕРИОДОВ СЕНЗИТИВНОГО РАЗВИТИЯ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

*Хурвалиева Тармиза Латиповна*
*Чирчикский государственный педагогический университет доктор педагогических наук (DSc), доцент*

*Холматова Салима Кузибоевна*
*Чирчикский государственный педагогический университет, преподаватель кафедры «Детский спорт»*

*Аннотация. В статье представлены теоретические основы об особенностях сензитивного развития детей дошкольного возраста от рождения до 6-7 лет. В частности, описаны особенности психического развития ребенка в каждый возрастной период.*

*Ключевые слова: сенсорика, психика, речь, общение, среда, поведение, воспитание, культура, развитие, рефлексия, интуиция, сенсорика.*

# FEATURES OF PERIODS OF SENSITIVE DEVELOPMENT IN PRESCHOOL CHILDREN

*Khurvalieva Tarmiza Latipovna*
*Chirchik State Pedagogical University, Doctor of Education (DSc), Associate Professor*

*Kholmatova Salima Kuziboevna*
*Chirchik State Pedagogical University, Lecturer at the Department of Children's Sports*

*Annotation. The article presents the theoretical foundations about the features of the sensitive development of preschool children from birth to 6-7* years. In particular, the features of the mental development of the child in

each age period are described.

Key words: sensorics, psyche, speech, communication, environment, behavior, upbringing, culture, development, reflection, intuition, sensorics.

Кириш. Маълумки мактабгача болалик даврида бола ақлий, ахлоқий, жисмоний ва маънавий шаклланишнинг ўзига хос психологик хусусиятларга бой йўлни босиб ўтади. Мактабгача ёшдаги болалар психикаси ва таълим-тарбияси бўйича хорижда ва мамлакатимизда бир қанча олимлар илмий изланишлар олиб борганлар. Жумладан В.Штерн, К.Бюлер, К.Левин, А.Валлон, З.Фрейд, Л.С.Виготский, С.Л.Рубинштейн, А.Р.Лурия, А.Н.Леонтьев, П.Я. Гальперинлар томонидан сензитив ривожланиш ва шахс тараққиётининг ўзаро муносабат назарияси яратилган.

Сензитив давр (лотинча сēнсус сўздан олинган бўлиб, ҳиссиёт, сезги) онтогенетик ривожланиш даври бўлиб, бутун тана аъзоларини ички ва ташқи таъсирларга юқори ҳиссий жавоби яъни физиологик, психологик жиҳатдан ўзгариши янги билим ва хулқ-авторн шаклларини ўзлаштиришга тайёрлиги билан намоён бўлади.

Мавзуга оид изланишлар таҳлили.

Француз психологи ва файласуфи Рене Декарт боланинг сензитив даврини ўрганиб, қуйидаги хулосага келади: “5-6 ёш болаларда ғоялар мавжудлигига кўра учта турга бўлинади: натижа ва оқибатга кўра пайдо бўлади; тайёр ғоялар; туғма ва табиий ғоялар. Натижа ва оқибатга кўра пайдо бўладиган ғоялар ҳиссий тажрибалар билан боғлиқ бўлиб, сезги аъзоларимизни умумий ҳолатидан келиб чиқади. Бу ғояларни бола мустақил равишда ўз тажрибаларини таҳлил қилиши натижасида олади. Улар алоҳида нарса ва буюмлар, ҳодисалар ҳақида билим беради, лекин атроф олам ҳақидаги объектив қоидаларни англашига ёрдам бермайди. Туғма ва табиий ғоялар инсонга атроф олам борлиқ ҳақида ҳамда унинг ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги билимларни беради” [8; 62-63-б].

Декарт ва Спиноза воқеликни билишда бевосита ҳақиқатга эришиш билан амалга оширилувчи алоҳида усул ва ақлий сезгирлик етакчи ҳисобланишини илгари сурадилар. Инсон ўзини англаса, атроф оламни ҳам англайди, қалб ва руҳият инсон танасидаги қоидалар бир хил кечади [14].

Дж.Локк инсондаги барча билимлар ҳиссий тажриба асосида йиғилади деган хулосага келади- “ ҳиссий тажриба иккита турга бўлинади: рефлексия ва сезги. Иккала жараён ҳам ташқи олам ҳақидаги билимларнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Сезги нафақат англашнинг биринчи босқичи, балки ташқи олам ҳақидаги билимларни кашф қилишнинг ягона йўли, инсон билан боғланувчи ягона канал ҳисобланади. Инсоннинг сезги аъзолари нарса ва буюмлар, атрофимиздаги одамлар ҳақида батафсил маълумот беради” [7]. Мактабгача ёшдаги болаларда аввало тарбиячи сезгини ривожлантириши муҳим. Сезги ривожланиши билиш фаолиятини самарали бўлишини таъминлайди.

Давид Гартли боланинг психик ривожланиш жараёнига таъсир кўрсатиш ҳақиқатдан ҳам чегараланмаган деб ҳисоблайди. У қуйидаги фикрларни билдиради “инсон психикасининг ривожланиши ва хулқ-атворининг шаклланишига оид билимларни қиёслаш орқали

ўзлаштиришдан бола тарбиясида фойдаланиш лозим.Чунки боланинг келажаги атрофдагиларнинг унга нималар ҳақида ахборот бераётганлиги билан боғлиқдир. Шунинг учун боланинг қандай ўсиши, қандай фикрлаши ва ҳатти-ҳаракати фақатгина катталарга боғлиқдир"[14; 72-81-б]. Шундай экан, мактабгача ёшидаги болалар тарбиясида оила ва ота-оналар таъсирини янада кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Л.С.Виготский сензитив ривожланиш даврини қуйидагича таснифлайди "ривожланишга аниқ ҳиссий таъсир кўрсатиш, унда мураккаб ўзгаришлар рўй беради"[3]. Бошқа даврда бундай ҳолатлар нейтрал бўлиши мумкин, қайта таъсир кўрсатади ривожланиш даврида. Сензитив давр ҳар қандай тирик организмда юз беради. Олим нутқ ривожланишингг бешта даврга ажратган.

1) 1,5-3 ёшгача болаларда сўз бойлиги ортади. Қўл моторикаси ривожланади.

2) 3-4 ёшда товуш ва харфлар билан танишади. Англанган нутқ ривожланади.

3) 4-5 ёшда математика ва мусиқага қизиқиш пайдо бўлади. Ранг, шакл ва ўлчамни тушунади. Ёзиш малакалари шаклланади.

4) 5-6 ёш ижтимоий кўникма ривожланади, мулоқотга қизиқиш ортади. Ўқиш ва ёзиш малакалари шаклланади.

5) 8-9 ёшда нутқий қобилият ривожланади. Тасаввур кенгаяди ва маданий кўникмаларни эгаллайди [4]. Шундай қилиб, 5-6 ёш ўқиш учун сензитив давр саналади. Бу ёшдаги болалар ўқишни тез ўзлаштиради.

М.Монтессори фикрича, сензитив даврда ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятини инобатга олиш муҳим. Бу даврда аниқ чегара бўлмайди, бири бошланса, иккинчиси узоқ муддат давом этиши мумкин.

М.Монтессори нутқ ривожланишини сензитив даврларини аниқлаган (0-6 ёшгача)

0-4 ойлик- бола товушларни англайди, овоз чиққан томонга қарайди, товушларни эшитади ва тақлид қилади.

1-1,5 ёшда- сўзларни талаффуз қилади ва нутқни тинглайди.

2-2,5 ёш-сўз бойлиги йиғилади, ҳиссиётлари ва истакларини ифодалайди. Ўзбек тилини грамматик меъёрларини ўзлаштиради.

2,5-3 ёшда бола эшитганларини ўйлайди ва нутқ сўзлашни ёқтиради. Ўз фикрларини сўзлайди.

3,5-4 ёшда–фойдаланган сўзлар ва нутқини англайди.

4-4,5 ёш- муаммоларни ечиш учун нутқдан фойдаланди.

5 ёшда-товуш ва ҳарфларга қизиқади. Ўз фикрларини ифодлайди. Ўқишни ўрганади ва бошқалар фикрини тушунади.

0 -3 ёшда болалар атроф муҳитдаги воқеликларни англайди ва тушунади" [11]. Мария Монтессори болаларни турмуш тарзи тартибларига ўргатиш лозимлини тавсия этади. Болалар оилада тартиб қоидага ўргатилади. Одамлар учун пол юришга мўлжалланган, сув балиқлар учун, улар эса сувда сузади. Болалар ётиши учун кровати бор, ўйинчоқлар учун жавон. Болалар оёқ кийимлар учун жавон

алоҳида эканлигини тушунади, идиш товоқлар ошхонада туришини билади. Агарда онаси отасини оёқ кийимини кийиб олса, ҳайратланади. Ҳар бир оила аъзосини вазифаларини англайди (она-овқат пишарди, кир ювади, уйни тозалайди... в.ҳ.). Болалар учун кундалик тартиб ҳам муҳим ҳисобланади. Боланинг бир ёшлигиданоқ, тартибга ўргатиш зарур. Эрталаблабки нонуштадан сўнг сайрга чиқиш, уйқудан олдин қўл ва тишларни тозалаб ювиш каби соғлом турмуш тарзига ўргатилади. Катталарнинг болаларга бўлган талаблари мунтазам ва аниқ бўлиши лозим, масалан овқат вақтида гапирмаслик, овқатдан олдин ва кейин қўлларни ювиш, катталар сўзлашаётганда аралашмаслик каби одоб-ахлоқ қоидалари ўргатиб борилади. 3 ёшда болага ўргатилган одоб-ахлоқ меъёрлари ва тартиб-интизом келгуси ҳаётида ҳам замин бўлади. М.Монтессори, сенсор тарбияни тафаккурнинг асоси деб таърифлайди, сўз бойлиги кўпаяди, математик идрок, ёзиш малакалари, эстетик тарбия ривожланади. Атроф оламни сезиш орқали англайди, ҳиссий идрок ривожланади. Болаларда тажрибалар шаклланди, турли шакллар, миқдор ва рангни идрок қилади. Уларда кўриш, эшитиш ва тактил сезги ривожланади.

Натижа ва мулоҳазалар. Болаларда нутқ ривожланишининг сензитив даври туғилганидан олти ёшгача давом этади. Бу давр 1 ёшдан 4 ёшгача давом этади. Бу ёшдаги болаларга ҳаракат қилиш муҳим. Чунки, ҳаракатланиш натижасида қон кислород билан тўйинади, бош мия ривожланади, психик жараён ривожланиши фаоллашади. Билиш фаолияти жуда юқори бўлади, ҳаракатлари ҳам жадаллашади. Бу ёшдаги болалар учун шундай фаолият турлари танланиши керакки, ҳаракатланиш чекланмаслиги лозим. Ўқув-тарбиявий жараёнларда болалар кўп ўтириши мумкин эмас, улар зўриқмаслиги учун жисмоний дақиқалар ўтказиш зарур. 2 ёшдан 6 ёшгача болалар хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштиради. Болалар атрофида қандай воқеа-ҳодисаларни кўрса шунга таъсирланади, шунинг учун улар билан мулоқот маданиятига хос равишда муносабатда бўлиш муҳим.

Тартибни идрок қилиш даври. Туғилганидан 3 ёшгача юз беради. 1,5 -2,5 ёшгача болалар майда буюмларни идрок қилади, маслан: тугмачалар, конструктор ўйинларни йиғади ва майда қисмларга ажратади. Бу эса болаларга атроф олам ҳақидаги тушунчаларни шаклланишига ёрдам беради, бутун ва қисмнинг моҳиятини англайди. Бу бола ривожланишинг муҳим даври саналиб, туғилган вақтида тартиб, озодалик нималигини фарқламайди, атроф муҳит у учун оддий хаотик ҳисобланади. аста секин у атроф оламни кузатади, сўнгра тартиб қоида ҳақида тушунча пайдо бўла бошлайди. Уй рўзғор буюмларини фарқлайди, озиқ-овқатлар музлатгичда туради, китоблар эса жавонда, ҳар бир кишини

ўз кийимлари бор эканлигини англайди. Нарса буюмларни вазифасини тушунади, қошикда овқатланиш, стулчада ўтириш, столга дастурхон тузатиш лозимлигини билади. Кунлик тартибни ўзлаштиради, эрталаб уйқудан уйғонгач юз –қўлни ювиш, сўнгра овқаланиш ва бошқ. Ота-оналарнинг вазифаси эса, бола учун кунлик тартибга амал қилишни таъминлашдан иборат.Катталар билан мулоқот қилишга ўргатилади. Ушбу босқчида ота-ааналарга катта маъсулият юкланади, боланинг табиий эҳтиёжларини қондириш, кундалик турмуш тарзига ўргатиш кабиларни бажарадилар. Бир ёшгача товушларни эшитади, турлича овозлар чикаради, уларни чузиб айтади. Пассив сўз захираси пайдо бўла бошлайди, бола сўз мазмунини тушунса ҳам ўзи мустақил талаффуз қила олмайди. Бир ярим ёшларга етганда, янги сўзларни ўзлаштира бошлайди. Бола гапиришни хохласада, буни уддалай олмайди. Уч ёшларга борганда гапларни тескари туза бошлайди(масалан: мен келдим боғчадан, мактабга опам кетди). Болада нутқ ривожланиш босқичи бошланади, у гапирмаса ҳам маълумотларни ўзлаштира олади. Сўзларни тушуна бошлагач, кетма-кетликда гапиради. Шунинг учун ота-оналар ва катталар болага ифодали, равон ва грамматик жиҳатдан тўғри гапишлари лозим. Ушбу даврда кўпроқ бола билан сўзлашиш, шеър ва эртаклар ўқиб бериш, мураккаб бўлмган қўшиқлар куйлаш мақсадга мувофиқ. Уч ёшдан кейин болалар “ўз-ўзи” билан сўзлаша бошлайди. Бу эса нутқ ривожланишининг энг зарур босқичи бўлиб, нимани эшитса шуни ўйлаб гапиради, аста-секин ўзи ҳақида фикрлай бошлайди. Тўрт ёшдаги болалар учун ҳарфлар қизиқарли туюла бошлайди, уларни график тасвирлаш билан бирга маъносини ҳам англай бошлайди. Ҳарфларга сўзлар айтади масалан: А ҳарфига -айиқ, ари, асал, арра, анор, автобус ва бошқ. Сўзлаётган ҳарф ва товушлар ўртасидаги алоқадорликни тушунади. Бу даврда барча сезги органлари ривожланади. Бу ёшдаги болалар ранг, шакл, катта ва кичикни идрок қила бошлайди. Нарса-буюмларнинг хусусияти ва белгиларини ҳис қилишга интилади. Ўйинчоқларни танлаб ўйнайди. Энг муҳим болада танлов имконияти пайдо бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Катталар болаларга юриш, сўзлашиш, ўқиш, ёзишни, ҳатти-ҳаракатни ўргаса, улар учун осон кечади. Ота-оналар биргаликда болалар билан барча ҳаракатларни бажаришлари лозим. Болаларга атроф оламдаги воқеа-ҳодисалар таъсир қилади, шунинг учун сезитив даврда улар билан бирга ўйнаш, суҳбатлашиш, уларнинг ҳохиш ва истакларини инобатга олиш муҳим. Шундагина болаларда продуктив тафаккур ривожланишига эришилади. Мария Монтессори фикрича, “ҳеч қачон болаларга бирор нарсани тўлиқ ўргата олмаймиз, қачонки, сензитив даврга мос равишда таълим-тарбияни

ташкил этилмаса”. Айни сензитив даврда болаларда муаян кўникма шакллантирилади. Олимлар сензитив даврни дераза ойнсига ўхшатади. Ойна аста секин ёпилади, қайсидир ёшда инсон психик функцияларни ўзлаштира олмайди. Сензитив ва танқидий фикрлаш даврида эмоционал ривожланиш кузатилади. Масалан: болани эркалатиш, меҳр бериш, диққат эътиборли бўлиш муҳим. Илк куниданоқ катталарга ишонишни бошлайди. Агарда ота-оналар боланинг ҳаракатлари га эътибор бермаса, жавобсиз қолса, у камгап, одамови бўлиб қолади. Болаларда қандайдир фаолиятга қизиқиш пайдо бўлади, катталар уни қўллаб-қувватламаса бир қанча муддат ўтгач, қизиқиш йўқолади. Боланинг турли ёш даврида атроф оламнинг таъсирини қабул қилади . Вақтлар ўтиб, мазкур жараён анча пасаяди. Масалан, илк ёшда бола нутқи осонгина шаклланиши мумкин, катталар ёрдамисиз гапиришни билади, грамматик гаплар тузади, фонетик ва лексик жиҳатдан мустақил ҳаракат қилади. Агарда нутқ шаклланишида қандайдир таъсир бўлса, бир қанча муддат тўхталиб қолади ва ривожланишида қийинчилик рўй беради.

Адабиётлар рўйхати:


1. Баранова Э.А. Введение в детскую психологию: Курс лекций. Учебное пособие.- Санкт-Петербург.: Речь, 2006. -176 с.
2. Бодалев А. Личность и общение. -М.: Международная педагогическая академия, 1995.-328 с.
3. Виготский Л.С. Вопросы детской психологии-СПб.: Союз, 1997.-224 с.
4. Галустова О. В. Шпаргалка по истории психологии: учеб. пособие. -М.: ТК Велби, 2005.-48 с.
5. Дарвиш О.В. Возрастная психология. Учеб.пособие для студ. высш. учеб. Заведений. - М.: Владос-пресс, 2003.-341 с.
6. Давлетшин. М.Г., Ш.Дўстмуҳамедова ва бошқ. Ёш даврлари ва педагогик психология.Ўқув методик қўлланма.-Т.: 2004-129 б.
7. Дж.Локк. Опыт о человеческом разумении - .М.:.-Издательство: Социум, 2014.-621с.
8. Декарт Р.Рассуждения о методе.М.: 2020-416 с.
9. Дубро ва В.,. Ковалевич А. Основы психологии: Хрестоматия: учеб.пособие. М.:Беларусь, 2003.-495 с..
10. Леонтьев А.Н. Лекции по общей психологии. М.: Смысл, 2001-511 с.
11. Монтессори М. Помоги мне сделать это самому.М.: И.Д.Карапуз, 2002.-252 с.
12. Немов Р.С. Общая психология: Учеб.для студ. Образоват. учреждений сред.проф.образования. М.: Гуманит. изд. центр Владос, 2003.-400 с.
13. Спиноза Б. Тҳе Пҳилосопҳй оф Спиноза Ас Сонтаинед ин тҳе Фирст, Сесонд, анд Фифтҳ Партс оф тҳе Етҳисс анд ин Ехтрастс фром тҳе Тҳирд анд Фоуртҳ. Среативе Медиа Партнерс, 2016. -220 р
14. Шаповаленко И.В. Возрастная психология. (Психология развития и возрастная психология). - М.: “Гардарики”, 2005. - 349 с.

# IQTIDORLI TALABALARNING INDIVIDUAL-TIPOLOGIK XUSUSIYATLARI

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.040

*Xodjaeva Dilnovoz Djumoevna*
*O'zbekiston Milliy Universiteti Ijtimoiy fanlar fakulteti, Umumiy psixologiya kafedrasi tayanch doktoranti.*

*Annotatsiya: Har qanday davlatning rivoji uning bilimli, zukko, iqtidorli yoshlar jamiyati bilan ham chambarchas bog'liq ekan, avvalo ana shunday iqtidor egalarining iqtidorini yuzaga chiqarish, ularning yangi yaratuvchanlik g'oyalarini qo'llab-quvvatlash, ona vataniga sadoqat ruhida kamol topishiga imkon yaratish barcha davlatlarning bosh siyosatidir. Mavzuning ahamiyati ham shundaki, iqtidorli yoshlarning individual tipologik xususiyatlariga ham psixologik,ham pedagogik ahamiyat qaratilganidir. Maqolada ham iqtidorli yoshlarning tipologik xususiyatlari psixologik amaliyot bilan bog'lab ifodalangan. Tadqiqot davomida iqtidorning turlariga va uni rivojlantiruvchi tavsiyalarga urg'u beriladi.*

*Kalit so'zlar: Tipologik xususiyat, iqtidor, yoshlar, talant, oila, jamiyat.*

# INDIVIDUAL-TYPOLOGICAL CHARACTERISTICS OF GIFTED STUDENTS

*Khodjaeva Dilnovoz Dzhumovna*
*Faculty of Social Sciences, Department of General Psychology, Ph.D. student of National University of Uzbekistan*

*Abstract: Since the development of any country is closely linked with its society of educated, intelligent, talented youth, first of all, it is necessary to reveal the talents of such talented people, to support their new creative ideas, to develop in the spirit of devotion to the motherland. creation is the general policy of all states. The importance of the topic is that both psychological and pedagogical attention is paid to the individual typological characteristics of gifted youth. The article also discusses the typological characteristics of gifted youth in relation to psychological practice. The study focuses on the types of talent and recommendations for its development.*

*Keywords: Typological trait, talent, youth, talent, family, society.*

# ИНДИВИДУАЛЬНО-ТИПОЛОГИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ОДАРЕННЫХ УЧАЩИХСЯ

*Ходжаева Дилновоз Джумоевна*
*Факультет социальных наук, кафедра общей психологии, аспирант Национальный университет Узбекистан.*

*Аннотация: Поскольку развитие любой страны тесно связано с ее обществом образованной, умной, талантливой молодежи, в первую очередь необходимо раскрывать таланты таких талантливых*

*людей, поддерживать их новые творческие идеи, развиваться в духе. преданности Родине Созидание- генеральная политика всех государств. Важность темы заключается в том, что как психологическое, так и педагогическое внимание уделяется индивидуально-типологическим характеристикам одаренной молодежи. В статье также рассматриваются типологические характеристики одаренной молодежи применительно к психологической практике. Основное внимание в исследовании уделяется типам талантов и рекомендациям по их развитию.*

*Ключевые слова: типологическая черта, талант, юность, талант, семья, общество.*

KIRISH. Jamiyat taraqqiyotining rivoji uning intelektual, salohiyatli, iqtidorli yoshlar qanotiga ham bog'liq. Shunday ekan iqtidorli shaxs jamiyat poydevorining mustahkam asosidir. Kreativ g'oyalarga boy, yaratuvchanlik qobiliyati mukammal insonlar doimo jamiyatning ustuni hisoblanib kelgan. Demakki psixologiya fanida ham iqtidorli yoshlarning individual tipologik xususiyatlariga katta e'tibor qaratiladi. Avvalo iqtidor bu – psixologik qobiliyatlarning kombinatsiyasi bo'lib, u jismoniy shaxslarga muayyan faoliyatni muvaffaqiyatli amalga oshirish imkonini beruvchi kuchdir. Tadqiqot davomida ham iqtidorli yoshlarning individual tipologik xususiyatlariga e'tibor qaratar ekanmiz, psixologiyada iqtidorli, qobiliyatga ega yoshlarni qo'yidagi tipologik xususiyatlariga qarab farqlaymiz. Birinchidan, iqtidorli shaxs ta'lim olishda va yangi bilimlarga ega bo'lishda muvaffaiyatga erishishga harakat qiladi. U avval olgan bilim va ko'nikmalari yordamida mustaqil harakatlanadi. Xodisani tanqidiy baholaydi va mohiyatiga kirib boradi. Yer yuziga bog'liq voqealarga falsafiy javob berishga tayyor. Iqtidorli yoshlar intelektual iste'dodga ega, musiqa, raqsga oshno, akademik, ijtimoiy(boshqalar bilan kirishuvchanlik), sport bilan shug'ullanadigan, matematik, shuningdek kuchli aratorlik adabiy so'zamonlik kabi xislatlar ularga begona emas. Odatda iqtidorlilar faoliyati yangi g'oyalar yaratish bilan bir qatorda muammolarni bartaraf etish uchun juda oddiy yondoshuvlardan foydalanish bilan ham bog'liq.

Dunyo miqyosida olib borilayotgan tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, bugungi kunda bolajak mutaxassislar uchun jahon sivilizatsiyasi yutuqlari va axborot resurslaridan keng foydalanish, xalqaro hamkorlik va muloqotni rivojlantirish imkoniyatlarini kengaytirish, ta'lim mazmunini xalqaro standartlar asosida tashkil etish masalalari alohida dolzarblik va ahamiyat kasb etmoqda. Bunda innovatsion texnologiyalar qatoridan orin olgan loyihalash texnologiyalarining ahamiyati beqiyosdir.

Bugungi kunda talabalik davrida innovatsion tafakkur rivojlanishiga ta'sir etuvchi ijtimoiy psixologik omillarni shakllantirish muammosi davlat siyosati darajasiga kotarilgan. Bu borada oliy talim muassasalarida juda katta ishlar amalga oshirilmoqda. O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti I.A.Karimovning asarlari, yurtboshimiz SH.M.Mirziyoev boshchiligida ishlab

chiqilgan “Harakatlar strategiyasi” mazkur tadqiqot uchun metodologik asos bo’lib xizmat qiladi. Bo’lajak o’qituvchilarni ta’lim jarayonini loyihalashga o’rgatish, kasbiy-shaxsiy sifatlarni shakllantirish, ularni istiqboldagi pedagogik faoliyatga tayyorlash, o’qituvchilarda innovatsion tayyorgarlikni shakllantirish, ulardagi kasbiy ijodkorlik ko’nikmalarini rivojlantirish muammolari ko’pgina ilmiy izlanishlarda o’z ifodasini topgan.

Ekzistentsializmning asoschisi bo’lmish nemis faylasufi Martin Xaydeger (1889-1978) tushunish uchun o’z diqqatimizni qarata olsakkina biz fikrlashga o’rganamiz-deb yozadi. Uning fikricha, narsa va voqealarning mohiyatini tushunish, anglab yetish, inson fikrlash jarayonida muhim o’rin egallaydi. Tushunishni talab qiladigan narsa insonni fikrlashga undaydi. Tushunishni talab qiladigan narsa hech qachon biz tomonimizdan yaratilmaydi. Xaydegerning fikricha, tafakkur mavjudligining asosiy xislati bu tasavvurdir. Tafakkur haqidagi ta’limotga asosan tasavvur fikrda ifoda etiladi. Shuning uchun ham tafakkur haqidagi ta’limotni logika, mantiq deb ataydi. K.R.Megrelidzening ta’kidlashicha, insondagi biror bir ruhiy hodisa ijtimoiy omilni hisobga olmasdan turib, to’g’ri tushuntirilishi mumkin emas. Bu narsa birinchi navbatda tafakkurga taalluqlidir. Tafakkurning ijtimoiy hayotning boshqa ko’rinishlarisiz o’rganish mumkin emas.

Shu o’rinda o’zbekistonlik psixolog olimlarimiz ham tafakkur borasida o’z fikrlarini bildirishgan. Xususan Shoumarov, E.G’oziyev, Z.Nishonova, M.Davletshin, V.Karimova, N.Xalilova, B.Umarov kabi psixologiya fanlari bo’yicha professorlarimiz o’z ilmiy ishlarida tafakkur borasidagi fikrlari bilan o’rtoqlashadi.

Talabalarda innovatsion tafakkur shakllanishining psixologik shart-sharoitlarini ularning talim jarayonini loyihalashga oid ko’nikmalarini shakllantirish, psixologik intelektni rivojlantirish, ularda o’z kasbiy faoliyatiga nisbatan ijobiy munosabatni tarkib toptirishning ayrim jihatlari ochib berilgan.

Xorijlik tadqiqotchilarning maxsus tadqiqotlarida garchand kreativlik qobiliyati sohasida yaqqol gender tafovutlar kuzatilmasligi aniqlangan bo’lsa ham, ammo ba’zi tadqiqotlarning natijalariga ko’ra o’z innovatsion salohiyatini talaba yigitlar quyi kurslarda, talaba qizlar esa yuqori kurslarda namoyon etadilar.

Biografik ma’lumotlar tahlili, maxsus so’rovlar natijalaridan ma’lum bo’lishicha, innovatsion tafakkuri yuqori darajada rivojlangan talabalar ota-onalari orasida musiqiy asboblar chala oladigan, muntazam ilmiy-ommabop nashrlarni o’qiydigan odamlar ko’pchilikni tashkil etadi. Umuman, innovatsion tafakkurning rivojlanishida oilaning rolini tadqiq etgan tadqiqotchilar bu jarayonda oiladagi moddiy ta’minlanganlik darajasi katta ahamiyatga ega emasligi, bunda ko’proq ota-onaning farzandiga nisbatan bo’lgan munosabatiga xos xususiyatlar muhim ekanini qayd etadilar.

Innovatsion tafakkur muammosini o’rganishda o’zbekistonlik tadqiqotchilarning ilmiy izlanishlari asosan, texnikaviy ijod sohasida tafakkur kreativligi namoyon bo’lish xususiyatlarini tekshirishga (M.G.Davletshin),

innovatsion fikrlash jarayonining ichki psixologik mexanizmlarini ochib berishga (E.G'.G'oziev), innovatsion qobiliyatlarning psixofiziologik asoslarini tadqiq etishga (B.R.Qodirov), innovatsion fikrlashning individual-tipologik sifatlar bilan bog'liq jihatlarini yoritishga (R.I.Sunnatova), kreativlikning turli yosh davrlarida ta'lim tarbiya va boshqa ijtimoiy omillar ta'sirida shakllanishi va rivojlanishi xususiyatlarini aniqlashga (Z.T.Nishonova), innovatsion tafakkur qobiliyatini rivojlantirishning psixologik imkoniyatlarini aniqlashtirishga (SH.SHoimova), iqtidorli o'quvchi va talabalarni aniqlash ishida kreativ tafakkur psixodiagnostikasi masalalarini o'rganishga (M.Po'latova), innovatsion tafakkur muammosini konstruktiv fikrlash qobiliyatini rivojlantirish imkoniyatlari nuqtai nazaridan tadqiq qilishga (N.Xasanxonova) qaratilgan.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODLAR. Tadqiqot jarayonida ilmiy bilishning mantiqiylik, tarixiylik, izchillik, obyektivlik usulidan foydalanilgan bo‘lib, mavzuni yoritishda tavsifiy, qiyosiy metodlardan foydalanildi. Maqolada o‘quvchilarda sog‘lom tafakkurni rivojlantirishning pedagogik shart-sharoitlari obektiv yoritilgan holda, mavzuning dolzarbligini bayon qilishda Ibn Sino, Abu Nasr Farobiy, Miloradova N.G larning asarlari metodologik manba sifatida olingan[1, 349 c.].

MUHOKAMA VA NATIJALAR. Iqtidorli talabalarni o‘qitishda shaxsning ijobiy xususiyatlaridan ba'zilari, ularning adolat bo‘yicha qat'iy ishonchga ega ekanliklarini va ular ko‘pincha biron bir masala bo‘yicha bahslashishni yoqtirishlarini inobatga olish zarur. Ba'zida bu ularning foydasiga ishlasa-da, ularni o‘rgatish - kurash bo‘lishi mumkin. Kuchli adolat ishonchlari tufayli siz ular o‘zlariga va atrofdagilarga nisbatan adolatli ekanliklarini ko‘rasiz. Bu nafaqat o‘z-o‘zidan shubhalanishga, balki boshqa talabalar bilan ham muammolarga olib kelishi mumkin. Iqtidorli va iste'dodli yoshlarni qo‘llab-quvvatlash odatdagi o‘quv dasturini tezlashtirish va boyitishni o‘z ichiga oladi. Bahoni qoldirgan bolalar odatda yuqori auditoriya da ham akademik, ham ijtimoiy jihatdan yaxshi ishlaydi. O‘z-o‘zidan, yangi, yuqori auditoriya xonasida o‘qitish avvalgi, quyi auditoriya talabalariga qaraganda rag‘batlantiruvchi bo‘lishiga kafolat yo‘q. O‘quv dasturini qayta tuzish ham talaba uchun foydalidir, ammo keng miqyosda amalga oshirish maqsadga muvofiq emas; o‘qituvchilar o‘z dasturlarini qayta ishlashga vaqtlari bo‘lgan taqdirda ham, ko‘plab iqtidorli talabalar natijada ortda qoladi[2, 460 c.].

Boyitish -odatdagi o‘quv maqsadlari va tadbirlariga qo‘shilgan qo‘shimcha yoki turli xil ko‘rsatmalar berishni o‘z ichiga oladi. Masalan, talaba yanada rivojlangan o‘qish darajasidagi kitoblar o‘rniga talabaning hozirgi o‘qish darajasida ko‘proq adabiyot turlarini o‘qishi yoki qo‘shimcha adabiyot turlarini o‘zi yozishi mumkin.Matematik dasturlarning qiyin turlariga o‘tish o‘rniga, talaba auditoriyaning qolgan qismiga tayinlanmagan g‘ayrioddiy mantiqiy muammolar ustida ishlashi mumkin. Tezlashtirish kabi, boyitish ham bir nuqtaga qadar yaxshi ishlaydi. Boyitish bo‘yicha o‘quv dasturlari iqtidorli talabalar bilan ishlashda auditoriya o‘qituvchilariga yordam berish uchun mavjud (va o‘qituvchilarning o‘zlari boyitish materiallarini yaratish

vaqtini va ishlarini tejashadi). Boyitish odatiy, rasmiy ravishda tasdiqlangan o‘quv dasturining bir qismi emasligi sababli, uni intellektual rag‘batlantirish sifatida emas, balki bandlik sifatida qabul qilinadi[3, 349 c.].

O‘z-o‘zini boshqarish usuli.

Istisno talabalari iqtidorli bola uchun odatiy bo‘lgan bir qator xususiyatlarga ega. O‘qituvchi sifatida ushbu xususiyatlarni aniqlay olish qobiliyatli talabalaringiz bilan samarali ishlash uchun muhim qadamdir. Bu erda biz iqtidorli talabalarning ba’zi ijobiy va salbiy xususiyatlarini ko‘rib chiqamiz. Ko‘pgina ijobiy xususiyatlar o‘qitishni sof quvonchga aylantiradigan xususiyatlar bo‘lsa, salbiy xususiyatlar juda asabiylashtirishi mumkin[4, 68 c.].

Iqtidorli talabalar ko‘plab ajoyib xususiyatlarga ega bo‘lib, ularni o‘qitishni hayajonlantiradi. Ulardan ba’zilari ma’lumotni tezda o‘rganish va saqlash qobiliyatini o‘z ichiga oladi - ular yangi narsalarni o‘rganishga qiziqishadi va odatda ko‘plab savollar berishadi. Shuningdek, ular o‘qish va matematikani oddiy talabaga qaraganda tezroq o‘rganish istagi paydo bo‘ladi. Shuningdek, ularda o‘z ishlarini tezda yakunlashlarini va ko‘proq ish qilishdan manfaatdor ekanliklarini bilib olasiz. Bu ajoyib xususiyatlar bo‘lishiga qaramay, o‘qitishni qiyinlashtiradigan ba’zi bir salbiy narsalar mavjud[5, 74 c.].

Iqtidorli talabaning ba’zi bir salbiy xususiyatlari va ularning o‘rganish qobiliyatlari shundaki, ular osonlikcha izdan chiqarib yuboriladi yoki mavzudan tashqarida bo‘ladi - ular dars paytida osongina zerikib qolishlari mumkin, bu esa ularni boshqa talabalarga to‘sqinlik qilishi va ular bundan bosh tortishlari mumkin. ular yoqtirgan mavzulardan farq qiladigan to‘liq loyihalar. Ushbu salbiy xususiyatlarga ega bo‘lmaslik uchun darsda har doim iqtidorli talabangiz uchun krossvord, kitob o‘qishga yordam beradigan vositalar bilan ta’minlash lozim. Zerikishlariga yo‘l qo‘ymaslik uchun ularni band qilib qo‘yish kerak. Shunda ularni o‘qitish ancha ravonroq ketadi. Iqtidorli talabalarni o‘qitishda shaxsning ijobiy xususiyatlaridan ba’zilari, ularning adolat bo‘yicha qat’iy ishonchga ega ekanliklarini va ular ko‘pincha biron bir masala bo‘yicha bahslashishni yoqtirishlarini o‘z ichiga oladi. Ba’zida bu ularning foydasiga ishlasa-da, ularni o‘rgatish bu uchun kurash bo‘lishi mumkin. Kuchli adolat ishonchlari tufayli siz ular o‘zlariga va atrofdagilarga nisbatan adolatli ekanliklarini ko‘rasiz. Bu nafaqat o‘z-o‘zidan shubhalanishga, balki boshqa talabalar bilan ham muammolarga olib kelishi mumkin[6, 356 c.].

Iqtidorli talabalarni o‘qitishda siz ularning ajoyib hazil tuyg‘usiga ega ekanliklarini aniqlaysiz, ular juda murakkab va o‘z yoshlaridan tashqarida bo‘lishi mumkin. Iqtidorli bolalar ko‘pincha nozik hazilni tushunishadi va har xil so‘zlarga bag‘ishlangan spektakllar bilan birgalikda satiradan zavqlanishadi. Bu iqtidorli bolani atrofda bo‘lishdan zavqlantiradi, lekin muammolarni keltirib chiqarishi mumkin. Iqtidorli talaba hazilga berilib ketishi mumkin, chunki ular qachon to‘xtashni yoki qachon etarli bo‘lishini bilishda qiynalishadi. Bu ular va boshqa talabalar o‘rtasida muammolarni

keltirib chiqarishi mumkin. Iqtidorli talabangizga narsalarni haddan tashqari oshirib yuborishini bilishni o‘rgatishga harakat qilish, ular uchun va sizning auditoriyaingiz uchun foydali bo‘lishi mumkin[7, 22 c.].

Iqtidorli talabalarni o‘qitish quvonch baxsh etadi. Sababi ular ko‘pincha eng g‘amxo‘r talabalardir. Ular atrofdagilarning his-tuyg‘ulariga juda sezgir va odatda juda beriluvchan xususiyatga ega. Ular o‘zlarini juda yaxshi ifoda eta oladilar, bu esa o‘zlarini ifoda etishda qiynalishi mumkin bo‘lgan boshqa talabalar uchun boylik bo‘ladi. Biroq, ba’zi talabalar iqtidorli bolani hamma biladigan yoki ular juda yaxshi gapiradigan va ovozi baland bo‘lganligi sababli yaqinlashishi qiyin bo‘lgan odam sifatida ko‘rishlari mumkin. Boshqa talabalar sizning iqtidorli talabangizni juda shov- shuvli bo‘lgani uchun uni xo‘jayin sifatida ko‘rishlari mumkin. Iqtidorli talabalaringizga boshqalarning fikrlarini tinglashni o‘rgatsangiz, ular auditoriyada do‘st topish va ularni saqlash ancha oson kechishini anglaydilar[8, 304 c.].

Ko‘plab intellektlar g‘oyasi maxsus sovg‘alar va iste’dodlarga ega bo‘lgan talabalar haqida yangi fikrlashga olib keladi. An’anaga ko‘ra, iqtidorli atama faqat g‘ayrioddiy yuqori og‘zaki mahoratga ega bo‘lgan talabalarga tegishli edi. Ularning mahorati, ayniqsa, umumiy qobiliyat yoki maktabdagi muvaffaqiyatga oid standartlashtirilgan testlarda, ayniqsa yaxshi namoyish etiladi. Quvonarlisi iqtidor egalari musiqa, ijodiy yozish yoki san’at kabi bir qator faoliyatlarda ham g‘ayrioddiy iste’dodlarni o‘z ichiga olgan holda kengayib bordi. O‘zgarishlarni ko‘rsatish uchun o‘qituvchilar ko‘pincha iqtidorli va iste’dodli so‘zlarni ishlatadilar[9, 23 c.].

Iqtidorli va iste’dodli odamlarning fazilatlari

Iqtidorli va iqtidorli talabalar qanday? Odatda ular quyidagi fazilatlarning kombinatsiyasini namoyish etadi:

Ular o‘z yoshidagi ko‘plab talabalarga qaraganda tezroq va mustaqil ravishda o‘rganadilar.

Ular ko‘pincha yaxshi rivojlangan so‘z boyligiga, shuningdek o‘qish va yozish qobiliyatlariga ega.

Ular juda g‘ayratli, ayniqsa qiyin yoki qiyin bo‘lgan vazifalarda.

Ular o‘zlarini odatdagi muvaffaqiyat standartlaridan yuqori tutishadi.

Oddiy taassurotdan farqli o‘laroq, iqtidorli yoki iqtidorli talabalar ijtimoiy jihatdan noqulay, kam sog‘lom yoki o‘z manfaatlari nuqtai nazaridan tor emaslar - aslida, aksincha ular, barcha iqtisodiy va madaniy guruhlardan kelib chiqadi. Buni havaskor sport bilan shug‘ullanadigan universitet talabalarining tipologik va shaxsiy farqlanishida ham aniqlash mumkin. Havaskor sportchilar guruhi asab jarayonlarining qo‘zg‘alishi va harakatchanligi, nevrotikizmning past darajasi, asabiylashish darajasi, xavotir, ruhiy taranglik va tushkunlik darajasi yuqori ekanligini namoyish etdi. Havaskor sportchilar tashqi ogohlantirishlarga nisbatan tashqi eyforik va kam aniqlangan disforik reaksiyalarni namoyon qildilar va to‘g‘ridan-to‘g‘ri jismoniy tajovuzga moyil bo‘ladilar. Shuningdek, havaskor sportchilarda umumiy va fazoviy kutish darajalarini namoyish etishganini kuzatamiz. Ikkinchisi jamoaviy sport turlari (futbol, voleybol va basketbol) bilan shug‘ullanadiganlar orasida ko‘proq sezildi. Darvoqe, asab tizimining turi jismoniy faoliyatga moyillikni

belgilashi mumkin, asab tizimining kuchi esa sportda muvaffaqiyatga erishish qobiliyatini belgilaydi degan xulosaga kelamiz. Ma'lumotlarga qaraganda sport bilan shug'ullanish tajovuzkorlikni ifoda etishning ijtimoiy jihatdan maqbul usulidir[10, 434 c.].

O'qituvchi talabani auditoriyaning qolgan qismiga qaraganda tezroq keyingi o'quv bo'limiga ko'chirishi mumkin, shu bilan birga to'g'ridan-to'g'ri o'quv birligi bilan bog'liq bo'lmagan qo'shimcha tadbirlarni taklif qilishi mumkin. Iqtidorli yoki iqtidorli talabasi bo'lgan o'qituvchi uchun esa, asosiy muammo shunchaki tezlashtirish va boyitish o'rtasida tanlov qilish emas, balki talabani kuzatib borish, uni o'ziga xos shaxs sifatida bilish, asoslangan faoliyat va qo'llab-quvvatlovlarni taklif qilishdir. Bu mohiyatan o'qitishni farqlash qiyin, bu nafaqat iqtidorli va iste'dodli, balki har xil talabalar uchun zarurdir. Siz taxmin qilganingizdek, ko'rsatmalarni farqlash ko'rsatmalarni boshqarish bilan bog'liq muammolarni keltirib chiqaradi[11, 783 c.].

Ajablanarlisi shundaki, talabalar kabi kuchli tomonlariga qaramay, bunday talabalar, odatda, o'qituvchilar ularga odatdagi o'quv dasturining qiyinchiliklaridan ko'proq narsani bera olmasalar, maktabda sustlashadi. Masalan, o'qishni yaxshi biladigan bolalar bog'chasi tarbiyalanuvchisi, o'qituvchilari uning mahoratini tanimasa va rivojlantirmasa, o'qishda biroz oldinga siljishi mumkin; tengdoshlari asta-sekin uning boshlang'ich darajasiga etishganligi sababli uning iste'dodi ko'zdan g'oyib bo'lishi mumkin. Iqtidorli yoki iqtidorli talabalar o'zlarining g'ayrioddiy mahoratlari yoki bilim darajalariga mos kelmasdan, maktabdan zerikib qolishlari va oxir-oqibat zerikish xatti-harakatlar muammosiga aylanishi mumkin[12, 198 c.].

Madaniy va lingvistik jihatdan har xil iqtidorli talabalar

Tilni osonlik va tezkorlik bilan sotib oladi, o'zlari uchun yuqori talablarni qo'yadi, muammoni hal qilishda ijodiy qobiliyatdan foydalanadi, o'z madaniyatida kuchli etakchilik qobiliyatlarini namoyish etadi, tasviriy yoki amaliy san'atdagi qobiliyatlarni ko'rsata oladi, tasavvurga boy va norasmiy tilga ega bo'ladi, yangi vaziyatlarga osongina moslashadi.

XULOSA. Xulosa qilib, iqtidorli yoki iqtidorli talabalar, ba'zan boshqa nogiron talabalar qatori maxsus ta'lim vazifasi sifatida qaraladilar. Ko'pincha ularning ehtiyojlari, masalan, maxsus ta'lim to'g'risidagi darsliklarda, intellektual nuqsonlari, jismoniy nuqsonlari yoki yurish-turishida katta nuqsonlar bo'lgan talabalarning muhokamalari bilan bir qatorda muhokama qilinadi. Ularning ehtiyojlari to'g'risida fikr yuritishning ba'zi mantiqlari mavjud; oxir-oqibat, ular juda ajoyib va ular o'zlarining potentsiallariga erishish uchun odatdagi maktab dasturlarini o'zgartirishni talab qiladilar. Ammo, alohida iste'dod va boshqa turdagi nogironlik o'rtasidagi aniq farqlarni e'tiborsiz qoldirish ham noto'g'ri. Asosiy farq talabalarning salohiyatida. Ta'rifga ko'ra, sovg'alar yoki iste'dodlarga ega bo'lgan talabalar ko'pincha iste'dodli kattalarga murojaat qiladigan darajadagi ijodiy va sodiq ishlarga qodir. Boshqa talabalar, shu jumladan, nogiron talabalar ham bu darajalarga erishishlari mumkin, ammo tezroq va tez-tez emas. Shuning uchun ko'plab o'qituvchilar iqtidorli va iste'dodli odamlarni imkoniyati cheklangan

talabalarning namunalari emas, balki xilma-xillikning namunalari deb bilishadi. Shunday qilib, ular maxsus ta'lim mutaxassislarining mas'uliyati emas, chunki barcha o'qituvchilar o'zlarining ta'limlarini farqlashlari kerak.

ADABIYOTLAR RO'YXATI: (REFERENCES)

1. Шаповаленко И.В. Возрастная психология (Психология развития и возрастная психология). – М.: Гардарики, 2006. – 349 с.
2. Обухова Л.Ф. Возрастная психология: Учебник для вузов. – М.: Высшее образование; МГППУ, 2006. – 460 с.
3. Шаповаленко И.В. Возрастная психология (Психология развития и возрастная психология). – М.: Гардарики, 2005. – 349 с.
4. Психология и педагогика. Под.ред. А.А.Радугина. – М., 2003, 57-68 с.
5. Бурлачук Л. Психодиагностика. Учебник. – СПб.: Питер, 2002, -74 с.
6. Дружинин В. Н. Психология общих способностей. — СПб.: Питер, 2009. - 356 с.
7. Дясенко Е.А.Творческое мышление в структуре профессионалной подготовки студентов бакалавриата по направлению «психология»: Автореф. дис. … канд. психол. наук. – СПб.: ЛГУ,2010. - 22 с.
8. Эрмолаева-Томина Л. Б. Психология художественного творчества: Учебное пособие для вузов. — М.: Академисҳеский Проект, 2003. -304 с.
9. Иванов И.П. Развитие творческого мышления студентов в условиях проблемно- деятелностного обучения: Автореф. дис канд. пед. наук. – Ставропол: СГУ, 2002. –23 с.
10. Илин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности.- СПб.: Питер, 2009. – 434 с.
11. Илин Е.П.Эмоции и чувства. – 2-е изд. – СПб.: Питер, 2008. – 783 с.
12. Интенсификация творческой активности студентов: монография/ Под ред.Андреева В.И. – Казан, Изд-во Казанского ун-та. – 2008.-198 с.

# AFFEKT HOLATI VA UNING SUD-PSIXOLOGIK EKSPERTIZASI

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.041

*Elov Zuyodullo Sattorovich*
*Buxoro davlat universiteti o'qituvchishi, PhD*

*Annotasiya:I lmiy maqolada, bugun jamiyatda sud psixologik ekspertizalarining o'ziga xos tomonlariga to'xtalib o'tilgan bo'lib, affekt holati vaqtidagi shaxsda kechadigan psixologik jarayonlar haqida fikr yuritilgan. Shuningek sud-psixologik ekspertizasi jarayonida affekt holatiga alohida to'xtalib o'tilgn bo'lib, bunda us*

*Kalit so'zlar:Affekt, diagnostika, sud psixologik ekspertizasi, sudlanuchi, aybdor, emotsiya, jazavalanish, jinoyat, psixik buzilish.*

# СОСТОЯНИЕ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ И ЕГО СУДЕБНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ЭКСПЕРТИЗА

*Элов Зиёдулло Сатторович*
*преподаватель Бухарского государственного университета, PhD*

*Аннотация:В научной статье, посвященной специфическим аспектам судебно-психологической экспертизы в современном обществе, рассматриваются психологические процессы, происходящие в человеке во время аффективного состояния.*

*Ключевые слова: аффект, диагностика, судебно-психологическая экспертиза, подсудимый, виновный, эмоция, наказание, преступление, психическое расстройство.*

# STATE OF AFFECTION AND ITS FORENSIC PSYCHOLOGICAL EXPERTISE

*Elov Ziyodullo Sattorovich*
*Lecturer at Bukhara state university, PhD*

*Annotation: The scientific article devoted to the specific aspects of forensic psychological examination in modern society examines the psychological processes occurring in a person during an affective state.*

*Key words: affect, diagnosis, forensic psychological examination, defendant, guilty, emotion, punishment, crime, mental disorder.*

KIRISH. Sud psixologik ekspertiza o'tkazishning markaziy masalalaridan biri – bu jinoyat sodir qilish jarayonidagi affekt holatini diagnostika qilishdir. Diagnostika qilishning sababi shundaki, jinoyat qonunchiligi bo'yicha affekt holati (fiziologik) aybni yengillashtiruvchi holat hisoblanadi.

Ko‘p hollarda sud psixologik ekspertizasini o‘tkazish, misol uchun qotillik jinoyatini sodir qilgan shaxs yoki og‘ir tan jarohati yetkazgan shaxs, shu jinoyatni affekt holatida sodir qilganligi yoki qilmaganligini aniqlashda namoyon bo‘ladi, ya’ni bu turdagi ekspertizaning sub’ekti ayblanuvchi yoki sudlanuvchi hisoblanadi. Bunda shaxs g‘azabining affektga, ya’ni jazavalanish psixik holati nazarda tutiladiki, bunday holat kishini agressiv faol hatti-harakatlarni amalga oshirishga majbur qiladi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA. Barcha tadqiqotchilar ham ijtimoiy psixologiyaning metodologik tamoyillariga amal qilgan holda shaxs psixologik himoya uchun muhim bo‘lgan u yoki bu jihatni nazariy-ilmiy tarzda asoslab beradilar. Bular ichida shaxs affektiv holati uchun muhim nazariy-ilmiy ahamiyat kasb etuvchi ijtimoiy psixologik vazifalarni aniqlashga qaratilgan tadqiqotlarni G.M.Andreyeva, M.G.Davletshin, Yu.M.Zabrodin, D.Karnegi, V.M.Karimova, B.D.Parigin,T.B.Snigireva, A.V.Filippov, P.N. Shixirev, G‘.B. Shoumarov, V.A. Yadov, E.G‘. G‘oziyev; shaxs faolligi bilan bog‘liq tadqiqotlarni alohida qayd etish mumkin. Bu esa sudga oid psixologik ekspertiza jarayonining bugungi kundagi ayrim dolzarb jihatlari, muammolari va uning yechimlari haqida o‘ylashga, fikr-mulohaza yuritishga va o‘z tadqiqotimiz vazifalarini belgilab olishga ilmiy-nazariy va metodologik manba sifatida yordam beradi deb o‘ylaymiz.

Affekt holatining shaxs xulqiga ta’sir qilishi, nomusga tegish jinoyatini tergov qilishda namoyon bo‘ladi. Bunda jabrlanuvchining faol qarshilik ko‘rsatmaganlik holati ko‘zda tutilgan. Bu holda jabrlanuvchining qo‘rquv holati affekt holatining mavjud yoki mavjud emasligini va bunday holat jinoyat sodir qilish jarayonida uning xulqiga qanday ta’sir ko‘rsatishini aniqlashda katta ahamiyatga ega.

Shuningdek, ehtiyotsizlik oqibatida sodir qilingan jinoyatlarni tergov qilish jarayonida ham affekt holatini aniqlashga katta e’tibor berish zarur. Chunki affekt holatining shaxs ongiga ta’sir qilishi shu xildagi jinoyatlarni sodir qilishga olib keladi. Misol uchun qotillik yoki zaruriy mudofaa chegarasidan chetga chiqish jinoyatlari shular jumlasidan.

Yuqoridagi fikrlarga asoslanib, affekt holatini sud-psixologik ekspertizasida keng qo‘llanishi maqsadga muvofiq degan xulosaga kelishimiz mumkin. Chunki, S.L.Rubinshteynning fikricha “Affekt bu – tez va birdaniga o‘tadigan, portlovchi xususiyatli emostional jarayon bo‘lib, bu holat shaxsning o‘z harakatiga nisbatan ongli irodaviy nazorat qilishni buzadigan holatdir”.

Mazmunan affektning xursandchilik, qo‘rquv, g‘azab va boshqa turlarini ajratib ko‘rsatish maqsadga muvofiq[1].

Affekt nima? Affekt psixologik kategoriya bo‘lib, bu holatni maxsus bilimlarga, ya’ni affektiv reakstiyalarning paydo bo‘lishi, kechishi, rivojlanishi to‘g‘risidagi bilimlar bilan qurollangan mutaxassis diagnostika

qilishi lozim. Psixolog-ekspert jinoyatni affekt holatida sodir qilinganligi yoki qilinmaganligini aniqlasa, natijada sud va tergovga kuchli psixik hayajonlanish holatiga bahor berish va aybni engillashtiruvi holat deb topish huquqi beriladi.

Affektning sud psixologik ekspertizasini o‘tkazish, sudlanuvchi yoki jinoyat sodir qilishda gumonlanuvchining harakatini to‘g‘ri tasnif qilish (baholash) uchun zarurdir.

Uzoq yillir davomida “Ayblanuvchi jinoyat sodir qilgan vaqtda affekt holatida bo‘lganmi?” degan savol huquqshunoslar tomonidan mustaqil, mutaxassislar yordamisiz hal qilib kelinar edi. Bu borada sud psixologik ekspertizasining imkoniyatlari cheklanganligi hisobga olinmagan.

Fiziologik affekt psixik holatdan chiqmagan holda, kutilmagan tarzda qisqa vaqt oralig‘ida katta kuch bilan sodir bo‘lib, psixologiya sohasi doirasida o‘rganiladi. Normal affekt bilan patologik affekt oralig‘idagi farqni ko‘rsatish uchun sog‘lom kishidagi neyrodinamik jarayonlarni asos qilib olish tabiiy holat hisoblanadi.

Birlamchi affektining sabablarini kuzatish orqali, fiziologik holdagi psixologik tabiiylikni ko‘rish mumkin. SHuning uchun ham tahlil qilinayotgan holatni psixologik affekt deb baholash maqsadga muvofiq[4].

Bugungi zamon psixologiyasida “affekt” tushunchasi hech bir to‘ldirishlarsiz aniq ifodalanishga ega.

Yuqoridagi fikrlarga asoslanib, shuni ta’kidlashimiz mumkinki, fiziologik affekt sud-psixologik ekspretizasiga taaluqli jarayon bo‘lib, buning dalili sifatida patologik va fiziologik affekt oralig‘idagi farqni ko‘rib chiqishimiz lozim.

Psixiatriyada patologik affekt – o‘tkir, qisqa muddatli psixik buzilish jarayoni bo‘lib, alohida favqulotda to‘satdan paydo bo‘luvchi va mujassamlashtiruvchi holat deb tushuntiriladi, ya’ni:

Ong doirasi chuqur chalkashtiruvchi, qaysiki qorong‘ulashtiruvchi holat;

Avtomatik harakat bilan tezkor vaziyatlarda hayajonlanish;

To‘la va qayta sodir etilgan amneziyaning harakatlari va boshqalar;

Patologik affektholatibezovtalanishkechinmalariningintensivligibilan ajralib turadi, biroq shu holatda sodir qilinayotgan harakat katta ta’sir qiluvchi kuchga ega bo‘ladi. Ko‘p hollarda patologik affektning qiziqqonligi ko‘p yoki kam, uzoq muddat chuqur uyqu bilan tugallanadi[3].

Shunday hollarda patologik affekt mazkur jarayondagi psixikaning kasalligi hisoblanadi. Shu sababli bunday holat, psixiatr-shifokor tomonidan baholanishi zarur. Buning sababi shundaki, shaxsning psixik kasal ekanligini sud tan oladi.

Psixologiyada affekt – kuchli va shunchaki qisqa muddatli emostional hayajonlanish paydo bo‘lishideb tushuntiriladi. Bunday vaziyatlar psixik

holatlar almashinuvi deb baholanadi, biroq, ularda xastalik belgilari bo‘lmaydi.

Psixologiyada affekt holatini yuzaga keltiruvchi sabablar sifatida quyidagilar baholanadi:

Affektholati odamning hayotiga xavf tug‘diruvchi biologik instinktga va ehtiyojiga bog‘liq ravishda (bevosita yoki bilvosita hayotga tatbiq qilish);

Affekt kishini o‘rab turgan atrofdagi boshqalarning harakati, ularning mulohazalari, ijtimoiy baholari, uning shaxsiga qattiq shikast etkazuvchi insonning o‘zini-o‘zi baholashiga ta’sir ko‘rsatuvchi omillar bilan yuzaga kelishi mumkin. Ma’lumki, affektni majburlash yoki shasxni qattiq haqorat qilish yo‘li bilan yuzaga keltirish aksariyat holatlarda ko‘p uchraydi[7].

Yuqoridagi mulohazalardan ko‘rinib turibdiki, affekt faqat (spestifik) o‘ziga xos xususiyatlari bor bo‘lgan vaziyatlardagina yuzaga keladi, xolos. Ushbu omilni tasdiqlovchi qator faktlar mavjud.

Yuridik adabiyotlarda haqqoniy ravishda ko‘rsatiladiki, mana shu vaziyat sub’ektning hayolida emas, balki uning o‘ngida paydo bo‘lishi shart.

Affekt har doim bir zumda paydo bo‘lish xususiyati bilan tavsiflanadi, chunki u birinchi bor insonga ta’sir qilgani uchun unda qo‘zg‘atuvchilar affektli munosabatlarni yuzaga keltiradi.

Ba’zida affektli portlash tayyorlovchining shartlaridan biri – affektli munosabatni keltiruvchi takroriy vaziyat bo‘lib hisoblanadi.

Ayni takroriy vaziyat kechinmalarning rivojlanishiga, keyinchalik esa affektiv porlash sodir bo‘lishiga olib keladi.

Buning asosiy ma’nosi shundaki, oxirgi vaziyatlarda g‘ayriqonuniy harakatlarni sodir qilgan shaxs favqulotda affekt holatida bo‘ladi. Sud, tergov amaliyotida shunday holatlar ma’lumki, jinoiy hatti-harakatlar, qachonki jabrlanuvchi tomonidan ko‘p marta va takror sodir etilgan haqoratlardan so‘ng sodir etilishi kuzatiladi.

Bunda ko‘rinib turibdiki, jabrlanuvchi o‘zining harakatini oxirida qo‘pol va haqoratli harakatlar sodir qilishi mumkin, lekin bu harakatlarning o‘zi affektning “so‘ngi chora” sifatida kelib chiqishiga sabab bo‘lishi ko‘p hollarda kuzatilgan.

Shunday qilib fiziologik affekt, ya’ni jismoniy affekt birlamchi yoki bir marotabalik kuchli ruhiy hayajonlanish holatlarining paydo bo‘lishi natijasijada asta-sekinlik bilan affekt kechinmalarining to‘planishida vujudga keladi.

Affekt ongning funkstiyasi yo‘qolishini keltirib chiqarmaydi. Shu sababli shaxs, o‘z hatti-harakatlarini eslaydi, ba’zida bu harakat yoki harakatning ba’zi bir elementlari esdan chiqib qolishi mumkin.

NATIJALAR. Fiziologik affektning informatik belgilari quyidagilar:

1. Ongning torayishi affektning chuqurlashuviga olib keladi. Bunday holatlarning vujudga kelishi ong doirasining chegaralanishi jarayonida aniqlanadi. Bundan tashqari, vaziyatni nazorat qilish tartibining buzilishi bilan ham yuzaga kelishi kuzatiladi. Bunda asosiy e’tibor zo‘riqish manbaiga va u bilan bog‘liq bo‘lgan elementlarga qaratish maqsadga muvofiq. Ongning

emostional harakatidan, insonni haqoratlash, o‘ta qanoatsizlanishdan tashqari ba’zi bir harakatlar bilan to‘ldiriladi. Konflikt, nizoli vaziyatning qabul qilinishi biroz o‘zgaradi. Mazkur holat saylanma fragment bo‘lib qoladi. Ochiq bog‘lanmaganlik bir vaqtdalik holatni yo‘qotadi. Dastlabki tergov hamda ekspertiza jarayonida ayblanuvchining ko‘rsatmalaridan ma’lumki, uning hatti-harakatlari ongdagi fikrini aniq belgilaydi, u ish uchun ahamiyatli vaziyatlarni qabul qilmaydi va anglamaydi. Fiziologik affekt o‘zi-o‘zi anglash jarayoning o‘ta buzilishining ko‘rsatkichlari bo‘lib, affektni o‘rab turgan derealizastiya (qayta amalga oshirish) belgilari hisoblanadi, ularning mavjudligi affektni differenstiyalashtiradi (tabaqalashtiradi). Ong torayishining tashqi belgilaridan biri – orientirovka qilishning (bilish jarayonlarining) pasayishi, atrof-muhitga ko‘r-ko‘rona jahl va sezgirlikning kamayishi hisoblanadi. Bunda ayblanuvchi o‘z jarohatlariga e’tibor qilmaydi, xavfli to‘sqinliklarga e’tiborni qaratmaydi, atrofdagilarni tan olmaydi, maqsadga erishish uchun biror narsaga e’tibor bermasdan to‘g‘ridan-to‘g‘ri harakat qiladi.

2. Xulq-atvor va faoliyatning buzilishi. Buzilish jarayoni ong funkstiyalarini chetga og‘ishida, o‘ta qaysarlik va harakatning stereotiplarida o‘z aksini topadi. Bunda faoliyatning tuzilishi buzilib, murakkab intelektual malakalari buziladi. Ya’ni, ongni nazorat qiluvchi oddiy elementlar harakat avtomatizm, maqsadga yo‘naltiruvchi usul va vositalar yo‘qolishini anglatadi. Yuqorida ko‘rsatilgan o‘ziga xos xususiyatlar quyidagi tipik kriminologik affekt holatida amalga oshirilgan jinoyatlarni aniqlaydi. Ular uchun ko‘p marotaba kaltaklanish va jarohatlar olish, haqoratlanish xususiyatlari xos bo‘lib, ko‘pincha to‘la qarshilikka qaramay uni o‘limga olib keladi. Bunday holatda shaxs judda katta qarshilikni engishga qodir bo‘lib, murakkab kuchga ega bo‘ladi.

3. Asabiylashgan emostional holatning tipik dinamikasiga ko‘ra tavakkalchi shaxsni sub’ektiv timsol qilish va rivojlanishning impulьsivlanishi (ichki turtki yordamida), portlovchi lavaga o‘xshab borishi va sekinlashuvi, ya’ni ba’zi psixologlarning fikriga ko‘ra to‘g‘ri burchakli affekt holatining kechishi hisoblanadi.

4. Affektning xarakterli fiziologik belgilaridan biri, nutqning eskpressiv va kommunikativ funkstiyalarining buzilishida ifodalanadi. Nerv sistemasining kuchsizlanishi va ishdan chiqishi bosqichida energiyani juda intensiv ravishda sarflash – bu affektiv portlash jarayonida har bir kishi uchun simptomdir. Bularga, psixik vajismoniy zaifliklar, kuchli psixik ezilish, depressiya, bo‘shashish, o‘ta charchash, o‘zini yo‘qotib qo‘yish, jahli chiqishi va jabrlanuvchiga achinish hislari kiradi. Qoida bo‘yicha bu toifa shaxslar jinoyat joyida qoladi, odatda sodir qilgan qilmishi yuzasidan o‘zi huquq organlariga murojaat qiladi, jabrlanuvchiga yordam berishga shoshiladi[10].

XULOSA. Muhit shaxsning individual psixologik xususiyatining kompleksiva sub’ekt – konflikt jarayonidagi muvaqqat holatdir.

Bir shaxsda mavjud bo‘lgan, ya’ni affektni keltirib chiqaradigan

psixologik muhit, boshqa bir shaxsning hatti-harakatlaridagi uzluksiz holatlarning buzilishiga olib kelmaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. F.F.Usmonov, Z.S.Elov. SUICIDE – AS A GLOBAL PROBLEM FACING HUMANITY.WEB OF SCIENTIST: INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL. Volume 3, Issue 2, Feb., 2022 349-354

2. Elov Z.S. Berdiyeva D.Sh. PSYCHOLOGICAL REASONS FOR SUICIDE MOTIVATION IN ADOLESCENTS WITH DEVIANT BEHAVIOR. ORIENTAL RENAISSANCE: INNOVATIVE, EDUCATIONAL, NATURAL AND SOCIAL SCIENCES SCIENTIFIC JOURNAL. VOLUME 2, ISSUE 2 February 20221003-1009

3. Z.S.Elov. Suicide as a global problem facing humanity. Science and Education №2. 2022 1247-1252

4. Elov Z.S. PSYCHOLOGICAL INFLUENCE OF SPEECH DISORDERS AND THE CAUSES THAT CAUSE THEM ON THE CHILD'S PSYCHE. ACADEMICIA GLOBE: INDERSCIENCE RESEARCH Volume: 3, ISSUE 1, JANUARY-2022 39-42

5. Elov Z.S. CAUSES AND ANALYSIS OF SUICIDAL THOUGHTS AMONG ADOLESCENTS. EPRA International Journal of Research and Development (IJRD)Volume: 6 | Issue: 11 | November 202175-76

6. Elov Z.S. PSIXODIAGNOSTIKA VA EKSPERIMENTAL PSIXOLOGIYA. O'quv-metodik qo'llanma. 2021. Buxoro 1-164.

7. Elov.Z.S. Қадимги халқлар урф-одатлари ва ривожланган жамиятда ўз жонига қасд қилишнинг ижтимоий психологик сабаблари. Тарих ва бугун (қадимги халқлар урф-одатлари ва бугунги замон) JAMIYAT VA INNOVASIYALAR. 10.2021 169-173

8. Элов З.С. СУИЦИД - ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДАCONFERENCE ON SOCIAL AND HUMANITARIAN RESEARCH. International Conference on Social Humanitarian Research 17-18 th September, 2021 Poland 188-189

9. Z.Elov. QOBILIYATNING SHAXS PSIXOLOGIYASIDAGI O'RNI VA DANNING-KRYUGER EFFEKTI. PEDAGOGIK MAHORAT 2021/10/30 Номер 5 Страницы 143-144

10. Elov Z.S. CONDITIONS AND THE REASONS OF CASES OF THE SUICIDE AMONG THE STAFF OF LAW-ENFORCEMENT BODIESEuropean Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol 5 2017

11.Элов З.С. ПРИЧИНЫ СУИЦИДАЛЬНОГО ПОВЕДЕНИЯ: СОЦИАЛЬНЫЕ И АСОЦИАЛЬНЫЕ ФАКТОРЫ. ВЕСТНИК ИНТЕРГАТИВНОЙ ПСИХОЛОГИИ 2016 14/112-115

12. Элов З.С. ИССЛЕДОВАНИЯ ПРИЧИН УСЛОВИЙ, ФАКТОРОВ СУИЦИДАЛЬНОГО РИСКА.Евразийский юридический журнал. 7 (86)2015. 310-312

# O'SMIRLARDA EKSTREMAL VAZIYATLARDA PSIXOLOGIK HIMOYA MEXANIZMLARINI SHAKLLANTIRISH

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.042

*Maxmudova Zulfiya Mexmonovna*
*Buxoro davlat unversiteti o'qituvchisi*

*ANNOTATSIYA. Maqolada yoshlarda psixologik to'siqlar, nikoh-oila ustanovkalarining adekvat emasligi, oilaviy qadriyatlari tizimining to'liq shakllanmaganligi, umr yo'ldosh tanlashda ko'proq romantik tuyg'ularga berilish, sherigining tashqi ko'rinishiga ko'proq e'tibor berish, ota-onalariga iqtisodiy bog'liqlik kabi bir qator omillar ko'rinadiki, bu kabi omillarning oqibatida oilaviy ajralishlar sonining ko'payishi va bu ajralishlarning shaxs ijtimoiylashuvi jarayoniga salbiy ta`sir ko'rsatayotganligini borasida olib borilgan tadqiqot natijalari tahlil qilingan.*

*Kalit so'zlar. nikoh-oila ustanovkalari, nizolar, ajralish, shaxs ijtimoiylashuvi, ijtimoiy moslashuv, oila, onalik va bolalik.*

# ФОРМИРОВАНИЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ЗАЩИТНЫХ МЕХАНИЗМОВ В ЭКСТРЕМАЛЬНЫХ СИТУАЦИЯХ У ПОДРОСТКОВ

*Махмудова Зульфия Мехмоновна*
*преподаватель Бухарского государственного университета*

*АННОТАЦИЯ. В статье психологические препятствия у молодых людей, неадекватность брачно-семейных институтов, неполная сформированность системы семейных ценностей, предательство более романтическим чувствам при выборе спутника жизни, уделение большего внимания внешнему виду партнера, отца. таких факторов, как экономическая зависимость от матерей, а также результаты исследования увеличения числа семейных разводов в результате действия таких факторов и негативного влияния этих разводов на процесс социализации личности. был проанализирован.*

*Ключевые слова: институты брака и семьи, конфликты, развод, социализация личности, социальная адаптация, семья, материнство и детство.*

# FORMATION OF PSYCHOLOGICAL PROTECTIVE MECHANISMS IN EXTREME SITUATIONS IN ADOLESCENTS

*Makhmudova Zulfiya Mehmonovna*
*lecturer at Bukhara State University*

*ANNOTATION. In the article, psychological obstacles in young people, the inadequacy of marriage and family institutions, the incomplete formation of the system of family values, the betrayal of more romantic feelings when choosing a life partner, paying more attention to the appearance of a partner,*

father. such factors as economic dependence on mothers, as well as the results of a study of the increase in the number of family divorces as a result of the action of such factors and the negative impact of these divorces on the process of socialization of the individual. has been analyzed.

Keywords. institutions of marriage and family, conflicts, divorce, personality socialization, social adaptation, family, motherhood and childhood.

KIRISH. Bugungi kunda O‘zbekistonda oila masalasiga bo‘lgan alohida e`tibor va munosabatning kuchli ijobiy tomonga o‘zgarishi oilaviy ajralishlarni oldini olishga qaratilganligidan dalolat beradi. Xususan, so‘nggi paytlarda oilani mustahkamlashga, yosh avlodni har tomonlama barkamol qilib tarbiyalashga e’tiborning kuchayishi, oilani jamiyatning ravnaq topishidagi tutgan o‘rni va ishtirokini yanada oshirish, oilalarning huquqiy, ijtimoiy, iqtisodiy, ma’naviy-axloqiy manfaatlarini va farovonligini yaxshilashni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashni kuchaytirish va izchil ta’minlash borasida aniq maqsadlarga yo‘naltirilgan chora-tadbirlar ko‘rilmoqda.

Mamlakatimizda oilalarni axloqiy, ma’naviy va ruhiy barkamolligini mustahkamlash borasida amalga oshirilayotgan say’i-harakatlar kun sayin ortib bormoqda. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev rahbarligida hukumatimizning oila mustahkamligini ta’minlash, uning ijtimoiy vazifalarini amalga oshirish imkoniyatlarini kengaytirish, ayniqsa, oilaning farzandlar tarbiyasidagi nufuzini oshirishga ko‘maklashish hamda yosh er-xotinlarning moddiy, uy-joy, maishiy shart-sharoitlarni yaxshilash borasidagi aniq dasturiy tadbirlari mamlakatimizda oila va nikoh munosabatlarining qadriyat sifatida e’tirof etilishini ta’minlamoqda. Oilani qadriyat sifatida tavsiflash va jamiyat hayotidagi nufuzini ta’kidlash bilan birgalikda, uning mustahkamlovchi kafolatli omillarning rolini o‘rganish, ayniqsa, yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash katta ahamiyatga ega bo‘lgan dolzarb masaladir. Bu borada Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev: «Oila men uchun muqaddas. Muqaddasligi shuki, avvalambor qaerda ishlashidan qat’i nazar, kim bo‘lishidan qat’i nazar agar oilada tarbiya, oilada muhit, oilada halollik, munosabat, tarbiyaga alohida e’tibor bermasa, hech qachon natija bo‘lmaydi. Shuning uchun men farzandlarimning tarbiyasiga juda katta e’tibor beraman. Har bir farzandimga ham, nevaramga ham alohida o‘zimning munosabatim bor. Har bir nevaramning alohida xarakterini bilaman, orzusini, istagini bilaman»» – deb alohida e’tirof etgan. Zero, O‘zbekiston yildan yilga rasmiy nikohlar mikdori oshib borayotgan mamlakatlardan biri bo‘lib, unda nikoh ajrimlarini kamaytirish yanada katta ijtimoiy ahamiyat kasb etadi. Bu esa yoshlarda oila va nikoh institutlariga nisbatan to‘g‘ri tasavvurlarning shakllanganligiga, ularning oilaviy hayotga psixologik jihatdan tayyorligiga bevosita bog‘liqdir.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA. Oila muammolari, shaxslararo munosabatlar va nizolarning insoniyat jamiyati kabi qadimiy va dolzarbligi bois o‘tmish mutafakkirlaridan tortib to hozirgi zamon

tadqiqotchilari ham oila va oilaviy muammolarga oʻz e'tiborlarini qaratganlar. Sharqning buyuk allomalari Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Yusuf Xos Hojib, Mahmud Qoshgʻariy, Kaykovus, Xotam ibn Toy, Alisher Navoiy, Rizouddin ibn Faxriddin kabi koʻplab olimlar nikoh-oila masalalarida oʻzlarining durdona fikrlarini qoldirib ketganlar. Ular bugungi kunlarimizda ham katta ijtimoiy va mafkuraviy ahamiyat kasb etadi[1].

Adabiyotlar tahlili oila muammolari MDH mamlakatlari olimlaridan V.V.Boyko, L.Ya.Gozman, S.V.Kovalev, Z.A.Yankova, A.G.Xarchev va boshqalar tomonidan oʻrganilganligini koʻrsatadi. Jumladan, yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash (T.Yu.Sorokin, S.V.Kovalev), oilaviy nizolar va ularning kelib chiqish sabablari (V.A.Sisenko), ajralishlar (N.G.Yurkevich, V.T.Kolokolnikova), bola tarbiyasida oilaning roli (S.V.Kovalev, V.Ya. Titarenko), oʻsmir va ota-ona orasidagi oʻziga xos munosabat (I.S.Kon, A.T.Xripkova)larning ijtimoiy-psixologik jihatlari kabi yoʻnalishlarda ilmiy-tadqiqot ishlari olib borilgan. Bundan tashqari, globalizatsiya sharoitlariga xos boʻlgan oʻziga xos muammolar, jumladan, «teleekran orqali ijtimoiylashuv» muammosi (V.V.Abramenkova, I.Ya.Medvedeva, T.L.Shishova) yoshlarning oila haqidagi notoʻgʻri tasavvurlariga sabab boʻlayotgan tashqi omillar masalalarining (T.I.Dimnova, Ye.I.Zritneva, V.T.Lisovskiy, L.B.Shneyder) oʻrganilishi zamonaviy yoshlarda umuminsoniy hamda milliy qadriyatlarning uygʻun shakllanishi bilan bogʻliq muammolar ham ilmiy tadqiqotlar nazorati ostiga olinganligidan dalolat beradi[3].

Oila va oilaviy munosabatlarga bagʻishlangan adabiyotlar tahlilidan koʻrinadiki, oʻzbekistonlik psixolog olimlar ham bu yoʻnalishda oʻziga xos maktab yaratilishiga hissa qoʻshmoqdalar. Olimlardan M.G.Davletshin, Gʻ.B.Shoumarov, V.M.Karimova, E.N.Sattorov, N.A.Sogʻinov, E.Sh. Usmonov, X.K.Karimov, F.A.Akramova, N.Salayeva, F.R.Roʻziqulov, G.T.Yadgarova, M.X.Fayziyev, N.X.Lutfullayeva, U.S.Saribayeva va boshqalarning ishlarida bu masalalar maxsus ilmiy tadqiqot predmeti sifatida tadqiq etilgan.

Yuqorida keltirib oʻtilganlardan koʻrinib turibdiki, nikoh-oila munosabatlari, oilaviy hayot muammosi chet ellik olimlar tomonidan ham, respublikamiz oilashunos psixologlari tomonidan ham keng koʻlamda tadqiq etib kelinmoqda, bu borada oʻziga xos tajribalar toʻplangan.

NATIJALAR. Tanlab olingan ob'ektlarda, xususan, oʻsmirlik yoshidagi oʻgʻil bola hamda qizlarning oilaviy ajrimlar hamda oilaviy nizolar sharoitida oʻzining oiladagi mavqeini aniqlashga imkon beruvchi fikrlari, baholari, ustanovkalarini oʻrgandik. olingan natijalarni ota-onalarning oilaviy ustanovkalari bilan solishtirish, shu orqali konstruktiv hamda destruktiv xarakterli konfliktlar toʻgʻrisidagi ijtimoiy tasavvurlarni jinsga, yoshga va hududga bogʻliq oʻziga xosligini aniqlashdan iborat.

Oʻsmirlarning oilaviy ajrimlar boʻyicha bergan baholari va ustanovkalarini aniqlash uchun ijtimoiy-psixologik soʻrovnomadan foydalanildi.

Soʻrovda Buxoro shahri va Gʻijduvon tumanining qishloqlarida istiqomat

qiluvchi 100 nafar oʻsmir ishtirok etishgan. Ulardan shaharda yashovchi 50 nafar, hamda qishloqda istiqomat qiluvchi 50 nafar ishtirokchi qamrab olindi. Soʻrovni oʻtkazish uchun maktabga ota-onalar yigʻilishi chaqirilgan kuni tashrif buyurildi.

IPS ga kiritilgan savollar 3 guruhga boʻlinadi:

a) oʻsmirning ota-onasiga boʻlgan munosabatini oʻrganuvchi;

b) oʻsmirning oilaviy nizolarga bergan baholarini belgilovchi.

s) oʻsmirning oilaviy ustanovkasi, ya'ni oilaga boʻlgan munosabatini aniqlovchi;

Oʻsmir yoshlarni oilaviy hayotga nisbatan umumiy ustanovkalari IPS ning 8,10,14,16,18 va 20-savollariga bergan javoblari asosida tahlil etildi. Tahlil respondentlarning hududiy va jinsiy farqlanishlari nuqtai nazaridan olib borildi. Natijalar bizga oʻsmir bolalarning oʻz oilasi, ota-onasi va oilaviy muhitiga tashqi ta'sir etuvchi omillarni aniqlash imkonini beradi. Jadvallardagi raqamlarlardan koʻrinib turibdiki, oila a'zolari bilan boʻlgan munosabatlarda aka-uka, opa-singillardan koʻra ota-onaning mavqei yuqori baholangan[9].

Tadqiqotlarning koʻrsatishicha, qobiliyatlar nuqtai nazaridan keskin bir-biridan farq qiladigan aka-ukalar oʻrtasidagi oʻzaro kelishmovchiliklar darajasining yuqori ekanligi aniqlandi. Qobiliyatlari bir xil darajada boʻlgan aka-ukalar esa, oʻzaro munosabatlardagi ayrim ju'ziy kelishmovchiliklarnigina eslay oladilar.

Aniqlanishicha, oilada oʻsmir yoshli oʻgʻil bolalar va akalari oʻrtasidagi kelishmovchilikning bosh sababi, bu oila kattalarining farzandlarga adolatsizlarcha munosabatlari ta'sirida, oʻsmirning oʻz imkoniyati hamda oiladagi ijtimoiy mavqei akanikidan past, deb idrok qilishidadir.

Ma'lumki, munosabatlar oʻrnatilishining ijobiy koʻrsatgichlaridan biri shaxsni shaxsga biror muammo yuzasidan murojaat etishi va undan qoniqish hissini hosil qilishidadir. IPS ning 10-savoli oʻzida shunday holatni aks ettirishi bilan ajralib turadi. Natijalar shahar va qishloq oʻsmir yoshlarining ustanovkalarida ma'lum darajadagi uygʻunlik borligini koʻrsatdi, ya'ni har ikkala hudud bolalari muammoli vaziyatlarda birinchi galda otalariga murojaat qilishadi (mos tarzda 42% va 43% oʻgʻil bolalar javobida qayd etilgan). qiz bolalar javoblarida esa, bunday uygʻunlik onalariga nisbatan ishonch bildirishlarida namoyon boʻladi. Shahar maktablaridagi oʻsmir qizlarning 71%i va qishloq qizlarining 63%i murakkab vaziyatlarda birinchi oʻrinda onalariga murojaat qiladilar. Shuningdek qishloqliklarning 24%i otalari bilan ham iliq, samimiy munosabatda boʻlishlarini ta'kidlab oʻtishgan. Shaharlik oʻgʻil bolalarning 27% ga yaqini bunday sharoitlarda "hech kimga" murojaat qilmasliklari xavotirli holat hisoblanadi. Chunki oiladagi psixologik muhitda samimiyat va iliqlikning yetishmasligi[9], bolaning psixikasida ishonchsizlik, muammoli sharoitlarda ikkilanish hissini keltirib chiqarishi mumkin.

Shu bois ham, “Oila a’zolari o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlarda kelishmovchilik bo‘lishi muqarrarmi?”, – degan savolga olingan javob yuqoridagi fikrlarni yanada oydinlashtirishga xizmat qiladi.

Oila a’zolari o‘rtasida kelishmovchilik va nizolarning bo‘lishini tabiiy, deb idrok etish yoki ziddiyatlarning mavjudligidan cho‘chish ham o‘smir bola psixologiyasiga ta’sir etuvchi kuchli omildir. Shahar o‘quvchilarining 65%i buni tabiiy holat, deb qabul qiladi. Shundan salkam (41% va 41%) 82% o‘g‘il va qiz bolalar: “yo‘q, bunday bo‘lishi mumkin emas”, – deb hisoblashar ekan. Bu masalada qishloqda yashovchi o‘smirlarda kuchli farqli fikrlar mavjud bo‘lib, o‘g‘il bolalarning 36%i “bu holatning bo‘lishi mumkin emas”, deb baholashsa, qizlarning 44%i “oilaviy nizolarni oldini olish kerak, ular bo‘lmasligi kerak”, deya e’tirof etishadi. 56% bolalarning javob berishga qiynalishining zamirida ham aslida oilaviy nizolardan cho‘chish, ulardan qochishga moyil ustanovkalarning mavjudligi yotadi. Xulosa qilib aytganda, qishloq yoshlari ongida nizolar to‘g‘risida tasavvurlar ko‘proq destruktiv xarak-terli, shaharliklarda esa konstruktiv ko‘rinish hosil qilishini ta’kidlash mumkin.

Keyingi bosqichda, o‘ta konstruktiv yoki destruktiv xarakterli ustanovkalarga ega bo‘lgan o‘smirlarning nizoli vaziyat paydo bo‘lganda oila a’zolari yordamiga bo‘lgan muhtojligi darajasi o‘rganildi. Natijalarga qaraganda, qishloq bolalari shaharliklarga nisbatan bunday vaziyatlarda ko‘proq o‘z yaqinlari yordamidan voz kechadilar, ya’ni 73% o‘g‘il bolalar va 48% qizlar oila a’zolariga hech qachon murojaat qilmasliklarini e’tirof etishgan. Shaharliklar mos tarzda 44% va 49%i bu holatda ular ko‘magi, maslahatiga muhtoj emasmiz, deb ta’kidlashgan. O‘g‘il bolalarning 42%i, qizlarning esa 38%i “ba’zan” yaqinlari bilan dardlashishga oshiqadilar. Natijalar ham qishloq yoshlarining oila madadini inkor qilishlarini va undan naf ko‘rishga ishonmasliklarini ko‘rsatmoqda[11].

Oilaviy nizolar va ajrashgan olilalarning farzandlari so‘rovnomaning: “Siz ota-onangizning o‘zaro munosabatlarini kelgusida o‘z oilaviy hayotingizda takrorlashni xohlaysizmi?”, – degan savoliga respondentlarning bergan javoblarini tahlil etamiz. Dastlabki bosqichda, “ha” javobini berishgan. Shaharda yashaydigan o‘g‘il bolalarning 23%i, qizlarning 29%i, qishloqdagi o‘g‘il bolalarning 41%i va qizlarning 32%igina ota-onasining o‘zaro munosabatlarini shaxsiy turmushlarida takroriy xususiyat kasb etishini xahlashadi. Zero, ularda oilasidagi ota-ona munosabatlari ijobiy taassurot uyg‘otgan. “Yo‘q” deganlar orasida eng ko‘p ko‘rsatkichlilar – bular qishloqdagi o‘smir qizlar (39%) bo‘lib chiqishdi. “Umuman xohlamaydiganlar” shahar o‘smir o‘g‘il bolalari orasida eng ko‘p – 41%ni tashkil etib, deyarli har 3 nafar boladan 1 tasi o‘z oilasidagi er-xotin munosabatlarini namuna sifatida idrok etmaydi. Demak, ular bu masalada boshqacha qadriyatlarning tarafdori.

Aynan, shu masalada qishloq bolalarining munosabatlari ancha liberal (mos ravishda 4% va 26%) xususiyat kasb etgan. Lekin shunisi xarakterliki, IPS ning 20-savoliga, aynan shaharlik o‘g‘il va qiz bolalarning 38%i akalari hamda 20%i ukalari bilan o‘zaro kelishmasliklarini yozishgan. Darhaqiqat, shahar bolalarining nizo ob’ekti sifatida aka yoki ukalarini tanlashining o‘zi, mazkur oilalardagi vaziyat nizoli ekanligidan dalolat berib, ota-ona munosabatlarini o‘smir tomonidan salbiy idrok etilishini orqali ifodalanmoqda[7].

Ma’lumki, biror ishni boshlash, yoki begona yerga borishda ham ota-onaning fikri bilan kelishish, ulardan ruxsat so‘rash barcha farzandlarga xos bo‘lgan xususiyatdir. Buni respondentlarning IPS ni 3-savoliga bergan javoblari yana bir marta tasdiqlab turibdi. Aniqlanishicha, ajrashgan oilalarning qizlarning aksariyati – mos ravishda 62% i biror joyga borish kerak bo‘lib qolgan paytda ko‘pincha onalaridan javob so‘rashadi. Shuningdek faqatgina shaharda istiqomad qiladigan o‘smir o‘g‘il bola “ham otadan, ham onadan” boshqa toifa respondentlariga qaraganda ancha kam hollardagina ruxsat so‘rashar ekan. Buning sababi sifatida ota yoki onadan birining muntazam uyda kam bo‘lishi, ya’ni ish bilan bandligini e’tirof etish mumkin. Shahardagi o‘g‘il bolalar fikriga ko‘ra onaning roziligi oilaning boshqa a’zolariga qaraganda ko‘proq ahamiyat kasb etar ekan (56%). Xulosa qilib aytganda, farzand tarbiyasiga yo‘naltirilgan er-xotin munosabatlarida, onaning yetakchi roli o‘smir bolalar tasavvurida yaqqolroq namoyon bo‘lib, bu uning oilaviy yumushlarni boshqarishi hamda ko‘p vaqtining uyda kechishi bilan bog‘liqdir[8].

O‘smirlarda shakllangan oilaviy munosabatlar xarakterini aniqlash maqsadida IPS dan tashqari, T. Shrayberning “Oilaviy hayotga munosabat” (OHM) testi ham ishlatildi. Asosiy maqsadimiz – umumiy bilimlar hamda baholar doirasida o‘g‘il bolalar va qizlar (o‘smir)ning oilaviy ustanov-kalari darajasini bilishdan iboratdir (2-ilova). Testning yo‘riq-nomasida keltirilganidek, respondent o‘smir taklif etilgan 8 ta tasdiqqa o‘z munosabatini bildirishi lozim. Natijalar qanchalik yuqori bo‘lsa, sinaluvchining OHM shunchalik ijobiy ekanligini bilish mumkin bo‘ladi. Aksincha, natijani past bo‘lishi oilaviy muhitning noma’qbulligi hamda nizoli munosabatlar ko‘pligini bildiradi.

Tadqiqotda Buxoro shahrida, G‘ijduvon tumanining qishloqlarida istiqomat qiluvchi 100 nafar o‘smir ishtirok etishgan. Tahlilda to‘g‘ri deb qabul qilingan 50 nafar shaharlik va 50nafar qishloq-lik o‘smir (jami 100 nafar)ning natijalaridan foydalanilgan. Jami 50 nafar qishloq bolasi, 50 nafar shaharlik bolalar qatnashdi.

Tadqiqotning maktab ma’muriyati bilan avvaldan kelishib olingan tarzda o‘tkazildi. Ya’ni, testni o‘tkazish uchun maktabga ota-onalar yig‘ilishi chaqirilgan kuni tashrif buyurildi[4]. Uning birinchi bosqichi – alohida

holatda bir sinf o‘quvchilari o‘rtasida o‘tkazildi.

Olingan umumiy ma’lumotlardan shu narsa ko‘rinib turibdiki, shaharda yashaydigan o‘g‘il bolalar hamda qizlarning oilaviy ustanovkalari qishloqdagi tengdoshlarinikiga qaraganda ijobiy.

Qizlar bilan o‘g‘illarning oilaviy ustanovkalarida o‘zaro tafovutlar mavjud bo‘lishi mumkinligi ko‘pgina ilmiy tadqiqotlar natijalariga ko‘ra isbotini topgan. Masalan, gender tafovutlarini aniqlashga bag‘ishlangan bunday natijalarni rus va amerikalik olimlarning ilmiy izlanishlarida kuzatish mumkin.

Devid Mayersning fikricha, jinsiy tafovutlar yoshlikdanoq namoyon bo‘la boshlaydi. Xususan, o‘g‘il bolalar mustaqillikka, qizlar esa o‘zaro bog‘liqlikka intiladilar. Shuning uchun ham o‘smir o‘g‘il bola o‘z oilasida ko‘proq mustaqillikka ega bo‘lgan, lozim bo‘lganda ochiq agressiya namoyon qila oladigan otaga taqlid qiladi; qiz bola esa hissiy-emotsional psixologiya sohabasi bo‘lgan onasiga yaqinroq bo‘lishga harakat qiladi. Natijada oiladagi bunday o‘ziga xos munosabatlar o‘smirlarga xos xarakter xususiyatini tez va aniq ilg‘ash imkoniyatini yaratadi.

Shu bois ham, Judit Xoll (107. 688) o‘z tadqiqotlari orqali, aynan, qiz bolalar atrofdagilarning emotsional holatlarini yaxshiroq tushuntirib bera olishi, ulardagi empatiya hissining kuchliroq rivojlanganligini ko‘rsatuvchi dalil ekanligini isbotlagan edi[5].

Shunday qilib, o‘smirlik yoshidagi o‘g‘il bolalar va qizlarning nizolar to‘g‘risidagi ijtimoiy tasavvurlarini bilish, oilaviy munosabatlar xarakterini ustanovkalar orqali o‘rganish natijalarini ko‘rsatishicha, bu eng avvalo, tarbiyalanayotgan oiladagi ma’naviy-psixologik muhitga bog‘liq ekan. Masalan, oilaviy munosabatlar sharoitida sog‘lom, demokratik tamoyillarga asoslangan qarashlar ustun bo‘lgan oilalardagi bolalarning ustanovkalari hamda nizolari to‘g‘risidagi tasavvurlari alohida xususiyat kasb etadi.

Mazkur usul orqali aniqlangan ma’lumotlarni, tinch hamda notinch oila vakillarining fikrlarini taqqoslash er va xotinning ma’lumotlilik darajasiga ham bog‘liq ekanligini ko‘rsatdi. Yuqorida qayd etilganidek, qishloqlik ota-onalar o‘z bolalari bilan, shaharliklar esa o‘zaro bo‘ladigan munosabatlari jarayonida ko‘proq demokratik tamoyillarga asoslangan tenglik munosabatlari tarafdori-dirlar. Bu holat o‘z navbatida, ularning farzandlarida oilaga nisbatan ancha ijobiy ustanovkalarning shakllanishiga sababchi bo‘ladi. Aniqlani-shicha, bunday ustanovka qizlarda ham yigitlarda ham yaqqol namoyon bo‘lgan. Diktat-avtoritarizm, ya’ni bola tarbiyasini ikkinchi darajali masala deb qarash, o‘g‘il bolalarga nisbatan qattiqqo‘llilik, bolalar ongida “teskari aloqa” sifatida aks etib, oilaga nisbatan o‘zining ancha salbiy ustanovkalarini shakllanishiga sabab bo‘ladi. Bu holat avtoritarizm, qattiqqo‘llilik timsoli bo‘lgan otalardan taqlid oluvchi o‘g‘il bolalar ustanovkalarida o‘z ifodasini

topgan.

Qizlarga xos sifatlar tahliliga ko‘ra, ular qaerda yashamasinlar, qanday ma’lumotga ega bo‘lgan onaning farzandi bo‘lmasinlar, psixoemotsional jihatdan onalariga yaqin bo‘lishib, mehridan bahramand bo‘lishadi. Agar oila tinch bo‘lsa, bu mehr birinchi navbatda, ona orqali qizlarga yetkaziladi. Shu sababli ham tinch oilalarda tarbiyalangan qizlarning oilaviy ustanovkalari shaharda ham, qishloqda ham ijobiy bo‘lib, o‘g‘il bolalarnikidan ancha yuqori darajada ekan.

1-jadval

Shahar va qishloqlardagi notinch oilalardagi o‘smirlarning oilaviy ustanovkalari (umumiy va o‘rtacha qiymat koeffisienti) (n=100)

| Ijtimoiy guruh | | Koeffisientlar | | Jami | |
|---|---|---|---|---|---|
| hudud | jinsi | umumiy qiymat (K) | o‘rtacha qiymat | | |
| shahar (n=135) | o‘g‘il | 27.91 | 0.61 | 85.76 | 1.26 |
| | qiz | 57.85 | 0.65 | | |
| qishloq (n=115) | o‘g‘il | 47.60 | 0.70 | 75.33 | 1.30 |
| | qiz | 27.73 | 0.60 | | |

Notinch oilalarda tarbiyalangan bolalarning oilaviy ustanovkasi faraz qilinganidek, tinch oila farzandinikidan past bo‘lib chiqdi. Shuningdek, shaharda yashaydigan tinch oilalardagi o‘g‘il bolalarning oilaviy ustanovkalari koeffisienti umumiy miqdorda 35,74 ga teng bo‘lib, o‘rtacha koeffisienti 0,87 ni tashkil etgan bo‘lsa, notinch oiladagilar mos ravishda 27.91 va 0.61 ko‘rsatkichga ega ekanlar. Ma’lumki, notinch oilada istiqomad qiladigan o‘smirlarning soni qishloqliklarga qaraganda 5 foizga ko‘p.

Shunga qaramay, shaharlik o‘g‘il bolalarda shakllangan oilaviy ustanovkaning o‘rtacha qiymati – 0,61 ga teng bo‘lsa, qishloq o‘smirining ko‘rsatkichi – 0.70 miqdorda ifodalaganligi aniqlandi. Lekin qizlarning javob ko‘rsatgichlarida bu natijalar teskari munosabatni aks ettirib turibdi. Ya’ni, shaharliklarda – 0,65 bo‘lsa, qishloqliklarda – 0,60 ga teng. Bu holat qishloqdagi tinch oila bilan qishloqdagi notinch oila o‘g‘il va qiz bolalari javoblari bir-biriga taqqoslanganda ham namoyon bo‘ldi.

Tadqiqotda aniqlanishicha, ijtimoiy tasavvurlar tizimidagi baholar xarakteri tasavvurlarning sifat tomoniga taalluqli bo‘lib, ma’lum ma’lumotlar ko‘lamiga ega bo‘lgan o‘smirdan, o‘zi uchun shaxsiy ma’no va mazmun kasb etganlarini ajratib, yorqinroq tasavvur etish, ularga nisbatan sub’ektiv baho berish imkoniyati hosil bo‘lishi bilan tasniflanadi. Masalan, oilaviy ustanovkalar yoki nizolar haqida ijtimoiy tasavvurlar tizimida shaxsiy baholarning bo‘lishi uchun o‘smirdan oilaviy nizolar, qadriyatlar, ijtimoiy rollar va ularning taqsimoti to‘g‘risidagi qarash-larning mavjudligini

talab etadi. Oilada o‘smir va ota-ona munosabatlari kabi qator tasavvurlar tizimining shakllanganligi, ularning har biri haqida differensial baholarning paydo bo‘lishi va ahamiyatlisini ajrata olish xususiyatining qaror topishi bilan izohlanadi. Ijtimoiy tasavvur-larning shakllanishini tushunishda bunday yondoshuv, ma’lumotlarni tartibga solish, saralash va o‘smir xulq-atvorini maqbul harakatlarga moslash-tirishga yordam beradi. Shaxs kognitiv tizimidagi sub’ektiv obrazlar ana shunday sifatiy tabaqalanishlar natijasida yuzaga keladi.

Demak, oilaviy tasavvurlarning va u orqali nizolarga nisbatan konstruktiv yoki destruktiv ustanovkalar shakllanishida ota-onaning ma’lumotlilik darajasidan ham ko‘ra, oiladagi sog‘lom muhit, muomala madaniyati va o‘zaro oilaviy psixoemotsional yaqinlik muhim rol o‘ynaydi.

XULOSA. O‘tkazilgan ilmiy tadqiqot oila ma’naviyati tizimida o‘sha oiladagi ustuvor munosabatlar, tartib-intizom va ota-onalik burchining anglanish darajasini hamda oilaviy ustanovkalar, ahamiyatining nechog‘li kattaligini ko‘rsatdi. Oilaviy o‘zaro munosabatlar jarayonida tabiiy ravishda kechadigan, ba’zan kattalarning aybi bilan sodir bo‘ladigan nizolar, o‘smir bola tomonidan o‘ziga xos tarzda idrok qilinib, anglanadi hamda ma’lum ularga nisbatan muayyan bir bahoga (ijobiy yoki salbiy) ega bo‘ladi. Ushbu baholar real vaziyatlarda pozitiv yoki salbiy ustanovkalar shaklida xulqda namoyon bo‘lib, o‘smirning oilaga va uning qadriyatlariga hamda istiqbolda oila qurishga bo‘ladigan ustanovkalarida aks etadi.

Oilaviy nizolar va ajralishlar to‘g‘risidagi ijtimoiy psixologik tasavvurlar muammosining psixologiya fanida o‘rganilishi bizga yana bir karra oila muhitida va undagi ota-ona hamda ularning o‘z ota-onalik rollariga bo‘lgan munosabatlar ta’sirida shakllanishini isbotladi.

O‘smirlardagi nizolar to‘g‘risidagi ijtimoiy tasavvurlarning shakllanishini metodologik jihatdan olib qaralganda, ijtimoiy tasavvurlar konsepsiyasidagi doirasida o‘rganilishi muhim bo‘lib, bunday yondoshuv metodik vositalarni aniq belgilashda imkon beradi. Ya’ni, o‘smir (o‘g‘il, qiz)larning nizolar haqidagi ijtimoiy tasavvurlarini o‘rganish uchun verbal javoblar, standartlashtirilgan suhbat, anketa, kontent-tahlil usullari hamda nizolarni maxsus o‘rganishga qaratilgan testlardan foydalanish mumkin.

O‘tkazilgan empirik tadqiqot o‘smir boladagi oiladagi munosabatlar, ijobiy yoki salbiy ustanovkalar, avvalo, oilada ustuvor hisoblangan munosabatlar xarakterining negiziga, shaxs shakllanishida ajralishlarnin salbiy ta`siri namoyon bo`lishini ko`rishimiz mumkin.

O‘smirlarda aniqlangan nizokashlik to‘g‘risidagi tasavvurlar mohiyatan oiladagi o‘zaro munosabatlarga, nafaqat ota-ona bilan, balki aka-ukalar, opa-singillar o‘rtasidagi muomala xarakteriga ham bog‘liqdir. Nizoni keltirib chiqaradigan munosabatlar onadan ko‘proq otaga, ukadan ko‘ra

aka yoki opaga yo‘nalganligini o‘zi, ushbu tasavvurlarning murakkab va serqirraligidan darak beradi.

Oilaviy nizolarva ajralishlar to‘g‘risidagi ijtimoiy tasavvurlarning konstruktiv tipi, asosan, oila va uning qadriyatlariga nisbatan o‘zaro munosabatlarida demokratiklilik, teng huquqlilik ustuvor bo‘lgan tinch oilalar vakillaridagina namoyon bo‘ladi. Bu to‘g‘ridagi destruktiv tasavvurlar esa, aksincha, notinch oilalarning fenomeni bo‘lib, ular o‘zaro munosabatlar jarayonida qattiqqo‘llilik, shafqatsizlik, tazyiq, avtori-tarizm ustuvor bo‘lgan oiladagi o‘smirlarga xosdir.

Xulosa qilib aytganda, yurtimizda amalga oshirilayotgan demokratik islohotlar, xususan, yoshlarni sog‘lom munosabatlar, bahs va munozaralarga o‘rgatish jarayonida oila omilini esdan chiqarmaslik lozim. Yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash, jamiyatda oilaviy ajralishlarni oldini olish orqali, jumladan, ota-ona va bolalar o‘rtasida o‘zaro sog‘lom munosabatlarning shakllantirilishi, bu boradagi harakatlarning samaradorligini oshiradi. Bunday faoliyatlar pirovardda oilalarning mustahkam bo‘lishi va unda tarbiyalanyotgan bolaning barkamol bo‘lib shakllanishiga xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Maxmudova Z.M., Olimov L.Ya. O`smirlarda ekstremal vaziyatlarda psixologik himoya mexanizmlarini shakllantirish. Monografiya. “Buxoro viloyat bosmaxonasi MChJ” nashriyoti. Buxoro. 2021. -B. 160.

2. Maxmudova Z.M., Olimov L.Ya. Psychodiagnostics. O‘quv qo‘llanma. “Turon zamin ziyo” nashriyoti. Toshkent 2014. -B. 298.

3. Olimov L.Ya. Psixodiagnostika va psixometrika asoslari. Darslik. “Durdona” nashriyoti. Buxoro. 2021. -B. 747.

4. Olimov L.Ya. Umumiy psixodiagnostika. “Durdona” nashriyoti. Buxoro. 2020. -B. 1103.

5. Olimov L.Ya., Maxmudova Z.M.. Psixodiagnostika va eksperimental psixologiya. o`quv qo`llanma. “Turon zamin ziyo” nashriyoti. T. 2020. -B. 820.

6. Olimov L.Ya., Nazarov A.M.. Xulqi o`gishgan bolalar psixologiyasi. O‘quv qo‘llanma. “Tafakkur avlodi” nashriyoti. Buxoro. 2020. -B. 490.

7. Olimov L.Ya., Bahronova M.O‘.O‘smirlar ma’naviyatini shakllantirishning ijtimoiy-psixologik xususiyatlari. Science and education. Scientific journal. Volume 3, issue 3. March 2022 407-413 p.

8. Olimov L.Ya., M.B.Rasulova. O‘smir shaxsi shakllanishida ahloqiy normalarning ijtimoiypsixologik ahamiyati. Science and education. Scientific journal. Volume 3, issue 3. March 2022 675-683 p.

9. Олимов Л.Я. Социально-психологический подход к исследованию конфликтов. Вестник интегративной психологии.(журнал для психологов). 2019 год, Выпуск 19. 379-381 ст.

10. Олимов Л.Я. Теоретические основы педагогической технологии. Вестник интегративной психологии.(журнал для психологов). 2018 год, Выпуск 18. 163-165 ст.

11. Олимов Л.Я. Теоретический анализ проблемы креативности в психологии. Вестник интегративной психологии журнал для психологов. Выпуск № 23, 2021 г. С 237-241.

12. Олимов Л.Я., Жумаев Н.З. Педагогическое общение педагога со студентами. Вестник интегративной психологии.(журнал для психологов). 2017 год, Выпуск 15. 198-203 ст.

13. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Диагностика Управленческих Способностей. Вестник интегративной психологии журнал для психологов. Выпуск № 2, 2020 г. С 204-209.

14. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Психологические механизмы девиантного поведения. Психология XXI века. Ярославль., 2020. –С. 125-127.

15. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Стрессли вазиятларда психологик ҳимоя механизмлари ва копинг хулқ-атвор намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари. Psixologiya. Учредители: Бухарский государственный университет, 31-38.

16. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Стрессли вазиятларда психологик ҳимоя механизмлари ва копинг хулқ-атвор намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари: стрессли вазиятларда психологик ҳимоя механизмлари. Psixologiya ilmiy jurnali. 2020 yil, 4 son 109-115 b.

17. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Ўсмирларда психологик ҳимоя механизмларининг намоён бўлишининг ўзига хослиги. Psixologiya ilmiy jurnali. 2021 yil, 4 son 103-112 b.

18. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Экстремал вазиятларда копинг хулқ-атвор ва стратегиялар намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари. Psixologiya ilmiy jurnali. 2021 yil, 3 son 98-106 b.

# O‘SMIRLARDA EKSTREMAL VAZIYATLARDA PSIXOLOGIK HIMOYA MEXANIZMLARINI SHAKLLANTIRISH

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.043

*Olimov Laziz Yarashovich*
*Buxoro davlat unversiteti dotsenti*

*ANNOTATSIYA. Maqolada ekstremal vaziyatlarda shaxs psixologik himoya qilish muammosi hamisha insoniyat oldida turgan eng dolzarb muammolardan biri ekanligi, insonning har jihatdan ijtimoiy taraqqiyoti, shaxs sifatidagi faolligi va o‘zini o‘zi rivojlantira borishi borasida olib borilgan tadqiqot natijalari tahlil qilingan. Alohida ta’kidlash joizki, shaxslar o‘zlarining ma’lum doiradagi psixologik imkoniyatlari, yutuqlari, kamchiliklari haqida yetarli ma’lumotga ega bo‘lsalar, bu ularning hayotda uchraydigan har qanday muvaffaqiyatsizliklarni osonlik bilan bartaraf etishga, o‘z imkoniyatlaridan yanada kengroq foydalana olishga, bir so‘z bilan aytganda, o‘zlari haqida yanada teran, ijobiy va o‘ziga xos ijtimoiy qiymatga ega bo‘lgan tasavvurlarning shakllanishiga keng imkoniyatlar yaratadi.*

*Kalit so‘zlar. ekstremal vaziyat, o‘zini o‘zi adekvat hissiy baholash, o‘smir psixologik himoyasi, stress, koping xulq-atvor*

# ФОРМИРОВАНИЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ЗАЩИТНЫХ МЕХАНИЗМОВ В ЭКСТРЕМАЛЬНЫХ СИТУАЦИЯХ У ПОДРОСТКОВ

*Олимов Лазиз Ярашович*
*доцент Бухарского государственного университета*

*АННОТАЦИЯ. В статье анализируются результаты исследования того, что проблема психологической защиты человека в экстремальных ситуациях всегда была одной из самых актуальных проблем, стоящих перед человечеством, социального развития человека во всех аспектах, его деятельности как личности и его саморазвитие. Отдельно стоит отметить, что наличие у индивидов достаточной информации о своих психологических возможностях, достижениях и недостатках в определенной сфере поможет им легко преодолевать любые жизненные неудачи, иметь возможность шире использовать свои возможности. словом, создает широкие возможности для формирования представлений о себе, обладающих более глубокой, положительной и уникальной социальной ценностью.*

*Ключевые слова. экстремальная ситуация, адекватная эмоциональная самооценка, подростковая психологическая защита, стресс, копинг-поведение*

# FORMATION OF PSYCHOLOGICAL PROTECTIVE MECHANISMS IN EXTREME SITUATIONS IN ADOLESCENTS

*Olimov Laziz Yarashovich*
*Associate Professor, Bukhara State University*

*ANNOTATION. The article analyzes the results of a study that the problem of psychological protection of a person in extreme situations has always been one of the most urgent problems facing humanity, the social development of a person in all aspects, his activities as a person and his self-development. Separately, it should be noted that the availability of sufficient information for individuals about their psychological capabilities, achievements and shortcomings in a certain area will help them easily overcome any life failures, be able to use their capabilities more widely. in a word, it creates ample opportunities for the formation of ideas about oneself, which have a deeper, positive and unique social value.*

*Keywords. extreme situation, adequate emotional self-esteem, adolescent psychological protection, stress, coping behavior*

KIRISH. Ekstremal vaziyatlarda shaxs psixologik himoya qilish muammosi hamisha insoniyat oldida turgan eng dolzarb muammolardan biri boʻlib kelgan. Zero, insonning har jihatdan ijtimoiy taraqqiyoti, shaxs sifatidagi faolligi va oʻzini oʻzi rivojlantira borishi koʻp jihatdan ushbu jarayonga bogʻliqdir.

Prezidentimizning har bir nutqi, asarlari oʻsib kelayotgan yosh avlod muammolariga bagʻishlanishi shaxsni shakllantirish, shaxs tuzilmasida maʼnaviy komponentning oʻrni qanchalik ahamiyatga ega ekanligini isbotlaydi. Zero, jamiyatda yuzaga kelishi mumkin boʻlgan maʼnaviy tanazzulning oldini olish, yuzaga kelish ehtimolini pasaytirishda sogʻlom eʼtiqod, munosabat, dunyoqarashiga ega boʻlgan barkamol inson shaxsini shakllantirish muhim vazifalar sirasiga kiradi.

Respublikamizda oʻziga xos izchillik bilan amalga oshirilayotgan barcha islohotlarning tub markazida shaxs va uning ijtimoiy taraqqiyotini taʼminlashga qaratilgan qator chora-tadbirlar yotadiki, bu jarayonda psixologik yondashuvlar muhim ahamiyat kasb etadi. Zero, har bir shaxs tezkor vaziyat muhit bilan bogʻliq oʻziga xos psixologik imkoniyatlariga yetarlicha baho bermay turib shaxsning taraqqiyotiga hozirgi zamon talablariga mos natija koʻrsatish juda mushkuldir. Tabiiyki, bu holat psixologlar, favqulotda vaziziyat, yongʻin xavfsizligi xodimlari zimmasiga yanada koʻproq masʼuliyat yuklatiladi. Azal-azaldan mehribon mehmon doʻst va insonparvar hisoblangan oʻzbek xalqi uchun inson hayoti hamma narsadan ustundir. Shuning uchun ham ekstremal vaziyatlarda shaxslarga

psixologik yordam ko‘rsatish va favqulotda vaziyatlarda psixologik himoya qilish hozirgi kunda dolzarb muammo hisoblanadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA. Ekstremal vaziyatlarda psixologik himoyani talqin qilishning nazariy-fundamental asoslarni yaratganlar: I.V.Dobryakov. I.V.Nikolskay, B.R.Qodirov, L.A.Mixaylova, E.M.Muxtorov, Ye.Z.Simirnov, Sh.R.Barotov, N.A.Yaxyarovlarning rahbarligida olib borilgan ilmiy izlanishlarda ekstremal vaziyatning kategoriya sifatidagi talqiniga ma’lum darajada e’tibor qaratilgan. Bundan tashqari V.G.Kamenskayaning “Psixologik himoya va nizolar tizimidagi motivatsiyalar ” asari psixologik himoya mexanizmlari ma’lum darajadagi nizoli vaziyatlar talqiniga bag‘ishlangan.

NATIJALAR. Shaxsning o‘zini o‘zi hissiy baholash jarayoni o‘zini o‘zi turli xil ko‘ngilsizliklardan, muvaffaqiyatsizliklardan va ektremal vaziyatlardan ma’lum darajada himoya qilish uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Ayniqsa o‘smirlik davrida bu jarayonga jiddiy qarash kerak bo‘ladi. Shuni hisobga olib o‘smirlarda o‘zini o‘zi hissiy baholash va psixologik himoya imkoniyatlari o‘rtasidagi mutanosiblik bilan bog‘liq ijtimoiy psixologik omillarni empirik jihatdan o‘rganish va shartli ravishda qabul qilingan mezonlar asosida uning natijalarini tahlil qilish ko‘zda tutilgan edi.

Yana shuni ta’kidlash joizki, ba’zan har bir o‘smir, o‘z hissiy tabiati va uning faoliyat samaradorligiga xizmat qiluvchi psixologik himoya imkoniyatlariga adekvat baho bera olishga ma’lum ma’noda “ojizlik” qilishi mumkin. Bizningcha, bunday “ojizlik” zamirida hissiy qoniqmaslik, hissiy bezovtalik, o‘z-o‘ziga nisbatan noadekvat hissiy tasavvurlar shakllanadi.

Tabiiyki, bu shakllanish shaxs ijtimoiy faolligiga, o‘quv faoliyati unumdorligiga asta-sekin salbiy ta’sir eta borishi mumkin. Buni o‘z vaqtida anglash uchun esa biz yuqorida ta’kidlagan Riks-Uessman testini hamda shunga mos bo‘lgan qo‘shimcha savolnomalarni qo‘llab, tegishli empirik natijalarni qo‘lga kiritishni rejalashtirgan edik. Endi bevosita mazkur metodikalar yordamida olingan empirik ma’lumotlar tahliliga o‘tamiz.

1-jadval

O‘smirlarning ektremal vaziyatlarda o‘zini o‘zi hissiy baholash doirasidagi psixologik himoya mezonlari namoyon etilishining o‘rtacha umumiy ko‘rsatkichlari (Riks- Uessman). 5- sinf (310 nafar)

| Ob’ekt | Mezon | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | I | | II | | III | | IV | |
| | A | B | A | B | A | B | A | B |
| % | 52.8 | 47.2 | 52.5 | 47.5 | 57.4 | 42.6 | 51.0 | 49.0 |

Dastavval shuni ta'kidlash joizki, natijalar taniqli amerikalik psixologlar A.E.Uessman va D.F.Riks tomonidan ishlab chiqilgan maxsus to'rt shkalali (I-xotirjamlik-asabiylik, II-ishchanlik-toliqqanlik, III-hissiy ko'tarinkilik-hissiy tushkunlik, IV-o'z-o'ziga ishonchlilik-o'z-o'ziga ishonchsizlik) usullar majmuasini qo'llash asosida va barcha empirik dalillarning haqqoniyligini tasdiqlovchi qo'shimcha statistik mezonlar yordamida aniqlandi. Buning uchun ma'lum ilmiy adabiyotlardagi nazariy va amaliy fikrlar asos qilib olindi.

2-jadval

O'smirlarning ektremal vaziyatlarda o'zini o'zi hissiy baholash doirasidagi psixologik himoya mezonlari namoyon etilishining o'rtacha umumiy ko'rsatkichlari (Riks- Uessman) 9- sinf (340 nafar)

| Ob'ekt | Mezon | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | I | | II | | III | | IV | |
| | A | B | A | B | A | B | A | B |
| % | 42.7 | 57.3 | 46.5 | 53.5 | 48.5 | 51.5 | 56.2 | 43.8 |

Har qanday shaxsning u yoki bu faoliyatga nisbatan faolligi yoki sustligi uning ijobiy yoki salbiy ichki hissiy holatiga ko'p jihatdan bog'liqdir. Bu ichki holat esa shaxs faoliyati unumdorligini ham belgilovchi muhim omillardan bo'lishi mumkin. Jumladan, taniqli psixolog K.Izardning fikricha, inson faoliyatining yoki faolligining samaradorligi asosan "qiziqish", "quvonch", "hayratlanish", "iztirob chekish" kabi hissiy kechinmalarga bog'liqdir.

Binobarin, hissiy kechinmalar to'g'ri yo'naltirilmas ekan shaxs psixologik holatida ziddiyatlar hukm suraveradi.

Bu ziddiyatlar qanchalik kuchayaversa, shaxsning o'zini o'zi psixologik himoya qilish imkoniyatlari shunchalik sustlashib boradi. Natijada, shaxsning ijtimoiy taraqqiyoti va shaxs sifatidagi faolligi bir muncha zaiflashadi. Bunday zaiflikka yo'l qo'ymaslik uchun har bir o'smirdagi ekstremal vaziyatlarda o'zini o'zi hissiy baholash me'yorlari haqidagi tegishli tasavvur hosil qilish muhim ahamiyat kasb etadi deb o'ylaymiz. Shu nuqtai nazardan qo'llanilgan o'zini o'zi hissiy baholash (Riks-Uessman) metodikasi tegishli empirik ma'lumotlar olishga va uni maxsus tadqiqot tizimi bo'yicha tahlil qilishga imkon berdi.

3-jadval

Riks-Uessman shkalasi bo'yicha ekstremal vaziyatlarda o'smirlar guruhida o'zini o'zi hissiy baholashga asoslangan adekvat va noadekvat psixologik himoya ko'rsatkichlarining respondentlar umumiy soniga nisbat tutgan o'rinlari

| № | 5- sinf | | | | 9-sinf | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | adekvatlilik | | noadekvatlilik | | adekvatlilik | | Noadekvatlilik | |
| | shkalasi | % | shkalasi | % | Shkalasi | % | shkalasi | % |
| 1 | III | 57,4 | IV | 49,0 | IV | 56,2 | I | 57,3 |
| 2 | I | 52,8 | II | 47,5 | III | 48,5 | II | 54,5 |
| 3 | II | 52,5 | I | 47,2 | II | 46,5 | III | 51,5 |
| 4 | IV | 51,0 | III | 42,6 | I | 42,7 | IV | 43,8 |

Olingan empirik ma'lumotlarni sinchiklab o'rganadigan bo'lsak, ekstremal vaziyatlarda o'zini o'zi hissiy baholashga asoslangan psixologik himoya ko'rsatkichlarida turli xil qonuniyatlar mavjudligini ko'ramiz.

1. Tadqiqot maqsadiga mos qo'llanilgan asosiy va qo'shimcha usullar hamda jadvaldagi ma'lumotlar shundan guvohlik beradiki, o'smirlikning dastlabki davrida ham, oxirgi bosqichida ham o'zini o'zi hissiy baholashga asoslangan psixologik himoya haqidagi tasavvurlarning "adekvat" va "noadekvat" ko'rsatkichlari o'rtasidagi tafovutning unchalik katta emasligini ta'kidlash mumkin.

2. 5-sinf o'quvchilarida ham, 9-sinf o'quvchilarida ham "adekvat" ko'rsatkichlar ko'lami talaygina miqdorni tashkil etishi, jumladan 5-sinf o'quvchilari orasida barcha to'rtala shkalani umumlashtirgan holdagi o'rtacha umumiy ko'rsatkich miqdori nisbatan ko'proq miqdorni, ya'ni 53,4% ni tashkil etgan bo'lsa, bu miqdor 9-sinf o'quvchilariga nisbatan olganda esa 48,5% ga kamayganligini ko'rish mumkin. "Noadekvat" ko'rsatkichlar miqdori esa 5-sinf o'quvchilari orasida nisbatan kamroqni ya'ni 46,6 % ni, 9-sinf o'quvchilari orasida nisbatan ko'proq miqdorni, ya'ni 51,5%ni tashkil etganligi bilan xarakterlanadi. Olingan bu ko'rsatkichlar ekstremal vaziyatlarda o'smirlik davrida o'zini o'zi hissiy baholash jarayoni va uning psixologik himoya jarayoniga nechog'liq mutanosiblik jihatlari va uning dinamikasi haqida tahlillar olib borish imkoniyatini ochib beradi.

3. Olingan ma'lumotlarga asoslanib Riks-Uessman shkalasi bo'yicha ekstremal vaziyatlarda o'zini o'zi hissiy baholashga asoslangan "adekvat" va "noadekvat" psixologik himoya ko'rsatkichlarining respondentlar umumiy soniga nisbatan tutgan o'rinlari belgilanadi. Jumladan, 5-sinf o'quvchilari orasida belgilangan to'rt shkaladagi adekvat ko'rsatkichlar bo'yicha 1-o'rinni III shkala hissiy ko'tarinkilik ko'rsatkichlari (57,4%) egallagan bo'lsa, 9-sinf o'quvchilari orasida esa mazkur yo'nalish bo'yicha 1-o'rin IV shkalaga o'z–o'ziga ishonchlilik shkalasiga taalluqliligi (59,9%) ma'lum bo'ldi. Shuningdek, 5-sinfdagi adekvat ko'rsatkichlar ko'lamida 2-o'rin I shkalaga(52,8%), 3-o'rin II shkalaga (52,5%), 4- o'rin esa IV shkala (51,0%) ga to'g'ri keldi. 9-sinf o'quvchilari orasidagi o'zini o'zi hissiy baholashga bo'lgan adekvat ko'rsatkichlari ko'lamida esa 2-o'rin III shkalaga (48,5%), 3-o'rin II shkalaga (46,5%) va oxirgi 4- o'rin I shkalaga (42,7%) to'g'ri kelishi bilan harakterlanadi. O'zini o'zi hissiy baholashga bo'lgan noadekvat

ko‘rsatkichlar ko‘lami bo‘yicha 5- sinfda o‘quvchilar orasida 1- o‘rin IV shkalaga, 2- o‘rin II shkalaga (47,5%), 3- o‘rin I shkalaga (42,7%), 4- o‘rin III shkalaga (42,6%) to‘g‘ri kelgan bo‘lsa, bunday ko‘rsatkichlar 9-sinfga kelib bir oz o‘zgarganligini kuzatish mumkin. Ya’ni 1- o‘rin I shkalaga (57,3%), 2- o‘rin II shkalaga (54,5%), 3- o‘rin III shkalaga (51,5%) 4-o‘rin IV shkalaga (43,8%) to‘g‘ri kelishi yaqqol namoyon etildi. Olingan bu ko‘rsatkichlar har bir o‘smirga individual yondashuv imkoniyatlarini izlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Qo‘shimcha ravishda olib borilgan kontent tahlil natijalarida ham 5- va 9- sinf o‘quvchilari orasida biroz bo‘lsada tafovutlarning borligi seziladi. Jumladan, berilgan ochiq va yopiq savollarning javoblari va individual suhbat natijalaridagi ko‘p marta takrorlangan tushunchalarning umumiy qiymatlari tahlilida ham adekvat va noadekvat ko‘rsatkichlar xarakteri tahlil qilindi. Unga ko‘ra 5- sinf o‘quvchilari bo‘yicha adekvat ko‘rsatkichlar orasidagi 1- o‘rin “hissiy ko‘tarinkilik” motivatsiyasiga (56%), 2-o‘rin “o‘z-o‘ziga ishonch” motivatsiyasiga (54%), 3- o‘rin “g‘ayrat- shijoatlilik” motivatsiyasiga (50%), 4- o‘rin “xotirjamlik” motivatsiyasiga to‘g‘ri kelishi, 9- sinf o‘quvchilaridan olingan ochiq javoblarda esa 1- o‘rin “o‘z-o‘ziga ishonch” motivatsiyasiga (60%), oxirgi o‘rin “g‘ayrat - shijoatlilik” motivatsiyasiga (48%) to‘g‘ri kelishi aniqlandi. Noadekvat ko‘rsatkichlardagi “asabiylik”ning 5- sinfda ham 9- sinfda ham 1- o‘rinda turishi o‘smirlik davridagi notekis o‘zgarishlar, o‘smir shaxsiga xos vaqtinchalik inqiroz holatining ta’siri kabi omillarning mavjudligi yaqqol ko‘zga tashlanadi (ilovaga qaralsin). Olingan bu ma’lumotlar metodika mazmuniga mos oldingi ma’lumotlar tahlilining ob’ektivligini yana bir bor tasdiqlaydi.

Shaxsning stressli vaziyatlardagi koping xulq-atvori ma’lum darajada stressli vaziyatlarda javob reaksiyasi uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Ayniqsa o‘smirlik davrida bu jarayonga jiddiy qarash kerak bo‘ladi. Shuni hisobga olib o‘smirlarda koping xulq-atvor va stressli vaziyatlarda javob reaksiyasi o‘rtasidagi mutanosiblik bilan bog‘liq ijtimoiy psixologik omillarni empirik jihatdan o‘rganish va shartli ravishda qabul qilingan mezonlar asosida uning natijalarini tahlil qilish ko‘zda tutilgan edi. Ushbu vazifani amalga oshirish uchun tadqiqot metodikalari tanlandi.

Yana shuni ta’kidlash joizki, ba’zan har bir o‘smir stressli vaziyatlarda o‘z imkoniyatlariga adekvat baho bera olishga ma’lum ma’noda qiyinchilikka uchrashi mumkin. Bizningcha, bunday qiyinchilik zamirida stressli vaziyatlar haqida yetarli tasavvurga ega emasligi bilan izohlash mumkin.

Endi bevosita mazkur metodikalar yordamida olingan empirik ma’lumotlar tahliliga o‘tamiz.

4-jadval

O‘smirlarda stressli vaziyatlarda javob reaksiyasi namoyon etilishining o‘rtacha umumiy ko‘rsatkichlari (S.Norman, D.F.Endler, D.A.Djeyms, M.I.Parker; T.A.Kryukovaning moslashtirilgan varianti) (eksperimentdan oldin)

| Shkalalar / Ishtirokchilar | 5-sinf n=340 | | | | 9-sinf n=340 | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Yigitlar | | Qizlar | | Yigitlar | | Qizlar | |
| | $n_1$=173 | % | $n_2$=137 | % | $n_1$=183 | % | $n_2$=157 | % |
| Topshiriqni hal qilishga yo‘nalgan koping | 37 | 21 | 23 | 17 | 76 | 41 | 43 | 37 |
| Emotsiyaga yo‘nalgan koping | 59 | 34 | 54 | 40 | 45 | 25 | 53 | 34 |
| Qochishga yo‘nalgan koping | 77 | 45 | 59 | 43 | 62 | 34 | 61 | 39 |
| A)Qochish shkalasi ichidan bosh tortish, chalg‘ish subshkalasi | 31 | 60 | 36 | 39 | 29 | 47 | 37 | 61 |
| B) Qochish shkalasi ichidan ijtimoiy chalg‘ish subshkalasi | 46 | 40 | 23 | 61 | 33 | 53 | 24 | 39 |

5-jadval

O‘smirlarda stressli vaziyatlarda javob reaksiyasi namoyon etilishining o‘rtacha umumiy ko‘rsatkichlari (S.Norman, D.F.Endler, D.A.Djeyms, M.I.Parker; T.A.Kryukovaning moslashtirilgan varianti) (eksperimentdan keyin)

| Shkalalar / Ishtirokchilar | 5-sinf n=310 | | | | 9-sinf n=340 | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Yigitlar | | Qizlar | | Yigitlar | | Qizlar | |
| | $n_1$=173 | % | $n_2$=137 | % | $n_1$=183 | % | $n_2$=157 | % |
| Topshiriqni hal qilishga yo‘nalgan koping | 77 | 44 | 57 | 42 | 76 | 41 | 68 | 43 |
| Emotsiyaga yo‘nalgan koping | 62 | 36 | 51 | 37 | 45 | 25 | 48 | 31 |
| Qochishga yo‘nalgan koping | 34 | 20 | 29 | 21 | 62 | 34 | 41 | 26 |
| A)Qochish shkalasi ichidan bosh tortish, chalg‘ish subshkalasi | 19 | 43 | 36 | 61 | 41 | 66 | 17 | 41 |
| B) Qochish shkalasi ichidan ijtimoiy chalg‘ish subshkalasi | 25 | 57 | 23 | 39 | 21 | 34 | 24 | 59 |

Dastavval shuni ta'kidlash joizki, natijalar taniqli psixologlar S.Norman, D.F.Endler, D.A.Djeyms, M.I.Parkerlar tomonidan ishlab chiqilgan maxsus uch shkalali (topshiriqni hal qilishga, emotsiyaga va qochishga yo'nalgan koping (a) qochish shkalasi ichidan bosh tortish, chalg'ish subshkalasi, b) qochish shkalasi ichidan ijtimoiy chalg'ish subshkalasi)) usullar majmuasini qo'llash asosida va barcha empirik dalillarning haqqoniyligini tasdiqlovchi qo'shimcha statistik mezonlar yordamida aniqlandi. Buning uchun ma'lum ilmiy adabiyotlardagi nazariy va amaliy fikrlar asos qilib olindi.

Yuqorida ta'kidlaganimizdek, o'smirlarda stressli vaziyatlarda stressni yenga olish xulq-atvor ko'rsatkichlarini tahlil qilish o'smir shaxsi ijtimoiy psixologik taraqqiyotini ta'minlashda muhim ahamiyat kasb etadi. Shuningdek, bu jarayonning kechishida jins va yoshga oid omillarning ham o'ziga xos o'rni bo'lishi tabiiy. Shu nuqtai nazardan o'smirlarga xos bo'lgan stressni yenga olish xulq-atvori va uning imkoniyatlari haqida batafsil ma'lumotga ega bo'lish uchun o'smirlarda alohida tadqiqotlar olib borildi.

Har bir olingan natija maxsus tartibda qabul qilingan mezonlar va ballar tizimiga kiritilib, quyidagi ma'lumotlarga ega bo'lish imkonini berdi: muammoni hal qilish, ijtimoiy qo'llab-quvvatlashni kutish, muammodan qochish kabi tayanch koping strategiyalari.

Mazkur yo'nalishlar bo'yicha har bir olingan natija tadqiqotning maqsadi asosida birlashtirilib umumiy tartibda tadqiq qilindi.

6- jadval

O'smirlarda stressli vaziyatlarda yenga olish strategiyalari namoyon etilishining o'rta umumiy ko'rsatkichlari (D.Amirxan metodikasi bo'yicha) (eksperimentdan oldin)

| Punktlar / ishtirokchilar | 5-sinf n=310 | | | | 9-sinf n=340 | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Yigitlar | | Qizlar | | Yigitlar | | Qizlar | |
| | $n_1$=173 | % | $n_2$=137 | % | $n_1$=183 | % | $N_2$=157 | % |
| Muammoni hal qilish | 39 | 22 | 21 | 15 | 92 | 50 | 59 | 37 |
| Ijtimoiy qo'llab-quvvatlashni qidirish | 81 | 47 | 72 | 53 | 49 | 27 | 72 | 46 |

Demak, D.Amirxanning "Stressli vaziyatlarda yenga olish strategiyalari" nomli modifikatsiya qilingan holda qo'llanilgan metodika natijalari yuqorida

ta'kidlaganimizdek, o'smirlarning stressli vaziyatda yenga olish strategiyalari yuzasidan juda muhim empirik ma'lumotlarga ega bo'lish imkonini berdi. Bu ma'lumotlar o'smirlarning stressli vaziyatlarda stressni yenga olish strategiyalari bilan bog'liq tasavvurlarini bilishga va shu tasavvurlar orqali o'smirga to'g'ri psixologik yondashuv yo'llarini belgilab olishga imkon yaratadi. Keltirilgan jadvaldagi raqamlardan shu narsa ma'lum bo'ladiki, 5 va 9-sinf o'quvchilari orasida, ya'ni o'smirlikning boshlanishi va oxirida stressni yenga olish strategiyalari turlicha darajada namoyon bo'lishini ko'rishimiz mumkin. Xususan, umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-sinf o'quvchilari uchun (n=310, yigitlar - n1=173, qizlar - n2=137) yigitlarda stressli vaziyatlarda muammoni hal qilish strategiyasi 22% ni tashkil qilsa, qizlarda bu ko'rsatkich 15% ni ko'rsatgan bo'lsa, bu holat 9- sinfga (n=340, yigitlar - n1=183, qizlar - n2=157) kelib ya'ni o'smirlikning oxirida muammoni hal qilish strategiyasi yigitlarda 50% ni tashkil qilsa, qizlarda bu ko'rsatkich 37% dagi ko'lamini ko'ramiz. Stressli vaziyatlarda ijtimoiy qo'llab-quvvatlash strategiyasi bo'yicha 5 sinf yigitlarida 47 %ni, qizlarda 53 %, 9-sinf yigitlarda 27%ni, qizlarda esa bu ko'rsatkich 46 %ni ko'rsatdi. Chunonchi, yigitlarda ham, qizlarda ham bu ko'rsatkich 5-sinfga nisbatan 9-sinfda pastligini ko'rishimiz mumkin.

7-jadval

O'smirlarda stressli vaziyatlarda yenga olish strategiyalari namoyon etilishining o'rta umumiy ko'rsatkichlari (D.Amirxan metodikasi bo'yicha) (eksperimentdan keyin)

| Shkalalar / Ishtirokchilar | 5-sinf n=310 | | | | 9-sinf n=340 | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Yigitlar | | Qizlar | | Yigitlar | | Qizlar | |
| | $n_1$=173 | % | $n_2$=137 | % | $n_1$=183 | % | $n_2$=157 | % |
| Topshiriqni hal qilishga yo'nalgan koping | 77 | 44 | 57 | 42 | 76 | 41 | 68 | 43 |
| Emotsiyaga yo'nalgan koping | 62 | 36 | 51 | 37 | 45 | 25 | 48 | 31 |
| Qochishga yo'nalgan koping | 34 | 20 | 29 | 21 | 62 | 34 | 41 | 26 |
| A)Qochish shkalasi ichidan bosh tortish, chalg'ish subshkalasi | 19 | 43 | 36 | 61 | 41 | 66 | 17 | 41 |
| B) Qochish shkalasi ichidan ijtimoiy chalg'ish subshkalasi | 25 | 57 | 23 | 39 | 21 | 34 | 24 | 59 |

Umuman olganda, yuqorida qayd etilgan D.Amirxanning metodikasi talablari doirasida talqin qilingan yenga olish strategiyalari oʻsmirlik davri uchun xarakterli boʻlgan koping xulq-atvor bilan bogʻliq koʻrsatkichlar ierarxik tizimining oʻziga xos imkoniyatlari koʻrsatildi.

XULOSA. Umumta’lim maktablarining beshinchi va toʻqqizinchi sinflarida tahsil olayotgan oʻsmirlar guruhi bilan olib borilgan empirik tadqiqot natijalari quyidagi ilmiy xulosalarni bayon etish imkonini beradi:

1. Riks-Uessman shkalasi boʻyicha qoʻlga kiritilgan ma’lumotlarda ekstremal vaziyatlarda shaxs psixologik himoyasi koʻrsatkichlarining namoyon etilishi, aksariyat hollarda asabiylik-xotirjamlik, toliqqanlik-ishchanlik, ishonchsizlik, oʻz-oʻziga ishonchlilik, ruhiy tushkunlik va koʻtarinkilik sifatlarining oʻsmir shaxsida qay tariqa tarkib topganligining belgilanish va baholanishiga bogʻliq ekanligini koʻrsatdi. Ayni paytda bu “bogʻliqlik” psixologik himoya imkoniyatlari va shaxsning oʻzini oʻzi adekvat individual hissiy baholash asosida kechishi mumkinligini tasdiqladi.

1. Oʻsmir shaxsning ekstremal vaziyatlarga psixologik tayyorgarligi, uning stressli vaziyatlarni toʻgʻri baholashi, emotsional holatlarga berilmasligi, uning hayot-faoliyatida muvafaqqiyatga erishishi bilan bogʻliq konseptual masalalarni chuqur oʻrganishda koping xulq-atvor va stressni yenga olish strategiyalarini tatqiq etish muhim masalalardan biri hisoblanadi. Ekstremal vaziyatlar oʻsmir faoliyatini keskin oʻzgartirishga qodir voqelik boʻlib, bunday vaziyatlar salbiy kechinmalarni yuzaga kelishini ta’minlaydi.

2. Uzoq va yaqin xorij hamda mamlakatimiz psixologiyasida ekstremal vaziyatlar va emotsional holatlarning yuzaga kelishi, kechishi, yoʻnalgani hamda sub’ekt faoliyatida shakllanishi tadqiq qilingan boʻlsa-da, aksariyat mualliflar emotsional holat sifatida stressni keltirib chiqaruvchi omillar, uni bartaraf etish modellari, stressga moyilligi bor shaxslarning umumiy jihatlarini oʻrganishga harakat qilganligi aniqlandi.

3. Oʻsmirlarda ekstremal vaziyatlarda koping xulq-atvor darajasining oʻzgaruvchanligi, stressli vaziyatlarda turli salbiy emotsional holatlarni keltirib chiqarishi kabi holatlarni oʻrganishga moʻljallangan metodlardan foydalanish uchun stressli vaziyatlarda oʻsmir shaxsini diagnostika qilish usullarini mohiyati izohlandi.

4. Stressning transakt modellariga xos yengish resurslariga shaxsning fiziologik va tipologik xususiyatlari, kognitiv jarayonlar va shaxsdagi hissiy-irodaviy sifatlar, ijtimoiy qoʻllab-quvvatlash, moddiy ta’minlanganlik kirsa, stressning integrativ modeli doirasiga mavjud resurslarni anglash koʻnikmasini rivojlantirish, ularni stressni yengish jarayonida boshqara olish va rasional qoʻllash malakasini shakllantirish imkoniyatlarini kiritish mumkin. Stressni yengish resurslariga shaxsga stressli vaziyatni yengishga yordam beradigan, stressning salbiy ta’sirini kamaytiradigan, aynan oʻziga ishonch,

o‘zini va boshqalarni qabul qilish, jismoniy salomatlik, muammolarni hal qilish ko‘nikmasi, ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash, stressni va zo‘riqishni nazorat qilish ko‘nikmalari va amaliy-psixologik bo‘shashtiruvchi mashqlar to‘plami boshqalarni e’tirof etish mumkin

5. Ekstremal vaziyatlarda o‘smir emotsional holati o‘zgarishining oldini olishga yo‘naltirilgan ijtimoiy-psixologik treningdan oldingi va keyingi olingan natijalar tahlili trening mashg‘ulotlarining to‘g‘ri tashkil qilinganligini va ancha samarali kechganligini ko‘rsatdi. Muammoli masalalarni (stressli vaziyatlarda xulq-atvor va hissiy-irodaviy holatlarda uchraydigan salbiy illatlarni bartaraf qilish) yechish jarayonidagi o‘smirlarning vaziyatli-amaliy va hayotiy yondashuvlari, bahs-munozaralari, fikr erkinligi ular orasida fiziologik hamda ma’naviy-psixologik ko‘rinishdagi o‘zaro birlashish, umumiylik, yakdillik paydo bo‘lganligini ifodaladi. Mazkur ijtimoiy-psixologik trening o‘ziga xos ixcham tuzilishi, ilmiy yo‘nalganligi, hayotiy yechimlar bilan asosliligi hamda jamoaviy o‘quv- tarbiya jarayoni sifatida qulay va zamonaviyligi bilan alohida ahamiyat kasb etdi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

19. Maxmudova Z.M., Olimov L.Ya. O`smirlarda ekstremal vaziyatlarda psixologik himoya mexanizmlarini shakllantirish. Monografiya. “Buxoro viloyat bosmaxonasi MChJ” nashriyoti. Buxoro. 2021. -B. 160.

20. Maxmudova Z.M., Olimov L.Ya. Psychodiagnostics. O‘quv qo‘llanma. “Turon zamin ziyo” nashriyoti. Toshkent 2014. -B. 298.

21. Olimov L.Ya. Psixodiagnostika va psixometrika asoslari. Darslik. “Durdona” nashriyoti. Buxoro. 2021. -B. 747.

22. Olimov L.Ya. Umumiy psixodiagnostika. “Durdona” nashriyoti. Buxoro. 2020. -B. 1103.

23. Olimov L.Ya., Maxmudova Z.M.. Psixodiagnostika va eksperimental psixologiya. o`quv qo`llanma. “Turon zamin ziyo” nashriyoti. T. 2020. -B. 820.

24. Olimov L.Ya., Nazarov A.M.. Xulqi o`gishgan bolalar psixologiyasi. O‘quv qo‘llanma. “Tafakkur avlodi” nashriyoti. Buxoro. 2020. -B. 490.

25. Olimov L.Ya., Bahronova M.O‘.O‘smirlar ma’naviyatini shakllantirishning ijtimoiy-psixologik xususiyatlari. Science and education. Scientific journal. Volume 3, issue 3. March 2022 407-413 p.

26. Olimov L.Ya., M.B.Rasulova. O‘smir shaxsi shakllanishida ahloqiy normalarning ijtimoiypsixologik ahamiyati. Science and education. Scientific journal. Volume 3, issue 3. March 2022 675-683 p.

27. Олимов Л.Я. Социально-психологический подход к исследованию конфликтов. Вестник интегративной психологии.(журнал для психологов). 2019 год, Выпуск 19. 379-381 ст.

28. Олимов Л.Я. Теоретические основы педагогической технологии. Вестник интегративной психологии.(журнал для психологов). 2018 год, Выпуск 18. 163-165 ст.

29. Олимов Л.Я. Теоретический анализ проблемы креативности в психологии. Вестник интегративной психологии журнал для психологов. Выпуск № 23, 2021 г. С 237-241.

30. Олимов Л.Я., Жумаев Н.З. Педагогическое общение педагога со студентами. Вестник интегративной психологии.(журнал для психологов). 2017 год, Выпуск 15. 198-203 ст.

31. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Диагностика Управленческих Способностей. Вестник интегративной психологии журнал для психологов. Выпуск № 2, 2020 г. С 204-209.

32. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Психологические механизмы девиантного поведения. Психология XXI века. Ярославль., 2020. –С. 125-127.

33. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Стрессли вазиятларда психологик ҳимоя механизмлари ва копинг хулқ-атвор намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари. Psixologiya. Учредители: Бухарский государственный университет, 31-38.

34. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Стрессли вазиятларда психологик ҳимоя механизмлари ва копинг хулқ-атвор намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари: стрессли вазиятларда психологик ҳимоя механизмлари. Psixologiya ilmiy jurnali. 2020 yil, 4 son 109-115 b.

35. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Ўсмирларда психологик ҳимоя механизмларининг намоён бўлишининг ўзига хослиги. Psixologiya ilmiy jurnali. 2021 yil, 4 son 103-112 b.

36. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Экстремал вазиятларда копинг хулқ-атвор ва стратегиялар намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари. Psixologiya ilmiy jurnali. 2021 yil, 3 son 98-106 b.

# ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГ ИМИЖИНИ ТАВСИФЛОВЧИ ШАХСЛИЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.044

*Жўраева Соҳибжамол Норқобиловна*
*Низомий номидаги ТДПУ, Умумий психология кафедраси доценти, психология фанлари номзоди*

*Аннотация. Ушбу мақолада бугунги кунда Олий таълим тизимидаги педагог имижини мамлакатимиз олий ўқув юртларида ҳар томонлама ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари, замонавий таълимни ривожлантиришда педагог имижини шакллантиришга қўйилган асосий талаблар, ҳамда, педагоглар томонидан шаклллантириладиган турли компетентлик жиҳатларидан бири унинг шахсий фазилатлари ифодаси масалаларига қаратилган.*

*Калит сўз. Имиж, мулоқотга мойиллик, ижтимоий етуклик, онглилик, таълим, ҳиссий барқарорлик-беқарорлик, ҳукмронликка интилиш-тобелик, ижтимоий етуклик, онглилик, ижтимоий мардлик, дадиллик, тортинчоқлик, ишонувчанлик, шубҳаланиш, ўзига ишонч, ишонмаслик, мустақиллик, тобелик, ўзини назорат қилиш, қўзғалувчанлик, зўриқиш, бўшашиш.*

# ФОРМЫ ПРОЯВЛЕНИЯ ЛИЧНОСТНЫХ ЧЕРТ, ХАРАКТЕРИЗУЮЩИХ ОБРАЗ СОВРЕМЕННОГО ПЕДАГОГА

*Жураева Сахибжамал Норкобиловна*
*Associate professor of the Department of general psychology at the TDPU named after Nizami. Candidate of psychological sciences,*

*Аннотация. Данная статья посвящена мерам всестороннего социального развития образа педагога в системе высшего образования в высших учебных заведениях нашей страны на сегодняшний день, основным требованиям к формированию образа педагога в условиях развития современного образования, и одним из различных аспектов компетентности, формируемой педагогом, является выражение его личностных качеств.*

*Ключевое слово. Образ, склонность к общению, социальная зрелость, сознание, образование, эмоциональная стабильность, нестабильность, стремление к господству, зависимости, социальная зрелость, сознание, социальная отвага, отвага, застенчивость, уверенность, подозрительность, самоуверенность, неверие, независимость, зависимость, самоконтроль, возбудимость, напряжение, расслабление*

*Abstract. This article focuses on the measures of comprehensive social development of the image of the pedagogue in the higher education system in the higher educational institutions of our country, the main requirements for the formation of the image of the pedagogue in the development of modern education, and one of the various aspects of competence formed by the pedagogues is the expression of his personal qualities.*

*Key word. Image, propensity to communicate, social maturity, consciousness, education, emotional stability-instability, striving for dominance, dependence, social maturity, consciousness, social courage, courage, shyness, confidence, suspicion, self-confidence, disbelief, independence, dependence, self-control, excitability, tension, relaxation.*

Жаҳонда амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда таълим жараёнини оптималлаштиришда педагогнинг роли, замонавий педагог имижи, ўқитувчининг социал нуфузи, ўқитувчининг шахсий-касбий камолоти, талабалар тасаввурида ўқитувчи тимсоли, замонавий олий таълимнинг психологик муаммолари, педагогик жамоанинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, педагогик низоларнинг психологик табиати, “педагог-талаба муносабатлар тизими” бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларга ҳамоҳанг тарзда замонавий педагог имижини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик омилларини аниқлаш асосида таълим-тарбия жараёни таъсирчанлигини ошириш, олий таълим муассасаларининг нуфузини ўстириш, «педагог-педагог» ва «педагог-талаба» муносабатларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Педагог имижининг ижтимоий-психологик омиллари масаласини ўрганиш борасидаги эмпирик тадқиқотлар унга қўйиладиган талабларни ўрганишга зарурат туғдирмоқда. Бу эса педагог шахси ва касбий компетентлиги, педагогик имижи шаклланишини таъминлашга хизмат қилувчи талаблардан эканлигини тақозо этади.

Педагог имижи таълим олувчилар, ҳамкасблар, ижтимоий муҳитда, омма онгида педагог образини идрок этишнинг ҳиссий рангли стереотипидир. Педагог имижини шакллантиришда реал фазилатлар бошқалар томонидан унга нисбат берилганлар билан чамбарчас боғланган.

Имижнинг шакллантирувчиси ким?

Биринчидан, бошқаларга қайси томонга мурожаат қилишни, ўзи ҳақида қандай маълумотларни тақдим этишни ўйлайдиган шахснинг ўзи. Иккинчидан, имижмейкерлар - сиёсатчилар, давлат арбоблари, рассомлар ва бошқалар машҳур кишиларнинг имижини шакллантириш билан шуғулланувчи профессионаллар, мутахассислардир.

Учинчидан, имиж яратишда оммавий ахборот воситалари-босма

нашрлар, радио, телевидение катта рол ўйнайди.

Тўртинчидан, у ҳам атрофдаги одамлар томонидан яратилган - дўстлар, оила, ва ходимларнинг фикрларидир. Ушбу тавсифга ҳамоҳанг тарзда биз имижни шаклланишида фаолият субъектининг ўзига эътибор қаратамиз. Бунда педагог имижи шаклланишига хизмат қилувчи унинг шахс ва педагогик фаолият компетентлигини ифодаловчи муҳим жиҳатларини ҳисобга оламиз. Тадқиқотда педагог имижи шаклланишида олий таълим муассасалари профессор-педагоглари шахслик сифатларининг шаклланганлиги ҳамда педагогик компетентлик кўрсаткичларининг айрим қирралаларини эмпирик ўрганишга эътибор қаратилади.

Мазкур тадқиқотнинг моҳиятини ёритиш мақсадида педагог имижининг педагог томонидан шакллантириладиган жиҳатларидан бири унинг шахсий фазилатлари ифодасидир.

Жамият, педагогнинг касбий имиджига талаблар яратиб, унинг мазмунига таъсир кўрсатади. Лекин авлоддан-авлодга ўтиб, таълим олувчилар муҳаббат, меҳр-оқибат, самимийлик ва мулоқот қилиш қобилияти каби идеал педагогнинг фазилатлари ўзгаришсиз қолади.

Педагог касби ўзгача. Педагоглар доимо кўз ўнгида бўлган одамлар, ота-оналар, талабалар ва ҳамкасблар доимо уларга яқин. Бироқ, кўпчилик педагогика олий ўқув юртлари, биринчи навбатда, муайян билимлар, кўникмалар ва технологияларга эга бўлган мутахассисни ўқитиши ва инсоншунослик фанлари иккинчи даражали рол ўйнаши кераклигига ишонч ҳосил қилади. Бу ҳолат бўлғуси педагогнинг одамлар, шу жумладан таълим олувчилар билан ишлай олмаслигига олиб келади.

Кўпинча педагогга шахс сифатида қизиқмаганлиги ва педагог шахсига қизиқмаслик ва эътибор қаратмаслик, охир оқибат ўз шогирдлари ваколатини йўқотади. Педагог шахсига бўлган қизиқиш шу тариқа тадқиқот муаммосига бўлган қизиқишни фаоллаштириш воситасидир. Бу педагог учун ҳаёт энергиясини бериш талабалар, педагог «янги уфқлар» очилишига олиб келади. Шунинг учун педагог имижини илҳомлантириши керак. Педагог қанчалик касбий тайёргарликка эга бўлмасин, у ўзининг шахсий фазилатларини доимо такомиллаштириб бориши ва шу тариқа ўз имижини яратиши шарт.

Педагог шахси ёш авлод тарбияси учун катта аҳамиятга эга. Замонавий ёш психологиясидан маълумки, узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида мактабга киришдан, яъни етти ёки ҳатто олти ёшдан бошлаб боланинг оламга муносабати ва дунёқараши ўзгаради, таълимнинг кейинги босқичларида ҳам ҳаётга йўналтиришда педагог белгиловчи рол ўйнайди. Ёш авлод таълимининг барча босқичларида ота-онанинг ўрнини асосан педагог тўлдиради. Педагогнинг имижи таълим олувчига ишонч уйғотади. Атрофдагилар ҳақида билим берган шахс ахлоқий ҳокимиятга айланади. Агар педагог ахлоқсизликка мисол

келтирса, агар унинг сўзи ўз иши билан зид бўлса ва ҳаёти ролли модел бўлмаса, бу ўз ўқувчиларининг дунёқарашида беадаблик ва ахлоқий релятивизмга олиб келиши мумкин.

Педагогларни тайёрлашни такомиллаштириш нафақат уларни тайёрлаш мазмуни ва усулларини тизимли такомиллаштиришни, балки янгиланаётган жамият шароитида педагогнинг тўлақонли касбий фаолиятини таъминловчи шахс маънавий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришни ҳам талаб етади.

Педагогик ишнинг ўзига хослиги шундаки, педагог таълим олувчиларга ҳам шахс, ҳам касб-ҳунар эгаси ва мутахассис сифатида жой олишига ёрдам беришга чақирилади. Сўнгги йилларда жамиятда рўй берган туб ўзгаришлар таълим муассассаларининг инъикосини, унинг мақсадлари, имкониятлари ва ривожланиш истиқболларини тубдан ўзгартириб, жамиятни янгилашда таълим ва тарбиянинг устувор йўналишлари масаласини кескин кўтарди. Шу боисдан ҳам педагог имижини тадқиқ этишда икки муҳим жиҳат, яъни педагог шахси ва касбий компетентлигини ўрганиш орқали унинг имижи шаклланиш хусусиятлари ёритишга эътибор қаратилади.

Педагог шахсига хос хусусиятларни ёритиш орқали уларнинг таълим жараёнидаги шаклланадиган педагогик имижи хусусиятлари ҳақидаги айрим таҳлили муносабатларни баён этишга ҳаракат қилинади. Бунинг учун Р.Б.Кеттеллнинг “Ўн олти омилли шахс сўровномаси”дан фойдаланишга ҳаракат қилинди. Бу қуйидаги жадваллар таҳлилида амалга оширилади.

Биз олдинги таҳлилларимизда педагог тимсолининг ташқи ва табиий хоссалари ҳақида сўз юритган эдик. Навбатдаги эмпирик ўрганишимиз эса унинг ўзалаштирадиган сифатлари хусусида сўз боради.

Педагог имижини баҳолашда шахс табиатини ёритишга хизмат қилувчи тадқиқот методикаларига таянилди. Мазкур методикалар педагог шахси, унинг касбий фаолиятининг шартловчи қадриятлари ва педагогик қобилиятлари билан узвий боғлиқдир. Педагог шахсини ўрганиш натижалари қуйида амалга оширилади.

Педагог шахсига хос психологик хусусиятлар

| № | Омиллар | X | σ |
|---|---|---|---|
| 1. | Мулоқотга мойиллик. | 6,10 | 1,39 |
| 2. | Ҳиссий барқарорлик-беқарорлик. | 5,41 | 1,24 |
| 3. | Ҳукмронликка интилиш-тобелик | 5,80 | 1,14 |
| 4. | Ижтимоий етуклик, онглилик | 5,93 | 1,19 |
| 5. | Ижтимоий мардлик (дадиллик-тортинчоқлик). | 5,94 | 1,15 |
| 6. | Ишонувчанлик – шубҳаланиш | 5,71 | 1,38 |
| 7. | Ўзига ишонч – ишонмаслик. | 4,16 | 0,99 |
| 8. | Мустақиллик – тобелик. | 5,65 | 1,47 |
| 9. | Ўзини назорат қилиш | 5,96 | 1,21 |
| 10. | Қўзғалувчанлик, зўриқиш-бўшашиш | 5,75 | 0,98 |

Педагогнинг шахслик хусусиятлари тавсифи ўз навбатида педагог имижининг маълум кўринишлари, хусусан, коммуникатив хусусиятлари билан ҳам узвий боғлиқ. Бу эса тадқиқот методикасининг “мулоқотга мойиллик” фактори кўрсаткичларида мужассамлашган. Омиллар таҳлилига мурожаат қилайлик.

Мулоқотга мойиллик. Мазкур факторга кўра синалувчиларнинг кўрсаткичлари (6,10 балл) қуйидаги хусусиятларни ўзида мужассамлаштирмоқда. Бундай шахслар бошқалар билан ҳамкорлик қилишга тайёр, диққат эътиборли, қаттиқ ғазабланиш ёки хурсанд бўлиш ҳолатларига (ички ҳаяжонланиш, эҳтирос) тушмайдилар, ҳулқини бошқара олиш қобилиятига эга, раҳмдил ва самимий, лекин талабчандир. Бу қайсидир маънода педагог имижи учун зарур фазилатларнинг ўзида акс эттирмоқда дейиш мумкин.

Ҳиссий барқарорлик-беқарорлик. Мазкур фактор бўйича синалувчилар (5,41 балла) эмпирик қийматлари қуйидаги хусусиятларга эга бўлди: улар ўз ҳисларини ва кайфиятини бошқара олади. Агар уларни “ Мен” ини “кучли ёки заифлиги” ҳақида фикр билдириш керак бўлса, у ҳолда уларнинг “Мен” и кучи юқорироқ бўлиб, “Мен” концепциясини ижобий бўлишига олиб келади. Улар фаолиятда маълум даражада муваффақият билан ишлайдилар. Агар уларда, ҳиссий барқарорлик янада юқори даражада бўлса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ҳукмронликка интилиш-тобелик. Факторда синалувчилар 5,80 балл билан чекландилар. Бу эса педагогларнинг атрофидаги одамлар таъсирига тўла берилади деб айтиб бўлмайди. Кўпроқ ўзларини тутган йўлини “Мен концепцияси” ни ижобий намоён бўлишини талаб қиладиган касбий таъсири билан бўлади. Шу билан бир вақтда атрофдагилар талабини ҳам ҳисобга оладилар. Мустақиллини белгиловчи ҳуқуқини ҳимоя қилишда улар агрессив эмаслар, шу билан бирга улардан юқори турувчи шахслар олдида тобе бўлишни ҳам хоҳламайдилар.

Ижтимоий етуклик, онглилик. Мазкур факторда педагоглар 5,93 баллга эга бўлдилар. Балл кўрсаткичлари педагог шахсига хос қуйидаги хусусиятлар мужассамлашганлигини ифодаламоқда: афсуски, улар ҳаётга ва ишга енгил қараш, жавобгарликни ҳис қилмаслик, тежамсизлик каби ҳислатлардан тўла озод эмас эканлар. Аммо, бундай ҳолат “Мен-концепцияси” ни салбий эканлигини кўрсатмайди, балки ўз ҳулқини бошқара олиш ва қаътийликни етарли эмаслигининг оқибати бўлиб ҳисобланади. Ҳар қалай, улар умуминсоний қадр-қимматларни тан олишга ва аҳлоқ қоидаларига риоя қилишга интилувчи шахс сифатида мавқега эгадирлар. Бундан кўринадики, педагоглар имижида кузатиладиган айрим хусусиятларда уларнинг шахсий ва касбий тимсолини ифодаловчи бир бирига номутаносиб хусусиятлар ҳам

мавжуд экан. Бундай номутаносибликдан холи бўлиш педагогнинг касбий ўсиши учун муҳимдир.

Ижтимоий мардлик (дадиллик-тортинчоқлик). Факторга кўра педагог шахсига хос хусусиятлар (5,94 балл)ни қуйидагича ифодалаш мумкин: Уларни ижтимоий дадиллик бўйича кўрсаткичи фаолият учун энг мақбул кўрсаткич. Улар етарли даражада ботир, одамлар билан алоқага эркин киришадилар, муомаладаги қийинчиликларни енга оладилар, кутилмаган ҳолатларга тушиб қолганида ўзини йўқотмайдилар. Бу хусусиятлар педагогларнинг жамият томонидан қўйиладиган талабларда социал муносабатлар бўйича ўзларини етарлича тайёрлай олганлар дейиш мумкин.

Ишонувчанлик – шубҳаланиш. Олий таълим тизимида фаолият олиб бораётган педагогларнинг ушбу фактор бўйича кўрсаткичлари қуйидаги муносабатларни ўзида акс эттирмоқда (5,71 балл): улар ўзларининг ақлига асосланиб ишонади, бу улар фаолиятини самарали бўлишига олиб келади. Бу борадаги ҳолатнинг педагог имижининг интеллектуаллик хусусиятлари борасидаги тадқиқотимизда ҳам таҳлил қилишга эътибор қаратамиз. Аслида интеллектуаллик педагогнинг касбий ва шахсий сифатларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзига ишонч – ишонмаслик. Ушбу факторнинг эмпирик кўрсаткичлари 5,65 баллни ташкил этди: уларнинг ўзига бўлган ишонч даражаси ўз муваффақиятсизликларини бошқариш имкониятини, бўлаётган воқеаларни тўғри баҳолаш ва уларга муносиб жавоб бера олишни, ўз имкониятларига ишончни юзага келтиради. Уларда ўзини камситишга мойиллик бўлмасада, лекин бир мунча юқори даражадаги тез хафа бўлиш, таъсирчанлик бор. Ўзиларига бўлган ишончни мустаҳкамлашга ҳаракат қилиши керак. Касбий сифатларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор беришлари муҳим.

Мустақиллик – тобелик. Мазкур факторга кўра педагоглар 5,96 балл кўрсаткичига эга бўлдилар. Бу эса қуйидаги хусусиятлар хослигини кўрсатмоқда: улар ҳамма нарсани ўзлари бажаришни маъқул кўрсалар ҳам, атрофларидагилар тавсияси ва таклифларини ҳам рад этмайдилар. Улар мустақил бўлишни ҳам, атрофдагиларга таянишни ҳам, уларни қўллаб-қувватлашларини ҳам хоҳлайдилар. Ушбу мустақиллик фаолиятларини самарали бўлишини таъминлайди.

Ўзини назорат қилиш. Факторга кўра педагоглар шахсида қуйидаги хусусиятлар хос экан (5,96 балл): улар ижтимоий ва аҳлоқ нормаларини бажаришда қатъийдилар. Кўпчилик ҳолатларда тартибли ва режали ҳаракат қиладилар. Лекин ҳар доим ҳам қийинчиликларни енгиб, бошлаган ишни охиригача етказавермайдилар. Улар ўз фаолиятини самарали ташкил қила олсаларда, ҳар қалай ўзларини назорат қилишга

кўпроқ эътибор беришлари маъқул.

Қўзғалувчанлик, зўриқиш-бўшашиш. Педагогларнинг факторга кўра кўрсакичлари 5,75 баллга тенг бўлди. Ушбу балл кўрсаткичи уларга хос қуйидаги хусусиятларни ифодалади: эҳтиёжлари миқдори кўплиги туфайли уларда бир мунча зўриқиш бор, характери нотинч, асабий руҳий олами қўзғалувчан. Мураккаб мақсадлардан ўзини олиб қочиш ва зўриқиш биринчи навбатда касбий фаолият натижаси бўлиб, бунга ўз навбатида, темперамент типларининг ўзига хос хусусиятлари маълум даражада ўз таъсирини ўтказади. Шу билан бирга қўзғалиш ва зўриқиши намоён бўлган даражаси уларда “толерантлик” шаклланганлигини кўрсатади.

Юқоридаги педагог шахсига хос хусусиятлар педагог имижи учун муҳим шахслилик қирралари кўзатилиши билан бир қаторда уларнинг инсоний камолотлари учун хос фазилатларни ўзлаштиришларига зарурат сезадиган томонлари мавжудлигини кўрсатди. Бу эса тадқиқот учун педагогнинг шахслик сифатлар имижни шакллантиришга қанчалий мос келишини белгиловчи факторларнинг ички боғлиқликларини ўрганишга ундайди. Ушбу ҳолатга аниқлик киритиш учун факторлараро корреляция таҳлил усулига эътибор қаратилди. Факторли таҳлил натижалари навбатдаги талқин предмети ҳисобланади.

1-жадвал

Ўқитувчи имижини тавсифлдовчи шахслик хусусиятлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик

| **Факторлар** | *Мулоқотга мойиллик* | *Ҳиссий барқарорлик-беқарорлик* | *Ҳукмронликка интилиш-тобелик* | *Ижтимоий етуклик, онглилик* | *Ижтимоий мардлик (дадиллик-тортинчоқлик* | *Ишонувчанлик – шубҳаланиш* | *Ўзига ишонч – ишонмаслик* | *Мустақиллик – тобелик* | *Ўзини назорат қилиш* | *Қўзғалувчанлик, зўриқиш-бўшашиш* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Мулоқотга мойиллик | 1 | 0,672** | 0,470** | 0,486** | 0,525** | 0,642** | -0,431** | 0,309** | 0,411** | 0,338** |
| Ҳиссий барқарорлик-беқарорлик. | | 1 | 0,406** | 0,409** | 0,352** | 0,556** | -0,326** | 0,165 | 0,334** | 0,216 |
| Ҳукмронликка интилиш-тобелик | | | 1 | 0,580** | 0,568** | 0,459** | -0,434** | 0,469** | 0,575** | 0,593** |
| Ижтимоий етуклик, онглилик. | | | | 1 | 0,621** | 0,395** | -0,425** | 0,336** | 0,764** | 0,598** |
| Ижтимоий мардлик (дадиллик-тортинчоқлик). | | | | | 1 | 0,406** | -0,602** | 0,399** | 0,545** | 0,551** |
| Ишонувчанлик – шубҳаланиш. | | | | | | 1 | -0,349** | 0,093 | 0,452** | 0,314** |
| Ўзига ишонч – ишонмаслик. | | | | | | | 1 | -0,408** | -0,467** | -0,449** |
| Мустақиллик – тобелик. | | | | | | | | 1 | 0,318** | 0,320** |
| Ўзини назорат қилиш | | | | | | | | | 1 | 0,688** |
| Қўзғалувчанлик, зўриқиш-бўшашиш | | | | | | | | | 0, | 1 |

Изоҳ:* p<0,05; ** p<0,01

Жадвалдаги эмпирик кўрсаткичлар педагог шахслик қирраларини уларнинг имижи шаклланиши учун ўзаро гармонияга эгами ёки йўқ деган саволга жавоб топиш имкониятини беради. Бунинг учун тадқиқот объектларининг умумий ва гендер хусусиятларига кўра таҳлилини амалга оширишни лозим топдик. Бу қайсидир маънода педагогик имиж шаклланишида педагог шахснинг гендер хусусиятлари ўртасида

тафовутлар акс этадиган бўлса, улар юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўришга эътибор қаратишга олиб келади.

Жадвалдаги корреляция кўрсаткичлари (умумий ҳолат бўйича) педагог шахсининг ифодаловчи факторлар ўртасида ижобий корреляция муносабатлари анчагина самарали кузатилмоқда. Шунга кўра бугунги кунда педагогнинг шахслик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро ички алоқадорлик қандай шаклланганлигини корреляция таҳлилига кўра ижобий кўриниш олмоқда.

Педагогларнинг “мулоқотга мойиллик” хусусияти “ўзига ишонч” (r=-0,431; p≤0,01)билан салбий корреляцияга эга бўлди. Бу эса педагогнинг ўртача қийматларида ҳам изоҳланган эди. Уларнинг мулоқотга мойиллик даражаси етарли, аммо уларда ўзини камситишга мойиллик бўлмаса-да, лекин бир мунча юқори даражадаги тез хафа бўлиш, таъсирчанликнинг борлиги салбий корреляцияга сабаб бўлган бўлиши мумкин. Бу эса уларнинг касбий фаолиятда мулоқотга мойилликда ўзига бўлган ишончини янада юқорироқ камол топтиришга зарурат туғдиради.

“Мулоқотга мойиллик” омили “ҳиссий барқарорлик-беқарорлик”, “ҳукмронликка интилиш-тобелик”, “ижтимоий етуклик, онглилик”, “ижтимоий мардлик (дадиллик-тортинчоқлик”, “ишонувчанлик – шубҳаланиш”, “мустақиллик – тобелик”, “ўзини назорат қилиш”, “қўзғалувчанлик, зўриқиш-бўшашиш” факторлари билан ижобий корреляцига эга.

Корреляция таҳлил билан боғлиқ эмпирик кўрсаткичларда кўпинча ижобий муносабатларга кўпроқ урғу берилиб, уларнинг сабаблари таҳлил қилинади. Тадқиқотдаги олинган эмпирик кўрсаткичлар бўйича корреляциянинг ўзига хос кўриниш олганлиги ижобий корреляциядан кўра салбий боғлиқликларнинг талқинига эътибор қарашга ундамоқда. Шунинг учун факторлар таҳлилида “мулоқотга мойиллик” омилидан ташқари ҳам барча омиллар “ўзига ишонч-ишонмаслик” билан салбий корреляция ҳосил қилган: “ҳиссий барқарорлик-беқарорлик” (r=-0,326; p≤0,01) , “ҳукмронликка интилиш-тобелик” (r=-0,434; p≤0,01), “ижтимоий етуклик, онглилик” (r=-0,425; p≤0,01), “ижтимоий мардлик (дадиллик-тортинчоқлик” (r=-0,602; p≤0,01), “ишонувчанлик – шубҳаланиш” (r=-0,439; p≤0,01), “ўзига ишонч – ишонмаслик” (r=-0,431; p≤0,01), “мустақиллик – тобелик” (r=-0,431; p≤0,01), “ўзини назорат қилиш” (r=-0,467; p≤0,01),, “қўзғалувчанлик, зўриқиш-бўшашиш” (r=-0,449; p≤0,01).

Ушбу ҳолатлардан кўринадики, бугунги кун педагоги имижини тўлақонли шакклланишида уларнинг ўзига бўлган ишончини ўстириш муҳим экан. Ўзига бўлган ишончни ижобий мақсадга йўналтиргандаги шахс ҳам касбий самарадорликни таъминлайди. Акс ҳолда педагог

фаолияти учун салбий кўрсаткичларга сабаб бўлиши мумкин. Айни ҳолдаги ўзига ишонч даражаси мақбулдир, аммо бошқа шахс сифатлари билан гармониясини таъминлаш керак.

Агар улардаги ўзига ишончни қатъий ўзларига ишонч, ўзларини "ўздан" чиқиш ҳолатига олиб келиш қийинликни таъминлаши, атрофдагилар ва ҳамкасблари таъсирига берилмасликлари, оқибатда уларга ёқмай қолишларига сабаб бўлиши, ҳаддан ташқари ўзига ишониш ва таъсирга берилмаслик, уларнинг фаолияти учун мақсадга мувофиқ кўриниш олиши мумкин. Айни дамда педагог имижи учун ўзига ишончга бошқа шахсий сифатларни мувофиқлаштириш керак экан.

Педагогик имижни тавсифловчи шахслилик сифатларининг навбатдаги корреляция бўйича таҳлилини педагогларнинг гендер хусусиятларига кўра амалга оширишни лозим топдик. Навбатдаги 2-жадвалда педагог аёлларнинг кўрсаткичларининг корреляцияси акс этган.

2-жадвал

Ўқитувчи имижини тавсифлдовчи шахслик хусусиятлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик
(педагог аёллар кўрсаткичлари бўйича)

| **Факторлар** | *Мулоқотга мойиллик* | *Ҳиссий барқарорлик-беқарорлик* | *Ҳукмронликка интилиш-тобелик* | *Ижтимоий етуклик, онглилик* | *Ижтимоий мардлик (дадиллик-тортинчоқлик)* | *Ишонувчанлик – шубҳаланиш* | *Ўзига ишонч – ишонмаслик* | *Мустақиллик – тобелик* | *Ўзини назорат қилиш* | *Қўзғалувчанлик, зўриқиш-бўшашиш* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| *Мулоқотга мойиллик.* | 1 | 0,586** | 0,443** | 0,588** | 0,593** | 0,528** | -0,374** | 0,283 | 0,528** | 0,478** |
| *Ҳиссий барқарорлик-беқарорлик.* | | 1 | 0,487** | 0,515** | 0,235 | 0,417** | -0,304* | 0,222 | 0,450** | 0,301* |
| *Ҳукмронликка интилиш-тобелик* | | | 1 | 0,553** | 0,350* | 0,326* | -0,261 | 0,315* | 0,513** | 0,442** |
| *Ижтимоий етуклик, онглилик.* | | | | 1 | 0,524** | 0,592** | -0,331* | 0,157 | 0,728** | 0,449** |
| *Ижтимоий мардлик (дадиллик-тортинчоқлик).* | | | | | 1 | 0,331* | -0,530** | 0,249 | 0,356* | 0,483** |
| *Ишонувчанлик – шубҳаланиш.* | | | | | | 1 | -0,310* | 0,048 | 0,601** | 0,376** |
| *Ўзига ишонч – ишонмаслик.* | | | | | | | 1 | -0,311* | -0,329* | -0,288* |
| *Мустақиллик – тобелик.* | | | | | | | | 1 | 0,001 | 0,000 |
| *Ўзини назорат қилиш* | | | | | | | | | 1 | 0,530** |
| *Қўзғалувчанлик, зўриқиш-бўшашиш* | | | | | | | | | | 1 |

Педагог аёллар шахси хусусиятларининг корреляция кўрсаткичларида педагогларнинг умумий натижаларига хос анъанани ўзида акс эттирди. Бу эса педагог аёллар ҳам шахс, ҳам касбий жиҳатдан умумий педагоглар фаолиятини аъзоси эканлигини ўзида акс эттира олган.

Уларда ҳам "ўзига ишонч-ишонмаслик" фактори педагог шахс хусусиятларини ифодаловчи барча факторлар билан, яъни "мулоқотга мойиллик" барқарорлик-беқарорлик", "ҳукмронликка

интилиш-тобелик", "ижтимоий етуклик, онглилик", "ижтимоий мардлик (дадиллик-тортинчоқлик", "ишонувчанлик – шубҳаланиш", "мустақиллик – тобелик", "ўзини назорат қилиш", "қўзғалувчанлик, зўриқиш-бўшашиш" факторлари билан салбий корреляцияга эга.

Шунинг учун факторлар билан "ўзига ишонч-ишонмасликнинг салбий корреляцияси қуйидагича ифодага эга: "мулоқотга мойиллик" ($r=-0,374$; $p \leq 0,01$ "ҳиссий барқарорлик-беқарорлик" ($r=-0,304$; $p \leq 0,01$) , "ҳукмронликка интилиш-тобели" ($r=-0,261$; $p \leq 0,01$), "ижтимоий етуклик, онглилик" ($r=-0,331$; $p \leq 0,01$), "ижтимоий мардлик (дадиллик-тортинчоқлик" ($r=-0,602$; $p \leq 0,01$), "ишонувчанлик – шубҳаланиш" ($r=-0,530$; $p \leq 0,01$), "мустақиллик – тобелик" ($r=-0,311$; $p \leq 0,01$), "ўзини назорат қилиш" ($r=-0,329$; $p \leq 0,01$), "қўзғалувчанлик, зўриқиш-бўшашиш" ($r=-0,288$; $p \leq 0,01$).

Педагог аёлларнинг натижалар таҳлилини ҳам умумий педагоглар шахс хусусиятларини ифодаловчи корреляцияга хос муносабатни ифодалаймиз. Натижалардан кўринадики, бугунги кун педагоги имижини тўлақонли шаклланишида уларнинг ўзига бўлган ишончини ўстириш муҳим экан. Ўзига бўлган ишончни ижобий мақсадга йўналтиргандаги шахс ҳам касбий самарадорликни таъминлайди. Акс ҳолда педагог фаолияти учун салбий кўрсаткичларга сабаб бўлиши мумкин. Айни ҳолдаги ўзига ишонч даражаси мақбулдир, аммо бошқа шахс сифатлари билан гармониясини таъминлаш лозим.

Навбатдаги эмпирик кўрсаткичлар таҳлилини педагог эркаклар натижалари орасидаги корреляцияга бағишлаймиз. Бу эса қуйидаги муносабатларни ўзида акс эттирмоқда (навбатдаги 3-жадвал ).

3-жадвал

Ўқитувчи имижини тавсифловчи шахслик хусусиятлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик
(педагог эркаклар кўрсаткичлари бўйича)

| **Факторлар** | *Мулоқотга мойиллик* | *Ҳиссий барқарорлик-беқарорлик* | *Ҳукмронликка интилиш-тобелик* | *Ижтимоий етуклик, онглилик* | *Ижтимоий мардлик (дадиллик-тортинчоқлик)* | *Ишонувчанлик – шубҳаланиш* | *Ўзига ишонч – ишонмаслик* | *Мустақиллик – тобелик* | *Ўзини назорат қилиш* | *Қўзғалувчанлик, зўриқиш-бўшашиш* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Мулоқотга мойиллик. | 1 | 0,743** | 0,547** | 0,504** | 0,522** | 0,741** | -0,572** | 0,350 | 0,486** | 0,411* |
| Ҳиссий барқарорлик-беқарорлик. | | 1 | 0,399* | 0,364* | 0,482** | 0,702** | -0,395* | 0,127 | 0,335 | 0,256 |
| Ҳукмронликка интилиш-тобелик | | | 1 | 0,596** | 0,699** | 0,554** | -0,627** | 0,576** | 0,613** | 0,702** |
| Ижтимоий етуклик, онглилик. | | | | 1 | 0,699** | 0,245 | -0,545** | 0,485** | 0,785** | 0,720** |
| Ижтимоий мардлик (дадиллик-тортинчоқлик). | | | | | 1 | 0,459** | -0,708** | 0,503** | 0,694** | 0,625** |
| Ишонувчанлик – шубҳаланиш. | | | | | | 1 | -0,410* | 0,126 | 0,373* | 0,298 |
| Ўзига ишонч – ишонмаслик. | | | | | | | 1 | -0,533** | -0,639** | -0,666** |
| Мустақиллик – тобелик. | | | | | | | | 1 | 0,572** | 0,603** |
| Ўзини назорат қилиш | | | | | | | | | 1 | 0,777** |
| Қўзғалувчанлик, зўриқиш-бўшашиш | | | | | | | | | | 1 |

Педагогларнинг умумий натижалари ва педагог аёлларнинг шахси хусусиятлари сингари педагог эркаклар шахс хусусиятлари қийматлари

корреляцияси ўзаро мос кўриниш олганлиги 3-жадвалдаги ҳолатларда ҳам кузатилди.

Эркак педагогларнинг ҳам “ўзига ишонч-ишонмаслик” фактори педагог шахс хусусиятларини ифодаловчи барча факторлар билан, яъни “мулоқотга мойиллик” барқарорлик-беқарорлик”, “ҳукмронликка интилиш-тобелик”, “ижтимоий етуклик, онглилик”, “ижтимоий мардлик (дадиллик-тортинчоқлик”, “ишонувчанлик – шубҳаланиш”, “мустақиллик – тобелик”, “ўзини назорат қилиш”, “қўзғалувчанлик, зўриқиш-бўшашиш” факторлари билан салбий корреляция аниқлади.

Эркак педагогларнинг “ўзига ишонч-ишонмаслик” фактори кўрсаткичлари бошқа факторлар билан қуйидагича корреляцияга эга: “мулоқотга мойиллик” ($r=-0,572$; $p\leq0,01$ “ҳиссий барқарорлик-беқарорлик” ($r=-0,395$; $p\leq0,01$), “ҳукмронликка интилиш-тобелик” ($r=-0,627$; $p\leq0,01$), “ижтимоий етуклик, онглилик” ($r=-0,545$; $p\leq0,01$), “ижтимоий мардлик (дадиллик-тортинчоқлик” ($r=-0,708$; $p\leq0,01$), “ишонувчанлик – шубҳаланиш” ($r=-0,410$; $p\leq0,01$), “мустақиллик – тобелик” ($r=-0,533$; $p\leq0,01$), “ўзини назорат қилиш” ($r=-0,639$; $p\leq0,01$),, “қўзғалувчанлик, зўриқиш-бўшашиш” ($r=-0,666$; $p\leq0,01$).

Педагог эркакларнинг натижалар таҳлилини ҳам умумий педагоглар ва педагог аёллар шахс хусусиятларини ифодаловчи корреляцияга хос муносабатни ифодалаймиз. Натижалардан кўринадики, бугунги кун педагоги имижини тўлақонли шаклланишида уларнинг ўзига бўлган ишончини ўстириш муҳим экан. Ўзига бўлган ишончни ижобий мақсадга йўналтиргандаги шахс ҳам касбий самарадорликни таъминлайди. Акс ҳолда педагог фаолияти учун салбий кўрсаткичларга сабаб бўлиши мумкин. Айни ҳолдаги ўзига ишонч даражаси мақбулдир, аммо бошқа шахс сифатлари билан гармониясини таъминлаш лозим.

Бугунги кунда олий таълимда ривожланган педагогик воқеликлар олий таълим педагогининг қўшимча касбий тайёргарлигини замон талабларига мос равишда амалга ошириш зарурлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жўраева С.Н. Ўқитувчининг малака ва касбий компитенциясини баҳолаш/ Монография.Наврўз нашриёти 2018.-144б.

2. Жўраева, Соҳибжамол Норқобиловна. «Ўқиш фаолияти талаба психик жараёнларининг ривожланишига таъсири.» Academic research in educational sciences 2.10 (2021): 1219-1230.

3. Жўраева, С. Н., Салим Қудратович Жумаев. «Ҳарбий хизматчиларининг психологик тайёргарлигини такомиллаштириш мезонлари.» Academic research in educational sciences 2.11 (2021): 1416-1426.

4. Djuraeva, S. N. «Specifity and Features of Application Modern Innovative Technologies Training to Higher Education.» Eastern European Scientific Journal 4 (2018): 136-139.

5. Abdullaeva, S. H. «Shaping to emotional stability future teachers of the professional education.» Medical sciences (2014): 23.

# ZAIF ESHITUVCHI O‘SPIRINLARNING IJTIMOIY INTELLEKT DINAMIKASI

https://doi.org/10.53885/edinres.2022.9.09.046

*Ravshanova Xanifa Akmalovna,*
*Chirchiq davlat pedagogika universiteti Pedagogika va psixologiya mutaxassisligi 2 bosqich magistranti.*

*Avlayev Orif Umirovich,*
*CHDPU Psixologiya kafedrasi dotsenti, psixologiya fanlari nomzodi.*

*Annotatsiya. Ushbu maqola zaif eshituvchi o‘spirinlarning ijtimoiy intellekt dinamikasini o’rganishga bag’ishlangan. Shuningdek, sotsial intellekt haqida olimlar fikr mulohazalari keltirilgan. Tajribada zaif eshituvchi o‘spirinlarning ijtimoiy intellektining umumiy holatini o‘rganishga erishilgan. Zaif eshituvchi o‘spirinlarning ijtimoiy intellekti dinamikasini o‘rganish natijalariga ko‘ra o‘quvchilardagi tafovutli holatlar o‘rganilayotgan muammo bo‘yicha doimiy ravishda shaxs kamolotining har bir darajasida o‘ziga xos ijobiy ahamiyatli sifatlar kuzatilishi aniqlandi. Shuningdek me’yorda eshituvchilar o‘smirlar bilan zaif eshituvchi o‘spirinlarni ijtimoiy intellekti komponentlarini qiyosiy o‘rganilgan. Empirik natijalar o‘zaro darajalar bo‘yicha qiyosiy talqin etilgan.*

*Kalit so‘zlar. Zaif eshituvchi o‘spirin, me’yorda eshituvchi o‘spirin, ijtimoiy intellekt. abstrakt intellect, umumiy intellekt, verbal, noverbal, muloqot, shaxslararo o‘zaro ta’sirlashuv.*

# ДИНАМИКА СОЦИАЛЬНОГО ИНТЕЛЛЕКТА СЛАБОСЛЫШАЩИХ ПОДРОСТКОВ

*Равшанова Ханифа Акмаловна,*
*магистрант 2 курса по специальности психология, Чирчикский государственного педагогического университета*

*Авлаев Ориф Умирович,*
*доцент кафедры «Психология», ЧГПУ, кандидат психологических наук*

*Аннотация. Данная статья посвящена изучению динамики социального интеллекта слабослышащих подростков. Также представлены отзывы ученых о социальном интеллекте. В эксперименте удалось изучить общее состояние социального интеллекта слабослышащих подростков. По результатам исследования динамики социального интеллекта слабослышащих подростков было установлено,*

*что дисперсионные состояния у воспитанников по исследуемой проблеме постоянно сопровождаются определенными положительно значимыми качествами на каждом уровне зрелости личности. Также в норме изучались компоненты социального интеллекта слабослышащих подростков по сравнению со слабослышащими подростками. Эмпирические результаты были интерпретированы сравнительно по взаимным степеням.*

*Ключевые слова. Слабослышащий подросток, умеренно слышащий подросток, социальный интеллект. абстрактный интеллект, общий интеллект, вербальный, невербальный, коммуникативный, межличностное взаимодействие.*

## DYNAMICS OF SOCIAL INTELLIGENCE OF HEARING-IMPAIRED ADOLESCENTS

*Ravshanova Hanifa Akmalovna,*
*2nd year master's student in Psychology of the Chirchik State Pedagogical University*

*Avlaev Orif Amirovich,*
*Associate Professor of the Department of Psychology of ChSPU, Candidate of Psychological Sciences*

*Annotation. This article is devoted to the study of the dynamics of social intelligence of hearing-impaired adolescents. The reviews of scientists on social intelligence are also presented. In the experiment, it was possible to study the general state of the social intelligence of hearing-impaired adolescents. According to the results of the study of the dynamics of social intelligence of hearing-impaired adolescents, it was found that the dispersion states of pupils on the studied problem are constantly accompanied by certain positively significant qualities at each level of personality maturity. Also, the components of the social intelligence of hearing-impaired adolescents compared with hearing-impaired adolescents were studied normally. The empirical results were interpreted comparatively by mutual degrees.*

*Keywords. Hearing impaired teenager, moderately hearing teenager, social intelligence. abstract intelligence, general intelligence, verbal, nonverbal, communicative, interpersonal interaction*

Shaxs faoliyatida "ijtimoiy inellekt"ni ahamiyati katta hisoblanadi. Har bir shaxs ijtimoiy munosabatlarga moslashuvchan, boshqalarning kechinmalarini his eta oladigan, ularga o'z ta'sirini o'tkazuvchi, munosabatlarga kirishimli, o'z xatti-harakatlarini boshqalarga moslashtira oladigan bo'lishini ham

taqozo etishi masalasi koʻndalang boʻlib qoldi.

"Ijtimoiy intellekt" tushunchasini birinchi marta 1920 yilda E.Torndayk psixologiya fanida qoʻllagan. U bu tushuncha yordamida shaxslararo munosabatlarni oldindan koʻra bilishlikni tasvirlaydi va uni insonlar oʻrtasidagi munosabatlarga davr nuqtai nazari bilan yondashishni qiyoslaydi. E.Torndaykning ta'kidilashiga koʻra, intellektning quyidagi turilari mavjud: abstrakt intellekt - bu abstrakt, verbal va matematik belgilarni tushunish va ularning yordami bilan turli aqliy harakatlarni amalga oshirish qobiliyatidir, ijtimoiy intellekt- odamlarni tushunish va ular bilan munosabatlarga kirishish qobiliyatidir[1-4].

1937 yili G.Ollport ijtimoiy intellektni odamlarni toʻgʻri baholay bilish, ularning hulqini toʻgʻri bashorat qilish va shundan kelib chiqqan xolda ular bilan munosabatga kirishish qobiliyati deb tavsiflaydi. U boshqa odamlarni yaxshi tushunishni ta'minlovchi bir qator sifatlarni ajratib koʻrsatgan: bu sifatlar tarkibiga ijtimoiy intellekt aloxida qobiliyat sifatida kiritilgan. 1960 yillarda ijtimoiy bilish va kommunikativ kompetentlikka oid ishlar paydo boʻla boshladi. Shu yillarda umumiy persepsiya muammosiga odamlarning bir-birlarini tushunishlariga katta etibor qaratilgan va xosil boʻlgan ijtimoiy intellektning tabiati va tarkibi toʻgʻrisidagi konseptual tasavvurlar asosida uni oʻrganishning metodik apparatini yaratishga uringanlar.

Ijtimoiy intellektni oʻlchashga moʻljallangan birinchi ishonchli testni yaratgan Dj.Gilford uni umumiy intellekt omilidan mustasno boʻlgan va eng avvalo hulq-atvorga oid boʻlgan axborotlarni tushunishi bilan bogʻliq boʻlgan intellektual qobiliyatlar tizimi sifatida oʻrgangan.

80-yillarda D.Kiting tomonidan yaratilgan testlar ahloqiy yoki odob bilan fikrlashni baholashga moʻljallangan edi. M.Ford va M. Tisak intellektni baholashning negizida muammoli holatlarning toʻgʻri yechimini topish yotishini ta'kidlaydilar. Ular ijtimoiy intellekt axborotlarni qayta ishlash bilan bogʻliq boʻlgan mental qobiliyatlarning aniq va mutanosib guruhini oʻz ichiga olishini koʻrsata bildilar. Bu qobiliyat guruxi esa oʻz oʻrnida "formal" tafakkur asosini tashkil qiluvchi va "akademik" intellekt testlari bilan tekshiriluvchi qobiliyatlardan tubdan farq qiladi.

N.Kentor ijtimoiy intellektni odamlardagi hayotida boʻlayotgan xodisalarni avvaldan koʻra bilish va ulardan unumli foydalanish imkoniyatini beradigan kognitiv kompetentlikka tenglashtiradi.

Aynan ijtimoiy intellektni tashkil etuvchi xodisalar va ularni talqin qilish insonlarni kelajakdagi xodisalarga avvaldan tayyor turishlariga yordam beradi. Amaliy masalalarni hal qila olish qobiliyati, verbal va ijtimoiy kompetentlik ijtimoiy intellektning tarkibini tashkil etuvchi asosiy komponentlar hisoblanadi.

Ijtimoiy intellekt toʻgʻrisida oddiy odamlar qanday tasavvurga ega

ekanliklarini tushunish maqsadida R. Shternberg (1981) tadqiqot o‘tkazgan va natijada insonlar umumiy intellekt tushunchasiga quyidagilarni kiritishlarini ko‘rsatib o‘tgan:

1. Amaliy masalalarni hal qilish qobiliyati. Odam mantiqiy fikr yuritadi, muammoning barcha tomonlarini ko‘ra biladi; to‘g‘ri yechimga kela oladi, zarur axborotlarning original manbalariga murojaat etadi; barcha dalillarni eshitadi.

2. Verbal qobiliyat. Aniq va ravon tilda gapiradi; o‘qiganini yaxshi tushunish, lug‘at boyligi kuchli va yaxshi; yozma nutqida muammolarga duch kelmaydi; odamlar bilan oson va samimiy muomalaga kirishadi va xokazo.

3. Ijtimoiy kompetentlik. Boshqa odamlarni qanday bo‘lsalar, shundayligicha qabul qiladi; uchrashuvlarga kechikmaydi; to‘g‘ri xulosa va qarorlarga kela oladi; boshqalarning xohish va extiyojlarini seza biladi; qiziquvchan va hokazo.

G. Ayzenk ta’kidlaganidek, ijtimoiy intellekt - bu shaxsning uning ijtimoiylashuv jarayonida shakllanadigan, ijtimoiy-madaniy sharoitlar ta’siri ostida shakllanadigan ongidir [6].

Bizning fikrimizcha, J.Gilford tomonidan ishlab chiqilgan ijtimoiy intellekt tushunchasi diqqat e’tiboriga loyiqdir. U birinchi bo‘lib umumiy intellekt omiliga bog‘liq bo‘lmagan intellektual qobiliyatlar tizimi sifatida ko‘rib chiqadigan ijtimoiy intellektni o‘lchash uchun ishonchli sinovni ishlab chiqdi. J.Gilford tuzilishining umumiy modelidan kelib chiqqan ijtimoiy intellektni o‘lchash imkoniyati [10]. Ijtimoiy intellekt, umumiy intellektual qobiliyatlar singari, uchta o‘zgaruvchiga ega bo‘lgan sohada tavsiflanishi mumkin: tarkib, operatsiyalar, natijalar. J. Gilford bitta operatsiyani - bilimni ajratib ko‘rsatdi va tadqiqotlarini xulq-atvorni anglashga qaratdi. Ushbu qobiliyat oltita omilni o‘z ichiga oladi:

1. Xatti-harakatlarning elementlarini anglash - xatti-harakatlarning og‘zaki va og‘zaki bo‘lmagan ifodasini kontekstdan ajratish qobiliyati (Geshtalt psixologiyasida «fonni» tanlashga yaqin qobiliyat).

2. Xulq-atvor sinflarini anglash - xatti-harakatlar to‘g‘risidagi ekspressiv yoki situatsion ma’lumotlar oqimida umumiy xususiyatlarni bilish qobiliyati.

3. Xulq-atvor munosabatlarini anglash - xulq-atvor to‘g‘risidagi ma’lumotlar elementlari o‘rtasida mavjud bo‘lgan munosabatlarni tushunish qobiliyati.

4. Xulq-atvor tizimlarini anglash - insonning o‘zaro ta’sirining integral holatlari rivojlanishining mantig‘ini, ushbu vaziyatlarda ularning xatti-harakatlarining ma’nosini tushunish qobiliyati.

5. Xulq-atvor o‘zgarishlarini anglash - turli xil vaziyatlarda o‘xshash xatti-harakatlar (og‘zaki yoki og‘zaki bo‘lmagan) ma’nolaridagi o‘zgarishlarni tushunish qobiliyati.

6. Xulq natijalarini bilish - mavjud ma’lumotlarga asoslanib xatti-harakatlarning oqibatlarini oldindan bilish qobiliyati. [10]

Amerikaning taniqli psixologi R. Stenbergning fikrlari qiziq nuqta bo‘lib, ular tadqiqotni haqiqiy hayotga yaqinlashtirishning o‘rniga, sun’iy konstruksiyalar yordamida intellektni o‘lchashga harakat qilishlarini ta’kidladilar. Muallif nuqtai nazaridan, ijtimoiy intellekt - bu atrofdagi odamlar bilan muloqotda o‘zini namoyon qiladigan intellektdir [7].

Kar bolalar va o’smirlarning intellektual rivojlanishining turli jihatlari zamonaviy rus va xorijiy psixologiyada o’rganiladi (T.G. Bogdanova, T. A. Grigorieva, I.M Solovyov, T.V. Rozanova, N.V.Lshkova, W.Frohn, H. G. Furth, M.Marschark, H.R.Myklebust, P.Oleron, J.Rosenstein, M Templrn va boshqalar) [7,8].

Bir vaqtning o’zida L.S.Vigotskiy tomonidan qo’yilgan aql va nutqning rivojlanishini tartibga soluvchi qonuniyatlarning o’zaro bog’liqligi masalasi hozirgi zamonda ham o’z ahamiyatini yo’qotmagan. Ushbu muammoni o’rganishda faoliyatga asoslangan yondashuvni amalga oshirish taqazo etadi.

Maxsus psixologiya eshitish qobiliyati zaif bolalarning fikrlash rivojlanishining nutqning ma’lum funktsiyalariga, xususan, aqliy faoliyatni tartibga solish uchun mas’ul bo’lganlarga bog’liqligini ochib beradi.

Tadqiqot natijalari

Bizning o‘z tadqiqotlarimizda ijtimoiy inellektga alohida e’tibor berishimizga sabab bo‘lgan tomoni o‘tgan asrning oxirlarida insonning hayot faoliyati uchun faqat aqliy intellektning o‘sishi o‘zi yetarli emasligi borasidagi fikrlarning paydo bo‘lganligi, bugungi kunda har bir o‘spirin shaxslararo munosabatda sub’ekt bo‘libgina qolmay, u ijtimoiy munosabatlarga moslashuvchan, boshqalarning kechinmalarini his eta oladigan, ularga o‘z ta’sirini o‘tkazuvchi, munosabatlarga kirishimli, o‘z xatti-harakatlarini boshqalarga moslashtira oladigan shaxs bo‘lishini ham taqozo etishi masalasi ko‘ndalang bo‘lib qoldi. Intellekt turlari ko‘p bo‘lib, ular o‘zlarini har xil ko‘rinishda namoyon etadi. Aksincha IQ koeffitsienti yuqori bo‘lgan inson umumiy mazmunda mutlaqo talabga javob bermasligi yoki ijtimoiy jihatdan yetuk bo‘lmasligi mumkin. Biz shuni hisobga olgan holda zaif eshituvchi o‘spirinlarning intellekti diagnostikasi muammosini ikki jabhadan o‘rganish masalasiga e’tibor qaratdik. O‘spirinning umumiy (aqliy) intellekti va boshqa intellektga mos tarzda ijtimoiy intellektini ham diagnostika qilamiz va uning dinamikasiga ham e’tibor qaratamiz.

Ijtimoiy intellektni o‘rganishning tadqiqot metodikalarini umumiy sharhi xususida o‘tgan paragrafda aniqlik kiritib o‘tib ketdik. Shu sababli bevosita tadqiqot natijalari sharhiga murojaat etaylik. O‘spirinlardagi ijtimoiy intellektni o‘rganishda Dj.Gilford metodikasidan foydalanar ekanmiz, uning tarkibidagi subtestlar shaxs umumiy intellektini qirralarini yoritishga

xizmat qiladi. Umumiy intellekt tushunchasining mazmuni va metodikaning xususiyatidan kelib chiqadigan bo‘lsak, zaif eshituvchi o‘spirinlarning muloqotda va ijtimoiy sharoitga moslashuvchanlikka qobiliyatliligi hamda insonlarni idrok etish, ular bilan muloqatga kirishimliligidagi integrallashgan intellektual qobiliyati o‘rtachadan past darajali qiymatni ifodalamoqda. Bundan ko‘rinadiki, zaif eshituvchi o‘spirinlar ta’lim jarayonida umumiy (81,24±11,73) va ijtimoiy intellektni rivojlantirish masalasiga doimo e’tibor qaratishlari lozim bo‘ladi. Ularni o‘qish va tugarak ishlarida ko‘proq jalb etilishi lozim. Bu esa ularning qiziqishi yanada mustahkamlanadi, yanada aniq, barqaror bo‘lib qoladi. Ularning umumiy intellekti (IQ) darajasi o‘rtachadan past bo‘lgani singari. Ijtimoiy intellektni ifodalovchi mezonlardan “Muloqot ishtirokchisining hissiyoti, fikri va niyatlarini tushunish” bo‘yicha (2,20±0,58) o‘rtacha darajadan past, tengdosh(me’yorda eshituvchi)larida esa, (3,20±0,61)ni namoyon etdi. Bu esa zaif eshituvchi o‘spirinlarning odamlar bilan munosabatni oldindan prognozlashni, voqea-hodisalarning borishini taxminlashga layoqatlari bor, ammo uni rivojlantirish lozim degan xulosani beradi. Agar zaif eshituvchi o‘spirinlarda ushbu subtestni yuqori darajada yechish qobiliyati bo‘lganda, notanish kishilarni fotosuratiga qaraboq, uning kimligi, shaxsi haqida batafsil tavsif bera olardilar. Ammo, tengdosh(me’yorda eshituvchi)larda esa ijtimoiy intellektining bu jabhasi o‘rtachadan yuqoriroq kamol topgan.

